

84(5Курф)
А39 аб
408026



Эрта қайтган турналар

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ



Эрта қайтган турналар

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ



Тошкент 2016

УЎК: 821.512.154-3

КБК: 84(5Кир)

А – 39

Айтматов, Чингиз

Эрта қайтган турналар: қиссалар ва ҳикоялар / Чингиз Айтматов. Рус тилидан Асил Рашидов таржимаси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 432 б.

ISBN 978-9943-27-655-0

«Туркий дунё Алишер Навоидан қарийб 500 йил кейин адабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди», – деган фикрни бугун бирор бир адабиёт ихлосманди инкор этмайди.

Асарлари дунёнинг 180 тилига таржима қилинган ва турли миллат вакиллари инсонни улуғлашга чорловчи қадриятлар атрофида бирлаштирган ёзувчи ижодига китобхон халқи қайта ва қайта мурожаат қилаверади.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган навбатдаги китобга биз адибнинг «Биринчи муаллим», «Эрта қайтган турналар», «Юзма-юз» қиссалари ҳамда «Байдамтол соҳилларида», «Оқ ёмғир» ҳикояларини жамладик.

Асарлардаги қаҳрамонлар тақдири бир-биридан чигал, бир-биридан зиддиятли, айна пайтда китобхон уларнинг ҳеч қайсига бефарқ қаролмайди: худдики, Олтиной ҳам, Дуйшен ҳам, Султонмурот ҳам, Саида ҳам бизнинг ёнимизда яшаётгандек...

Жаҳон китобхонларининг эътирофига сазовор бўлган асарлар мутолааси қалбингизда янги дунёларни очишига ишончимиз комил.

УЎК: 821.512.154-3

КБК: 84(5Кир)

Рус тилидан
Асил РАШИДОВ
таржимаси

ISBN 978-9943-27-655-0

© Чингиз Айтматов, «Эрта қайтган турналар». «Янги аср авлоди», 2016.

БИРИНЧИ МУАЛЛИМ¹

Деразаларни ланг очаман. Хонага соф ҳаво оқими кириб келади. Ғира-шира тонг ота бошлаган. Одатим бўйича хомаки этюдларимни кўздан кечираман. Улар талайгина. Мен уларни бир неча бор қайтадан ишлаганман. Бироқ сурат ҳақида тўлиқ ҳукм чиқаришга ҳали эрта. Нималар бўляпти ўзи? Ҳали калаванинг учини топганимча йўқ. Тонгги ёз ёғдусини тутиб бўлмаганидек, тутқич бермай тобора зўрайиб бораётган дил розини ҳам тутиб, тушунтириб бўлмасди. Тонг сукуна-тида юриб ўйлайман, ўйлайман, ўйлайман. Ҳар сафар шу такрор бўлади. Ҳар сафар менинг чизгиларим ҳали шунчаки кўнгилга тугиб қўйилган бир орзу-ният эканлигига ишонч ҳосил қиламан.

Ҳали тугалланмаган нарса ҳақида ҳатто яқин дўстларимга ҳам элдан бурун сўз очишни хуш кўрмайман. Бу менинг ўз ишимга ўта куюнчаклик билан ёндашаётганим белгиси эмас, бешиқдаги гўдакнинг ким бўлиб вояга етишини олдиндан айтиш мушкул бир иш бўл-

¹ Ҳурматли, ўқувчи! Чингиз Айтматовнинг «Биринчи муаллим» қиссаси илк бора 1961 йилда «Ала-Тоо» журналида қирғиз тилида эълон қилинган эди. Кўп ўтмай, қисса ёзувчи ҳамда таржимон Д. Дмитриеванинг таржимасида «Новый мир» журналида босилди. Жаҳоннинг жуда кўп тилларига таржима қилинди. Энг юксак мукофотларга сазовор бўлди. Тез орада у ўзбек тилида ҳам Зайнаб таржимасида ўқувчилар қўлига теғди. Асарнинг қайта ишлаб тўлдирилган ушбу русча аслияти ҳам Чингиз Айтматов асарларининг моҳир таржимони, устоз муаллим Асил Рашидов томонидан ўзбекчалаштирилди. Бадиий таржима бўстони яна бир мумтоз асар билан бойиди.

ганидек, ёзиб тугалланмаган асар ҳақида ҳам бир нарса дейиш қийин. Аммо бу сафар доимий одатимни тарк этиб, тўғриси айтганда, поёнига етмаган суратим ҳақида гап очиб, одамлар билан фикр алмашсам, деган умиддаман.

Бу, тилга олиб ўтилганидек, инжиқлик ёки бўлмаса ўта талабчанлик аломати эмас, албатта, бундан бошқача йўл ҳам тута олмасдим. Нега деганда, кўпдан бери юрагимга ғулғула солиб, эртаю кеч тинчлик бермай, қўлимга қалам олишга ундаб келаётган бу воқеа менга шунчалик улуғвор туюлар эдики, ёлғиз ўзим унинг удасидан чиқолмаслигимга кўзим етиб, тўлиб турган қадаҳни чайқатиб тўкиб юбормасам, деб кўрқардим. Шу ваздан одамлар худди рассомларнинг дастгоҳи ёнида туриб масалани ҳамжиҳатлик билан ҳал этганларидек, сизлар ҳам менинг ёнимда туриб, гарчи хаёлан бўлса-да, маслаҳат бериб, кўмаклашиб, қувончу ҳаяжонларимни баҳам кўришларингизни истардим.

Қалб кўрингизни дариф тутманг, яқинроқ келинг, бу воқеани сизларга ҳикоя қилиб беришга мажбурман...

* * *

Овулимиз ясси тоғ даралари оралаб шарқираб оқиб келаётган Гуркуров дарёчаси соҳилларида жойлашган. Овулимизнинг пастки қисмида эса то Қоратоғ тизмаларигача қора тасмадек чўзилиб кетган темир йўлнинг иккала томонида Сарикчўл – бепоён қозоқ даштлиги ястаниб ётарди.

Овулимиз тепасидаги адирда иккита улкан терак бўларди. Мен уларни эсимни таниганимдан бери билман. Улар ҳали-ҳамон савлат тўкиб турибди. Қачон қараманг, овулимизга қайси томондан келманг, аввало, кўзингиз ана шу қўш теракка тушади. Улар худди тоғлардаги машғалалар янглиғ кўз ўнгингизда намоён бўлади. Ёшлиқдаги таассуротларимми ёки рассом бўлганимданми, қандай тушунтиришни ҳам билмайман, ҳарқалай, по-

езддан тушиб дашт бўйлаб овулимиз томон борар эканман, биринчи галда, мен учун кадрдон бўлиб қолган ўша тераклар томон сабрсизлик билан кўз ташлайман.

Тераклар қанчалик баланд, қанчалик улуғвор бўлмасин, улар олисдан хиралашиб кўринса-да, бари бир кўз ўнгимда ёрқин гавдаланаётгандай бўларди. Неча бор узоқ ўлкалардан овулимиз Гуркуровга қайтиб келар эканман, ҳар сафар чексиз соғинч билан: «Овулимизга барвақт етиб бориб, тепаликка чиқиб, қўш теракни тезроқ кўрсам, сўнг уларнинг остида узоқ туриб, япроқпарининг шовуллашини завқланиб тингласам», деб ошиқардим.

Овулимизда нима кўп – дарахт кўп. Бироқ бу қўш терак бошқача – улар қачон қараманг, куну тун шохлари чайқалиб, япроқлари титраб, турфа оҳанг таратади. Гоҳида улар кимнидир кўмсаб, соғинч ўтида ёниб, сукут сақлаб, бир зумда жимиб қолгандай, гоҳида тўсатдан бутун танаси билан чайқалиб, бир-биридан мадад олаётгандай гувуллашади. Шитоб билан бостириб келаётган булут ва ёмғир аралаш кучли шамол эса шохларини эгиб, япроқларини узиб ташлаганда тераклар ўчакишгандай тебраниб, баттар гувуллайди.

Кейинчалик, орадан йиллар ўтиб, ёшим улғайгандан сўнг қўш теракларнинг сир-синоатларини англаб етдим. Чор-атрофи яйдоқ тепаликда тургани учун ҳам уларнинг япроқлари қилт этган шамолга дарҳол жавоб қайтарар экан.

Лекин бу оддий ҳақиқат мени ҳозиргача хотирамда муҳрланиб қолган болалик тасаввурларимдан маҳрум этиб, кўнглимни совута олмади. Шунинг учун тепаликдаги бу қўш терак ҳанузга қадар кўз ўнгимда жонли, аллақандай сирли, сеҳрли мавжудотлардай гавдаланади. Мана шу тераклар ёнида ўтган болалигимнинг олтин фасли лаҳзаларини ҳамон қайта-қайта туйгандай бўламан.

Ўқишимиз тугаб, таътилга чиқишимиз биланоқ қуш боласи – палапонларни оламиз деб чувуллашганча ўша

томон югуришиб қолардик. Хуштак чалиб, шитоб билан тепаликка кўтарилганимизда улкан тераклар, ҳар галгидек, у томондан бу томонга тебраниб, турфа оҳангда шовуллаганча меҳрибонлик билан салқин соясига чорлаётгандай туюларди. Биз оёқяланг шумтакалар эса, ўша кезларда, бирин-кетин теракларнинг шох-бутоқларига тирмашиб, қий-чув аралаш, жон-жаҳдимиз билан қушлар оламига ошиқардик. Безовталанган қушлар галаси чирқиллашганча шохдан-шоҳга учиб-қўниб, тепамизда чарх уришарди. Биз синфдошлар эса бунга парво қилмасдан, тиришиб-тирмашганимизча тобора юқорига кўтарилардик. Шунда, ногаҳон, кўз ўнгимизда қуш учадиган баландликдан ҳамма ёқ кафтдагидек кўриниб, ажиб бир янги олам намоён бўларди.

Оламнинг улуғворлиги бизни шу қадар ўзига мафтун этардики, ҳатто шохдан-шоҳга кўтарилаётганимизда нафасимизни ичимизга ютиб, юрагимизни ҳовучлаб, чумчуқ болаларини олмоқчи бўлганимизни ҳам ёдимиздан чиқариб юборар эдик. Каттакон бино деб юрганимиз колхоз ошхонаси осмону фалакдан шунчаки оддий саройчадек кўринарди. Овулнинг нариги ёғида эса кўриқ ерлар элас-элас ястаниб ётарди. Кўз илғаганча борлиққа суқланиб назар ташлар эканмиз, теграмизда овулимиздан ташқари, ҳали биз кўрмаган ҳадсиз-худудсиз бир олам, кумушдек товланиб оқаётган дарёлар аён кўриниб турарди. Биз бутоқлар орасида беркиниб олиб, дунёнинг нариги чеккаси шуми ёки ундан нарида ҳам шунга ўхшаш еру кўк, даштлигу дарёлар мавжудми, деб хаёл оғушига чўмардик. Шунда шамол эсиб, япроқлар унга жўр бўлишиб, ҳали одам қадами етмаган манзилларда ўзига мафтун этувчи қанчадан-қанча ажойиб ва ғаройиб сирли-сеҳрли ўлкалар ҳам бор, деб жавоб қайтараётгандай шивирлашарди.

Теракларнинг гувуллашию япроқларнинг тинимсиз шовуллашига қулоқ солар эканман, ўзимни дунёнинг на-

риги бурчида қолиб кетаётгандай, қўрқув ва қувончдан юрагим дук-дук уриб, қинидан чиқиб кетгудай сезардим. Лекин бир нарса – «Бу теракларни тепаликка ким ўтқазган ва қандай орзу-ниятлар билан ўстирган?» – ўша кезларда бу ҳақда ўйлаб кўрмаган эканман.

Кўш тераклар қад кўтарган бу тепаликни, негадир, «Дуйшэннинг мактаби» деб айтишарди. Агар бирор кимса от-уловини йўқотиб қўйиб, йўлда келаётган одамдан: «Ҳой биродар, тўриғимни кўрмадингми?» – деб сўраб қолгудай бўлса, кўпинча, «Хув ана, тепаликда, Дуйшэннинг мактаби ёнида йилқилар ўтлаб юришибди. Эҳтимол, ўша ердан топарсан», – деб жавоб қайтаришарди. Биз болакайлар ҳам катталарга тақлид қилиб, «Қани кетдик, Дуйшэннинг мактабига, чумчуқ палапонларини оламиз!» – деб чуғурлашардик.

Айтишларича, қачонлардир бу тепаликда мактаб бўлган экан. Эндиликда эса ундан асар ҳам қолмаган. Болалик хотираларимга суяниб, сўраб-суриштириб, ҳеч бўлмаганда, унинг харобаларини топишга неча бор ҳаракат қилиб кўрганман. Лекин бирор нарса топмаганман. Яйдоқ тепаликни нега «Дуйшэннинг мактаби» дейишлари менга ғалати туюлди ва кейинчалик қариялардан «Дуйшэннинг ўзи ким?» деб суриштираман, улардан бири совуққонлик билан, қўл силтаганча:

– Дуйшэннинг ўзи ким, дейсанми? Ким бўларди. Ҳозир овулимизда яшаб юрган Оқсоқ қўй² Дуйшэн бўлади-да, деб жавоб қайтарарди. – Бунга анча бўлди. Тепаликда кимнингдир ташландиқ саройи бўлиб, Дуйшэн у ерда мактаб очиб, болаларни ўқита бошлайди. Мактаб қаёқда дейсиз, шунчаки номи бор эди. Эҳ, ажиб замонлар эди! Ўшанда отнинг ёлини тутамлаб, оёғи узангига етганлар ўзларини бошлиқ ҳисоблардилар. Дуйшэн ҳам худди шундай билганини қилди. Ҳозир ўша саройчадан нишона ҳам йўқ, қуруқ номи қолган, холос...

² Оқсоқ қўй – уруғнинг номи.

Мен Дуйшэн исмли бу кишини унча яхши билмас эдим. У кексайиб қолган, баланд бўйли, серсавлат, бургут қо-воқли одам эди. Унинг ҳовлиси анҳорнинг нариги томо-нида, иккинчи бригадага қарашли кўчада эди. Мен овул-да юрган кезларимда Дуйшэн колхозда мироблик қилиб, кунини далада ўтказарди. Меҳнатдан қорайиб кетган бу заҳматкаш зот гоҳида катта кетмонини эгарнинг қо-шига танғиб олиб, ўзига ўхшаш қоқ суяк, ингичка оёқли отида кўчамиздан ўтиб қоларди. Кейин кексайиб қолгач, айтишларича, почтачи (хат ташувчи) бўлиб ишлаётган эмиш. Бироқ гап бошқа ёқда. Бу серсоқол, беозор киши-нинг қачонлардир ёш йигит бўлганини, яна ҳайратли томони, етарли хат-саводи бўлмасдан, болаларни қандай ўқитганини ҳечам тасаввур қила олмасдим. Йўқ, бунга ақ-лим бовар қилмасди! Очиғини айтганда, мен буни овулда тарқалган сон-саноксиз эртақлардан бири бўлса керак, деб ўйлардим. Бироқ, кейин билсам, гап ундай эмас экан...

Ўтган йил кузда мен овулимиздан телеграмма ол-дим. Ватандошларим жамоа ўз кучи билан қурган янги мактабнинг тантанали очилиш маросимига таклиф қи-лишибди. Овулимиз учун бундай қувончли кунларда уйда ўтиравермасдан дарҳол тараддудга тушиб, ҳатто бир неча кун олдин манзил сари йўл олган эдим. Шу баҳона атрофни мириқиб томоша қилиб юриб, янги расмлар чизаман, деб ўйлардим. Маълум бўлишича, ма-росимга таклиф қилинганлар академик Сулаймонова-ни кутишаётган экан. Айтишларича, бу ерда у бир-икки кун бўлиб, сўнг Москвага кетар экан.

Эндиликда донг таратган бу аёл болалигида овулимиз-дан чиқиб шаҳарга кетганлигидан хабардорман. Шаҳарда турганимда мен у билан танишиб олган эдим. Тўладан келган, ўқимишли, хушмуомала бу аёл анча ёшларга бо-риб қолган, оқ тушиб қолган қалин сочлари силлиқ тарал-ган эди. Машҳур овулдошимиз университетда кафедрани бошқариб, фалсафа бўйича маърузалар ўқиб, академия-

даги ишлардан ташқари чет элларга ҳам бот-бот бориб турарди. Гапнинг қисқаси, опа иш билан ўта банд бўлганлиги сабабли, у билан яқиндан танишиш менга насиб қилмади. Бироқ ҳар гал биз, қаерда бўлмасин, учрашиб қолганимизда, опа овулдагиларнинг ҳаёти билан яқиндан қизиқар ва жуда қисқа бўлса-да, менинг ишим ҳақида ҳам ўз фикрларини айтарди. Ниҳоят, кунларнинг бирида унга шуни айтишга жазм қилдим:

– Олтиной Сулаймоновна, овулга бориб, юртдошлар билан учрашсангиз яхши бўларди. У ерда ҳамма сизни билади, сиз билан фахрланишади, бироқ билишганда ҳам орқаваротдан билишади, агар улар билан тасодифан учрашиб қолсангиз, машхур олимамиз биздан ўзини четга олади, қадрдон овули Гуркуровга келишни ҳам унутиб қўйган, дейдиганлар ҳам топилади.

– Албатта, бориб туриш керак, – деди Олтиной Сулаймоновна мийиғида кулиб. – Ўзим ҳам кўпдан бери Гуркуровда бўлишни орзу қиламан, қишлоғимизга бормаганимга ҳам анча бўлиб қолди. Тўғри, овулда қавм-қариндошларим йўқ. Бироқ гап унда эмас, албатта бораман. Она юртим соғинчи юрак-бағримни ўртайди.

* * *

Олтиной Сулаймонова мактабнинг тантанали мажлиси очилиши олдидан етиб келди. Деразадан унинг машинасини кўриб турган мажлис аҳли ёпирилганча кўчага чиқиб, ҳурматли меҳмонни шодиёна кутиб олди. Танишу нотаниш, кексаю ёш – ҳамма у билан қўл бериб кўришишга ошиқарди. Олтиной Сулаймонова жамоа аҳлининг бунчалик илиқ кутиб олишини, эҳтимол, ўйламаган бўлса керак, ҳатто у менга ўзини йўқотиб қўйгандай туюлди. Кўлини кўксига қўйиб, одамларга таъзим қилганча президиумга аранг чиқиб олди.

Олтиной Сулаймонова ўз ҳаётида қанчалаб тантанали йиғилишларда бўлган, уни ҳамиша шод-хуррамлик ва из-

зат-икром билан кутиб олишганлари турган гап. Бироқ бу ерда, оддий қишлоқ мактабида овулдошларининг бунчалик самимий кутиб олишидан беҳад ҳаяжонланган олима беихтиёр кўз ёшларини яширишга ҳаракат қиларди.

Тантанали йиғилишда ўқувчилар азиз меҳмонга гуллар тақдим этишиб, янги мактабнинг фахрий китобини унинг номи билан очдилар. Кейин мактаб ҳаваскорлари томонидан қизиқарли концерт берилди. Ниҳоят, барча меҳмонлар – ўқитувчию хўжалик фаоллари мактаб маъмурияти томонидан ташкил қилинган зиёфатга таклиф этилди.

Меҳмондорчиликда ҳам Олтиной Сулаймонованинг овулга ташриф буюриши хусусида қанчалар илиқ гаплар айтилди. Уни гиламлар билан безатилган энг фахрли ўринга ўтқазиб, қўлларидан келгунча, иззат-ҳурматини бажо келтиришга ҳаракат қилишди. Бундай пайтларда меҳмонлар, одатдагидек, ола-ғовур ичида Олтиной опанинг саломатлиги шаънига қадаҳ кўтаришиб, хушвақтлик қилишиб, шукуҳли ўтиришга ўзгача руҳ ва файз бағишлар эдилар. Шунда хонага ўспирин йигитча кириб келиб, мезбонга бир даста телеграммаларни узатди: мактабнинг очилиши муносабати билан собиқ ўқувчилар йўллаган табрик телеграммалари қўлма-қўл бўлиб кетди.

– Ҳой йигит, бу телеграммаларни Дуйшэн чол келтирдими? – сўради директор.

– Ҳа, – жавоб берди йигит. – Йиғилишга етиб бориб, телеграммаларни халойиқ олдида ўқиб беришлари учун бутун йўл бўйи отни қамчилаб келган бўлсам-да, андак кечикиб қолдим, деб хижолат бўлиб турибди, оқсоқолимиз.

– Бориб айт, отдан тушиб дарҳол бу ёққа келсин.

Йигит Дуйшэнни чақирриш учун эшик томон йўналди.

Ёнимда ўтирган Олтиной опа кутилмаганда, нимадир эсига тушиб қолгандай алланечук бўлиб кетди-да, қайси Дуйшэн ҳақида гап бораётганлигини мenden сўраб қолди.

– Колхоз почтачиси хақида, Олтиной Сулаймоновна, сиз Дуйшэн чолни танийсизми? – деб сўрадим.

У дудмал бош ирғаб кўйди ва ўрнидан туришга тараддудланаётган ҳам эдики, шу пайт дераза ёнидан аллаким отини елдириб ўтиб кетди. Ортга қайтган йигит хўжайинга деди:

– Оғай, у кишига йўқлаганингизни айтдим, бироқ тушмади. Бошқа мактубларни ҳам жой-жойига етказиши керак-да.

– Майли, етказса етказоқолсин, уни ушлаб турмаслик керак. Қариянинг ҳам суҳбатлашадиган ўз тенгқурлари бордир, – деди кимдир кўнгли тўлмагандай бўлиб.

– Э! Бизнинг Дуйшэнни билмас экансизлар! У қонун-қоидадан чиқмайдиган киши, хизматини қойиллатмагунча бирон ёққа жилмайди, – кўшиб кўйди иккинчи бир кимса.

– Ростданам, ғалати одам. Уруш тугаб, Украинада госпиталдан чиққандан сўнг ўша ерда яшаган. Ўз юртингда ўлганингга нима етсин, – деб овулга қайтганига ҳам нари-бериси беш йил бўлди. Боёқиш шу зайлда дунёдан сўққабош ўтиб кетяпти.

– Ҳар ҳолда, бир кириб ўтганда яхши бўларди... Ҳа, майли, – хўжайин кўл силтаб кўя қолди.

Овулнинг фахрли кишиларидан бири қадаҳ кўтараркан:

– Ўртоқлар, агар эсларингда бўлса, бир вақтлар Дуйшэннинг мактабида ўқиб юрган кезларимизда, унинг ўзи ҳам алифбо ҳарфларини тўлиқ билмасди, албатта, – сўзловчи бу гапларни айтишга айтди-ю, ҳайратга тушгандай, бошини сарак-сарак қилиб, андишасизларча кўзларини қисиб кулиб кўйди.

– Худди шундай, у тўғри айтяпти, – мазах қилиб кулишди бошқалар.

– Нимасини айтасан! Озмунча найранглар кўрсатмади дейсанми ўшанда бу Дуйшэн деганинг. Биз бўлсак, уни ҳақиқий ўқитувчи, деб юрган эканмиз.

Хахолаб кулишлар пасайгандан сўнг қадаҳ кўтарган одам сўзини давом эттирди:

– Мана, эндиликда одамларимиз кўз ўнгимизда ўсиб улғайишди. Академик Олтиной Сулаймоновани бутун мамлакат биледи. Деярли барчамиз ўрта маълумотли, кўпчилигимиз эса олий маълумотли бўлдик. Биргина шунинг ўзиёқ эндиликда ҳаётимиз қанчалик ўзгариб бораётганлигидан далолат бериб турибди. Шундай экан, қани, ватандошлар, келинг, Гуркуров овулимиз ўғил-қизлари бундан буён ҳам ўз замонасининг илғор кишилари бўлиб қолишлари учун қадаҳ кўтарайлик!

Йиғилиш аҳли яна шовқин кўтариб, бу таклифни қувватладилар. Аммо фақат Олтиной Сулаймонова ғоятда хижолат бўлиб, қизариб кетганча қадаҳни лабига тегизиб қўйди, холос. Ўшанда хушчақчақ кайфиятда ўтирганлар ғала-ғовур ичида унинг қай ҳолатга тушганини пайқаганлари ҳам йўқ.

Олтиной Сулаймонова бир неча марта соатига қараб қўйди. Сўнг меҳмонлар сайр қилиш учун ташқарига чиққанларида у одамлардан нарида, тепаликдаги ариқ бўйида, куз шамолидан сарғиш тусга кирган қўш тераклардан кўз узмай, кўнгли ғаш тортиб, хаёл суриб турарди. Қуёш ғира-шира оч бинафшаранг даштлик чизигидан уфқ сари эниб борарди. Мен Олтиной Сулаймоновага яқин келиб:

– Ҳозир улар япроқларини тўкишяпти. Сиз уларни баҳор фаслида кўрганингиздами, – дедим.

– Ҳа, мен ҳам шуни ўйлаб турган эдим, – опа чуқур хўрсинди-да, худди ўзига-ўзи гапираётгандек бир лаҳза жимликдан сўнг яна қўшиб қўйди: – Ҳа, шундай, оламда ҳар бир мавжудотнинг ўз баҳорию кузи бор, – деди маъюсланиб.

Шу аснода унинг ажин босган сўлгин юз-кўзларига ғам-андух кўланкаси югурган эса-да, хотин-қизларга хос назокатли бир ачиниш билан тераклардан кўз узмай турарди. Ногаҳон ёнимда академик Сулай-

монова эмас, қувлик-шумликни билмайдиган, қувончу ташвишлари оддийгина қирғиз аёли турганини кўрдим. Бу олима аёл, чамаси, ёшлик чоғларида айтиб келинган ашулаларини эндиликда энг баланд тоғ чўққиларига чиқиб, бор овоз билан айтиш мумкин эмаслигини эслаётгандай эди. У теракларга назар солар экан, яна нимадир демоқчи бўлди-ю, фикридан қайтди ва қўлида ушлаб турган кўзойнагини дарҳол тақиб олди:

– Москва поезди шу ердан соат ўн бирда ўтади, шекилли?

– Ҳа, кечаси ўн бирда ўтади.

– Демак, йўл ҳозирлигини кўришим керак.

– Нега энди мунча тез? Бир неча кун туришга ваъда берган эдингиз-ку, Олтиной Сулаймонова? Одамларимиз ҳали рухсат ҳам беришмас.

– Йўқ, ҳозироқ жўнаб кетишим керак, зарур ишларим бор.

Юртдошлари хафа бўлишларини айтиб, уни кўндиришга қанчалик ҳаракат қилишмасин, Олтиной Сулаймонова ўз қароридан қайтмади.

Қуёш ботиб, қоронғилашган пайт. Овулдошлар меҳмондан кўнгиллари тўлмагандай, кейинги келганда кўпроқ туриш ваъдасини олишди. Мен Олтиной Сулаймоновани станциягача кузатиб бордим.

Нега у бунчалик кетишга ошиқяпти? Айниқса, шундай қувончли дамларда элатдошларини бунчалик ранжитиб кетиши ҳақиқатан ҳам менга ғалати эмасми? Йўлда бо-раётиб мен ундан бу ҳақда неча бор сўрамоқчи бўлдим-у, аммо юрагим дов бермади. Андишасизлик қилиб қўйишимдан ташқари, бари бир унинг бирон сўз айтишига кўзим етмасди. У бутун йўл бўйи чурқ этмади.

Станцияга етиб келгач, ниҳоят, мен ундан сўрадим:

– Олтиной Сулаймоновна, нимадандир кўнглингиз ғаш кўринади, балки сизни бирон нарсада ранжитиб қўйгандирмиз?

– Йўқ! Асло ундай фикрга борманг! Кимдан ҳам хафа бўлардим? Хафа бўлганда ҳам ўзимдан хафа бўлишим керак.

Шу билан Олтиной Сулаймонова йўлга равона бўлди. Мен шаҳарга қайтиб келганимдан сўнг, орадан бир неча кун ўтиб, кутилмаганда ундан мактуб олдим. У мактубда илмий ишлари билан банд бўлиб, Москвада узоқ муддат туриб қолганлиги ҳақида шундай ёзибди:

«Ишларим қанчалик кўп ва шошилинич бўлмасин, уларнинг барчасини бир четга қўйиб, сизга ушбу мактубни ёзишга қарор қилдим... Агар мактубда ёзганларим сизни қизиқтирса, унда айтганларимни халойиққа етказиш ҳақида ўйлаб кўришингизни ўтиниб сўрайман. Бу нафақат овулдошларимиз, балки ҳамма учун, айниқса, ёшларимиз учун зарур, деб ҳисоблайман. Мен узоқ ўйлаб шу фикрга келдим, бу менинг одамлар олдидаги дил изҳорим, мен уни адо этишим керак. Бундан қанчалик кўп одам хабардор бўлса, менинг виждон азобларим шунчалик камаяди. Сиз мени ноқулай аҳволга солиб қўяман, деб тортиниб ўтирманг. Бор гапни яширманг...»

Бир неча кун ушбу мактуб таъсирида юрдим ва, ниҳоят, барчасини, энг яхшиси, Олтиной Сулаймонованинг ўз тилидан ҳикоя қилишга жазм этдим.

* * *

Бу воқеа 1924 йилда содир бўлган эди. Ҳа, айти шу йили...

Ҳозирги хўжалигимиз жойлашган ерда ўша вақтлар кичик бир овул бўлиб, унда бир қисм ўтроқ камбағал «ётоқчи»лар³ яшарди. Мен ўша кезларда ўн тўрт ёшимда ота-онамдан етим қолиб, амакимнинг қарамоғида кун кечирардим.

Ўша йили, кузда ўзига тўқ чорвадорлар қишлоқ учун тоққа кўчиб кетганларидан сўнг, орадан кўп ўт-

³ Қирғизлар қашшоқликдан ўтроқ бўлиб қолган оилаларни ётоқчи дейишарди. (Тарж.)

май, овулимизда мен илгари кўрмаган аскар шинелли нотаниш йигит пайдо бўлиб қолди. Унинг шинелини, негадир, қора мовутдан тикилганлиги учун ҳам эслаб қолган эдим. Элу халқдан, марказдан узоқда, тоғлар ён бағридаги овлоқ жойдан макон топган овулчамизда ҳарбий кийимдаги бу кишининг пайдо бўлиши кутилмаган воқеа эди.

Аввал уни армияда командир бўлиб юриб, сўнг овулга бошлиқ бўлиб келибди, дейишди. Кейин билишса, у мутлақо командир эмас, балки очарчилик йиллари овулдан кетиб бир муддат темир йўлда ишлаб юриб, ниҳоят, дом-дараксиз бўлиб кетган ўша Тоштанбекнинг ўғли Дуйшэн экан. Ҳукумат уни овулда мактаб очиб, болаларни ўқитиш учун юборганмиш, дейишди.

Ўша замонларда «мактаб», «ўқиш» деган сўзлар янгилик бўлиб, кўпчилик ҳали уларнинг маъносини яхши англаб етмасди. Бу миш-мишлар ростми, ёлғонми, энди нима бўлар экан, деб турганларида, иттифоқо, халойиқ овул ўртасидаги тепаликка йиғилишсин, деган хабар тарқалди.

Амаким бўлса, узоқ вақт: «Буниси яна қанақа мажлис экан? Қачон қарама, одамларни чалғитиб, ишдан қолдиришгани қолдиришган», – деб тўнғиллашни қўймаса-да, бари бир қирчанғи отини эгарлаб минганча йиғинга жўнади. Унинг ортидан қўшни болаларга қўшилиб мен ҳам югуриб қолдим.

Биз ҳаллослаганча одатдагидек, ҳар гал йиғилиш ўтказиладиган тепаликка етиб келганимизда бир тўда пиёда ва отлиқлар орасида ўша қора шинелли, рангпар йигит нутқ сўзлаётган экан. Биз унинг сўзлари яхши эшитилмаганлиги боис яқинроқ келдик. Аммо шу пайт жулдур пўстинли бир қария, худди уйқудан чўчиб тургандай, бирдан унинг гапини бўлди:

– Эй, болам, – деди у лаби-лабига тегмай дудуқланганча, – илгарилари болаларни муллалар ўқитишарди,

биз отангинг ким эканлигини биламиз: у ҳам бизга ўхшаган камбағал-бечора кимсалардан эди. Қани, айт-чи, сен қачондан бери мулла бўлиб қолдинг? – деди.

– Мен мулла эмасман, оқсоқол, – дея зудлик билан жавоб қайтарди Дуйшэн. – Болаларни энди муллалар эмас, балки ўқитувчилар ўқитишади. Мен армияда юриб хат-саводимни чиқариб келдим, унгача ҳам бир оз ўқиган эдим. Мана, қанақа мулламан.

– Ҳа, бу бошқа гап...

– Баракалла! – деган овозлар янгради.

– Шунақа гаплар, мени болаларни ўқитсин деб, муаллимликка юборишди. Бунинг учун эса, қанақа бўлса ҳам, бино топишимиз керак. Ана у тепаликдаги эски отхонани тартибга солишда сизлар албатта ёрдамлашасизлар, деган умиддаман. Хўш, шунга нима дейсизлар?

Одамлар, бу келгинди нима деб валдираяпти, дегандай бироз каловланиб туришарди. Шунда анчадан бери эгарнинг қошига тирсаги билан суяниб, гапни тинглаб турган Сатимкул чатоқ ора-сира тиш орасидан тупурганча:

– Э, қўйсанг-чи, бу сафсатарингни, – дея сўз қотди кўзларини қисиб, худди уни нишонга олгандай. – Қани, айт-чи, бизга мактабнинг нима кераги бор ўзи?

– Нима кераги бор эмиш, – талмовсиради Дуйшэн.

– Тўғри, ҳақ гапни айтди! – илиб кетди кимдир.

Ҳамма бирдан ҳаракатга келиб, шовқин кўтара бошлади:

– Биз азал-азалдан деҳқончилик билан шуғулланиб келганмиз. Бизни кетмон боққан. Энди бола-чақаларимиз ўқиб амалдор бўлишармиди? Хат-саводли бўлиш бошлиқларга керак, биз бўлсак оддий халқмиз. Бошимизни қотирма, йигит!

Орага жимлик чўкди.

– Наҳотки, болаларнинг ўқишига қарши бўлсаларинг? – таажжубланиб сўради Дуйшэн, атрофдаги тикилиб турган одамларга назар ташлар экан.

– Агар қарши бўлсак, мажбур қилармидинг? У замонлар ўтиб кетган. Энди биз озод, эмин-эркин халқмиз, қандай истасак, шундай яшаймиз! – деди бир кимса.

Бу гапларни эшитган Дуйшэнни чақмоқ ургандай бўлиб, ранг-рўйи бўздай оқариб кетди. Қалтираган бармоқлари билан шинели илгакларини ечиб, гимнастёркаси киссасидан шоша-пиша тўрт букланган қоғозни олиб очиб, боши узра кўтарганча деди:

– Демак, сизлар ҳукуматнинг болаларни ўқитиш керак, деб муҳр босилган ушбу ҳужжатига қаршисизлар, шундоқми? Ундай бўлса, сизларга еру сувни, эрку озодликни ким берди? Қани, ҳукуматнинг қонунларига ким қарши? Жавоб берсин!

«Жавоб берсин» сўзини у шу қадар зарда билан ҳайқириб айтдики, гўё илиқ куз сокинлигини бузиб отилган ўқ тоғ қояларига урилгандай акс садо берди. Бу гал бирон кимса оғиз очишга журъат этмади, ҳамманинг боши қуйи солинди.

– Биз, ахир, камбағаллармиз-ку, – деди Дуйшэн, ҳовуридан тушиб, сўзини давом эттирар экан, – ҳукумат бизни ёруғликка чиқсин, ўқиб хат-саводли бўлсин, деяпти. Бунинг учун эса болаларимизни ўқитмоғимиз даркор...


Дуйшэн ўзининг айтган сўзларига жавоб кутаётгандек сукут сақлаб турган эди, шунда сен қачондан бери мулла бўлиб қолдинг, деб сўраган ўша жулдур пўстинли қария, муросага келгандай минғиллаб деди:

– Ҳа, майли, кўнглинг шуни жуда истаб қолган бўлса, ўқитавер, бизга нима... Биз қонунга қарши эмасмиз.

– Аммо менга ёрдам беришларингизни сўрайман. Биз анави тепалиқдаги бойдан қолган отхонани таъмирдан чиқариб, жарариққа кўприк солишимиз, мактабга ўтин тайёрлашимиз керак.

– Шошмай тур, йигит, жуда чақмоқчи бўлдингми? – деди Сатимкул.

– Дуйшэннинг сўзини бўлди ўжар...



У одатдагидек тишлари орасидан чирт этказиб ту-
пуриб, кўзларини қисганча, яна Дуйшэнни нишонга ол-
гандай деди:

– Сен, йигит, «мактаб очаман» деб бутун овулга жар
соляпсан. Бундай қараганда, на устингда тўнинг, на
остингда отинг, на ҳайдашга бир парча еринг, на қўрада
боқиб қўйган молинг бор! Бу аҳволда қандай яшашинг-
ни бир ўйлаб кўрдингми ўзи, азизим? Нима, от ўғирлаб
кун кўрмоқчимисан?.. Аммо бизда ундай отлар йўқ.
Улар тоғликларда бўлади.

Дуйшэн бир нима деб кескин жавоб қайтармоқчи бўл-
ди-ю, яна бир зум жим қолиб, вазминлик билан деди:

– Бир нави ҳаёт кечираман. Ҳукумат менга маош
тўлайди.

– Э-э, боядан бери шуни айтмайсанми! – Сатимқул ҳам
қаноат ҳосил қилгандай, истехзоли жилмайиб, эгар усти-
да ғолибона қаддини ростлаб ўтирди. – Энди билсак, гап
бу ёқда экан. Сен йигит, ўз билганингни қилиб, ҳукумат
берган ўша имтиёз маошинг билан болаларни ўқитавер.
Ҳукумат хазинасида пул етарли. Бизни эса тинч қўй, ху-
дога шукур, ташвишимиз ўзимизга етиб ортади...

Шу сўзларни айта туриб Сатимқул отининг бошини
шартта бурганча жўнаб қолди. Унинг ортидан бошқа-
лар ҳам аста-секин тарқала бошлашди. Дуйшэн бўлса,
қўлида қоғозини ушлаганча туриб қолди. Боёқиш уни
нима қилишини билмасди...

Бечорага раҳмим келиб кетди. Ундан кўз узмай ту-
рарканман, ёнимдан ўтиб кетаётган амаким:

– Ҳа, пахмоқ соч, сен бу ерда нима қилиб анграйиб ту-
рибсан, қани, туёғингни шиқиллатиб, уйга жўнаб қол-
чи! – мен ҳам болаларнинг ортидан югуриб қолдим.
– Буни қара-я, сен тирранчалар ҳам йиғилишга жуда
серқатнов бўлиб қолдиларинг!

Эртаси куни қизлар билан сувга бораётган эдик,
йўлда Дуйшэнни учратиб қолдик. У белкурак, кетмон,

болта ва яна кўлида қандайдир эски пақир кўтарганча анҳорнинг нариги қирғоғига ўтиб кетаётган экан.

Шу-шу, қора шинель кийиб олган бу сўққабош кимса ҳар куни саҳарлаб туриб сўқмоқ йўл орқали тепаликдаги ташландиқ отхона сари йўл олар ва ҳар куни алланималар билан машғул бўлиб, ярим тунда овулга қайтиб тушарди. Биз уни кўпинча каттакон бир боғлам қуврай⁴ ёки похол орқалаб кетаётган ҳолда кўрардик. Уни узоқдан кўрганлар узангига оёқ тираб, кўзғалиб, кафтларини соябон қилганларича, бу ким бўлди экан, дегандай ажабланиб сўз юрита бошлардилар:

– Ана у, ўтин кўтариб кетаётган Дуйшэн муаллим эмасми?

– Худди ўзи.

– Эҳ, шўринг қурғур, бечора. Ўқитувчилик ҳам осон иш эмас экан-да.

– Бўлмасам-чи! Нима деб ўйловдинг? Кўтарган юкига қара, бойнинг батраги ҳам бунча юк кўтармайди.

– Унинг сўзларини эшитдингми, гапга жуда чечан кўринади!

– Чунки кўлида муҳр босилган қоғози бор-да: мана гап қаёқда!

Кунлардан бирида, одатдагидек, адирдан тезак териб келаётиб, мактаб томон бурилдик: муаллимнинг нима қилаётгани бизни қизиқтирарди. Лойдан қурилган бу сарой бир вақтлар бойнинг отхонаси бўлган. Қиш кунлари қулунлаган бияларни тойлари билан шу ерда боқишарди. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан сўнг, бой қаёққадир кўчиб кетиб, отхонадан фақат вайрона қолган эди. Шу-шу бу ерга биронта кимса йўламай кўйгани боис унинг атрофини айқаш-уйқаш ўт-ўланлар, чакамуғу тиканаклар босиб кетган эди. Энди бўлса, улар илдизи билан суғуриб олиниб, бир чеккага уйиб кўйилган, кўра тозаланиб, тартибга солинган; ёмғир-

⁴ Қуврай – бир хил хашаки ўт.

дан нураб, қулаб тушган деворлари лой билан шува-
либ, қовжираб, тоб ташлаб қийшайиб кетган ва турфа
оҳангда очилиб-ёпиладиган эшик тавақалари эпақага
келтирилиб, ҳамма ёқ саранжом-саришта қилиб қўйил-
ган эди. Хуллас, отхона янги қиёфа касб этган эди.

Бир оз дам олайлик, деб, тезак тўла қопларимизни
ерга қўйиб турганимизда эшикдан уст-боши лойга бе-
ланган Дуйшэн чиқиб қолди. У бизни кўриши билан юз-
ларидаги терларини артиб, кулимсираб қўйди:

– Э, келинглар, қизлар. Тезак териб юрибсизларми?

Биз қоплар ёнига чўкка тушганча тизилишиб ўтириб,
уялганимиздан, ҳа дегандай бош ирғаб, бир-биримизга
қараб қўйдик. Дуйшэн тортиниб турганимизни дарҳол
сезди-да, бизга далда бергандай кўз қисиб қўйди:

– Қопларингиз ўзларингиздан ҳам катта-ку. Бирров
бўлса-да, кириб ўтганларингиз айна муддао бўлди,
қизларим, ахир, шу ерда ўқишларинг керак-ку, мактаб-
ларинг ҳам тайёр бўлай деб қолди. Ана, кўряпсизлар-
ми, ҳозиргина бурчакка печкани эслатувчи ўчоқбоши
қуриб, ҳатто томидан мўри ҳам чиқариб қўйдим! Энди
қишга ёқилғи тайёрлашимиз керак. Ҳа, бундан ғам ема-
сак ҳам бўлади – атрофимиз тўла куврай. Қарабсизки,
ерга похолни қалинроқ тўшаймиз-да, ўқишни бошлаб
юборамиз. Қалай, ўқишни хоҳлайсизларми, мактабга
келасизларми?

Дугоналарим ичида каттароғи мен эдим. Шунинг учун
ҳам, бир энтикдим-да, жавоб беришга журъат этиб:

– Агар янгам рухсат берса, қатнаб тураман, – дедим.

– Нега рухсат бермас экан, албатта, рухсат беради.
Исминг нима?

– Олтиной, – жавоб бердим мен, йиртиқ тиззамни
кафтим билан ёпарканман.

– Олтиной – чиройли исм экан. – Унинг эркалаётган-
дай мулойим кулиб боқишидан менинг ҳам дилим ёри-
шиб кетгандай бўлди. – Сен кимнинг қизи бўласан?

Мен нафасим ичимга тушиб, сукут сақлаб турдим: раҳмдиллик қилганларни ёқтирмасдим.

– Етим қолган, ҳеч кими йўқ, амакисиникида яшайди, – шипшитишди дугоналарим.

– Бўлмаса, гап бундай, – деди Дуйшэн менга яна кулимсираганча разм солиб турар экан, сен бошқа болаларни ҳам бирга ўқиймиз, деб мактабга бошлаб кел. Маъқулми? Қизлар, сизлар ҳам эшитдиларинг-а?

– Маъқул, амаки.

– Мени муаллим, деб атайверинглар. Мактабни кириб кўрасизларми? Тортинманглар.

– Йўқ, боришимиз керак, – дедик уялганимиздан.

– Майли, уйларингга бора қолинглар. Мактабни эса бир йўла ўқишга келганларингда кўрасизлар. Мен бўлсам, шом тушгунча яна бирров қуврайга бориб келайин. Дуйшэн ўроқ, арқонларини олиб, далага чиқиб кетди. Бизлар ҳам қопларимизни орқалаганча овул сари пилдираб кетдик. Шунда ногаҳон хаёлимга бир фикр келиб қолди:

– Ҳой, қизлар, тўхтанглар! – дея қичқирдим. Келинлар, тезакларни мактабда қолдириб кетамиз, қишга ўтин керак-ку.

– Уйга қуппа-қуруқ борамизми? Сени қара-ю!

– Ҳа, бориб яна қайта териб келамиз.

– Йўқ, кеч бўлиб қолди, уйдагилар нима дейди?

Шу йўсинда дугоналарим мени кутиб ўтирмасдан, қопларини кўтарганча уйларига жўнаб қолишди.

* * *

Ўша куни мени бу ишга нима мажбур этганини ҳанузгача тушуниб етганим йўқ. Дугоналарим гапимга кирмаганлари учун ранжиганимданми ёки бўлмаса болалик чоғларимданоқ эрку хоҳишим поймол этилиб, нобоп кимсаларнинг дўқ-пўписаси остида яшаб келганимданми ёки илгари кўрмаган, билмаган бир одамнинг кутилмаганда менга шунчаки бир-икки оғиз илиқ

сўз билан илтифот қилиб кўнглимни кўтарганлиги учунми, ҳарқалай миннатдорчилик билдирсам, деган эдим. Чинакам тақдирим, ҳаётимнинг бутун қувончу сарсон-саргардонликлари худди ўша кундан, ўша бир қоп тезак ҳангомасидан бошланганини яхши англаб етган эдим. Бундай дейишимга сабаб айна ўша куни ҳаётимда биринчи бор ўйламай-нетмай танбеҳ беришларидан чўчимай, ички бир сезги билан кўнгил даъватини адо этишга журъат қилган эдим. Дугоналарим мени ташлаб кетганларида мен Дуйшэннинг мактабига бурилла қолиб, қопдаги тезакни дарҳол бинонинг девори остига тўқдим-да, яна шу заҳотиёқ қайта териб келиш учун жарлигу дашти-адирлар сари жадаллаб кетдим.

Гўё бирон ишни қойиллатиб қўйгандай, қувонганимдан юрагим жунбишга келиб, ҳовлиққанча қаёққа чопиб кетаётганимни ўзим ҳам билмасдим. Бунчалик бахтиёр эканлигимдан офтоб ҳам огоҳдек эди. Ҳа, менинг қушдай эмин-эркин учиб бораётганимдан унинг ҳам хабардор ва мамнун эканига ишонч ҳосил қилган эдим. Чунки мен, андак бўлса-да, хайрли ишга қўл урган эдим.

Қуёш сўнгги заррин нурларини сочиб, аллақачон тепаликлар узра ёнбошлаган бўлса-да, назаримда, токи нигоҳимга тўйиб олмагунча ботадиганга ўхшамасди. У оёқларим остига пойандоз солгандай хира тортган кузги ерларни тўқ қизил, бинафша ва пушти рангларга безаб, кийилавериш уладаси чиқиб кетган камзулимнинг кумушранг тугмаларида оловдай ёлқинланиб, изғириндан қувраган чийларнинг⁵ попуқларига зеб бериб турарди. Мен бўлсам, ҳамон чопқиллаб борар эканман, севинчим ичимга сиғмай, хаёлан еру кўкка, шамолга юзланиб: «Кўряпсизларми! Мен нақадар бахтиёрман! Мен энди сўзсиз мактабга бораман! Ўзимгина эмас, бошқа тенгқурларимни ҳам бирга олиб бораман!» – деб фахрланардим.

⁵ Чий – чўл-адирларда ўсадиган баланд, бошоқли ўсимлик.

Шу кўйи қанча чопганимни билмайман, ногаҳон, тезак теришим керак-ку, деган ўй эсимга тушиб қолди. Қизиғи шундаки, бутун ёз бўйи бу ерларда қанчалаб моллар бокилиб, ҳар қадамда тезаклар учрарди, энди эса уларни худди ер ютиб юборгандай, нишона йўқ. Балки, мен уларни илғамаётгандирман? У ёқдан бу ёққа қанчалик югуриб юрмайин, тезаклар шунчалик кам учрарди. Ўшанда қош қораймасдан қопимни тезроқ тўлдира қолсам, деб юрагимни ҳовучлаб, шошилганимдан чий буталари орасида адашиб қолибман. Ҳарқалай, наридан-бери қопимни қаппайтирганимда куюёш ботиб, кимсасиз, сукунатли борлиқни қоронғилик чулғаб олган эди. Бунақа бемаҳалда бийдай далада, ҳали ҳеч қачон ёлғиз ўзим қолиб кетмагандим. Даҳшатга тушганимдан, ўзимни йўқотиб, қопимни елкамга ташлаганча овул сари югуриб кетдим. Худо ҳақи, ҳўнграб йиғлаб юборишимга оз қолган эди. Дуйшэннинг ҳалиги тасалли бериб айтган насиҳатомуз сўзларини эслар эканман, унинг ожизлигимни кўриб энсаси қотмасин, деган хаёлга бориб, худди у сиртдан кузатиб тургандай ор-номус кучлилик қилиб, ёнверимга қарамасдан, ўзимни дадил тутганча боравердим.

Ҳамма ёғим терга, чангга ботиб, ҳаллослаганча уйга етиб келдим. Оғир нафас олиб, остона ҳатлаб ўтган ҳам эдим, ўчоқ бошида ўт ёқиб ўтирган янгам ўрнидан тура солиб, ҳўмрайганча мен томон хезланди. У ўта баджаҳл ва кўрс муомалали аёл бўлиб, важоҳатидан от ҳуркарди.

– Ер ютгур, қайси гўрда изғиб юрибсан? – дея ўшқирди у мен томон яқинлашар экан, оғиз очишга улгурганимча йўқ ҳам эдики, кўлимдаги қопни тортиб олиб, четга итқитиб юборди. – Бор-йўғи шуми, кун бўйи санғиб юриб, терган тезагинг шуми?

Чамамда, дугоналарим аллақачон оғизларидан гуллаб кўйишган кўринади.

– Э-э-э, исқирт, ҳайвон! Мактабда ўйнаш топганми-сан, мактабинг билан кўшмозор бўлгур! – янгам жазава-

си тутганча қулоғимни бураб, бошим, кўзим аралаш савалай кетди. – Ярамас, етимча – етти кулча! Бўри боласи ит бўлмас, дейдилар. Одамларнинг боласи уйга ташиса, сен бўлсанг, уйдан четга ташийсан. Яна мактаб ҳақида сўз оча кўр-чи, оёғингни синдириб, мактаб қанақалигини сенга кўрсатиб қўяман...

Мен бақириб юборишдан ўзимни тийиб, азбаройи кўрққанимдан миқ этмасдан туравердим. Кейин ўчоққа ўтин ташлаб, кулранг мушугимизни силаб, унсиз йиғлаганча, шумшайиб ўтиравердим. Мушугим эса, ҳар гал йиғлаганимни сезиб тургандай, дарҳол тиззамга келиб ўтириб оларди. Мен янгамнинг дўқ-пўписаларию дўппослашларидан эмас (уларга аллақачон кўникиб қолган эдим), балки у энди мени ҳечам мактабга юбормай қўяди, деган хаёлда йиғлардим...

* * *

Орадан, чамаси, икки кунлар ўтиб, эрта тонгда овулда итлар ҳуриб, узук-юлуқ овозлар эшитила бошлади. Маълум бўлишича, Дуйшэн овулдаги уйларга бирма-бир кириб, мактабга болаларни тўплаётган экан. Ўша кезларда овулимизда ҳар ким ўз билганича, кўнгли хушлаган жойда пахса деворли уйлар қуриб яшайверишган, худди шунингдек, кўчаларимизнинг ҳам тайини бўлмаган. Дуйшэн ёнига ўн нафар болакайларни олиб, ана шу пастқам кулбалар оралаб у ҳовлидан бу ҳовлига ўтиб юрган экан.

Бизнинг уйимиз энг четдагиси эди. Айти шу маҳал биз янгам иккимиз ўғирда тариқ янчаётган эдик, амаким эса омборхона ёнидаги ўрада сақланаётган донни қазиб олиб бозорга элтиб сотмоқ учун ҳозирлик кўриб турган пайт эди. Биз босқончилар сингари зилдай ўғир дастасини навбат билан биримиз қўйиб, биримиз урар эканмиз, Дуйшэнлар яқинлашиб қолгандир, деган илинжда ер остидан ора-сира кўз қиримни ташлаб

қўйишга улгурардим. Янгам мени ўлса ҳам мактабга юбормаслигига кўзим етиб турган бўлса-да, яхши ният – ёрти мол деганларидек, Дуйшэннинг бу ерга келишини ва ҳеч бўлмаганда мени кўриб, қаерда, қандай яшаётганимдан хабардор бўлишини истаб, илоҳим ҳовлимизга бирров кириб ўтишсин-да, дея Худодан илтижо қилиб, унинг келишини сабрсизлик билан кутардим.

– Ассалому алайкум, келинойи, ҳорманглар! Мана, бир гала бўлишиб сизларникига меҳмонга келяпмиз, кўряпсизми, биз қанчамиз! – дея ҳазил-ҳузул аралаш сидқидилдан саломлашди Дуйшэн янгам билан, бир тўда бўлажак шогирдларни эргаштирганча ҳовлига кириб келаркан.

Янгам, шунчаки жавоб тариқасида, алланима дегандай тўнғиллаб қўйди, амаким бўлса, ўра қазиётган жойидан ҳатто бошини кўтариб ҳам қарагани йўқ. Дуйшэн бунга парво ҳам қилмади. У, аксинча, ишбилармон кишилардек, ҳовли саҳнидаги ғўлалар устига бориб чўққайиб ўтирди-да, қўлига қалам ва қоғоз олиб:

– Бугун биз мактабда ўқишни бошлаймиз. Қизингиз неча ёшда? – деб сўради. Энсаси қотган янгам жавоб бериш ўрнига зарда билан ўғир дастасини гурс эткизиб уриб қўйди. Мен бўлсам, энди бу ёғи нима бўлар экан, деб жон ҳовучлаб турардим. Дуйшэн менга қараб кулимсираб кўяр экан, яна олдингидек қалбимга илиқлик югурди.

– Олтиной, неча ёшга кирдинг? – сўради у. Мен жавоб беришга журъат этолмадим.

– Бунинг сенга нима кераги бор, назоратчимисан? – деди ғазабга тўлган янгам, ўта андишасизлик билан бобиллаб берди. – Бунга ўқишни ким қўйибди! Бунга ўхшаган қанчадан-қанча ота-онасиз етим болалар ҳам ўқимасдан юришибди-ку! Сен ана уларнинг бир гуруҳини йиғиб олибсан, ана ўшаларни мактабингга олиб бориб ўқитавер, бу ерда сенинг керагинг йўқ.

Дуйшэн сапчиб ўрнидан туриб кетди.

– Нима деяпсиз ўзи? Етимлик унинг пешанасига ёзиб қўйилмаган-ку ёки етим болалар ўқимасин, деган қонун борми?

– Сенинг қонун-понунинг билан ишим йўқ. Менинг ўз қонуним бор. Сен менга ақл ўргатма!

– Қонун ҳаммамиз учун битта. Агар бу қизалоқ сизларга керак бўлмаса, бизларга керак, ҳукуматга керак. Агар монелик қилсаларингиз, қонунимизни ҳам ишга солишимиз мумкин!

– Сен, ўзбошимча бошлиқ қаердан пайдо бўлиб қолдинг? – деди янгам икки қўлини белига қўйиб гердайдганча. – Ўзинг айт-чи, едириб-ичириб катта қилган бу қиз менинг ихтиёримда бўлиши керакми ёки сенга ўхшаган бетайин, келгиндиларнинг измида бўлиши керакми, такрор айтаман, унга ким жавоб бериши керак?

Агар шу пайт белигача ярим яланғоч бўлиб олган амаким ўрадан кўриниш бермаганда, бу хангома нима билан тугабини ким биларди, дейсиз? У хотинининг ҳар бир ишга суқилаверишини зинҳор ёқтирмасди. Бу гал ҳам зардаси қайнаб кетди, шекилли:

– Эй, манжалақи! – қичқирди у ўрадан чиқар экан. – Сен қачондан бери рўзғорни каттаси бўлиб қолдинг? Кўпам валдирайвермасдан ишингни қилсанг бўлмайдимми? А, сен, Тоштанбекнинг ўғли, гапни кўпайтирмасдан қизни олиб кетавер, хоҳласанг ўқит, хоҳласанг пишириб е. Қани, энди бу ердан тезроқ туёғингни шиқиллатиб қол!

– Бу арзанда мактабда санқиб юрса, уй ишларини ким қилади? Балоба балогардон бўлиб, яна рўзғор ишларига кўмилар эканман-да? – дея янгам йиғлашга тушган эди, амаким:

– Чакагингни ўчир! Гап битта, айтганим айтган, деганим деган! – деди.

Ёмонлик бор жойда яхшилик ҳам бор, деганларидек, биринчи бор мактабга боришим ана шунақа ғалва билан бошланган эди.

Шу кундан эътиборан, Дуйшэн ҳар куни эрталаб, ҳовлима-ҳовли юриб, бизларни мактабга бошлаб борарди.

Мактабга борган биринчи кунимизда ўқитувчи ерга тўшалган похол устига ўтқазиб, ҳар биримизга биттадан дафтар, қалам ва юпқа тахтача берди-да:

– Тахтачани ёзишга ўнғай бўлсин учун тиззаларингизга кўйиб олинглар, – деб тушунтирди. Кейин давом этди. – Болалар, мен сизларга ҳарфларни, сўзларни ва сонларни қандай ёзишни ва ўқишни ўргатаман, ўзим нимани билсам, сизларга ҳам шуни ўргатаман...

Дарвоқе, у билганларини ҳайратомуз бир тарзда, сабр-тоқат билан бизга ҳам юқтира бошлаганди. Ҳар бир ўқувчининг ёнига келиб қаламни қандай тутишни, сўнг эса тушуниш қийин бўлган сўзларни иштиёқ билан тушунтириб берарди.

Ҳозир ўйлаб қарасам, ҳақиқатан ҳам, сўзларни ҳижжалаб ўқийдиган, кўлида биронта дарслик, ҳатто алифбе китоби ҳам бўлмаган бу чаласавод йигитнинг бундай буюк ишга журъат этганлигидан ҳайратда қоламан. Ота-боболари етти пуштигача саводсиз ўтган болаларни ўқитиш ҳазилакам иш эмасди. Дуйшэннинг бўлса ўқитиш дастури ва усуллари ҳақида заррача ҳам тасаввурга эга эмасди, албатта. Шу билан бирга, тўғриси айтганда, у бунақа нарсалар борлигига шубҳа ҳам қилмасди.

У бизни ўзи билган, маъқул кўрган йўл-йўриқлар асосида ўқитаверди. Мен бўлсам, унинг чин дилдан жонбозлик кўрсатиб ишлаганига ишонч ҳосил қилган эдим. Ҳарқалай, унинг бошлаган хайрли ишлари, менимча, зое кетмади. Дуйшэн қаҳрамонлик кўрсатган бўлса-да, ҳали бунини ўзи ҳам билмасди. Ҳа, бу чинакам қаҳрамонлик эди, чунки ўша кезларда овул ва мактаб остонасидан нарига ўтмаган қирғиз боласи учун тешик тирқишларидан ҳамиша олисдаги қорли тоғ чўққилари кўриниб турадиган шу пахса деворли мактабда, – агар уни мактаб деб аташ мумкин бўлса, мисли кўрилмаган

ва қулоқ эшитмаган шу мактабда, ногаҳон, янги бир олам намоён бўлган эди.

Авлиёотадан ҳам, Тошкентдек азим шаҳардан ҳам неча бор катта шаҳарлар борлигини ва оламда Талас водийсини эслатувчи улкан денгизлар борлигини ва уларда тоғлардай улкан кемалар сузиб юрганини ўшанда билган эдик, шунингдек, бозорда сотиладиган лампа мойининг (керосин) ер остидан қазиб олинишини ҳам ўшанда билган эдик. Ҳаёт изга тушиб, саодатли кунлар келиши билан тангу тор мактабимиз ўқувчиларининг кенг ва ёруғ биноларда ўқишларига ҳам айни шу кезлардаёқ қатъий ишонч ҳосил қилган эдик.

Ҳар ойнинг адоғида Дуйшэн иш билан бўлисга бориб, у ёқда икки-уч кун қолиб кетарди. Шунда биз уни муштоқлик билан кутардик. Агар жонажон туғишган акам бўлган тақдирда ҳам, мен уни, эҳтимол, Дуйшэннинг қайтишини кутгандай сабрсизлик билан кутмаган бўлар эдим. Янгам сезиб қолмасин деб, ташқарига югуриб чиққанамча дашт йўлига зимдан узоқ муддат интизорлик билан кўз тикаман; хуржун кўтарган муаллимимиз кўриниб қолармикин, унинг жозибали табассумию маърифатга ундовчи сўзларига яна ошно бўлармиканман, дея ошиқардим.

Дуйшэн ўқитган ўн чоғли бола орасида энг каттаси мен эдим. Эҳтимол, шунинг учун ҳамдир, синфдошларимизга нисбатан яхши ўқир эдим. Бугина эмас, муаллимнинг ҳар бир айтган сўзию кўрсатган ҳар бир ҳарфини ўзим учун муқаддас тутардим. Ва мен учун унинг берган сабоқларини онгу шууримга сингдириб олишдан ҳам кўра улканроқ ва олижаноброқ юмуш йўқдек эди бу оламда.

Қаёққа бормай, муаллим берган дафтарни асраб-авайлардим. Ўзимча ўроқ учиде ер чизиб, деворларнинг сиртию қорларнинг устига ҳарфларни ва сўзларни ёзиб, ўқиб юрардим. Дуйшэндан кўра уддабуррон ва билимдон киши йўқ эди, менинг назаримда.

Бу орада, ана-мана дегунча қишли-қировли кунлар ҳам кириб келди. Биринчи қор тушгунча биз тепалик остидаги шовуллаб оқаётган сойдан қўл тутишиб кечиб ўтиб юрдик. Кейинчалик болаларнинг оёқларига сўзак кириб, тоқатлари тоқ бўлди, айниқса, кичкинтой болакайларнинг аёзга дош беролмаганидан ҳатто кўзлари жикқа ёшга тўлар эди. Шунда Дуйшэн уларни навбатма-навбат, бирини елкасига, иккинчисини қўлида кўтарганча сойдан ўтказиб кўярди.

Энди ўйлаб қарасам, буларнинг бари худди чўпчакка ўхшарди. Ўша кезларда одамлар нодонлигиданми ёки бўлмаса тушуниб етмаганиданми, ҳайтовур, улар Дуйшэннинг устидан кулишарди. Айниқса, қишловни тоғларда ўтказиб, гоҳида тегирмонга ғалла оқлаш (янчиш)га келиб турадиган бой-бойваччаларни айтмайсизми. Бошларига тулки телпагу эгниларига қўй терисидан пўстин кийиб олган бу кимсалар саркаш отларини ўйнатиб, неча бор кечувда бизга дуч келиб, ёнимиздан ўтаётганларида кўзларини бақрайтирганча Дуйшэнни масхаралашарди. Улардан бири:

– Кўряпсанми, бирини орқалаб, иккинчисини қўлда кўтариб олибди, – дея қамчиси билан қўшнисини туртиб, пиқиллаб кулиб юборди, бошқаси эса:

– Эҳ, бунақа меҳнаткашлигини олдинроқ билганимдами, ер ютган тақдирда ҳам, иккинчи хотинликка олган бўлардим! – дея қўшиб қўйди.

Улар ҳар гал, шу зайлда пишқирган отларини қамчилаб, ҳамма ёғимизга шағал аралаш лой сачратиб, қаҳ-қаҳуриб кулишганча ўтиб кетишарди.

Ўшанда Дуйшэнга ичим ачиб, раҳмим келиб, бу фаҳм-фаросатсиз кимсаларга етиб олсам-да, отлари тизгинидан ушлаб олиб, бадбашара юзларига тик қараб: «Муаллимимиз ҳақида бундай беандиша сўзларни айтишга қандай журъат этипсизлар! Садқаи одам

кетинглар! Сизлар одам эмас, балки одам қиёфасидаги иблиссизлар!» дея қичқиргим келарди.

Аммо жавобсиз қолган қиз боланинг нидосига, шу аснода, ким ҳам илтифот қиларди дейсиз? Менинг эса алам-ли кўз ёшларимни ютишдан бошқа иложим қолмаган эди, холос. Ҳақоратланган муаллимимизга келсак, гўё у ҳеч нимани кўрмагандай, эшитмагандай, пинагини бузмасдан, аксинча, бу қўланса гаплардан бизларни алаҳситишга ва ҳазил-ҳузул қилиб кулдиришга уринарди.

Сойга кўприк қуриш учун Дуйшэн қанчалик ҳаракат қилмасин, ёғоч тополмади. Бир куни мактабдан қайта-ётиб, болаларни сувдан ўтказиб қўйдик-да, иккаламиз соҳилда қолиб, тош ва чимлар ёрдамида ҳатлаб ўтадиган жой тайёрлашга қарор қилдик. Агар адолат юзасидан айтадиган бўлсак, овулимиз аҳли бир ёқадан бош чиқариб, бамаслаҳат иш тутиб, икки-учта ёғоч-тахта келтириб ташлаганларида олам гулистон бўлиб, кўприк ҳам битиб қолган бўларди. Гап шундаки, ўша кезларда ўқишнинг маънисига етмаган авом халқ бунга деярли аҳамият ҳам бермасди. Дуйшэнни эса бекорчиликдан болалар билан шунчаки умргузаронлик қилиб юрган бир телба-да, деб ҳисоблашарди. Кўприк қуриш от устида сув кечиб юрган бу кимсаларнинг етти ухлаб тушларига кирганмикин? «Уддасидан чиқсанг ўқит, йўқса, тахта-ўқловингни йиғиштириб, уларни уй-уйларига тарқатиб юбор», эмиш. Шу ҳам гап бўлди-ю. Бироқ, нима бўлганда ҳам, эл-улус бу эсли-ҳушли йигитнинг қанчадан-қанча қийинчиликларга, таҳқиру камситишларга бардош бериб, сабр-тоқат, қунт-матонат билан сабоқ бериб келаётганлигининг боиси нимада эканлигини танларига бир ўйлаб кўрсалар бўларди.

* * *

Ўша куни сакраб ўтиш учун тошларни сой устига маҳкамлаётганимизда биринчи қор тушиб, ҳафсала-

мизни пир қилди. Суякни қақшатувчи муздек сувда оёқяланг бўлиб тинимсиз ишлаётган Дуйшэннинг сабр-бардоши мени ҳамон ҳайратга солади. Бир амаллаб сойнинг ўртасидан товонимга тошлар чўғдай ботиб ўтаётган эдим, сув оёғимни кесиб кетгудек бўлиб, бирдан томирим тортишиб, букчайиб қолдим. Бошим айла-ниб қичқиришимни ҳам билмай, қад-бастимни ростлай олмай, сувга йиқиладель деганимда Дуйшэннинг кўзи тушиб қолди. У қўлидаги тошни ирғитиб ташлади-ю, югуриб келиб, мени даст кўтарганча жар ёқасига олиб чиқиб, шинелига ўтқазиб қўйди. У гоҳ кўкариб, гоҳ уву-шиб қолган оёқларимни уқалар, гоҳ музлаб қолган қўлларимни кафтлари орасига олиб силаб-сийпалар, гоҳ оғзига яқин келтириб, нафаси билан илитарди.

– Етар, Олтиной, сен энди исиниб ол, ўзим бир амаллайман, – деди Дуйшэн. Ниҳоят, кечув тайёр бўлгандан сўнг у этигини кия туриб, мени совуқдан хурпайган ҳолда кўрар экан: – Қалай, исиниб олдингми, ёрдамчи қиз? Шинелни мана мундоқ ёпиниб ол, – деб жилмайиб қўйди ва яна бир зум ўтмай: – Ўтган сафар мактабга тезакни қолдириб кетган сенмидинг? – дея сўраб қолди.

– Ҳа, – деб жавоб қайтардим.

– Ўзим ҳам шундай деб ўйлаган эдим! – деди Дуйшэн худди ўзи билан ўзи гаплашаётгандай мийиғида кулиб.

Демак, муаллимимиз ўша арзимаган нарсадан хабардор экан, ҳали ҳам уни унутмай юрганидан бошим осмонга етди, қувончим ичимга сиғмай, юзларим оловдай ёнаётганини ҳамон эслайман. Ўшанда Дуйшэн ҳам қувончимга шерик бўлган эди.

– Чақнаган кўзларингдан айланай, чироғим, – деди у мени эркалаб. Ўқишга иштиёқинг зўр... Қани энди кўлимдан келса-ю, сени катта шаҳарга юбориб ўқитсам! Ким бўлиб етишардинг, қароғим! – деди-да, бирдан ариқ томон бурилиб кетди.

Унинг шовуллаб оқаётган тошлоқ сув бўйига келиб кўлларини орқасига чалиштирганча, олис тоғлар тепасида виқор билан сузиб бораётган паға-паға булутларга порлаган кўзлар билан боқиб тургани ҳали-ҳали кўз ўнгимда.

Нимани ўйлаб турган экан муаллимимиз ўшанда? Балки, ҳақиқатан ҳам, мени катта шаҳарга олиб бориб ўқиши орзуси хаёлидан кечгандир. Мен эса ўша дақиқаларда Дуйшэннинг шинелига ўралиб олиб: «Э, худо, ўқитувчим кошкийди менинг туғишган акам бўлақолса-ю, бўйнига осилиб, қаттиқ кучсам-да, кўзларимни чирт юмиб, бисотимдаги энг яхши сўзларни унинг қулоғига шивирлаб айтсам», – дея илтижо қилардим.

Биз ўшанда, гарчи ҳали мурғак болалар бўлсак-да, ўйлайманки, муаллимимизнинг одамгарчилиги ва бизнинг истиқболимиз ҳақида қайғуриб жонбозлик кўрсатаётганлигини қалбан ҳис этиб, унга меҳр қўйган бўлсак керак. Бўлмаса, ҳар куни нафасни бўғиб, жонни ачитувчи изғиринда қор кечиб, олис йўл босиб, не машаққатлар билан тепаликка қатнайверишга бизни ким ҳам мажбур этарди, дейсиз? Мактабга ўз хоҳишимиз билан борардик, ҳеч ким бизни мажбур қилмасди. Юз-кўзларимиз уст-бошимизни қиров босиб кетган бўлса-да, муздек хонада сабр-тоқат қилиб, мавриди келганда галма-гал печка ёнига бориб исиниб олардик, қолганларимиз эса ўз ўрнимизда Дуйшэннинг айтганларини завқ билан жимгина тинглаб ўтирардик.

* * *

Қоронғи тушиб қолган, муаллимимизнинг келган-келмаганидан ҳамон хабарсиз эдим. Ўшанда у бўлисга жўнаб кетган, уч кунда қайтиб келаман, деб ваъда берганди бизга. Шу боисдан ўзимни кўярга жой тополмасдим. Дуйшэннинг ҳали бирон марта ваъда қилган кунига етиб келолмай қолганини эслай олмайман. Бал-

ки, дафъатан тоби қочиб қолган бўлса, ҳолдан тойиб секин-аста келаётгандир ёки бўронда қолиб, тунда даштликда адашиб кетган бўлса-чи, дея турли хаёлларга бориб, ўзимга-ўзим далда берардим. Ишим қовушмасди, ипни йигирмоқчи бўлардим-у, кўлим қалтираб, у қайта-қайта узилиб кетаверарди. Буни кўриб турган янгамнинг эса жазаваси кўзирди.

– Сенга нима бўлди, жин ургур? Кўлинг синганми? – дея еб кўйгудек ўқрайди. Сўнг тоқати тоқ бўлиб: – Ўҳ, оғзингдан қонинг келгур, ёмонга ўлим йўқ дейдилар! Тур ўрнингдан, ундан кўра Сайқал кампирнинг қопини элтиб бер, – деди яна дағдаға билан.

Бу мен учун айни муддао эди. Қувонганимдан ўрнимдан сакраб туриб кетишимга оз қолди. Ахир, Дуйшэн ўша Сайқал кампирнинг уйида яшарди-да. Сайқал кампир билан Қартанбой отанинг она томондан менга узоқ қариндошлиги бор эди. Олдинлари уларникига тез-тез бориб турардим, гоҳида ҳатто тунаб ҳам қолардим. Янгамнинг эсига шу нарса тушиб қолдими ёки Худо ёрлақадими, ҳарқалай, кўлимга қопни тутқазганча яна кўшиб кўйди:

– Сен бугун жонимни ҳалқумимга келтирдинг, касофат. Қани, жўнаб қол, кўзимга кўринма, рухсат этишса, ўша ёқда тунаб қолавер...

Мен сакраганча ҳовлига чиқиб кетдим. Забтига олган шамол нола тортиб ўкирарди. Сўнг эса қор учқунлари кўққисдан ҳамла қилиб, нафасни бўғиб, қизиб турган юзларимга тиканак санчилаётгандай туюларди. Қопни кўлтиғимга қисиб олдим-да, эндигина отлар из қолдириб кетган йўлдан овулнинг нариги томонига югуриб кетдим. Хаёлимда эса «Ўқитувчимиз қайтиб келганмикин?» деган ўй ғимирларди. Чопганча етиб бордим, қарасам – у йўқ. Нафасим бўғзимга тикилиб, остонада донг қотиб турганимни кўрган Сайқал чўчиб кетди.

– Сенга нима бўлди. Мунча югурмасанг, бирон кўнгилсизлик юз бердимми?

– Йўқ, шунчаки ўзим. Мана, қопингизни олиб келдим. Бугун сизларникида қолсам, майлими?

– Вой, қоқиндиқ, сен ётиб қолай дейсан-у, мен йўқ дермидим. Сал бўлмаса, юрагимни қинидан чиқараёздинг. Куз тушибдики, қорангни кўрсатмайсан. Қани, ўтир, исиниб ол.

– Ҳой, кампир, сен қозонга гўшт ташла, қизимизни меҳмон қил. Унгача Дуйшэн ҳам етиб келади, – деди дераза ёнида эски кигиз этикни тикиб ўтирган Қартанбой. – Аллақачон келиши керак эди, ҳа, майли, қоронғи тушгунча келиб қолар. Тойчоғимиз уйга қайтарда илдам юради.

Аста-секин деразалар қоронғилашиб, тун ҳам кириб келди. Юрагимни ҳовучлаб, бутун диққат-эътиборимни бериб, эшикка кўз тикиб турар эканман, овулда итларнинг вовиллаши ёки одамларнинг овози эшитилиб қолганда бехосдан сесканиб тушардим. Дуйшэндан эса ҳамон дарак йўқ. Яхшиямки, Сайқал буви ундан-бундан гапириб, вақт ўтганини ҳам сезмай қолибмиз.

Ярим тунга бориб ҳолдан тойган Қартанбой ота:

– Қани, кампир, ўринни сол. Кеч бўлиб қолди, энди келмайди. Бошлиқларнинг иши бошидан ошиб ётибди. Бирон иш билан тутилиб қолгандир, бўлмаса, аллақачон етиб келган бўларди, – деди-да, ётишга ҳозирланди.

Менга тўшакни печканинг нариги томонига, бурчакка солиб беришди. Бироқ ухлай олмадим. Чол дам-бадам йўталиб, у ёқдан бу ёққа ағдарилиб, калима келтиргандай алланималарни пичирлаб ётди, сўнг эса безовталангандай:

– Отгинамнинг ҳоли не кечди экан? Шаҳарда пулга ҳам ем-хашак топиш амри маҳол, – дея пўнғиллаб қўйди.

Қартанбой отанинг кўзи энди илинай деганда, кучли шамол туриб, унинг тинчини бузди. Телбаланган довул дағал панжалари билан том бўғотларию ойнакларни тимирскилаб-тимдалаб, ҳамма ёқни остин-устин қилиб юборгандай бўларди.

Қартанбой чолнинг сўзлари беором кўнглимга таскин бермади. Гўё ўқитувчимиз бугун албатта етиб келадигандай, қор босган кимсасиз даштликда ҳоли не кечди экан, деган хаёл бутун вужудимни қамраб олган эди. Қай маҳал кўзим уйқуга кетган экан, билмадим, дафъатан нимадир ёстикдан бош кўтаришимга мажбур этди. Атрофда ёқимсиз увлаган товушлар таралиб, ҳавонинг қай бир ерида музлаб қолгандай эди.

Бўриларнинг овози-ку! Улар кўпчиликка ўхшайди. Қашқирлар даштликнинг турли томонидан бир-бирларини огоҳ этиб, жўр бўлишиб, гоҳ олисдан, гоҳ яқиндан шамол аралаш ғазабнок увлашиб, тобора овулга яқинлашиб келаётгандай эшитилиб турарди.

– Отинг ўчгурлар, ёвуз бўронни чақиришяпти, – пичирлаб қўйди кампир.

Чол бир фурсат сукут сақлаб турди-да, сўнг ўрнидан ирғиб туриб кетди:

– Йўқ, кампир, қашқирлар бекорга увлашмаяпти! Улар, чамаси, отними, одамними, ниманидир қувлаб, қуршаб олишяпти. Эшитяпсанми? Яна бизнинг Дуйшэн бўлиб чиқмасин. Уни ўз паноҳингда сақла, Худойим. Ахир, у унча-мунча нарсалардан тап тортмайдиган тентак-ку! Қартанбой саросимага тушиб, қоронғида пўстинини ахтарарди.

– Чироқ, чироқни ёқ кампир. Худо ҳақи, тезроқ бўл!

Кўрқувдан қалтироқ босиб, биз ҳам ўрнимиздан туриб кетдик. Бу орада Сайқал чироқни топиб, уйни ёритганда бўриларнинг дарғазаб увлаши туйқусдан жимиди-қолди.

– Қувлаб етишди, лаънатилар! – дея Қартанбой ота бақириб юборди-да, қўлига ҳассасини олиб, эшик сари хезланган ҳам эдики, итларнинг вовиллаган овози эшитилиб қолди. Аллаким дераза ёнидан ғарч-ғурч қор босиб чопганча ўтиб кетди-да, сабрсизлик билан эшикни қаттиқ қоқа бошлади.

Хонага қор тўзони аралаш изғириқ ёпирилиб кирди. У тарқалиб кетиши билан кўз ўнгимизда Дуйшэн пайдо бўлди. Унинг ранг-рўйи ўчиб кетган, оғир ҳансираб остона ҳатлаб ўтди-да, гандираклаганча деворга суюниб қолди.

– Милтиқ! – деди саросимага тушган Дуйшэн аранг нафас олар экан. Биз унинг нима деяётганини англаёлмай ҳайрон бўлиб турардик. Кўз ўнгим қоронғилашиб, чол-кампирнинг:

– Қора қўй, оқ қўй бошингдан садақа радди бало! Муқаддас Баҳовуддиннинг руҳи сени қўллаб-қувватлабди, болам, – деган марсиянамо сўзлари қулоғимга чалинарди, холос.

– Милтиқ, милтиқни беринг! – такрорларди Дуйшэн, яна эшик томон юлқиниб.

– Милтиқ йўқ, қаёққа бормоқчисан, шаштингдан қайт, – дея қариялар Дуйшэннинг бўйнига осилиб олишди.

– Сўйилни беринглар!

– Нима қилмоқчисан, кўзимиз тирик экан, ҳеч қаёққа бормайсан. Ундан кўра бизни ўлдириб қўяқол! – дея қариялар яна ялиниб-ёлборишарди.

Баногоҳ аъзои баданим бўшашиб, ун чиқармай аранг тўшакка кириб ётдим.

– Улгуролмадим, уйга энди етиб келай деганимда, улар ўраб олишди, – дея Дуйшэн энтикиб ҳансираганча қамчисини бурчакка улоқтириб ташлади. – От йўлда келаётгандаёқ мажоли қуриган эди, сўнг устига-устак бўрилар қувлаб қолгандан сўнг овулга аранг етиб келди-ю гуп этиб қулаб тушди. Шу заҳотиёқ ҳаммалари кузғунлардек унга ёпирилишди.

– От бўлса, садқаи сар. Муҳими, ўзинг омон қолибсан. Агар от йиқилмаганда, улар сени ҳам омон қўймасди! Яхшиямки, сени Баҳовуддин пирим ўз паноҳида сақлабди. Қани энди ечин, оловда исиниб ол. Кел, этигингни тортиб қўяй, – дея бечора Қартанбой суюнганидан гирдикапалак бўларди. – Қани, кампир, бирон нарсанг бўлса исит.

Улар оловга яқинроқ ўтиришаркан, Қартанбой бир хўрсиниб қўйди-да, бамайлихотир:

– Бўлар иш бўлди, тақдирда битилганидан қочиб қутилиб бўлармиди? Ўзинг ҳам йўлга мунчалик кеч чиқмасанг? – деди.

– Бўлискомда мажлис чўзилиб кетди, Қараке.

– Хўп, шундай экан, бугун тунаб қолиб, эртасига эрта-лаб етиб келганингда ҳеч ким ёқангдан тутмас эди-ку.

– Болаларга бугун етиб келаман, деб ваъда берган эдим, эртага эрталаб дарсни бошлаймиз, – жавоб қайтарди Дуйшэн.

– Эҳ, нодон-е! – дея ҳатто ўрнидан сапчиб туриб кетди Қартанбой ва ғазабланганидан бошини сарак-сарак қилганча: – Эшитяпсанми, кампир, у болаларга, шу мишиқи тирранчаларга ваъда берган эмиш! Агар бирон фалокат юз берганда нима бўлар эди? Нима деяётганингни тушунапсанми ўзи?!

– Бу менинг муқаддас бурчим, жонажон ишим, Қараке. Бу ҳам ўз йўлига. Ҳар гал бўлисга пиёда бориб, пиёда келар эдим, бу гал нима бўлдию, шайтон йўлдан уриб, отингизни сўраб олдимۇ қашқирларга ем қилиб келганимни айтмайсизми...

– Ҳа, қўйсанг-чи, ўша рамақижон, от бўлиб қаерга борарди. Азиз бошинг омон бўлсин, садақаи радди бало! – деди жаҳли чиқиб Қартанбой. – Умрим бино бўлиб отга ёлчимадим, бу ёғи ҳам бир гап бўлар...

– Ҳақ гапни айтдинг, чол, – ҳамдардлик билдирди Сайқал момо ўпкаси тўлиб юзи кўпчиб йиғламсираган овозда. – Алҳамдулилло, бошинг омон бўлса от топилар, совимасдан овқатингни ич, болам...

Орага жимлик чўкди. Бир оздан сўнг тезак чўғини титкилаб ўтирган Қартанбой хаёл аралаш сўз қотди:

– Биламан, эсли-хушли, ақлли йигитсан, мактабни деб, шу гўдақларни деб жонингни жабборга бераётганингга ҳайронман. Ёки бошқа иш топилмай қолди-

ми сенга? Ундан кўра бирорта чўпонга ёлланганинда уст-бошинг бут, қорнинг тўқ бўлармиди...

– Менга ачиниб гапирётганингизни тушуниб турибман, Қараке. Фараз қилайлик, агар шу норасида болалар ҳам мактабни, ўқишни нима кераги бор, ўқиб ким бўлардик, деб туришса, унда ҳукуматимиз иши, келажагимиз нима бўлади? Мен учун ўқитувчилик кўргилик эмас, Қараке, қанийди кўлимдан келса, болаларга яхшироқ билим берсам, асосий орзу-ниятимга эришган бўлардим.

Шу йўсинда уларнинг суҳбатини тинглаб ётиб, аста-секин хушимга келгандай бўлдим. Бошда ҳаммаси тушда кўрилгандай туюлганди. Анча вақтгача Дуйшэннинг шикастланмай, омон-эсон қайтиб келганига ўзимни ишонтиролмай ётдим. Сўнг эса тасалли топган қалбимга илиқлик югуриб, қувончим ичимга сиғмай, кўз ёши тўкиб, нафасим бўғзимга тиқилиб, хўнграб йиғлаб юбордим. Эҳтимол, ҳали ҳеч ким менчалик қувончга тўлмаган бўлса керак! Ушбу лаҳзаларда мен учун қарияларнинг пахса деворли кулбаси ҳам, ташқарида ўкираётган бўронли тун ҳам, изғишиб юрган бўри галалари ҳам, овул чеккасида тилкаланиб ётган Қартанбойнинг ёлғиз оти ҳам кўзимга кўринмай қолди! Бутун қалбим, вужудим, фаҳм-фаросатим билан нур каби тенги йўқ бахт-саодатга мушарраф бўлганимни ҳис этган ҳолда йиғи овози эшитилмаслиги учун оғзимни юмиб, кўрпага бурканиб олдим. Бироқ Дуйшэн дафъатан сўраб қолди:

– Ҳой, печка ёнида ҳиқиллаб йиғлаётган ким?

– Ҳа, бу Олтиной, ҳалиги воқеадан қаттиқ чўчиб кетган эди, ўшанга йиғлаяпти, – деди Сайқал кампир.

– Олтиной? У бу ерга қандай келиб қолди? – Дуйшэн ўрнидан ирғиб туриб, ёнимга келиб тиз чўкиб ўтирди-да, секин елкамга туртиб: – И-е, Олтиной, сенга нима бўлди? Нега йиғлаяпсан? – деб сўради.

Мен бўлсам, девор томон ўгирилдим-да, яна баттарроқ хўнграб йиғлаб юбордим.

– Ҳа, ёқимтой қиз, кап-катта бўлиб мунчалик кўрк-масанг. Қани, менга бир қара-чи...

Дуйшэннинг бўйнидан қаттиқ кучиб олдим, кўз ёшларим билан ювилиб ланғиллаб турган юзларимни унинг кўксига босиб, ўзимни тутолмай, ҳиқиллаб йиғлайвердим.

Суюнганимдан қалтироқ босиб, ўзимни тинчлантиришга ожизлик қилдим.

– Ҳа, юраги қинидан чиққанми, дейман! – хавотирлана бошлади Қартанбой ва у ҳам ўтирган ўрнидан туриб кетди. – Қани, кампир, бир дуо ўқиб юбор, тезроқ бўла қол...

Баногоҳ уларнинг ҳаммаси бесаранжом бўлиб қолишди. Сайқал момо пичирлаганча куф-суф қилиб дуо ўқиб, юзимга гоҳ совуқ, гоҳ иссиқ сув пуркаб, дам-бадам елкаларимни қоқиб, ўзи ҳам менга қўшилишиб йиғлай бошлади.

Эҳ, қанийди улар ўшанда ички кечинмаларим туғён уриб, юрагим буюк олий бахтдан баҳра олиб «ўз ўрнидан кўзғалганини» билишса эди, ҳолбуки буни ҳикоя қилиб беришдан ожизман, бу қўлимдан ҳам келмайди. Тиниб-тинчиб уйқуга кетмагунимча Дуйшэн ёнимдан жилмай, қизиб турган пешанамни совуқ қўллари билан оҳиста-секин силаб ўтирди.

* * *

Қиш оёқлаб қолди. Борлиқ узра баҳор нафаси кеза бошлади, адирларга майса гиламларини ёйиб эрувгарчиликдан нам тортиб кўпчиган текисликларни илиқ ҳаво оқимига чулғаб, ўзи билан бирга гўё кўпирган янги сут ҳидини олиб келарди. У тоғлардаги ястаниб ётган қор уюмларию музликларни эритиб, силжитиб, суриб ўзига йўл очиб, жилғалар сари шариллаб оқиб тушар, сўнгра эса йўл-йўлакай янада қудратли куч касб этиб, жарлик қирғоқларини ўпириб шиддат билан шарқираб оқарди.

Бу, эҳтимол, менинг илк ёшлик баҳорим даракчиси-сидир. Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, у назаримда ҳар баҳорга нисбатан ҳам кўркавроқ туюларди. Мактабимиз ўрнашган тепалиқдан табиат нурга йўғрилгандек янада нашъали, янада гўзаллик кашф этгандек кўзга ташланарди. Аллақаерларда мовий кўл мавжланиб ётган, аллақаерларда паға-паға булутлар узра саф тортган турналар таронаси олис сафарга чорлаётгандай кишига ўзгача ҳузур бағишларди. Баҳор келиши билан биз болакайлар ҳам қувончимиз ичимизга сиғмай ғимирлашиб қолардик. Турли-туман ўйинларни ўйнаб, севинчимиздан хандон уриб кулишардик, дарсдан сўнг эса мактабдан то овулга қадар бир-биримизни қувлашиб, шўх-шодон қийқиришиб борардик. Буни кўрган янгамнинг ҳар гал жини қўзиб, заҳрини сочмагунча кўнгли таскин топмасди:

– Ҳой, эси паст, мунча ирғишламасанг. Қиладиган ишинг йўқми, қари қиз бўлиб қолмоқчимисан? Сен тенги қизлар аллақачон турмуш қуриб, қариндош-уруғ бўлиб яшамокда, сен-чи... Мактаб баҳона, тараллабедод қилиб, вақтни бекорга ўтказиб юрибсан, мактабинг бошингдан қолсин. Ҳали шошмай тур, таъзирингни бериб қўймасам сени...

Очиғини айтганда, янгамнинг дўқ-пўписаларини ўзимга унчалик қаттиқ олмасдим: унинг дому дашномларига кўникиб кетган эдим. Ўзим ҳақимда эса, айтиш керакки, қари қиз бўлиб қолди, дейиш мутлақо адолатсизлик эди. Тўғри, бу кўкламда бироз бўйга тортганимни айтмаганда, ўша-ўша қизалоқман...

– Сен сочи пахмоқ малла қизсан, – деб куларди Дуйшэн.

Унинг сўзларидан ҳеч қачон ранжимасдим. Гарчи сочларим пахмоқ бўлса-да, ҳарқалай ўзимни у даражада малла деб айтишга тилим бормасди. Бўйга етганимда шундай кўҳлик қиз бўлайки, ана ўшанда гўзаллигимни кўриб янгам ҳайратда қолсин. Дуйшэн, сенинг кўзла-

ринг юлдуз каби чақнаб, юзларингдан нур ёғилади, деб айтиб юради-ку!

Бир маҳал мактабдан югуриб келсам, ҳовлимизда иккита бегона от боғлоғлиқ турибди. Уларнинг эгалари тоғдан келган кўринади. Олдинлари ҳам улар бозордан ёки тегирмондан қайтаётганларида, йўл-йўлакай кириб ўтишарди.

Остонага яқинлашар эканман, янгамнинг алланечук ғайритабий хахолаб кулган овози эшитилди:

- Эй, жиянча, кўпам қайғурма, камиб қолмайсан. Ҳали жазманингга етишганда, тўғри айтган экан, деб эсларсан, мени. Ҳи-ҳи-ҳи!

Унга жавобан бошқаларнинг ҳам яйраб кулишлари эшитиларди. Эшиқдан кириб келишим билан эса ҳам-малари сув сепгандек жимиб қолишди. Намат устига ёзилган дастурхон ёнида юзлари қизариб бўртиб кетган, гўё тўнкани эслатувчи бесўнақай одам ўтирарди. У тер босган пешанасигача бостириб кийиб олган қозондай тулки телпаги остидан менга кўз қирини ташлаб, яна томоқ қоққанча ерга боқиб ўтирди.

- Э-э, келдингми, кела қол, жон қизим! – янгам мени шу зайлда дабдурустдан эркалаб, тилёғламалик қилиб мийиғида кулганча кутиб олди.

Наматнинг бир чеккасида ўтирган амаким менга нотаниш бир киши билан қарта ўйнаб, арақ ичишиб, бешбармоқ еб ўтиришарди. Иккаласи ҳам ҳар гал қарта итқитганларида аллақандай ғалати ҳаракатлар қилиб, бош ирғаб қўйишарди.

Кулранг мушугимиз дастурхонга яқин келган эди, ҳалиги қизил юзли кимса уни мушти билан бир урган эди, бечора мушук жон талвасасида миёвлаганча лип этиб ўзини четга отди-да, бурчакка бориб биқиниб турди. Боёқиш шўрликкинамнинг роса жони оғригандир! Бу ердан қандай қилиб чиқиб кетишимни билмай турган эдим, янгам мушкулимни осон қилди:

– Қизим, – деди у, – қозонда овқатинг турибди, совимасдан олиб ея қол.

Мен остона ҳатлаб чиқдим. Бироқ янгамнинг бундай тил учидаги мунофиқона муомаласи менга мутлақо ёқмади, ғашим келиб, кўнглим беихтиёр хушёр торта бошлади.

Орадан икки соатлар чамаси ўтиб, келган кишилар отларига минишиб тоққа жўнаб кетишди. Янгам бўлса, худди шу заҳотиёқ, одатдагидек, яна ҳақоратли қарғишларини ёғдира бошлади. Мен бўлсам, ҳалиги сўзлари «Демак, мастлик устида айтилган гаплар экан-да», деган хаёлда кўнглим таскин топгандай бўлди. Шундан сўнг сал ўтиб, бизникига қандайдир бир юмуш билан Сайқал кампир келиб қолди. Мен ҳовлида у-бу ишлар билан машғул бўлиб юрган эдим, унинг айтган сўзларини эшитиб қолдим:

– Қўй, болам, Худо хайрингни берсин, уни жувонмарг қилма, уволига қоласан!

Янгам билан Сайқал нима ҳақдадир бир-бирларига сўз бермай бобиллашганча баҳслашиб қолишди, сўнгра кампир уйдан ғазабланган ҳолда чиқиб, менга зарда қилгандай, айна чоғда ачингандай бир ўқрайиб қаради-да, ҳеч нарса демай чиқиб кетди. «У менга нега бундай қаради, яна қайси қилиғим унга ёқмай қолди?» – дея кўнглим ғаш тортиб юрди.

Эртаси куни мактабда Дуйшэннинг руҳи тушиб, нимадандир ташвишланаётганини, аммо бизларга сирбой бермасликка ҳаракат қилаётганини, айна чоғда у негандир мен томонга қарамаётганини ҳам дарҳол сезиб қолдим. Дарсдан сўнг биз галалашиб мактабдан чиққаннимизда, Дуйшэн мени чақириб қолди:

– Тўхта, Олтиной, – муаллим ёнимга яқин келиб, диққат билан кўзимга тикилди-да, елкамга қўлини қўйиб, – сен уйга бормагин. Тушундингми? – деди.

Кўрқувдан донг қотиб қолдим. Фақат шундан кейингина янгам менинг устимдан нималар қилмоқчи эканини фаҳмладим.

– Сенинг учун мен ўзим жавоб бераман, – деди Дуйшэн. – Ҳозирча эса бизникида яшаб турасан. Мендан узоқлашмагин, хўпми?

Рангим ўчиб кетган бўлса керак, Дуйшэн иягимни кўтариб, ўзига қаратди-да, кўзимга тик боқиб, меҳрибонлик билан жилмайиб қўйди.

– Кўрқма, Олтиной, – деди у, одатдагидек, жайдари кулиб қўйди. – Мен ёнингда эканман, ҳеч нимани хаёлингга келтирмай аввалгидек эмин-эркин ўқишингни ўқиб юравер. Ахир, сенинг кўрқоқ эканлигингни ўзим ҳам билар эдим-ку... Ҳа, айтганча, кўпдан бери сенга бир нарсани айтмоқчи бўлиб юрган эдим. – Афтидан, аллақандай ғалати бир нарсани эслаб яна қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

– Ёдингдами, анави куни Қартанбой ака эрта сахарлаб туриб, қаергадир ғойиб бўлган эди. Бир маҳал қарасам, биласанми кимни сенга дам солиб қўйсин деб, Жайноқнинг ҳалиги жодугар эмчи кампирини бошлаб келяпти. «Нега», деб сўрасам, лабини қимтиганча, «Олтинойнинг юраги кўрқув сабаб қинидан чиққан кўринадиди, бир эмлаб қўйсин», дейди. Мен бўлсам: «У жодугарни бу ердан тезроқ йўқотинг, акс ҳолда, у битта қўйдан камига рози бўлмайди. Бизнинг эса унга берадиган қўйимиз йўқ, ночор яшаймиз, биргина отимиз ҳам бўриларга ем бўлган», деб уни ҳайдаб юбордим. Сен бу маҳал ҳали уйқуда эдинг. Қараке бўлса, «Сен мени кексайган чоғимда уятга қолдирдинг», деб бир ҳафтагача гаплашмай хафа бўлиб юрди. Ҳарқалай, нима бўлганда ҳам, улар меҳр-оқибатли, ажойиб қариялар-ку. Қани, энди кетдик, – дея Дуйшэн мени ўзи билан бирга уйига бошлаб кетди...

Муаллимнинг дилини бекорга ранжитмайин деб, ўзимни қўлга олишга ҳар қанча ҳаракат қилмайин, бари бир, ташвишли фикрлар менга тинчлик бермасди. Ахир, истаган маҳалда янгам бу ерга бостириб келиб, мени куч

билан олиб кетиши мумкин эди. У ерда эса ёвуз ниятли кимсалар менинг устимдан хоҳлаганларини қилишарди. Овулда эса уларни ҳеч ким тергай олмасди, мен бўлсам, мусибатни кутиб, тун бўйи мижжа қоқмай чиқдим.

Дуйшэн қай аҳволда эканлигимни яхши тушунарди, албатта. Шунинг учун ҳам бўлса керак, у эртаси куни кўнглимни кўтармоқ учун мактабга иккита ниҳол кўчат олиб келди. Ўқиш тугаши билан у менинг кўлимдан етаклаб нарига элтди-да:

– Ҳозир, иккаламиз бир иш қиламиз, Олтиной, – деди у ўзича севингандай менга кулиб қараб. – Мана бу кўчатларни сенга атаб олиб келдим. Иккаламиз буларни экамиз. Улар ўсиб, кучга тўлиб вояга етгунча, сен ҳам ҳавас қилса арзийдиган ажойиб қиз бўлиб етишасан. Сен қалби пок, зеҳни ўткир қизсан. Сен ҳали, назаримда, ўқиб, камол топиб, катта олима бўлиб таниласан. Ҳа, бунга ишончим комил. Ҳали айтди дерсан, бу менга худди пешанангга битиб кўйилгандек кўнглимдан ўтиб турибди. Сен ҳозир ёшгина қизсан, худди мана шу кўчатлар сингари навниҳолсан. Қани, кел, Олтиной, бу кўчатларни яхши ниятда ўз кўлимиз билан ўтказайлик. Илоҳим, ўқишдан бахтинг очилсин, чақнаган юлдузчам.

Бўйим баробар ниҳоллар кўкимтир теракчалар эди. Мактабимиз яқинига тепаликка экиб кўйилган бу теракчаларнинг илк бор маржондек тизилишиб ўсиб келаётган япроқчаларига қирдан эсаётган енгил шабада гўё биринчи бор жон ато этаётгандай туюларди. Теракчалар тебраниб, япроқчалар шивирлашарди...

– Кўряпсанми уларнинг кўркамлигини! – деди Дуйшэн, – ортга тисарилганча уларга разм солар экан. – Энди бу ерга ана у булоқдан ариқ қазиб, сув келтирамиз. Улар тепалиқдан худди икки ака-укалардек салобатли кўриниб туришади ва уларни кўрган кишиларнинг баҳри дили очилиб, кўзлари яшнайти. Ана унда ҳаёт ҳам ўзгаради, Олтиной. Ҳамма эзгу ниятлар ҳали олдинда...

Дуйшэннинг олиҳимматлигидан беҳад таъсирланганидан эс-ҳушимни йўқотиб, унга тикилганимча тура-верибман. Буни ҳозир ҳам сўз билан ифодалашга ожизман. Мен унинг юз-кўзидан ёғилиб турган раҳмдиллигу меҳрибонлигини, қалбларга ҳузур бахш этувчи беғубор, жозибали табассумию кучли ва чапдаст қўлларини гўё биринчи бор кўриб тургандай ҳис қилардим. Аллақандай янги, нотаниш, эҳтиросли ҳис-туйғулар тўлқини қалбимни қамраб олиб ғужғон урарди ва мен: «Муаллим, сиз шундай одам бўлиб яратилганингиз учун раҳмат... Сизни қучиб ўпгим келяпти!» демоқчи бўлдим-у, уялганимдан бу сўзларни айтишга юрагим бетлай олмади. Балки, айтиш керакмиди... Ўшанда эса биз тепаликда, очиқ осмон остида яшил рангга чулғанган баҳорги қир-адирлар қўйнида ҳар биримиз ўз орзу-ниятларимиз билан банд эдик ва ўша дақиқаларда кўнглимни ғаш қилиб турган хавф-хатарни бутунлай унутиб, эртанги кун мени нималар кутаётганини ҳам, негадир, икки кундан бери янгам мени излаб келмаётганини ҳам бутунлай ўйламай қўйган эдим. Улар мени унутишдими ёки ўз ихтиёрига қўйиб турайлик деган фикрга келишдими, билмадим. Аммо Дуйшэн бу ҳақда ўзича ўйлаётган экан.

– Сен кўпам қайғураверма, Олтиной, иложини топамиз, – деди у овулга қайтаётганимизда. – Эртадан кейин бўлисга бориб, сен ҳақингда ҳам гаплашиб келаман. Сени шаҳарга юбориб ўқитиш ниятидаман, балки бунинг имкониятини топарман. Сен буни истайсанми?

– Сиз нима десангиз, шу бўлади, муаллим, – дедим мен.

Гарчи, шаҳар қандай бўлиши ҳақида тасаввурга эга бўлмасам-да, Дуйшэннинг сўзларидан кейин менга у ёққа бориб ўқиш орзуси тинчлик бермади. Гоҳ мен учун бегона бўлган юртда ҳолим не кечар экан, гоҳ яна йўлга ҳозирлик кўрсаммикан, деган ваҳимали ўй-хаёллар бутун вужудимни чулғаб олган эди.

Эртасига мактабда ҳам нуқул шу ҳақда ўйлаб юрдим: шаҳарда кимникида туриб, қандай яшайман? Агар биророрта оила бошпана берса, буюрганини қиламан – ўтин ёраман, сув ташийман, кир-чирини юваман, нимани амр этса, ҳаммасини уддалайман. Дарсда ўтириб шулар ҳақида ўйлар эканман, омонатгина турган мактабимизнинг деворлари ортидан от туёқларининг дупур-дупури эшитилиб қолди. Бу тўсатдан юз бериб, отлар елдек учиб келардики, мана ҳозир мактабимизни яксон қиладигандек туюларди. Биз ҳаммамиз кўрқувдан қотиб қолдик.

– Чалғимасдан, дарсингизни давом эттираверинг, – деди Дуйшэн шошилинич равишда.

Аmmo шу пайт эшик шарақлаб очилдию остонада янгам пайдо бўлди. У ичи қоралик билан сурбетларча тиржайиб турарди. Дуйшэн эшик томон яқин келди-да, секин овозда:

– Хўш, сиз нима юмуш билан келдингиз? – деди.

– Нима юмуш билан келганимнинг сенга дахли йўқ. Қизимни узатмоқчиман. Ҳой, сўққабош! – янгам жон-жаҳди билан менга ташланди, бироқ Дуйшэн унинг йўлини тўсиб қолди.

– Бу ердагилар ўқувчи қизлар, турмушга узатиладиган қизимиз йўқ, – деди Дуйшэн қатъий ва бамайлихотирлик билан.

– Нима деяпсан, ҳали унинг бор-йўқлигини сенга кўрсатиб қўямиз. Қани, йигитлар, ушланглар у қанжиқни, қўл-оёғидан тортиб судранглар!

Янгам отликлардан бирини имлаб чақирди. Бу ўша тулки телпакли қизил юзли киши эди. Ундан сўнг қўлларида сўйил ушлаган яна икки киши отдан тушиб келишди.

Дуйшэн эшик олдида кўзғалмай тураверди.

– Нима, сен дайди ит, бировнинг қизини ўз хотинингдек тасарруфингга олмоқчимисан, йўқол, бу ердан!

Қизил юзли киши айиқ сингари Дуйшэн томон важоҳатли йўналди.

– Бу ёққа киришга ҳақингиз йўқ, бу мактаб! – деди Дуйшэн эшик кесақисига маҳкам ёпишиб олганча.

– Айтмовдимми! Жазмани бу қанжиқни кўпдан бери йўлдан уриб тузоғига илинтириб юрибди деб, – жазава-си тутиб чинқирди янгам.

– Мактабинг билан кўшмозор бўл! – қизил юзли одам қамчисини кўтариб бўкириб юборди. Аммо Дуйшэн унинг қорнига чаптастлик билан тепган эди, у оҳ деганча қулаб тушди. Шу заҳотиёқ сўйил ушлаб турган икки киши муаллимга ташланди. Болалар қий-чув кўтаришиб олдимга югуриб келишди. Муштлашиш зарбидан ёғоч эшикнинг тит-пити чиқиб кетди. Қўрқувдан менга ёпишиб олишган болаларни ҳам ўзим билан бирга бошлаб муштлашаётганлар томон югуриб бордик.

– Муаллимни кўйиб юборинглар! Уни урманглар! Мана, мени уринглар. Муаллимни тинч кўйинглар!

Дуйшэн менга ўгирилиб қаради. Унинг ҳамма ёғи қонга беланиб, юзлари даҳшат ва ғазабга тўлган эди. Ерда ётган тахта парчасини олиб қаттиқ қулочкашлаб силкитиб қичқирарди:

– Болалар, қочинглар! Овулга қочинглар! Қоч, Олтин-ой!

У шунчалик бақриб гапирганидан овози бўғилиб қолганди. Шу аснода Дуйшэн синган кўлини кўксига босганча ортга чекинишга мажбур бўлди. Рақиблар бўлса, қутурган буқалардек ҳимоясиз ўлжасига ташланиб, уни яна дўппослай кетдилар:

– Ур! Ур уни! Бошига сол! Ўлдир!

Қутуриб кетган янгам қизил юзли киши билан сапчиганча ёнимга келиб, сочимни бўйнимга ўраб, эшикка судраб чиқишди. Мен бўлсам, жон-жаҳдим билан сирғалиб чиқишга уринар эканман, қўрқувдан донг қотиб қолган болаларнинг дод-фарёди аралаш девор ёнида қонга беланиб ётган Дуйшэнга кўзим тушиб қолди.

– Муаллим!

Бироқ Дуйшэн менга ёрдам берадиган ҳолатда эмас эди. У муштумзўрларнинг калтаги зарбидан худди маст одамдай каловланиб аранг оёқда туришга ҳаракат қилар, улар бўлса, ҳадеб уни дўппослашарди. Мени эса ерга йиқитиб, икки қўлимни чилвир билан орқамга боғлаётганларида Дуйшэн ерда юзтубан ағанаб ётарди.

– Муаллим! – деб қичқирганимни биламан, улар оғзимни ёпиб, отга ўнгаришди. Отда ўтирган қизил юзли киши мени зилдай қўлларию бесўнақай гавдаси билан босиб турарди. Дуйшэнни дўппослаган ҳалиги икки киши ҳам отларига сакраб минганча биргаликда жуфтакни ростлаб қолишди. Янгам ҳам мени савалаганча отликлар билан ёнма-ён югуриб бораркан:

– Қалай, муддаонгга етдингми! Итдек ҳайдаб чиқараётирман сен ярамасни. Қилмиш-қидирмиш дейдилар, қилмишингга яраша бўлди. Ишонган муаллимнинг ҳам соб бўлди...

Бироқ бу ҳали охири эмас... Тўсатдан орқа томондан:

– Олтин-ой! – деб бақирган фарёд эшитилди. Отда осилиб қолган бошимни аранг кўтариб қарасам, ортимдан чалажон қилиб қонга беланган Дуйшэн қўлида каттакон тош ушлаганча югуриб келяпти. Унинг орқасидан эса дод-фарёд кўтарганча синфимиз болалари чопишарди. «Тўхтанглар, ҳайвонлар! Тўхтанглар! Қўйиб юборинглар уни! Олтиной!» – деб бақирарди у жон талвасасида, бизга яқинлашиб келар экан.

Зўравонлар тўхтаб қолишди, у иккаласи эса Дуйшэннинг атрофида отда гир айланишарди. Дуйшэн синган қўли халал бермасин учун енгини тишлаб олиб, ёвузларни кўзлаб тош отди, лекин тош мўлжалга бориб тегмади. Шу пайт ҳалиги икки киши Дуйшэнни сўйил билан уриб кўлобга йиқитишган эди, кўз ўнгим хираллашиб кетди, фақат болаларимизнинг ерда ётган муаллимнинг тепасига югуриб келишиб, донг қотганча туриб қолганларини аранг кўришга улгурдим.

Улар мени қаёққа ва қандай олиб келганларини эслай олмайман. Ҳушимга келиб, мундоқ қарасам, ўтовда ётибман. Ўтовнинг очик турган туйнугидан эса юз берган воқеадан беҳабар, осойишта тонгги юлдузлар мўралаб туришарди. Аллақаерда, ёнгинамизда дарёнинг шовуллаб оқишию қўйчивонларнинг ғудуллашган овозлари эшитилиб турарди. Олови ўчиб қолган ўчоқ бошида бадқовоқ, қора юзи унниқиб, чўп-устихон бўлиб кетган бир кекса аёл ўтирибди. Мен бошимни ўгириб бошқа томонга қарадим... О, қани энди, қўлимдан келсаю, бир нигоҳ билан уни асфаласофилинга жўнатсам!

– Ҳой, қорачўри, уни ўрнидан турғиз, – деб буюрди қизил юзли киши.

Қора хотин ёнимга келди-да, дағал, таёқдек қўллари билан елкамдан силкиб тортди.

– Эгачингни нима бўлса-да, кўндир. Акс ҳолда, бари бир, ҳоли вой бўлади!..

У ўтовдан чиқиб кетди. Қора хотин бўлса, ҳатто ўрнидан ҳам қўзғалмади, лом-мим деб оғиз ҳам очмади. Балки, у соқовдир? Унинг совиб қолган кулни эслатувчи нурсиз кўзлари, калтак еган итнинг думи қисик келади, деганларидек, ҳали кичкиналигиданоқ нокас кишиларнинг ҳадеб уриб-ҳайдайверганларидан бешиб қолган ва бунга аста-секин кўниқиб қолган итнинг термилиб туришини эслатарди. Мен бўлсам, худди қоронғи гўр тубига тушиб кетгандай ўлик ёки тирик эканлигимни билмай, ўтирган жойимда сўппайиб туравердим. Бироқ унинг ўта совуқ ва зулматни эслатувчи қайғули қарашларидан даҳшатли манзарани уқиб олиш мумкин эди. Қора хотиннинг сўниқ кўзларига яна назар ташлар эканман, мен ўзимни ҳаётдан кўз юмиб, қабрда ётган кишидек ҳис этдим. Агар сойдан оққан сувнинг шовуллаган овозини эшитмаганимда, бунга ишонган бўлардим. Сув шовуллаб, қияликдан акс садо берганча эркин оқиб келарди...

Минг лаънат, сендай тошбағир янгага! Илоҳим, умр бўйи оққан кўзёшлариму тўкилган қонларимнинг уволитутсин сени!.. Бу кеча ўн беш ёшимда мени зўрлаб, бадном қилдилар. Бу балога гирифтор этган йиртқичнинг болаларидан ҳам ёш эканман...

Орадан икки кун ўтиб, учинчи тунга ўтар кечаси эс-хушимни йиғиб олиб, йўлу чўлда адашиб кетсам, орқамдан қувлаб бориб ушлаб олсалар ҳам, бари бир, нима бўлганда ҳам, қочиб кетиб, муаллимим Дуйшэн сингари сўнгги нафасим қолгунча курашиб ўлганим яхши, деган қарорга келдим.

Қоронғида аста-секин эшик сари бориб пайпаслаб кўрсам, қил арқон билан мустаҳкам боғлаб қўйишибди. Устомонлик билан танғиб қўйилган арқон тугунларини эса қоронғида ечишнинг иложи йўқ эди. Шу боис ўтов девори остидан бир амаллаб сирғалиб чиқиб кетишга уриниб кўрдим. Бироқ қанчалик уринмайин, ҳаракатларим зое кетди – ўтов сиртқи томондан ҳам арқон билан ерга маҳкам боғлаб қўйилган экан.

Фақат қандайдир бир ўткир нарса топиб, эшик арқонларини кесишдан бошқа иложим қолмади. Қоронғида, наридан-бери, атрофни титкилай бошладим, қўлимга ёғоч қозиқдан бошқа ҳеч нима илинмади. Ноилож, шу қозиқ билан ўтов остини ковлай бошладим. Бу уринишларим ҳам, албатта, беҳуда кетишига кўзим етиб турган бўлса-да, ноумид шайтон деганларидек, умидсизликка тушмадим. Миямда фақат биргина фикр чарх урарди – ё ўлиш, ё қолиш – бу зулмат қафасидан қочиб қутулсам-у, ана у тўнғизнинг пишиллашию хуриллашини эшитмасам, эрк учун таслим бўлишдан кўра курашиб ўлмоқ афзал! – деган тушунча бутун вужудимни қамраб олган эди.

Тўқол – иккинчи хотин! Эҳ, отинг ўчгур бу сўзни жинимдан баттар ёмон кўраман! Уни ким, қайси замонда ўйлаб топган экан-а?! Ҳам жисми, ҳам қалби менчалик

кулликка гирифтор этилган одам зоти бормикин бу оламда? Тур, ғафлатдан, бахти қаро ғофил бандалар, инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилган жафокаш аёллар. Зулмат дунёсини ларзага келтир! Бунни мен, орангиздан ушбу тақдирни сўнгги бор ҳатлаб ўтаётган аёл айтяпти!

Бу сўзларни ўша машъум тунда нима учун айтганимни ўзим ҳам билмайман. Ортиқ даражада асабийлашиб кетганимдан жон-жаҳдим билан ўтов остини тирнаб қазийвердим. Бироқ тошлоқ ер экан, қўлларим шилиниб, бармоқларим қонаб кетди. Эндигина қўл сиғадиган тешик очганимда тонг отиб, овул уйғонгандай итларнинг вовиллашию одамларнинг гангир-гунгур овозлари эшитила бошлади. Шу аснода дупурлашиб, йилқи уюрларию қўй сурувлари ғизиллаганча сувлик сари ўтиб кетишди.

Шундан сўнг кимдир – биров ўтовга яқинлашиб, унинг сиртдан чандиб боғланган арқонларни ечиб, кигизларни тушира бошлади. Бу ўша индамас қора хотин эди. Демак, овул кўчишга ҳозирлик кўрмоқда. Дарвоқе, кеча кечқурун довон ошиб янги манзилга кўчиб кетиб, ёз бўйи ўша ерда қўним топиш ҳақида гаплашаётганлари қулоғимга чалинган эди. Қочиб қутулишим ўн чандон мушкуллашар экан-да, деган ўй-хаёл яна кўнглимни беҳузур қилди. Ўтов остини ковлаган еримда жилмай ўтиравердим. Нима ҳам қила олардим? Бари бир, ўтовнинг таги ковланганини қора хотин кўрган бўлса ҳам, ҳеч нима демасдан ўз юмушини давом эттираверди. У ўзини дунё ишларидан мутлақо холи, оламни сув босса тўпиғидан келмайдиган ҳиссиз бир кимсадек тутарди. У ҳатто пўстини билан бошини кўрпага буркаб айиқ сингари хуррак отиб ётган эрини, ҳой, турсангиз-чи, йўлга отланяпмиз, ёрдам беринг, деб уйғотишга ҳам журъат этмади.

Ҳамма кигизлар йиғиштириб олиниб, ўтов яп-яланғоч бўлиб қолган эди, мен бўлсам, ҳамон қафасдаги қушдек, қимирламай ғужанак бўлиб ўтирардим. Сойнинг нариги

томонидан одамлар хўкизлару отларга кўч-кўронларни ортмоқда. Шу маҳал аллақаёқдан уч отлиқ пайдо бўлди-да, ҳалиги одамлардан ниманидир суриштиргач, биз томон кела бошлади. Дастлаб булар кўчиришга келишган бўлса керак, деб ўйладим, кейин разм солиб қарадим у саросимага тушиб қолдим. Уларнинг бири Дуйшэн, қолган иккитаси – қизил ёқали милиционерлар эди.

Ўлигимни ҳам, тиригимни ҳам билмай мажолсиз ўтираверибман. Ҳатто бақирай десам, овозим чиқмайди. Ногаҳон муаллимимизнинг тирик эканлигини кўриб, қувончим ичимга сиғмай кетди! Бироқ айти дамда таҳқирланиб, бадном этилганимни эслаганимда қалбим озурда бўлиб фарёд чекарди...

Дуйшэннинг боши бинт билан танғиб боғланган бўлиб, шикастланган қўли бўйнига осиб қўйилганди. У отдан сакраб тушиб, эшикни зарб билан тепди-да, ўтовга югуриб кириб, қизил юзли кишининг устидаги кўрпасини итқитиб ташлади.

– Тур, ўрнингдан! – деди у ғазабнок овозда.

У кутилмаганда бошини кўтариб, кўзини ишқалаганча Дуйшэнга ташланмоқчи бўлган эди, тўппонча ўқталиб келаётган милиционерларни кўриб, турган жойида серрайиб қолди. Дуйшэн уни ёқасидан ушлаб, ўзига силтаб тортди.

– Ярамас! – деди у қони қочган лаблари билан пичирлаб. – Энди борадиган ерингга борасан!

У итоаткорона нари сурилди. Бироқ Дуйшэн уни яна елкасидан ушлаб шартта ўзига силтаб тортди-да, титроқ овозда юзига тик боқиб:

– Сен уни ҳали ўн гулидан бир гули очилмасданоқ пайҳон этдим, деб ўйлаяпсанми? Билиб қўй, энди сенинг ҳам кунинг битди ҳисоб! – деди.

Қизил юзли кишини этигини кийгизиб, икки қўлини орқасига боғлаб, отга ўнгарганча милиционерларнинг бири тизгиндан ушлаб етаклаб, иккинчиси унинг орти-

дан хайдаб олиб кетишди. Мен Дуйшэннинг отида, у эса ёнимда пиёда борар эдик.

Энди йўлга чиққанимизда, ортимиздан аллақандай фарёдли чинқириқ овози эшитилди. Мундоқ қарасам, ортимиздан ўша қора хотин югуриб келаяпти. У худди ақлдан озган кишидек эри томон юлқиниб чиқди-да, унинг тулки телпагига тош билан тушира бошлади.

– Қонимни зулукдек сўриб, умримни хазон қилдинг, одамхўр! Сен қўлимдан тириклайин қутула олмайсан! – дея зор қақшаб бақирарди у. Қирқ йилдан буён қалбида йиғилиб қолган сабр-бардошу дард-аламлар энди туғён ура бошлаганди. Унинг қулоқни қоматга келтирувчи чинқириқ овози дара қояларига урилиб, акс садо берарди. У гоҳ у томон, гоҳ бу томон елиб-югурар, кўрқувдан ҳадиксираб букчайиб қолган эрининг устига гўнг, тупроқ сочиб, тош, кесак, хуллас, қўлига илинган нарсани улоқтириб, дод-фарёд кўтарганча лаънатларди.

– Босган ерингда ўтлар унмасин! Илоҳим, суякларинг дала-даштларда чириб, кўзларингни қарға-қузғунлар чўқисин, бошимга не кунлар солмадинг, Худо урсин сени, йўқол кўзимдан, йўқол, одам қиёфасидаги махлуқ, турқ-атворингни бошқа кўрмайин, йўқол! – дея қийқирди-ю бирдан жимиб қолди, сўнг у яна шамолда тўзиб кетган сочларидан чўчигандай қичқирганча нариги томонга югуриб кетди.

Шу воқеа устидан чиқиб қолган кўни-қўшнилар унга етиб олмоқ учун от чоптириб қувлаб кетишди.

Ёмон туш кўриб босинқирагандай бошим гувулларди. Руҳан эзилиб адои тамом бўлган мен бечора отда, жиловни тутган Дуйшэн сал олдинда борардик. У бинт билан ўраб боғлаган бошини қуйи солганча сукут сақларди. Орадан анча вақт ўтиб машъум дара ортда қолиб кетди. Милиционерлар ҳам илгарилаб кетган эди. Дуйшэн отни тўхтатди-да, ҳорғин кўзлари билан биринчи бор менга назар ташлади.

– Олтиной, мени кечир, сени бу балолардан сақлай олмадим, – деди у. Сўнг қўлимни олиб, юзига босди-да: – Сен мени кечирган тақдирда ҳам, мен ўзимни бир умрга кечира олмаган бўлардим...

Мен уввос тортиб йиғлаганча отнинг ёлига ёпишиб олдим. Дуйшэн бўлса, йиғлаб кўнглимни бўшатиб олгунча, ёнимда сочларимни силаб, сукут сақлаб турди-да:

– Тинчлан, қани кетдик, – деди у ниҳоят. – Гапимга қулоқ сол. Уч кун аввал бўлисда бўлдим. Сени шаҳарга юбориб ўқитамиз. Эшитяпсанми?

Қуёш нурида товланиб шарақлаб оқаётган зилол сув бўйига етиб келганимизда:

– Қани, энди отдан туш, Олтиной, – деди Дуйшэн. Кейин киссасидан бир бўлак совун олиб узатар экан: – Истасанг, мен у ёққа бориб отни ўтлатиб турай, сен эса бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммасини хаёлингдан чиқар! Ол, Олтиной, енгил тортасан. Маъқулми?

Мен хўп, дегандай бош ирғадим ва Дуйшэн нари кетгандан сўнг ечиниб, аста-секин сувга тушдим. Шарқираб оқаётган сув остидаги оқ, кўк, яшил, қизғиш рангдаги тошчалар камалак янглиғ жилваланиб менга боқишарди. Шитоб билан оқаётган мовий сув оқими тўпиғимга келиб урилиб, нималарнидир бижирларди. Мен ундан ҳовучлаб олиб кўкрагимга сепдим. Муздек сув танимга югуриб, ҳузур бахш этди. Мен шу кунларда биринчи бор қувонганимдан беихтиёр кулиб юбордим. Кулишга нима етсин! Яна, яна устимга сув сепдим-да, кейин ўзимни оқимнинг чуқур жойига отдим. Шиддатли оқим мени яна саёзликка чиқариб қўяр, мен эса ўрнимдан туриб, яна ўзимни шариллаганча кўпикланиб оқаётган оқимга отардим.

– Эҳ, ҳаётбахш сув, сенга минг қатла шукурлар бўлсин, бу қаро кунларнинг барча нажасларию разолатларини оқизиб кет! Мени ҳам ўзинг каби тоза, мусаффо эт! – дея пичирлаб кулардим ва нима учун кулаётганимни ўзим ҳам билмасдим...

Қани энди одамларнинг босган излари эсдалик белгиси сифатида ўчмасдан умрбод сақланиб қолса! Агар мен ҳозир Дуйшэн билан тоғдан тушиб келаётган ўша ёлғизоёқ йўлни тополсам, ерга тиз чўкиб, муаллим босган изларни ўпган бўлардим. Бу сўқмоқ мен учун ҳамма йўллардан ҳам ардоқлидир. Худонинг марҳамати билан мени янги ҳаётга, янги ишонч, янги орзу-ниятларга чорлаган ўша кун, ўша сўқмоқ йўл хайрли ва нурафшон бўлсин... Ўша кунги порлаган қуёшга, саховатли еру заминга тасанно!..

* * *

Икки кундан кейин Дуйшэн мени кичик темир йўл станциясига олиб борди. Бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеалардан сўнг овулда қолишни ўзимга эп кўрмадим. Янги ҳаётни янги манзилда бошламоқ зарур эди. Овулдошлар ҳам менинг қароримни маъқуллашди. Сайқал буви билан Қартанбой ота безовта бўлишиб, ёш болалардек йиғлаб-сиқтаганча менга аталган халтаю тугунчаларни кўтаришиб йўлга кузатиб қўйишди. Мен билан хайрлашгани бошқа кўни-қўшнилари, ҳатто жанжалкаш Сотимқул ҳам пайдо бўлган эди.

– Худойим ўз паноҳида сақласин сени, – деди у, – Дуйшэннинг панд-насихатларидан чиқма, шунда ҳаётда қоқилмайсан. Бизлар ҳам анча-мунча нарсаларни тушунадиган бўлиб қолдик. Журъатли, жасоратли бўл. Йўлинг чароғон бўлсин, болам!

Мақтабимиз ўқувчилари анчагача қўлларини силкитиб, арава орқасидан югуриб боришди. Мени Тошкентга, етим болалар уйига бораётган бир нечта болаларга қўшиб кузатишди. Станцияда бизни чарм курткали бир рус аёли кутаётган эди.

Кейинчалик мен тоғ даралари орасида, тераклар билан қопланган ушбу кичик темир йўл станциямиз олдидан неча бор тўхтамай ўтиб кетдим. Гўё юрагимнинг ярмини абадий ўша ерда қолдириб кетгандай бўлдим.

Оч бинафша рангдаги баҳор оқшоми хайрлашаётганимни худди сезиб тургандай хомуш тортиб, аллақандай юракни зирқиратарди. Дуйшэн озор чекиб, дили вайрон этилганини пинҳон тутишга қанчалик ҳаракат қилмасин – уни яшира олмади. Муаллимнинг юрак дардини ич-ичимдан сезиб турардим; бундай оғриқ менинг ҳам томоғимга тикилгандай эди. Дуйшэн менга разм солиб, меҳрибонларча юз-кўзларимни, сочлариму ҳатто кўйлагим тугмачаларини силаб ўтирарди.

– Олтиной, менга қолса, сени, бир зумга бўлса-да, ўз бағримдан чиқармаган бўлардим, – деди у. – Лекин ўқишингга халал беришга ҳақим йўқ. Ахир, ўзим ҳам унчалик саводли эмасман-ку... Сен ўқишга борсанг, албатта яхши бўлади. Эҳтимол, ҳақиқий ўқитувчи бўлиб, болаларга сабоқ берарсан, ўшанда кадрдон мактабимизни эслаб роса куларсан ҳам... Айтилган орзу-ниятларим илоҳим рўёбга чиқсин...

Бу орада олисдан дарани янгротиб келаётган паровоз кўриниб, одамлар юklarини кўтарганча ғимирлашиб қолишди.

– Мана, ҳозир жўнаб кетасан, – деди Дуйшэн титроқ овозда, қўлимни сиқиб. – Бахтли бўл, Олтиной. Энг муҳими – ўқиш ва яна ўқиш, буни унутма...

Мен бўлсам, бирон нима дейишга мажолим келмай, лол бўлиб қолган эдим. Дуйшэн:

– Йиғлама, Олтиной, – дея кўз ёшларимни артаётиб, иттифоқо, алланарса эсига тушиб қолди: – Ана у сен билан бирга эккан теракчаларни ўзим парвариш қиламан. Сен комил инсон бўлиб қайтиб келганигда улар ҳам бўй чўзиб, қанчалик чирой очганини кўриб, қувончга тўласан ҳали.

Шу маҳал поезд келиб, вагонлар шарақ-шуруқ этиб тўхтади.

– Қани, энди хайр-хўшлашамиз! – Дуйшэн мени қаттиқ қучиб олганча пешанамдан ўпа бошлади.

Соғ-саломат бўл, сафаринг бехатар бўлсин, хайр, оқ йўл сенга... Чўчима, жигарим, ҳамиша журъатли, жасоратли бўл!

Мен вагон зинапоясига сакраб чиқдим-да, орқамга ўгирилиб қарадим. Дуйшэннинг синган қўлини бўйнига осиб, хиралашиб қолган кўзларини узмай мен томон талпинаётгани сира-сира кўз ўнгимдан кетмайди. Шу маҳал поезд ўрнидан кўзғала бошлади.

– Хайр, Олтиной! Хайр, қароғим! – қичқирди у.

– Хайр, қадрдон устоз! Хайр, меҳри дарё муаллим!

Дуйшэн вагон билан ёнма-ён югуриб бораверди, кейин ортда қолиб кетди. Сўнг яна олға ташланди-да:

– Олтин-ой! – деб ўкириб юборди.

Менга у худди эсига тушиб қолган аллақандай муҳим бир гапни, гарчи кеч бўлса-да, айта олмаганидан ўкиниб бақиргандек туюлди.

Поезд туннелдан ўтиб, тўғри йўлга чиқиб олгандан сўнг, тезликни ошира бориб, мени қозоқ даштлари орқали янги ҳаёт сари элтарди...

Хайр, муаллим, хайр, менинг биринчи мактабим, хайр, болалик чоғларим, хайр, менинг ҳеч кимга изҳор этмаган биринчи муҳаббатим...

Ҳа, мен Дуйшэн орзу қилган катта шаҳарда, деразалари катта-катта, чароғон мактабларда ўқидим. Сўнг рабфакни тугатгач, мени Москвага институтга юборишди.

Узоқ йиллик ўқиш давомида илм-фан сир-асрорларини эгаллашда қанчадан-қанча қийинчилигу синовларни бошимдан кечириб, неча бор тушкунликка тушган энг оғир дамларда, ҳар гал, хаёлан биринчи муаллимимга мурожаат этардим, у эса мени ҳамиша чекинмасликка, олға интилишга даъват қиларди. Одамлар бир ўқишдаёқ ўзлаштирадиган нарсаларини мен катта машаққатлар эвазига ўқиб ўзлаштирдим. Чунки ўтилган дарсларнинг барчасини ибтидосидан бошлашга тўғри келган эди.

Рабфакда ўқиб юрган кезларимда муаллимга севишимни ошкора изҳор этиб, мактуб йўлладим, бироқ, афсуски, у хатимга жавоб қайтармади. Шу билан ўзаро ёзишмаларимиз тўхтаб қолди. Чамамда, муаллимим ўқишимга халал бергиси келмади ва бунини ўзига ҳам хуш кўрмади. Балки, у тўғри қилгандир... Эҳтимол, қандайдир яна бошқа сабаби бордир? Ўшанда мен турли ўй-хаёлларга бориб, озмунча азоб-уқубатлар чекмадимми...

Биринчи диссертациямни Москвада ёқладим. Мен учун бу катта ва жиддий ғалаба эди, албатта.

Шу йиллар мобайнида ўқиш билан банд бўлиб, овулимизга боришга имкон тополмадим. Бу орада уруш бошланиб қолди. Кеч куз пайти, Москвадан Фрунзегга эвакуация қилинар эканман, муаллим кузатиб қўйган ўша станцияда тушиб қолдим. Омадим келиб, ногаҳон, овулимиз орқали совхозга кетаётган бричка-арава йўлиқди.

Оҳ, жонажон ватаним, биз учун оғир уруш йилларида, сени йўқламоқ насиб этди менга. Янгидан-янги овуллар пайдо бўлиб, янгидан-янги йўллару кўприклар бунёд этилиб, бутун атроф янги қиёфага кирганини кўриб қанчалик кўзим қувонмасин, лекин, бари бир, урушни ўйлаб, дилимга қил сиғмасди.

Овулга яқинлашганимиз сари, мени ҳаяжон босарди. Узоқдан янги, нотаниш кўчаларга, янги уй ва боғ-роғларга йўл-йўлакай назар ташлаб келардим. Сўнг ўша тепаликда турган мактабимизни кўришим билан нафасим ичимга тушиб кетди – тепаликда икки улкан терак шамолда салобатли тебраниб турарди. Шу маҳал бутун умрим бўйи «муаллим» деб атаб келган кишимни, оддийгина, ўз исми билан:

– Дуйшэн! – деб пичирлаб айтдим. – Менга қилган барча яхшиликларинг учун раҳмат! Демак, ёдингда

эканман, эсдан чиқармабсан... тасанно. Бу нақадар сенга хос хислат-фазилат!

Кўз ёшларимни кўрган аравакаш йигитча безовтала-ниб:

– Нима бўлди сизга? – деб сўради.

– Ўзим, шунчаки. Бу овулда бирон кишини танийсизми?

– Албатта. Бу ердагиларнинг ҳаммаси ўзимизнинг одамлар.

– А, Дуйшэн дегани-чи, муаллим бўлар эди-ку?

– Дуйшэнними? У, ахир, урушга кетган-ку. Уни ўзим мана шу аравада военкоматга олиб бориб қўйган эдим.

Овулга киришда мен йигитчадан тўхташни илтимос қилдим ва аравадан тушиб, нима қилишимни билмай, ўйланиб қолдим. Шу ташвишли кунларда уйма-уй юриб, таниш-билишларимни излаб, мени танияпсизларми, мен сизларнинг ҳамқишлоқларингизман, деб айтишга юрагим бетламади. Дуйшэн бўлса, аллақачон урушга жўнаб кетган экан. Қолаверса, янгам билан амаким яшайдиган манзилга ҳеч қачон қадам босмасликка олт ичгандим. Одамларнинг кўп гуноҳларини кечириш мумкин, бироқ бундай ёвузликни, ўйлашимча, ҳеч ким, ҳеч қачон кечирмайди. Ҳатто янгам билан амакимнинг овулга келишимдан хабар топишини ҳам зинҳор истамасдим. Йўлдан бурилганимча тепаликка – қўш тераклар томон одимлаб кетдим.

– Эҳ, тераклар, қадрдон тераклар!

Ҳали сизларни ёш навниҳол эканларингизда экиб, вояга етказган одамнинг айтганлари-ю қилган барча орзу-ниятлари эрта бир кун рўёбга чиқди! Сизлар эса нега хомуш кўриниб, мунгли шовуллайсиз! Ёки қиш яқинлашиб, шамол япроқларимизни узиб ташлайди, деб нолияпсизларми? Ёки халқ дард-аламлари танимизни зирқиратаяпти, деб қайғураяпсизларми?

Ҳа, ҳали қиш келади, қаҳратон совуқлару қор бўронлари бўлади, лекин баҳор ҳам келади....

Кузги япроқларнинг гувуллашига узоқ муддат кулоқ солиб турдим, улар ўз тилида роз айтишиб шувуллашарди. Тераклар ёнидан ўтган ариқ-атрофларини кимдир яқиндагина саришта қилиб қўйибди: ҳатто ҳали кетмон излари ҳам кетгани йўқ. Ариқ тўла тўлқин уриб оқаётган зилол сув теракларнинг сарғимтир япроқларини қалқитиб борарди.

Тепаликдан менга янги мактабнинг бўялган тунука томи кўриниб турарди. Эски мактабимиздан эса асар ҳам қолмабди.

Кейин тепаликдан тушиб, йўлимиз бир бўлган ҳамроҳ билан бричка-аравада станция сари кетдим.

* * *

Уруш тугаб, ғалаба кунларига ҳам етиб келдик. Халқ бу орада қанчадан-қанча мудҳиш кунларни бошидан кечирмади, дейсиз: болакайлар оталарининг сумкаларини кўтаришиб, мактабга югуришар, хизматдан қайтиб келган эркаклар яна меҳнат билан машғул бўлар, бева қолган аёллар тақдирга тан бериб, сукут сақлаганча кўз ёши тўкишарди. Ахир, хизматга кетганларнинг ҳаммаси ҳам ҳали қайтмаган эди-да. Мен ҳам шулар қатори, Дуйшэннинг ҳоли не кечганини билмасдим. Шаҳарга келган ҳамқишлоқларимнинг айтишича, у бедарак йўқолган эмиш, қишлоқ кенгашига шундай қоғоз келган эмиш.

– Ким билсин, балки ҳалок бўлгандир – деб тахмин ҳам қилишди улар. Вақт ўтиб бораяпти, ундан эса ҳамон дарак йўқ.

«Демак, муаллимим қайтиб келмас экан-да, – деб ўйлардим ўзимча дам-бадам. – Станцияда хайрлашган ўша унутилмас кундан бошлаб бошқа учрашиш насиб қилмади бизга...»

Гоҳида ўтмишни эслар эканман, қалбимда қанчадан-қанча дарду аламлар тўпланиб қолганлигини хаёлимга келтирмабман.

Қирқ олтинчи йилнинг кеч куз пайти, Томск университетига илмий командировкага бордим. Сибирь ерлари бўйлаб биринчи юришим эди. Сибирь ўша қиш олди кезларида қандайдир мунгли ва қаҳрли кўринарди. Дераза ортидан асрий ўрмонлар қоронғи девор янглиғ ўтиб борар, ўрмонга туташган қишлоқчалардаги қора томли уйларнинг мўриларидан буруқсаб чиққан оқ тутун милтиллаб кўзга ташланиб турарди. Аёзли далаларга биринчи қор тушганди. Тепада эса хурпайган қарғалар учиб юрарди. Осмоннинг авзойи бузуқ эди.

Аммо поездда вақтим чоғ, эмин-эркин борардим. Купедаги кўшниларимиздан бири – собиқ жангчи, кўлтиқтаёқли ногирон қизиқчи йигит ҳарбий ҳаётга доир воқеа-ҳодисалару латифалар айтиб, бизларни кулдиргани кулдирган эди. Мен унинг ўйлаб топган битмас-туганмас уйдирмаларининг, бир қарашда, оддийлиги ва беғаразлиги остида чин ҳақиқат ётганлигини ҳис этиб, ҳайратланардим. Вагондагиларнинг барчаси уни жуда ёқтириб қолишганди Поезд ўрнидан кўзғалиб, юришини тезлаштирди-да, станция бекатига қарашли ёлғиз уй деразаси олдидан сузиб ўтди, стрелкага етганда ортимга тисарилиб деразага қарадим ва яна ойнага ёпишиб олдим. У ерда Дуйшэн турганини кўриб қолдим! У будка ёнида кўлида йўл байроқчасини ушлаб турарди. Шунда нима бўлганини ҳам билмай гангиб қолдим.

– Тўхтанглар! – дедим бутун вагонни бошимга кўтарганча, нима қилишимни билмай, вагон эшиги томон югуриб кетдим. Шу лаҳзада кўзим стоп кра-нига тушиб қолди-да, унинг пломбасини куч билан шартта узиб олдим.

Вагонлар бир-бирига урилиб, зарб билан тўхтади ва яна худди шундай кескин орқага тисарилиб тўхтади. Полкалардаги юклар ағанаб, идиш-товоқлар шарақлаб юмалаб кетди, болалару хотин-қизларнинг қий-чуви, кимнингдир:

– Поезд одамни босиб кетибди! – дея ҳайқирган бўғиқ овози эшитилди.

Мен эса вагон зинапоясига келиб, жаҳаннамга ташлангандай, ўзимни ерга отдим, ҳеч нимани кўрмасдан, пайқамасдан эс-хушимни йўқотиб, гарангсигандай стрелкачи будкаси томон, Дуйшэн сари югуриб борардим. Ортимдан кондукторнинг хуштаги янгради. Йўловчи-қатновчилар ҳам вагонлардан сакраб тушиб, улар ҳам орқамдан югуришар эди. Поезд билан ёнма-ён чопиб, бир зумда унинг нариги бошига етиб бордим. Дуйшэн ҳам пешвоз югуриб келарди.

– Дуйшэн, меҳрибоним, муаллимим, – дея қичқирардим, ўзимни унинг кучоғига отганча.

Стрелкачи ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди-да, менга юзланди. Бу ўша, юз-кўзлари қуйиб қўйгандай Дуйшэннинг ўзгинаси, лекин илгарилари мўйлаб қуйиб юрмасди, анча-мунча кексайиб ҳам қолибди.

– Сизга нима бўлди, синглим, тинчликми? – деди у, ҳамдардлик билан, қозоқ тилида. – Сиз мени бировга ўхшатдингиз, ҳойнаҳой, мен йўл стрелкачиси Жонғазин бўламан, исмим Бейнев.

– Бейневмисиз?

Қайғу-аламдан, ор-номусдан овозим борича дод-вой солиб юбормаслик учун қандай қилиб жимиб қолганимга ўзим ҳам ҳайронман. Нима иш қилиб қўйдим? Қўлларим билан юзимни беркитиб, бошимни қуйи солдим. Қанийди, ер ёрилса-ю, ерга кирсам. Стрелкачидан узр сўраб, халойиқдан кечирим сўрашим керак эди, мен бўлсам, дамимни ичимга ютиб, тош қотиб турардим. Югуриб келган йўловчилар ҳам, негадир, чурқ этишмасди. Ўзим эса улар ҳозироқ бақиритиб, сўкишиб, роса таъзиримни беришса керак, деб кутиб турардим. Мана шу мудҳиш сукунатда аллақандай бир аёл хўрсиниб йиғлаганча:

– Боёқиш, эрига ёки акасига ўхшатган бўлса керак, бечора, янглишибди, – дейиши билан одамлар ҳаракатга кела бошлади.

– Шунақаси ҳам бўлар экан-да, – дея луқма ташлади кимдир.

– Урушда нималар бўлмайди, дейсиз, – жавоб қайтарди бир аёл, гапни шартта бўлиб. Стрелкачи қўлларимни юзимдан олиб, деди:

– Юринг, совуқда турманг, сизни вагонга кузатиб кўяман.

У мени қўлтиғимдан ушлаб олди, иккинчи қўлимдан қандайдир офицер тутган эди.

– Юраверинг, гражданка, ҳаммасини тушунамиз, – деди у.

Одамлар йўл беришди. Гўё мени дафн маросимига кузатишаётгандек эди. Биз олдинда секин одимлаб борардик, бошқалар ҳам худди шу зайлда боришарди. Биз томон келаётган йўловчилар ҳам чурқ этмасдан тўдага кўшилишарди. Кимдир тивит рўмолини елкамга ташлади. Купедаги қўлтиқ таёқли ҳамроҳим ёнимизда эди. У оқсоқлаганча илгари ўтиб олди-да, бирдан юзимга қаради. Хушчақчақ, ҳазилкаш, меҳрибон ва довжурак бу йигит негадир йиғлаётгандек кўринарди. Уни кўриб мен ҳам йиғладим. Вагонлар бўйлаб саф тортганча борар эканмиз, тепамизда телеграф симларининг шамолдан хуштак чалиб гувуллаши менга мотам маршидек эшитилди. «Йўқ, мен уни энди ҳеч қачон кўрмас эканман-да».

Вагонимиз ёнида бизни поезд бошлиғи тўхтатди. У менга бармоғини бигиз қилиб бақирарди. Суд жавобгарлигию жарима ҳақида нималарнидир айтиб пўписа қиларди. Бироқ мен лом-мим демасдан туравердим. Энди менга бари бир эди. У менга қоғоз узатиб, имзо қўйишимни сўради, менинг эса қўлимга қалам олишга мажолим йўқ эди.

Шу пайт ҳалиги мен билан купеда келаётган қўшним қўлтиқтаёғи билан унга яқин бориб, қўлидан қоғозни тортиб олди-да:

– Уни тинч кўй! Мен имзо чекаман, стоп-кранни мен узганман. Ўзим жавоб бераман! – деб қичқирди.

Сибирь кенгликларидан кечикиб келаётган поезд елиб борарди. Кўшнимнинг гитараси эса тун бағрини тилиб, ғамгин сас таратарди. Бева қолган рус аёлларининг даҳшатли урушдан эсдалик бўлиб қолган мотамсаро чўзиқ ашула садоларини ўзим билан бирга олиб кетаётгандай ҳис этардим.

* * *

Йиллар ўтди. Ҳаммаси ортда қолди. Турмуш яна изга тушиб, янги жўшқин ҳаётнинг катта ва кичик ташвишлари абадий юз кўрсатиб, ҳамиша келажак сари чорларди. Ёшим улғайиб, бир ерга етганда турмушга чиқдим. Умр йўлдошим оқкўнгил инсон, болаларимиз, оиламиз бор, иноқ яшаяпмиз. Мана, энди фалсафа фанлари докториман. Тез-тез сафарга чиқишга тўғри келади. Кўпгина мамлакатларда бўлдим. Овулимизга эса бошқа келолмадим. Бунинг кўпгина сабаблари бор, албатта. Бироқ бу билан ўзимни оқламоқчи ҳам эмасман. Ватандошларимдан узилиб қолишим яхши эмас – буни кечириб бўлмасди. На қилай, тақдиримда ёзилгани шу бўлса. Мен ўтмишни унутиб юборганим йўқ, унута олмасдим ҳам, фақат ундан, қандайдир, узоқлашган эдим, холос.

Тоғларда шундай булоқлар бўладики, янги йўл тушиши билан бу чашмаларга элтадиган сўқмоқ йўлларни аста-секин ялпиз ёки маймунжонлар босиб, унутилиб кетади. Шу йўсинда йўлдан бурилиб, саратоннинг жазирамасида чанқоқни қондириш учун чашмани эслаб бораётган йўловчиларнинг сафи ҳам тобора сийраклашиб қолади. Кимдир унутилган ўша жойни излаб топиб, буталар орасидан уни авайлаб очади-да, таассуфдан секин ух тортиб юборади: кўпдан бери ҳеч ким томонидан лойқалатилмаган муздеккина булоқ сувининг

тиниқлигию чуқурлигини кўриб ҳайратда қолади. У булоқ кўзгусида ўзини ҳам, қуёшни ҳам, осмону фалакни ҳам кўради... Кўради-ю бундай жойларни билмаслик гуноҳ, бошқа ошна-оғайниларни ҳам бундан хабардор қилиш керак, деган фикрга келади. Ўйлайди-ю ўзи ҳам яна бу томон йўли тушмагунча уни унутиб юборади.

Ҳаётда ҳам баъзан шундай бўлади. Ҳаёт деганлари шу бўлса керак...

Мен яқинда овулга бориб келганимдан сўнггина кўзи беркилиб бораётган бундай булоқлар эсимга тушиб қолди.

Сиз, албатта, ўшанда менинг Гуркуровдан бирдан жўнаб қолганимга таажжубланган бўлсангиз керак.

Мен сизга ҳозирги гапириб берганларимни ўша пайтда, ўша ернинг ўзида одамларга айта қолсам бўлмасмиди? Йўқ, албатта. Ўшанда кўнглимга қил ҳам сиғмасди, уятга қолган эдим, ўзимдан ўзим номус қилардим, шу боис дарҳол жўнаб кетишга қарор қилгандим. Дуйшэн билан учраша олмаганлигимни, унинг юзига ботиниб қарай олмаслигимни тушунардим. Шунинг учун ҳам айтмоқчи бўлган барча фикр-мулоҳазаларимни бир жойга жамлаб, уларни овулдошларимизгагина эмас, балки бошқа кўпчиликка ҳам етказиш учун ўзимни тинчлантириб, хотиржам бўлиб олишим керак эди.

Қолаверса, ўзимни айбдор санашимнинг яна бир сабаби шундаки, янги мактабнинг очилиш маросимида барча иззат-икромлар менга эмас, балки бошқа бир табаррук инсонга қаратилиши ва фахрли ўринга мени эмас, балки уни ўтказиш керак эди, деб ўйлайман. Бунга аввало, овулимизнинг биринчи муаллими – қария Дуйшэн сазовор эди. Ваҳоланки, аксинча бўлиб чиқди. Биз байрам дастурхони атрофида ўтирибмиз. Бу ажойиб инсон эса, мактабни тамомлаб кетган собиқ талабаларнинг табрик телеграммаларини тантанали маросимга етказишга ошиқарди. Бу биринчи мартаба содир бўла-

ётгани йўқ, албатта. Бундай воқеаларни неча бор кузатганман. Шу боисдан ҳам ўз-ўзимга савол бераман: биз оддий кишиларни иззат-хурмат қилиш одатини қачондан бери унутиб қўйганмиз?..

Ёшлар Дуйшэннинг ўз даврида қандай муаллим бўлганини билишмайди. Катта авлод вакилларида кўпчилиги эса энди йўқ. Дуйшэннинг шогирдларидан кўпчилиги урушда ҳалок бўлган, улар чинакам жангчилар бўлганлар. Муаллимимиз тўғрисида ёшларга сўзлаб беришга бурчли эдим. Менинг ўрнимда бошқа одам ҳам шундай қилган бўларди. Лекин узоқ муддат овулда бўлолмаганлигим ва Дуйшэн ҳақида етарли маълумотга эга бўлмаганлигим сабабли унинг сиймоси, вақти келиб, мен учун сокин музейхоналарда сақланадиган қимматбаҳо ёдгорликдай бўлиб қолган эди.

Мен ҳали муаллимим ҳузурига бориб, ҳаммасига жавоб бериб, ундан кечирим сўрайман.

Москвадан қайтиб келгач, Гуркуровга бориш ниятим бор. Овулдошлардан янги интернат-мактабни «Дуйшэннинг мактаби» деб аташларини сўрамоқчиман. Ҳа, худди ана шу оддий хўжалик аъзоси, ҳозирги почтачининг номига қўйишларини таклиф қилмоқчиман. Ишонманки, таклифимни қўллаб-қувватлайсизлар. Сизларга шуни айтмоқчи эдим.

Ҳозир ярим тун, соат икки.

Меҳмонхонанинг балконида туриб, азим шаҳарнинг чарақлаб турган сонсиз-саноксиз чироқларига назар ташлар эканман, ўзимча овулга келган заҳотиёқ, муаллим билан учрашиб, унинг оппоқ соқолларидан ўпаман, дея хаёл сурардим...

* * *

Деразани ланг очиб қўяман, хонага мусаффо ҳаво оқими ёпирилиб киради. Тонг ёришиши билан бошлаб қўйган суратларимнинг хомаки нусхаларини диққат билан кўздан кечираман. Мен бу суратларни ҳар сафар

қайта-қайта кўриб, неча бор қайта ишлаганман. Бироқ ҳали улар ҳақида бирон фикр айтиш эрта. Ҳали бош ғояни тўла-тўқис гавдалантира олганимча йўқ. Субҳидам сокинлигида у ёқдан бу ёққа юриб, ўйлаганим ўйлаган, унинг интиҳосига етолмасдим ва ҳамиша шу такрорланарди. Ҳар гал ҳам чизган суратим ҳали тугалланмаганига ва ҳар гал ҳам у кўнглимга тугиб қўйган бир ният эканлигига ўзимни ишонтирмоқчи бўлардим. Шундай бўлса-да, бари бир, сизлар билан маслаҳатлашиб олмақчиман. Менинг бу юмушим овулимизнинг биринчи муаллими Дуйшэн оқсоқолга бағишланишини ўзингиз ҳам пайқаб тургандирсиз, албатта.

Бироқ мен курашларга тўла, хилма-хил тақдирлару инсоний эҳтиросларга тўла мураккаб ҳаётни бўёқлар воситасида ифода қила олишимни ҳамон тасаввур эта олмасдим.

Ниятим – ушбу лиммо-лим қадаҳни чайқатиб, тўкиб юбормаслик. Бошқача айтганда, уни нафақат сиз замондошларимизга етказиш, балки ҳаммамизнинг ҳақиқий ижод намунамиз сифатида эл-улусга тортиқ қилишим учун нима қилишим керак, деган савол на турганимда, на ўтирганимда менга ҳаловат беради. Уни чизмасликка ҳақим йўқ! Гоҳида ўзимни бу ишнинг уддасидан чиқа олмаётгандай сезиб, қаёқдан ҳам тақдир кўлимга мўйқалам тутқазиб, бунчалик азоб-уқубатларга қўймаса, деб ўйга толаман. Гоҳида эса ўзимни тоғни урса, талқон қила оладиган паҳлавонлардек ҳис этаман. Шундай пайтларда кўриш, ўрганиш ва сарасини танлаб олиш учун ўйга чўмардим. Болалик чоғларингда, гарчи уларни эсдан чиқарган бўлсанг-да, сенга олам-олам қувонч бағишлаган ўша Дуйшэн билан Олтиной эккан қўш теракларнинг суратини чиз. Офтобда қорайиб кетган ялангоёқ болакайларнинг расмини чиз. Уларнинг азамат тераклар-

нинг шохларига чиқиб олиб, юксакликдан бепоён далаларга ҳайратомуз боқишларини чиз.

Ёки Дуйшэннинг суратини чизиб, остига «Биринчи муаллим» деб ёзиб қўй. Унда Дуйшэннинг болаларни қўлда кўтариб, сув кечиб, сойдан ўтказаётган пайтию бошларига қизғиш тулки телпак кийиб олган ўша бешафқат зўравонларнинг, «бизни кўриб қўйинглар», дегандай масхара қилиб, семиз асов отларини ўйноқлатганча ёнимиздан ўтиб кетаётганлари акс этсин... Ёки бўлмаса, муаллимнинг Олтинойни шаҳарга кузатаётган пайтини чиз. Унинг ғам-алам ўтида ёниб, сўнгги бор қичқиргани ёдингдами? Шундай бир сурат чизгинки, у худди Дуйшэннинг тубсиз нидоси Олтиной қулоғи остида ҳануз янграб тургандек, ҳар бир кишининг юрагида акс садо бериб турсин.

Мен бу гапларни ўзимга айтяпман. Алланималар ҳақида ўзимга-ўзим кўп гапираман-у, ҳамма вақт ҳам уларнинг уддасидан чиқавермайман. Мана, ҳозир ҳам чизган суратим қанақа чиқиши менга даргумон. Аммо бир нарсага ишончим комилки, у ҳам бўлса – муттасил изланиш...

йил

ЭРТА ҚАЙТГАН ТУРНАЛАР

Ўғлим Асқарга

Оқсой, Кўксой, Сариксой – кезмаган ер қолмади:
Лекин ҳеч бир ўлкадан ўхшашинг топилмади...

Қирғиз халқ қўшиғи

Иовга элтди чопар шумхабар:
«Ўғлонлар кўксига санчилмиш ханжар...»

«Иов» китобидан

Қайта-қайта даласини шудгор қилар қўшчилар,
Қайта-қайта сепадилар ерларига уруғ, дон,
Қайта-қайта ёмғир билан сийлар уларни осмон...

Умид билан ер ҳайдайди одамлар,
Умид билан уруғ сочар одамлар.
Умид билан денгиз кетар одамлар...

*«Тҳерагатҳа», 527–536-бетлар,
Қадимги Ҳиндистон адабиёти эсдаликларидан.*

I

Совқотиб дағал шол рўмолга ўраниб олган муаллима Инкамол опа география дарсида Цейлон ҳақида, океаннинг Ҳиндистонга яқин қирғоқларида жойлашган ўша афсонавий орол ҳақида ҳикоя қилар эди. Цейлон мактаб харитасида бепоён ерга нисбатан бир нуқтадай кўринар эди. Яхшилаб тингласанг, нималар йўқ у ерда, маймунлару филлар ҳам, бананлар ҳам (қандайдир мевалар), дунёда энг яхши чой ҳам ва турли-туман ёввойи

мевалар, нотаниш ўсимликлар ҳам бор. Ҳаммасидан ҳам у ёқ доим шундай иссиқ бўладики, йил бўйи бемалол юраверасан: этик ҳам, қалпоқ ҳам, пайтаваю пўстин ҳам керак эмас. Ўтинни-ку, умуман, кераги йўқ. Шундай бўлгач, кўрай териб келиш учун далага боришнинг, бурнинг ерга тегай-тегай деб шох-шабба, ўтин орқалаб келишнинг кераги ҳам йўқ. Мана яшаш деб шуни айтади-да. Маза қилиб юравер, хоҳласанг офтобда исин, хоҳламасанг сояда ёт. Цейлонда кечаю кундуз ҳаво иссиқ, шундай роҳатки, ёзнинг ниҳояси кўринмайди. Қанча хоҳласанг шунча чўмилавер, хоҳла эрталабдан-кечгача. Зериксанг туяқушларни қувла, туяқушларми, албатта бор у ерда. У ёқда бўлмай қаерда бўлсин яна бу каттакон овсар қушлар. Цейлонда ақли қушлар ҳам бор, масалан, тўти. Агар хоҳласанг уни тутиб оласан-да, сайрашга, кулишга, ҳатто рақс тушишга ҳам ўргатасан. Тўти шундай қушки, ҳамма нарса қўлидан келади. Айтишларича, шундай тўтилар ҳам бор эканки, ҳатто ўқишни ҳам билармиш. Овулдагилардан кимдир ўқишни биладиган тўтини Жамбул бозорида кўрган экан. Тумшуғига газета тутсанг шариллатиб ўқиб ташлайверармиш...

Э-ҳе, нимасини айтасан, ажойиботларнинг ҳаммаси Цейлонда. Ҳеч нарсани хаёлингга келтирмай бемалол яшайверасан. Муҳими, плантация эгасининг кўзига кўринмасанг бўлгани. Қўлида қамчиси билан юради. Худди қулларидай цейлонликларнинг елкаларига қамчи билан тушириб қолади. Золим! Қулоқ-чаккасига қарсиллатиб туширсанг-да, кўзларидан олов чиқиб кетса. Қамчисини тортиб олиб, ўзини ишлашга мажбур қилсанг. Эксплуататорлару капиталистлар эркалигини йиғиштириб қўйсин, бошқа гап йўқ: ўзинг учун ўзинг ишла, ўз чорингнинг ўзинг судра, вассалом! Ахир ўшалардан фашистлар келиб чиқади-да... Уруш ҳам ўшаларнинг иши... овулларидан қанча киши ҳалок бўлди-ю.

Онаси ҳар куни йиғлайди, ҳеч нарса демайди-ю, йиғлайди, отасини ўлдириб қўйишларидан кўрқади. Қўшни хотинга эса, бир фалокат бўлса, қаерга бораман тўрт болам билан, дейди...

Совуқ синф хонасида жунжиккан, болалар йўталининг тўхташини тоқат билан кутиб турган Инкамол опа Цейлон, денгизлар ва иссиқ мамлакатлар ҳақидаги ҳикоясини яна давом эттирди. Эшитаётганларига гоҳ ишониб, гоҳ ишонмай (жуда ажойиб таърифлар эди-да ўша ўлкалар) Султонмурот Цейлонда яшамаётганига ич-ичидан афсус қила бошлади. «Ана яшашу, ана сенга ҳаёт!» – ўйлар эди у кўз қири билан дераза томонга қараб-қараб қўяркан. У буни қойиллатарди. Гўё муаллиманинг сўзини тинглаётгандай бўларди-ю, ўзи эса деразадан кўз узмасди. Аммо ташқарида ўзгариш йўқ эди. Ташқарида ёғингарчилик. Бўралаб қор ёғарди. Қор учқунлари деразага урилиб шитирларди. Ойналар муз билан қопланган. Дераза ойналари хира. Деразаларнинг замаскалари ҳар жой ҳар жойидан кўчиб сиёҳга беланган дераза токчасига тушиб ётарди. «Цейлонда замасканинг кераги йўқ, – ўйларди у. – Кимга ҳам керак? Дераза у ёқда турсин, уйларнинг нима кераги бор. Чайла қуриб олиб, тепасини япроқлар билан ёпиб олгин-да, яшайвер...»

Деразадан ҳамisha шамол уриб турар, ҳатто ромларнинг тирқишларидан ҳуштак чалиб ўтаётгани эшитиларди. Деразанинг ўнг ёнбоши айниқса совуқ эди. Чидашга тўғри келади. Дераза ёнига уни Инкамол опанинг ўзи ўтқазиб қўйган. «Сен, Султонмурот, – деган эди у, – синфда энг бақувватсан. Совуққа чидай оласан». Авваллари совуқ тушгунга қадар, бу жойда Мирзагул деган қиз ўтирарди, уни Султонмуротнинг жойига кўчирдилар. У ер унчалик совуқ эмас. Шундай бўлса ҳам уни шу ерда, мана шу партада қолдирганлари яхши эди. Бари бир совуқни Султонмурот тўсиб турарди. Ўтири-

шарди-да ёнма-ён. Энди бўлса танаффус пайти ёнига борсанг қизариб кетади. Бошқалар билан гаплашиб тураверади-ю, Султонмурот келиши биланоқ қизариб қочиб қолади. Орқасидан қувиб юриш ноқулай. Кулгига қолади. Бу қизлар ҳар хил уйдирмалар тўқишга жуда уста. Дарров ёзувлар пайдо бўлади: «Султонмурот – Мирзагул – ошиқ-маъшуқ». Бир партада ўтиришганида-ку, ҳеч нарса бўлмасди...

Ташқарида гупиллаб қор ёғарди. Ҳаво очиқ кунлари синф хонасидан туриб қарасанг шундоқ кўз олдингда тоғлар туради. Мактабнинг ўзи ҳам тепаликда, овулдан анча баландликда жойлашган. Овул пастда, мактаб тепада. Шунинг учун бу ердан, мактабдан туриб атрофни кузатиш осон. Узоқдаги қорли тоғлар худди расмдагидай кўринади. Ҳозир эса қоронғида уларнинг ғамнок туриши зўрға кўзга чалинади.

Кўл ҳам, оёқ ҳам увушиб қолади. Ҳатто белинггача совқотади. Эҳ, синф шундай совуқки. Авваллари, урушдан олдин мактаб қуритилган қўй қийи билан иситиларди. Худди кўмирнинг ўзи эди: зўр ёнарди. Энди бўлса похол олиб келишади. Похол печкада гур этиб ёнади-ю, ҳеч қандай иссиқ бермайди. Бир-икки кун ўтгач, похол ҳам тугайди. Похолдан фақат кул қолади.

Афсуски, Талас тоғлари табиати иссиқ ўлкаларникидай эмас. Табиати бошқача бўлганида яшаш ҳам бошқачароқ бўлармиди. Ўз филлари бўларди. Худди буқаларни миниб юргандай филларни миниб юришарди. Нима бўпти, кўрқиб ўтирмасди. Биринчи бўлиб ўзи қоқ калласига, иккала кулоқлари орасига миниб оларди-да, худди дарсликдаги расмдагидай овул бўйлаб айланиб юрарди. Одамлар ҳар томондан: «Қаранглар, югуринглар, Бекбойнинг ўғли Султонмурот фил миниб юрибди!» – дейишарди. Ана ўшанда Мирзагул кўрарди-ю, ҳаваси келиб афсусланарди балки... Ўзига зеб берганини қара-ю! Яқинига йўлаб бўлмайди. Аччиғи чиқса, маймун билан газета ўқийди-

ган тўти топади. Уларни фил устига, орқасига ўтирғизиб кўяди. Жой етади, филнинг устига бутун синф болалари билан ўтирса ҳам бўлади. Рост! Буни у биров айтмаса ҳам билади.

Тирик филни у ўз кўзи билан кўрган, буни ҳамма билади, тирик маймунни ва бошқа хил йиртқичларни ҳам кўрган. Бу ҳақда овулда ҳамма билади, ўзи неча марта айтиб берган. Ҳа, ўшанда омади келиб, уларни кўрган эди...

Урушгача, нақ урушдан бир йил олдин бўлиб ўтган эди унинг ҳаётидаги бу унутилмас воқеа. Ўшанда ҳам ёз эди. Пичан ўришаётган эди. Отаси Бекбой ўша йили Жамбулдан шу ердаги МТСнинг нефть омборига ёнилғи таширди. Ҳар бир колхоз ёнилғи ташиб келишга транспорт ажратиши керак эди. Отаси ҳазиллашиб ўзини-ўзи мақтаб кўярди: мен, дер эди, оддий аравакаш эмасман, баҳоси йўқ аравакашман, мен учун, отларим ва аравам учун колхоз ҳукуматдан ҳақ олади. Мен, дейди, колхоз ҳамёнига даромад келтираман. Шунинг учун бухгалтер кўрган жойида отдан тушиб салом беради...

Отасининг араваси фақат керосин ташишга жиҳозланган эди. Кузовсиз, шундоқ тўрт ғилдирак устида темир қисқичларга ўрнатилган иккита темир бочкаю олд тарафда, энг олдинда, аравакаш ўтирадиган жой. Араванинг бор-йўғи шу. Аравакашнинг жойига икки киши ўтирса бўлади, аммо уч кишига торлик қилади. Лекин отлар шундай зўрки, улардан яхшисини тополмайсан. Отасининг отлари ажойиб, бақувват эди.

Бурул ахта Чопдор билан тўриқ ахта Чонтор. Уларга урилган жабдуқ ҳам пишиқ, ўзи ҳам лоп-лойиқ. Бўйинтуруқлари бойваччаларникидай ноёб, кўндан қилинган абзаллари арава мойи билан мойланган. Минг тортсанг ҳам узолмайсан. Бундай узоқ йўлда шундай бўлиши ҳам керак-да. Отаси пишиқ, тартибли иш қилишга ўрганган. Доим отларни бир маромда йўрттирарди. Чопдор билан

Чонтор баъзан ёлларини силкитиб, бир маромда чошиб, худди иккита балиқ баравар сузаётгандай сояланиб келардики, уларни томоша қилиш гаштли эди. Одамлар ғилдирак товушларини узоқдан эшитибоқ: «Бекбой яна Жамбулга кетяпти», дейишарди. Бориш-келиш учун икки кун кетарди. Бекбой ортига қайтар экан, юзлаб километр йўл босганга сира ўхшамас, одамлар ҳайрон қолишарди. «Бекбойнинг араваси худди рельсларда юрадиган поезднинг ўзгинаси-я!» Улар бекорга ҳайратланмасдилар. Толиққан ёки сўлиғи ўйнаган уловни арава ғилдиракларининг овозидан ҳам пайқаса бўлади. Ёнингдан ўтгунча жонингни суғуриб олади. Бекбойнинг отлари эса доим енгил йўрғалайди. Балки шунинг учун ҳам энг қийин сафарларни унинг зиммасига юклашгандир.

Шундай қилиб, ўтган йили энди ўқиш тугаб, таътил бошланганида отаси шундай деб қолди:

– Шаҳарга бирга олиб борайми?

Султонмурот азбаройи қувонганидан нафаси бўғзига тикилай деди. Бўлмаса-чи. Отаси у шаҳарни кўришни кўпдан бери орзу қилиб юрганини қаердан билдийкин? Ахир ҳали шаҳарда бирор марта ҳам бўлмаган. Қойил иш бўлди-да!

– Яна бу ҳақда мақтана кўрма, – жўрттага кўрқитиб кўйди отаси. – Бўлмаса укаларинг шундай жанжал кўтаришадики, кейин бирор жойга бориб бўлсан.

Тўғри гап. Ажимурот, ундан уч ёш кичкина-ю, ҳеч нимадан, ҳеч қачон акасига ён бергиси келмайди. Эшакдай қайсар. Гоҳо отаси уйдалигида Ажимуротнинг дастидан унинг олдига ҳам боролмайсан.

Отасининг елкасидан тушмайди. Гўё ёлғиз унинг ўзию, бошқалар ҳисобда йўқ. Иккита сингиллари, улар ҳали кичкина эдилар ўша пайтлар, ҳатто ўшалар ҳам йиғи-сиғи билан аранг ота меҳрига муяссар бўлишарди. Намунча бу кичиги отасига ёпишмаса деб қўшнилар ҳам

хайрон эдилар. Орувхон момодан, баджаҳл, чўпдай, қалтироқ товушли аёлдан ҳамма кўрқарди. Шу кампир бир эмас, неча марта қоқшол кўллари билан Ажимуротнинг қулоғини бураб огоҳлантирган эди:

– Сен шумтаканинг отангга ёпишиб олганинг яхшилик аломати эмас! Ер юзида бир фалокат рўй берадиганга ўхшайди! Бу қандай гапки, ўғил бола тип-тирик отасига тўймай юрса! Бу қанақа бола ўзи! Ҳой, одамлар, мана мени айтди дерсиз, бу бола бизларнинг бошимизга бир балони ёғдиради!

Онаси ғудраниб, туфлаб кўйиб, Ажимуротнинг танглайини кўтариб кўярди-ю, аммо Орувхон кампирга ботиниб бир сўз деёлмасди. Кампирдан ҳамма ҳайиқарди. Орувхон момо бежиз айтмаган экан. Шундай бўлди ҳам. Ажимуротга қийин бўлди. У энди кап-катта, учинчи синфда ўқийди, бировга билдирмайди, айниқса онаси олдида ўзини тутуди-ю, аммо ўзи ҳамон йўл пойлайди, отасининг бугунми-эртами фронтдан қайтишига илҳақ бўлади. Ётиш олдидан пичирлаб, худди катталардай, кечки дуосини ўқийди: «Э худо, э, худо, ишқилиб эртага отам қайтиб келсин». Ҳар куни шу аҳвол. Қизиқ, ўзича, ухлаб турса ҳамма нарса ўзгаради-ю, мўъжиза юз беради, деб ўйлайдими.

Агар отаси урушдан эсон-омон қайтиб келса, майли, уники, фақат Ажимуротники бўла қолсин. Майли, у Ажимуротни кўлларидан, елкасидан туширмасин. Фақат келса бўлди. Ишқилиб нима бўлса ҳам у билан эсон-омон юз кўришсин. Унга, Султонмуротга ана шу бахтнинг ўзи етарли. Отаси қайтса бўлгани.

Отаси Чуй каналидан қайтиб келганида уйларида содир бўлган ўша воқеанинг яна такрорланишини у шундай хоҳлардики. У қурилишга, бурноғи йили ёзда кетган эди, ўшанда ҳам аравакаш бўлиб беш ойга кетган эди. Ёз бўйи ва кузи билан ўша ерда тупроқ ташиганди. Стахановчи бўлган эди.

Уйга у намозшомда кириб келди. Тўсатдан ҳовлида ғилдирак товушлари эшитилди, отлар пишқириб қолди. Болаларнинг ҳаммаси ҳовлига отилишди. Отаси! Қорайиб худди лўлига ўхшаб қолган, озиб-тўзиб, соч-соқоли ўсиб кетганди. Усти боши ҳам, онаси кейин таърифлаганича, дайдиларникига ўхшарди. Фақат этиклари яп-янги хромдан экан. Ажимурот биринчи бўлиб югуриб бориб отасининг бўйнига осилади, ёпишиб олиб маҳкам қучоқлаб олади-ю, сира кўйиб юбормайди, шу кўйи нуқул йиғлаб бир сўзни такрорлайди:

– Отажон, отажоним, отажон...

Отаси уни бағрига босаркан, ўзининг ҳам кўзларига ёш қалқийди. Кўшнилар чиқишади. Икковига қараб улар ҳам йиғлашади. Онаси бўлса бирдан довдираб қолганидан айланиб-ўргилиб юрар, Ажимуротни отасининг бағридан тортиб олмоқчи бўларди:

– Отангни кўйиб юбор энди! Етар, сен бир ўзинг эмассан-ку. Бошқалар ҳам кўришсин. Қандай ақлсизсан-а, худойим-эй, қара, одамлар кўришмоқчи...

Унинг бўлса парвойи фалак...

Султонмуротнинг ичидан бир нима узилиб томоғига тўпдай қадалиб қолгандай туюлди. Оғзи шўр бўлиб кетди. Тағин ҳеч қачон ва ҳеч нимага йиғламайман, дейди. У шу заҳотиёқ ўзини қўлга олди. Тетикланди.

Дарс ҳамон давом этарди. Инкамол опа энди Ява, Борнео, Австралия ҳақида ҳикоя қиларди. Яна ажойиб ўлкалар, мангу ёз. Тимсоҳлар, маймунлар, пальмалар ҳамда ҳар хил нотаниш нарсалар. Кенгуру бўлса ғаройиботлар ғаройиби! Боласини қорнидаги халтасига солиб олиб, югуриб юраверади. Ўйлаганини қаранг кенгурунинг, аниқроғи, табиатнинг...

У кенгуруни кўрмаган. Кўрмаганми, кўрмаган. Афсус. Лекин филни, маймунни ва бошқа ҳайвонларни яқиндан томоша қилган. Қўл чўзсанг етадиган ердан...

Ўша куни, отаси уни ўзи билан шаҳарга олиб кетишни айтганида у еру кўкка сиғмай юрди. Тоқатсизланганидан, қувонганидан тарс ёрилиб кетгудай бўлди, аммо гап шундаки, у бу ҳақда бировга айтишга журъат қилолмасди. Агар Ажимурот билиб қолса, катта тўполон чиқаради: нега Султонмуротга мумкину, менга мумкин эмас, нега отам уни ўзи билан олиб кетади-ю, мени олиб кетмайди? Шунинг учун ҳам беҳад қувонч ва эртанги саёҳатни кутиш туйғулари укаси олдида қандайдир айбдорлик ҳислари билан қўшилиб кетгандай эди. Нима бўлса-да, бўлажак воқеа ҳақида укалари ва сингилларига айтиб юборишига озгина қолди. Жудаям айтгиси келарди. Аммо отаси ва, айниқса, онаси бундай қилмасликни қайта-қайта уқтирарди. Майли, кичкиналар у йўлдалигида билишсин. Шундай бўлгани яхши. У ана шу сирни сақлаш учун ўзини базўр тутиб қолди. Ўлиб қолай деди сир тутаман деб. Аммо ўша куни у шундай серҳаракат, ҳаммага шундай сертакаллуф, шундай жонкуяр бўлиб қолдики, ҳеч қачон бундай қилмаганди. Ҳамма ишни қилар, ҳаммасига улгурар эди. Бузоқни ҳам жойига элтиб арқонлаб келди, томорқадаги картошкани ҳам чопди, кир юваётган онасига ҳам ёрдамлашди, энг кенжа синглиси Алматой лойга йиқилиб тушганида уни ювинтирди ва яна бошқа ишларни ҳам ўринлатди. Қисқаси, ўша куни у шундай сидқидилдан ишладики, ҳатто онаси ўзини тутиб туролмай бошини чайқаганча пиқиллаб кулиб юборди.

– Мунчалик ўзгариб қолдинг? – деди табассумини аранг яшириб. – Қани энди доим шундай бўлсанг, қанийди-а! Кўз тегмасин ишқилиб! Балки сени шаҳарга юбормаслик керакдир? Сен ажойиб ёрдамчим бўлиб қолибсан-ку.

Лекин буни онаси шунчаки айтган эди, холос. Ўзи эса хамир қориб йўлга нон ёпар ва ҳар хил егулик ҳозирларди. Ёғни эритиб, уни ҳам йўлга ҳозирлаб шишага солиб қўйди.

Кечқурун бутун оила жам бўлишиб самовар атрофида иссиқ нон ва қаймоқ билан чой ичишди. Жойни эса ҳовлига, ариқ бўйидаги олма дарахтининг остига солишган эди. Отаси кичкинтойлар қуршовида ўтирарди – бир ёнбошида Ажимурот, бошқа ёнида қизалоқлари. Онаси чой қуяр, Султонмурот эса пиёлаларни узатиб, самоварга кўмир ташлаб турарди. У буларнинг ҳаммасини иштиёқ билан бажарарди. Ўзи эса мудом эртага шаҳарда бўлишни ўйларди. Отаси бир-икки марта у тарафга кўз қисиб имо ҳам қилиб қўйди. Укаси олдида озмунча муғамбирлик қиляптими ахир.

– Хўш, Ажике, – чой хўплаб туриб кичик ўғлига юзланди, – Қораёлингни ҳали ҳам минишга ўргатмадингми?

– Йўқ, ота, – шикоят бошлади Ажимурот. – У жуда асов чиқиб қолди. Орқамдан худди кучукдай эргашиб юради. Мен унга овқат бераман, суғораман, бир марта ҳатто мактабимизга ҳам эргашиб борди. Дераза тагида туриб танаффусга чиқишимни кутганини бутун синфимиз кўрди. Аммо ҳеч миндирмайди устига, дарров отиб юборади, шаталоқ отади...

– Уни минишга ўргатиш учун сенга ҳеч ким ёрдам қилмаяптими? – маслаҳат солгандай бўлди отаси гўё ўзини иш билан банд қилиб кўрсатгандай.

– Мен уни ўргатиб бераман, Ажике, – шайланиб тургандай жавоб қилди Султонмурот. – Албатта ўзим ўргатиб бераман...

– Ур-ей! – деганча ўрнидан ирғиб турди укаси. – Кетдик!

– Қани, жойингга ўтир-чи! – Шаштини қайтарди онаси. – Тек ўтир. Одамларга ўхшаб чой ичиб олинглар, кейин улгурарсизлар.

Гап Ажимуротнинг икки ёшли ёқимтой хўтиги устида борарди. Ўша йили баҳорда уни болаларга тоғаси Нурғози инъом қилганди. Ёзгача хўтик ажабтовур ўсди, кучга тўлди. Узункулоқни эгарга, ишга ўргатиш учун

минишга кўниктириш вақти келган эди. Ахир хўжаликда эшак доимо, ҳали тегирмонга, ҳали ўтин-чўпга, ҳали майда-чуйда нарсаларга дегандай керак бўлиб туради-да. Шунинг учун ҳам Нурғози тоғаси унга совға қилганди. Аммо биринчи кунданок Ажимурот эшакни ўзиники қилиб олди. Ўжар, тўполончи бола эшакка шундай ғамхўрлик қила бошладики, бирор кишини унинг яқинига ҳам йўлатмас эди. Сал нарсага, хўтигимга тегманглар! Мен уни ўзим боқаман, ўзим суғораман, дерди. Бир марта ана шу хусусда ака-ука уришиб қолишди. Онаси каттасини жазолади, чунки кичиги ундан мушт еган эди-да. Ўшандан буён Султонмуротнинг алами ичида эди. Хўтикни минишга ўргатиш пайти келганда у ўзини четга олди: модомики сеники экан, ўзинг ўргат минишга, мени тинч қўй, ишим йўқ. Худди шундай ишларда устаси фаранг бўлганига қарамай, чап берди. Болалигидан унинг кўзи пишиб, эпчил бўлиб қолганди. Асовларни итоат қилдиришни яхши кўрар эди. Бу ҳам худди кураш – ким кимни бўйсундиришдай гап. Қўшниларнинг барча тойчоқларини, буқаларию хўтиklarини ҳамиша у ўргатарди. Ёш ҳайвонларни одатда эпчил болалардан бири ўргатади минишга. Катталарнинг вазни, оғирлиги йўл қўймайди бунга. Одамлар Султонмуротга одатда ҳурмат билан шундай илтимослар қилиб келишарди: «Султонмурот-жон, вақтинг бўлса бизнинг буқани ўргатиб берсанг». Ёки: «Султаке, азизим, бизнинг ҳангини бир ақлини киритиб қўй. Елкасига пашшани қўндирмайди, тишлаб ўзини ҳар ёққа отгани отган».

Бу ишда у ана шунақа таниқли бўлиб қолган эди, аммо ўз укасига йўқ дерди, бунинг устига, бир-икки марта укаси ардоқли эшагидан йиқилиб пешанаси ғурра бўлганида кулиб мазах қилиб, унинг жиғига тегди:

– У орқангдан худди итдай чопиб юради! Сен ҳали кунингни кўрасан ундан!

Эх, укасини ранжитиб қандай номаъқулчилик қилган экан-а. Фақат отаси ишора қилгандан кейингина тушуниб етди. У мана шунақа тентакнамо эди, укалари олдида ярашмаган қилиқларни қилиб юрарди. Мана энди, шаҳарга борадиган бўлганида, укаси буни билмайди, виждони шундай қийналдики, ҳатто шу заҳоти унинг олдига бориб кечирим сўрашга, нима деса шуни бажаришга тайёр эди.

Чой ичиб бўлишгач, отаси билан томорқалари ортидаги ўтлоққа йўл олишди. Аввал атрофдаги ҳамма тошларни териб олиб нариги ёққа ташлади. Кейин Қораёлни – Ажимурот ўз эшагини тантанавор қилиб шундай атарди – жиловлашга олиб келишди. Отаси Қораёлни кулоқларидан ушлаб турганида Султонмурот эпчиллик билан унга нўхта урди.

Кейин иштонини яхшилаб кўтариб олди. Ахир осон ишга бел боғламаган эди-да. Шу ернинг ўзидаёқ цирк томошалари бошланди. Ажимуротнинг қўли остида эркин юрган Қораёл ёмон қилиқ чиқариб олишга улгурган экан. Дарров шаталоқ отиб, орқа оёқларини кўтариб ўзини ҳар ёққа ота бошлади. Узункулоқ чавандозни эгардан улоқтириш ҳавосини олган эди. Аммо ҳеч нарса қилолмади. Султонмурот йиқилар, аммо дам ўтмай яна ўрнидан туриб олар, қорни билан Қораёлнинг устига ётиб олиб, кейин яна бир ҳаракат билан унинг белига миниб оларди. Эшак бўлса яна бўйсунмас, яна йиқилиш, яна миниш давом этаверарди.

Буларнинг ҳаммасини Султонмурот чаптастлик ва ҳатто қувонч билан бажарарди. Ҳамма гап йиқилишни билишда! Нима учун одамлар отдан ёки туядан кўра эшакдан ёмон йиқиласан, дейишади? Аксинча эмасми ахир. Сир шундаки, йиқилаётиб қўл билан тушишга улгуриш керак. Отнинг баландлиги, туянинг ундан ҳам баландлиги йиқилаётган кишининг мўлжал олиб улгуришига имкон беради. Эшакдан тажрибасиз чавандоз қопдек «гуп» этиб қулаганини ўзи ҳам билмай қолади...

Буни Султонмурот ўз тажрибасидан биларди. Бунинг учун ташвиш қилишнинг ҳожати йўқ эди. Шовқин солишиб, хурсандчилик қилишиб, қий-чув кўтаришди. Отаси қорнини ушлаб, ичаги узилгудай куларди. Шовқин-суронни эшитиб болалар келиб қолишди. Уларнинг орасида кимнингдир кучуги ҳам бор экан. У ҳам тўс-тўполонни кўриб, ўзини иштирок этиши керак деб ҳисоблагандай вовуллаб, Қораёлнинг кетидан кува кетди. Эшак бўлса қўрққанидан шаталоқ отди, Султонмурот эса ҳамманинг ҳавасини келтириб худди осоавиахимовчиларга ўхшаб чавандозлигини кўрсата кетди. У чопиб бораётган Қораёлнинг устидан сакраб тушиб, яна миниб олар эди.

Урушдан олдин осоавиахимовчи – отлиқ аскарлар қишлоқ олдидаги ўтлоқда мана шундай машқ қилишар эди. Овулларидаги йигитларнинг бари эса ишдан кейин машқ қилишарди. От устида чопиб бораётиб новдаларни кесиб ташлашарди. От устидан йўл-йўлакай ўзларини пастга отиб яна миниб олишарди. Уларни значоклар билан тақдирлашарди. Бу занжирли, винт билан бураб қўйиладиган жуда чиройли значоклар эди. Болаларнинг роса ҳаваси келардида. Улар осоавиахимовчилар машқини томоша қилгани доимо чопқиллаб келишарди. Ўша йигитлар ҳозир қаерда юрган эканлар-а? Отлардами ёки окоплар ичидамиканлар? Отлиқ армия ҳозирги урушда керак бўлмайди, дейишяпти...

Султонмурот дераза ташқарисига қаради-ю, отлар қишда совқотишади, танкларга эса совуқ ҳам писанд эмас, дея ўйлади. Лекин бари бир отдан яхшиси йўқ!

...Роса томоша бўлган эди-да, ўшанда. Тез фурсатда Қораёл тинчиб қолди. Ўзидан нима талаб қилишаётганини тушунди: одимлаб, йўрғалаб, даврани айланиб юра бошлади...

– Энди миниб ол, – укасини чақирди Султонмурот, – чу, де, ҳаммаси жойида!

Юзлари фахрдан ёнган Ажимурот, товони билан Қораёлни тепиб у ёқ бу ёққа чоптира бошлади – унинг қандай абжир акаси борлигини ҳамма кўриб турса-ю, мақтанмай бўладими!

Кеча ёруғ бўлиб, узоқ вақт қоронғилашмай турди. Улар уйга ҳориб-чарчаб, аммо мамнун бўлиб қайтишди. Ажимурот онасига кўрсатиш учун Қораёлни миниб, ҳовлига кириб борди. Шундан кейин у ҳеч нимадан шубҳаланмай дарров ухлаб қолди. Султонмурот эса сира ухлаёлмасди.

Эртага шаҳарда бўлишини, у ерда нималар кўришини-ю, ўзини нималар кутаётганини ўйларди. Кўзи уйқуга кетаётиб, отасининг онаси билан паст товушда суҳбатлашаётганини эшитиб қолди.

– Ўзимга қолса унисини ҳам олиб кетардим, иккалови бўлса яна қизикроқ бўларди, – деди отаси, – фақат жой йўқ-да, бу шайтон аравада. Энг олдинда, бочкаларнинг устида ўтирасан. Йўл бўлса узоқ, болакай мудраб филдирак остига тушиб кетиши мумкин.

– Нималар деяпсан! – кўрқиб кетди онаси, – худо кўрсатмасин, бу ҳақда ўйлаб ўтирма, кераги йўқ. Кейинроқ бир кун олиб борарсан. Сал катта бўлсин. Сен аввал унисига эҳтиёт бўл. Катта бўлиб қолди дейсан, қаёқда ҳали...

Султонмуротни ширин уйқу элтган эди, ота-онасининг паст овоздаги суҳбатини тинглаш ҳам мароқли, эртага эрталаб, саҳар туриб отаси билан йўлга тушишини ўйлаш ундан мароқли эди... Кўзи илинаётганда эса юраги орзиқиб, учиш шундай завқли эканлигини ҳис қиларди. Қизик, у учишни қаердан ўрганди? Юрмоқ, чопмоқ ва сузмоқ одамларга хос-ку. У бўлса учиб юрибди. Қушга ҳам ўхшаб эмас. Қушлар қанотларини силкитишади. У бўлса қўлларини ёзди-ю, бармоқлари учини қимирлатди, холос. Учганда ҳам бир текис, эркин учди, қаердан ва қаерга бориши номаълум, сокин ва «кулиб»

турган бўшлиқда учиб юрарди... Унинг ё руҳи учарди, ёки туш кўрарди.

– Тур, Султонмурот, йўлга-тушамиз, – дея отаси елкасига қоқиб секингина қулоғига шивирлаганида у кўққисдан уйғониб кетди.

Ўрнидан сакраб тураркан, бир лаҳза отасининг қулоғига тегиб турган дағал мўйлови, ўзига қарата айтган сўзлари падари бузрукворига нисбатан қат-қат меҳр, миннатдорлик туйғуларини жўш урдириб юборганлигини ҳис этди. У ўшандай бир кун келиб отасининг соқоллари юзига тегишини, худди ўшандай «тур, Султонмурот, йўлга тушамиз», деган сўзларини қўмсашини ҳали билмас эди.

Аллақачон ўрнидан турган онаси ўғлига ювилган кўйлак бериб, отаси ўтган йили Чуй каналдан олиб келган каттароқ кўк, худди бошлиқларникидай фуражкани бошига кийгизиб қўйди. Асраб қўйилган ботинкаларни ҳам отаси каналдан олиб келганди.

– Қани, кийиб кўр-чи, қисмийдими? – деди онаси ботинкаларни тутиб.

– Йўқ, қисмаяпти, – деди Султонмурот оёғини салпал қисаётганига қарамай. – Ҳечқиси йўқ, кенгайиб кетади ҳали.

Улар онаси билан хайрлашиб ҳовлидан чиқишганларида, керосин арава шақирлаб катта тошлоқ ариқдан ўтганида Султонмуротнинг юраги қувончдан ҳаприқиб, отларнинг туёғидан сачраётган муздек сув заррасидан этлари жимирлаб кетди ва тушида эмас, ўнгида, росткамига шаҳарга кетаётганини ҳис этди.

Ёзги субҳидам худди шаффоф шарбатдай қуюла бошлади. Куюёш ҳали узоқ-узоқларда, оппоқ қорли тоғлар ортида эди. Бироқ у аста-секин яқинлашиб, кўтарилиб, ногоҳ тоғлар ортидан ярқираб чиқишга ҳозирланар эди. Ҳозирча эса туни билан салқинлашиб қолган йўлда сукунат ва соф ҳаво ҳоким. Афсус, уларни овулдан

чиқиб кетаётганини болалардан ҳеч ким кўрмади-да. Фақат чекка-чеккадан итларгина ғилдирак товушини эшитиб, мудроқ аралаш ҳуриб қўйишарди...

Йўл адир бўйлаб борар, узоқдан бинафшаранг кўри-нишдаги унча баланд бўлмаган тизма тоғлар қўйнига кириб борарди. Ўша ёқда, ўша узоқ тоғлар ортида Жамбул жойлашган. Улар ўша ёққа кетишяпти. Тўйган отлар бир текисда дадил йўртиб борар, гўё эгар-жабдуқнинг ҳам, бўйинтуруқнинг ҳам алоқаси йўқдай, одатдагича кишнашиб ва кўзлари устига тушиб турган ёлларини селкиллатганча йўрғалаб боришарди. Йўл яхши таниш, бу йўллардан улар неча марталаб ўтишган; хўжайинлари ўз ўрнида, жилов қўлида, ёнидаги болакай ҳам бегона эмас, қадрдонлари, оғирлиги ҳам тушаётгани йўқ...

Улар шу маромда анчагина йўл босиб, дунёдаги барча аравалар сингари шақир-шуқур, ғичир-ғичир овоз чиқариб боришарди. Қуёш шу тобда ён томондан, тоғлар орасидаги бўшлиқдан мўралай бошлади. Нур, ҳарорат терга ботган отлар яғринига ҳаво тўлқинидай сокин ва майин таралди: нур қўйнида Чопдор бедана тухумидай бурул тусга кирди. Чонтор эса тағин ҳам тиниклашиб, оқ-тўриқ рангга бўялди; нур, ҳарорат отанинг буғдойранг ёноғига ҳам қўниб, қисик кўзлари атрофидаги қалин ажинларни чуқурлаштирганидан, жилов тутган қўллари эса яна ҳам йирик ва чайир кўринарди; нур ва ҳарорат отларнинг туёқлари остига югурган оқимдай, йўлга тўшалиб, тан ва кўзларга кўчди; нур, ҳарорат жумлаи жаҳонга ҳаёт ато эта бошлади... Шу сафар тонгида Султонмурот қалбида илиқ қувончли ва эзгу ҳислар ҳукмрон эди.

– Қалай, уйғондингми? – ҳазиллашди отаси.

– Аллақачон, – деди ўғил.

– Ундай бўлса, ушла бунни, – дея жиловни унга тутқазди.

Султонмурот миннатдорлик билан жилмайиб қўйди, ахир у бунни сабрсизлик билан кутаётган эди-да, ўзи

сўраса ҳам бўлар эдику-я, аммо яхшиси отасининг ўзи қачон маъқул кўрса шунда бергани яхши – унақа-бунақа иш эмас, бу катта йўлда юриш дегани. Отлар тизгинни бошқа қўлга ўтганини сезиб, норози бўлгандек қулоқларини чимириб йўртиб бораётиб – худди ҳукмронлик заифлашган айни пайтда ғалаён кўтаришга ва уришишга қарор қилишгандай бир-бирларини тишлай бошлашди. Аммо Султонмурот дарҳол ўзини кўрсатиб қўйди – жилловни силтаб тортганча қичқирди:

– Чу, жониворлар!

Агар бахт одамга бир марта насиб қилса, бунини Султонмурот сафарда тўла ҳис қилди. Унинг кайфияти бирор дақиқага ҳам бузилмади. Отаси ёнида ўтираркан, у ўзини ҳар нарсага қодир деб ҳисобларди. Бу кайфият йўл бўйи уни тарк этмади. Шақир-шуқур керосин арава бошқа бировни ҳатто ақлдан оздириб қўйиши мумкин эди, аммо унинг учун эса бу бахт-шодлик кўнғироғи эди. Арава остидан кўтарилаётган чанг ҳам, ғилдираклар ғилдираб бораётган йўл ҳам, бир маромда туёқ ташлаб бораётган отлар ҳам, қорамой ва тер ҳиди анқиб турган абзал ҳам, бош устида сузиб юрган оппоқ парку булутлар ҳам, атрофдаги шабнамга чўмилган сарғиш, кўм-кўк, би-нафшаранг дала чечаклари ҳам, йўллардаги кечиб ўтиладиган сойлару ариқчалар, дуч келган отлиқлару аралар ҳам гоҳ олдинга, гоҳ орқага енгил учиб, баъзида эса шундайгина отларнинг тумшуғи тагидан учиб ўтаётган қалдирғочлар ҳам – ҳамма-ҳаммаси бахт ва гўзаллик рамзи эди. Бироқ Султонмурот булар ҳақида ўйламасди, зотан бахт бор жойда у ҳақда ўйламайдилар. Султонмурот дунёнинг худди шундай тузилганини, бундан яхшироқ бўлиши мумкин эмаслигини ҳис қилди. Унинг отаси ҳам шундай яхшики, бундан яхшироқ бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Ҳатто сариқ тўш, қора бош дала қушларининг йўл бўйидаги тикан ва буталар шохига кўниб олиб, ўша бир

оҳангда сайраши ҳам бежиз эмас эди. Ким учун сайраётганини ўзлари билишади. Султонмурот уларни қанчалик яхши кўришини ҳам билишади. Бу қушларни сарайғирлар деб аташади. Шундай деб аталишига сабаб улар бир умр ўзларининг сайроқ овози билан аллақандай саман айғирни шоширар эмиш: «Чу, чу, сарайғир! Чу, чу, сарайғир!» Ғалати қушлар-да, сарайғирлар. Бироқ улар ҳар тилда ҳар хил сайрар экан. Бир куни овулга киномеханик, хушчақчақ рус йигит келиб қолди. Султонмурот унга парвона бўлиб қутиларга солинган ленталарни ташишди, кечқурун эса бунинг учун у биринчи бўлиб динамо-машинасини айлантириш бахтига муяссар бўлди. Динамо-машинада электр токи ҳосил қилинади, токдан эса лампочкалар ёнади, лампочкадаги нур эса оппоқ экранга тушади, экранда эса жонли тасвирлар акс этади. Шунда ўша киномеханик унинг сайрашини эшитиб, сўраб қолди:

– Девор ортида сайраётган қушнинг номи нима?

– Бу сарайғир, – тушунтирди унга Султонмурот.

– У нима деб сайраяпти?

– Чу, чу, сарайғир!

– Бу нима дегани?

– Билмадим. Русчасига: «Но-о, но-о, жёлтый жеребец!» – дегани бўлса керак.

– Биринчидан, айғир сариқ бўлмайди. Ҳа, майли, аммо нима учун тинмай: «Чу, чу, сарайғир!» – дейди.

– Чунки бу қушнинг хаёлида худди сариқ айғирга миниб тўйга кетаётгандай туюлар экан, юриб, юриб ҳеч манзилига етолмаётгандай бўларкан-да, у ҳадеб: «Чу, чу, сарайғир!» – деб қичқирар экан.

– Мен бўлсам бошқача эшитган эдим. Айтишларича, сарайғир бозорда қарта ўйнаган ва уч сўм ютиб олишига сал қолган. Шунинг учун ҳам: «Чуть, чуть три рубля не выграл!» – деб сайрар экан. Энди ўша уч сўмни ютиб олмагунича сайрашини қўймас экан.

– Қачон у ўша пулни ютиб олади?

– Ҳеч қачон. Худди, тўйга етиб боролмаганидай пулни ҳам ҳеч қачон ютолмайди. – Ана холос...

Ҳақиқатан, кўринишдан оддийгина қушча-ю, аммо жуда машҳур экан.

Йўл бўйи сарайғирлар сайраб туришарди, Султонмурот уларга жилмайиб:

– Кетдик бирга, бозорга бориб уч сўмни ютиб оламиз!

– деди. Улар эса тинмай сайрашарди: «Чу, чу, сарайғир!»

– бошқа гал эса: «Чуть, чуть, три рубля не выграл!» – деб жиғибийрон бўлиб сайрашарди.

Султонмурот шаҳарга жуда тез етишга ошиқарди! Қуёш энди шундоқ тоғлар устига келиб қолган эди Султонмурот отларни тезлатди:

– Чу, чу, сарайғир! – бу сўзларни Чопдорга айтди. – Чу, чу, тўрайғир! – бунисини эса Чонторга қарата айтди.

Отаси уни сал қайтарди:

– Қичаб ҳайдама. Отлар ўз маромини билади. Керагида чопади, керагида ўзини асрайди ҳам.

– Уларнинг қайси бири яхши, ота, Чопдорми ё Чонторми?

– Иккаласи ҳам яхши отлар. Йўрғалаши ҳам, кучи ҳам барабар. Худди машинадай ишлайди. Фақат! парвариш қилиб, ўз вақтида ем-хашак бериб турсанг бўлди – ҳеч қачон доғда қолдирмайди. Ишончли отлар. Ўтган йили Чуй каналида ботқоқликда ишладик. Аравалар юки билан гупчагигача ботиб қолар эди. Гоҳо шундай ўтириб қолардики, баъзиларини ҳеч қаёққа силжитиб бўлмасди. Дод деб юборгинг келарди. Қутқар, деб дарров чопиб келишарди. Илтимос қилишарди. Йўқ, деб бўлармиди? Чонтор билан Чопдоримни олиб келиб аравага қўшардим. Биз ҳайвон деймиз-у улар ақлли, уларни бекорга бошқа аравага қўшмасликларини, ёрдам қилишлари кераклигини тушунади. Қамчини кўп ишлатмайман, фақат овоз чиқариб қўяман, улар бўлса, ишқилиб абзаллари чидаса бўлди,

тиззалаб бўлса ҳам аравани тортиб чиқаради чуқурдан. У ерда, Чуй каналида, буларни ҳамма биларди: омадинг бор экан сени, Бекбой, деб ҳавас қилишарди. Балки шундай-дир, фақат отларга яхши қараш керак, ана шунда омад ҳам келаверади.

Чопдор ва Чонтор ишбилармонлардай, ўша бир маромдаги йўрғасида борар, гўё гап улар ҳақда эмасдай эди. Отлар қоринбоғларию қулоқларигача терлаб-пишиб ҳамон аввалгидай ёлларини селкиллатишганларича йўл пашшаларини қўнишига имкон бермай боришарди.

– Ота, қайси бири катта, Чонторми ё Чопдорми? – отасидан сўрайди Султонмурот. Чонтор уч ёш катта. Чонторнинг кексайгани аста-секин билиниб қоляпти. Чопдор эса айни кучга тўлган вақти. Бақувват, чопқир от. У билан улоқда ҳам кўпларни доғда қолдириш мумкин. Олдинлари бунақа отни йигитнинг қаноти, дейишарди.

Султонмурот Чопдор унга кўпроқ ёққани учун суюниб кетди. Ажойиб тусли – бурул, майда холли. Ўзи ҳам бадфеъл эмас, чиройли, бақувват.

– Менга Чопдор кўпроқ ёқади, – деди у отасига. – Чонтор баджаҳл. Кўзини олайтиргани олайтирган.

– Баджаҳл эмас, ақлли-ку, – кулимсираб қўйди отаси. – У ишсиз қолиб зериктиришларини ёқтирмайди. – У бир оз туриб яна қўшиб қўйди: – Иккаласи ҳам яхши. Ўғли ҳам маъқуллади.

– Икковиям яхши, – такрорлади у отларни қистаркан.

Бир оздан сўнг отаси деди:

– Қани, жиндай тўхтатиб тур-чи, тўхтат аравани. – Ўзи эса қулай фурсат кутиб хуштак чалди. – Отларнинг сийгиси қистади, аммо айта олишмайди. Бунни сезиш керак.

Ҳақиқатан иккала ахта ҳам йўлда шовқин солиб, оппоқ кўпик сачратиб сия бошладилар, қалин, майда, упадай чанг бўлса кўпик бўлиб кўпчиб лойга ботди.

Кейин улар яна йўлга тушишди, йўл борган сари илгарилар, тоғлар эса ортда қоларди.

Тез орада шаҳар четидаги боғлар кўриниб қолди. Кўчаларга жон кирди. Энди жиловни отаси олди. Тўғри қилди. Энди Султонмуротга отларнинг ҳам, жиловнинг ҳам қизиғи қолмаганди. Шаҳар бошланган эди. Шаҳар ҳар хил бўёқ ва ҳидлар анқиган, шовқин-суронга тўлиқ эди. Гўё тўполон оқимиға ташлаб юборади-ю, у оқим бўлса уни айлантириб-айлантириб тўлқинлар домиға тортиб кетгандай эди. Ана ўшанда, ўша бахтиёр кунда ҳеч кимға насиб қилмаган омад насиб қилди унга: отчопарда, Жамбулнинг каттакон мол бозорида сайёр ҳайвонот боғи очилган экан. Тасодифни қаранг: одам умрида биринчи бор шаҳарда бўлса-ю, умрида кўрмаган ҳар хил ҳайвонлари бор ҳайвонотхонаға, бунинг устиға, карусель ва яна қийшиқ-қинғир қилиб кўрсатадиган ойналар аттракционига дуч келса-я.

II

Кулги хонасига у уч марта кирди. Мириқиб кулиб, ўзини тўхтатиб олгач, яна қийшиқ ва мўъжизакор ойналар олдиға борарди. Ана башара, ана сенға найранг! Бир умр ўйлаб, минг қил, юз қил, бари бир ўйлаб тополмайсан!

Таниш чойхоначига кўз-қулоқ бўлиб туришини танинлаб аравасини қолдиргач, отаси уни бозор айлантиргани олиб кетди. Аввалиға отасининг шу ерлик ўзбек ошналари билан салом-алик қилишди. «Ассалому алайкум! Мана бу менинг катта ўғлим!» – таништирди Бекбой уни. Ўзбеклар ўрнидан туришиб ва қўлларини кўксига қўйиб, Султонмуротға юзланишди. «Дилкаш халқ, – деди отаси унга. – Ўзбеклар сенинг катта-кичиклигингға қарашмайди, доим иззат қилишади...»

Кейин савдо расталарига, магазинларға, энг муҳими, ҳайвонотхонаға боришди. Одамлар орасида турти-

ниб-суртиниб юриб ҳамма қафасларни ва хоналарни кўриб чиқишди. Фил, айиқлар, маймунлар – нималар йўқ эди дейсиз...

Ҳаммасидан кўра Султонмурот кулранг, майсалари сарғайиб қолган тепаликка ўхшаган баҳайбат, гоҳ у оёғига, гоҳ бу оёғига оғирлигини ташлаб, хартумини ўйнатиб турган филни ёдида сақлаб қолди. Вой-бў! Одамлар тўпланишиб филга термилишиб турар ва ҳар хил гапларни айтишарди. У сичқондан кўрқар эмиш. Жиғига тегмаслик керак эмиш, худо кўрсатмасин, занжирларини узиб юборса, бутун шаҳарни майда-майда қилиб юборар эмиш. Ҳаммасидан ҳам Султонмуротга бир ўзбек чолнинг ҳикояси ёқиб тушди, у филни дунёда энг ақлли ҳайвон, деди. Хартуми билан ўрмон ишларида баҳайбат ёғочларни кўтариш билан бирга атрофда каттароқ, кишилар бўлмаса, яна ўша хартуми билан ёш болага илон ёки бошқа бирон-бир хавф таҳдид қилгудай бўлса, уни ердан даст кўтариб олармиш.

Бунақанги ҳикоя отасига ҳам маъқул бўлди. У ҳайратланиб тилини такиллашиб кўяр ва ҳар сафар ўғлига дерди: «Эшитдингми? Дунёда қандай мўъжизалар бор-а!»

Албатта, кулги хонаси ҳам эсида қолди. У ерда ўз устингдан хоҳлаганингча кулаверасан...

Султонмурот бир неча қатор нариги партада ўтирган Мирзагулга назар солиб олди. «Сени ўша кулги хонасига олиб борсамиди! – деб ўйлади завқ билан. – Дарров бошқача бўлиб қолардинг, соҳибжамол! Ўзингни ўша ойнада кўрардингу такаббурлигингдан нишон қолмасди». Аммо у шу заҳотиёқ ўз фикрларидан уялиб кетди. Нега у ҳадеб қизга осилаверади, нима ёмонлик қилди унга? Қиз деса қиздай, соҳибжамол, синфдаги ҳамма қизлардай чиройли. Нима қипти, бу гуноҳми? «Ёмон» олган кунлари ҳам бор.

Муаллима дарс пайтида бир куни унинг ойнасини олиб қўйди. Ҳали севишишга эрта деди. Мирзагул уял-

ганидан қип-қизариб кетди, йиғлаб юборишига сал қолди. У бўлса қизни ўйлаб, нимагадир хафа бўлиб кетди. Нима бўпти, ойна, эҳтимол бехосдан унинг қўлига тушиб қолгандир...

Қиз тарафга яна бир қараб, Султонмуротнинг унга раҳми келиб кетди. Мирзагул кўкариб, совуқдан ғужанак бўлиб ўтирар, кўзлари намли ялтирарди, балки у йиғлаётгандир. Ахир унинг отаси ҳам, акаси ҳам фронтда... Султонмурот бўлса унинг ҳақида ёмон ўйларга бориб юрибди. Эҳ, тентак, чиндан ҳам тентак.

Синфдагиларнинг кўпчилиги шамоллаганларидан йўталишяпти. Балки у ҳам йўталиб кўрар? У титраб, эгилиб-букилиб атайин йўтала бошлади. Нима қипти, ҳамма йўталапти-ку, унинг қаери кам улардан? Инкамол опа унга маъноли қараб қўйди-да, яна тушунтира кетди.

III

Ҳайвонот боғи ва кулги хонасидан чиқиб улар чайқов бозори томон йўл олишди. У ердан совғалар харид қилишди. Ажимуротга янги, чиройли, ялтироқ пўкак тўппонча олишди. Томоша қилиб тўймайсан, худди ростакананнинг ўзи. Қизчаларга эса аллақандай рангли, юмшоқ резина коптоқлар олишди. Резинкасига туртиб қўйсанг бўлди, коптоқ гоҳ тепага, гоҳ пастга сапчийди. Онасига рўмол олдилар ва яна қанд-курс дегандай...

Бутун бозорни айланиб, ҳамма нарсани кўрдилар-у, лекин каруселда учмадилар, отаси ҳам, туша қол, деб айтмади. Бу кичкина болалар ўйини, сен бўлсанг йигит бўлиб қолдинг, бир-икки йилдан кейин уйлантириб қўйсақ ҳам бўлаверади, дея ҳазиллашди. Қаруселнинг олдида бир оз туришиб, томоша қилишди. Нефть базасига бориш керак, станцияга улгуриш, бочкаларни тўлғизиб йўлга тушиш керак. Кеч эса кириб қолди, дея уни отаси шошилтирди. Ҳақиқатан улар нефть базасига етиб келишганида қуёш шаҳар ортига оғиб қолган эди.

Шу ердан, шаҳар чети бўйлаб юриб, йўлдаги чойхонадан палов еб қоринларини тўйғазиб олишгач, уйга қайтишди.

Қош қорая бошлаганида шаҳар четидаги боғларни ортда қолдириб яна ўша ўзлари кундузи шаҳарга кириб келган йўлга чиқиб олишди. Ёзги чечаклар ҳиди анқиган оқшом илиқ эди. Йўл бўйидаги ариқчада бақалар вақиллашар, отлар эса бир маромда қадам ташлардилар, ахир тўла бочкалар билан чопиб бўлармиди. Султонмуротни аста-секин уйқу элита бошлади. Чарчади. Чарчамай бўладими ахир – бугун шундай ажойиб кун бўлдики, асти қўявер. Афсуски, аравада чўзилишга жой йўқ. Унинг бўлса жуда ухлагиси келарди. Отасининг елкасига бошини қўйди-ю, қаттиқ уйқуга кетди. Ҳар замон ҳар замон ўнқир-чўнқир жойларда кўзини очарди-ю, яна юмарди. Ҳар гал ухлашдан олдин, дунёда оталар борлиги қандай яхши, деб ўйларди. Отасининг бақувват елкасига бошини қўйиб ухлаш бежавотир ва осойишта эди. Арава ҳамон тарақлаб, ғижирлаб борар, отлар туёғи дукурлар эди.

Қанча йўл босганларини Султонмурот билмай қолди, бехосдан арава тўхтади. Атроф жимиб қолди. Отаси уни қўлига кўтариб олди-ю, қаергадир олиб борди.

– Катта бўлиб қолибди-я, кўтариб бўлмайди. Оғир бўлиб қопти, – шивирлади ўғлини бағрига босиб. Кейин уни пичанлар устига ётқизиб устини фуфайка билан ўраркан, деди:

– Сен ухлайвер, мен отларни чиқариб ўтга қўйвораман.

Султонмурот шундай маза қилиб ухлаётганидан кўзини очмади ҳам. Фақат яна, дунёда оталарнинг бўлиши қандай яхши, дея ўйлади.

Отаси оёғидан ботинкасининг боғичини ечиб олганида у яна уйғониб кетди. Ботинкалар кун бўйи оёғини роса қисган эди. Отаси ботинка оёғини қисганини қаердан била қолди экан?

У қайтадан уйқуга кетаркан, гўё ўзини оқим бағрига ташлаб сузиб кетаётгандай эркин ҳис қилди. Назарида шамол тўлқинлари майсазор бўйлаб яйраб, ўйноқлаб эсаётгандай туюлди. Гўё у ўша майсазор узра югурар, шўнғир ва ўша мавжланаётган майсазорга кўқдан ун-сизгина юлдузлар ёғиларди... У ер бу ерга жимгина ёнаётган юлдузлар тўкилар, аммо у етиб келгунича юлдузлар сўниб қоларди. У туш кўраётганини ҳис қиларди. Гоҳ-гоҳ уйғониб тушовланган отлар кўм-кўк ўтларни илдизи билан суғуриб кавшаётганини ва бўшатиб қўйилган сувлиғини шилдиратиб ғарам ёнидан ўтаётганини эшитар эди. Отаси ёнида ётганини, далада тунаб қолишганини билар ва кўзини очса чиндан ҳам осмондан тўкилаётган юлдузларни кўришига ишонар эди.

Аммо кўзини очгиси келмас, маза қилиб ухлаётган эди. Тун ярмида совуқ туша бошлади. Отаси сари сурила-сурила унинг биқинига кириб олди ва шунда отаси уйқу аралаш уни қучоқлаб маҳкам бағрига босди. Улар йўл бўйида, яйдоқ далада, очиқ ҳавода ухларди. Бу сенга уйда, юмшоқ болишда ухлаш эмас...

Кейин у тез-тез юлдузли тушини эслаб юрди...

Шундоққина икки қадам нарида бир бедана тонг отгунча тинмай сайраб турди... Дунёдаги барча беданалар бахтли бўлсалар керак.

IV

– Султонмурот, сенга нима бўлди? – Султонмурот Инкамол опани шундоққина партаси олдига келгандигина пайқади.

– Ўзим. Ҳеч нима, – гўё ўзини оқламоқчидай ўрнидан турди.

Синф ҳамон совуқ ва жимжит эди. Болаларнинг одатдаги йўталлари аралаш ҳиринг-ҳиринг кулгани эшитилди.

– Гоҳ беҳудадан-беҳудага йўталинг тутади, гоҳ берилган саволни эшитмай қоласан, – деб қўйди норозилик билан Инкамол опа совуқдан елкалари қунишиб. – Бор, яхшиси, похол олиб келиб, печкага ўт ёқ.

Султонмурот шуни кутиб тургандек, дарҳол ишга киришди. Ахир бунақа топшириқ дарс пайтида доим бўлавермайди-да. Навбатчилар танаффус пайти похол олиб келиб печкани ёқиб қўйишади-ю, аммо дарс вақтида бунақаси камдан-кам бўлади.

У отилиб ташқарига чиқди. Юзига қор аралаш шамол урилди. Эҳ, Цейлон эмас-да бу ер! Ҳовли этагидаги похол сақланадиган омбор томон чошиб кетаётиб, отдан тушаётган колхоз раиси Тиналиевни кўриб қолди. У фронтдан ярадор бўлиб қайтган. Ёш бўлишига қарамай, бир томонга қийшайиб юради. Бир неча қовурғаси йўқмиш. Парашютдан ташлайдиган десантчилардан экан. Урушгача агроном бўлган, дейишади. Аммо буни Султонмурот негадир эслолмайди. Урушдан олдин ҳамма нарса худди бир дунёга ўхшайди, шунинг учунми, урушдан бурунги ҳаётнинг бўлганлигига ишонмайсан ҳам...

Султонмурот бир кучоқ похол кўтариб, эшикни оёғи билан туртиб очганча синфга кириб келди. Болалар бирдан жонланиб, шивир-шивир бошлашди.

– Тинчланинг, алаҳсиманглар! – улардан талаб қилди Инкамол опа. – Султонмурот, шовқин кўтармай ишингни қилавер.

Печка ичида похол кули учкунлаб турарди. Ўша учкунга бир тутам похол солиб тутатди. Яна қайта-қайта похол тутамидан ташларкан, печка гувиллаб ёниб кетди. Похол ташлаб туришга улгурсанг бўлгани. Синф хонаси жонланиб қолди.

У орқасига ўгирилиб қарагиси, кимгадир афтини бужмайтириб кулдиргиси ва айниқса орқа партада ўтирган Онатойга мушт ўқталиб пўписа қилгиси ке-

ларди. Кўряпсизми, у синфда энг каттаси, ўн беш ярим ёшда, уришқоқ, бунинг устига, Мирзагулга тегажаклик ҳам қилади. Қани энди, унга тилини кўрсата олса эди. Ма сенга, ма, деб! Аммо бундай қилиш мумкин эмас, муаллималари қаттиққўл. Ҳа, уни ортиқча хафа қилишни хоҳламайди. Нимагадир кейинги пайтларда унинг ёлғиз ўғлидан хат йўқ. Ўғли командир, артиллериячи. У билан жуда фахрланади. Қандайдир хунук воқеа содир бўлиб, эри урушдан олдин қайгадир ғойиб бўлган. Одамлар ҳам бу ҳақда ҳеч нарса гапиришмайди. Шунинг учун ҳам у овулга келиб ўқитувчилик қиляпти-да. Ўғли Жамбулдаги педагогика билим юртида ўқиб юриб, ўша ердан фронтга кетди. Деразадан отлик почтальонни кўриши билан Инкамол опа болалардан бирини тўғри дарсдан чиқариб хатга чоптирарди. У эса югуриб ҳовлига чиқадими-ю, агар хат бўлса ўзида йўқ шод қайтади. Ҳатто келгуси сафар муаллиманинг хатини олиб келиш учун навбат белгиланган.

Хат келган кунлари байрам бўлиб кетади. Инкамол опа турган жойидаёқ хатга тезгина кўз югуртириб чиқиб, қоғоздан бош кўтарганида синфда гўё бошқа муаллима пайдо бўлиб қолгандай бўлади. Тутам-тутам оқ аралашган сочларини рўмоли остига чиройли қилиб бостириб олган муаллиманинг шундай қувончга тўлганида хотиржам туриш, унинг кўзларида ёш кўринганида юрагинг ачишмаслиги мумкин эмас.

– Ҳаммаларингга салом, болалар, каттакон салом! Оғаларинг соғ-саломат экан. Жанг қиляпти, – дейди у суюнаётганини бутун синфдан яширолмасдан қалтироқ овозини босиб. Барча унга талпиниб, гўё бу қувончни баҳам кўрадигандай чехраларига табассум ёйилади. Бироқ бир озгинадан сўнг ўзи шундай дейди: – Энди, болалар, машғулотиимизни давом эттирамыз.

Ана шундагина дарснинг энг ажойиб, энг яхши онлари бошланади: унинг сўзлари таъсир кучини оши-

ради, фикрлари фикр туғдиради, у нима ҳақда гапирса, тушунтирса, исбот қилса, ҳаммаси ўқувчиларнинг ақлу юрагига жо бўлаверади. Унинг илҳоми жўшади-ю, бутун синф сеҳрлангандек жим ўтиради...

Кейинги кунларда унга нимадир тинчлик бермасди, безовта қиларди... Шунинг учун бўлса керак, синфга илмий мудир ҳамроҳлигида колхоз раиси Тиналиев кириб келганда Инкамол опа астагина доска томон чекинди. Сўнг болаларга юзланиб истар-истамас деди:

– Ўринларингдан туринглар, болалар. Султонмурот, сен жойингга бор.

Султонмурот печка оғзини бекитиб, дарҳол ўз жойига йўналди. Келганлар саломлашдилар.

– Салом! – дея жавоб берди уларга бутун синф.

Ўртага сергаклантирувчи жимлик чўкди. Ҳатто ҳеч ким йўталмади ҳам.

– Бирор воқеа юз бердимиз? – дея сўради Инкамол опа бўғилиб.

– Ҳеч қанақа ҳодиса юз бергани йўқ, Инкамол опа, – дея уни дарҳол тинчлантирди Тиналиев. – Мен бошқа иш юзасидан келган эдим. Болаларга гапим бор. Дарс пайтида кирганим учун кечиринг, ижозат берган эдилар, – деди у кекса илмий мудир томонга ишора қиларкан.

– Ҳа, муҳим гап бор, – деб таъкидлади илмий мудир ҳам. – Ўтиринглар, болалар.

Синф дув этиб ўтирди.

Тиналиев яқингинада – кузда фронтдан келганидан бери раислик қилаётган бўлса-да, уни ҳамма биларди, ўзи ҳам бу ерда ўтирганларнинг деярли барчасини танийди. Демак, танишиш учун келмаган. Бўлмаса, нега келади? Еттинчи синф ўқувчилари – овулда кўзга кўришиб қолганлардан ҳисобланади. Уларнинг ҳар қайсиси билан қишлоқнинг ҳар бир жойида, уйда ҳам, идорада ҳам, йўлда ҳам гаплашиш мумкин. Аммо раиснинг биринчи марта болаларга муҳим гап айтиш учун атайлаб

мактабга келиши эди. Нима демоқчи, қанақа янгилик бор экан? Ёзнинг йўриғи бошқа, ҳаммалари колхозда ишлашарди, лекин ҳозир қандай гап бўлиши мумкин?

– Гап бундай, – деб сўз бошлади Тиналиев болаларнинг сергак юзларига диққат билан боқиб. У бир томонга қийшайиб тургани кўзга ташланмаслиги учун қадини тик тутишга ҳаракат қиларди. – Мактабингиз совуқ, аммо сизларга похолдан бошқа нарса билан ёрдам беришга ожизман. Похол бўлса, ҳаммага маълумки, гур этиб ёнади-ю, ўчади. Илгарилари мактабни иштишга бериладиган таппини аввалига тоғдан орқалаб тушиб, кейин араваларга ортиб келинарди. Ўтган йили бу иш билан шуғулланишга одам ҳам, вақт ҳам бўлмади. Ҳамма фронтда, биласизлар. Мен икки тонна кўмирни яшириб қўйганман. Лекин бу кўмир темирчиларга керак. Кўмирни ҳам, темирни ҳам чайқовчилардан сотиб олдим. Пайти келиб улар билан ҳисоблашармиз. Ҳозир эса шароит оғир. Ўтган йили икки юз гектар ерга кузги буғдой сеполмай қолдик, улгуролмадик. Ҳеч ким айбдор эмас. Уруш... Бироқ ҳамма жойда, ҳамма колхоз-совхозлар бизга ўхшаб ҳосилни вақтида йиғиштиролмаса, уруғликни сепиб улгуролмаса, ишни тугаллай олмаса, унда душманни қандай енгамиз? Уларни енгиш учун нон ҳам, снаряд ҳам керак. Шу туфайли олдингизга келдим, болалар, ораларингизда баъзи бировларингизга ўқишни вақтинча қўя туришларингизга тўғри келади. Ҳозир дам ғанимат, уловни баҳорги шудгорга тайёрлаш керак, от-уловларимизга эса қараб қўрқиб кетасан – рамақижон. Эгар-жабдуқни шай қилиш керак, улар ҳам илма-тешик бўлиб кетган, плугларни, сеялкаларни ремонт қилиш зарур, бари қор тагида ётибди... Бу гапларни айтаётганимнинг сабаби нима дерсизлар. Кузда эколмай қолган ерларимизга лалми экайлик дейман. Бунга қандай бўлмасин, фронтча қилиб айтганда, сўзсиз бажариш керак! Бу эса пландан ташқари,

Ўз кучимиз билан қўшимча икки юз гектар майдонни ҳайдаб, баҳори ғалла экиш деган сўз. Икки юз гектар! Тушуняпсизларми? Аммо қани ўша куч, кимга суянайлик? Биз яна шундай қилишга қарор қилдик: ўзимизда борларидан, баҳорги мавсумга тайёрланаётганлардан ташқари, қўшимча равишда, икки тишли плугчилар бригадаси тузамиз. Ўйлаб, чамалаб кўрдик. Бу ишга хотин-қизларни жўнатоғмас эканмиз. Ораси узоқ, Оқсойда. Одам йўқ. Ахири, сиз ўқувчилардан ёрдам сўрашга қарор қилдик...

Баджаҳл ва тунд, армиядан кийиб келган кулранг шинелини ечмай, кулранг кулоқчинда доим дийдираб юривчи, ташвишдан юзлари жиддий, ҳали ёш бўлишига қарамай, бир томонга қийшайиб қолган, қовурғалари майиб, қачон қараманг, елкасига дала сумкасини осиб юрадиган раис Тиналиев ана шундай деди...

Раис Тиналиев география харитаси осифлик мактаб доскаси ёнида турганча одамлару бутун замину денгизларни, жумладан, Цейлон, Ява, Суматра, Австралия сингари ёғ ичиб, яланғоч ётадиган ажойиб-ғаройиб иссиқ ўлкаларни ҳам сиғдира олган ўша харита олдида туриб ана шу алфозда сўзлар эди.

Иситишдан кўра ивирсиғи ортиқ похол ёқиб илитилаётган мактабда раис Тиналиев ана шу алфозда сўзлар эди. У узоқ Оқсойдаги юзлаб гектар қўшимча ерларга фронт учун баҳори ғалла экиш ҳақида гапираркан, унинг оғзидан ҳовур чиқиб турарди...

Ҳа, раис Тиналиев ана шундай деди...

Ташқарида ҳамон қор бўралаб, тирқишлардан ғўриллаганча совуқ ел кирар, симёғочга қантариб қўйилган, хурпайган отнинг шамолда депсиниб, бошини панага олишга интилаётгани Султонмуротга кўриниб турар эди. Шамол отнинг ёлларини тўзғитар, ингичка думини бир ёнга итқитар эди. От бечора совқотган бўлса керак...

Ҳа, бу ер Цейлон эмас...

– Яхши кунда мен сизларни ўқишдан қолдирармидим, – деди Тиналиев. – Бошқа илож йўқ. Ўзларинг ҳам тушунишларинг керак. Урушдан кейин, балки омон бўлсам, мен ўзим сизларни мактабга бошлаб келиб, ўқишни давом эттиришларингни илтимос қиламан. Ҳозир эса аҳвол мана шунақа...

Кейин илмий мудир сўзлади. Сўнгра яна Тиналиев гапирди. Охири синф жонланиб кетиб, болалар қўл кутариб: «Мен бораман, ишлашга мен ҳам бораман», деб чуғурлаша бошлаганларида Тиналиев дарҳол аниқлик киритди:

– Кимда-ким, раисга ҳар қандай ўқувчи ҳам бўлаверади, деб ўйласа, адашади. Кимки ёмон ўқиган бўлса, у ёмон ишлайди. Иккинчидан, яхши ўқийдиган ўқувчининг кейинчалик етиб олиши осон бўлади. Мана сен, Султонмурот, синфдагиларнинг энг каттасига ўхшайсан...

Болалар шовқин кўтаришди:

– Ичимизда энг каттамиз Онатой. Яқинда ўн олтига киради!

– Мен ҳозир ёшини айтаётганим йўқ. Бўй-бастаи ҳақида гапиряпман. Муҳими, бу ҳам эмас. Мана сен, Султонмурот, – деб яна унга юзланди раис. – Сен ўтган йили полизда ер ҳайдагансан-а, шундайми?

– Ҳа, – дея жавоб қайтарди Султонмурот ўрнидан туриб. – Орол кўчасида ер ҳайдаганман.

– Икки тишли, тўрт от қўшилган плугдами?

– Ҳа, икки тишли, тўрт от қўшилганида, лекин мен фақат ёрдам берганман, холос. У Сартбойнинг плуги эди, уни ўша кунлари армияга олишган, экин пайти эса ўтиб кетаётган эди. Чекиш оқсоқол кўмаклашишни илтимос қилди.

– Биламан. Шунинг учун ҳам гапни сендан бошладим-да, – деди раис.

Ҳамма ялт этиб Султонмуротга қаради. У Мирзагулнинг ҳам тикилиб турганини кўрди. Мирзагул унга,

бошқаларга қараганда ўзгача нигоҳ ташлади. Гап ўзи ҳақида бораётгандек, қизариб кетди. Бундан Султонмурот ўнғайсизланиб, юраги дукиллаб ура бошлади.

– Мен ҳам полизда ер ҳайдаганман! – дея ўтирган жойидан бақирди Онатой.

– Мен ҳам, – дея қўшиб қўйди Эркинбек.

Яна кетма-кет овозлар эшитилди.

Тиналиев болаларнинг жим бўлишларини илтимос қилди.

– Келинлар, болалар, навбат билан гапирайлик. Бу ерда муҳим иш ҳақида гап кетяпти. Гапни ўқишдан бошлайлик. Сенинг ўқишинг қалай? – дея у яна Султонмуротга юзланди.

– Унчалик эмас, – деди Султонмурот.

– Нимаси унчалик эмас?

– Унчалик ёмон эмас.

– Яхши ҳам эмас, – деб қўйди шу пайтгача жим ўтирган Инкамол опа. – Мен унга, сен бундан кўра яхшироқ юз марта яхшироқ ўқишинг мумкин, деб доим айтаман. У жуда қобилиятли. Лекин ҳамма бало шундаки, калласи бўлмағур хаёллар билан банд бўлаверади.

– Ҳа-а, – деди раис ўйчанлик билан. – Мен умид қилган эдимки... Ҳа, майли. Сенинг отанг фронтда. Унинг учун ош-нон етказиб берадиган пайтинг келди. Сенинг ўқишинг-чи, Онатой?

– Меники ҳам шунақа, – деди Онатой хўмрайиб ўрнидан тураркан.

– Бундан чиқди, бир-бирларингиздан қолишмас экансиз-да, – деди кулиб Тиналиев, бир оз индамай тургач, шундай деди: – Мактабга яна қайтганларингда ўқишнинг қадр-қимматини чуқурроқ тушуниб оласизлар. Биламан, ўзимнинг бошимдан ҳам ўтган. Сал нарса бўлса, бор-э, ишлайман, дердик. Фақат ишлаш учунгина яшайдими одам? Сен нима деб ўйлайсан, Онатой?

Онатой нималардир деб изоҳ бермоқчи бўлди-ю, аммо кейин ростига кўчиб қўя қолди:

– Билмадим.

– Мен ҳам кўп гапни билмайман, – деди Тиналиев, – бироқ уруш бўлмаганда ўқишга борардим, яна ўқиган бўлардим...

Синфдаги болалар ошкора кулиб юборишди. Кулгили-да – кап-катта одам, колхоз раиси бўлса-ю, яна ўқимоқчи эмиш. Уларнинг эса ўқиш жонларига теккан.

– Бунинг нимаси кулгили? – деб жилмайди Тиналиев. – Ҳа, болалар, мен ўқишни жуда хоҳлардим. Буни сизлар ҳам кейинроқ тушуниб оласизлар.

Шунда кимдир пайтдан фойдаланиб унинг сўзини бўлди:

– Раис амаки, самолётдан сакраганингиз ростми?

Тиналиев бош ирғади. Бола тагин савол ташлади:

– Вўй-бўй! Қўрқмадингизми? Мен бир марта тамаки омборининг тоmidан пичан ғарамига сакраганимда тиззаларим қалтираб кетган!

– Ҳа, сакраганман. Фақат парашют билан, – деб тушунтирди Тиналиев. – Бу гумбазга ўхшаган нарса, тепапганда худди ўтовга ўхшаб очилади...

– Биламиз, биламиз, – дея чувиллашди болалар.

– Ана шундай, биз десантчилар эдик. Парашют билан сакраш вазифамиз эди.

– Десант нима дегани? – деди яна кимдир.

– Десантми? Бу кўчма, жанговар отряд. Энг муҳими, махсус топшириқларни амалга ошириш учун юбориладиган отряд. Билдиларингми, тушунарлими?

Синфга жимлик чўкди.

– Десант бир нечта ва бир неча минг одамлардан тузилиши мумкин, – дея давом этди Тиналиев. – Муҳими, десант душманнинг орқа томонига ўтиб олади-да, мустақил ҳаракат қилади. Агар унча тушунмаган бўлсаларинг, бошқа бирон кун гапириб берарман, ҳозир эса

ишга ўтайлик. Онатой, сен ўтир, нега тик турибсан? Сенинг отанг ҳам фронтда жанг қиляпти.

– Меники ҳам!

– Менинг отам ҳам!

– Меники ҳам!

Тиналиев кўлини кўтарди:

– Мен ҳаммасини биламан, болалар. Эртадан кечгача фақат колхоз иши билан овора, деб ўйламанглар. Ҳаммасидан хабарим бор: кимлар армияда-ю, кимлар госпиталда эканлигини биламан. Сизларни ҳам яхши биламан. Шунинг учун сизларнинг олдингизга келдим. Гап шу. Онатой, отангга нон етказиб беришга сен ҳам борасан. Сен ҳам бир йилчами, кўпроқми мактабни кўя туришингга тўғри келади.

– Мен ҳам! Мен ҳам! Мен ҳам! – деб баъзи болалар ўринларидан сапчиб тура бошладилар. Негаки бунақа пайтда ҳар ким ҳам ботир бўлиб кетади. Бу ёқда мактабга қатнашдан қутулади. От ҳайдайсан, холос. Бундан ортиқ яна нима керак?

– Йўқ, шошманглар! – деб уларни тинчитди раис. – Бунақаси кетмайди. Фақат плугда ишлаганлар боради. Мана сен, Эркинбек. Сен ҳам ер ҳайдаганмисан? Мен биламан, отанг Москва остонасида ҳалок бўлган. Кўпгина оталаримиз, акаларимиз ҳалок бўлганлар. Сендан ҳам илтимос, Эркинбек, бизга ёрдам бер. Ўқиш ўрнига сенинг ҳам ер ҳайдашингга тўғри келади. Бошқа чорамиз йўқ. Онангга бўлса ўзим тушунтираман...

Кейин раис яна икки кишининг – Эргаш билан Куббаткулнинг исмини айтди. Эртага эрталаб ҳаммалари отхонада, бригадирларнинг эрталабки иш тақсимоотида ҳозир бўлишларини тайинлади.

Уйда, ярим кечаси ётишга ҳозирланаётганларида Султонмурот колхоз раиси мактабга келганини онасига гапириб берди. Онаси жимгина пешанасини силаб,

ҳорғингина қулоқ солди. У кун бўйи колхозда, фермада, кечқурун уйда болалари билан банд эди. Тентак Ажимурот бўлса, беҳуда қувониб ўтирибди:

– Вой-бўй! Ўқимас экансан! От қўшиб плугда ер ҳайдар экансан! Мен ҳам ер ҳайдайман!

– Дарсингни тайёрладингми? – сўради онаси.

– Ҳа, тайёрладим, – деди Ажимурот.

– Бор, ётиб ухла, унингни чиқарма! Тушундингми?

Катта ўғлига эса ҳеч нима демади.

Қизларини ўринларига ётқизиб, чироқни ўчириш олдидан маъюс тортиб, ўйланиб қолди, афтидан, Султонмуротни ухлаб ётибди деб ўйлади шекилли, бошини қўллари орасига олиб йиғлаб юборди. Нозик елкалари титраб, унсиз узоқ йиғлади. Султонмуротнинг юраги эзилиб кетди, ўрнидан туриб, қандайдир яхши гаплар айтиб онасини юпатгиси, овутгиси келди. Бироқ безовта қилишга журъат этмади, майли, юрагини бўшатиб олсин. Ахир, онаси ҳозир отаси ҳақида ҳам (у ёқда, урушда қандай аҳволда экан, деб), болалари ҳақида (улар тўртта), уйи ва ҳар хил бошқа эҳтиёжлар ҳақида ўйляпти-да.

Аёл киши аёллигига боради. Ўқтин-ўқтин йиғлайди. Раис Тиналиев синфдан чиқиб кетганидан сўнг муаллима Инкамол опанинг ҳам кўнгли жуда бузилиб кетди, ҳатто ўзини йўқотиб қўйди. Аллақачон танаффусга қўнғироқ чалинган бўлса ҳам ўрнидан кўзғалмади. Синф ҳам уни кутиб ўтирар, ҳеч ким ташқарига чиқмас, ҳамма муаллиманинг ўрнидан туриб эшик томон юришини кутар эди. Эшик олдида келганида Инкамол опа йиғлаб юборди. Ўзини тутишга ҳарчанд уринмасин, бўлмади. Кўзида ёш билан чиқиб кетди. У унутиб қолдирган харитани ўқитувчилар хонасига олиб кирган Мирзагул ҳам кўзлари ёшга тўлиб қайтиб келди. Ҳа, аёллар аёллигига боради. Ҳаммага ачинишади улар, шунинг учун кўп йиғлашади. Нима қилибди, бир йил

ўтар, икки йил ўтар, уруш тугаши билан яна ўқишни давом эттиришар...

Султонмурот мана шулар ҳақида ўйлар экан, ташқарида учқунлаб ёғаётган қор шивирига қулоқ тутганча ухлаб қолди.

Эртасига ҳам яна ўшандай учқунлаб қор ёғди. Изғирин музлаган ер устини яларди. Булутлар карвони осмонда вазмин сузарди. Отхонага етиб боргунча Султонмурот совқотиб кетди.

Раис Тиналиевнинг режалари Султонмуротнинг кеча ўйлаганидан мушкулроқ чиқиб қолди. Аввалига раис ва озғин, сариқ соқол, ҳаммаларига тўрттадан нўхта тутқазган бригадир Чекиш чол билан эски отхона олдига кўрага боришди. Қор босган кўрада аравага кўшиладиган отлар бошларини эгиб, қуруқ охурлардаги нишхўрд хашакни чимдишарди. Маълумки, ёзда отлар семиз бўлади, қишда эса эт ташлайди. Лекин буларнинг фақат терисию устихони қолган, холос. Уларни ишлатиб-ишлатиб, қиш келиши билан оғилхонага қамаб кўйишибди. Боқадиган, парвариш қиладиган одам йўқ. Ем-хашак танқис. Борини ҳа баҳорги ер ҳайдашга сақлаб кўйишганди. Болалар саросимада тўхтаб қолишди.

– Нега қаққайиб қолдиларинг? – деб бақирди Чекиш чол. – Бизга Манас тулпорларини кўш қўллаб тутқазишадди, деб ўйлаганмидинглар? Бир чеккадан танлайверинглар, адашмайсизлар. Яна йигирма кундан кейин бу қирчанғиларнинг ҳар биттаси буқадай ирғишлайдиган бўлиб қолади. Буларнинг зуваласи пишиқ – фақат ем бер-у парвариш қил! Бошқаси билан ишларинг бўлмасин!

– Олинглар, болалар, ҳамма керакли нарсалар билан таъминлаймиз, – деб кўшиб кўйди раис. – Бошланглар. Ҳар бирингга тўрттадан. Дуч келганини олаверинглар.

Шунда кутилмаган ҳол юз берди. Бу ташландиқ кўрадаги қаровсиз ориқ отлар орасида отасининг Чопдор ва Чонтор деган отлари ҳам юрар эди. Султонмурот аввал

Чопдорни, кейин Чонторни таниб қолди. Уларнинг калладор, хурпайган, туртсанг йиқилгудеклигини кўриб Султонмурот ҳам қувониб, ҳам кўрқиб кетди. Отаси билан шаҳарга тушганларини эслади.

Қандай отлар эди-я булар отасининг қўлида эканлигида! Тетик, бардам, кучли. Энди бўлса...

– Ана, қаранг, ана, отамнинг отлари! – деб қичқирди Султонмурот раисга ва бригадирга қараб. – Мана, Чопдор, мана, Чонтор!

– Тўғри! Ҳақ гап! Улар Бекбойнинг отлари! – дея тасдиқлади Чекиш чол.

– Ундай бўлса, ола қол шуларни! Отангнинг отларини ола қол, – деб буюрди раис.

Султонмурот отасининг отлари ёнига яна иккита отни – Окдум ва Бурулни қўшиб олди. Кейин, қолганлар ҳам ўзларига от танладилар.

1943 йилнинг қишида уларни мактабдан ажратган муҳим иш ана шундай бошланди...

Иш ўйлагандан ҳам кўпроқ эди. Ҳар куни отхонага боришлари, кекса Парпи ва унинг оқсоқ босқончисига ишлашларига зарур бўлган плугларни ремонт қилишга ёрдам бериш учун темирчилик устахонасига чопишлари керак эди. Авваллари кераксиз деб ташлаб юборилган ҳамма темир-терсақларни энди йиғишга ва тозалашга тўғри келди. Ҳатто ўз вазифасини ўтаб, ўтмаслашиб қолган плуг тишларини ҳам қайтадан ишга мослаштирдилар. Темирчилар болға билан уриб уларнинг дамини ўткирлаштирар, олов ва сувда обдан тоблар эдилар. Плуг тишларининг ҳаммасиниям чархлаб бўлмасди, бироқ агар уддасидан чиққудек бўлса Парпининг боши кўкка етарди. Шундай пайтлари у босқончисини устахона томига чиқариб, отхонадаги болаларни чақиртирарди.

– Ҳой, кўшчилар! – чақирарди уларни томдан туриб оқсоқ босқончи. – Бу ёққа чопинглар, уста ака чақиряпти!

Болалар чопиб келишар ва шунда Парпи чол ҳали ис-
сиқ, салмоқли, қорамтир-кўкиш тусдаги, янгитдан ўт-
кирланган плуг тишини токчадан оларди.

– Ма, ол, – узатарди у ўткирланган янги тишни олиш
навбати келган одамга, – ол, кўлингга ушлаб кўр. Яхши-
лаб қара. Бор, плугингга солиб боқ. Эҳ! Чиройлилиги-
ни-чи! Худди узукка кўз кўйгандек! Шудгор қилаётга-
нингдами, худди Тошкент ойнасидай ярақлаб туради.
Бунақа тишларда юзларингни томоша қилиб юрасиз-
лар! Балки бирорта қизга кўзгу ўрнида совға қилар-
сизлар-а? Зап совға бўлади-да! Энди у ёққа, токчангга
кўйиб кўй. Кейин далага олиб борарсан. Ана шундай,
кейинги сафар бошқа бирингга ясаб бераман. Ҳамма-
га ясаб бераман. Ҳеч ким тишсиз қолмайди. Ҳаммага
уч жуфтдан ясаб бераман. Фақат ўзимга янги тиш қи-
лолмайман. Сизларга тишларни етказиб берамиз. Ҳали
сизлар, болалар, бизларни далада кўп эслайсизлар.
Ахир плугнинг энг муҳим қисми тишида! Бошқа барча
қисмлар азбаройи тиш деб қурилган. Тиш кучли бўлса
шудгор ҳам кучли бўлади. Тиш ўтмас бўлса кўшчи ҳам
ожиз. Мана шунақа...

Ажойиб одам эди Парпи чол. Умр бўйи темирчилик
қиларди. Мақтанишни яхши кўрарди-ю, аммо ўз ишига
пухта эди.

Эгар-жабдуқ устахонасига ҳам тез-тез бориб туриш-
га тўғри келарди. Чекиш бригадир абзалларни ҳозир-
лашга ёрдам қилинглари, деб тайинлар эди. Абзалсиз
ҳеч қаёққа боролмайсизлар. Плуглар ҳам, отлар ҳам бор
дейлик, аммо абзалсиз ҳаммаси уч пул. Бу тўғри гап.
Шунга кўра уларнинг ҳар бири жон куйдириб, қўлла-
ридан келганча ўз отларига эгар-жабдуқларни тезроқ
тайёрлаш учун сарроҳларга ёрдамлашарди.

Энг муҳим, энг асосий иш – отларни боқиб парвариш
қилишдан иборат эди. Кун бўйи, эрталабдан-кечгача
отхонада бўлиб, ишдан кеч қайтишарди. Уйга фақат

тунда, отларнинг сўнгги улушини, хашакни бериб бўлгач, қайтишарди. Жуда шошилиш керак эди.

Вақт жуда зиқ эди. Январнинг охири тугаб борарди. Уловни ишга солишга ўттиз, нари борса, ўттиз беш кунча қолган эди. Отларни оёққа турғазишга ва шудгор бошлангунча кучларини тиклашга улгуришадими-йўқми – бу ёғи энди уларга, плугчиларнинг ўзларига боғлиқ эди. От ухлапти, унинг олдидаги охурда доим, кечасию кундузи ем туриши шарт, жонивор шундай мавжудот...

Тиналиевнинг ҳисоби бўйича февралнинг охири ерлардан қор кетиши билан плуглар Оқсой участкасига чиқиши керак эди. Қачонлардир, узоқ вақтлар муқаддам, одамлар Оқсойни шудгорлаб уруғ сочишган. Аммо кейин негадир Оқсой далалари ташлаб кетилган. Балки Оқсой узоқ ва кимсасиз бўлганидандир балки, у ерлар суғориладиган майдон бўлмагани, бунинг устига, тепаликларда жойлашгани учундир. Бригадир Чекишнинг таъкидлашича, отаси унга шундай деган экан: Оқсойга чиққан қўшчи ё ҳеч вақосиз қолиб хонавайрон бўлади, ё хирмонни ташиб ололмай одам ёллайди. Биринчи шарти – вақтида экиб олиш. Иккинчиси – Оқсойдаги ҳосил ёмғирга ҳам боғлиқ. Чекиш чол ана шундай дер эдн.

«Дехқон доим таваккал қилади, аммо доим умидвор бўлади», дер эди Тиналиев. Тиналиев шунга суянар ва бахтимизга ёмғир ёғиб, Оқсойнинг ғалла хирмони уйилиб қолади, деган умид билан қўшчиларни ғайратлантирар эди...

Кунлар ўтди. Ҳафта охирига бориб отлар сезиларли даражада жонланиб, бир оз этга кириб, ишлар юришиб қолди. Кунлар илий бошлади. Қиш гўё хаёл суриб, кетишга чоғланиб қолгандай эди. Шунинг учун ҳам кундуз кунлари отларни офтобга, ташқаридаги охурларга олиб чиқишар эди. Офтобда отлар яхшироқ қавзаниб, тезроқ эт олишарди. Йигирма бош Оқсой десанти девор олдидаги узун охурлар бўйлаб тўртта-тўрттадан саф

тортишганди. Раиснинг эрталабки текширувида болалар ўз отларининг ёнида шай туришарди. Уларга Оқсой десанти деб Тиналиев ном қўйганди. Шу-шу бригадирлар ҳам, аравакашлару отбоқарлар ҳам уларни айнан десантчи, десантчилар, Оқсой отлари, Оқсой пичани, Оқсой плуглари, деб атай бошлашди. Одамлар отхона ёнидан ўтаётиб, десантнинг иши қандай кетаётганини билмоқ учун кўз ташлашарди. Оқсой десантчилари ҳақида бутун овул гапирарди. Тиналиев Бекбойнинг ўғли Султонмуротни десантчиларга командир қилиб тайинлаганини ҳам ҳамма биларди. Бу ишга, албатта, Онатой қарши чиқди. У дарҳол баҳслаша бошлади:

– Нега энди Султонмурот командир бўларкан? Балки биз уни хоҳламасмиз!

Бу сўзлар Султонмуротни ёндириб юборди. Чидаб туrolмай деди:

– Мен умуман командир бўлишни хоҳламайман! Хоҳласанг ўзинг бўлавер!

Болалардан Эркинбек ва Куббатқул ҳам баҳсга аралашди:

– Онатой, унга ҳасад қиляпсан! Сенга нима?

– Айтдиларми, бас, командир Султонмурот!

Эргаш эса Онатойнинг ёнини олди:

– Онатойнинг қаери кам? У бақувват! Фақат бўйи Султонмуротникидан сал пастроқ. Мактабда синфкомни сайлагандик, келинлар, командирни ҳам танлаб сайлаймиз... Қачон қарасанг – Султонмурот, Султонмурот!

Тиналиев уларни жимгина тинглаб турди, кейин эса жилмайиб қўйди ва бошини чайқаб, бирдан жиддийлашиб жаҳли чиқди.

– Қани жим бўлинглар-чи! – буюрди у. – Бу ёққа келинлар. Сафланинлар. Мана бундай, бир қатор бўлиб. Десантмисизлар десантдай бўлинглар. Энди эса менга қулоқ солинлар. Эсларингда бўлсин, командир сайланмайди. Командир юқоридаги бошлиқ томонидан тайинланади.

– Ўша бошлиқнинг ўзини ким тайинлайди? – сўзини бўлди Эргаш.

– Яна ҳам юқоридаги бошлиқ!

Орага жимлик чўкди.

– Гап бундай, болалар, – давом этди раис. – Уруш кет-япти, ҳарбийчасига яшашимизга тўғри келади. Билиб қўйинглар, мен сизлар учун бошим билан жавоб берман. Иккитангизнинг отангиз ҳалок бўлган, учтангизнинг оталарингиз фронтда. Мен сизлар учун тириклар ва ўликлар олдида ҳам жавобгарман.

Аммо мен бу жавобгарликни сизларга ишонганим учун оляпман. Сизлар плугларингиз билан олисга, Оқсойга бориш олдида турибсизлар. Худди алоҳида топшириқ олган парашютчилар десантидай анча куну тунни чўлда ёлғиз ўтказасиз. Агар салга баҳслашадиган ва бақиришадиган бўлсангиз, қандай яшайсиз ва қандай ишлайсиз у ерда? – Раис Тиналиев отхонада, болалар сафи олдида туриб ана шу тахлитда сўзлар эди. Собик парашютчи ҳамон ўша кулранг армия шинели, ўша кулранг ҳарбий қулоқчинида, чўзинчоқ юзлари ташвишли, ҳали ёш бўлишига қарамай, бир томонга майишиб қолган қовурғалари майиб, қачон қарасанг, дала сумкасини осиб юрадиган раис Тиналиев болалар қаршисида тик турар эди.

Бекбойнинг ўғлини командир қилиб тайинлаган раис Тиналиев Оқсой десанти сафи олдида туриб ана шу алфозда сўзлар эди.

– Ҳаммаси учун сен жавоб берасан, – деди у, – одамлар учун ҳам, плуглар учун ҳам, от-уловлару эгар-жабдуқлар учун ҳам. Оқсойдаги шудгорга ҳам сен жавоб берасан. Жавоб бермоқ – бу топшириқни бажармоқ дегани. Эпложмасанг командир қилиб бошқа одамни тайинлайман. Ҳозирча эса ҳеч қанақа ва ҳеч кимнинг эътирозини инобатга олмайман.

Раис Тиналиев ўша куну отхонада кичкинагина Оқсой десанти сафи олдида туриб ана шу тахлитда сўзларди.

Қўшчилар ихлос ва ҳайрат билан унинг юзига тикилиб, ҳар қандай буйруғини бажаришга тайёр туришарди. У болаларнинг олдида худди Манасга ўхшаб ҳайбатли, пахмоқ соч, совутда, улар бўлса унинг ёнида содиқ ботирларидай туришарди. Гўё қўлларида қалқон ва белларида қиличлари бордай эди. Манас ўз умиди, ишларини ишониб топшириб қўйган ўша азаматларнинг ўзлари кимлар эди?

– Биринчи паҳлавон – Султонмурот. Майли, энг каттаси бўлмаса ҳам у ўн бешга кирган эди. Аммо ақлли ва ботирлиги учун командир қилиб у – Бекбойнинг ўғли Султонмурот тайинланган эди. Унинг отаси эса, оталарнинг ичида энг зиёди, бу пайт узоқ сафарда – катта урушда эди.

У ўзининг жанговар оти – Чопдорни Султонмуротга қолдирди. Султонмуротнинг кичик укаси Ажимурот ҳам бор. Укасини у гоҳо жиғига текканига қарамай яхши кўрар эди.

Султонмурот яна гўзал Мирзагул бекачни ҳам пинҳона севарди. Мирзагул бекачнинг табассумидан гўзалроқ табассум йўқ.

Туркистон терагидай сарвқомат, юзлари оппоқ қордай, кўзлари эса зулмат тоғ бағридаги гулхандай...

Иккинчиси – машҳур паҳлавон Онатой ботир эди. У отрядда энг каттаси, қарийб ўн олти ёшга тўлиб қолганди. Бўйи оз-моз пастроқ бўлса ҳам у ҳеч кимдан ҳеч нимада қолишмасди. Аммо куч беллашганда ҳаммадан ўтарди. Унинг оти, ботирнинг ўз номига ўхшаш Оқтўриқ камон ўқидай сапчирди! Онатойнинг отаси ҳам улкан урушда, узоқ сафарда эди.

Онатой ҳам ўша ой юзли Мирзагул бекачни пинҳона севар эди. Соҳибжамолнинг бўсасига интиқ эди...

Учинчи паҳлавон – ёқимтой йигитча Эркинбек ботир эди. Оиланинг тўнғичи. Ажойиб ва садоқатли дўст. Гоҳо у маъюс уҳ тортиб, пинҳона йиғлаб ҳам оларди. Унинг

отаси ўша узоқ сафарда Москвани ҳимоя қила туриб қаҳрамонларча ҳалок бўлган эди.

Эркинбекнинг жанговар оти ботирга мос Оқпайпоқ – яъни, оқ пайпоқли тулпор, деб аталарди.

Тўртинчи паҳлавон – Эргаш ботир эди. У ҳам дўст, ҳам ўртоқ. Ўн беш ёшларда. Ўз фикрларини айтишни яхши кўрар, баҳсларга аралашаверарди. Аммо ишда эса унга ишонса бўларди. Унинг отаси ҳам жангу жадалда – узоқ сафарда. Эргашнинг оти ўзига уйқаш Олтинтўёқ деб аталарди.

Бу ботирларнинг ичида бешинчиси – Қуббатқул ботир эди! У ҳам ўн беш ёшларда, у ҳам оила тўнғичи. Қуббатқулнинг отаси ўша узоқ сафарда, ўша жангу жадалда, Белоруссия ўрмонларида қаҳрамонларча ҳалок бўлган. Қуббатқул толиқишни билмайдиган меҳнаткаш. Ҳар қандай ботир каби ўз оти Ипакёл тулпорини жуда севади.

Тиналиевнинг қаршисида мана шундай ботирлар туришарди. Уларнинг ортида ингичка бўйинлари ва бошлари орқасида, от боғланадиган жойдаги узун охур ёнида икки тишли плугларга қўшилган, Оқсой томон жўнаши керак бўлган йигирмата от турарди...

Қор кетиши билан улар Оқсойга, Оқсойга шудгор қилишга кетишади!

Оқсойга, ер селгиши билан Оқсойга қўш ҳайдашга боришади!

Аммо атрофда қор кетганича йўқ, ҳали у ерни қоплаб ётарди. Бироқ кунлар яқинлашиб, ҳамма нарса ўша кунга шай турарди...

V

Ниҳоят, ўша кунлар яқинлашмоқда эди...

Оқсой учун ажратилган отларни ҳамма ҳар хил – кимдир десантчи, кимдир Оқсой отлари деб атар, аммо муҳими шундаки, икки ҳафталардан кейин улар отхо-

надаги бошқа отлар ичида кўзга ташланиб турадиган бўлиб қолишди. Тўйғазилган, суғорилган, ювиб-тараб кўйилган Оқсой отлари кучга тўлиб бораётган мускуллари, тетик кўринишлари ва зийрак чимирилган қулоқлари билан кўзни қувонтириб десант охури бўйлаб бир қатор тизилишиб туришарди. Уларнинг ҳар бири яна ўзига хос қилиқларини қилиб, олдинги алфозга қайтган эдилар. Унутиб кўйилган одат лари яна пайдо бўлганди. Отлар ўзларининг янги хўжайинларига кўникиб қолишган эди. Таниш овоз ва қадам товушларини эшитишлари билан ўгирилиб қараб эркаланганча, секин, гўё пичирлашаётгандай кишнаб кўйишар, юмшоқ лабларини қимтиб суйкаланишарди. Болалар ҳам отларнинг остига шўнғиб хўжайинлардек қичқиришга ўрганиб қолишди: «Қани, оёғингни торт! Тўхта дейман, каллаварам, ҳозир! Қаранг-а, турткилаб эркалик ҳам қилади маккор! Овора бўласан, менинг кўлимга қараган биргина сен эмассан».

Дастлабки кунларда отлар сувлоққа сув ичгани базўр боришарди, кейинчалик айниқса дарёдан қайтишда ўйноқлайдиган бўлиб қолишди. Уларнинг ҳар бири ўзининг жанговар отини – Султонмурот Чопдорни, Онатой Оқтўриқни, Эркинбек Оқпайпоқни, Эргаш Олтинтуёқни ва Қуббатқул Ипакёлни миниб олишарди-да, уларнинг ҳаммасини биргаликда дарёга ҳайдашарди.

Қишда сувлоқ қулай бўлиши, унга тушар жой тийганок бўлмаслиги керак. Ахир бир нечта от сув ичишга тушиши айниқса зарур. Шунинг учун олдиндан қирғоқларда отнинг туёғини тутиб турадиган жой ҳозирлаш, хавотирли ерларга похол тўшаб кўйиш лозим. Қаттиқ совуқларда эса музни тешишга тўғри келарди. Султонмурот бу ерда ҳам ким қайси кун сувлоқни ҳозирлаши ҳақида қатъий навбатчилик ўрнатди. Отлар болалар назорати остида муздай оқар сувдан шошилмай, турткилашмай ичишарди. Сув бу ерда муз остидан чиқиб саёз тошлоқ бўйлаб оқар ва яна муз остига сизиб

кетарди. Муз остида ҳам кулқиллаб, жилдираб овоз чиқариб оқарди...

Отлар гўё кулоқ тутгандек сув ичишдан тўхтар, йилт этган қуёш нурларида ўзларини тоблаб олгач, яна сувни симиришарди. Сув ичиб бўлишгач, шошилмай йўлга чиқишар, отхонага қайтишда ўйноқлашиб, пишқириб, кишнаб, думларини силкитиб дам олдинга, дам орқага сапчишар, оёқларини кўтариб тик туришарди. Болалар атрофда от чопиб, гижинглатиб шовқин солишарди.

Орадан кўп вақт ўтмай одамлар, десант отларини завқланиб томоша қиладиган бўлиб қолишди. Гўё улар ўша эски қирчанғи отлар эмас, қайтадан туғилгандай эди. Кексалар назар-эътибордан қолдирмай бу хусусда шундай хулоса чиқаришарди: агар у меҳнаткаш, меҳрибон одамнинг қўлида бўлса, дунёда отдан вафодори бўлмайди. Сен унга зиғирча яхшилик қилсанг, юз ҳисса қилиб қайтаради. Сўнгра кексалар қадимда аломат бедовлар бўлганлиги ҳақидаги ривоятларни сўзлай кетишади.

Фақат раис Тиналиевдан мақтов олиш қийин. У талабчан, тикандек қаттиқ нигоҳи билан отларни, ҳаммадан аввал десантчиларнинг ўзларини бир-бир кўздан кечириб чиқади. Ҳамма нарсани ипидан-игна-сигача текширар, плуглар, қалай, абзаллар тайёрми, дер, ҳатто кимни шимининг тиззаси йиртиқ бўлса – нега йиртиқ, онасининг қўли тегмаса, ўзи қўлига игна олиб тикиб олиши шунчалик қийинми? – дея ижикилаб сўрарди. Отнинг жабдуқлари-чи, қачон ахир тайёр бўлади жабдуқлар, деб қистовга олиб қоларди. Оқсойга отхонани кўчириб кетолмайсан, тунлари чўлга совуқ тушади. У вақт зиклигини, Оқсойда ҳозир бугунги ишни эртага қўйиб бўлмаслигини тинмай таъкидларди. Гоҳо, бақириб сўқинишга қадар бориб етар, аравакашлар плугли отга, айниқса, Оқсойга кетадиган отларга сақланаётган бедани ўз вақтида

етказиб беролмаганлари учун Чекиш бригадирга қаттиқ дашном берарди.

Бўлаётган воқеалардан у қадар севинмаётган кишилар ҳам бор: булар – оналар. Ҳали униси, ҳали буниси келиб бу қандай кўргилик, умримиз бино бўлиб қулоқ эшитмаган десантни ўйлаб топишибди, эрларимизнинг урушдалиги етмасмиди, энди ўғилларимиз ҳам аскар бўлиши қолганмиди, на уйга ёрдами тегади уларнинг, на дийдорига тўйиб гаплашиб ўтириш бор. Куну тун отхонадан бери келишмайди... Хуллас, гапирса гап кўп.

Султонмуротга ҳаммадан кўра оғир, ахир командир-да. Ҳаммаси учун у жавоб бериши керак. Ҳаммасидан ҳам оналар олдида жавоб бериш оғирроқ. Онаси кўлини ювиб қўлтиғига урди, ҳорғин: «Фақат отанг урушдан тирик қайтса бўлгани, нима қилса ўзи қилади. Тўйиб кетдим. Мен кўз юмгач, эсинг жойига тушади-ю, аммо унда кеч бўлади...» – дерди. Онасига жуда қийинлигини Султонмурот билади, лекин кўлидан нимаям келарди, унинг ўрнида ҳар қандай одам ҳам ҳеч нарса қилолмасди. Десантчиларнинг ҳар бирининг кўлида тўрттадан от ва отдан ташқари қанчадан-қанча юмушлари бор. Ем бер, суғор, тагини тозала, ем-хашак тайёрла, яна ем бер, гўнгини тозалаб ташқарига олиб чиқ ва қайта шу ишларни такрорлайвериш... Отларнинг яғринларини ювиш, яраларини даволашнинг ўзи шундай машаққатки... Участка ветфельдшерининг ҳар хил суртиладиган қуюқ-қуюқ дориларни қолдириб кетганини айтмаса, умуман, ўзларининг даволашларига тўғри келади. Ҳар куни дориларни суртиб туриш керак, бўлмаса даволаб бўлармиди. Боқишга-ку, амаллайсан-а, аммо яранинг устига бўйинча осиб қўёлмайсан-ку. Шу-да. Бирорта соғ от йўқ, ҳаммасининг яғринларини яра-чақа босиб кетган, оёқлари шикастланган эди. Уни даволаётганингни ҳайвон тушунмайди, қани тинч турса-чи!

Отларнинг танаси эт олиб, оёққа туриб олганларидан кейин совитиш керак бўларди. Ҳар бир отни ҳар куни бир ярим соатча йўрттириш керак, акс ҳолда, бригадир Чекиш айтганидай, «плугга қўшганда терлайди-ю, суроби тўғри бўлади-қолади».

Иттифоқо, кўнгилсиз ҳодиса юз берди...

Бир куни бешовлон ўз «жанговар» тулпорларини совитиб келишга отланишди. Султонмурот Чопдорида, Онатой Оқтўриғида, Эркинбек Оқпайпоғида, Эргаш Олтинтуёғида, Куббаткул Ипакёлида эдилар. Аввалига одат бўйича отларни йўрттириб боришди. Отхона атрофидан, кейин кўчадан юриб қишлоқ четига чиқишди ва қор қопланган дала бўйлаб йўртиб кетишди. Қуёш чарақлаб, қорлар жимирлар, жилвакор осмон баҳор нурларига йўғрилганди. Тоғлар оппоқ, шундай сокин ва ёруғ эдики, агар ўша оқ чўққида пашша учса эшитиладигандай ва кўринадигандай туюларди. Қиш даврини суриб бўлган, қуёш аста-секин қиздира бошларди. Отлар шитоб билан чопиб боришарди. Улар ҳам увушган оёқларининг чигилини ёзишга ва елдек учишга жуда зориққан эдилар. Болалар жиловни бўшатишиб тезроқ, тобора тезроқ от сургилари келарди. Шундоқ чоптиришни истардиларки... Олдинда Султонмурот бормоқда эди. Онатой орқадан уни шоширарди:

– Бўл тезроқ, бунча имилламасанг!

Бироқ Султонмурот командир сифатида тезликни оширишга унчалик рўйхуш бермади. Совитиш – бу пойгада чопиш эмас сенга. Бу – отларни машқ қилдириш, кейин плугга қўшган пайтда тортишга қийналмаслиги учун қилинадиган тадбир. Десант бўлган болалар шундай боришарди. Даладан бурилиб энди ортга қайтмоқчи эдилар, тепалик ортидан қий-чув эшитилди. Болалар мактабдан қайтмоқда эдилар. Десантчиларни кўришлари билан бақириб-чақириб, қўлларини силкита бошлашди. Уларга жавобан десантчилар ҳам

қичқиришар, қўл силкишарди. Синфдошлари, еттинчи-дагилар ҳамда бошқа синф ўқувчилари дарсдан қайтмоқда эдилар. Тўда сурон кўтариб келарди. Тўда ичида Султонмурот Мирзагулни дарров таниди. Уни қандай тополганини ўзиям билмайди-ю, бир парча шол рўмол остидаги йилт этиб кўринган юзи, нозик жуссаси рафтори ва овозидан бу Мирзагул эканлигини ҳис қилди.

Қиз ҳам уни таниди шекилли – бошқаларга қўшилиб нималарнидир қичқириб, сумкасини ўйнатиб – тепаликдан тушиб кела бошлади. Ҳатто, «Султонмурот-о-от» – деб чақиргандай ҳам бўлди.

Қўлларини ёзиб унга томон югуриб интилаётгани хотирини ярқ этиб, жонлантириб юборди ҳамда шу кунларда қизни ўйлаб юрганини ва соғинганини шу лаҳзада сизди. Шунда қандайдир бир тўлқин уни ўз оғушига олиб, аллақачонларга гирдикапалак қилиб учуриб кетаётгандай ҳис қилди...

Нимадир бўлди-ю, шу заҳоти улар беихтиёр тўдалашиб ўша томонга, синфдошлари тушиб келаётган тепалик сари йўртиб кетишди. Бир зумда далани ортда қолдиришиб нишабликдан ғойиб бўлишди. Улар тепалик ён бағри бўйлаб саф тортишиб, отларини гижинглатиб, ҳайратланган болаларнинг ёнидан ўтиб, отхона томон ўтиб кетишлари ҳам мумкин эди-ку.

Султонмуротнинг режаси ҳам шундай эди. Шу пайт Онатой олдинга отилиб чиқди. Унинг Оқтўриғи учқур от эди.

– Қаёққа, тўхта! Чоптирма! – огоҳлантирди уни Султонмурот, аммо Онатой ҳатто пинагини ҳам бузмади.

«У Мирзагул олдида ўзини кўрсатмоқчи!» – деган фикр ярқ этиб Султонмуротнинг миясига урилди. Унинг жаҳли чиқиб, чидаёлмай, жўшиб кетди ва Чопдорнинг жиловини бўшатиб, ҳой-ҳойлаб, отнинг ёлига ёпишиб олганча Онатойни қува кетди. Онатой бўлса яна отга устма-уст қамчи босди. Улар пойга чопгандай, ким ўзарга, ким биринчи бўлиб қизга етиб боришга,

ким ўзининг абжирлиги ва устунлигини кўрсатишга ошиққандай қувишиб кетишди.

Эҳ, шундай ажойиб пойга чопдилар-а! Отаси бекорга Чопдорда ажойиб тулпор хислатлари бор демаган экан, у ҳақиқий бедовлигини кўрсатмоқда эди. Онатойга қуундай етиб олган Султонмурот тантана қиларди! Уларнинг беллашувини кузатиб тўхтаб қолган синфдошлари тўдасига аста назар соларкан, улар орасида қизга кўзи тушди, аслидаям уни кўрмоқчи эди-да. Ахир шу қизни деб бу беллашувда қатнашмадимиз. Ғалаба қозонди ҳам! Онатойни қувиб ўтгач, қизга яқинроқ бориш учун тепаликка йўналди. Чопдорнинг бошини, яхшиямки, сал тепаликка бургани, омади бор экан, бўлмаса бу ўтаётганида рақибига бир нарса бўлгандай бўлди. Бирдан ҳамма қичқириб юборди.

Султонмурот жиловни тортиб, орқасига ўгирилса, Онатой йўқ. У шиддат билан чопиб бораётган отини базўр тўхтатиб орқага қайрилди-ю, Онатойнинг Оқтўриғи қорда из қолдирганча суриб тепаликдан юмалаганини, Онатойнинг ўзи эса бир четга отилиб кетганини кўрди. Болалар гавдасини аранг қордан кўтариб тураётган Онатой томон югуриб кетишди.

Султонмуротнинг кайфи учиб кетди. Етиб келиб Онатойнинг қонга беланган қўлларини кўргач, яна ваҳима босди. Бир лаҳза кўзлари Мирзагулнинг нигоҳлари билан тўқнашди. Кўрқиб оқариб кетган бўлишига қарамай у жуда гўзал эди... Онатой ўзини ўнглаб олиб пастда, қор уюмида типирчилаб ётган оти томон югурди. От тизгинга ўралиб қолган эди. Бу орада орқада қолган десантчилар ҳам етиб келишди. Ҳаммалари отни оёққа туришга кўмаклашиб юборишди.

Шундагина Султонмуротнинг қулоғига товушлар чалиниб, ҳамма нарса жойида шекилли, дея ўзига келди. Ботирларнинг Мирзагул бекач олдида ўзларини кўрсатишга уринишлари ана шундай кўнгилсизлик билан

тугади. Қизнинг кўзларига қарашга уларнинг юраклари дов бермасди. Отхонага қайтар вақт бўлгани учун чурқ этмай, апил-тапил йўлга отландилар. Фақат овулга етай деб қолганларида Эргаш Онатойнинг Оқтўриғи оқсаётганини сезиб қолди.

– Тўхта! – қичқирди у. – Нима, отингнинг оқсаётганини билмаясанми?

– Оқсаётганини? – ғўлдиради Онатой.

– Ҳа-да! Оқсаганда қандай!

– Қани, олдинга ўт-чи, – буюрди Султонмурот. – Кўрайлик-чи, олдинга ўт.

Ҳақиқатан, Оқтўриқ олдинги ўнг оёғини зўрға босарди. Пайпаслашиб қарашса, отнинг тўпиғи шиша бошлаганини кўришди.

Жуда ёмон иш бўлди-да. Энди нима қилишни билишмасди. Отларни плугга роса тайёрлашиб-тайёрлашиб, охирида ҳаммаси чиппакка чиқди. Қор билан қопланган тепаликда ким от чопади, ахир ҳар қадамда отлар сирпаниб пастга юмалашлари мумкин эди-ку. Шундай бўлди ҳам. Хайриятки, ўзлари омон қолишди.

– Ҳаммасига сен айбдорсан! – деди жаҳл билан Онатой қизариб-бўзариб. – Қувишни биринчи сен бошлаб бердинг.

– Орқангдан: «Тўхта, қаёққа» – деб бақирмадимми?

– Бўлмаса нега қувлаб ўтмоқчи бўлдинг?

– Ўзинг отни нега чоптириб кетдинг?

Бақаришиб, талашиб, сал бўлмаса муштлашиб кетай дейишди. Лекин эсларини йиғиб олдилар. Бу от совитишдан сўнги отхонага оқсоқ отни жимгина, ҳорғин етаклаб кириб келишди. Отларни, оқсоқланаётган Оқтўриқни ҳам шовқин-суронсиз охурларига боғладилару энди нима қилишларини билмай туриб қолдилар. Таҳлика остида ҳеч биридан бир фикр чиқмай чурқ этмай туришарди. Бу қилмишлари учун жавоб бериш кераклигини яхши билишарди. Болалар Онатойга юзланиб:

– Секин, нима бўлганини отбоқарларга айтиб кўр. Оқтўриқ оқсоқланиб қолди, нима қилайлик, деб сўрагин, дейишди. У кўнмади:

– Нега энди мен борар эканман? Мен айбдор эмасман. Бизнинг командиримиз бор. Ўзи бориб айтаверсин.

Яна баҳслашдилар, яна муштлашиб кетишларига сал қолди. Ҳаммадан ҳам Онатойнинг ўзини айбдор ҳисобламаётганлиги Султонмуротга алам қилиб кетди.

– Хотин экансан, – деди тутақиб. – Сен фақат оғиздагина ботирсан! Сал нарсага четда писиб турмоқчимисан! Қўрқади деб ўйлаяпсанми? Бўлар иш бўлдимиди – ўзим бориб айтаман ҳаммасини.

– Боравер! Шунинг учун ҳам командирсан-да, – бўш келмади Онатой.

Султонмурот ўзини қўлга олиб, ҳаммасини қандай бўлса шундайлигича отбоқарга айтиб беришга жазм қилди. Отбоқар ҳовлиқиб югуриб бориб қоқинган отни кўздан кечириб бошлади. Тўс-тўполон кўтарилди. Нақ шудгор қилиш олдидан отдан айрилиш ҳазилми ахир. Шу заҳоти Чекиш бригадир келиб дағдаға қила кетди. Буни ким бўлса ҳам етказишга улгурибди-да. Отбоқар бу вақтда Оқтўриқнинг оёғини кўздан кечириб, шикастланганми ёки суяги синганми, аниқлаётган эди. Шу пайт орқадан от туёғининг дўпир-дўпири эшитилди. Бошларини ўгириб қарашса, от устида Чекиш бригадир турибди. У индамай отдан тушди. Яқин келиб ҳайбат билан тутақиб сўради:

– Нима бўлди?

– Пайи чўзилганми ёки суяги дарз кетганмикин шуни билмай турибмиз, оқсоқол.

– Билишмасмиш! – бақирди Чекиш жаҳлдан бўзариб. – Ҳаммангни ҳозироқ трибуналга ҳайдайман, жой-жойингда отиб ташлайман!

Чекиш қамчисини ўйнатиб қўшчилар томон отилди. Болалар ҳар томонга тумтарақай қочиб қолишди. Чекиш

уларни кува кетди. Ҳеч кимни тутолмай, баттар бўғилиб, бўзариб қамчисини силтаб дўқ қила бошлади.

– Плугга қўшиладиган отларни биз кимларга ишониб ўтирибмиз? Булар душман экан-ку! Фашистлар! Битта қўймай отиш керак! Қанча меҳнат, қанча ерни елга совурди булар! Энди шудгор нима бўлади?

У отхонани бошига кўтариб қичқирар, сўкинаркан, Султонмуротга тўқнаш келиб қолди. Болалар қочиб кетишганда ҳам Султонмурот жойидан жилмаганди. Қўркувдан ранги қув ўчиб, жавоб беришдан бош тортолмай бригадирга термилди.

– Ҳа, ҳали бу сенмисан! Қилар ишни қилиб қўйиб, яна менга қараб турибсанми! – Чекиш чол ўзини тутолмай десантчилар командирининг елкасига қамчи тортиб юборди. Бироқ яна қамчисини кўтарди-ю, негадир урмай пишқира кетди:

– Қоч, итвачча! Қоч, дейман! Йўқол кўзимдан! Йўқса, бошлаб савалайман!

Султонмурот орқага чекиниб, беихтиёр қўллари билан юзини тўсиб, жавдираган кўзларини бригадирдан узмай турарди. У чўғдай қамчи елкасини ўйиб ўтишини кутарди. Бунга чидаш, бардош бериш, қочмаслик учун бор кучини тўплаб турар эди...

– Ҳа, майли! – деди кутилмаганда Чекиш йигитчанинг ўжарлигидан ҳайратланиб. – Қолганини отанг урушдан қайтгач оласан. Бу қилмишларинг учун сени отангнинг олдида ҳам савалайман!

Султонмуротдан садо чиқмади. Чекиш эса ҳеч жаҳлдан, ҳовридан тушмай қамчисини ўйнатиб, депсинарди:

– Қоч десанг қаққайиб туради! Ахир ўзинг ўйла, ҳеч замонда сени тута олармидим! Сизларни қувиб нима қилдим! Йўлига қочмайсанми, менга ҳам енгил бўларди! Урай десам эгнинг юпун, эгнингни десам, ўзинг ҳам қоқсуяксан, қамчи билан солиб бўлмаса. Урадиган ҳолинг бўлса ҳам майли эди! Бўлар иш бўлди. Кўнглингга олма.

Отанг қайтгач, биргалашиб мен чолнинг адабини берар-сизлар. Қани энди кўрсат-чи, нима қилиб қўйдиларинг...

Ўша куни мана шундай ҳодиса рўй берган эди. Султонмурот қилмишига яраша оладиганини олди. Бригадир ҳам қамчи билан саваламай нима қилсин. Қанча меҳнат, ҳаракат зое кетди. Нимага ҳам ярарди чўлоқ от? Гўштгами? Бироқ заҳматкаш жониворни сўйишга кимнинг қўли борарди? Чекиш ва бошқа биладиган одамларнинг айтишича, отнинг қаттиқ шикастланмаганлиги бирдан-бир тасалли эди...

Онатойнинг Оқтўриғини бир чолнинг ҳузурига олиб бордилар. У йилқиларни даволарди.

Беда, пичан оборишиб у ерда навбатчилик қила бошлашди. Омадлари келиб, беш кунлардан кейин Оқтўриқ илгари ҳолига қайта бошлади ва уни отхонага олиб келдилар.

Умуман, бу ҳафта оғир ўтди, уйда эса онасининг тоби қочиб қолди. Аввалига ўзини ёмон ҳис қила бошлади-ю, кейин иссиғи кўтарилиб кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолди. Султонмурот онаси, укаларига қараб уйда қолишига тўғри келди. У ана шундагина уйлари бўм-бўш ҳувиллаб қолганини пайқади. Отаси армияга кетганидаги ўнтача қўйларидан бирортаям қолмади: иккитасини ўзларига сўйишди, қолганларини ҳарбий заёмга сотишиб бошқа солиқларга тўлаб юборишди. Яхшиямки, ҳали елини тўлишиб қолган, яқин-орада туғиши керак бўлган сигирлари, яна бир томонда Ажимуротнинг эшаги Қораёл бор. Бор-йўқ мол-ҳоллари мана шу. Ўшаларни боқишга ҳам ҳеч вақо йўқ.

Эшак ўзига-ўзи емак топмоғи керак эди. У ҳовли атрофидаги янтоқ ва бурганларни еб юрарди. Ўтин-чўпга келганда аҳвол жуда чатоқ, таппи тугаёзган, шох-шабба яна бир неча кунга етарли қолган.

Кейин нима бўлади? Итлари Оқтош ҳам саёқ бўлиб кетибди. Султонмурот маъюсланиб қолди. Ўз-ўзидан

хижолат тортарди. Куну тун отхонада Оксой десантини тайёрлаш билан машғул бўлиб, хўжаликлари қаровсиз қолганини ҳам пайқамабди. Отаси борлигида ҳечам шундай бўлармиди? Отаси пичан йиғса бутун қиш ва баҳорга етарди. Ўтинни ҳам ғамлаб ташларди. Нимасини айтасиз, отаси борлигида ҳаётлари бутунлай бошқача, хотиржам, саранжом-саришта, ораста эди.

Фақат уйларидагина эмас, ҳамма ерда, балким бутун дунёда бошқача эди. Ҳозир ҳовлиларидан файз кетган. Худди куз пайтида япроқларсиз қолган дарахтлар каби ҳовлида нимадир етишмай турарди.

Ўтов ўз ўрнида, кўчалар, уйлар ўша ўша-ю, бари бир отаси борлигидаги файз йўқ.

Ҳатто ҳовли орқасидаги кўчадан ўтиб турадиган арава ғилдиракларининг тақир-туқур овози ҳам илгаригидек, отаси шу йўлларда худди шу араваларни ҳайдаган вақтидаги сингари мароқли эмас эди.

Жамбулга борган одамларнинг айтишича, шаҳарда шундай қимматчилик, очарчилик ва тўс-тўполон эмиш-ки, тезроқ уйга қайтгинг келармиш. Демак, шаҳар ҳам ўша отаси билан борганларидай эмас, бутунлай ўзгарган.

Нега шундай экан-а? Демак, отаси йўқлиги учун шундай бўлибди-да... У ҳозир қаерда, ҳоли не кечди экан? Охирги хат бир ярим ойлар чамаси олдин келганди.

Қаердадир йўлда бирон ерда ушланиб қоляпти деб, тасалли берарди у онасига. Онаси ух тортарди. Фронтдан жўнатилган хат, эҳтимол ушланиб қолиши ҳам мумкин. Балким хат ёзишга ҳеч кимнинг вақти ҳам йўқдир ҳозир? Ҳамма гап ана шунда, бироқ Чуй каналидан хат келмаслиги бошқа-ю, фронтдан хат келмаслиги бошқа. Мана, онаси ҳам, ҳаммалари ҳам шу ҳақда ўйлайдилар.

Аввалги кун тонг маҳалида ит хуриб, кейин жимиб қолди. Эркаланиб ғингшиди-ю, бир оздан сўнг дераза тақиллади. Онаси сесканиб, касал бўлишига қарамай тўшакдан туриб кетди. Султонмурот ҳам дераза томон

отилди. Ташқарида кимдир турарди. Биринчи бўлиб уни онаси таниди.

– Тоғанг Нурғози келди, – деди у ўғлига, – бор, кутиб ол. – Ўзи бўлса кўнгли айниб, тиши тишига тегмай кўрпага кирди. Онасининг акаси, Нурғози тоғаси тоғда яшар ва умр бўйи қўшни совхозда чўпонлик қиларди. Бир куни ёши ўтиб қолган бўлса-да, уни ҳам армияга чақиришди. Аммо Жамбулдан уни ва яна бир неча чўпонни уйига қайтаришди. Отларда ҳеч ким қолмаган эди. Подани кимсасиз ташлаб кетиб бўлмайди-ку. Яхшиям Нурғози тоғалари бор экан, онда-сонда бўлса-да, улардан хабар олиб турарди. Мана бу сафар ҳам кечаси қўйларни кўрага қамаб, синглисини касал деб эшитиб, тоғдан тушиб келибди. У оз фурсатга келиб, нима гаплигини билгач, тезроқ уйга қайтмоқчи эди.

Шамолда қорайиб, лўлига ўхшаб қолган, тулкитери тумоқ, кигиз кўнжли этиклари тиззасидан юқорисигача, баҳайбат, чайир тоғаси аёз билан бирга қўй ҳидини анқитиб кириб келди. Шу заҳотиёқ уйда ғала-ғовур кўтарилди. Эгнидан пўстинини ечиб синглиси ёнига чўккалади-да, унинг иссиқ қўлини ўзининг залварли кафтига олиб индамай томир уришини эшитди. Узоқ вақт диққат билан унинг нозик тўпиғини ушлаб, ўзининг қаттиқ йўғон бармоқлари билан томирини текширди. Ниманидир сезиб, ниманидир аниқлади. Бир оз хаёлга чўмиб, йўталиб қўйди, сўнгра соқолини сийпа-лаб, хушнуд жилмайганча Султонмуротга деди:

– Ҳечқиси йўқ. Яхшигина шамоллаб, роса совуқ ўтибди. Билгандай гўшт, думба ёғи олиб келувдим. Қалампир ва пиёз солиб иссиқ, ёғли шўрва ичиб, обдан терла, – маслаҳат берди синглисига у. – Сен-чи, Султонмурот, эгардаги хуржунни олиб кел, нима бўлса ҳаммасини уйга олиб кир. Хуржунни эса бўшатиб бер... Узоқ ўтириб қололмайман, қўйлар эгасиз қолган.

Онаси тоғаси билан у ёқ бу ёқдан гаплашиб олгунларича Султонмурот олов ёқиб, чой қайнатишга улгурди. Унга ча кичкинтойлар ҳам уйғониб қолишди. Дарров тўшакдан туриб қип-яланғоч дийдирашганларича ҳаммалари тоғаларига ташланишди. У гўдакларни ёнида турган пўстинига ўраб олар, улар эса тиззасига, елкаларига ирғишлашарди. Айниқса, тоғанинг эркатойи Ажимурот бўлса росмана гўдак бўлди-қолди. Учинч синфда ўқиётганига қарамай у кўзичоқдай эркаланарди. Тоғасининг тулкитери тумоғини бошига кийиб, қамчинини кўлига олиб, ўзи эса худди отга мингандай тоғасининг елкасига чиқиб олди.

– Уялмайсанми! Туш! – Султонмурот уни бир-икки турткилади, аммо бунга Нурғози тоғанинг ўзи индамасди.

– Тегма унга, тегма, майли, ўйнайверсин.

Ана шундай қувноқ, сершовқин тонг отди. Ажимурот аллақачон мактабга бориши керак бўлса ҳам ҳамон имилларди. Онаси бақириб-чақирса ҳам у тоғасининг атрофида гирдикапалак бўлиб ивирсирди. Шундан сўнг тоғаси жиянини қистай бошлади. Базўр уни кийинишга кўндиришди. Охири шунга бориб етдики, Султонмурод укасининг кўлларидан тутиб ташқарига судраб чиқариб юборди. У бўлса эшикка тиралиб олиб, ташқарига чиқариб юборилганидан бўкириб йиғлай бошлади. Шу кўйи бақириб йиғлаганча мактабга равона бўлди. Болакайга ҳамманинг раҳми келиб кетди.

Нурғози тоғанинг ҳатто жаҳли ҳам чиқди.

– Бу нима қилганинг? – деди у Султонмуротни койиб.

– Йўқ, тоғажон, мен унга тегмадим.

– Нимага йиғлаяпти бўлмаса?

– Султонмурот унга теккани йўқ, – болишдан бош кўтариб гапга аралашди онаси. – Йўқ, Нурғози ака, у отасини соғинганидан шундай қиляпти. Шунинг учун ҳам болалар сизга ёпишгани-ёпишган. Тўйиб кетдик. Кутавериб кўзимиз тўрт бўлди. Икки энлиқкина хат келса кошкийди. Мана, икки ой бўлдики, дом-дарак йўқ...

Нурғози тоғалари синглисини тинчита бошлади. Йиғламаслигини, болалари учун ўзини эҳтиёт қилишини тайинларкан, одамларни ўлди деб ҳисоблашиб, ярим йилдан кейин улардан хат олишганлари ҳақидаги ҳар хил воқеаларни гапириб берди. Уруш-урушлигини қилади-да...

Бу гал, Султонмурот бемор онаси ёнида ўтириб, ҳаётлари отасиз нақадар оғир кечаётганини чуқур ҳис этди. Ажимуротга ўхшаб кичикроқ бўлганидами, соғинчидан бор овози билан ҳўнграб йиғлаб оларди. Шу кўйи, йиғлаб-сиқтаб, боши оққан томонга жўнаган бўларди. Унинг салгина бўлса-да, умидвор бўлгиси келарди. Тез орада қайтмаса ҳам майли, фақат отаси тирик бўлса бас, ана ўшанда эркин нафас олиб, кутиб, чидаса бўлади. Энди у ўз муаллимаси Инкамол опанинг аҳволига тушунди.

Бир куни опа отхонага келди. Районга кетаётган йўловчи аравага отларни қўшгунларича кутиб турди. У ҳамон ўша дағал жундан тўқилган шол рўмолда, кексайиб қолган, ёлғиз, кўзлари тўла ғам-андух, қийшайиб қолган дарвоза олдида турарди. Лекин орадан бир кун ўтиб қайтиб келганида эса уни таниб бўлмас, кекса муаллима ўзгариб қолгандай, аслига қайтгандай эди. Ҳатто пешанасидаги ажинлари ҳам текис бўлиб кетганди. Очиқ чеҳра билан ўқувчиларининг ишлари билан қизиқди. Султонмурот уни ҳовлини айлантириб, десант отларини кўрсатди.

– Мана, Инкамол опа, охур олдида турган бизнинг тўртала отимиз!

– Яхши отлар, парвариш қилингани шундоққина кўриниб турибди, – мақтаб қўйди Инкамол опа.

– Илгари уларни бир кўрганингиздами, – сўзлай кетди Султонмурот. – Қоқсуяк, ҳамма ёғи яғир ва яғринлари яра-чақа, йиринг босган, оёқлари эса оқсоқ эди. Энди бўлса, ўзимиз ҳам таниёлмай қолганмиз. Инкамол опа,

мана бу менинг Чопдорим. Бир кўринг қанақалигини! Отамнинг оти. Мана буниси эса Оқпайпоқ, ана унисини Елтомон деб атаймиз...

Сўнгра муаллимага устахонада отларга уриш учун тахлаб қўйилган эгар-жабдуқларни кўрсатди. Кейин плугларни кўришди. Ҳамма нарса тахт, шу тобнинг ўзидаёқ отларни кўшиб, ҳайдайверса бўладиган...

Инкамол опа жуда хурсанд бўлди. Хайрлашаётганда эса, уларни ўқишдан қолдирганларида ташвишланиб, норози бўлганини, бироқ ҳозир буларни кўриб кўнгли жойига тушганини тан олди.

– Ҳозир, муҳими, ғалабаю одамларнинг тезроқ урушдан қайтишлари, қолган нарсаларнинг ҳиссасини чиқариб оламиз, албатта чиқарамиз, – деди у.

Маълум бўлишича, Инкамол опа агар яхши хабар чиқса ҳеч нима, ҳеч қандай пул олмайдиган бировларнинг қувончини ўзиники деб биладиган машҳур фолбин хузурида бўлган экан. Фолбин шунинг учун ҳам доимо ростини гапираркан. Ўша фолбин опага уч марта фол очиб, ўғлини тирик, дебди. Асир ҳам, ярадор ҳам эмас. Фақат шундай топшириқдаки, хат ёзиш ман этилган. Рухсат олгач, мана кўрарсиз, хат устига хат келаверади, дебди...

Бу гапларнинг қанчаси рост, қанчаси ёлғонлигини ҳеч ким билмайди-ю, аммо бу воқеани одамларни районга олиб бориб келган аравакаш отхонада сўзлаб берди.

Инкамол опанинг фолбинга борганини эшитган Султонмурот ўшанда дафъатан ҳайрон бўлди-ю, унинг кўрқув аралаш ҳасратлари боисини энди тушуниб етди ва бир оз енгил тортгач, онасига ҳам ўша башорат қилувчи аёлга бориб отасидан бирор хабар топишни маслаҳат беришга қарор қилди.

Ҳа, буларнинг ҳаммаси ҳақида ўйлашнинг ўзи оғир ва кўрқинчли эди. Аммо булоқ кўзидан қайнаб чиқиб турган тиниқ сув оқими каби куйилиб келаётган ёрқин

ва қувончли туйғулар ҳам бор эди. Булар унинг ҳақида, Мирзагул ҳақидаги ўйлар эди. У аслида бу туйғуларни чорлашга уринмас, аммо улар ер остидан ниш урган майсалар мисол ўзидан-ўзи пайдо бўларди. Уларнинг қувончли, мусаффолиги мана шунда эди, шунинг учун ҳам улардан айрилиб қолишни истамас, бу ҳақда ўйлашдан чарчамасди.

У ҳақда ўйлар экан, ниманидир бажариши, ҳаракат қилиши ва бу йўлда ҳеч қандай фалокатлардан, ҳеч қандай қийинчиликлардан чўчиш нималигини билмасди. Лекин ҳаммасидан ҳам буларнинг барчасини қизнинг билишини истар эди.

Ўз қалбидан кечаётган туйғуларнинг барини нима деб аташни ўзи ҳам яхши билмасди. Аммо бу – ўзи одамлардан эшитган, китоблардан ўқиган севги эканлигини ғира-шира тушуниб етганди. Фронтга кетаётган йигитлар унга хатларини бирор қизга ёки ёш келинчакка бериб қўйишини сўраб бир неча бор илтимос қилишган. У бундай махфий топшириқларни ғурур билан бажарган. Бу ҳақда ҳеч қачон ҳеч кимга лақиллаб ҳам юрмаган. Бунақа нарсалар ҳақида лақиллаб юриш йигит кишининг иши эмас-ку! Ҳатто узоқ бир қариндоши шундай хат ёзиб беришини илтимос қилган пайт ҳам бўлган. Жамонқул ҳали ёш, саводсиз эди, тоғларда қўйлар кетидан юриб, ёшлигида ўқимаганди. Шунда бирдан армияга чақирилиб қолди. Йигитнинг суюкли қизи билан хайрлашгиси келган, қоғозда бўлса ҳам ўз туйғуларини унга айтмоқчи бўлган. Овулда қиз бола тўйгача йигит билан учрашиши мумкин бўлмагач, нима қилсин. Шунда чаласавод Жамонқулнинг қариндош боладан ёрдам сўрашига тўғри келди. Жамонқул айтиб турди, Султонмурот эса унинг сўзларини қоғозга туширди. Ўшанда бу ўйин ҳам, Жамонқулнинг сўз танлаб ҳаяжонланиши ҳам, хатни ёзиб тугатгунларича томоғига бир нарса туриб қолгандай бўлгани ҳам Султонмуротга кулгили бўлиб туюлган эди.

Ўшанда Султонмурот аввалига ўжарлик қилиб ялинтирган, бир йил ўтмай бечора Жамонқулни ҳаяжонга солиб қўйган ўша ҳиссиёт ўзининг ҳам бошига тушишини хаёлига келтирмаган ҳолда бечора ошиқдан совғага дастаси архар шохидан қилинган пичоқ олган эди. Жамонқулнинг тоғу тошда ёлғиз юриб тўқиган шеърини ҳозир Султонмурот эслади ва ичида ўзича такрорлади:

*Оқсой, Кўксой, Сариқсой – кезмаган ер қолмади,
Аммо сенинг ўхшашинг ҳеч қайдан топилмади...*

Ногаҳон миясига бир фикр келди: у ҳам қизга хат ёзса бўлмайдими! Уялиб, кўрқиб ўтирмай ҳаммасини тўкиб солиш, ўз ҳис-туйғуларини унга етказиш йўли топилгач, унда ҳозирок ҳаракат қилиш истаги, бошқаларга ҳам унинг ўзига яхши бўлганидай, унинг сингари бошқалар ҳам ўзларини бахтиёр ҳисоблашлари учун аллақандай хайрли ишларни бажариш истаги туғилди. Онасининг тезроқ соғайиб кетиши, отасини ўйлаб ҳадеб хавотирланавермаслиги учун, тезроқ яна фермада ишлаши, уйлари саришта ва иссиқ бўлиши учун, ўғли кимнидир севиб қолганини, унинг кўз ўнгида атроф аллақандай гўзаллашиб бораётганлигини бир оз сезиши учун ҳаммадан олдин – онасига ёрдамлашиши керак....

У уйда бўлган уч-тўрт куни мобайнида шунчалик кўп иш қилдики, йил давомида бунчалик иш қилиб бўлмасди. Уй ва хўжаликка доир жамики ишларни тартибга солиб, саранжом-саришталади. Онасидан ҳам тез-тез ҳол-аҳвол сўраб турди:

– Яхшимисан! Бирон нарса керакмасми?

Онаси унга жавобан ғамгин кулиб қўярди:

– Энди ўлим ҳам кўрқинчли бўлмай қолди. Ташвиш қилма, бирон нарса керак бўлса ўзим айтаман...

Хатни бўлса у тунда, ҳамма ухлагандан кейин ёзди. Ҳеч ким ва ҳеч нима унга халақит бермаса-да, жуда ҳа-

яжонланди. Аввал нимадан бошлашни ўйлаб олди. Ундай ёзиб ҳам кўрди, бундай ҳам, бари бир бўлмади. Ҳаргал бошқачароқ ва бундан бошқачароқ бошлаши керакдай бўлиб туюлаверарди. Фикрлари худди пала-партиш отилаётган тошдан ҳосил бўлган сув бетига пуфакчаларга ўхшаб тарқаб кетарди. Қалбида ардоқлаб юрган туйғуларини изҳор қилгиси келар, аммо буларни қоғозга туширишга келганда гап қовушмай қоларди. Энг олдин унга, Мирзагулга, унинг қанчалар гўзаллигини, овулдагиларнинг ҳаммасидан гўзаллигини ва нафақат овулда, балки бутун оламда тенги йўқ эканлигини айтгиси келарди. Ўзи учун бир синфда у билан ўтириш, унинг гўзаллигини томоша қилиб термилиш ва дунёда шу термилишдан ёқимлироқ ҳеч нарса йўқлигини айтгиси келарди. Бироқ ҳаёт тақозоси билан у ўз десанти туйғули эндиликда мактабга боролмас, қачон уларнинг мактабга қайтиши номаълум бўлиб қолганди. Энди у қизни аҳён-аҳён учратар, шунинг учунми, жуда-жуда изтироб чекар ва қаттиқ соғинар эди. Шундай соғинардик, ҳатто баъзида йиғлагиси келарди. Буни у доим тан олгиси келмасди, эркак киши доим эркакларча иш тутиши керак, бироқ кўз ёшлари ҳақиқатан гоҳо томоғига келиб қоларди. Танаффус пайтлари бекорга ва дабдурустан, сал-пал шилқимсифатликни эп кўрмай қизнинг олдига боролмаётганлигини ва унинг бекорга ўзини олиб қочиб юрганини – хатда тушунтириши керак эди. Унинг туйғуларида ҳеч қандай ёмон ният бўлмаган. Сурбет Онатой ўзини энг кучли ва довурак эканлигини, десантчилар ичида энг зўри эканлигини кўрсатиб қўйишни кўзлаганидаги ўша ким ўзарга қувишишни ҳам унга тушунтириб беришни жуда истарди. Аммо ўшанда, қиз ўзи кўргандай, Онатой ҳеч нарса қилолмади. Афсуски, Оқтўриғи шикастланди. Аммо ҳаммасидан унинг айтгиси келган муҳим нарса – қандай қилиб синфдошлари тўдасидан қизни таниб қолгани

ва уни узоқ пайтдан бери қаттиқ севишини дарров тунгани, яна қўлларини ёзиб ва нималар деб қичқириб тепаликдан тушиб келаётганида унинг қандай гўзал кўрингани эди. Қиз унга томон худди мусиқа оҳангидай, шаршарадай, ўт ёлқинидай югурган эди...

Дераза тоқчасидаги лампани икки марта тузатиб қўйишга тўғри келди. Пилиги тугаб борарди. Яхшиям онаси бошқа хонада ётар ва унинг охирги керосинни ёқиб тугатаётганини билмас эди. Хат ҳамон нима деб ёзишни билмагани учун эмас, балки аксинча, ҳаммасини тўкиб солиш истаги борлиги учун ҳам қовушмасди.

Ўтовдаги деразаларни аллақачон қоронғилик қоплаб, аллақачон итлар ҳуришни бас қилганди. Манас қорли тизма тоғлари пойидаги водий аҳолисининг барчаси аллақачон сукунатли февраль туни қўйнида уйкуга чўмганди. Дераза ташқарисида зим-зиё тун. Гўё унга бутун оламда фақат улар – тун ва унинг ўзи Мирзагул ҳақидаги ўйлари билан якка қолгандай туюлди.

Ниҳоят у ёзишга қарор қилди. Ўз хатини «Ошиқлик мактуби» деб номлаб, уни гўзаллик ёғдуси уйдаги лампа ёғдуси ўрнини боса оладиган, овулда яшайдиган соҳибжамол М. га бағишланганини ёзди. Кейин, бозорда минглаб кишилар учрашсалар-да, фақат бир-бировларига қўл узатишни лозим кўрганларигина саломлашишини ёзди. Буларнинг ҳаммасини у Жамонқулнинг хатидан ёдлаб олганди. Кейин бутун ҳаётини сўнгги нафасигача қизга бағишлаганини ва шунга ўхшаш нарсаларни тўкиб солди. Хат сўнгида Жамонқулнинг шеърини эслади:

*Оқсой, Кўксой, Сариксой – кезмаган ер қолмади,
Аммо сенинг ўхшашинг ҳеч қайдан топилмади...*

VI

Эртасига, Ажимурот мактабдан келгач, акаси билан далага, ўтин олиб келишга жўнади. Ажимуротга эшаги Қораёлни эгарлашди. Унинг эгарига арқон, ўроқ ва қўлқопларни боғлашди. Итлари Оқтошни ҳам ўзлари билан бирга олишди. Ит жон деб уларга эргашди. Ажимурот кичиклиги учун эгарга минди, акаси эса эшакни ниқталаб ёнида кетди. Эшак шундай бир жониворки, ниқталамасанг, юрмайди. Йўл эса олис. Султонмурот қуруқ шох-шаббага бой бир жойни биларди. У жой узоқда, Туюқжар дарасида эди. Баҳор ва ёзда дарага ҳар томондан қор сувлари, айниқса, ёмғир сувлари оқиб келарди. Айқириб оқаётган сел оқими, момақалдироқлар гумбурлашидан дара даҳшатга тушар, кузга келиб эса пояси қаттиқ ўтлар чангалзорда одам бўйича ўсиб қоларди. У ерга одам кам борарди-ю, лекин қуруқ қайтмасди.

Атрофдаги ҳамма кўрай териб олинганди. Энди Туюқжарга йўл олиш керак. Султонмурот онасини Оқсойга кетгунича ўтин-чўпни ғамлаб бераман, деб ишонтириб қўйганди.

Аввалига Султонмурот ҳар хил фикрлар оғушида паришонхотир борар ва эзма укасининг саволларига истар-истамас жавоб бериб қўярди. Ўйлайман деса ўй кўп. Қўшчиларнинг Оқсойга жўнаш пайти яқин. Бунга саноқли кунлар қолди. Жўнашдан олдин доимо кўп нарса қилинмагани сезилиб қолади. Айниқса, майда-чуйда ишлар. Оқсойда, керак бўлиб қолганда, михни ҳам топиб бўлмайди ахир. Яхшиям, раис Тиналиев уларникига кириб ўтди. Онасининг соғлиги, десант командирининг ишлари қандай эканлигини кўришга келибди. Ўзи ҳам баъзи нарсаларни – шудгор пайти жой масаласи, ўтовлар ўрнатилиши ва озиқ-овқатни ташиш қандай ташкил қилиниши, ҳаммаси ҳақида гапирди, айниқса, онаси билан гаплашгани яхши бўлди. Кейинги пайтларда касаллик ва отасидан хат келмаётгани туфайли

онасининг асаби бузилган эди. Онаси раис билан тортиша-тортиша: «Бу гўдакларни қаёққа жўнатяпсизлар? Чўлда нобуд бўлишади-ку улар. Ўғлимни жўнатмайман, – деди. – Ўзим касалман. Қолган болалар ҳали ёш бўлса. Эримдан хат-хабар йўқ. Уйда эса пичан, ўтин йўқ». Раис эса, озроқ пичан берамиз, бошқа илож йўқ, баҳорги шудгор яқин, деди. Ўтин ҳақида эса ҳеч нима ваъда қилмади. Ҳатто оқариб кетиб, ҳалқумидан бир нарса уни қисгандай деди: «Чўлдаги болаларга келсак, бекорга ташвишланяпсиз. Юрагимдан ҳис қилиб турган бўлсам ҳам сўзларингизга эътибор ҳам бермайман. Бу, ахир, фронт топшириғи-ку. Шундай экан, хоҳлайсанми-йўқми, сўзсиз бажариш шарт. Мана, масалан, эрларингиз ҳужум олдидан уйни эслаб у йўқ-бу йўқ, уй иситилмаган, болаларнинг қоринлари оч, атакага бориб нима қиламиз, деб йиғлаб қолишса нима бўларди? Уруш пайти бунақа нарсага ким йўл қўярди? Бизлар учун эса Оқсой – бу бизнинг ҳужумимиз. Ўша ҳужумга биз охириги кучимиз – мактаб ёшидаги болалар билан боряпмиз. Бошқа одамлар йўқ».

Мана шундай суҳбат бўлди. Султонмурот онасига ҳам, раис Тиналиевга ҳам ачинади. Уни ҳам тушуниш керак, бу ишни турмушнинг яхшилигидан қилаётгани йўқ. У Султонмуротнинг тезроқ ишга чиқишини илтимос қилди. Вақт жуда ғанимат, деди. Онангнинг аҳволи сал энгиллашгач, бир дақиқа ҳам вақтни ўтказмай тезроқ ишга кириш...

Кечаги кундан бошлаб онаси ўзини бир оз яхши ҳис эта бошлаб, уйда у-бу нарсаларга урина бошлади. Энди унинг отларга, болалар ёнига қайтиши мумкин эди. Бироқ ер тагидан бўлса-да, ўтин топиш керак бўлиб қолди. Оилани оловсиз, ўтинсиз қолдириб бўлмайди...

Эрта баҳор куни эди. Илиқ туш пайти. На қиш, на баҳорга ўхшайди. Кучларнинг осуда келишуви. Атроф яйдоқ, топ-тоза ва жимжит. Ҳар жой-ҳар жойда қори эриб ул-

гурмаган кенг ялангликлар қорайиб турибди. Шаффоф ҳавода қорли тоғлар салобати узоқ-узоқлардан кўзни қамаштиргудай оқариб кўринади. Атрофда бепоён ер ястаниб ётибди. У инсон парваришига муҳтож!

Султонмурот тўхтади. У ердан, ғарбдан, адирлар кўйнидан Улуғ Манас тоғи этагидаги Оқсой дарасини топишга уринди. Бироқ ўша Оқсой деб аталмиш жойда у ҳеч нарсани кўролмайди. Фақат кенглик ва ёруғлик... Ана шу томонга бир неча кун йўл юриб боришлари керак. У ёқда қандай бўларкин? Уларни у ёқда нималар кутаётибди? Аъзойи-баданини хавотирли бир совуқлик жимирлатиб ўтди.

Лекин кун ажойиб эди. Ажимурот эса қувончдан, озод кундан, акаси ёнидалиги ва вафодор итлари атрофларида югураётгани, бутун бир дунёда эркин эканликлари, уйларига ўтин олиб келишга бораётганларидан хурсанд бўлиб эсини йўқотаёзди. Ўзи бўлса эшак устида. Ингичка товуши билан ҳар хил кўшиқларни, урушдан олдингиларини ҳам айтиб борарди.

Эҳ, тентаквой! Эси паст гўдак...

Аммо Ажимуротнинг ҳеч нарса билан иши йўқ. У борлиқни унутиб куйлашда давом этарди:

*Бир, икки, уч,
Бизлардадир куч!..*

Султонмуротнинг ҳам кўнгли ёришди. Эшакка миниб олган ботирга қараш кулгили эди. Ўтган йилги ғарам ёнидан ўтишаётганларида беихтиёр жим бўлиб қолишди. Бу овлоқ жойда, тўкилиб-сочилиб ётган похол ғарамлари оғушида баҳор нафаси уфурарди. Атроф жимжит. Бурноғи йили ҳосилни ўриб-янчиб олишлари билан бу ерларда ҳамма нарса жимиб қолган. У ердан ҳўл, чирик сомоннинг, тугаб бўлган ёзнинг ҳиди анқийди. Ариқ ичида теграси йўқ ғилдирак ётарди. Янчилган

буғдой пояларидан қилинган чайла ҳамон сақланиб қолган. Хирмончилар тушликда шу чайлада дам олишарди. Офтобрўя жойда, хирмоннинг ўртасида, буғдой чори уйилган жойда қолиб кетган донлардан қалин майсалар кўкара бошлабди.

Оқтош ғарам ичида ниманидир ҳидини олиб у ёқ бу ёққа югуриб ёввойи каптарларни чўчитарди. Улар оқариб кетган сомонлар осилиб қолган жарликлар остидан парр этиб кўтарилади. Каптарлар бу ерларда қиш бўйи донлаб юришарди. Улар дала тепасида зич ҳолда гир айланишиб шиддатли ва шодон парвоз қилишади. Оқтош уларнинг ортидан югуриб ювош хурганича яна чолиб кетар эди. Ажимурот ҳам бақириб-чақириб каптарларни кўрқитди-ю, тезда уларни унутди. Султонмурот эса қушларни узоқ кузата бошлади. Куёшда садаф бўлиб товланаётган қанотларига боқиб, уларнинг енгил парвозини завқ билан томоша қилди ва бир маҳал галадан бир жуфт каптар ажралиб чиқиб ёнма-ён учиб бораётганини кўриб қолиб, армияга кетган ёш математика ўқитувчиси ёдига тушди:

*Оқ каптар сен кўкдаги,
Мен туйғун қуш тўпдаги.
Бирга бўлсак оҳ, қани,
Хоҳламасман бошқани...*

Бўзачиникидан чиқиб кетишгач, ўқитувчининг хиёл кайфи ошди. У бричкада овулдан чиқиб кетаётиб, ўзининг мовий осмонда учиб бораётган ошиқ кўк кабутар эканлигини, ёрнинг эса ёнма-ён учиб бораётган мода кабутар эканлигини узоқ куйлади... Ўшанда бу кўшиқ Султонмуротга қизиқ, салобатли ўқитувчи эса бирдан шунчалик кулгили бўлиб кўринган эди. Ҳозир эса, узоқлашиб бораётган бир жуфт ёввойи кабутарларни кузатиб қоларкан, бадани жунжикиб қотиб қолди. Математика ўқитувчисининг бу кўшиғи шу дамда унга

кучли таъсир этди. Болага ўша кўкда учиб юрган кабутар, ўзи ёнма-ён учаётган, ҳув ёнидаги эса Мирзагул бўлиб кўриниб, ҳозироқ, қиз ёнида бўлиш истаги уни камраб олди-да, худди қиш даласи тепасида ҳосил қилиб учаётган мана шу кабутарлардай парвоз қилгиси келиб кетди. Унга ёзган мактубини эсларкан, кабутар ҳақидаги, «Оқ кабутар» қўшиғидаги сўзларни ҳам хатга қўшиб ёзишга қарор қилди... Ҳамма гап энди хатни унга қандай етказишда эди. Мирзагул болаларнинг олдида ҳеч қачон ундан хат олмаслигини билади. Ҳатто танаффус пайтлари ҳам ундан ўзини олиб қочиб юради-ку. Энди бўлса Султонмурот мактабга ҳам бормайди. Қизнинг уйига бориб бўлмаса, ота-онаси қаттиққўл... Борганида ҳам нима дейди, қандай тушунтиради? Нега бир овулда яшаб туриб хат бериш керак экан, дейишмайдими.

Бироқ қиз ҳақида ўйлагани сари унинг ўйлаётганини қиз билишини шунча кўп истар эди. Буни унинг билиши фавқулодда жуда ҳам муҳим эди.

Йўл бўйи у ҳали қиз ҳақида, ҳали Оқсойга жўнашлари, ҳали фронтдаги отаси ҳақида ўйлаб борди ва қандай қилиб Туюқжар дарасига етиб келганларини сезмай қолди. Бу ерга улардан олдин кимдир келиб қалин кўрайнинг бир чеккасини ўриб кетибди. Бироқ музлаб қолган сой атрофидаги жарликда ва маймунжийданинг тиканли чакалаги ичидаги кўрайзорлар ҳам етарли эди. Кўрайни қандай ўришни эмас, балки қандай олиб кетиш ғамини ейишга тўғри келди. Кўп ўйланиб ўтирмай ишга киришишди. Эшаклари Қораёлни қор остидан кулоқ чиқарган ўтган йилги майсаларни ўтлашга қўйиб юборишди. Оқтошга қаровнинг кераги йўқ, ўз ҳолича дарада, худо билади, кимни ва нималарни искаб юрибди. Ака-ука ғайрат қилиб ишлашди. Шох-шаббани ўроқ билан ўришиб, кейин кесилган новдаларнинг ҳаммасини дасталаб боғлаш учун бир жойга тахлашди. Улар жимгина ишлашарди.

Тезда терлаб кетишиб, кўйтери пўстинларини ечиб кўйишди. Кўрай қалин, йўғон ўсган бўлса, ўроқ билан ўриш хўп завқли. Овул атрофида бунақасини топиб бўлмайди. У ёқда нима қилсин? Бу ерда эса даста-даста қилиб ўриб олишнинг ўзи мароқли. Кўрай чаноғида шиқирлаб, кўзоғидаги уруғлари қорга тўкилади. Худди ёздаги, август ойидаги сингари аччиқ чанг ҳиди димоққа уради. Қадни ростламоқ маҳол. Аммо бу ернинг кўрайи жуда зўр, кўри роса кучли бўлади. Онаси, сингиллари қувонадиган бўлишди-да. Уйда печка яхши ёнса, кайфият ҳам яхши бўлади.

Улар анча иш қилиб кўйишган, энди дам оламиз, деб туришганида Оқтош бирдан жон-жаҳди билан ҳуриб қолди. Султонмурот бошини кўтариб ўроқни силкитиб бақириб юборди:

– Ажимурот, қара, тулки!

Дарадан қиш бўйи қотиб қолган ерда итдан кўрқиб кетган тулки олдинда гоҳ тўхтаб, гоҳ ортига қараганча чопиб борарди. Тулки гўё қор устида сирпаниб кетаётгандай бемалол, эркин чопиб борарди. У анчагина катта, қулоқлари диккайган, бели кўкимтир-қизил рангли ва шунингдек, узун думи ҳам кўкимтир-қизил тусда эди. Оқтош уни жон-жаҳди билан таъқиб этар, бироқ ўлжасига қанчалик кўп интилмасин, шунчалик кўп қорга ботиб қоларди.

– Ушла уни! Ушла! – бақирди Ажимурот ва улар ўроқларини силкитиб тулкининг йўлини кесиб чиқишди.

Қаршидан югуриб келаётган одамларни кўрган тулки бирдан ортига қайрилиб, тиканли буталар орқасига ўтиб кетди ва Оқтош унинг эски изидан чопиб ёнидан ўтгач, тулки яна тескари томонга қараб қочди. Албатта, тулки ўз кушандасини бемалол адаштириб қутулиб кетиши мумкин эди, бироқ ҳамма бало шунда эдики, у жарлабига келиб қолган эди, худди қопга тушиб қолгандай, жар ёқасининг бу ери тик, ўтиб бўлмас девордай эди.

Ҳеч қаёққа қочиб қутулиш мумкин эмасдай эди. Мана бу тўполончи, тиниб-тинчимас ит бўлмаганида тулки маймунжийда орасига яшириниб оларди, қани, уни қалин тиканзорлар ичидан биров топиб кўрсин. Лекин ит ҳали нодон, жайдари ит бўлишига қарамай чидамли ва қатъиятли чиқиб қолди. Унинг ҳуриши бир дақиқа ҳам тўхтамади, тулкини даҳшатга солган ҳам ана шу итнинг ҳуриши бўлди.

Ака-ука эса, кутилмаган ҳодисага берилиб, терлаб-пишиб, қизишиб, ўз овозларидан ва таъқиб завқидан қулоқлари битиб энгашганларича унинг орқасидан югуришарди. Тулки ё итнинг қўлига тушиши, ёки жардан чиқиб кетиш учун одамларнинг ёнидан ўтиши керак эди.

Тулки одамлардан қочиш ўрнига, ўгирилиб қараганча, улар томон юзма-юз юра бошлади. Кутилмаган ҳодисадан болалар тўхтаб қолишди. Тулки орқадан изма-из таъқиб қилиб, қияликлардан тез-тез йиқилиб, суришиб, ҳаллослаб келаётган Оқтошнинг ҳолини кўриб жар пас-тидаги қор уюми томон деярли шошилмай борарди. Бечора Оқтош акиллаб чопаверишдан гангиб қолган эди. Тулки қалин қор бўйлаб гир айлантириб уни роса аҳмоқ қилаётганини ит сезмас эди.

Ҳа, ака-укалар ҳам унчалик сезгир эмасди. Иккови ҳам югуриб келаётган мўъжизани кўриб қотиб қолишди. Чопаётганида тулки шунчалик чиройли эдики, худди оқим бўйлаб сузаётган қайиққа ўхшарди. Тулки уларнинг ўртасидан ўтишга, ҳеч кимнинг ранжимаслиги учун қоқ ўртадан йўл солишга шайланди. Бироқ у шундан кейин сал чапроқдан, Султонмуротдан бир-икки қадам наридан ўтиб кетди. Мана шу қисқа дақиқаларда у тулкини бошдан-оёқ худди тушдаги каби, ўз кўзларига ишониб-ишонмай томоша қилди. Шиддат билан бошини тик тутиб, тулки унинг ёнидан ўтиб бораркан, қоп-қора порлаб турган кўзлари билан унга

боқди. Султонмурот бу ақлли ҳайвоннинг оҳидан ҳайратланишга улгурди. Тулки унинг хаёлида мана шу тахлитда бошини ва худди шунингдек, момиқ думини кўтарганча оқиш қорни, қора илдам панжалари ва ақлли, ҳамма нарсани сезувчи нигоҳи билан қолган эди... У Султонмурот ўзига тегмаслигини билган эди.

Ажимурот ўроғини тулкига отиб қичқирганидагина у ўзига келди:

– Ур уни! Ур!

Султонмурот уни уришга улгурмай тулки кўрай орқасига ўтиб кетди. Ортидан Оқтош қувиб кетди ва улар ҳам жар бўйлаб пастга қараб чопишди.

– Ёпирай! – дея олди Султонмурот.

Ака-укалар югуришди-югуришди-да, кейин тўхтаб қолишди.

Тулки изсиз йўқолган эди. Фақат гоҳ у ер, гоҳ бу ерда Оқтош хурарди.

– Эҳ, сени қара-ю, – деди кейин Ажимурот. – Шундай тулкини қўлдан чиқардинг-а. Ҳатто қўлингни қимирлатмай қаққайиб турибсан-а.

Султонмурот нима дейишини ҳам билмасди. Укаси ҳақ эди.

– Нима қиласан уни? – минғирлаб қўйди у.

– Нима қиласан? – укаси айтмоқчи бўлган гапини тунтириб ўтирмай қўл силтади. Кейин улар ўрилган шаббаларни жимгина бир жойга йиға бошлашди. Боғламларни каттароқ қилиш учун яна бир оз ўришлари керак эди. Шу пайтдагина Ажимурот хафа бўлиб деди:

– Нима қиласан, нима қиласан, дейсан? Отамга Нурғози тоғамникига ўхшаган тулки тумоқ тикар эдик, сен бўлсанг қаққайиб турибсан!

Султонмурот эсанкираб қолди: мана, демак, укаси тулкини қувганда ниманинг ғамини еган экан. Энди эса отасини Нурғози тоғаники каби момиқ тумоқда тасаввур қилиб кўриб, ҳақиқатан ҳам мана шундай чи-

ройли тулкини тутолмаганига ачинди. Отасига шунақа телпак жуда ярашар эди-да. Султонмуротнинг ўйларини Ажимуротнинг пиқиллаб йиғлаган овози бўлди. Укаси шох-шабба боғламлари устига ўтириб олганча астойдил йиғларди.

– Нима бўлди? Сенга нима бўлди? – унга яқинлашди Султонмурот.

– Ҳеч нарса, – деди у йиғламсираб.

Султонмурот қайта суриштириб ўтирмади. Яқинда Нурғози тоғаси келганида Ажимуротнинг йиғлаганини эслаб, дарров тушунди. Болакай отасини соғиниб йиғлапти. Тулки ва тулки тумоқ бунга бир туртки бўлди, холос...

Султонмурот укасига қандай ёрдам беришни билмасди. Унинг ўзи ҳам маъюс тортиб қолди. Укасига меҳр-шафқат ҳамда изтироб билан яқинлашаркан, қалбидаги ноёб туйғуларини унга айтишга қарор қилди.

– Йиғлама, Ажике, – деди унинг ёнига ўтираркан. – Йиғламагин. Биласанми, отам қайтиб келгач, мен уйланмоқчиман.

Ажимурот йиғидан тўхтаб унга ҳайратланиб тикилиб қолди:

– Уйланаман?

– Ҳа, агар сен бир ишда менга ёрдам берсанг.

– Қанақа иш? – дарров қизиқсинди Ажимурот.

– Фақат бировга чурқ этиб оғиз очмайсан!

– Ҳеч кимга! Ҳеч кимга айтмайман!

Энди Султонмурот иккилана бошлади. Айтсинми ё айтмасинми?.. У ўзини йўқотиб, ўйланиб қолди. Ажимурот эса тиқилинч қила бошлади:

– Қани айт-чи, қанақа иш? Айта қол, Султон. Чин сўзим, ҳеч кимга оғиз оча кўрмайман.

Султонмурот терга ботганча укасининг юзига қарамай, қийналиб шундай деди:

– Мактабга, хатни бир қизга элтиб бериш керак.

– Хат қани, қанақа хат ўзи? – Ажимурот дарҳол акаси-га яқин сурилди.

– Кейин кўрсатаман. Хат бу ерда эмас.

– Қаерда?

– Қаерда бўлса ўша ерда. Кейин кўрасан.

– Кимга, қайси қизга?

– Уни биласан. Кейин айтаман.

– Ҳозир айта қол!

– Йўқ, кейин.

Ажимурот тиқилинч қилиб туриб олди. Уни тинчи-тиб бўлмасди. Султонмурот оғир хўрсиниб дудуқланганча айтишга мажбур бўлди:

– Бу... бу... хатни Мирзагулга обориб берасан.

– Қайси Мирзагулга? Ўзларингни синфларингдаги қизгами?

– Ҳа.

– Ур-ей! – қувонганиданми ё шўхлиги тутибми, бақириб юборди укаси. – Мен уни танийман, у ўзини жуда гўзал ҳисоблаб юради! Ўзидан паст синфдагилар билан гаплашгиси келмайди!

– Нега бақирасан? – аччиқланди Султонмурот.

– Хўп, хўп! Бақирмайман! Сен уни яхши кўрасанми? Худди Ойчурек ва Семетей мисанлар⁶, шунақами?

– Жим бўл! – бақирди Султонмурот.

– Нима қипти? Гапириб бўлмайдими? – унинг жиғига тегарди Ажимурот.

– Бор, бор, бақиравер, ҳув тоғларга чиқиб олгин-у, бутун дунёга жар сол!

– Чиқиб жар соламан! Сен ўша Мирзагулни севасан! Биламан! Биламан! Севасан...

Укасининг сурбетлиги акасининг жаҳлини чиқариб юборди. Султонмурот унинг орқасига яхшигина тушириб қолди. Укаси дарров букчайиб олганча бутун дарани бошига кўтариб йиғлай бошлади:

⁶ «Манас» достони қаҳрамонлари.

– Отам фронтдалигида мени уряпсанми? Шошмай тур! Шошмай тур! Ҳали жавобини берасан! – у бор овози билан бақириб йиғлай бошлади.

Энди уни юпатиш керак эди. Дардисар-ей! Улар ярашиб олишгач, Ажимурот ҳамон энтикиб хўрсиниб мушти билан юзидаги ёшларини арта-арта деди:

– Қўрқма, ҳеч кимга, ҳатто онамга ҳам айтмайман. Ўзинг-ку, дарров уришга тушдинг... Хатни обориб бераман. Энди айтмоқчи бўлиб турувдиму уриб қолдинг-да... Бир четга чақириб, танаффусда бераман. Сен эса бунинг эвазига отам фронтдан қайтиб станцияга келганида, ҳамма уни кутиб олишга шошилганида, мени ҳам бирга олиб борасан. Иккаламиз Чопдорга миниб, уни елдирганча ҳаммадан олдин етиб борамиз. Сену мен. Чопдор ахир сеники-ку энди. Сен олдинда, мен орқангга мингашиб чоптириб кетамиз. Чопдорни дарров отамизга бериб, ўзимиз ёнма-ён югурамиз, онам, бошқа ҳамма одамлар эса бизни кутгани пешвоз чиқишади...

Унинг шу тахлит эзилиб, маъюс, ёлвориб гапириши Султонмуротни шундай эзиб юбордики, ўзиниям йиғлаб юборишига сал қолди. Қизиққонлик қилган экан, энди эса болакайни урганига роса афсусланди.

– Хўп, Ажике, йиғлама энди... Икковимиз Чопдорда чопиб борамиз, фақат отамиз омон қайтса бўлгани...

Ўрилган ҳамма кўрайни тўплаб боғлаганларида учта каттагина боғлам бўлди. Султонмурот ўтинни боғлашга уста эди. Аввалига уюмлар уларнинг кўзига худди тоғдай салобатли кўриниб, ҳатто олиб кетолмаймиз, деб ҳам кўрқишганди. Кейин эса арқон усталик билан ишга солингач, уюм аввалгисидан уч марта кичрайди. Яхши тортилган боғлам елкада маҳкам ва текис туради, олиб кетиш ҳам қулай. Бунисини улар иккита боғлам қилишди. Ахир Қораёлни мана шунинг учун ҳам олиб келишган-да. Битта қўшимча боғламни Султонмурот ўзи кўтариб кетмоқчи бўлди. Йўл узоқ эди, аммо уйга

бир йўла кўпроқ ўтин олиб борган яхши. Шундай кўрайни қолдириб кетиб ҳам бўлмайди. Туюқжар дарасидан антиқа шох-шабба йиғишди-да, ўзлариям.

Қораёлнинг устига ўтинни шундай ортишдики, кулоғиям, думи ҳам кўринмай қолди. Ажимурот тизгиндан тутиб етаклади. Унинг ортидан Султонмурот ўтин боғламининг оғирлигидан эгилиб изма-из жўнади. Боғлам елкага алоҳида усулда: арқон чап қўлтиқдан туширилиб кўкраги орқали ўнг елкага тортиб ўтказилган, гарданнинг ўнг томонидан арқонга илмоқ солиниб боғланган бўлиши ва юк ташувчи илмоқнинг учидан ушлаб олиши керак эди. Бундай ҳолда ўтинни кўтариб бораётган одам боғлам тугунининг бўшаб қолган жойини йўл-йўлакай тортиб олиши мумкин.

Улар шундай, олдинда Қораёлнинг тизгинидан тутиб олган Ажимурот, орқада елкасида юки билан Султонмурот, уларнинг ортидан эса ҳолдан тойиб судралганча Оқтош келарди.

Кўрай олиб кетаётганда узоқ вақт дам олмай юриш керак. Биринчи довондан ўтгач, босиб ўтиладиган йўлларнинг оралиғи қисқаради, иккинчи довон биринчисининг ярмига, учинчиси иккинчисининг ярмига камайиб бораверади. Султонмурот буни яхши биларди, шунинг учун ҳам кучини тежаб бир маромда, оёқларини кенг ёйиб, қадам босарди. Энди у атрофда ҳеч нимани кўрмас, фақат олдинга, оёқлари остига қараб борарди. Боғламни кўтариб кетаётганинда узоқ вақт чарчаб қолмаслик ва тез-тез дам олмаслик учун, яхшиси, бирор нарса ҳақида ўйлаш керак.

У эртага эрталабдан отхонага қандай бориши ва яна десант командири вазифаларини бажаришга киришиши ҳақида ўйлаб борарди. Шошилиш керак. Оқсойга жўнаш учун саноқли кунлар қолди. Яхшилаб парваришланган отлар қадларини анча тутиб олишди. Плуглар ҳам, унинг қўшимча қисмлари ҳам, эгару жабдуқлар

шай қилиб қўйилди-ю, аммо бари бир, далага чиқиш биланоқ нимадир етишмаслиги аниқланади, бири кам дунё деганлар. Бу бригадир Чекишнинг сўзлари эди. У шундоқ деганди: кўз – кўрқоқ, қўл – ботир, далага кўрқмай чиқиш керак, иш давомида қолганлари аниқланаверади, ҳаммаси бирдан бўлмайди-ку ахир.

Султонмурот қандай қилиб онасининг меҳнатини енгиллатишни ўйларди. Онасининг жудаям тинка-мадори қуриди. Фермада сигир соғади, молларга қарайди, яна уйда тиним йўқ. Ҳаммасига балогардон ўзи. Пишир-куйдир, кир юв... Қизлари бўлса ҳали ёш, Ажимуротнинг ҳам ҳали қўлидан бир иш келмайди. Ўзи бўлса оилага бегонадай бўлиб қолган, бугун-эрта Оқсойга жўнайди, ким билсин, шу билан қачон қайтади. Қанча ерни ҳайдаб шудгор қилиш, бороналаш керак... Унда эса бор-йўғи бешта улов бор. Қолган от-улов ва плугларнинг ҳаммаси эски ерларда ишлатилади. У ерларда иш яна ҳам кўпроқ. Бироқ бу ерлар ҳар ҳолда овулга яқин. Бирор нима бўлса, хотинлар чопиққа тушишади. Эркаклар қиладиган иш аёллар зиммасига тушган. Энди улар бел баравар ариқлар қазишяпти, далаларга сув тарашяпти, тўғонлар қуришяпти...

Нима қилиб, қандай қилиб онасининг юмушини енгиллатса экан-а? Ўйлаб ўйининг охирига етолмасди...

Аммо ҳаммадан кўра у эртага хатни бериши ҳақида, фақат «Оқ кабутар» қўшиғи сўзларини қўшиб қўйиши кераклиги тўғрисида ўйларди. Мирзагул унинг хатини ўқиётгани, ўқиб нималарни ўйлаётганини тасаввур қилишга уринди. Эҳ, севги ҳақида хат ёзиш шундай қийин эканки! Нимани изҳор этишни истаган бўлсанг тамом акси бўлиб чиқар экан. Ҳеч қандай қоғоз юракдаги туйғуларни ўзига сингдиrolмас экан. Қизиқ, нима дер экан у? У ҳам жавоб хати ёзиши керак. Бошқа нима ҳам қиларди? Қиз унинг севгисига қандай қараркин? Унинг рози ёки норози эканлигини Султонмурот қаёқдан бил-

сайкин? Ҳамма гап шунда. Агар қиз унинг севгисини рад этса нима бўлади?.. Унда нима қилади?..

Туюқжар аллақачон ортда қолиб кетди. Ботаётган қуёш энди унинг фақат бир томонидагина нур сочиб турарди. Замин ҳамон ўша қиш сукунати ва салобатини сақлаб ётарди. Одатда бўрон олдидан бор нарсани қўприб парчалаб ташлаш учун шундай сокинлик, осойишталик ҳукм суради. Бунақа пайтларда ёвуз кучларни қайтариш учун «Яхшиликка кўринсин!» деб қўйиш керак. Бу баъзида ёрдам беради. «Яхшиликка кўринсин!» – деб қўйди ичида Султонмурот олдинги биринчи манзил учун қулай жойни кўздан кечираркан.

Шундай жой танлаш керакки, сўнгра қийналмай оёққа туриш керак бўлсин. Кўрай олиб кетаётган одам аввал боғламга елкасини қўйиб тебранганча туришга чоғланади, чоғланганда ҳам боғлам билан биргаликда тебраниб секин орқалаб олади. Агар ортиқча куч билан турмоқчи бўлса боғлам боши устига сурилиб кетиб бақадай ялпайиб қолиши мумкин: тебрана туриб тиззалаш керак, кейин оёққа туриб олгач, «Ё пирим!» деб иложи борича қад ростлаб олинади. Аввал яхшилаб нафас олиш керак бўлади.

Султонмурот боғлам устида чалқанча ётиб, бир дақиқа кўзларини юмди. Эҳ, арқонни кўкракка ташлаб ётиш қандай яхши-я! У кейинги манзил қаерда бўлишини чамалаганча оғир йўл азобидан кейин маза қилиб чалқанчасига чўзилган эди. Шундай ҳолда қандай қилиб фақат қизни ўйлоляпти-я? «Фақат жавобни кечиктирмай ёзгин, эшитяпсанми?» – унсиз пичирлади ўз-ўзича жилмайганча. Сўнг атрофга қулоқ тутди.

Ғира-шира қоронғилик чўкаётган бу оқшомда атроф улуғвор ва ажиб бир сукунат қўйнида эди.

VII

Шундай кунлар яқинлашмоқда эди...

Маст уйқуга кетгунга қадар уззу-кун тўлқинланиб, орзиқиб Мирзагулнинг жавоб хатини кутиш ҳисси уни таркэтмади... У нима билан машғул бўлмасин, нима ишга тутинмасин, шу ҳақда тинимсиз ўйларди. У жон-жаҳди билан ишлар, десантига топшириқлар берар, хаёлида эса Ажимуротнинг мактабда отхона томон елиб учишини, орзиқиб кутилган жавоб мактубини олиб келишини кутарди. Ҳатто Ажимурот иккови келишиб олган ҳам эдилар. Агар Мирзагул жавоб берган бўлса, Ажимурот сакраб-сакраб югуриши, қўлларини силкитиб ҳаққалаши, агар жавоб бермаса, қўллари шими чўнтаклариди, югурмай, аста қадам ташлаб келиши керак эди.

Султонмурот ҳадеб йўлга қарайверарди. Бироқ укаси ҳар куни қўлларини чўнтакларига солинтирганча келарди. Султонмурот тушунолмай, изтироб чека бошлади. Унинг тоқати тоқ бўлганди. Дастлаб учрашганда қиз укасига нима деганини, қизнинг ёнига қандай яқинлашгани ва улар нимани гаплашганликларини билиш учун у Ажимуротдан ижикилаб қайта-қайта сўраб-суриштираверарди. Уйга укаси аллақачон ухлаб қолган пайтда келарди. Унинг яна нималарнидир сўрагиси келарди. Бироқ суриштиришнинг ҳожати ҳам қолмаган эди. Ажимуротнинг айтишича, бу бадфеъл Мирзагул бекач танаффус пайтлари умуман у билан гаплашмас, ўзини ҳеч нарса билмагандай тутаркан. Гўёки ҳеч қанақа хат олмаганга ўхшаркан. Танаффус пайтлари дугоналари билан жўрттага гаплашиб турар, Ажимуротни эса, ўзи сўраб, қўлларидан тортмагунча пайқамас ҳам экан.

Буларнинг сабабини Султонмурот ҳеч тушуниб етолмасди. Мирзагул, агар у билан ҳеч қандай муносабатда бўлиш истаги бўлмаса, нега жавоб бермайди, нега буни очик

айтмайди? Нега индамайди, нахотки жавоб кутиш қанчалик азоб ва оғир эканлигига ақли етмаса?

У шундай ўйлар билан ухлаб қолар, эрталаб эса яна шу ҳақда ўйлай бошларди. Вақт ҳам тугаб борарди. Мана, музлар эриб, ер эркин нафас оладиган, далада биринчи жўяк тортиладиган пайтлар келиб қолди, сен бўлсанг ҳаммасига улгуришинг керак.

Бир куни Султонмурот укасига деди:

– Мени яқинда Оқсойга, узоқ вақтга кетади, деб айт.

Жавоб қисқа бўлибди...

«Биламан», – дебди холос.

Ўйлайвериб унинг боши қотиб қолди. Гоҳо мактабга чопиб боргиси, танаффус бўлишини кутиб туриб, уни тутиб олиб барини ўзи сўраб билгиси келар эди-ю, бироқ иккиланарди. Илгари жуда оддий бўлиб туюлган нарсалар энди машаққатли эди. Қўрқув, журъатсизлик, уят ва иккиланиш худди тоғу тошдаги ўзгарувчан ҳаво каби унинг юрагини ларзага келтирар эди...

Ишни ҳам ташлаб қўйиб бўлмайди. Иш дегани тиқилиб кетди. Десант командири бўлиш осон эмас экан. Эрта тонгдан кечгача ишдан қўли бўшамайди. Оқсойга кетиш муддати яқинлашган сари баттар ташвишлар кўпаяверди.

Кириб келаётган баҳор ташвишларни кўпайтирибгина қолмай, уларнинг турмушларини яшнатиб юборди. Сой бўйи баҳор янглиғ кенгайиб, хушнуд бўлиб кетди. Муз гўё тутун каби ғойиб бўлди. Музлардан халос бўлган сойдаги сув янада жонланиб шовуллаганча тошлар устидан чопа кетди. Тез оқаётган зангори сув остидаги ҳар бир майда тошлар нур ва сояда жилваланарди. Отлар энди туёқларидан қатра-қатра сув томчиларини сачратиб пишқирганларича сой ўртасигача йўрғалашиб боришарди. Болалар ҳам отларига минишиб, тўдага қўшилишарди. Кулгилар, муздай сувнинг сачрашидан қий-чув, тўполон авжига чиқарди.

Худди шу пайтда Султонмурот сув бўйида тураркан, қизга кўзи тушиб қолди. Сойнинг кечувида уни кўрди-ю, жойида қотди. Нега ўзини йўқотиб қўйгандай бўлди-я? Мирзагул ёлғиз эмасди. Улар, қизлар тўртта эдилар. Улар мактабдан қайтишмоқда эдилар. Уларни кўрмай қолиши ҳам мумкин эди... Озмунча одам кечувида ўтмайди дейсизми. Бир омади келиб қолди! Дафъатан кўрди-ю жойида қотди. Кўрган заҳоти қизни таниди-ю, Чопдорнинг тизгинидан тутганича қотиб қолди. Сойнинг саёз жойидан қулочини ёзиб мувозанат сақлаб ўтар экан, қиз ҳам Султонмуротни кўрди, қирғоққа чиқиб тўхтаб, у томонга нигоҳ ташлади. Дугоналари билан кетаётиб ҳам бир неча бор орқасига қараб қўйди. Ҳар гал Мирзагул у томонга ўгирилиб қараганда Султонмурот ўз бахтига пешвоз югургиси, бир йўла, очиқ-ойдин, талмовсирамай уни қанчалик севишини айтишга тайёр эди. Усиз яшай олмаслигини айтгиси келарди. Аммо қиз ҳар ўгирилганда журъати етмай, жойида қотиб тураверарди. Мирзагул дугоналари билан Оролқўча бошида ғойиб бўлган бўлса ҳам у ҳамон Чопдорни кечувда тутиб турар, бошқа отлар эса аллақачон сув ичиб бўлишиб қирғоққа чиқишган эди. Болалар отхонага жўнаш учун отларни бир жойга тўплашди, у бўлса ҳамон гўё Чопдорни суғораётгандай жойидан кўзгалмасди...

Кейинроқ эса бу ҳақда ўйлаб ажабланди, илгарироқ уни шу ерда, мактабдан келаётганида кутиб туриш мумкин эканлигига ақли етмаганлиги учун ўзини койиди. Ҳа, ўша ерда сойнинг кечувида иттифоқо уни учратиб қолиш мумкин эди-ку ахир. Нега аввалроқ бу фикр калласига келмадийкин? Албатта, энди ўзи ҳаракат қилмоғи, қизни учратиб, мактуби хусусида қандай фикрда эканлигини билмоғи керак.

Агар у десант отларини суғоришга одатдагидан бир оз кечроқ ҳайдаса, шундай учрашув худонинг берган

куни такрорланишини у кейин билди. Ҳар сафар улар отларни кечувдан ҳайдаб кетишлари биланоқ шу ерда Мирзагулнинг пайдо бўлиши, ўзининг эса мана шу оддий нарсани пайқамаганлигини ҳис қилиши Султонмуротга жуда ҳам алам қилди. Ҳаммаси шундоқ жўнгина экану у бўлса изтироб чекиб, қийналиб юрибди.

Энди у қизни кутиб туришга қатъий қарор қилди. Эртасига Султонмурот кечувда атайлаб ушланиб, болаларга тезда қайтишини, Чопдорни яхшилаб чопти-ражагини айтиб, болалардан отларни суғориб қайт-гач, унинг ҳам отларини жойига боғлаб, ем солиб қўйишларини илтимос қилди.

Яна Онатой орага суқилди.

– Кимни кутаётганингни биламан, – деди у сурбет-ларча.

Одам ҳам шундай бўладими?

Султонмурот ҳам тезлик қилди. «Билсанг билиб-сан-да, нима бўпти?» – деб жимгина тинчитиб қўйиш ўрнига Онатойга ўшқирди:

– Сен фашист жосусисан!

– Ким жосус? Мен-а?

– Ҳа, сен!

– Қани исботла! Агар мен жосус бўлсам, майли, трибунал отиб ташласин! Ёлғон бўлсам, тумшуғингга тушираман.

Улар бир-бирларига ўдағайлашиб, отларини чу-чулаб ниқташиб, бир-бирларини суришганча сой ўртасида гир айлана бошлашди. Бир-бирларига бақиритиб, ғазаб билан ҳезланиб бир-бирини от устидан итармоқчи бўлишарди. Қирғоқда болалар кулишар, уларни масхара қилиб, гижгижлардилар, улар эса ҳамон иккита хўроздай чинакамига чўқишарди. Атрофга сув сачраб, отлар сойда тақаларини ғижирлатганча тошга қоқила бошладилар. Шунда Эркинбек бақирди:

– Ҳей, отларни майиб қиласанлар!

Улар тезда ўзларига келишди, ҳатто баҳона топилганига суюнишиб, индамай бир-бирларидан нари кетдилар.

Бироқ бари бир кайфияти бузилганди. Болалар отларни отхонага ҳайдаб кетганларидан сўнг ҳам Султонмурот зўрға ҳарсиллаб нафас оларди. Ўзини бир оз овутиш учун йўлдан кўзини узмай сой бўйлаб отини йўртириб кетди. Унча олислаб кетмасдан орқасига ўгирилиб қаради-ю, қизни кўриб қолди. Мирзагул худди кечагидай дугоналари билан келмоқда эди. Улар ўзлари билан ўзлари овора, кимдир улардан бирини деб муштлашишига сал қолгани, изтироб чекаётгани, ғам-ғуссага ботиб юргани билан ишлари йўқ эди. Яқинда Султонмуротнинг онаси ўғлига қараб кўрқиб кетди: «Сенга нима бўлди? Касалмасмисан? Рангингни қара-я!» Онасини юпатиб, қўлига кўзгу олиб қаради. Ойнага қарамаганига анча бўлди, ҳеч вақти бўлмайди, ҳақиқатан ҳам кейинги кунларда жуда ўзгариб кетибди. Кўзлари худди касалларникидай киртайиб кетибди, юзи тиришиб, бўйни ингичка тортиб чўзилиб қопти. Қошлари орасига худди ажиндай иккита чизиқ тушиб, лаблари устида эса қоп-қора туклар пайдо бўлибди. Агар чироқ ёруғида разм солинмаса, шундоқ кўринмайди. Қаранг-а! Бутунлай бошқача бўлиб кетибди, таниб бўлмайди... Отаси фронтдан қайтса, дарров таний олмаса ҳам керак...

Султонмурот отда тўғри қизга томон яқинлаша борди. Шу пайт Мирзагулнинг бир-икки марта кечув томонга қараб қўйганини кўриб қолди. Қизнинг ҳам кўзи унга тушиб, чўчиб кетди ва жойида тўхтаб қолди, кейин тезда ўзини ўнглади-да, дугоналари билан бирга юриб кетди. Улар гўё ҳеч нима бўлмагандай тошдан-тошга сакраб сойдан ўтишди-ю, уй-уйларига тарқаб кетишди. У эса қизларнинг ёнидан қувиб ўтиб, худди қаёққадир иш билан шошиб бораётгандай, экинзорларни оралаб қизга тўқнаш келиш умидида кўчага чиқди. У қизни кўчанинг у бошида кўрди. Султонмурот бу ердан секин

юра бошлади. Улар бир-бирларига яқинлашганлари сайин уни ваҳима боса бошлади. Султонмуротга ҳамма деразалардан, эшиклардан кузатиб тургандай ҳамда уларни қандай учрашишларини ва унинг қизга нима дейишини кутиб туришгандай туюларди.

Мирзагул унчалик шошилмай келарди. Султонмурот нима содир бўлаётганини, нега ҳаяжонланаётганини тушунмас эди. Улар ахир бир синфда ўқишади-ку, унинг бирон нарчасини тортиб олиш, бир пайтлар ҳатто хафа қилиш ҳам ҳеч гап эмас эди. Ҳозир бўлса қизга ҳадиксираб, титраб-қалтираб яқинлашмоқда эди. Энди унинг бу учрашувдан қочиб, бош тортиб кетгиси келарди-ю, аммо кеч эди. Эҳтимол, Мирзагул унинг ҳолатини сезгандир. Тўқнашишларига озгина қолганида қиз бирдан шошилиб уйларига етмасданоқ қўшни ҳовлига ўзини урди. Султонмурот хурсанд бўлиб енгил нафас ола бошлади. Қиздан жудаям миннатдор бўлди. Яккама-якка учрашиш шунчалик ҳам қийин бўладими.

Кейинроқ эса журъатсизлик қилгани учун ўзини-ўзи койий бошлади. Тунда уйқуси қочди, эрталаб ўрнидан тургач, қиз ҳақида ўйлаб, бугун қандай бўлмасин, ёнига бориб, тўппа-тўғри айтишга ва жиддий туриб хатига жавоб ёзадими-йўқми, қачон ёзади, шуларни сўрашга аҳд қилди. Агар жавоб бермаса хафа бўлиб ўтирмайди, эрта-индин Оқсойга жўнаб кетади, ўтган гаплар орада қолсин. Худди шундай дейди.

Шундай қатъий қарор билан кунни бошлади, мана шу мақсадда ишлади, шу мақсадда отларни суғориб келгач, яна сой томонга жўнади. Чопдорни миниб борди. Қирғоқ бўйлаб отда у ёқ бу ёққа юра бошлади. Шу аснода юраркан, беихтиёр овулдаги томларда ҳам, уйларнинг соя тушиб турадиган томонларида ҳам умуман қор қолмаганлигига кўзи тушди, қиш бўйи тепаликларда хийлагина тўпланиб қолган қорлар эса тўқ сариқ тусга кириб турар эди. Худди улар қачонлардир зооло-

гия дарсида дафтарларга расми чизилган амёбаларни эслатарди.

Кеча отхонада раис Тиналиев билан Чекиш бригадир Оқсой десантини синовдан ўтказишди. Ҳамма плуглар рақамлаб қўйилиб, қўшчиларга биркитилди. Султонмуротга биринчи рақамли плуг тегди. Кейин ҳар бирлари ўз отларига жабдуқ урдилар. Бу ишни қанчалик уддалай олишларини кўрсатишди, отларни қандай плугга қўшишларини намойиш қилишди. Бешта уловнинг ҳаммасини бир қаторга тиздилар. Умуман, буларнинг ҳаммаси четдан қараганда ажойиб, салобатли кўринарди! Худди тачанкаларга ўхшарди-ю, фақат уларнинг ўрнида плуглар бор эди, холос. Отлар бақувват, жабдуқлар созлаб тортилган, плуглар эса мойдай ялтирамоқда эди. Раис Тиналиев худди армия кўмондони сингари салобат билан десант олдида юрибди. Ҳар бир боланинг қаршисига келиб:

– Тайёргарлигинг ҳақида ахборот бер! – дейди.

– Ахборот бераман. Қўл остимда тўртта тақаланган от, тўртта яхши бўйинтуруқ, тўртта абзал, саккизта қайиш, битта эгар, битта қамчи, уч жуфт қўшимча тишлари билан битта икки тишли плуг бор.

Худди армиядагидай. Фақат Чекиш бригадирнинг қовоғи солиқ. Албатта, у кекса одам, буларни қаердан тушунсин!

Текширув яхши ўтди. Бироқ иккита сўроқда десантчилар бари бир ноқулай аҳволга тушиб қолишди. Раис Тиналиев ҳаммаларини Эргашнинг плуг қўшилган отлари ёнига чақирди.

– Қани, жабдуқдаги камчиликни топинглар-чи, – деб қолди у.

Ҳамма ёғини қараб чиқишди, пайпаслаб кўришди ҳамки, бироқ ҳеч нима топиша олишмади. Шунда буни раис Тиналиевнинг ўзи кўрсатди:

– Бу нима? Наҳотки тўриқ отнинг айили ёнбошида буралиб қолганини кўрмаётган бўлсаларинг? Мана қа-

ранглар! Буралиб қолган айил отнинг ёнбошини шилиб юборади-ку. От бояқиш буни қандай айтади. Тортавереди, эртасига эса ёнбоши шишиб кетади, кейин отни қўшга қўшиб бўлмайди. Мен қўшимча отларни қаердан топаман сизларга? Бундай отлар йўқ менда! Демак, абзалга бефарқ қараш натижасида плуг тўхтаб қолади! Қани, ўйлаб кўринглар-чи, бизнинг шундай ишга йўл қўйишга ҳаққимиз бормикин? Биз қиш бўйи нимага тайёрландик ахир?..

Ҳаммалари уялиб кетишди. Бундай қараганда жўнгина нарса-ку...

– Султонмурот, десант командири сифатида сен доим иш бошлашдан аввал отларни ким қандай қўшганлигини текширишга мажбурсан. Тушунарлими? – деб тайинлади раис Тиналиев.

– Тушунарли, ўртоқ раис!

Десантчиларни доғда қолдирган иккинчи масала янада мушкул эди. Энди бу гал десант командирининг ўзи ноқулай аҳволда қолди. Раис Тиналиев уларни саволга тутарди:

– Қани айтинглар-чи, абзалларни кечкурун, иш тугаганидан сўнг қаерда қолдирасизлар?

Улар ўйланиб қолишиб, бунга ҳар хил жавоб қайтаришди. Сўнгра абзални далада, плуглар ёнида қолдиришга келишишди.

– Командир, сенинг фикринг қандай?

– Мен ҳам шу фикрдаман. Абзалларни ҳам отларни қўшдан чиқарган жойимизда, плуглар ёнида қолдирамиз. Кўтариб юрмаймиз-ку, ахир!

– Йўқ, бу нотўғри. Абзалларни кечаси далада қолдириб бўлмайди. Биров олиб кетмаслиги учун эмас. Оқсойда ўғирлаб кетадиган ҳеч ким ҳам йўқ. Кечаси ёмғир ё қор ёғиб қолиши мумкинлиги учун ҳам қолдириб бўлмайди. Абзаллар ивиб кетади. Абзаллар хом тери-ку ахир. Далада уни тулки ёки бўлмаса суғур ғажиб кети-

ши мумкин. Гап нима ҳақида бораётгани тушунарлими? Демак, нима қилиш керак? Плуғлар далада қолади. Қўшдан чиқарилган отларни абзаллари билан шийпонга олиб келасизлар. Сизларга ўтов берилади, ўшанда яшайсизлар. Ўтов битта, холос. Менда бошқа ўтов йўқ. Ҳар бир киши жабдуқни ўтовга олиб келиб ўзи ётадиган жойга яхшилаб тахлаб қўяди. Тушунарлими? Жабдуқларни бошингизга қўйиб ётасиз! Қонун шундай! Бу сизларнинг қуролингиз! Ҳар бир киши эса энг аввал куролини асрайди!

Ўша куни Оқсой отряди тўлиқ жанговар тайёргарликни намойиш этиш учун сафланганда раис Тиналиев шундай деганди.

Бу кунлар яқинлашмоқда эди... Ҳамма нарса шунга қаратилган эди...

Худди шундай...

Ҳа, уч-тўрт кундан кейин, агар ҳаво айниб қолмаса, улар Оқсойга жўнашлари аниқ эди. Бу холда Мирзагул билан ёзгача кўришмаслиги турган гап. Султонмурот шуни ўйлаб кўрқиб кетди. Узоқдан бўлса ҳам уни шунча вақтгача кўриб туришдан маҳрум бўлишни тасаввур қилиш қийин, ҳечам мумкин эмас эди! У яна қиздан бугун аниғини билиб олишга қарор қилди. Агар йўқ деса, бу унчалик катта фалокат эмас, кутишга ҳам вақти йўқ, бундан Оқсойдаги ишлар муҳимроқ...

Султонмурот қирғоқ бўйлаб бораркан, ҳеч кўзини йўлдан узолмади. У хавотирлана бошлади. Вақт эса ўтмоқда эди. Бироқ, мана, қизлар ҳам келишяпти! Улар орасида Мирзагул йўқ эди. Дугоналари келишар, у бўлса йўқ эди. Султонмурот ранжиди. Шундай бўлгач, нима ҳам қилсин. Кўнгли бузилиб отхонага қайтди. Аммо балки қиз касалдир ёки бошқа бирор ҳодиса содир бўлгандир, дея йўл-йўлакай хавотирланиб кетди. Бу хавотир борган сари кучая боргани туфайли, буни билмагунча тинчланмаслигини ҳис этди. У қизлардан сўрашга аҳд

қилди. Чопдорнинг бошини улар томонга бурди. Шунда бирдан унинг кўзи қизга тушиб қолди. Мирзагул ёлғиз ўзи келарди. У сойдан ўтадиган жойга яқинлашиб қолган эди. Султонмурот қиз билан кечувда учрашиш учун Чопдорнинг жilовини бўшатди. У шундай ҳаяжонланган эдики, охириги дақиқаларда беихтиёр ўз-ўзидан «Жонгинам!» – деб юборганини ҳам сезмай қолди.

Султонмурот қизни кечувда қарши олди. У отдан ирғиб тушиб жilовидан тутганча қизнинг қирғоққа чиқишини кутиб турди.

Мирзагул унга қараб жилмайганча келарди.

– Йиқилиб кетма яна! – у қизга, шундай кенг чим ётқизилган сойнинг кечувидан йиқилиш хавфи бўлма-са-да, қичқирди. Қизнинг чимлар устидан юриб келаётгани қандай яхши! Мана бу ўжар сойга ҳар қандай кўприк ва кўприкчаларнинг бардош беролмагани қандай яхши!

У қўлини узатганча қизни кутиб турар, Мирзагул эса ҳамон ундан кўзини узмай, жилмайиб пешвоз келарди.

– Йиқилиб кетма яна! – деди у қайта.

Қиз ҳеч нима деб жавоб қайтармади. У фақат жилмайиб турарди. Қизнинг нигоҳиданоқ Султонмурот ҳамма саволларига жавоб олди. Роса тентак экан-да ўзиям, хат ёзиб, жавоб кутиб бекорга азобланиб юрганини-чи.

Мирзагулнинг узатган қўлини кафтига олди. Шунча йил бир синфда ўқиб юриб унинг шунчалик меҳрибон, зийрак қўлларини билмас экан. «Мана мен келдим! – дерди қизнинг қўли. – Шундай шодманки! Наҳотки хурсанд эканлигимни сезмаётган бўлсанг?» Султонмурот Мирзагулнинг юзига боқди. Қараб ҳайратга тушди – у қизда ўзини кўрди! Худди у каби Мирзагул ҳам вақт ўтиши билан тамом бошқача бўлиб қолган, бўйи чўзилиб, улғайиб, худди касалдан турган кишиникидай кўзлари маъюс, ўзи паришон бўлиб қолган эди. Мирзагул ҳам доим уни ўйлаб, кечалари ухламай чиққани,

севгани учун ҳам ана шу муҳаббат қизни Султонмуротга ўхшатиб қўйганди. Мана шунинг учун ҳам Мирзагул янаям гўзалроқ, кадрдонроқ бўлиб кўринарди. Қиз ўзининг шу туриши билан гўё бахт ваъда қилиб турарди. Султонмурот буларнинг ҳаммасини бир дақиқанинг ўзидаёқ тушуниб, ҳис этди.

– Мен сени касал бўлиб қолдими деб ўйлагандим, – деди у титроқ товушда.

Мирзагул бу сўзларга ҳеч нима деб жавоб қайтармай:

– Мана, – у Султонмуротга аталган рўмолчани узатди. – Бу сенга! – деди-ю, юриб кетди.

Кейинчалик у бу шоҳи рўмолчани неча марталаб қайта-қайта томоша қилди. У рўмолчани чўнтагидан олиб, солиб қўяр ва яна оларди. Бир варақ дафтар қоғози ҳажмида келадиган рўмолча четлари чиройли гул ва япроқлар шакли билан безаб тикилган, бир чеккасига, безаклар орасига иккита катта ва битта кичкина ҳарфлар билан қизил ипда: «S. с. M» деб тикилган, бунинг маъноси «Султонмурот жана Мирзагул», яъни Султонмурот билан Мирзагул дегани эди. Улар мактабда қирғиз алифбоси жорий қилинмасдан олдин ўрганган мана шу лотинча ҳарфлар Султонмуротнинг узундан-узоқ мактублари ва шеърларига жавоб эди.

Султонмурот отхонага шодлигини базўр босганича қайтиб келди. У буни бировлар билан баҳам кўрадиган бахт эмаслигини, бу фақат унинг ўзигагина аталганлигини ва бошқа ҳеч ким ўзидай бахтиёр бўлолмаслигини ҳис қиларди.

Бироқ бугунги учрашув ҳақида болаларга жудаям айтгиси, ўзига совға қилинган рўмолчани уларга кўзкўз қилгиси келарди...

Иши юришиб кетди. Болалар отларини суғориб, тагларини тозалашди, челакларда сули олиб келиб, охурларга хашак солишди. У бирпасда ишга киришиб кетди. Қашлоғич билан отларининг таранг, бақувват яғрин ва

ёнбошларини тез-тез қашлаб, хашак олиб келгани югурди. Югураркан, ҳамиша солдатча гимнастёркасининг кўкрак чўнтагига тиқиб қўйилган рўмолчасини туярди. Гўё кўкрагида кўзга кўринмас чўғ ёниб тургандай эди. Шу туфайли ҳам у хурсанд, хаяжонда эди. Бахтиёрлиги – Мирзагул унинг муҳаббатини қабул этганлигидан, ҳаяжонланиши сабаби эса, аллақандай англашилмас туйғуларнинг пайдо бўлаётганидан эди...

У беда келтириш учун отхона ортидаги беда ғарами томон югурди. Бу ер жимжит ва ёруққина бўлиб, қуриган ўтларнинг ҳиди анқиб турарди. Унинг яна рўмолчага жудаям қарагиси келиб кетди. Чўнтагидан рўмолчани олиб, ўтларнинг ислари орасидан унинг ўзига хос ҳидини ажратиб, томоша қила бошлади. Рўмолчадан хушбўй атирсовун ҳидига ўхшаш ҳид келарди. У бир куни мактабда Мирзагулнинг сочларидан шундай бир ҳидни туйганди. Ҳозир ёдига тушди, бу ўша ҳид эди. У рўмолчани қўлларида тутиб тураркан, кимдир бирдан рўмолчага чанг солди. Бурилиб қараса, Онатой!

– Ия, ҳали сен ундан рўмолча олиб тураман дегин?

Султонмурот лавлагидай қизариб кетди:

– Бу ёққа чўз!

– Шошма. Бир кўрай-чи.

– Сенга айтяпман, бу ёққа бер.

– Бақираверма, бераман. Бошимга ураманми бун!

– Берасанми, бермайсанми?

– Қаттиқроқ бақир, қаттиқроқ! Совғага берилган рўмолчамни тортиб олди, деб бақирмайсанми! – деди-да, рўмолчани чўнтагига солиб қўйди.

Кейин нима бўлганини Султонмурот билмай қолди. Фақат кўз олдида Онатойнинг ғазабдан ва кўркувдан ранги қув ўчиб кетган юзи лип-лип қилди-ю, сўнгра у бор кучи билан рақибини бир туширди ва бирдан қорнига қаттиқ тепки тушиб ўзи бир чеккага учиб кетди. Энгашиб йиқилаёзди-да, аранг оёқларида туриб олди

ва ғарам ёнида янада ғазабга миниб, жон-жаҳди билан Онатойга ташланди. Болалар югуриб келишди. Улар ёқалашиб кетишди. Уч кишилашиб уларни ажрата бошлашди. Болалар, қўйинглар энди, дея ёлвориб, уларнинг қўлларига осилиб олишар, Султонмурот билан Онатой қонлари қайнаб бир-бирларини аямай муштлашар ва тинмай бир-бирига ташланишарди. Оқибат нима билан тугашини – ё ўлиш ёки рўмолчани қайтариб олиш эканлигини ҳис этган Султонмурот фақатгина: «Бер! Бер дейман!» сўзларини такрорларди. Онатой бақувват бўлиб, совуққонлик билан ҳаракат қиларди. Аммо адолат ва ҳақиқат Султонмурот томонида эди. У тез-тез йиқилса ҳам орқа-олдига қарамай ҳужум қиларди. Сўнгги марта у ғарам ёнида ётган паншахага йиқилди. Қўллари шу онда ўз-ўзидан паншахага ёпишди. У паншахани ўқталганча ўрнидан сакраб турди. Болалар ҳар тарафга қочганларича бақириб юборишди:

– Қўй!

– Тўхта!

– Эсингни йиғ!

Онатой унинг рўпарасида, қаёққа қочсам экан, дея аланглаб, оғир нафас олганча, қўллари, оёқларини ёйиб турар, бироқ ҳеч қаёққа қочиб кетолмасди. Бир томонда ғарам, иккинчи тарафда отхона девори ғов бўлиб турарди. Худди шу дақиқада Султонмурот ўзини қўлга олди. Бу охиргиси эканини, бундан бошқа чораси ҳам йўқлигини у тушуниб турарди.

– Бу ёққа бер, – деди у Онатойга, – бўлмасам ёмон бўлади!

– Ма, ол! Ма! – ҳазилга айлантиришга уриниб шошиб қолди Онатой. – Сени қара-ю! Ҳазиллашиб ҳам бўлмай-дими! Тентак! – деди унга рўмолчани ирғитар экан.

Султонмурот рўмолчани кўкрак чўнтагига солиб қўйди. Қўркувлари ўтиб кетди. Болалар енгил нафас олишиб, ғала-ғовур бошлагандан сўнггина Султонму-

рот боши айланаётгани, оёқ ва қўллари қалтираётганини сезди. Ёрилган лабидан қонни туфлаб, худди маст одамдай гандираклаб ғарам ортига ўтди-да, ўзини пичан устига ташлади, чалқанча ётганича нафасини ростлаб, ўзига келди...

VIII

Кечга бориб у Онатой билан ярашмаган бўлса-да, бироқ орадаги умумий ишлар уларни бир-бирига мушоақат этишга мажбур қилди. Бари бир кўнгилда доғ қолди, воқеанинг бунақа аҳмоқона содир бўлгани уят эди. Аммо Султонмурот битта муҳим синовдан ўтганини тушунар, агар салгина юраксизлик қилганида эди, ўзини-ўзи ҳурмат қилмай қўйишини биларди. Бундай одам эса десант командири бўлиши мумкин эмас эди.

Бунга у ўша куниёқ кечга яқин отхонага раис Тиналиев билан Чекиш бригадир келганларида амин бўлди. Уларнинг отлари узоқ йўл юриб чарчаган, лойга ботганди. Тиналиев билан Чекиш чол тонгда Оқсой томон чиқиб кетишиб эндигина қайтиб келишганди. У ёқдан мамнун қайтишди. Энди уч-тўрт кундан кейин Оқсойга жўнашса бўлавераркан. Дашт ерлари лорсиллаб ётганмиш. Экишга қулай ерлар кўп бўлиб, кучинг етгунча ҳайдайверишинг мумкин экан. Қўраларга жой белгилашибди. Дашт уйғонибди. Шийпон учун жой танлашибди. У ерга жойлашиб олиш ва қиш бўйи тайёргарлик кўрган нарсаларини бошлаш қолган эди, холос.

– Хўш, ишлар қалай, болалар? – уларга юзланди Тиналиев. – Қайфиятлар қалай? Қандай таклиф ва мулоҳазалар бор? Кейин типирчилаб қолмаслик учун овулдан узоқлашиб кетмасданоқ гапириб қолинглар.

Болалар жим эдилар. Гўё фавқулодда ҳал қилиниши лозим бўлган нарса йўқдай эди. Бари бир, ҳеч ким сўнги сўзни айтишга журъат қилолмасди.

– Командиримиз бор, – деди Эргаш. – У ҳаммасини билади, ўзи айта қолсин.

Шунда Султонмурот ҳозирча ҳеч қандай камчилик ва муҳтожлик йўқлигини, ҳаммаси режалаб қўйилганлиги, пойабзаллар бус-бутун қилинганини ҳамда устбошлар ямаб-ясқалганлигини, ёпинишга эса пўстинлар олишлигини, қисқаси, ўзлари, уларнинг плуглари ва отлари ер етилиши билан истаган вақтда ишга киришишлари мумкинлигини айтди.

Кейин ҳар хил майда-чуйда ишларни – қозон-товоқ, ўтин, ўтовларни муҳокама қилишиб, умумий хулосага келишди: агар ҳаво айниб, қор ёғиб қолмаса, икки-уч кун ичида далага чиқишадиган бўлишди.

Ҳаво дуруст эди, кўк юзини булут қоплаган бўлса-да, қуёш гоҳ чиқиб, гоҳ беркинар, ернинг ҳовури кўтарилиб, қордан халос бўлаётган ердан нам ҳид анқирди...

Шундай кунлар яқинлашмоқда эди... Ҳамманинг фикр-хаёли шунга қаратилган эди...

Қанчалик тайёрланишмасин, бари бир, жўнаш олдидан яна анчагина ишлар қилинмаганлиги аён бўлиб қолди. Иккита отнинг ёпиғи етишмас экан, борлари эса жуда эскириб, увадаси чиқиб кетган, уларни Оқсойга олиб боришнинг ҳожати йўқ эди. Илк баҳор тунлари совуқ, деярли қиш тунини эслатади, айниқса шудгорлашнинг биринчи кунларида... Чекишнинг айтишича, авваллари ерни омов билан ҳайдашган вақтларида, биринчи кунлар гоҳо тушгача кечаси совуқ музлатган ернинг эришини кутишаркан... Туни билан ёпиғи ёпилмай совуқ еб чиққан от эса, улов бўлишга ярамай қолади.

Султонмуротнинг яна иккита яхши ёпиқ сотиб олишгунларича ҳали идорага, ҳали раисга бригадирга, овулга, колхозга чопишига тўғри келди...

Мана шу югур-югур ва ташвишлар ичида у ҳаммадан кўпроқ отларни суғориш вақтини кутарди. Жўнаш олдидан худди ўшандагидай сойдан ўтиладиган жойда

Мирзагулни кўргиси келарди... Ҳар гал умид қиларди-ю, аммо қизни учратолмасди. Султонмурот шошилар, кутишга сира вақти йўқ эди. Шунинг учун ҳам Мирзагул билан унинг орасида доимо айтилмаган қандайдир гап борлигини, айниқса жўнаш олдидан улар учрашмаслиги ҳам мумкинлиги туфайли ўзини қандайдир гуноҳкордай ҳис этарди. Султонмурот Мирзагулнинг ҳам ўзи ҳақида ўйлашини билар ва бунга у қизнинг ўшандаги илк нигоҳ ташлаганидаёқ, Мирзагулда ўз аксини кўрган пайтдаёқ амин бўлган эди. Бироқ Мирзагулнинг ўзи учрашишга интилади, деб хаёлига ҳам келтирмасди. Қизлик ғурури, номуси бунга йўл қўймасди. Қиз унга тўқилган рўмолча тақдим этиб, нима демоқчилигини изҳор қилди, қолгани эса унинг иши, эркакларча...

Албатта, у жўнаш олдидан қиз билан учрашиши мумкин эди. Мана, яна бир кўнгилсизлик рўй бермаганида у шундай қилмоқчи эди. Оқсойга жўнаш арафасида, десантчилар ўз отларини охириги марта суғоргани олиб боришга ҳозирланишаркан, Султонмурот охирида қолиб Мирзагулни кутмоқчи бўлганди. Шунда улар сувлоққа томон йўл олиб энди дарвозадан чиққан эдилар ҳамки, Чекиш бригадир келиб қолди. Унинг қовоғи солиқ ва тунд эди. Малла соқоли титрар, тумоғини кўзларигача бостириб кийиб олганди.

– Қаёққа кетяпсизлар?

– Отларни суғоришга.

– Тўхтанглар. Гап бундай, Онатой, сен уйингга бор. Онанг касал бўлиб қолибди. Отдан туш. Сизлар эса, болалар, тезда сувлоққа бориб отларни тез суғориб орқангларга қайтинглар. Мен сизларни шу ерда кутиб тураман!

Сой томон отларни йўрттириб боришаркан, Султонмурот боришда ҳам, келишда ҳам йўлдан кўзини узмай келди-ю, аммо Мирзагулни кўрмади. Ҳали мактабдан қайтиш вақти бўлмаган эди. Нега Чекиш чол уларни

бунчалик шоширди экан-а? Нима бўлдийкин? Агар шундай бўлиб қолмаганида эди, Мирзагулни албатта бугун кутиб олган бўларди! Сойнинг кечувида уни яна шундай кўргиси келардики...

Улар отхонага қайтишиб отларни жойларига боғлашгач, Чекиш чол тўртовларини бир четга чақирди.

– Гап бор, – деб минғиллади у.

Сўнгра ўтиринглар, деди. Ҳаммалари елкаларини деворга тираганларича чўнқайишди. Раис Тиналиев тик туриб гаплашишни яхши кўрар, бошқалар ҳам тикка тургани учун ўзи ҳам тик турарди. Чекиш бригадир эса, аксинча – шошилмасдан, бамайлихотир ўтириб гаплашишни ёқтирарди. Қария-да, Чекиш чол ўйчанлик билан ҳурмайдган малла соқолини силаркан, гап бошлади:

– Йигитлар, сизлар энди ёш бола эмасликларингизни айтиб қўймоқчиман. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиш эрта бошларингга тушди. Жазирама тупроқда юриб, муздай ерда ётиш... Демак, тақдир шундай экан. Мана, бугун бирингизнинг бошингизга катта кулфат тушди. Онатойнинг отаси, Сатторқул фронтда ҳалок бўлибди. Сизлар энди ёш бола эмассизлар, агар бирингизнинг бошингизга кулфат тушса, иккинчигиз унга суянчиқ бўлмоғингиз лозим. Тайёрланиб туринглар. Одамларни қаршилаб турасизлар. Отларни боғлаб турасиз. Ҳозир раҳматли Сатторқулникида одамлар тўпланишади, сизлар ҳам ўша ерда бўлишларинг керак. Ёш болаларга ўхшаб Онатойнинг ёнида ҳиқилламанглар, ҳамонки, йиғлар экансизлар, чинакамига қаттиқ овоз чиқариб эркакчасига йиғлангларки, бундан Онатойнинг содиқ дўстлари йиғлаётгани аниқ билиниб турсин. Мен билан ҳозир бирга борасизлар, шунинг учун ҳам сизларни шоширган эдим...

Улар сўқмоқ бўйлаб олдинма-кетин кўча охирида жойлашган Онатойларнинг уйи томон кетишди. Одам-

лар шундай сукут сақлаганларича отлиқ ва пиёда, турли томондан тўп-тўп бўлиб оқиб келишарди.

Ҳаво айниб турарди. Гоҳ қуёш чиқиб, гоҳ яна кўк булут билан қопланар, гоҳ бирдан ер қучиб болдирларни ачиштирувчи шимол шамоли эсиб қоларди. Султонмурот Онатойлар хонадонига қўрқувдан, надоматдан оғир изтиробга тушиб бормоқда эди. Яна бир-икки дақиқадан сўнг овул узра худди уйга ўт тушгани каби даҳшатли йиғи-сиғи садолари кўтарилади, мана шу бобокалонлари туғилиб-ўсган тоғларда яна бир одамнинг азаси бошланади, энди у одам урушдан қайтмайди, ҳеч қачон, ҳеч ким уни кўрмайди, бу, албатта, қўрқинчли эди. «Кўпдан бери хат-хабар йўқ, отамга нима бўлди экан-а? Омонмикин? Онам бўлса ваҳимага тушиб ақлдан озаёзди. Ишқилиб, бундай бўлмасин, ҳеч бундай бўлмасин!»

Улар ҳовлига яқинлашиб қолганларида Онатойларнинг уйдан даҳшатли фарёд кўтарилди ва бу ўкирик кучайиб, одамлар тўпланиб турган ҳовли ва кўча бўйлаб ёйилди...

Десантчилар Чекишнинг орқасидан борарканлар, бор овозлари билан ўкиришар, чол ўргатгандай бир оҳангда:

– Ўв, Сатторқул отажон, топилмас Сатторқул отажонимиз, энди сени қайдан топамиз-а, азиз бошинг қайси тупроқда қолди? – деб росмана хўнграб йиғлашарди.

Шу дақиқада, бу қайғу умумнинг қайғусига айланган шу дақиқада, Онатойнинг отаси Сатторқул ҳақиқатан ҳам уларнинг ўз отасидай, шуҳрати кетган энг яқин кишисидай туюлиб кетди, чунки ҳар бир кишининг улуғлиги унинг яқинлари томонидан фақат ундан жудо бўлганларидагина билинади... Ҳамма вақт шундай бўлган ва доимо шундай бўлиб қолаверади.

– Ўв, Сатторқул отажон, топилмас Сатторқул отажонимиз, энди сени қаердан топамиз, азиз бошингни қайси тупроққа қўйдинг?

Десантчилар йиғлаб, Чекиш билан одамлар орасидан ўтиб ҳовлига киришлари билан эшик олдида турган Онатойни кўришди. Ғам одамни чўктириб кўяди. Уларнинг орасида энг каттаси, кучли ва барвастароғи Онатой ҳам ёш боладай бўлиб қолганди. У бошига тушган бу оғир кулфатдан эзилиб ёш боладай нола билан худди ёмғирда қолган тойчоқ сингари мунғайиб деворга суяниб йиғларди. Юзлари йиғидан шишиб кетибди. Ёнида ўзидан кичик ука ва сингиллари ўкиришарди.

Онатойнинг дўстлари унинг олдида боришди. Онатой дўстларини кўриб бошига тушган қайғудан зорланиб, бошига тушган кулфатни уларга тўкиб-солиб янада қаттиқроқ йиғлай бошлади. Бу билан у гўё мадад сўраб, ёрдам кутаётгандай эди. Онатойнинг бу ёрдамга муҳтож ҳолати ҳаммадан кўпроқ Султонмуротга қаттиқ таъсир қилди. Болалар ўзларини йўқотишиб унинг атрофида айланишар, нима қилишни, қандай қилиб уни овутишни билишмасди. Ҳеч ким унга ёрдам беролмайди. Бу пайт ҳеч ким Султонмуротнинг қўлига автомат олиб ҳовлидан отилиб чиқиб кетганини ва автомати билан тўппа-тўғри ўша ёққа – уруш кетаётган томонга югуриб кетганини хаёлига ҳам келтирмас эди. Унинг бир нафас тўхтамай тўғри фронтга борганини ва у ерда қаҳр-ғазаб билан наъра тортиб, қичқириб, фашистларни қийратаётганини, автоматдан тинимсиз ўт сочиб, дўсти Онатойнинг ўлдирилган отаси, овулга келтирилган қайғу ва кулфатлар учун ўч олаётганини билишмас эди...

Эсиз, автомати йўқ-да!

Десант командири эмасми, Султонмурот Онатойга шундай деди:

– Йиғлама, Онатой. Нимаям қилардик. Мана, Эркинбек ва Қуббатқулнинг оталари ҳам фронтда ҳалок бўлишди. Ўзинг биласан, менинг отамдан ҳам анчадан буён хат йўқ. Уруш. Тушунасан-ку. Сен фақат бир оғиз айтсанг бас, биз сенга ёрдам берамиз. Сен фақат ўзинг-

га бир оз енгил бўлиши учун нима қилишимиз кераклигини айтгин...

Аммо Онатой деворга суяниб, елкаларини силкитганича энтикиб-энтикиб йиғлар ва ҳеч нарса деёлмасди. Бу сўзлар уни овутиш ўрнига аксинча ярасига туз сепгандай бўлди ва у дувиллаб оқаётган кўз ёшлардан бўғилиб, нафаси қисилиб, кўкариб кетди. Султонмурот чошиб бориб унга чўмичда сув келтирди.

Шу дақиқадан бошлаб у ўзини бу ерда содир бўлаётган воқеага жавобгардай ҳис эта бошлади. Одамларга қандайдир ёрдам қилиш зарурлигини тушунди. Тўртталови сойдан пақирларда сув ташишди, ўтин ёришиб, самоварларга ўт қўйишди, тўпланган кўни-қўшниларни кутишди, отлиқ чолларни уловга мингизиб юборишди.

Одамларнинг оёғи узилмасди. Бировлар мархум оиласига таъзияга келишар, бошқалари эса таъзиядан ўз бурчларини ўтаб қайтишарди. Десантчилар кун бўйи Онатойларникида бўлишди.

Султонмурот муаллима Инкамол опа еттинчи синф қизлари, уларнинг орасида Мирзагул билан келиб қолишганларида жуда оғир дақиқаларни бошидан кечирди. Инкамол опа Онатойни қучоқлаб олганича шунчалик бўзлаб йиғладики, унга кўз ёшисиз қараб бўлмас эди. Машхур фолбиннинг муаллиманинг ўғли ҳақидаги каромати тўғри чиқмади, зотан унга опанинг ўзиям ишонмаган эди. Дилидаги хавотирликни, ғамни тарқатиш, қайғу-ҳасратга тўлиб кетган юрагини бўшатиш учун у кўз ёшларига эрк бериб юборди. Қизлар ҳам муаллималари ёнида йиглаб туришарди. Мирзагулнинг боши эгик, унсиз кўз ёш тўкар, балки шу пайт у отаси ва акасини эслаб эзилаётгандир. У Султонмурот томонга бирон марта ҳам қайрилиб қарамади. Мана шу ҳолатда ҳам, изтироб ва кулфат оғушида ҳам у ҳаммадан гўзал эди. Султонмуротда энг олий ҳамдардлик фахр ҳиссини

уйғотдн. У қизнинг ёнига боргиси, уни кучоқлаб йиғлагиси, қайғусига шерик бўлгиси келарди...

*...Эҳ, Мирзагул, Мирзагул бекач
Оқ каптар сен кўкдаги,
Мен туйғун қуш тўндаги...*

Шундан сўнг ҳовлида қуръон ўқилгач, ҳамма ҳозир бўлганлар ўзлари билан ўзлари ёлғиз қолишиб, жимгина кафтларини очиб, худди тақдир китобига қарагандай унга термилганларича бундан минг йиллар муқаддам йироқ Арабистондан келиб қолган, туғилганда ва ўлганда дунё мангу деб эълон қилган қуръоннинг тантанавор ва қироатли оҳангини тинглаб туришарди. Бу гал қуръон Онатойнинг отаси – урушда шаҳид бўлган Сатторқулга бағишлаб ўқилмоқда эди. Султонмурот ўша ибодат маҳалида ҳам кафтлари устидан кўзини очиб қизга қаради. Ҳамма қатори диққат билан разм солиб турган ёш Мирзагул ғоят гўзал эди. Қизнинг юзида чуқур ўйчанлик мавжуд. У Султонмурот томонга қарамади.

Шундай, қиз лоақал бир сўз қотмай кетди. Фақат у кетаётиб Султонмуротга қайғули нигоҳ ташларкан, бошини тебратиб қўйди. Эҳ, Мирзагул, эҳ, Мирзагул бекач...

Мархум Сатторқул уйидаги фарёд бир оз пасайди. Атрофга жудоликка кўникишга даъват қилувчи даҳшатли сукунат чўкди. Йиғи – бу норозилик, ғалаён, туғённинг белгисидир, яқиндагина бўлиб ўтган воқеани қайтариб бўлмаслигига тушуниб етиш эса энг даҳшатлиси. Шундай дақиқаларда одамни энг қайғули фикрлар чулғайди.

Онатой девор тагида бошини ҳам қилиб ўтирарди. Султонмурот унга қарашга юраги бетламасди. Кўпол, кучли, баджаҳл Онатойни кулфат букиб қўйганди. Бундан кўра унинг бақриб йиғлагани, уст-бошини йиртиб, ўзини ҳар ёққа ургани яхшироқ эди.

Султонмурот қандай қилиб уни бу қайғули, ночор аҳволдан қутқаришни билмасди. Аммо у Онатойга ёрдам қилиши керак эди, қандай йўл билан бўлмасин, унинг ёлғиз эмаслигини, ёнида одамлар, унинг учун жонларини фидо этишга тайёр одамлар борлигини билдириши керак эди.

– Онатой, юр, сенга бир гапим бор, – деди унга Султонмурот.

Онатой ўрнидан турди ва улар бир чеккага ўтишди.

– Хаёлингга бошқа нарса келмасин тағин, Онатой, – деб сўз бошлади Султонмурот жуда ҳаяжонланганидан зўрға сўзлаб. – Ахир мен, ўша... Хоҳласанг ўша рўмолчани сенга бутунлай бераман.

Онатой маъюс жилмайди.

– Нималар деяпсан, Султон! Қерак эмас, – деди у. – Рўмолча сеники, уни ҳеч кимга берма. Мен бўлсам... Сен мени кечир, кечир мени, унут ҳаммасини. Мен энди ҳеч қачон бундай қилмайман, Султон. Энди менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ... Менинг отам, у шундай эдики... Биз уни шундай кутаётгандикки... – Онатойнинг ўпкаси тўлиб яна ҳўнграб йиғлаб юборди.

Энди улар икковлашиб ўзлари туғилган ва яшаётган шу даврлари билан холи қолиб йиғлашарди...

IX

Оқсой ерларида плуглар ишлаётганига уч кун бўлди. Уч кундирки, қўшчилар ўз отларини тўхтовсиз чучулашиб ҳайдашарди. Ерда Оқсой десантчиларининг илк меҳнатлари маҳсули бўлган қорамтир жўяк ҳосил бўлди. Жўяк соз олинган, кўриб кўз кувонарди. Энди ҳамма иш об-ҳавога қараб кетаверади.

Улуғ Манас чўққилари пойидаги бу бепоён тоғ этагида қадим-қадимдан ҳеч ким бузолмаган осудалик ҳоким эди. Чимкент ва Тошкентнинг сувсиз ерларига

қараб чўзилган Оқсой дашти шу ердан бошланарди. Чўлнинг бу оёқ тегмаган бош қисмида плуг кўшилган уловлар орқаларидан узун из қолдириб, тепалик томон ўрмалаб кетаётган майда қўнғизларни эслатарди.

Ҳозирча учта плуг ишламоқда эди. Эргаш ва Қуббатқулни овулда, кузги экинларни бороналаб илдиздаги намни йўқотишга ёрдамлашишлари учун бир неча кунга олиб қолишди. Бу ишни кечиктириб бўлмаслиги аниғу, бироқ Оқсойда ҳам вақт кутиб турмайди-да: уларнинг мўлжалича, ерни ҳайдашга улгуриш учун ҳамма десант плуглари эрталабдан кечгача ишлаши керак, бўлмаса улгуришолмай, бутун меҳнатлари чипакка чиқади. Султонмурот қолган икки уловнинг шу кунларда келиб қолишини кутиб безовта бўлмоқда эди. Ваъда беришганлари туфайли ҳам у Чекиш бригадир билан қаттиқ айтишиб қолди.

– Бориб айтинг, оқсоқол, – деди у, – раис Тиналиевнинг ўзи келиб, ҳал қилиб кетсин. Учта плуг билан бу ерда ҳеч нима қилиб бўлмайди. Топшириқни бажара олмаймиз...

Чекиш чол нима ҳам дерди? Унинг ҳам қўли қисқа. Султонмурот ақлли, тадбиркор бригадирга колхозда ишлаш қанчалик қийин эканлигини тушунади. Унинг ҳам ҳаммасини ўз вақтида, тартиб билан саранжом-сарашта қилгиси келади-ю, аммо худди тагингдан чиққан оловдай ташвиш оёғингдан олади, бунинг устига, баҳоргача уни-буни қилиб олишни кўзлайди-ю, одам йўқ, ишчи кучи йўқ, озиқ-овқат йўқ. Унисини қилсанг, буниси қолиб кетади. Кеча у ўтириб бош қотирди. Овулда қаҳатчилик. Қўшимча нарсалари тугай деб қолибди, янги ҳосилгача эса ҳали қайда. Ҳайвонлар қоқсуяк бўлиб қолган, емиш бўлмаса очдан ўлиши турган гап, уларни сўйишдан эса наф йўқ. Касал учун бир кило гўшт сотиб олгани от-улов қилиб бозорга боришади. Бир кило гўштнинг нархи илгариги бутун бир

молнинг нархидан қиммат. Бироқ бари бир керак-да, боришяпти. Ҳатто от-уловдагина эмас, пиёда бир парча эт деб ўттиз-қирқ километрлаб йўл босиб боришяпти. Салт отлар оёқларини аранг кўтариб босади. Йўлга чиқсанг, ораликда қолиб кетасан. Қўш қўшиладиган отларни эса зўрға экиш мавсумигагина тайёрлашга улгуришди. Уловлар парвариш қилингану, аммо улар ҳам кўп юк кўтаришга узоқ дош беролмайди.

Агар буларнинг ҳаммасини ўйласанг ваҳима босиб кетади. Аммо ҳаммасидан ҳам ёмони уруш бўлиб, унинг ниҳояси кўринай демасди.

Биргина тасалли, биргина умид бахш этадиган нарса – немисларнинг мағлуб этила бошлагани, уларнинг ҳамма жойдан сиқиб чиқарилаётгани эди...

Бугун эрталабдан ҳаво жўнашиб кетгандай бўлганди. Ҳаво булутли бўлиб, тоғ тепасида гоҳо қуёш кўришиб қоларди, гоҳ осмон бошинг устида сайр эта бошларди-ю, бирдан ҳаво айниб, кўкка яна булут чиқиб қоларди. Тушга яқин бирдан ҳаво совиб, атроф қоронғилашиб кетди. Қорми, ёмғирми ёғиши аниқ эди... Атрофга бутунлай қоронғи чўқди. Тушдан кейин плугчилар бошларини қор ё ёмғирдан беркитиш учун далага қопларни олиб кетишга мажбур бўлдилар.

Аввалги ҳайдаб қўйилган жойдан бошлашиб жўякни ичкари томонга ағдариб боришарди. Биринчи бўлиб Султонмурот, ундан икки юз қадамлар орқада Онатой, ярим чақиримча нарида эса Эркинбек борарди. Бугун плугчилар далада ёлғиз эдилар. Уч плугчию олдинда салобатли чўққилар. Уч плугчию ортда бепоён дашт. Раис Тиналиев бу ерда иш бошланган кунларигина бўлди. Иши кўп эмасми, у Чекиш бригадирни шудгорга кўз-қулоқ қилиб қўйиб, ўзи тезда қайтиб кетди. Бугун Чекишнинг ўзи ҳам овулда қолган Эргаш ва Қуббатқулни уловлари билан бу ерга олиб келиш учун жўнаб кетди. Шундай қилиб, учинчи кундирки, плугчилар ўз ҳолларича – плуглар, отлар,

ҳосилини йиғиб-териб олиб, одамларни тўйдириш учун қайта-қайта ҳайдайвериш лозим бўлган ер билан рўбарў қолишди...

Майдон дала шийпонидан узоқда эди. Ўзлари яшаётган ўтовдан, беда ғарамларидан, қоплардаги емлардан, энди уларнинг уйларида нималар бўлса, ҳаммасидан йироқда эдилар. Дала шийпониде фақат кекса ошпаз кампир қоларди. Вақтида овқатни тайёрлаш ўрнига доим ўтин хўл, у йўқ-бу йўқ деб зорланиб юрарди. Даладагиларга бир бурда нон билан иссиқ атала бўлса, етади-ю, кампир бўлса вайсагани вайсаган, гўё биров ундан бир нима деб гина қилаётгандай ҳаётдан нолий-веради. Овулда кампирни унча билишмасди. Қаерлардандир келиб қолган аёл эди у. Бошқалар уйини, болалари, рўзғор ишларини ташлаб келолмади, у бўлса плугчилар ёнида кун кўришни кўзлаб Оқсойга келишга розилик берди. Майли, еганича есину фақат овқатни ўз вақтида тайёрласа бўлгани. Кампир ҳамиша беҳудага елиб-югуради-ю, ҳеч нарсага улгуролмайди. Унга ёрдам қилишга эса плугчиларнинг вақти бормиди. От, бу ўт олдириб қўйсанг ўзи кетаверадиган машина ҳам эмас, бакини тўлдириб миниб кетаверадиган трактор ҳам эмас. Ишчининг ўзи далада худди отдай ишлагач, кейин плугдаги отларнинг қорнини тўйдиради, суғориб парвариш қилади-да, сўнг ўтовга базўр етиб бориб ўзини таппа ерга ташлайди... Тонг-саҳардан яна ишга... ҳаммадан қийини эрта саҳарда уйқудан туриш...

Плугнинг юриб туриши, отлар вазини йўқотмай, қуввати баҳорнинг охиригача етиши плугчининг катта вазифасидир. Бу муҳим. Жудаям муҳим. Биринчи кунлари, шудгорлашни бошлаганларида, отлар ҳар ўн-ўн беш қадамда тўхтаб дам оларди, ҳансираб қолишарди. Шунда тишни сал кўтаришга, ерни саёзроқ ҳайдашга тўғри келарди. Бироқ бу вақтинча, отлар бўйинтуруққа ўргангунларича қўлланилди.

Бугун иш сезиларли даражада яхши кетди. Отлар энди кўникиб қолишганларидан плугни баравар тортишарди, тўртталови бир-бирларига яқин туриб олиб ерга энкайишиб, худди дарсликдаги бурлакларга ўхшаб жон-жаҳдлари билан олдинга интилиб боришарди. Қадам-бақадам, қадам-бақадам ер бағрини ёриб бораётган плугни итариб боришарди.

Бироқ об-ҳаво панд беряпти-да. Мана, қор ҳиди келиб, учкунлар пайдо бўла бошлади... Демак, қиш ҳали хунарини кўрсатиб улгурмай кетиш олдидан яна бир бор ўзини эслатиб қўймоқчига ўхшайди. Бекорга бундай қияпти. Айниқса, бу қўшчилар учун жуда ёмон бўлди...

Султонмурот бошига қоп ёпиниб олди, бироқ бари бир қордан сақлана олмади. Ерни ағдариб бораётган отга миниб олиб, боши узра қамчи ўйнатиб бораркан, шамол унинг ёнларини очиб юборарди. Қалин ёғаётган ҳўл қор тезда эриб кетар, атроф живир-живир қиларди. Тоғлар қор пардасига чулғанган эди. Фақат бу сукунатда ёғингарчилик домида қолиб қий-чув кўтараётган қушлар қийқириғини эслатувчи плугчиларнинг отларни қичаб бақириб-чақираётганликлари қулоққа чалинарди. Плуглар тинмай ишларди. Қоп-қора плуглар худди тўлқин устида жавлон ургандек гоҳ тепаликлар узра пайдо бўлиб қолар, гоҳ пастликларга шўнғиб ғойиб бўларди.

Унга қўшилган отлар энгашиб, худди тупроқ остидан чиқаётгандай, чуқур-чуқур нафас олиб, ўрмалаб боришарди. Қор уларнинг иссиқ, таранглашган елкаларидан бир онда иккала ёнига оқиб тушарди. Ер бўкиб кетган, туёқлар ости сирпанчиқ, жабдуқлар ҳўллигидан, зилдай оғир плуг тишларига ернинг ёпишқоқ қатлами ботиб қолганидан отларга жудаям қийин эди. Бироқ плугларни тўхтатиб бўлармиди. Ҳайдашни давом эттиравериш керак. Эртага, қуёш чиққач, бу жўякларга шабада тегиб шудгор тайёр бўлади. Вақтни бой бермаслик аарур.

Плуг ерга тиқилиб қола бошлади. Султонмурот тез-тез эгардан тушиб қамчи дастаси билан тишларни лой парчаларидан тозалар, орқада келаётган Онатой ва Эркинбекларни чақирар, улардан жавоб овози келгач, яна хўл жабдуқли ва бутун баданлари шалаббо бўлган отлар орасидан жўяк тортаётган отга яқинлашиб, эгарга тирмашиб чиқар ва яна олға интиларди.

Қор эса ҳамон ёғишдан тўхтамасди. Қоп-қора плуг кўшилган отлар худди оппоқ туманда сузиб бораётган кемани эслатарди. Барча товушларни ютиб юбораётган қор сукунатида дала бўйлаб биргина плугчиларнинг ҳайқириғи янграрди.

– Она-то-ой!

– Эркин-бе-бек!

– Султонмуро-о-от!

Юзларидан сув оқар, бу эриган қорми, терми, билиб бўлмас, юган тутган қўллар шишиб, совуқдан, муздек қор томавериб кўкариб кетган. Бир-бирига суйканишиб кетаётган отлар орасидаги оёқлар икки томондан қисилиб оғрир, уларни қаёққадир силжитгинг келади-ю, аммо жой йўқ. Бунинг устига, Султонмурот ортидан Онатой ва Эркинбек келаётганини, улар учаласи – олтита плуг тиши эканлигини, куппа-кундуз куни Оқсой ерларини ҳайдаётган бу тишларни тўхтатиб қўйишга ҳақи йўқ эканлигини тушунарди. Фақат отлар чидаб берса, ҳолдан тойиб қолмаса бўлгани. Шунинг учун ҳам у хаёлан отларга мурожаат қилар, ўгит берарди: «Сабр қилинг, Қамбар отадан тарқаган зотлар, аҳиллик билан бара-вар тортинглар. Ахир ҳар доим шундай қийналмайсизлар-ку. Бугут қор ёққан бўлса, эртага эриб кетади. Олға, ҳа, олға, чу, жониворлар! Сабр қилинг, Чўлпон ота наслари, хув, ана, олдинда пайкал охирлаяпти. Ҳозир ўша ердан бурилиб орқага қайтамыз. Сабр қилинглар, қадамларни бўшаштирманглар. Сизларни плугдан чиқаришга менинг ҳақим йўқ. Биз шунинг учун ҳам сизларни қиш

бўйи парвариш қилдик. Бошқа йўл йўқ. Мен сизларни юмшоқ, қаттиқ ерни ҳайдашга ундаяпман, биламан, сизларга оғир, бироқ шундай қилмасак нонсиз қоламиз-да. Чекиш чол шундай деган ва умрбод шундай бўлиб қолаверади, дейди. Нон, унинг ҳар бир бурдаси пешана терига йўғрилади-ю, фақат буни ҳамма ҳам билавермайди ва ҳамма ҳам нон тишлаганда бу ҳақда ўйлаб ўтирмайди. Бизга эса нон жуда керак. Жудаям керак. Мана шунинг учун ҳам биз сизлар билан Оқсойда юрибмиз.

Чопдор, сен менинг инимсан, сен менинг кўшчи отимсан. Сен ҳам плугни тортасан, ҳам мени устингда олиб юрасан. Сенга қамчи ураётганим учун мени кечир. Шу керак бўлиб қолди. Хафа бўлма, Чопдор.

Чонтор, сен чап томонда, ҳайдалган ердан юрасан, ҳаммасидан ҳам сенга қийинроқ, бироқ сен Чопдордан кейинги энг кучли отсан. Чонтор, сени отам Бекбой доим мақтар эди. Ёдингдами? Биз ҳаммамиз шаҳарга борганимиз ҳам эсингдами? Отамдан ҳануз хат-хабар йўқ, бундан жуда кўрқаман, сиз отлар буни тушунмайсизлар. Урушдаги одамлар узоқ вақт хат ёзишмаса бу жуда ёмон. Онам соғиниб, хавотирлана-верганидан жудаям озиб кетган. Онатой отасининг азасида ҳаммадан кўп йиғлаган, қайғурган Инкамол опа билан онам бўлди. Улар бир нимани билишади, қандайдир кўнгилсизликни сезишади-ю, аммо айтишмайди. Улар бир нимадан хабардор... Чу, чу, Чонтор, сенинг бўшашишингга йўл қўймайман. Олға, Чонтор! Бўш келма!

Сен ҳам, Оққуйруқ, сен ҳам менинг инимсан. Сен менинг ўнг томонимда, отларнинг ўртасида борасан. Сен жон-жаҳдинг билан плугни тортишинг керак, чунки Чопдор билан икковингиз кучли отларсиз. Сен ажойиб оқ думли чиройли отсан. Бироқ бўш келма, руҳинг чўкмасин, сенинг чарчашингга йўл қўймайман. Чу, чу, Оққуйруқ! Мени уятга қўйма!

Қоратўриқ тулпорим, сен оддийгина яхши отсан. Мен сени кўшга танлаётганимда сенга жуда ишонганман. Сен меҳнаткаш ва ювош отсан. Мен сени жуда ҳам ҳурмат қиламан. Сен энг чеккада юрганингдан доим кўзга ташланиб турасан. Сенга қараб ишимиз қандай кетаётганини аниқлаш мумкин, Қоратўриқ. Мен сени ҳам хафа қилмайман, фақат бўшашмай тортавер. Мен сенга сўз бераман: Оқсойда шудгорлаш, экишни тугаллаганимиздан кейин, овулга қайтаётганимизда ҳамма сени кўриши учун худди ҳозиргидай энг чеккада борасан. Биз Мирзагулнинг уйи ёнидан ўтаётганимизда у кўчага чопиб чиқиб энг аввало сени кўради, Қоратўриқ. Шунча ҳаракат қилмай, жўнаш олдидан у билан кўришолмадим. Унинг рўмолчаси ёнимда, шундоқ бағримда турибди. Унга қор ва ёмғир тегмайди. Мен Мирзагул ҳақида ҳамиша ўйлайман. Уни ўйламай туролмайман. Агар уни ўйламай қўйсам ҳамма ёқ хувиллаб қолади ва менга ҳаётнинг қизиғи қолмайди.

Чу, чу, Қамбар отадан тарқаган зотлар! Аҳиллик билан тортинглар, қани олға, олға! Чу! Чу!.. Қор ҳамон ёғяпти-я. Қандай намхуш қор. Ҳаммамиз бошдан-оёқ шилтайи шалаббо бўлдик. Шамол ҳам қўймапти. Агар ошпаз кампиримиз хашакни жуллар билан ёлиб қўйса яхши бўларди-я. Аммо бунга ақли етмаса, хашак ивиб исроф бўлади-да. Сиз, ўн икки бош отни нима билан боқамиз ахир! Ишга жўнаш олдидан унга айтиб қўйиш керак эди-ю, эсимдан чиқибди, қор ёғиши хаёлимга келмабди.

У ғалатиноқ кампир, кўзи суқ. Отларимизни мақтагани мақтаган, боқиб тўймайди. Қандай семиз отлар, яхши боқилган, дейди. Ёнбошларидаги ёғ икки энлидир, дейди. Эски вақтларда бунақа отлар катта маъракаларда сўйилар эмиш. Айтишича, ўша пайтларда гўштини тўйгунча ейишар экан. От гўштини қирқ челақли қозонларда пиширишганларида унинг юзига йиғилган

ёғ-сардагини (топган гапини-чи!) сузиб олиб ҳаммасини чўмич билан касал одамларга сузиб бериларди, дейди. Ўша ёғ бетоб одамга ичирилса дарров оёққа туриб кетарди, дейди. Мечкай, фақат ёғни ўйлайди, холос. Отларга кўзи тегмаса эди ишқилиб. Ўргилдим ундан! Мактабда кўз тегиш ёлғонлигини айтишган-ку. Нима деса деяверсин. Фақат овқатни ўз вақтида тайёрлаб турса бўлгани. Кеча ёввойи эчкини пишириб бизни роса ҳайратга солди. Ваҳоланки, эчки жуда ориқ эди. Ўтиб кетаётган қандайдир икки овчи ўтов томонда олов кўриб шу ёққа келишиб, ўлжасининг бир қисмини ташлаб кетишди, дейди. Раҳмат ўша овчиларга, урфу одатни билишар экан. Биринчи учратган кишисига тегишли ўлжа қолдирибдими, демак кейинги сафар ҳам овлари юришишини ният қилишган. Агар улар тоғдан тушган бўлишса, биз биринчи учраган кишиларимиз, албатта. Атрофда эса бошқа ҳеч ким йўқ. Тоққа чопсанг, даштга от кўйсанг ҳам ҳеч жонзотни тополмайсан. Қор ҳалиям ёғяпти. Роса ёғди-да... Тинкалар ҳам қуриб кетди...»

Отлар жиққа хўл бўлиб тўхтаб қолишди... Султонмурот эгардан тушди-да, шишиб эзилиб кетган оёқларида базўр туриб худди маст одамдай гандираклаб отларнинг орасидан ўтди. Қора терга ботиб, қалтираётган, қулоқларидан туёғигача хўл бўлиб, силласи қуриб зўрға нафас олаётган отларни кўриб шундай ичи ачишиб кетдики, беихтиёр инграб юборди.

Қор эса ҳамон ёғар, отларнинг ҳовур кўтарилиб турган яғринларига тушиб эриб кетмоқда эди. Султонмурот хўл бўлиб оғирлашиб кетган қопни бошидан олиб ташлади. Ўзига итоат қилмаётган, музлаб қолган бармоқлари билан абзалларни еча бошларкан, беихтиёр ўзини тутолмай Чопдорнинг яғринини қучоқлаб туриб хўнграб йиғлаб юборди. Йиғи орасида лаблари отнинг терисидаги иссиқ тахир таъмни туйиб: «Кечиринглар, кечиринглар мени!» деб пичирларди.

– Ҳа, Султонмурот! Нима гап? – эгат бўйлаб яқинлашиб келаётган Онатойнинг товуши эшитилди.

– Отларни бўшат! – бақирди унга жавобан Султонмурот.

Х

Бироқ эртасига кун очик, беғубор бўлди. Кечаги ёғингарчиликдан асар ҳам йўқ эди. Фақат намгарчилик, фақат одамнинг руҳини тетиклаштирувчи муздек шабада эсмоқда ва фақатгина ер бир оз қизғиш рангга кирган ва фақат чўққилар устида енгилланиб қолган оппоқ қорлар бор эди, холос. Тоғлар ортидан ўзлигини оламга кўз-кўз қилиб, кўкнинг ярмини нурга буркаб баҳор куёши кўтарила бошлади. Бутун бепоён Оқсой ўзининг барча ўтлоқлари, ялангликлари, адирлари-ю, паст-баландликлари билан узоқ-узоқларгача кўзга яққол ташланиб турарди. Бироқ улар ўзлари ён бағрида туғилиб-ўсган Улуғ Манас тоғлари, зотан бу ғайритабий бир ҳол бўлса-да, гўё тунда уларга яқинроқ келиб қолгандай, шу оқшом тоғлар Оқсойга қараб улар томон силжигандай, қўшчилар тонгда туриб тоғнинг улуғлиги, гўзаллиги ва қудратини кўриб ҳайратланишлари учун силжигандай туюларди.

Яқин-йироқда, ёнгиналарида, уфқнинг қўл етмайдиган жойларида тоғ тизмалари жилваланарди...

Ҳа, Оқсойда ўша кун ажойиб тонг отди. Ер шабадада сингисин деб улар шудгорлашга шошилмай чиқишди.

Бу вақт ичида отларга қарашди, абзалларни тузатишиб, ҳўл бўлиб кетган пичанни ёйишди. Кун тезда исиб кетди. Улар шундан сўнг плуглари томон жўнашди. Плуглар кечаги эгатларга ботиб қолган эди. Плугнинг ҳар бирини уч кишилашиб тортиб чиқаришди, тишларини тозалашиб, ғилдиракларини ёғлашди. Кейин отларни қўшишиб, бугун кечгача бу пайкалнинг шудго-

рини тугаллашни, эртага эса бошқа участкага жўнашни ўйладилар. Иш қизигандан-қизиб кетди. Туни билан дам олган отлар, саҳарлаб парвариш қилинганлиги учун илдам ишларди. Отлар оғир плугларни тортиб боришарди. Аммо кечаги қорда қилинган шудгор ўзини оқлаган – тупроқ шабадада селгиб қолганди, қор аралаш ағдарилган қатламлар қуёш нурлари остида хамирдай кўпчиб ётарди. Демак, тупроқ «бузилмаган», бездек бўлиб қолмаган. Демак, шудгор кўнгилдагидай бўлибди.

Ўша кун ажойиб ўтди. Шундай кунлар бўладики, агар ишинг юришиб кетса, ҳаёт шундай мароқли кўнгилли, ажойиб ва айна вақтда оддий бўлиб туюлади. Бекорга қиш бўйи тайёрланишмаган, меҳнат қилишмаган ва бунинг учун мактабни ташлашга мажбур бўлишмаган экан; мана энди Оқсой отряди ҳаракатда, плуглар эса ишламоқда, яна бугун Эргаш ва Қуббатқуллар келишлари керак. Ўшанда уларда бешта плуг бўлади, бу эса ўнта тиш дегани. Ана куч. Ана ўшанда ҳақиқий десант деса бўлади! Ундан сўнг уруғ сепиб, майдонларни бороналашади, ана ўшанда ҳосилни кутавер! Баҳорги буғдой ажойиб бўлади. Чекиш бригадир баҳорги ҳосил унумдор бўлмаса ҳам, аммо нонлар ичида энг ширини бўлади, дейди. Ишимиз ўнгидан келади. Ёмғир ёғади. Шунча меҳнат қилингандан кейин ёмғир тихирлик қилиши мумкин эмас. Ёмғир ёғади, фақат у ёқда, фронтда бардош қилсалар, ҳужумга ўтсалар бўлгани, бахтимизга бу ҳосил томоғимизда туриб қолмаса бўлгани...

Улар пайкал узра ана шундай боришарди. Олдинда Султонмурот, ортда, икки юз қадамча нарида Онатой ва ярим чақирим нарида Эркинбек боришарди...

Қуёш қизигандан-қизирди. Тепаликлардаги ям-яшил майсалар товланарди. Худди эртақдагидай у ёққа ўтсанг ҳам, бу ёққа ўтсанг ҳам, қаршинг ҳам кўм-кўк.

Тупроқ янгиланиб енгил нафас оларди. Плуглар эса Оқсойда ортида худди узун кокилга ўхшаш янгигина олинган изларни қолдириб борарди.

Оёқ остидан «пирр» этиб тўрғай учди. Қуш сайрай-сайрай яқингинага қўнди ва яна қаердадир бошқаси сайрай кетди, уларга аллақаяқда яна бир тўрғай жўр бўлди. Султонмурот жилмайиб қўйди. Қушлар қувонганларида сайрайверишади, уйлари ҳам йўқ, бошлари устида япроқ, новда ҳам йўқ, кимсасиз чўл қўйнида ўз билганларича яшайверишади. Тағин хурсанд ҳам. Баҳордан миннатдор, қуёшдан миннатдор! Кеча қушлар қаерда эдилар-а, ёғингарчиликнинг ўтишини қандай кутиб турдилар экан? Ҳа, энди буларнинг ҳаммаси ортда қолди.

Баҳор ўз ҳақини энди олади. Энди иш ҳам кўпаяди, бу эса фақат бошланиши. Нима қипти! Бугун Эргаш, Куббатқуллар келишади, шунда бутун десант биргаликда киришишса, ишлари жўнашиб кетади...

Отини «чу»лар экан, тўсатдан Султонмуротнинг кўзи нариги томонда бир отликни кўриб қолди. Отлик шудгор яқинидан четлаб ўтиб, уларга қараганча тоғ тарафга кетмоқда эди. Елкасида милтиқ. Бошида қишки тумоқ. Тагида бақувват, совитилган саман. Болалар ҳам уни кўришди-да, қичқира бошлашди:

– Эй, овчи, биз томонга отингни бур!

Бироқ овчи индамади. Овчи уларга яқинлашмасдан ўгирилиб қиё ташлаб кетмоқда эди. Султонмурот уни кўриб суюниб кетди, отни тўхтатиб, оёқларини узангига тираб бақирди:

– Эй, овчи, ширалға берганинг учун раҳмат! Эшитяпсанми, раҳмат! Тегиш учун раҳмат!

Аммо овчи индамай, худди ҳеч нимани эшитмагандай, тушунмагандай кетаверди. У тезда тепаликлар ортига ўтиб кетди. Демак, вақти йўқ, ишига шошиляпти шекилли.

Тахминан ярим соатлардан сўнг яна бир овчи кўринди. У ҳам тоққа томон борар, унинг ҳам елкасида милтиқ бор эди. Аммо у бошқа ёқдан, кўтоннинг бошқа чеккасидан ўтиб борарди. Бу овчи ҳам увоқдан сўрашмай, уларга қараганча жим борарди. Ўзи одат бўйича отлик отини буриб, қўшчиларга саломатлик, хирмонига барак тилаши керак эди. Чекиш чол ҳозир одамлар айниб кетди, дейди. Эҳтимол шундайдир. Чекиш чол донишманд, унинг гапи тўғри чиқади.

Овчилар ўтиб кетгандан сўнг жуда ҳаяжонли бир воқеа содир бўлди.

Буни биринчи бўлиб Онатой эшитиб қолди. Яшавор! Овозининг борича қичқирган ҳам Онатой бўлди:

– Турналар! Турналар учяпти!

Султонмурот юқорига қаради – мусаффо, мовий, чексиз осмон кенглигида оҳиста айланиб, парвоз қила туриб сафланиб, қурқурлашганча овоз чиқариб турналар учиб боришарди. Катта гала турналар юксак парвоз қилишмоқда. Аммо само ундан ҳам юксак.

Бепоен осмон кенглиги ва бу кенгликда худди барҳаёт орол сингари сузиб бораётган қушлар тўдаси. Султонмурот бошини кўтариб қараганча бирдан овозининг борича қичқириб юборди:

– Ура! Турналар!

Учалови ҳам қушларнинг турналар эканлигини яхши кўриб турган бўлсалар-да, кутилмаганда, бу катта бир янгиликдай бир-бирларига бақиришарди:

– Турналар! Турналар! Турналар!

Султонмурот турналарнинг эрта келиши яхши белги эканлигини эслаб қолди.

– Турналарнинг эрта келиши яхшилик аломати! – бақирди у от устида Онатойга қайрилиб қараркан.

– Ҳосил мўл бўлади!

– Нима, нима? – эшитмади Онатой.

– Ҳосил, ҳосил мўл бўлади!

Сўнг Онатой эгар устида Эркинбек томонга қайрилиб унга қичқирди:

– Ҳосил! Ҳосил мўл бўлади!

Эркинбек эса жавобан қичқирди:

– Эшитдим, эшитдим! Ҳосил мўл бўлади!

Турналар эса ҳамон учиб бормоқда эдилар. Улар самонинг мовий оғушида чўмилиб, шошилмай сузар, бир маромда қанот қоқишиб, айланишиб, гоҳ вазмин, гоҳ кўп овоз-ла, гоҳ бирваракайига жўр бўлишиб, бир-бировларини чақиришар ва яна жимиб қолардилар. Шаффоф кун оғушида уларнинг силлиқ бўйинлари, ингичка тумшуқлари ва баъзиларининг бағрига ярим киргизиб олган, баъзиларининг эса маҳкам сиқиб олинган оёқчалари яққол кўзга ташланиб турарди. Гоҳо қанотлари четларидаги оппоқ патларининг учлари кўзга чалиниб қоларди. Ана шунда қушларни томоша қила туриб, қўшчилар галанинг секин-аста пастлаётганини сезиб қолишди. Турналар борган сари пасайиб ерга яқинлаб борар, гўё уларни қандайдир оқим ўша томонга, узоқ тепаликларга ҳайдаб бораётгандай эди. Султонмурот умри бино бўлиб турналарни бундай яқиндан кўрмаган эди. Турналар ҳамиша шарпа сингари, худди тушдагидай бош узра сузиб ўтишарди.

– Қара, қўнишяпти, қўнишяпти! – қичқирди Султонмурот ва учовлари ҳам эгарларидан сакраб тушиб, уловларини қолдирганларича турналар қўнаётган ерга қараб чопишиб кетишди.

Улар оёқларини қўлларига олиб, жонлари борича югура кетишди! Улар турналарни яқиндан кўргилари келарди: қанақа экан-а? Зўр бўлди-да!

Эҳ, Султонмурот шундай тез елардики! Ер оёғи остида пойандоз, ўзи унга пешвоз эди. Ер билан бирга қорли тоғлар ҳам унинг истиқболига югурар, кўз узмай келаётган турналар галаси ҳам кўкда чарх уриб, унга пешвоз учиб келишмоқда эди. Югуриб, қувониб,

нафаси бўғилар, юраги суюнчга тўлиб, турналарни қуваркан, агар қушлар патини тушириб қолдиргудай бўлишса, сақлаб Мирзагулга совға қилишни ва қизга бу воқеани ипидан-игнасигача ҳикоя қилиб беришни хаёл қиларди. Фақат етиб олса, турналарни кўрса бўлгани эди. У Мирзагулга нисбатан қалбида қуйилиб келаётган меҳрни туйганча чопиб борарди. Агар иложи бўлса эди, у ҳозирнинг ўзида турна пати билан тўппа-тўғри Мирзагулнинг олдига елиб борарди... Турна пати билан тўппа-тўғри қизнинг олдига...

XI

Улар югуриб боришар, шафқатсиз бир нигоҳ эса милтиқнинг мўлжал нуқтасидан мушкани уларнинг биридан иккинчиси, учинчисига тўғрилаб таъқиб этарди. Бу нигоҳ милтиқнинг нишони бўйлаб турналар томон елиб бораётган болаларни мўлжалга олар эди. Прицелдан ташқаридаги ер бепоён, улар эса чайқалиб турган мушка қаршисида шундай зарралар эдиларки... Уларнинг тепасидаги осмон прицелда нақадар катта, болалар эса мушка учида шунчалик кичкина кўринардик... Тепкини боссанг вассалом, улар йўқ бўлади... Буларнинг ҳаммаси бир дақиқада йўқ бўлиши мумкин ва улар прицелда милт-милт этмай кўярди, фақат бунинг учун тепки босилса бўлди эди.

– Эҳ, ҳозир уларни ер тишлатиб бирваракайига тутдай тўкиб кўярдим, ҳатто овоз чиқаришга ҳам улгуролмай қолишарди, – нафасини ичига ютиб, ғўлдиради мўлжал олиб турган одам.

– Бас қил, тентак! Ўқ билан ўйнашиб бўладими, бекорга мўлжалга олма, – деди унга ўсиб тўқай бўлиб кетган, худди бўрининг инини эслатувчи тепалик остидаги кўрайлар ичида отларни жиловидан тутиб турган иккинчи овчи.

Мўлжалга олувчи киши ҳамон милтиқни мўлжалдан олмай лунжини шиширганча жимиб қолди.

– Ҳаддингдан ошма деяпман сенга, – буйруқ берди унга отларни ушлаб тургани. – Чопишиб-чопишиб қайтиб кетишади. Сенга нима?

У қулоқ солмади. Дағал соқолли даҳанини милтиқ қўндоғига қўйиб прицел орасидан турналарнинг қичқириқларидан маст бўлиб югураётган беақл болаларни таъқиб этишдан маза қиларди. Унинг жаҳли чиқа бошлади. Болаларнинг чопишиб кулишини-чи! Суюнишларини кўр. Учта ўқ билан қийратиш ташласа, қимир этмай қолишарди. Чопишади – кулишади! Бироқ сабаби борми десанг. Чопишади – кулишади...

Плугчилар ҳаллослаб адирга яқинлашганларида турналарнинг яна тепага қўтарилашаётганини кўриб қолишди. Демак, ниятлари ўзгарибди. Балки уларга турналар қўнаётгандай туюлгандир?

Болалар нафасларини ростлаб, тўхтаб қолишди. Уларнинг ҳафсалалари пир бўлди. Султонмурот эса яна анча ергача чопиб борди ва турналар галасини кўзлари ёшланиб кузатганча тўхтаб қолди...

Сўнгра улар ортларига қайтишиб, яна Оқсой ерларини шудгор қила бошлашди. Бугун кун жуда яхши бўлди. Тушга яқин отларга хашак олиб колхоз араваси келиб қолди. Аравакаш уларга картошка, гўшт, ун, ўтин олиб келибди. У Чекиш бригадирнинг ўзи эртага Эргаш, Куббатқулларни улови билан олиб келишлигини айтди. Чекиш бригадир, болаларга айт, жаҳллари чиқмасин, ҳаммаси ҳал бўлган, эртага десант тўлиқ таркибда бўлади, дебди. Албатта бўлади, деб яна ваъда берибди. Бир-икки кундан кейин уларнинг олдига, Оқсойга раис Тиналиев ҳам келаркан. Аравакаш мана шундай хабарлар олиб келди. Тушда ҳаммалари бирга овқатланишди, сўнг яна шудгорлашга жўнаётганларида ошпаз кампир

Султонмуротга овулга бормоқчи эканлигини, эртага Чекиш бригадир билан бирга қайтиб келишини айтиб қолди. Овулда унинг қандайдир зарур иши бор эмиш ва яна кир ювиш учун совун олиб келиши керак эмиш. Болаларнинг оч қолмаслиги учун кун бўйи етадиган нон ёпиб ва яна гўжа пишириб қўйганмиш, уни иситиб ичишлари ҳам мумкинмиш. Султонмурот кампирнинг кетишини ҳеч хоҳламаса ҳам чор-ночор рози бўлди, кекса одамнинг йўлини тўсиб, хортишиб ўтирармиди.

Шундан сўнг қўшчилар яна ўз плуглари томон жўнашиб, кун ботгунча ишлашди. Кеч бўлганда шудгорни тамомлашди. Энди бемалол томоша қилса арзийди – катта бир майдонни шудгордан чиқариб қўйдилар. Бу эндигина биринчи майдон, э-ҳе, яна ҳали қанчаси бор. Бошламаси тайёр. Демак, охири ҳам бўлади.

Охирги пайкални ғира-шира қоронғида ҳайдаб битиришди, қайрилишларда қолиб кетган ерларни шудгорлашиб узоқ ивирсимамай, эртасига саҳардан янги майдонда иш бошлаш учун плугларни у ерга олиб бориб қўйишди.

Отларни чиқариб, шийпонга келгунларича қош қорайиб қолди. Шийпон ҳувиллаб ётибди. Қампир аллақачон кетган. Ҳа, майли, эртага келади-ку.

Кун бўйи роса чарчашди. Шошилмай бўйинтуруқларни бўшатиб, уларни отларнинг бўйнидан олишиб, жабдуқларни ечишди-да, ҳар ким ўз жойига ўтовга олиб киришди. Ўн икки бош отларнинг барини ҳам ўз жойларига, шийпонга, охур вазифасини ўташ учун келтирилган ғилдираклари йўқ эски аравага боғлашди. Ҳа, ҳар бир отни жой-жойига арава ичидаги хашакка тўғри-лаб боғлаб қўйишди. Эрталаб отларнинг қотиб қолган терларини тозалаш учун барвақтроқ туришга қарор қилишди. Қоронғида ювинишиб, кейин ўтовда гулхан ёқишди-да, унинг ёруғида гўжани иситишга эриниб совуқлигича ичишди.

Ухлашга ётишди. Султонмурот ҳаммадан кейин ухланди. Уйқу олдидан у яна бир бор отларни кўздан кечиргани ўтовдан чиқди. Отлар тумшуқлари хашакда, қуруқ бедани курт-курт чайнаб, пишқирганларича жимгина туришарди. Ҳа, бошма-бош, олтитадан от араванинг ҳар тарафида жимгина туришарди.

Ҳаво очиқ бўладиганга ўхшарди. Ой борган сари кичрайиб бормоқда эди...

Султонмурот негадир бир нимадан чўчиб, озгина айланди. Кимсасиз сокинлик, чексиз зим-зиё кеча. Иш билан, ташвишлар билан бўлиб, кимсасиз чўл бағри шунчалик қўрқинчли эканлигини сезмаган экан. У ўтовга қайтишга шошилди. Жойига ётиб узоқ пайтгача ухлаёлмади. Бирдан уйини соғиниб, юраги ғаш бўлиб қолди. Усиз онасининг ҳоли қандай кечаётган экан? Отасидан ҳанузгача ҳеч қандай дарак йўқ.

Агар бирор хабар бўлганида бугун аравакаш унга етказиб суюнчи сўраган бўлармиди. Нимани сўраса, берарди. Бироқ нимани берарди. Бу ерда ҳеч вақоси йўқ. Ярим қоп буғдой ваъда қиларди, ахир кузда колхоз уларга буғдой беради-ку, ана шуни берарди-да унга. Шуларни ўйлаб у оғир хўрсинди. Ажимурот ундан: агар отам урушдан қайтса иккаламиз Чопдорга миниб уни кутиб олгани станцияга чопамиз, Султонмурот катталиги учун олдинда, Ажимурот эса орқасига мингашиб бориши ҳақида ундан ваъда олганини эслади. Отасини кутиб олгач, унга Чопдорни бериб, ўзлари эса отаси билан ёнма-ён югуришларини, онаси ва бошқа узоқ-яқин кишилар уларга пешвоз чиқишини тасаввур қилди... Эҳ, қани эди шундай бахтга муяссар бўлганида эди, у Чопдорни плугдан чиқариб чоптириб кетарди. Кейин эвазига юз ҳисса кўпроқ ишлаб берарди.

Султонмурот аста йиғлай бошлади, чунки бундай бахт, эҳтимол, ҳеч қачон рўй бериши мумкин эмаслигини ғира-шира англарди...

Сўнгра у Мирзагул билан сой бўйида учрашганини эслаб қоронғида жилмайди. Ҳатто ҳозир ҳам қизнинг қўллари тафтини, гўё ўша қўлларнинг унга: «Мен хурсандман! Мен жуда бахтиёрман! Менинг қанчалик бахтиёр эканлигимни наҳот сезмаётган бўлсанг!» – деганини эслади. Қизга тикиларкан, унинг қиёфасида ўзини кўрганлигини ҳам ва Мирзагул ўзи эканлигини сезиб қолиб ҳайратланганини ҳам ёдга олди. Мирзагул ҳозир ухлаётган бўлса керак. Эҳтимол, мана шу дақиқаларда Мирзагул ҳам у ҳақда ўйлаётгандир. Ахир Мирзагул бу – Султонмурот-ку. Султонмурот гимнастёркаси чўнтагидаги Мирзагулнинг рўмолчасини пайпаслаб, силаб қўйди...

Шундай ўйлар билан уни мудроқ босиб уйкуга кетди. Қаттиқ ухлаб қолди. Сўнг тўсатдан уни қандайдир ёмон туш чулғаб олди. Кимдир уни бўққанича қўлини қайиранди. У шунда уйғониб кетди, кўрққанидан бақирришга ҳам улгуролмади. Кимнингдир аччиқ махорка ҳиди анқиб турган катта – қаттиқ кафти унинг оғзини беркитди.

– Жонингдан умидинг бўлса жим бўл! – деди хириллаб унинг қулоғи остида махорка ҳидини анқитиб, пишиллаганча қўпол бир одам. У одам темирдай панжалари билан Султонмуротнинг жағини синдиргудай пастга босиб, оғзига латта тикди. Султонмурот ўзига келганда қўллари арқон билан орқасига боғлаб қўйилган эди. Уни совуқ тер босиб ўзидан-ўзи титрай бошлади. Ўтовдаги бу икки одам ким, нега уни боғлаб қўйишди?

– Буниси тайёр, – шивирлади бири иккинчисига. – Наригиларига кетдик.

Улар Онатой ётган томонда қоронғиликда пайпасланишди. Онатой қичқириб типирчилади-ю, аммо уни ҳам чандиб ташладилар.

Эркинбекнинг эса бошига туширишди шекилли, у бир инграб жимиб қолди.

Султонмурот ҳамон нима бўлаётганини тушунмасди. Латта оғзини беркитиб қўйганидан у бўғилар, қўллари арқонда қисилиб оғрирди. Ўтов зулмат оғушида эди. Бироқ бу одамлар кимлар, нега улар бу ерга келишди. Улар нима учун бундай қилишяпти, ниятлари нима, балки уларни ўлдиришмоқчидирлар? Нега?

Султонмурот қутулмоқчи бўлиб, типирчиларди. Шунда бу одамлардан бири уни тиззаси билан босиб, темирдай бармоқлари билан калласига ниқтаганча секин дона-дона қилиб деди:

– Кўпам шатталайверма. Эшитяпсанми? Сен бу ердагиларнинг каттасига ўхшайсан. Биз жавобга тортилмаслигингиз учун сизларни боғлаб ташладик, сизларнинг бу ерда дахлингиз йўқ. Уқдингми? – деди у ҳамон темирдай бармоқлари билан унинг калласига чертиб. – Ақл ишлатсаларингиз ҳаммаси жойида бўлади. Сизларни бу ердан топишганда воқеа қандай юз берган бўлса ҳаммасини шундай айтиб берасизлар. Сизларни қандай қилиб сўроқ қилишлари мумкин? Аммо кимки ҳозирдан ҳаммадан бурун бирор ҳаракат қилиб типирчилайдиган бўлса итдай савалаб ташлайман. Ўлдираман! Жим ётинглар. Ўлиб қолмайсизлар.

Улар қаттиқ ҳансирашиб, сўкинишиб, тупуришганча ўтовдан чиқиб кетишди. Султонмурот уларнинг отлар боғлоғлиқ турган жойда нимадир қилишиб, пайпасланаётганларини, отларнинг қўрқувда типирчилаётганларини эшитди. Бир оздан сўнг кўплаб туёқларнинг тақиллаши, қамчи овозлари аралаш яна қандайдир сўкинишлар эшитилди-ю, туёқларнинг овози узоқлашиб, тез орада бутунлай эшитилмай қолди.

Фақат шундагина Султонмурот содир бўлган воқеанинг даҳшатини тушуниб етди. Ўғрилар уларнинг қўшчи отларини ҳайдаб кетишганди. Алам ва ғазаб юрагини ўртаб юборди. У қўлларини бўшатишга уринди-ю, аммо ҳеч нарса қилолмади. Нафаси қисилиб, бошини у

ёқ бу ёққа буриб, тили билан оғзидаги латтани итара бошлади. Оғзига худди ўт солиб кўйилгандай аланга олиб, нафаси қайтиб, қон оқа бошлади. Ниҳоят оғзидаги лаънати латтани тупуриб ташлашга муваффақ бўлди. Гўёки озодликка чиққандай бўлди. Ўпкасини тўлдирган ҳаводан боши айланиб кетди.

– Болалар, бу менман! – қичқирди у калласини кўтариб. – Менман! Мен гапиряпман!

Бироқ ҳеч ким унга жавоб қайтармади. У Онатой, Эркинбек жойларида қимирлаб кўйганларини эшитди.

– Болалар, – деди у шунда, – кўрқманглар. Мен ҳозир. Ҳозир бирон нарса ўйлаб топаман. Фақат менга кулоқ солинглар. Онатой, қимирлагин, қаердасан?

Онатой инқиллаб, типирчилаб ўрнидан тура бошлади.

– Шошма, Онатой! Жойингда тур! – Султонмурот кийимлар ва жабдуқлар устидан у томонга отилди. – Энди орқанг билан менга суян, кўлларингни кўй. Эшитяпсанми, кўлларингни кўй...

Улар орқама-орқа ётишди. Султонмурот дўстининг кўлидаги арқонни пайпаслаб топди. Онатойга қандай ётиш, ўгирилишни айтиб, ўзи арқоннинг тугунларини топишга тутинди. Онатойни оғриққа чидашга ундаб, ўзи охири қандайдир тугунни топиб, уни тортиб юборган эди, арқон бўшади. Энди Онатой кўлларини ўзи бўшатиб олди...

XII

От ўғрилари шошилмай кетишарди. Улар отларни гоҳ йўрттириб, гоҳ йўрғалатиб боришарди. Қоронғида отларни чоптириб бўлмади, кейин бунинг ҳожати ҳам йўқ эди. Иш силлиқ кўчди. Кимдан қочишсин – гўдак болаларданми? Юз чақирим атрофда эса тирик жоннинг ўзи йўқ. Болалар эса тупканинг тагида боғлоғлик

ётишибди. Ҳалиям ишни бундай кўчганидан тақдирдан миннатдор бўлишсин...

Улар тўртта отни олиб кетишмоқда эдилар. Ҳар қайсиларига бир жуфтдан бўлади. Бошқа олиб бўлмасди. Худо кўрсатмасин, шу ёғини ҳам ҳазм қилиб олишса бўлгани эди... Кимсасиз жойлардан узоқ юришлари керак. Тошкент атрофларига боришнинг ўзи уч кунлик йўл. Яна у ёғига қанча йўл юриш керак. Етиб олишса бўлгани. У ёғига иш осон кўчади. Тошкентдаги Олой бозорида гўшти килолаб эмас, мисқоллаб сотишади. У ердаги одамлар савдонинг тилини билишади, укувли. Бировга ошириб юборишади. Энди бу ёғи уларнинг иши. Аммо ҳозир гўшти тиллага баравар бўлиб турган тўртта семиз отнинг пулини олиб кетишнинг ўзи бўлармикин? Ҳазилдан ташқари, бу жумбоқ! Шунча пулни нима қилишади! Росаям ўмаришди-да! Тезроқ бўла қолишса эди. Энди топиб бўлишибди. Пул бўлса жуфтакни ростлаш қийин эмас. Кетишлари, қўлга тушмасдан бурун алақачон бу ердан жуфтакни ростлашлари керак эди. Ушласа – тамом! Трибунал! Энди тутиб бўлишибди! Пул бўлса, чангалда шўрва. Тошкентнинг нарёғида, эҳе, яна қанча шаҳарлар, ерлар бору...

Тақдир деб бекорга айтишмайди. Ўзиям бўларича бўлгандилар. Қани қорбўрон, қаҳратонда тоғда кезиб кўр-чи, ана у архарни қўлга тушириб кўр-чи, қўлга туширганигда-чи, гўшти бу пайтга келиб нимага ярарди, ориқ, қуруқ чандирнинг ўзи. Тишинг ўтмайди. Бунинг устига, патронлар ҳам тугаб бўлган эди. Узоққа боришолмасди. Шундай пайтда худди осмондан тушгандай бу болаларнинг плуглари билан пайдо бўлиши кимнинг хаёлига келибди. Худонинг уларга юборган инъоми! Олло бор, у тепамизда муқаррар – ҳар кимнинг ризқ-насибасини бўлиб қўйган.

Бир чеккадан танламай олаверишди, отларнинг бари териб олингандай, барининг қовурғаларида икки энли ёғ,

бунақасини оламни айланиб чиқсанг ҳам тополмайсан. Ҳил-ҳил гўшт бўлади, еб тўймайсан. Худо бор, у тепамизда муқаррар! У ризқ, ўлжа юборди, омад юборди!..

Улар шошилмай боришарди. Отларнинг вазини йўқотишга зарурат йўқ эди. Бунақа отлар Олой бозоридаги қассобларнинг тушларига ҳам кирмаган. Пулни беру, олавер, очофатлар!..

Мана, саманлар олдиндан тайёрлаб қўйилган жиловларда тўртовлари йўртиб, пишқиришиб боришяпти. Қани энди ўзларини қаёққа олиб кетишаётганини билишса эди. Ўғирлаб олиб кетиш ҳам олдиндан ўйлаб қўйилган. Йилқиларни тўдаси билан ҳайдаб бўлмайди, тарқаб кетишади. Бири ўртада жиловни қўлида тутганича эгарда ўтириб олган, узун жиловлардаги отлар эса иккитаси чап томонида, иккитаси ўнгда борарди. Ортада малла от миниб олган шериги эса қамчи билан тезлаб ҳайдаб, тўхташга йўл қўймасди. Фақат бир маромда, секин ҳам эмас, тез ҳам юришмай кетишарди. Ақл билан, фақат ақл билангина иш юритиш талаб қилинарди...

ХIII

Чопдор жойида турарди, Султонмурот ўтовдан чиқа солиб, Чопдорга минди-да, атрофга аланглаб қичқирди:

– Онатой, овулга чоп! Имилламай югур! Одамларимизни чақир! Мен уларни алаҳситиб тураман! Уларга етиб оламан! Фақат сен тезроқ бўл. Сен, Эркинбек, шу ердан бир қадам ҳам силжима. Уқдингми! Чоп, Онатой, чоп!..

Ўзи эса Чопдорда узоқлашиб бораётган отларнинг туёқ товушларини тусмоллаб ўғрилар томон елиб кетди.

Тезроқ, тезроқ, Чопдор оғажоним, олға, уларни қувиб ет! Мен йиқилиб тушмайман, майиб ҳам бўлмайман! Мен учун хавотирланма. Олға, Чопдор! Агар ўлсак бирга ўламиз, фақат тезроқ чоп, тезроқ, тун қоронғи, тушунаман. Қўрқинчли, сенга ҳам қўрқинчли. Бари

бир олға боравер. Тезроқ, тезроқ! Қани улар? Олдинда йилтираб кўринаётган нарса нима? У ёқда нимадир қи-мирлаяпти, қўлдан чиқариб юбормасак бўлгани. Олға, Чопдор, олға... йиқилиб қолмагин-а, Чопдор, йиқилма...

XIV

– Қувишяпти! – кўрқув аралаш қичқирди яқинлашиб келаётган от дупурини эшитган ўғрилардан бири.

Сўнг улар жоловни бўш қўйишиб, аввалига отларни йўрғалатиб, кейин чоптириб кетишди. Энди салқинлашга вақт йўқ. Таваккал, бўлганича бўлар. Энди қочиш керак, орқа-олдга қарамай қочиш керак.

Олдиндагиси олиб кетаётган отларнинг юганини ўзига тортиб эгарга энгашди. Орқадаги шериги эса кучининг борича қамчилаб отларни шоширарди. Чопиб бораётган отлар туёқлари дукурдан ер ларзага келди. Қулоқлар остида шамол хуштак чаларди. Тун чексиз, қоп-қора пишқириб оқаётган тўлқинли дарё сингари шитоб билан уларга пешвоз еларди.

– Тўхта! Қочиб қутулолмайсанлар, тўхта! – дея қичқирарди Султонмурот уларга борган сари яқинлашиб бораркан. Лекин унинг товуши қутуриб чопиб бораётган отлар шовқин-суронидан узук-юлуқ эшитиларди, холос.

Чопдор! Отларнинг асили Чопдор! Отасининг Чопдори! Қандай елди у! Худди қувиб етмаслиги мумкин эмаслигини аниқ сезгандай, Оқсойдаги бу тунги пойгада йиқилишга ҳақи йўқлигини тушунгандай эди.

Султонмурот от ўғриларига тезда ён томондан етиб олди, отларни жоловидан ушлаб бораётганликлари учун қочиб қутулиш уларга унчалик осон эмасди.

– Отларимизни қайтариб беринглар! Беринглар! Биз улар билан ер ҳайдаймиз! – бақирарди Султонмурот.

Ўғриларнинг бири чопиб бораётиб отни четга бурди, отдан ағдармоқчи бўлиб йиртқичдай унга ташланди.

Аммо Чопдор чап бериб қолди. Баракалла, Чопдор, баракалла! Ўзини таъқиб қилаётган от ўғрисида қочиб Султонмурот олдинга ўтиб олди, ёнбошидан бориб, олдингисини қисиб, отни қайиришга интила бошлади:

– Қайт орқага! – бақирди у.

– Қоч, ўлдираман! – қичқирди униси отини буриб, аммо Султонмурот яна ўғрининг олдини кесиб чиқар ва уни қисиб бориб, тўғри кетишга халақит берарди.

Улар шу зайлда боришарди. Шериги ҳар гал уни қувиб юборар, Султонмурот эса гоҳ у, гоҳ бу томондан ўтиб йўлни кесганча уларнинг қочишига халақит берарди.

Шундан сўнг бирдан ўқ овози эшитилди. Султонмурот уни эшитмади, фақат ярқ этган ўтни ва бир дақиқа ёришиб кетган бепоён Оқсой бўшлиқларини, ёнидан ваҳшийларча чопиб ўтаётган қоп-қора отларни ва одамларни кўриб ҳайратланишга улгурди, холос.

Ўзи эса бир чеккага отилиб кетди ва тошдай ерга урилиб умбалоқ ошиб тушди, сўнг оёққа туриб, шу заҳотиёқ тагидаги оти қоқилиб кетмаганлигини тушунди. От калласи билан ерга урилиб ёнбошлаганча хириллар, гўё ҳамон чопишга интилаётгандай жон ҳолатда туёқларини кўтаришга уринарди...

Султонмурот оғриқ ва ғазабдан жони борича бақириб, нима қилаётганини ўзи ҳам билмай от ўғрилари изидан чопди:

– Тўхта! Қочиб қутулолмайсанлар! Етиб оламан! Сизлар Чопдорни ўлдирдинглар! Отамнинг оти Чопдорни нимага ўлдирасанлар!

У ўзини билмай ғазаб ва жон-жаҳди билан югурар, уларнинг ортидан худди етиб оладигандай, тўхтатиб орқага қайтариб қола оладигандай қувиб борар эди. Ўғрилар қочмоқда, от туёқлари қоронғида тақиллаб, борган сайин узоқлашмоқда, у бўлса жаҳл устида муроса қилишни хоҳламай, ҳамон қувиб бормоқда эди. У елдек учиб борар, бутун вужуди қизишиб, баданла-

ри ачишиб, айниқса қип-қизил қонга ботган қўллари ловиллаб қувиб бораётгандай туюларди. У шунча тез, шунча кўп югургани сайин юзи ва қўллари шунчалик ёнар эди...

Охири у йиқилиб тушди, бўғилиб энтикканича юма-лаб кета бошлади. Чидаб бўлмас даражада оғриётган юзи, қўлларини қўйгани жой тополмасди. Унинг ғазаби қайнаб, бу тунни лаънатлар, кўзларида чексиз аламли аланга билан инграб, фиғон чекарди.

У отларнинг туёқ товушлари аста-секин узоқлашиб бораётганини эшитиб турарди. Ер борган сайин узоқдаги туёқ товушини ютганича заифлик билан секин титрарди. Тез орада атрофдаги ҳамма нарс тинчиб, жимиб қолди...

Шунда у ўрнидан туриб, орқага тисарилганча, алам билан хўнграб йиғлаб юборди. Энди ўзини ҳеч нима ва ҳеч қандай йўл билан овутолмас, кимсасиз тунги Оқсойда эса уни юпатадиган ҳеч зоғ йўқ эди. У йиғи аралаш Ажимуротни ўзи билан отаси урушдан қайтганда кутиб олгани бирга чиқамиз, деб ваъда берганини эслади. Йўқ, энди ҳеч қачон Ажимурот билан отаси фронтдан қайтганида Чопдорга миниб, отни чоптириб уни станцияда кутиб олишолмайди. Улар энди Оқсой ерларига мўлжалдаги донни эка олишмайди. Энди улар тишлари ойнадай ялтираган плугларини судраб Оқсой далаларидан қайтганларида тантанали, қувончли кун бўлмайди. Мирзагул ҳам шоду хуррам бўлиб кўчага чиқмайди, унинг овулга кириб боришини кўрмайди ҳам, ҳайратланмайди ҳам. Умидлари чил-чил бўлди. У шунинг учун йиғламоқда эди...

XV

Шамолда иссиқ қон ҳидини тобора аниқроқ искаб бораётган бўри борган сари иштаҳасинн карнай қилиб юборган ўша ис анқиётган жой томонга думини

қисганича чоғиб борарди... Қиш бўйи озиб қолганига қарамай бу кекса йиртқич ҳамон баҳайбат эди. Оқсойдан сайғоқлар кетгунларича у қишни бир амаллаб ўтказарди. Энди эса сайғоқлар урчигани Оқсойдан катта қумлоққа кетишган. Ёш бўри галалари бўлса тоғларда ҳолсизланиб қолган архарларни сўқмоқларда тутиб юришибди. Қари бўри энг оғир дамларни бошидан кечирарди. У қишки уйқудан кейин суғурларнинг пайдо бўлишини кутарди. Кунлаб, соатлаб кутарди. Суғурлар яқин кунлар ичида офтобга чиқишлари керак эди. Бу ўлимдан қутулиш демак эди. Суғурлар ер остида, ўзларининг чуқур, тубсиз инларида шунчалик узоқ ётгандики! Бу кунларда Оқсойда бўри қанчалик очлик ва зеркиш билан яшамади!

Бўри ўлжанинг бегона бўлишидан чўчигандек қоннинг ўзига тортувчи ҳиди томон елиб борарди. Бу ё катта ўлжа, ё отнинг жасади эди. Тер ва гўшт ҳиди унинг бошини айлантириб, маст қилиб қўйганди! Бу бўри умр бўйи тўдаси билан уч ёки тўрт мартагина отларни қувишга муваффақ бўлганди, холос.

Бўри ярим очиқ оғзидан сўлагини оқизиб, бўм-бўш ошқозонида қаттиқ оғриқ сезганича чоғиб борарди. Бўри булутли тонг ғира-ширасида чоғиб бораётган оқиш сояга ўхшаб еларди.

Бўри шундоқ чоғиб боришда ўлжаси устига ташланмоқни қанчалик хоҳламасин, кўникма кўникмалигини қилди – ўзини тутиб, узоқдан, ўлжаси атрофини бир айланиб олди. Айланди-ю, довдираб қолди – ўлик от ёнида одам бор эди. Одам кўрқиб ўрнидан турди.

– Эй! – бақирди Султонмурот ерни тепиб.

Бўри тисланиб, думини оёқлари орасига қаттиқ қисиб, хоҳламайгина, бир четга қочди. Кетиш керак эди. Одам турибди. Одам ўлжани олиб кетишга халал беради. Бўри сал нарироқ қочиб бориб бирдан тўхтади-да, паст овозда улиб одамга юзланди. Бўрининг кўкиш, бе-

саранжом кўзлари қаҳр билан ёнарди. Калласини эгиб, тишларини ғижирлатиб, ғазаб билан секин-аста яқинлаша бошлади.

Султонмурот бўрини хатарга солувчи қичқириқ билан тўхтатди ва Чопдорнинг бошидан юганини ечиб олишга улгурди. У тезда юган билан оғир темир сувлиқни ўраб дастак қилиб олди. Энди сувлиқ унинг қуроли бўлиб қолди.

Бўри яна ҳам яқинроқ келиб ерга ётиб олди, жунларини хурпайтириб, сакраш олдидан худди қисилган пружинадай қотиб қолди.

Султонмурот умрида биринчи марта ўз юрагининг уришини яққол эшитди – у кўксида қаттиқ қисилиб турган юмалоқ нарсага ўхшаб тепарди...

Султонмурот юганини қулочкашлаганча, хиёл энгашиб, курашга шай бўлиб турди...

ЮЗМА-ЮЗ

Қисса

Муаллифдан

Ўз ижодий тажрибамда илк бор анча илгари нашр этилган асаримга қайтмоқчиман. «Юзма-юз» қиссаси ўттиз йиллар муқаддам ёзилганди. Сирасини айтганда, ушбу чоғроққина асар билан менинг ижодий йўлим бошланган. Агар у ҳозирги китобхон учун азиз бўлган қандайдир маъно-мазмунни ўзида сақлаган бўлса, фикримча, бу энг аввало шуни кўрсатадики, бу асар юрагим тубидан сизиб чиққан экан. Мен унга ўша пайтда англаб етган ҳаётий тажрибамни жойлашга уриндим, зеро менинг ўспиринлик ва ёшлик чоғларим уруш ва ундан кейинги илк йилларга тўғри келганди. Ўн тўрт ёшимда овул советига котиблик қилдим, сўнг солиқ йиғувчи бўлдим. Буларнинг ҳаммаси катта синов тариқасида мендан, менинг мурғак руҳиятимдан сизиб ўтди. Мен одамларни ўша уруш ва урушдан кейинги йиллардаги оғир вазиятларда кузатдим ва ўзим ҳам чекимга тушган насибамни тотдим.

Бугун ўтмишни ёдга олиш шарт эмасдек, лекин ҳозир гувоҳи бўлаётганимиз ижтимоий кўтарилишдан кейин, мен бунда биз учун аввал таъкидланган ижодий қопқаларни очиб юборган қайта қуриш ва ошкораликни кўзда тутмоқдаман, биз ўша пайтлари адабий поллизлардан жуда кам ҳосил кўтарганимиз анчайин аниқ кўриниб қолди. Ҳа, кўп нарса тақиқланганди, кўп нарса бир ёқлама талқин қилинарди, айтайлик, урушни, уруш пайтидаги одамни қандай тасвирлаш кераклиги ҳақи-

даги ўрнашган қатъий нуқтаи назарлар мавжуд бўлиб, – биз ахир ғолибмиз, демак, адабий қаҳрамон ҳам шунга мос ҳолда ҳаракат қилмоғи лозим. Мана энди талай йиллар ўтгач, ўша кезлар жуда ёш бўлган прозаик фойдасига айтишим мумкинки, билишимча, ўша пайтда ҳеч ким қаламга олмаган мавзу – қочоқ, унинг аёли ва онаси тақдири мавзуига мурожаат қилган эканман.

«Юзма-юз» қиссаси «Октябрь» журналида чоп этилди, китобхонлар эътиборига сазовор бўлди, танқид ҳам уни четлаб ўтмади, лекин такрор айтаман, орадан кўп вақт ўтди ва мен яна қиссага қайтишга, ўша кезлар цензура талаблари бўйича воз кечишга мажбур бўлган – асарим тақдирини чигаллаштириши мумкин бўлган айрим боблар, қаҳрамонларимнинг айрим ҳаракатларини қайта тиклашга қарор қилдим.

Фикримча, ўша замон кишилари фожиасининг бус-бутун теранлигини кўрсатишга энди эришдим, гап шундаки, уруш биз учун нафақат зафарли тарихий воқелик, балки у алоҳида олинган ҳар бир инсон учун ҳам оғир синов бўлди. Ҳозир биз куйиб-пишаётганимиз ҳақиқатлар, уруш ўз ҳолича мудҳиш ҳалокат манбаи, ҳар қандай ҳолда ҳам, ҳатто ғолиб томонга ҳам улкан фалокат ва сон-саноксиз қурбонлар келтирувчи офат эканлиги ўша йиллардаёқ англанди эди. Ўшандаёқ, алоҳида шахс, якка инсон билан жамоавий бурч, хусусан, ҳарбий бурч ўртасида зиддият юз кўрсатган эди.

Аввалги таҳрирда бу зиддият бирмунча четлаб ўтилган, бунга биз бир пайтлар синфий кураш омили деб ўйлаганимиз қулоқлаштириш мавзуси муайян роль ўйнаган эди. Қулоқлаштириш, чиндан ҳам синфий кураш бўлиб, бу кураш соғлом кучлар, меҳнаткаш деҳқонларга қарши қаратилган бўлиб, бунинг устига у неча-неча деҳқонлар авлоди томонидан тарбия топган меҳнаткаш деҳқон психологиясига қарши қаттол кураш эди. Худди ана шу зиддият, ушбу тўқнашув, ушбу

қарама-қаршилик менинг қочоқ қаҳрамоним тақдирига таъсир ўтказади. Ижтимоий нуқтаи назардан, халқона ахлоқ нуқтаи назаридан бу нималарни англатишини китобхонга уқтиришга уриндим, лекин бир пайтнинг ўзида мен бу одам ва унинг оиласи, ушбу зиддиятдан беҳуда бўйин товлашга, шахс ва бурч орасидаги ечимсиз баҳсдан қочишга уринган одамлар фожиасини кўрсатишни ният қилдим.

Фикримча, мен қай бир даражада қиссам тўқис ҳолда ёзилиши керак бўлган дастлабки ниятни, ҳарқалай, яна таъкидлайманки, кўп йиллар ўтган эса-да, қайта тиклашга эришдим. Дарвоқе, менинг қаҳрамонларим тушган ҳаётий коллизия, кейинчалик, аниғи, салкам икки ўн йилдан сўнг Валентин Распутиннинг «Омон бўлсанг, унутма» қиссасида ўз тасвирини, ҳатто менимча, янада ёрқинроқ тасвирини топди. Уни ўқиган кезлар мен ўз асаримга боқмаган, уни синчиклаб қайта ўқимаган эдим, мана энди асаримни қайта бичиш пайтида туйқус кўрдимки, икки-уч жумлада бўлса-да, менда ҳам ўша мотив мавжуд экан. Лекин, маълум бўладики, гумон тасдиқланмагач, қўрқув унутилади, аёл тинчланади, Распутинда эса бутун ажойиб қисса ушбу мотив устида курилган. Лекин мен афсус қилмайман – биров бундай ёзади, бошқа биров ундай тасаввур қилади. Ҳозир мен аввал айта олмаганларимни эсладим, ўшанда эса улар қабул қилинмас, анланмас эди.

Бир пайтлар қулоқлаштириш мавзусига боғлиқ бўлгани учун асарга киритишга журъат этмаган бир сюжет ўйлаб кўргандим. Энди эса қаҳрамонимнинг волидаси вафот этиши, у эса яқин орада бўлишига қарамай, уни дафн эта олмаслиги ҳақидаги бутун бир боб қайта тикланди. Фарзандининг чорасиз аҳволини кўрган она ўлимидан бир оз олдин уни қачонлардир қулоқ қилинган дўстлари қочган жойга кетишга даъват қилади. Ана

шу ерда фожиа мавзуининг муҳим жиҳати вужудга келади.

Хулоса қилиб айтганда, мени илк қиссамга қайтиб иш кўришга ундаган швейцариялик ноширим, хайрихоҳ дўстим ва умуман айтганда, ажойиб инсон Люсьен Лейтесга ташаккуримни изҳор этмоқчиман. Унингсиз бу ишнинг амалга ошуви даргумон эди. Мен ундан миннатдорман, зеро ўттиз саҳифа материал қўшганимдан сўнг ҳис қилдимки, бу амал, ҳарқалай беҳуда кетмади, ўз натижасини берди.

1988 йил

Шамол учириб келган япроқлар кичкинагина станциянинг кечаси милтиллаб кўринган ёлғиз фонусига урилиб, парвонадек айланарди-да, қоронғида кўздан ғойиб бўлишарди.

Шу кеча теракларнинг япроқлари тинмай тўкилиб турди. Шамдек терилган қалин тераклар шамолнинг зўридан уч-учларидан то илдизигача зарб еб, дам-бадам тебранишарди. Терак шохлари юқорида денгиз сингари чайқалиб шувуллашаркан, ўз бошларига тушган аллақандай оғир мусибат тўғрисида бир-бирлари билан ҳасратлашаётгандек туюларди. Дара бўйлаб эсган муздек шамол уларни бугун тунда бир йўла шипшийда қилмоқчига ўхшарди.

Қорайиб кўринган Қоратоғ дарасида қоронғи тун. Даранинг энг пастки этагида жойлашган станция атрофи янада қоронғироқ. У кўзга ғира-шира кўриниб турарди. Қаттиқ уйқуга чўмган тун фақат станциядан поездлар нари-бери ўтгандагина ёруғдан кўзи қамашгандек сесканиб кетарди-да, яна ўша заҳотиёқ атрофни зулмат қопларди. Поездлар ўтиб кетгандан кейин, анча вақтгача станцияда қимирлаган жон йўқдек, теварак-атрофни чуқур сукунат чулғаб оларди.

Бу йил кузда эшелонларнинг кети узилмай ғарб томонга қатнаб турди. Мана ҳозир ҳам олисдан чангга ботиб, ҳориб-чарчаб келгандек, узун таркибли эшелон бир-бирига тақ-тук урилиб, станцияга келиб тўхтади. Поезддан бирон кимса тушмади. «Бу қайси станция?» деб ҳеч ким қичқириб сўрамади ҳам: ҳориб келган бутун эшелон ширин уйқуда. Этигини дўқиллатиб, фонусини ола югурган станция навбатчиси паровозни кўздан кечириб бораётганда, охирги вагонларнинг биридан милтиқли бошини чиқариб қаради. Ташқарида,

таниш дарада одатдагидек тунги шамол эсиб, станци-
янинг пастқам, ёлғизоёқ кўчасининг нариги томонида
шовуллаб оқаётган сув ер остидан қайнаб чиқаётган-
дек кўпикланиб турарди. Теракларнинг шатир-шутур
тўкилаётган япроқлари киши қалбига хазин маъюслик
бахш этарди. Ҳалиги одам қоронғида бировнинг шар-
пасини эшитгандек бўлиб, теракларнинг шувуллаш-
рини анча вақтгача тинглаб турди. Шу маҳал муздек
бир япроқ учиб келиб унинг юзини ялаб ўтганда, эти
жимирлаб, сесканиб кетди-да, чироғи хирагина ёниб
турган вагон ичига, кейин ташқарига яна назар ташла-
ди. Атроф зим-зиё, ҳеч ким кўринмайди.

Бир оздан сўнг вагондан пинҳона ажралган бир киши
югурганича ариқ бўйидаги буталар орасига энгашиб
бориб, кўздан ғойиб бўлди. Ҳаял ўтмасдан «Чур-р-р»
этган қаттиқ ҳуштак овози эшитилди. Милтиқли киши
ўрнидан тура солиб югурди-ю, яна шу заҳотиёқ ўзини
ерга ташлади-да, жим қолди. У ўзича: навбатчи ҳуштак
чалиб, эшелонни жўнатаётган бўлса керак, деб ўйлади.
Жим турган вагонлар, гўё бир-бирларини уйғотгандек
тебранишиб, поезд ўрнидан кўзғалди.

Эшелон кўприкдан тақ-туқ ўтиб, туннелга яқинлаш-
ди. Орқадаги, ялт-юлт этиб турган қизил чироқлар кўз-
дан ғойиб бўлганда, паровоз яна дамани ростлаб, бир
оз тинчиган кичкина станция билан хайрлашаётган-
дек бор кучи билан девдек бўкирди. Унинг узоқларга
янграб кетган овози тоғ қояларигача етиб борди-да,
ҳамма ёқни ларзага келтириб, теракларда тунаган зоғ-
чаларни ҳам уйқусидан чўчитиб юборди. Овозлар боси-
либ, безовталанган зоғчалар тинчигандан сўнг, поезд-
дан тушиб буталар орасига яшириниб ётган киши сув
остидан чиққандек энтикиб-энтикиб нафас ола бошла-
ди. Эшелон тобора узоқлашган сари ғилдиракларнинг
темир йўлга тақ-туқ этиб урилган овозлари ҳам йи-
роқлашиб борарди.

Шу кеча теракларнинг япроғи тўкилиб чиқди. Қоратоғ дарасида қоронғи тун...

Кўзи ёригандан бери Саиданинг уйқуси куш уйқусидек сергак бўлиб қолди. У ҳозир ҳам гўдакни қайта йўргаклаб, липиллаб ёниб турган пилта чироқ ёруғида бешикка бағрини бериб, боласини эмизиб ўтирибди. Тўрда кўрпа устидан чопон-мопонларини қалин ёпиниб қайин онаси ётарди. Кампир кексайиб қолган, касал қўй сингари хириллаб йўталар, худога сиғинишдан бўлак нарсани билмасди. Ҳатто тушида ҳам нукул «эй, парвардигор, ўзинг биласан...» деб кўярди. Шундай бўлса-да, Саида колхозга ишга кетганида, кампир эплаб-сеплаб боласига қарайди – бекор ўтирмайди.

Шўрлик нима ҳам қилсин! Болани аёллар ишлаган жойга кўтариб бораркан, лаб-лунжи кўкариб, энтикиб турса ҳам, ўз ишидан нолимайди. Ёлғиз келинининг кўз очиб кўргани – набирасига у қарамай ким қарасин!

Тун аллақачон ярим кечадан оғиб кетган, бироқ кўзга ҳеч уйқу келмайди. Замона шундай бўлгандан кейин ухлаб бўлади дейсизми?! Уруш, даҳшатли уруш кетяпти, «Герман», «фашист», «чақириқ қоғози» деган ғалати сўзлар чиқиб қолди. Овулда кунига қий-чув, кунига бўйинларига халта-тўрваларини осиб олган йигитлар... Хўш! Хайр энди, йиғлаб-сиқтаб юрманглар!» деб телпақларини бостириб кийиб олган эркаклар тўп-тўп бўлиб аскарга жўнар эдилар. Уларнинг орқасидан йиғлаб қолган хотин-халажлар изиллашиб, аравалар олис кетгунча тепаликдан кузатиб туришар, сўнгра шумшайиб уйларига хомуш қайтар эдилар. Замона энди нима бўлади? Энди уларнинг ҳоли нима кечади?

Аскарга кетганлар қайтиб келармикин?

Ўтган ёзда чўпон қизи Саида ўша овулга келин бўлиб тушганида, уларнинг уйи ҳали қурилиб битмаган эди. Тўрт девори тикланиб, усти ёпилгани бўлмаса, ҳали ишнинг энг оғири – сомон сувоғи, қум сувоғи турган эди.

Улар ахён-ахёнда колхоз ишидан бўшаган пайтларидагина бундай ишларга қўл урардилар, холос. Балки Саиданинг бахти ҳам ўша пайтларда очилиб кетгандир... У қаллиғи билан том орқасида лой қориб юрган кезлардаги қувноқ кунларни қўмсар эди. Улар ариқдан шилдираб оқиб келаётган илиқ сувни буриб қўйиб почаларини сонларигача шимариб олиб, тупроқ билан сомонни ара-лаштириб лой қоришиб юрганларида қаллиғи Саиданинг бақувват қўлини сиқиб ушлаб, секингина билдирмасдан лой остидан унинг оёғини босиб тегишаркан, у шунчаки аччиқланиб қўярди:

– Қўйсангиз-чи, сизга нима бўлди. Онам кўриб қолса, уят бўлади! – дерди-ю, ўзи бўлса эркаланиб қиқиркиқир куларди:

– Қўйсангиз-чи, э-э, юзингизнинг лойига бир қаранг-а!

– Ўзинг-чи, олдин ўзингни бир томоша қил-а! Шунда Саида ерда ётган камзулчасининг чўнтагидан кичкинагина тошойначасини олиб қаллиғига кўрсатмай, тескари бурилиб ўзига қарарди-да, лой сачраб қизариб кетган юзларини кўриб, ўзи ҳам шуни истагандек ёш болалар сингари яйраб куларди. Бетга сачраган лой ҳам гапми? Майли, сачрай берсин, ундан кишининг гўзаллиги кетиб қолмайди-ку!

Саида кечкурун ариқда чўмилиб, ўрик тагидаги тўшакка кирар экан, унинг муздек сувдан роҳатланган баданидан оқар сувнинг ёқимли тафти чиқиб турганини ва бундан ўзи ҳам алланечук хушрўй бўлиб кетганини сезиб ётарди... Улар ташқарида ётиб юрган ўша тунларнинг гашти ҳам ўзгача эди. Осмоннинг бир чеккасидаги булутлар билан чирмашган қорли тоғ қоялари устида чарақлаб ёнган бир тўда юлдузлар оқ садафдек товланиб кўринарди. Тоғдан эсанг салқин шамол кўрпанинг паст томонидан сизилиб келиб, кишининг юзини силаб кетгандек бўларди. Бир бедана ариқнинг нариги ёғи-

дан, ўрта ўримга келган беда орасидан шилдираб оққан сувга жўр бўлиб «питпилдиқ, питпилдиқ» деб сайрарди. Ариқ бўйидаги ялпиз ҳам атрофга хушбўй ҳид таратиб турарди...

Саида яна ётган жойида эрининг пинжигга кириб, эркаланар эди... Улар туни билан ширин-ширин хаёл нашъасини суришар: уй-жойни қуриб битказсак, мол-ҳол қилсак, рўзғор қурсак, сўнгра Саиданинг ота-оналарини чорлаб, уларнинг хизматида бўлсак, деб орзу қилар эдилар.

Саида турмушнинг ҳузур-ҳаловатини эндигина била бошлаган эди. Иккаласи ҳам тенгқур, билаклари айни кучга тўлган, бир-бирларига чунон ғамхўр ва меҳрибон эдилар. Ўз пешана терлари билан иморат солиб, эл қатори чироқ ёқиб, сонга қўшилган эдилар. Улар тонг отиб, кеч бўлганини ҳам билмасдилар.

Иморат сомон сувоғидан чиқар-чикмас уруш бошланиб қолди. Шу-шу, орадан кўп ўтмай йигитлар аскарга жўнай бошлашди. Ширин-шакар кунлар тушда кўрган-дек ўтди-кетди.

Юракни ўртаб хайрлашган ўша кун худди кечагина бўлиб ўтгандек. Аскарга кетаётганларни овул четига кузатиб чикқанларида, кўпчиликдан ийманган Саида эри билан кўнгилдагидек хўшлаша олмади. Улар бир-бирига қўл беришибгина ажралишди. Қачонки, йигитлар кўздан узоқлашганларидан кейин Саида уятини бир чеккага йиғиштириб қўйиб, эрини сўнгни марта кучоқлаб, «бўйимда бўлганга ўхшайди» деган хушxabарни бир оғиз айта олмаганидан қаттиқ куйинди. Ўша ўкинчли армон, ушалмаган орзу, тарқалмаган хумор ўшандан бери унинг қалбини тирнаб, изтиробга соларди.

Чироқнинг пилиги лип-лип этиб, аранг ёнмоқда. Гўдак кўкракни оғзидан чиқаргиси келмай, уйқу аралаш бир-икки тамшаниб қўярди-да, онасининг кўкра-

гини ийдирарди. Бешикка энкайган Саида эса ўтган кунларни хотирлаб, хаёлга чўмарди.

Ташқарида деразани биров чертгандек бўлди. Кўзи эндигина илинган Саида бошини бирдан кўтарди-да, кулоқ солиб турди. Дераза яна эҳтиёткорлик билан секин чертилди. Саида дарҳол боласини кўкракдан чиқариб, бешикка ётқизди-ю, ёқасининг тугмаларини солиб, аста қадам ташлаб, деразага яқин келди. Эшик зимистон қоронғи, пастаккина деразадан ташқарида ҳеч нарса кўринмайди. Саида ижирғаниб, титраб кетиши билан оқ сочбоғи шилдираб, елкасига илган чопони ерга чувалиб тушди.

– Ким у? – сесканиб сўради Саида.

– Мен... Эшикни оч, Саида! – деб босиқ овоз билан сабрсизланиб жавоб берди ташқаридаги одам.

– Сен кимсан? – шубҳаланиб яна сўради Саида ва деразадан ўзини четга олиб, лол бўлиб анграйиб қолди.

– Ҳой, бу менман, Саида, оч эшикни!

Саида деразага яна қадалиб қаради-да, бирдан бошини ушлаб, эшикка югурди. У қалтираган қўллари билан қоронғида эшик илгагини тополмай пайпасланиб, сўнгра уни шартта очиб юборди-да, овоз чиқармай рўпарасида турган кишини кучоқлаганча йиқилди.

– Энамнинг боласи! Энамнинг боласи! – дерди у шивирлаб, сўнг тоқати тоқ бўлиб: «Исмоил!» деб унинг ўз отини айтиб, қувончдан хўнграб йиғлаб юборди. Худо уни қаердан етказди: унинг аскарга кетган умр йўлдоши омон-эсон қайтиб келибди! Ана у, оғзидан махорка ҳиди келиб турибди. Кулранг шинелининг ёқаси таёқдек қаттиқ экан.

Исмоил нимадандир сескангандек, вужуди қалтираб, қўли билан Саиданинг бўйни ва бошини шошилинич равишда тез-тез силарди.

– Қани, ичкари кирайлик! – деди у, Саидани кучоқлаб остонадан уй ичига олиб кираркан.

– Ана холос! – деди Саида хушига келгандек. – Ия, вой шўрим, онамдан суюнчи олайн!..

– Жим! – Исмоил унинг қўлидан ушлаб олди. – Шошма, уйда ким бор?

– Ўзимиз, ўғлингиз бешикда!

– Кўя тур, ўпкамни босиб олайн!

– Онам хафа бўлади.

– Сабр қил, Саида!

Саида ҳали ҳам кўзларига ишонмагандек кучоқ очиб Исмоилнинг бўйнидан қаттиқ кучиб олди. Қоронғида улар бир-бирларининг юзини кўрган эмас, бироқ кўрган-кўрмаганда нима – кигиздек қалин шинель остидан Исмоилнинг юраги дукиллаб ураётганини Саида бусиз ҳам яхши сезиб турарди. Унинг иссиқ ва совуқдан қотиб тўрлаб кетган лабларини у ҳозир тушида эмас, балки ўнгида ўпаётган эди.

– Қачон қайтдингиз? Бутунлай бўшаб келдингизми? – деб сўради ўзига келган Саида. Энтикиб турган Исмоил овози титраб, шошиб-пишиб гапирди:

– Станциядан тушганимга бир оз бўлди... Тура тур, мен ҳозир...

У шошилиб эшикка чиқди-да, саройга яширинча кириб, дарров қайтиб келди. Исмоил қўлига ушлаб олган милтиғини ташқари уйдаги шохларнинг остига тиқиб юборди.

– Бу нима? – деди Саида. – Уйга олиб киравермайсизми?

– Нафасингни чиқарма, секин!

– Бу нима қилганингиз?

Исмоил жавоб бермай Саиданинг қўлидан ушлаб:

– Юр, ўғлимни кўрсат! – деди.

* * *

Ҳар кун оқшом юлғун аралаш кўм-кўм чий ва қамишзорлар билан қопланиб ётган кенг даладан Саида якка ўзи ўтин кўтариб келарди. У сойма-сой, қирма-қир,

ўнқир-чўнқирлардан юриб ўтиб, овулнинг устига етганда, тепаликка ўтириб олиб, сўнгги бор дам оларди. Кўкраклари аралаш танғиб олинган арқон ҳалқасини бўшатиб, юзидаги терини сидириб ташларди-да, гавдасини ёзиб, орқасидаги ўтин ғарамига суянганича бир зум кўзғалмай ўтирарди. Атроф туман, овул кўчаларида кетаётган араваларнинг тарақ-туруғи ва нари-бери ўтиб турган йўловчиларнинг гангир-гунгур овозлари эшитилиб турарди. Ғир-ғир эсаётган майин шабада қовурилган жўхори ҳидини аҳён-аҳёнда димоққа келтириб урарди.

Саида бу сафар дам олишга улгурганича йўқ эди, пастликдан паровознинг қичқирган овози янграб, катта куч билан дара томонга бирин-кетин чувалашиб ўтиб бораётган поезд вагонлари элас-элас кўзга чалиниб қолди. Саида паровоз қичқирғини эшитиши биланоқ ўзининг тепаликда ўтирганини пайқаб, атрофга аланглаб қаради-да, шошилинич равишда арқонни яна қайта тортиб боғлади. Паровознинг гудоги Исмоилнинг тунов кунги эшелондан тушиб қолиб, тунда қочиб келганини эсла-тиб, унинг кўнглини ғаш қилган эди.

Саида кўчага яқинлашиб бораркан, йўлда бирон кимса йўлиқиб қолишидан хавотирланар ва: «ойдин кечалар тезроқ ўтиб кетса-чи!» деб ўзича кўнглидан ўтказарди. Шундагина ҳар қандай шубҳалардан қутулар, Исмоилга овқат ҳозирлаш учун кунига ўтинга қатнашдан озод бўларди. Хотин-халажлар ўтин бор ерга бизни ҳам олиб борасан деганларида, Саида уларга лом-мим демасди. Ҳаммани кўйиб, уларни ғорга эргаштириб бориб бўлармиди! Исмоил ўша ерда эмасми, худо асрасин, агар улар бирон нарсадан хабар топиб, шубҳаланиб қолсаларми! Исмоил кундуз кунлари ғорда ётиб, ойсиз қоронғи тунларда яширинча уйга қайтарди. У уйга келган пайтларда ҳам деразаларни маҳкамлаб, эшик илгагини ичидан илиб ўтиришарди. Ҳар эҳтимолга қарши Саида сўри-

нинг остидан ўра қазиб, унинг устини чий ва кигиз билан беркитиб, тайёрлаб қўйган эди.

Улар шу зайлда ҳаёт кечирар эдилар. Чала-чулпа эшитган қулоқлари овда бўлиб, кампир онаси бўлар-бўлмасга атрофга аланглаб, жияги қизил, хиралашиб қолган кўзлари билан ўғлига ачингандек ғамгин термилиб: Эҳ, болам, шўрлик болам!» дегандек хўрсиниб йиғламсирар эди.

Исмоил овулда нима гаплар бўлаётганлигини сўраб қўяр, ёки бўлмаса кўпинча чарчаган кишидек, бошини қуйи солиб, ўйлаш нима эканлигидан ҳали йироқ бўлган уч ойлик боласини қўйнига олиб, қаршисидаги қозонга, қачон қайнар экан, дегандек термилиб, қовоқ осиб ўтирарди. Ёруғ тушмасдан ўз ўрнига етиб олиши учун унинг овқатини эртароқ бериб жўнатиш зарур эди. Саида ўчоқ бошида ўралашиб юраркан, эри томонга бир қараб олиб, ўзича ҳар хил хаёлларга бериларди. У Исмоилга ачинар, ундан айрилиб, етим-есир бўлиб қолмасак эди, деб кўрқарди. Ёруғликка чиқмай ғорда ётаверганидан Исмоилнинг ранг-рўйи синиқиб шишиб кетган, иякларидеги ўсиб кетган соқоллари ҳам тикандек диккайиб турарди. Унинг кўзлари гоҳ айбдор кишидек аланглаб, гоҳ қорачиғидаги қора нуқталар ўтдек ёниб, еб қўйгудек ўқрайиб қарарди. Унинг важоҳатини кўриб киши беихтиёр хангу манг бўлиб қоларди.

Исмоил илгарилари ҳам шундай эдимиз? Қуёшдан қорайиб кетган кучли мускуллари тердан йилтираб, эртадан-кечгача чарчаш нималигини билмай ишларди. Ўшанда Саида иккалалари иморат қурдилар. Ўшанда турмуш кечириш қандай бўлиб, қандай қўйиши ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган эди. Улар ҳам бошқалар қатори колхозда ишлаб, бахтли ҳаёт қуриш, бола-чақали бўлиб, уларни вояга етказиш орзуси билан яшар эдилар.

«Иморатни битказсак, чорбоғни бегона кўзлардан девор билан ўраб олсак, айна муддао бўларди!» деб

юрарди Исмоил. Энди-чи... Энди бўлса у қочқин. Ҳатто ўз уйига ҳам очиқ кела олмайди, кечасилаб ўғридек яшириниб келади. Келганда ҳам ўз уйи унга ўлан тўшак бўла олмайди, балки бошқа бирор бегона ерда ўтирган-дек ҳадиксираб, қаттиқроқ сўзлашдан чўчиб, шивирлаб гапиришарди. Саида буларнинг ҳаммасини кўриб-билиб ўтирган бўлса ҳам, кўнглига олмасликка ҳаракат қиларди.

Эри ўғлини олиб, ўз ёнига келиб ўтирган ўша тунларда Саида бир соат бўлса ҳам ҳамма нарсани унутиб, бахтиёр ҳаёт кечеришни жон-дилидан орзу қиларди.

«Майли, уни қочқинчи деяверсинлар, менга олтин боши омон бўлса бўлгани!» – деб, хамир ёя туриб ўзини ўзи юпатарди. Эркак киши нима қилса ўзи билади. «Ҳар кимга ўз жони азиз, бу урушда ўзини эҳтиёт қилган кишигина тирик қолади!» – деб Исмоилнинг ўзи айтмабмиди. Демак, унга ақл ўргатиш менинг вазифам эмас, ҳаммани кўйиб, суякни этдан ажратиб, уни ёмонотликқа чиқаришга йўл кўярмидим. «Тушимга кирмаган, ота-бобом кўрмаган аллақаерларга, ернинг остидаги фронтга бориб жанг қилишни менга ким кўйибди. Бир кунлик умрим бўлса ҳам шу ерда ўтказаман!» – деб тўғри айтади у.

Ҳақиқатан ҳам фақат Исмоил билангина иш битармиди? Ҳеч кимга заррача зиёни тегмаган бўлса, қочса ўз бошини сақлаб қочиб юргандир. Бундан ҳукуматнинг хазинаси камайиб қолармиди! «Худо хоҳласа, бир амаллаб қишдан чиқиб олсак, баҳор келиб доvon очилиши биланоқ Чотқолга кетамиз» дерди эри. У ерда – «Чўнг жиланда Исмоилнинг туғишган, ишончли кишилари бор. У ерда сен келдинг-кўйдинг деб ҳеч кимнинг иши бўлмас эмиш. Ҳа, Чотқолгина эмас, ундан нарига бўлса ҳам майли. Исмоил ёнимда бўлса бас, барига кўнаверман. Қани энди қишдан омон-эсон чиқиб олсак. Уйда жўхори ҳам оз қолган, қишнинг ярмигача аранг етиши

мумкин... Халқнинг турмуши илгаригидек эмас, танқислик, уларнинг ҳам баҳорга етар-етмас донлари қолган...».

* * *

Эрта билан ариқ бўйидаги шuvoқларнинг учлари оқаришиб, қуврайларнинг қиров босган уруғлари ерга тўкилиб, лайлақор бир ёғиб, бир тиниб, эриб ётган эди. Овул орасидаги экинзор ерларда ёйилиб юрган қўй-қўзиларнинг намли жунларидан қўнғир буғ кўтарилиб, уларнинг орқасидан қолишмай шақшақлашиб эргашиб юрган зағизғонлар қизил эт излашиб, бир қўйнинг устидан иккинчисига учиб қўнишарди. Тоғ орасига туманли қиш ҳам кириб келди. Уруш бўлса кундан-кунга кучайиб, яқин орада тўхтамай диганга ўхшарди. Фронтга эса тобора кўпроқ одам жўнатилмоқда эди.

Бу гал соқол-мўйлови эндигина сабза уриб келаётган ўн саккиз-ўн тўққиз ёшлардаги ўспирин йигитлар ҳам ёппасига жўнатилаётган эди.

– Бўталарим, кечагина ялангоёқ чопқиллаб юрган болалар бугун ҳадемай кап-катта бўлиб, ёшликнинг гаштини сурмай, дунёнинг ҳузур-ҳаловатини татимай жўнаб кетишаётир! Эҳ, ер юткур герман, ажалинг етмади, биз қутулмадик! – дейишиб, чол-камфирлар ҳас-са-таёқларини судрашиб, букчайганларича бўза ичилаётган уй ёнидаги четанли аравалар атрофига тўпланишаётган эди. Бўзачининг уйдан болаларнинг қиз-келинлар билан сўнгги марта тўпланишиб киши қалбини изтиробга солиб, ҳаяжонлантириб, қандайдир хониш билан куйлаётган овозлари эшитиларди.

– А-а, садағанг кетайлар, овозларингни эшитадиган кунлар яна келармикин! – дейишиб камфирлар кўз ёши тўкишарди. Саида ҳам уларнинг орасида ўтирган эди. Ҳали унинг яқин қайин иниси Жумабой ҳам ширакайф бўлиб келди:

– Юринг, янга, бўза буюриб келдик, ўша ердан хайрлашиб жўнамоқчи бўлдик.

– Юринг...

Саида Исмоилга обориш учун ёрғичоқда толқон туйиб ўтирган эди. У боланинг кўнглини ўкситгиси келмай, нима дейишини ҳам билмай қолди:

– Сизларни кўчадан кузата қолайин, айланай, менинг у ёққа боришим уят-ку...

– Нимаси уят, ҳеч бўлмаса Исмоил акам учун кузатарсиз-ку, ҳозир у урушда ўт кечиб юргандир... Насиб қилиб учрашиб қолсак, янгам кузатиб қўйди, деб айтаман. Душманни енгиб ғалаба билан келсин, десангиз, юринг, ўз кўзингиз билан жўнатиб. Менинг бошқалардан қарим кам. Ҳаммани ота-онаси, ака-укалари жўнатишаётир, мени-чи?..

Саида унинг бу сўзларидан довдираб, нима деб жавоб қайтаришини билмай қолди. Унинг қизариб кетганини Жумабой ҳам пайқади:

– И-и, янга, қизиқ экансиз, шунга ҳам уялдингизми! Қани бўлмаса юринг, орқада қолмасдан юринг!

Ҳозир ҳам Саида унга тик қарай олмай, ўзини одамлар орасида ётсираб, айбли сезгандек, рўмоли билан оғзини беркитиб жимгина ўтирарди. Мана, эрта-индин ажал билан олишадиган бу ўспирин йигитларнинг сир бой бермай ўзаро чуғурлашиб, хиргойи қилиб ўтиришлари уларни кўзга айниқса оловдек кўрсатиб, туғишган оға-иниларни эслатарди. Дарҳақиқат, инсоннинг қадр-қиммати ҳам кўпинча шундай айрилиқ кунларда билинмайдими? Уларнинг фақат ўзлари ҳақида, ўз тақдирлари тўғрисидагина эмас, балки бунда қолаётган эл-юртининг тақдири ҳақида ўйлаётганларини ўйласанг, юрак-бағринг эзилиб, узилиб кетгандек туюларди.

Ана, бўзадан юзлари қизариб, лоларанг бўлиб кетган Жумабой қувончга тўлиб, бесўнақай гавдасини эплай олмай, қўлида коса ушлаганча тепаликда ганди-

раклаб турибди. Унинг туғишган акаси – овул бахшиси Мирзакул чап қўлидан ажраб, яқинда фронтдан қайтган. У ҳозир овулда Қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб ишлайди. Мирзакулнинг ашулаларини ҳатто кўчада ўйнаб юрган майда болалар ҳам айтиб юришади. Уларни эшитсанг борми, этинг жимирлашиб, кўзингдан юм-юм ёш оқади. Жумабой ҳам ҳозир акасининг севимли ашулаларидан бирини чўзиқ овоз билан куйлай бошлади:

*«...Эй-й-й!..
Олтмиш вагонни тиркаб,
Ўқдек учган паровоз.
Овулимдан жўнаяпман,
Қадрдонлар, хайр-хўш!
Етмиш вагонни тиркаб,
Елиб учган паровоз,
Юртимдан кетаяпман,
Янгаларим, хайр-хўш!..»*

– Оқ йўл, йигит! – деб ўтирганлар бир овоздан маъқуллашди. – Сени янгаларингдан жудо қилган душманни енгиб омон кел!

Жумабой бошини юқори силтаркан, кучга тўлиб, ҳеч кутилмаганда улғайиб қолгандек бўлди-да, юзида ҳарбийларга хос жиддийлик акс этди. У деразадан кўриниб турган тоғ чўққиларидан кўзини узмай, ўзининг киндик қони томган ер, униб-ўсган овулидан яна бир соатдан сўнг бутунлай йироқлашиб кетишини кўз олдида келтиргандек куйлашда давом этди:

*«Эй-и-и!..
Арис сари кетармиз
Олатоғдан кўз узмай.
Қорли чўққилар ҳам жилар
Биздан айрилиб қолмай!..»*

Ўйга чўмиб ўтирган Саида ҳозир ҳамма нарсани унутган эди. Унинг назарида ер ости йўлидан анча нарига чўзилиб кетган қозоқ даштларидан тутунини бурқситиб елдек учиб бораётган поезд вагонлари эшикларига тўпланишиб олган йигитлар тобора ўзларидан узоқлашиб, секин-аста кўздан ғойиб бўлиб бораётган Олатоққа қараб ашула айтиб, қўлларини силтаб хайрлашаётгандек туюлди. Шунда Саида ўзини ҳам поезд билан бирга, худди ён-маён югуриб бораётгандек, кейин унга ета олмай орқада қолиб, гандираклаб, симёғочларга суяниб қолгандек ҳис этди. У эмас, балки симёғочларнинг темир қўбиз сингари «бўғандай» бўзлаб ётгани қулоққа чалинарди.

Жумабойнинг ашуласини бутун вужуди билан берилиб тинглаган Саида секин бошини кўтариб, атрофда ўтирган-турганларга бир сидра назар ташлаб чиқди. Гўё овул атрофига аждаҳо келиб қолгану, ўша ерга тўпланишаётган ёшлар ютиб юборгудек наъра тортиб бўкираётган афсонавий аждаҳо билан олишувга шайланаётгандек, халқ билан бирга йиғлагани йиғлаб, кулгани кулиб, бироқ бошга тушганни кўз кўрар, деганларидек, сеники-меники демай, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик билан охирида ўйнаб-кулиб бир-бирларига яхшилик тилаётганликлари Саидага чексиз қувонч бағишлаб, унинг қалбини ҳаяжонлантириб юборди.

Қани энди, қўлидан келса-ю, Саида уларни ўз паноҳига олиб, ўзиёқ душманни тор-мор этиб ташласа. Хаёлида у ҳозир ўрнидан тура солиб: «Эҳ, садағаларинг кетай сиздек болаларни. Эндигина гулдек очилган чоғларингда эл-юртдан ажраб, бўзлаганча бош олиб кетсаларинг! Рухсат беринглар, сизлар учун мен борайин!» – деб ҳаммага ошкора айтишни хаёлидан ўтказарди. Бироқ шу заҳоти, Исмоилга толқон туйиб етказиш зарурлиги эсига тушиб қолди. Унинг хаёли гоҳ Исмоилда, гоҳ уйида, гоҳ ҳарбий хизматга жўнаётган кишиларда яшин тезлигида учиб юрарди.

Йигитлар ташқарига чиққанларида, аравалар атрофига тўпланишиб турган халойиқ ҳам аста-секин чайқалиб кўзғала бошлади.

Бурул соқол, чаноқ суяклари чиққан, қизил юзли йилқичи Парпи йигин чеккасида отини гижинглатиб:

– Омин! Ота-боболаринг арвоҳи кўлласин, ғалаба ёр бўлсин сизларга! – деди. Кейин яна нимадир айтмоқчи бўлди-ю, бироқ чамаси келмай от ёлига энкайиб, туртиб чиққан елкаларини ирғаб-ирғаб, овулдан ташқарига йўртиб кетди. Афтидан, у номуси кучлилиқ қилиб, кўпчилиқ ичида кўз ёшини кўрсатмасликка ҳаракат қилди шекилли.

Қий-чув аралаш аравалар узоқлашиб, туман ичида кўринмай қолди. Бироқ музлаб қолган йўлдан кетиб бо-раётган арава ғилдиракларининг тақир-туқур овози анча вақтгача эшитилиб турди. Аравалар текис йўлга чиқиб олганларидан кейин, жимиб қолган болаларнинг:

*«...Юртимдан кетаяпман,
Янгаларим, хайр-хўш!..»*

– деган овозлари яна акс садо бергандек қулоқлар остида жаранглаб, хотинларнинг кўнглини ўкситиб, чуқур изтиробга солган эди. Барчанинг кўнглида: «Буларнинг қайсиси келиб, қайси бири қоларкин?» – деган хаёл ҳукмрон эди. Саида алам ичида маъюсгина термилиб турган халқни кўриб:

«Эрим уйга йўлай олмай қочиб юрибди, деб ношукурчилиқ қилмасам ҳам бўлади, ишқилиб, бир амаллаб ўз жонини омон сақлаб юрса бўлгани» деб худога ёлвориб, ўзига тавба-тазарру қилаётган эди.

Овозлар тиниб, овул тинчлангандан сўнг, Саида халтадаги толқон билан бир-иккита нонни қўйнига тиқиб, ўроқ ва арқонларини олди-да, тезгина ўтинга чиқиб кетди. Бутун адирларни туман қоплаб олган, кўм-кўк

тоғ бағирлари тун каби жимжит, «қағ» деган қарға, «кук» деган қузғуннинг овози эшитилмайди. Фақат шамолнинг секин вишиллаб келаётган илон сингари унда-бунда тўп-тўп бўлиб ўсиб турган қамишларни сийпалаб ўтган овозигина эшитиларди. Туман ичида бир аёл, кўрқув аралаш атрофга назар ташлаб, ўзининг энг яқин, энг меҳрибон кишиси ҳузурига шошиб бораётган эди.

* * *

Кейинги пайтларда почтачи Қурмон оға кўча этагидаги иккала хонадонга йўламай, шошилган бўйича четлаб ўтадиган бўлиб қолган. Унга кўзи тушган Тўтиой, эридан хат келмаслигига кўзи етган бўлса ҳам, ўғирда туяётган машоғини қолдириб, қоқ суяк бўлиб кетган чайир қўлларини силтаб, бўғиқ, титроқ овоз билан қичқирди:

– Ҳой, почтачи амаки, бизга хат борми?

Шу маҳал кун қизиғида тош ўйнаб ўтирган Тўтиойнинг учала боласи бундан хабар топиб, шовқин солишиб, кийқиришиб, биридан бири ўзиб, ғизиллаганча югуриб қолишди:

– Ана, ана Қурмон амаким! Кўряпсанми!

– Отамнинг хати!

– Отамдан хат келди!

Почтачи чол довдираб, уларга жавоб қайтараман дегунча болалар етиб келишиб, от тизгинидан, узанги боғларидан тортқилашиб, овулни бошларига кўтариб қийқиришарди.

– Қани, отамнинг хати?

– Мен оламан!

– Йўқ, мен, мен оламан, Қурмон амаки, менга беринг!

– Вой тирранчалар-эй, бу хат эмас, деяпман-ку! У, кўкуй, ҳой, – дерди шошиб қолган Қурмон оға. – Билмасдан бақираверасизларми?

Болалар аразлашгандек, нафасларини ичларига ютиб жим қолишди. Уларнинг кетишларини ҳам, қолишларини ҳам билмай, бирон нарса кутаётгандек ишончсиз термилиб туришларини кўриб, Қурмон оғанинг ҳам жаҳли чиқарди, ҳам ичи ачирди.

– Сиз, қароғларим, балки хатни яшириб қўйди, деб ўйлаётгандирсизлар, ишонмаётган бўлсаларинг, мана, ўзларинг ҳам кўринглар, – дегандек қўлини қўйнига солиб кўрсатади. – Мана, йўқ! Агар менинг ихтиёримда бўлса эди, сизларни бунда интизор қилиб қўймасдан, уларга кунига уч мартадан хат ёздириб турган бўлардим-ку! Иложи йўқ-да! Бугун келмаса, эртага келар, эртага бўлмаса, индин келар... Жимгина ўйнаб юраве-ринглар, худо хоҳласа, келаси бозорга олиб келаман... Бу тушимга ҳам кириб чиқди, назаримда, хат келиб қолаётгандек. Қани энди ўйнанглар... Саида янгаларингга ҳам шундай деб айтиб қўйинглар, унга ҳам бозор кунни хат олиб келаман.

Чол отини буриб, йўлга тушаркан, ўзича ўйлаб борди.

«Ишқилиб, қариган чоғимда бола-чақанинг кўзига шумшук кўриниб қолмасам бўлгани-да... Бундан кўра, кетмон ишига қўйганлари ҳам маъқул эди!..»

Қурмон оға хаёл аралаш, одатдагидек отининг таниш хонадонларга бурилиб кетаётганини пайқаб қолиб, тезда тизгинини буриб олди-да, қоқилиб кетган отнинг бўйнига қамчи билан савалай бошлади:

– Ана, ана бўлмаса! Ҳе, ҳаром ўлгур! Хосиятсиз мол шундай бўлади!.. Хат келса ўзимоқ чопиб бормасмидим!

Саида тўқайдан ўтин кўтариб келганда, доим унинг олдига Тўтиойнинг ўртанча ўғли – отасининг фуфайкасини шалвиратиб кийиб олган ва олд тишларини иржайтириб юрадиган Ҳасантой чиқиб турарди. Унинг ҳеч қандай борди-келди билан иши йўқ бўлиб, шумликни ҳам билмас, кишиларни ҳам ёқтирмасди.

– Саида янга, Исмоил акамдан хат йўқ, бизга ҳам келмабди! Қурмон амаки келаси бозорга олиб келаман деди! У туш кўрибди, – дерди у ажабтовур катта одамлардек. Соддадиллик билан айтилган бу сўзлар Саида учун қанчалик оғир туюлишини Ҳасантой билса эди!.. Саиданинг узоқ йўл босиб, не азоблар билан кўтариб келган ўтини шу чоқ яна зилдек салмоқланиб, эшик олдига беш-олти қадам қолганда у ҳолдан тойиб, деворни ушлаб, гандираклаганича ўтинни ерга ташлаб юборди-да:

– Э, худойим, ҳеч бўлмаса ўша етимларнинг отасидан бирор яхши хабар келса-чи! – деб ўзига-ўзи гапирётгандек, бўйинларига ёпишиб қолган соч толаларини тартибга солишга ҳам ҳоли келмай, шалпайганича деворга суяниб қолди. Саида Тўтиойнинг болаларига хат келса, нима учундир ўзини ҳам тасалли топаётгандек ҳис қилиб юрди. Баъзан кечалари Ҳасантойнинг ўша айтган сўзларини эслаб, Саида кўркүвга тушарди: Ҳасантой кўпдан бери «Исмоилдан хат олиб келдингизми?» – деб Қурмондан сўраб туради. Исмоил бўлса Қурмонни кўрсанг, йўлда-чўлда, ҳар замонда хат-хабар сўраб тургин, деб Саидага уқтирарди.

Саида ҳам, Қурмонни кўрсам албатта сўрайман, деб кўнглидан ўтказиб кўярди-ю, бироқ ҳар сафар ҳам бунга юраги довламай, ўзини ўзи алдарди.

Тўтиой ҳам Саидаларнинг шундай ёнгинасида яшарди. Эл оёғи босилиб, овулга жимлик чўкканда, Саида Исмоилнинг кийимларини ювишга киришди ва тонг отгунча мижжа қоқмай уларни ўтга тоблаб қуритиб, эрта азонда ҳар кунгидек сувга чиқди. У остонадан ҳатлаб чиқиши биланоқ қор қалин тушганини кўриб, унинг бир тусда оппоқ оқариб ётганидан кўзлари жимирлашиб, кўнгли беҳузур бўлаётгандек туюлди. «Вой, кўзим тиняпти, наҳотки бўйимда бўлиб қолган бўлса?» – деган ўйга бориб, чўчиганидан кўлидаги пақирини ерга тушириб юборди. «Худойим, ўзинг сақла, эл-юрт кўрса нима дейди? Йўқ, ундай бўлиши

мумкин эмас, бу туни билан ухламаганлик аломати!» – деб яна ўзига-ўзи тасалли берди ва бу ҳақда қайтиб ўйламасликка, уни ёддан чиқаришга ҳаракат қилди. «Ундан кўра Исмоил ҳақида ўйлайин, унинг ҳоли нима кечдийкин?..» Саида Исмоилни эслаганда кўнгли ғаш тортиб, безовталарди. Мана, қаҳратон қиш ҳам келди, ёғин-сочин, изғирин-бўронли далада ғорда ётиш осонми?

Дарвоқе, қиш биратўла қиличини қайраб келяпти. Кунни кеча қорайиб, қуёш нуруни шимириб ётган далалар бугун қор билан бир текис қопланиб, кўнғир тусли туман тоғ ён бағирлари бўйлаб эринчоқлик билан сузиб юрарди. Музлаган ариқ бўйидаги ёш толчалар эгилишиб, бутоқлари у ёқ бу ёққа тебраниб турарди. Ҳавода бир маромда учиб юрган қонгалаш, қора-қизғиш булутлар тобора қалинлашиб, осмон гумбази пасайиб, олам тора-йиб, кичрайиб қолаётгандек сезиларди. Туни билан ёғиб чиққан қор ҳозир майда-майда учқунлаб, вақти-вақти билан эсган шамолдан чўчигандек ҳавода капалак сингари учиб юрарди. Овул сув сепгандек жимжит, совуқдан ҳеч кимнинг тургиси йўқ эди.

Саида уйдаги катта ола кигизни бир амаллаб Исмоилга элтиб бериш ҳақида ўйлаб пақирларини кўтарганича қор кечиборарди. Шу заҳоти бирдан қор устидаги сой томонга қараб кетган изни кўриб қолиб, бу ким бўлди экан, дейишга улгурганича ҳам йўқ эди, рўпарадан сув кўтариб келаётган Тўтиой чиқиб қолди. Унинг оёғида ҳалпиллаган катта этик, ўзи бўлса ингичка, озғин, чопонини арқон билан эркакчасига сиқиб боғлаб олган эди. Тўтиой Саидани кўриши биланоқ пақирларини ерга қўйди-да, совуқдан увушиб, кўкариб кетган қўлларини уқалаганича туриб қолди.

– Сен кечаси билан ухламай чиқдинг шекилли, рангларинг синиқиб, кўзларинг киртайиб қолгандай.

– Шундай, бир оз бошим оғриб турибди, – деди Саида секингина ва яна шошилиш равишида кўшимча қилди:

– Ухладим, шундай узоқ кечада ухламай нима ҳам қилардим? – Саида бу сўзларни айтишга айтди-ю, ўзидан хавфсираб қолди: «Балки, Тўтиой кечаси ташқарига чиққан бўлса, туни билан кир ювиб чиққанымдан хабар топгандир. Ҳозир сўраб қолса нима дейман?» – Ҳақиқатан ҳам туни билан ухлай олмадим, болам кечаси билан тинмай йиғлаб чиқди, қийналганимча бор, – деди яна Саида сир бой бермай.

Шундайку-я, дегандек Тўтиой бошини чайқаб кўйди:

– Сен ҳам менга ўхшаб ёлғиз бошсан! Кампиринг уйдан чиқмайди. Ҳалиям эплаб-сеплаб болангни боқиб турганига шукур қилиш керак, ўз ота-оналаринг бўлса сендан йироқда, йилқи билан овора.

Тўтиой чурқ этмай, хомуш бўлиб турган Саидага қараб ўйчанлик билан хўрсиниб кўйди. Унинг бундай маъноли қарашларидан хотинларга хос юмшоқ кўнгиллилиги ва ич-ичидан ачинаётганлиги сезилиб турарди. Уч болани боқаман деб эртаю кеч уриниб юрган Тўтиойнинг кўзлари кишига доим ўқрайиб қарарди, ҳозир эса унинг юмшаб, очиқ чехра, самимий илтифот билан мулойим термилишлари Саида қалбига илиқлик бахш этган эди. «Чамаси, қизлик пайтларида Тўтиой жуда гўзал бўлган кўринади. Ҳасантойнинг жовдираган ёқимтой кўзлари ҳам худди ойисиникини эслатарди. Бироқ буни ҳанузгача пайқамай юрган эканман!» дерди у ичида.

Тўтиой Саидага қараб афсуслангандек:

– Хат келмади деб қайғурасан, кўргулигимиз бор экан, пешанада ёзилгани шу бўлса, қўлимиздан нима ҳам келарди! Мен уч етимча билан ўтирсам, сен бўлсанг турмушга чиққанингга ярим йил бўлмай, дунёнинг аччиқ-чучугини бирга тотмадинг... Янги фарзанд дунёга келса-ю отаси уни кўрмаса... Эй, нимасини айтасан... Ҳаммаси ҳам майли-я, икки энлик хат келмаётгани ёмон!.. Буни ўйласам ҳафсалам пир бўлади-ю, қўлим ишга бормай қолади... Мана,

қиш ҳам кириб келди, болаларимнинг бўлса кийимкечаги йўқ – яланғоч, бор ишонганимиз икки қоп жўхори қолди, холос, бу нима бўларди! – Тўтиой тирқираб чиққан кўз ёшларини аччиғлангандек сидириб ташлаб, пақирларини кўтарганича одимлаб кетди.

Тўтиойнинг ҳеч нарсадан хабари йўқлигидан бир хурсанд бўлиб, бир кўрқиб, Саида нима дейишини билмай, унинг орқасидан ҳангу манг бўлиб қараб қолди. Одамгарчилиги тоғ каби юксак бўлган бу муштдек, озгин аёлнинг инсонга бўлган меҳру муҳаббати, шижоати ва хушфеъллиги Саидани ғоят руҳлантириб юборди, яна бир чеккаси «сенинг тақдиринг ҳам меникига ўхшайди» деб раҳмдиллик қилаётгани уни қандайдир айбдан оқлаётгандек бўлди. Саида қалбини ҳаяжонга солаётган нозик ҳис-туйғуларни баён этишдан ўзини ожиз сезиб: «Мен нима ҳам қилардим, ҳар ким пешанасига ёзилганини кўради. Насиб қилса болаларнинг бахтига оталари қайтиб келар...» дейиш билан чекланди.

Тўтиойнинг эри Бойдали колхоз тузилгандан бери далада сувчилик қилган. Саида кечкурунлари ишдан қайтиб келаётганда ҳам қўшниси Бойдалининг сув тараб, экин суғориб юргани устидан чиқарди. У, почаларини тиззасидан юқоригача шимариб олиб бақувват гавдалари билан у ер-бу ердан ҳатлаб ўтиб, сув тараб юраркан, ботиб бораётган қуёшнинг заррин нурлари тебраниб турган экинларнинг уч-учларини кучар, Бойдалининг қўлидаги катта кетмон эса ҳар қулочкашлаб урган сари кечки ҳавода яшин каби ярақлаб кетарди. Овулдагилар: «Дехқон бобом миришкор сувчи, қўли гул!» – дейишарди у ҳақида гап кетганда. Ўрқачланиб оқаётган сувдан хотин-халажлар этакларини липпаларига қистиришиб, қўл ушлашиб ўтаётганларида, нарида сув боғлаб юрган Бойдали ўзича хахолаб завқланиб куларди.

– Ҳой, қақиллаган қаламқошлар алвастини кўргандек чўчийсизлар-а! Кўрқмасдан ўтаверинглар! Бирон-

таларинг оқиб кетсаларинг, охири кўлимга келиб тушасизлар, эркалатиб кўяман.

Шунда тенгкур дугоналар:

– Ҳа, эркалатмай қуриб кет, сувинг тошиб кетгур! Анчайинда эркалатмаган, оқиб борганда эркалатарминдинг? – деб хандон отиб кулишарди.

Бойдали ҳам уларга қўшилиб далани янгротиб завқ билан хахолаб куларди.

Бир қарасанг ғира-шира ичида кенг дала бўйлаб Бойдалининг кетиб бораётгани кўринарди. Кетмонини елкасига ташлаганича сафарда юрган сайёҳ баҳодирлардек Бойдали у ер-бу ердаги экилмай ола-була бўлиб қолган ерларини назардан ўтказиб аста-секин олислаб, кўздан ғойиб бўларди. Бойдалининг табиати ҳам шалдираб оққан шўх ариқ сувини эслатарди. Саида бир куни қўшниларикига кириб қолганда, юпқа лабларини қисиб, капгир билан қозон тубини тешиб юборгудек қалдиратиб ковлаётган Тўтиойнинг нимадандир хафалангандек ўз болаларини уришаётгани ва нариги ёқда болаларига ўйинчоқ ясаб бериб ўтирган эрининг:

– Эй, хотин, уларни нега беҳудага уришаверасан, учала шунқорни ҳам ўзинг туққансан, мен учун бундан ҳам ортиқ давлат борми? Бошқалардан ёмон яшаётганимиз йўқ, шукур, уйлари бўлса бор, эл қатори еярга нони, киярга кийимини топиб турсам, яна нимага куйинаверасан? – деб тургани устидан чиқди.

Бойдали армияга кетгандан кейин кетма-кет хат келиб турди, бироқ кейинчалик Исмоилдан ҳам, Бойдалидан ҳам хат узилиб, Қурмоннинг уларникига кирмай четлаб юрганининг боиси ҳам шундан. Бечора чол худди бўйнидан қарзини уза олмай қочиб юргандек, ношуд отининг биқинларига ниқтаб, йўртиб ўтадиган бўлган кундан бошлаб, Қишлоқ кенгашининг раиси Мирзакул иккала хонадондан ҳам тез-тез хабар оладиган бўлиб қолди. Шунинг ўзиёқ Саиданинг кўнглига гулғула со-

либ, дилини ғаш қилиб қўйган эди. Балки Мирзақул Исмоилнинг қочиб юрганини сезиб қолгандир. Ундай деса, Мирзақулнинг кўринишидан ҳеч нарса сезилмасди. Шу кунга қадар Исмоилнинг аскардан қочиб яшири-ниб юрганини овулда бирон кимса сезмаган эди.

Исмоил жуда эҳтиёткорлик билан иш кўрарди.

– Саида, замон бошқача, яна оғзи бўшлиқ қилиб бировга гапириб қўйма. Бошқалар тугул, ҳатто отам тирилиб келса ҳам, нафасингни чиқарма. Тушундингми? – деб доим уқтириб турар эди.

Мирзақул нари ўтиб, бери қайтганда, гўё иш билан келгандек, бу иккала хонадонга йўл-йўлакай кириб ўтарди. У аввало Тўтиойларникига кириб:

– Ҳой, Тўтиой! Бормисизлар? – деб қўярди от устида туриб.

Аскарга кетаётганда Мирзақул тулки телпагини бостириб кийиб олган, қора мўйловли, хушбичим, қувноқ йигитча эди. У билимдонлиги ва ўтқир овози билан бутун овулдагиларни ўзига ром қилиб олганди. Бироқ фронтга бориб, бир қўлидан ажраб, ярадор бўлиб қайтгандан бери у бурунгисидек эмасди. Сўзларни кесиб сўзлаб, сал нарсадан жаҳли қўзғарди. У бўронда қўпорилиб, шох-бутоқлари қайрилиб, синиб ётган дарахтдек, бир елкаси бир оз қуйига осилиб, ич-ичига кириб кетган юзлари сарғайиб, чайир бўйинлари темирдек қотиб кетгандек кўринарди. Илгари қўбиз чертиб, куйлаб юрган Мирзақул энди бўш қолган енгини чўнтагига қистириб олиб, соғ қўли билан қўбиз торларини чертаётгандек қизишиб кетганини ўзи ҳам сезмас, қўлини ҳавода ҳаракатлантираркан, хириллаган овози гоҳ ўйга чўндириб, гоҳ ғазабга тўлгандай кучайиб, фронтда бошидан кечирганларини куйларди.

Мирзақул Тўтиойнинг ҳовлисига келганда оралиқдаги баланд деворлардан бўй чўзиб, оёқларини узангига

тираганича, эшик олдида киши билмас қандайдир иш билан ғивирлаб юрган Саидага қараб қичқириб қўярди:

– Саида, жиянча катта бўлиб қолдими? Сақлаб қўйган тамакингдан менга ҳам битта ўраб кел-чи!.. Ишингни кейин битирарсан, қани бу ёққа кел...

Мирзақул: «Улардан хат оляпсизларми?» деб бир оғиз сўрамади ҳам. Овулда кимга хат келиб, кимга келмаётганини у ҳаммадан бурун биларди. Шу билан бирга, овулга келган хатларни аввало унинг ўзи кўздан кечирарди. Саида бундан хабардор бўлса ҳам, Мирзақулнинг овозини эшитган сари юрак олдириб қўйгандек, бесаранжом бўлаверарди. Мирзақулнинг Исмоилдан хат борми-йўқми, деб кўнгил учун бир оғиз сўрамагани Саидани қаттиқ шубҳага солиб қўйганди. Демак, Мирзақул нимадандир ҳадиксираяпти... Ҳайтовур, у бир гапни билади...

Саида, қуритиб олиб қўйган тамаки япроқларидан уқалаб папирос ўради-да, уни ўтга тутантириб, сир бой бермаслик учун ўзини ўзи дадиллантириб кўрсатгандек Тўтиойларникига олиб чиқди. Мирзақул уни кўриши биланоқ отдан тушиб, чекишга хумори тутгандек, папиросни бурқситиб тортиб, эсига келган гапларни шошмасдан сўзлайверди.

– Сен тамакининг миқтисини ғамлаб қўйган экансан, Саида! – деб мақтаб қўйди у йўл-йўлакай. – Исмоилга ҳам ундан посилка қилиб юбор. Бир чекиб, Толосни эслаб қўйсин.

– Юбораман-ку, – деди Саида, сўзи бўғзига тиқилгандек. У яна ниманидир айтмоқчи бўлди-ю, лекин гапиришга бирор дурустроқ сўз тополмай, лабларини тишлади ва Мирзақул ҳамма гапни билади, деган хаёлда юраги «шиғ» этиб, юзлари лахча чўғ бўлиб ёнди. Ниҳоят у сабри чидамай, тутундан нафаси қайтгандек айёрлик қилиб йўталмоқчи бўлди: – Фу-ай, шунча ҳам аччиқ бўладими, эркаклар унинг нимасини яхши кўришади...

Саида буни айтишга айтди-ю, лекин туни билан қийналиб ухлаёлмай чиқди: «Ўринли сўзладимми ёки сездириб қўйдимми? Эй худо, ўз паноҳингда сақла! Овозимни ўзгартирмасликка, юзимни қизартирмасликка қанчалик ҳаракат қилмай, бари бир, уни кўрганда довдираб, тилим калимага келмай қолади... Наҳотки у сезган бўлса! Айб ўзимдан ўтди... Юрак йўқ менда, чумчуқчалик ҳам юрак йўқ! – деб ўзини ўзи койий бошлади. – Яна посилка қил дегани нимаси? Ростдан айтдимикин ёки синамоқ учунми?..»

Мирзақул бошқа бир кун келганида ариқ бўйидаги толларни кўздан кечирди. Тўтиойдан ўпкалади:

– Бойдали толларни ҳар йили бутаб турарди. Бу йил уларга ҳеч ким қарамабди, таналари йўғонлашиб, туппа-тузук ишга ярайдиган бўлиб қолибди. Бутаб олиш керак, шохлари ўтин бўлади, акс ҳолда улар ўсмай қолиши мумкин...

Мирзақулнинг сўзлари Тўтиойга ёқмади шекилли, у Мирзақулга таажжублангандек қараб, оғир бир уҳ тортиб қўйди:

– Эй, қуриб кетмайдими, бўйи ўсганда ўшанинг кимга кераги бор? Ўзи бўлмагандан кейин, тол тугул бошқа нарса ҳам кўзга кўринармиди! Колхознинг ишини ҳам битир, машоқ териб болаларни ҳам боқ! Ўликми, тирикми иккала уй эгаларидан ҳам дарак йўқ, кўзимиз тўрт бўлиб, бир амаллаб кун кечириб ўтирибмиз. – Улабини тишлаб, тескари қаради. – Сиз бўлсангиз толни гапирасиз...

Шу пайтда Саиданинг ранглари ўчиб, баданлари жимирлашиб, ерга кириб кетаёзгандек бўлди, гўё Мирзақул унинг бетга чопиб: «Сен, Тўтиой, ўзингни Саида билан тенглаштира, унинг эри аллақачон аскардан қочиб келиб, ғорда яшириниб юрибди!» – деб бутун сиру асрорини очиб ташлаётгандек кўринди. Саида: «Мирзақул ҳозир шу ҳақда гапирди» – деб юраги те-

ракнинг япроғидек дириллаб, кутиб турарди, бироқ Мирзақул яна юмшаб:

– Ундай дема, – деди Тўтиойга бафуржа сўзлаб. – Агар билсанг, инсон учун толнинг ўзигина эмас, ҳатто унинг кўланкаси ҳам керак. – Мирзақул бу сўзларни айтишга айтди-ю, хаёл суриб, негадир жаҳли чиққан-дек чайир бўйинлари қизариб кетди. Ниҳоят у, кўпдан бери айтмоқчи бўлиб юрган сўзларини энди юрагига сиғдира олмагандек қизишиб, ўшқира бошлади. – Бир оз хат кечикиб келса, бас, аёлликка бориб, ҳар нарсани ўйлайверар экансизлар-да! Ундан кўра, том тепасидаги жўхори пояларини йиғиштириб олинглар, бўлмаса ёзга етмай чириб қолади! Болаларнинг насибасини қиймоқчимисизлар? Қани, биттанг уларни сут-қатиқсиз қолдириб кўр-чи, бошларингни узиб оламан, билиб қўйинглар буни? Ёлғиз эмассизлар, бир ишни эплай олмадингларми, қўшниларингни чақиринглар. Иккала хотин бир эркакча йўқмисизлар? Рус келинлари қўлларига милтиқ ушлаб, оқопда ётиб, душманга қарши ўқ узишяпти, сизлар бўлса уйда ўтириб, хат йўқ деб зорланяпсизлар!..

Тўтиой бўзарганича жим ўтирарди. Саида эса тилга киргандек кутилмаганда:

– Биз бу ишларни битирамиз, жўхори пояларини ҳам ташиб оламиз, толларни ҳам бутаб қўямиз, – деб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Балки Саида ҳозир илтифот билан хизматга тайёр эканлигини билдирмоқчи бўлгандир ёки Мирзақулдан шубҳаланганидан енгилтаклик қилиб гапириб қўйгандир, ҳарқалай, у бу сўзларни чин кўнгилдан чиқариб айтган эди. Яна бир томони: у Мирзақулни бошқа гапга алаҳситмоқчи бўлган бўлса, иккинчидан, гўё бу билан ўзини ҳам, Тўтиойни ҳам хижолатдан қутқармоқчи эди. Мирзақул эса бошқа ҳеч нарса демади-ю, ранглари ўчиб, ғазабга тўлиб, Саидага негадир таажжуб билан тикилиб

қаради. Афтидан, Саиданинг фикрига қўшилди шекилли. Сўнгра отига миниб йўлга равона бўлди.

Ўша куни Саида Тўтиойларнинг хўжалик ишларига кўмаклашар экан, бу билан аллақандай гуноҳдан ювилиб, кўпдан бери орзу қилиб кутиб юрган эзгу ниятига эришгандек, ўзини ғоятда бахтиёр ҳис этди. Унинг турмушида кўпдан бери бундай қувончли дамлар содир бўлмаганди. Шу тобда Саида ўзини кучига куч қўшилаётгандек сезиб, ҳамма ишни ҳаш-паш дегунча битириб қўйгиси келарди. У ёрдамидан кўра зиёни кўпроқ тегаётган Тўтиойнинг болаларига ҳам ёмон гапирмас, аксинча, тенгқур кишилардек уларга очиқ кўнгил билан қараб, ҳай-ҳайлашиб, бирга ўйнаб, бирга кулгиси келарди. Аммо Мирзақулнинг ҳалиги сирли қарашлари ёдига тушганда Саиданинг қўли ишга бормай, пешанасидан совуқ тер чиқаётгандек бўларди.

«Мирзақул менга нега бу тахлитда қаради? Бир нарсани фаҳмладими ёки менга шундай туюляптими?»

Шу-шу Саида Мирзақулни кўрди дегунча ваҳимага тушиб, безовталанаверарди. «Исмоил каерда? Уни қаерга яшириб қўйибсан?» – деб сўраб қолишини кутиб юргандек, юраги дукиллаб урарди. Саида Мирзақулнинг юзига тик қарашга ботина олмай, кўзларини ундан олиб қочиб, яна нима дер экан, нималар ҳақида гапираркин, деб сабрсизланиб кутиб турарди.

Кўрқувдан юраги қинидан чиқиб кетаёзгандек, тили қуриб, энтикиб нафас олаётган Саида, Мирзақул кетиши биланоқ уйига югуриб кириб, тишлари бир-бирига тегмай дир-дир титраётганига қарамай, бир чўмич муздек сувни симириб юборгандан кейингина бир оз тинчлангандек бўлди: «Йўқ, у сезмаган кўринади, тўғри, сезгани йўқ» деб ўзига-ўзи далда бериб, бесаранжом бўларди. «Исмоилнинг қочиб юрганидан хабар топиб, синаш учун келиб, кузатиб юрибдими? – деб ўйларди у. – Ёки у-бу кишилардан суриштириб юрганмикин? Йўқ,

у Исмоилнинг қаерда эканлигини билмайди, бир эмас – юз марта, минг марта излаб келсин, бари бир уни сездирмасликка ҳаракат қиламан!

Бошқалар ўз фарзандларининг соғ-саломат қайтиб келишларини интизор кутиб, зор-зор қақшаб худога илтижо қилиб ётганларида, мен кўз очиб кўрган эримни ташлаб қўярмидим!.. Худо оҳимни эшитди, Исмоилни ўз ихтиёримга юборди...»

* * *

Қишнинг энг аёзли кунлари, чилла кириб қолди. Бир ҳафта сурункасига гувуллаб эсанг шамол қорни куюндек учириб, ўнқир-чўнқирларга тўплаган; совуқдан тарашадек қотиб музлаб қолган сўқмоқ йўллар эса киши юрганда оёқ остида чирсиллаб, ойна сингандек овоз чиқарарди. Совуқ билан бирга кўшилгандек турмуш ҳам кундан-кунга оғирлашиб борарди.

Саиданинг ташқаридаги уйига қамалиб олган беш-олтита товуғи бурчакда ҳурпайиб, бир-бирларининг пинжигга тикилишиб, эшикдан ташқарига чиқишга эринишар ва совуқдан азоб чекаётгандек кўзларининг оқини кўрсатиб, бир оёқлаб кишига ғамгин термилишарди. Уларнинг яшаши учун ҳам дон керак, бироқ илож қанча! Печканинг орқасида турган кичкина қопдаги жўхори ана-мана дегунча ерга чўкиб, кундан-кунга камайиб бораётганлигидан, Саида уни тишига тишлаб, яна тежаш мақсадида куздан бери тегирмонга боришини ҳам қанда қилган эди. Тегирмонда тортиб баракасини учиргандан кўра, уйда ёрғичоқда тортиб олган маъқул эмасми? Колхозга ишга чиққан кунлари Саида бир дақиқа ҳам тинчимас, туни билан қўл тегирмонида ғалла тортиб чиқарди. Қадоқ босган қўллари ловуллаб ачишиб, икки букилиб, чўнқайганича пилта чироқ ёруғида кўзлари тиниб, қоронғилашиб

кетаётганига қарамай, тегирмон олдидан нари жилмасди. Нима бўлса ҳам Исмоилга овқат тайёрлаши керак. У тортилган жўхорини элакдан ўтказиб, бир сиқимини боласининг овқатига олиб қўяр, қолган ундан Исмоилга нон пиширар, йиригини кампир иккаллари гўжа қилиб ичишарди. Улар шу зайлда кундагисини кунда тежаб-тергаб сарфлаб, баҳорга чиқиб олиш ташвиши билан яшар эдилар. Шундай бўлгандан кейин товукқа дон қайда дейсиз! Саида уларни, баҳорга чиқиб боламнинг оғзига тухуми тегар, деб боқиб юрган эди, бироқ ёзгача улардан биронтаси ҳам қолмайдиганга ўхшарди. Гўшт бўлмаса, Исмоил кечалари уйга келганда Саида уларни бирин-кетин сўйиб бераверди. Қани энди иложи бўлса-ю, ундан каттароқларини сўйиб, Исмоилни бовлаб турса! Исмоилдан жонини ҳам аямасди-ку! Топган-тутганини тишига тишлаб: «Исмоил ичсин, Исмоил есин, ўзимиз бўлсак, ҳар ҳолда, уйдамыз сув ичсак ҳам кунимиз ўтар!» деб ўйларди у. Шундай бўлса ҳам Саида Исмоилни кўрди дегунча томоғидан овқат ўтмай, юракбағри эзилиб кетарди.

Исмоил шинелининг устидан мойга бўкиб кетган тўнини гуппидай кийиб олиб, оғзи-ю бошини боғлаб, тентираган мусофирдек кир босиб, бит босиб, тутун ҳидини анқитиб келарди. Кирина ювиб, йиртиқ-ямоқларини ямаб ўтирган Саида, Исмоилдан мўлтиллаган кўзларини олмай, раҳми келгандек: «Эҳ, бечорагинам, қаҳратон қишда, кимсасиз далада тирик жон кўрмай, форда ётавериб охири нима бўлар экансан? Уйда бўлганигда устингга гард ҳам юқтирмас эдим!» деб хаёлдан ўтказиб, умидсизликка бериларди.

Исмоилнинг совуқдан қорайиб кетган юзлари кигиздек қотиб, қовоғи солиқ эди. Нима қилсин, қўли қисқа, бутун дунёга ўт қўйиб бўлса ҳам ўзининг эркин юриши учун ўч олган бўларди. Саида унинг кўнглини кўтариб, хафачилигини ёзмоқчи бўлгандек, атрофида парвона

бўлар ва уни-буни гапириб, Исмоилнинг пинжигга тиқиларди. «Эр-хотин яхши кунларда ҳам, оғир кунларда ҳам бирга бўлиши керак! – деганлар деб ўйларди Саида. – Бошга тушганни кўз кўрар, ҳаммасига бардош бераман! Исмоилим омон юрса бўлгани. Бошқа нарса керак эмас, худо сақласин, кўзим тирик экан, ёт кишиларга сир бой бериб, ёмон хотин деган ном чиқармайман. Мана, Тўти-ой! Бир ўзи муштдек-муштдек уч боласи билан эрининг ўлик-тиригидан хабарсиз, жўхори аталани қошиқлаб улашиб, у ҳам қаноат қилиб, сир сақлаб ўтирибди...»

Ўтган куни Саида тамаки саройидан ишдан қайтиб келаётганда, орқасидан Мирзақул ҳам етиб келди:

– Ҳой, Саида, тура тур! – деди у. Гарчи Мирзақулнинг овозидан бирон шубҳа англашилмаган бўлса ҳам, хавотирланиб, юрагини ҳовучлаб юрган, Саида турли ўй-хаёлларга бориб, титраган лабларини яшириб, оғзини рўмол билан беркитиб олди. Шу маҳал Мирзақул қандайдир зарур гапи бордек Саиданинг ёнига яқинроқ келиб, эгилганича унинг кўзларига тикилиб қаради. «О, худо, у ҳойнаҳой билиб қолганга ўхшайди!» деган мудҳиш хаёл Саидани чўчитиб юборди. «Қани, айт энди, нега анграйиб турибсан? Айт!» деб қичқириб юборишига оз қолди. Мирзақул жиддий тусда, аччиғлангандек салмоқ билан гапира бошлади.

– Саида, сенга туғишган яқин кишимиз бўлганинг учун айтиб қўядиган гапим бор, – деди у.

– Нима гап эди? – деб сўради Саида. Лекин у ўз овозини ўзи эшитмаган эди. У бу сўзларни овоз чиқариб айтганини ҳам ёки ичида ўйлаб турганини ҳам сезмай қолди.

– Ҳой, сенга нима бўлди, Саида, – Мирзақул чўчиб кетди. У, Саида қолиб бемаврид гапириб қўйганидан ўзи хижолат бўлиб қолди. Мирзақул Саидани кўрқитиб юборган эди.

– Ҳой, Саида, сен кўнглингга олиб, хафа бўлиб юрма, ҳеч нарса бўлгани йўқ.. Фақат сенга шуни айтиб қўймоқ-

чиманки, эртага омбордан жангчиларнинг бола-чақаларига озроқ ғалла ажратиб бермоқчимиз... Лекин ҳаммани ҳам рўйхатга киритишнинг иложи бўлмади... Сен ҳам рўйхатда йўқсан, ҳаммасига ўзинг тушунасан-ку, яна аразлаб юрма... Тўтиойга ўхшаган кўп болали оналарга бир эвини қилиб беш-ўн килодан улашдик. Мўлроқ бўлганда бошқаларга ҳам берсак қани эди... Эртага яна гап-сўз қилиб, жанжаллашиб юрманглар... Сенга шуни айтиб қўяй деган эдим.

Буни эшитиб, Саиданинг кўнгли жойига тушди.

– Нега аразлардим! – деб аксинча ўзининг ғалла олмайд қолганидан негадир мамнун бўлиб кетди. «Менга зарур эмас, яхшиси ўша Тўтиойга ўхшаган кўп болали оналарга беринглар, мен эса бир амаллаб кунимни кўрарман!» – демоқчи бўлди-ю, бироқ довдираб қолиб гапиришга журъат этолмади.

– Яна мендан ранжиб, кўнглингга ёмон фикрлар келиб юрмасин, Саида... Менга қара! Келгуси сафар иложини топсак, албатта сенга ҳам берамиз... Кампирга ҳам шундай деб айтиб қўй. Мирзакул Қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб нима фойдаси тегди, деб орқаво-ротдан гапириб юрмасин... Ўз уруғларимизга ён босишни мен ҳам биламан. Буни овулда ўзинг ҳам кўриб юрибсан-ку...

Мирзакул бир зум ўйланиб қолиб, овулнинг қор босган томларига бир сидра қараб олиб, отини елдириб кетаётган ерида яна жilовини тортиб тўхтатди. У ҳозир Саидага ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, яна ўз фикридан қайтди. Мирзакулнинг ҳозирги кўз қарашлари худди Тўтиойнинг ҳовлисида бўлгандек Саиданинг тинчини бузиб, танг қолдирди. Энди ҳамма нарса Саидага равшан эди. Мирзакулнинг жозибали кўз қарашлари Саидани эркалаб: «Айтмасам ҳам тушунишингни билардим. Мен сенга ишонаман... Бундан кейин ҳам ишонаман... Сен ғоятда гўзалсан, олижанобсан... Билсанг, мен сени яхши кўраман... Кўпдан бери севаман сени...» деяётгандек туюларди.

Ногаҳон бундай сирнинг очилиши кўрқувдан ранги ўчиб оқариб кетган Саидани ҳангу манг қилиб қўйди. Кўзларини бақрайтириб, бошини юқори кўтариб олган Саида шу тобда янада гўзал, янада назокатли кўринарди.

– Мен кетдим! – деди у чўзиқ оҳангда қатъий қилиб.

– Тура тур! – деди Мирзакул ва сўзининг калавасини тополмай қийналди. У кетмоқчи бўлиб от жиловини қўлига олди-да, яна уни бўш қўйди: – Тўхта, Саида! – деб такрорлади у. – Агар болангнинг овқатидан қийналиб қолсанг, эсингда бўлсин, тортиниб ўтирмасдан айтавер. Устимдаги шинелимни сотсам ҳам, ўғлингнинг овқатини топиб бераман!

Бошини қуйи солиб жимгина турган Саида, гоҳ унинг сўзларини чин қалбдан маъқуллаётгандек, гоҳ бир томони ундан чўчиётгандек ялт этиб қараб: «Мен сендан кўрқаман! Менга тега кўрма. Бу тахлитда қарама ҳам, мен сендан кўрқаман!» деяётгани унинг юзларидан сезилиб турарди.

Мирзакул буни тушунди шекилли, чақнаган кўзлари гўё сузилгандек қовоқларини солиб олди. Аммо у тез орада яна аввалги ҳолига келиб, ўрталарида бирон гап ўтмагандек, вазминлик билан оҳистагина сўзлади:

– Бор энди, боланг йиғлаб қолгандир...

Саида худди биров қувлаётгандек, тезда жўнаб қолди. Агар у уялмаганда, кўчанинг ўзиданоқ югуриб кетган бўларди. Саида бир оз юргандан сўнг орқасига қайта-қайта бурилиб қаради. Мирзакул бошини қуйи солиб, сув ёқалаб отини ўз ихтиёрига қўйиб шошилмай борарди. У шинелининг ёқасини кўтариб олганиданми, орқасидан қараганда букчайиб қолгани, майиб қўлининг курак суяги хурпайиб чиқиб тургани, айниқса ҳозир кўзга яққол ташланарди... «Ўзи не аҳволда-ю, яна шундай совуқда устимдаги шинелимни сотаман дейди...» – деб шивирлади Саида. Шунда унинг қалби тўсатдан

энг ноёб ҳис-туйғуларга тўлиб, бутун вужудини қизғин ҳаяжон коплаб олди. Ҳозир у Мирзакулнинг орқасидан югуриб бориб, ундан кечирим сўраб, илиқ сўзлар билан уни эркалатгиси келди... «Сен учун юрак-бағримни юз пора қилайин, суқсурдек қизлар овулда тўлиб ётганда, сен менинг нимамага қизикдинг? Ўз эрим ёнимда юрганидан хабарсизмидинг?...» – демоқчидек бўлди.

Кўзларига ёш тўлган Саида фикр-хаёллари айқаш-уйқаш бўлиб нима қилишни билмай доводи раб қолди. У қаҳратон совуқдан дир-дир калтираб, то уйига етгунча дам-бадам орқасига қайрилиб қараб, титраган лабларини рўмоли билан яшириб борди.

* * *

Кеча овулга хунук хабар тарқалди. Тамаки саройида ишлаётган хотинлар ўзаро ниманидир гапиришиб, аллақандай кўнгилсиз воқеадан қутлари ўчиб, катта-катта тамаки тойларини кўтаришиб келаётган Тўтиойни кўрганларида қайғуриб, сукут сақлашарди. Тўтиой ўтиб кетиши биланоқ хотинлар унинг орқасидан яна термилишиб:

– А-а, бечора, бечорагина! – деб хўрсинишиб, юзларини енглари билан беркитганча, овоз чиқармай йиғлашарди. Улар орасидаги қора рўмолли хотин ўпкаси тўлиб, ўзини тутолмай, пиқиллаб йиғлаб юборди:

– Бахтсиз етимлар, уволларинг германнинг бошига етсин!..

Қишлоқ кенгашига Тўтиойнинг эри Бойдали Сталинград яқинидаги жангларда ҳалок бўлганлиги ҳақида хабар келди.

Кейинги кунларда овулнинг дам у ерида, дам бу ерида эркакларнинг: «Боврим-ой! Боврим-ой», деган йиғи аралаш овозлари тез-тез эшитилиб турарди. Қонталаш юзларини юлиб, остонага тескари ўтириб олган хотинлар:

*«...Кумушдан эди ю-ганинг а-а-а,
Арслондек эди ю-рагинг-а-а-а.
Юганинг қолди тақилма-а-я,
Қорони тутдим бошим-га-а,
Мардларинг қасос олмоқда-а-а-а,
О-о-о-о-ха-а! Э-э-эй»*

– дейишиб овозлари битиб қолгунча ярим кечага қадар фиғон чекиб йиғлашарди. Саида буларнинг ҳар бирини қалбдан чуқур ҳис этган сари ваҳимага тушиб, уввос солиб йиғлашаётган одамларнинг кўзига кўрингиси келмай, кўрқа-писа хотинлар орқасига яширинарди. У темир йўлнинг нариги томонидаги яйдоқ ерларга қочиб кетиб, бўтадек бўзлаётган симёғочларни кучоқлаб, ҳеч кимга кўринмай, ўзи ёлғиз нола тортиб йиғлагиси келарди.

Мана, энди Тўтиойнинг ҳам уйини қий-чув овози босиб, у ҳам юзларини тирнаб-юлиб, дод солиб йиғлайди, унинг болалари эса катта кишилардек белларини боғлаб, саф тортиб, ташқарида таёққа суянишиб: «Вой, отам-эй, шўрлик отам-эй!» дейишиб чирқиллаб йиғлашади. Бечора Тўтиой бошига қора кун тушганидан шу пайтгача хабарсиз эди. Бойдалидан келган «қора хат» ҳали Мирзақулнинг ёнида эди. «Қора хат» билан бирга колхоз бошқаруви номига полк командиридан ҳам хат келган эди.

Бизнинг қўшинларимиз шиддатли ҳужумга ўтиб, душманнинг мина ўрнатиб, тўсиб қўйган сим тўсиқларидан ўта олмай, Волга қирғоғига яқин ерда қамалиб қолади. Шу пайт мина ўрнатилган сим тўсиқлари томон яқинлашиб боришга ҳеч ким ботина олмай, аскарлар ёмғирдек ёғилиб турган ўқ ичида қирилишга оз қолганда, Бойдали югуриб бориб, ўзини ўша сим тўсиқлари устига ташлайди. Миналар портлаганда, аскарлар ҳужумга ўтиб, душманни қувишни бошлайди...

Бу шум хабарни эшитиб, Мирзакулнинг уйига тўпла-нишган овул оқсоқоллари Бойдалининг азасини тут-гандек маъюс ҳолда жимгина ўтиришарди. Ниҳоят поч-таци Курмон телпагини кўзига тушириб, ҳасрат билан шундай деб эсга олди:

– Ии-эх, бечора, бечора йигит! Билмай юрган эканмиз. Юрагида ўти бор азамат. Сув учун туғилган деҳқон бо-ласи, унинг қўли теккан экинлар гулдек яшнарди... Наридега ўтиб, бери қайтганимда болалари этагимга ёпишиб, хат борми, деб сўраганларида, келаси бозорга олиб келаман, деб овутиб қўярдим. Энди билсак, мудҳиш хабар. Бу ҳам бўлса худонинг лойиқ кўргани... Энди илож қанча, ботир-нинг ҳалокати – элнинг кулфати.

Мирзакул қариялардан беш-олтитасини тўплаб олиб, Бойдалининг ўлими ҳақидаги хабарни унинг бола-чақаларига қандай етказиш кераклигини сўраб, маслаҳат қилди. «Ўлди» деб хат келгандан кейин нима ҳам қилиш мумкин. Аммо шундай оғир йилларда аёли Тўтиой бел боғлаб, болаларини кўз қорачиғидек ар-доқлаб, оч қолдирмай, эплаб боқиб турганда, Бойдали ҳалок бўлибди, деб қандай айта оламиз. Ўзи аранг яшаб турганда, бу хабарни айтсак, охириги умид-ишончидан ҳам маҳрум этган бўлмаймизми? Тўтиойнинг руҳи ту-шиб кетса, болаларига ким қарайди. Қўй, Мирзакул, бунидан ҳозир айтолмаймиз, журъатимиз етмайди. Пи-шиқчилик келсин, эл-юрт тўйинсин, сўнгра кузга бориб ҳаммамиз биргаликда худойисини ўтказиб, овулимиз-дан чиққан баҳодир ҳалок бўлди, деб хотирасини ҳур-мат билан эслаб ўтамиз...

Кексаларнинг бу маслаҳати овулдаги кўпчиликка маъқул тушди. Ҳали тамаки саройида аёлларнинг ҳеч нарсадан хабари бўлмаган Тўтиойга ачиниб, йиғлаёт-ганларининг боиси ҳам шунда эди.

Тунда Исмоил уйига одатдагича қайтиб, Саида унга кўшнисини Бойдалининг қисмати ҳақида гапириб бер-

ганда, у мийиғида алланарсалар деб тўнғиллаб, эгнини қоқиб қўйди.

Унинг бундай бесўнақай ва ҳаракатсиз туришидан: «Ия, ўлган эканми?» дегандек, ёки бўлмаса: «Ўлса ўлгандир. Ўққа бошингни тутганингдан кейин нима бўларди. Мен бошимни олиб бекорга қочиб юрганам йўқ! Аҳмоқ бўлмаса минага ўзини ташлармиди? Ундан нима фойда кўрди? Ажали етди холос!» – деган каби маънони уқиб олиш мумкин эди. Ҳайтовур, у хўмрайиб бадхоҳлик қилгандек, ёнида турган катта косадаги гўжани олиб, қулқуллатиб симириб юборди-да, тўймагандек қовоғини солиб:

– Яна борми? – деди.

Саида Исмоилни бундай ҳолатда кўриб ҳайратда қолган ва: «Қаҳратон қишда бирда оч, бирда тўқ юриб, ўз жонини сақлаш билан овора бўлгандир...» деб ичида аяган эди.

Исмоилни кузатиб юборгандан кейин Саида алла-маҳалгача ухлаёлмай ётди. Эшикда шамол увуллаб, қор учқунларини учуриб, деразаларни чертарди. Совуқда тўнган ит овул чеккасида бир-икки ангиллаб, ғингшиб қўйди-да, сўнгра «сов-у-у-у-уқ, сов-у-у-у-уқ» дегандек улиди. Саиданинг аъзойи бадани қалтираб, ўша қор босган далада бўрон аралаш эсан шамолдан чийиллашиб хуштак чалаётган қалин қамишзорлар орасидан ғорга кетиб бораётган Исмоилни кўз ўнгидан ўтказиб, кўрққанидан ўрнидан туриб кетди. Шу пайт Саиданинг боласи йиғлаб қолиб, уни эмизиб бўлгандан кейин, яна хаёл суриб, уйқуга кетди. Бироқ уйқусида ҳам Исмоил ёдидан чиқмади... Тушида Саида илгаригидек янгидан келин бўлиб келгану, Исмоил иккаласи иморат кураётган эмиш. Исмоил белигача ечиниб олган бўлиб, қуёшдан қорайиб кетган баданлари тердан йилтирарди. У Саидани кучоқлаб олиб, бағрига босади. Бундоқ қараса, устида солдатча кийими: Исмоил ҳозиргина аскардан

келиб турган экан. Саида ўзида йўқ қувониб кетади. Бу манзара унга гўё ўнгидагидек бўлиб кўринади. Исмоил соғиниб, юрак-бағри ўртангандек, илиқ лаблари билан Саиданинг юзларидан қайта-қайта ўпиб олиб, липллаб ёниб турган пиликни «уф» деб бир пуфлашда ёқ ўчиради... Саида жони ором олаётгандек баданлари жимирлаб: «Соғиндим сизни, беҳад соғиндим!» – деб унинг қулоғига шивирлайди... Кутилмаганда шувуллаб қуюн кўтарилади-да, Исмоил кўздан ғойиб бўлади. Саида унинг орқасидан қичқирганича югурарди. Бир маҳал қараса, ҳамма ёқ қор, ўзи эса ғорда ўтирган эмиш, Исмоил товуқ гўштини узиб-юлқиб суяклари билан бирга чайнаб, Саидадан қизғангандек, ўқрайиб-ўқрайиб қарайди. Саида Исмоилга яқинроқ келиб, гапиришга оғиз жуфтлайди-ю, яна гапира олмай, кўнглидан ўтказди. «Мунча очкўзлик қилмасанг. Борига қаноат қилсанг-чи, тошни ютиб юборай дейсан-а, Исмоил!». Шу маҳал атрофдан қандайдир қичқирган овозлар эшитилиб, бир гала аскарлар ичидан милтиғини ўқталиб, қийқириб келаётган Бойдали ўзини тиканли сим тўсиқлари устига ташлайди. Ер-кўк ларзага келиб, ҳавони чанг-тўзон қоплаб олади. Ҳалиги аскарлар эса Бойдалининг жасадини қўлда кўтаришиб, олға томон югуришади. Саида кўрқув аралаш ғорнинг оғзини беркитмоқчи бўлгандек дик этиб ирғиб туриб кетади...

Эртаси эрта билан Саиданикига почтачи Қурмон оға чопиб келди, у айна вақтда Қишлоқ кенгашининг хизматини ҳам адо этарди. Унинг этаклари икки ёққа тарвақайлаб кетган, қиёфасидан қандайдир ташвиш аломатларини фаҳмлаб олиш мумкин эди. Қурмон оға от устидан энгашиб, эшикни қамчи дастаси билан ура бошлади!..

– Саида, райондан ИНКУУнинг одамлари келиб, тезда сенинг идорага етиб боришингни сўрашяпти. Қани, тезроқ бўла қол!..

Саида эшикка югуриб чиқар экан, уларнинг нега чақираётганларини сўрамади ҳам. У, Қурмонни кўриши биланоқ юраги така-пука бўлиб, масалага дарҳол тушунган эди. Саида гарчи ўнгида фарёд кўтариб йиғламаётган бўлса ҳам, кўнглида «Айланай Исмоил, энди нима қиламиз?» деб фиғон чекаётган эди. Нариги ёқдан севиниб чопиб келган Ҳасантой, Қурмон оға хат келтирди, деб ўйладими:

– Исмоилдан хат келди. Саида янга! Суюнчи! – деб қичқирди-ю, ранги бўздек оқариб кетган Саидани кўриши биланоқ овози бўғзида қолди ва елкасини қисиб, бирон айб қилиб қўйган кишидек, четга бориб хомуш бўлиб туриб қолди.

– Э, шўрлик болам-а! – деди Қурмон оға. Унинг бу сўзи болагами ёки Саидага қарата айтилдими, ким билади дейсиз. Қурмон оға отига қамчи босиб чоптириб кетди.

Саида Қишлоқ кенгашининг идорасига қандай етиб келганини сезмай қолди, қўрқувдан баданлари музлаб, қалтираган қўллари билан аранг эшикни очиб кирган эди. Қурмон оға айтгандек, стол ёнида тўппонча таққан, шинелли киши ўтирганини кўрди. Саида ўтирган кишининг юзига қарашга ботина олмай, ундан кўзини олиб, бошини хам қилганча яқинлашиб бораверди. «Исмоилдан энди айрилар эканман!» деган биргина хаёл уни банд этган эди. Бироқ орадан ҳеч қанча вақт ўтмай унинг тасаввурида: «Исмоилни бермайман! Ҳеч кимга бермайман!» деган иккинчи бир кучли хаёл ҳукмронлик қиларди.

Саида Қишлоқ кенгаши идорасига кириб келганда ҳам ўша хаёл устунлик қилиб: «Исмоилни бермайман! Ҳеч кимга бермайман!» – деб, онт ичгандек қақшаб ичида қайта-қайта такрорлаётган эди.

– Ўтиринг! – деди НКВД вакили Саидага. Лекин Саида бунга эшитмай қолди.

– Ўтиринг! – деб иккинчи марта айтилганда, Саида кўр кишидек курсининг четини сийпалаб аранг ўтирди.

НКВД хизматчиси у-бу гапларни бамайлихотир сўраб, уларни қоғозга ёзиб оларкан, бир лаҳза ўзича ўйланиб ўтиргандан кейин, Исмоилнинг фронтга кетиб бораётганда беш отар милтиғи билан эшелондан тушиб қолиб, қочиб кетганини айтди.

– Эрингиз ҳозир каерда?

– Билмайман, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ, – деб жавоб берди Саида.

– Сиз, раҳм қилиб, айтмасликка онт ичган бўлсангиз ҳам, у бари бир ҳеч ерга қочиб қутула олмайди, охири қўлга тушади. Ундан кўра эрингизга, ўзингизга яхшиликни раво кўрсангиз, очигини айтинг. Эрингиз ўз ихтиёри билан озодликка чиқсин... Сиз бу ишда бизга ёрдам беринг.

– Билмайман, менинг ҳеч нарсадан хабарим йўқ! Аскарга олиб кетган ўзларинг, кейин нима бўлди, у ёғи менга қоронғи.

Вакил қанчалик кўп суриштирмасин, Саида билмайман, деб, ичида эса, «Худо лойиқ кўрган ёримни ўлимга итариб, ўзимга ўзим душманлик қилармидим! Бошимни кесиб ташланглар, ўлимдан кўрқмайман, бироқ ҳеч нарсани айтмайман!» деб ўзини билмасликка солиб, ўжарлик қилиб ўтираверди. Сўроқ тугаб, Саида кўрқувдан дармонсизланиб қолган эди. У йиқилаёзгандек аранг эшиқдан чиқиб бораётганида, нариги ёққа отини боғлаб келаётган Мирзақулга кўзи тушди. Мирзақул кўлидаги папирос қолдиғини сипқариб тортиб, шошганича келаётган эди. У бугун ҳам қандайдир бошқача кўринарди, соқоли ўсиб, жағлари янада ич-ичига кириб кетган, эти қочиб, қотиб қолган елкаси бир оз пастга осилиб, эскириб кетган шинели остидан туртиб чиқиб турарди. Телпак четидан қоши аралаш тикилиб турган кўзлари эса жон азобида қийналаётгандек, кишига ўйчанлик билан термиларди. Мирзақул Саидани кўриши биланоқ тўхтаб, оёғига тикан киргандек унга қадалиб қаради.

– Айтдингми? – деди у қўли билан эшик томонни имлаб кўрсатиб.

– Нимани айтишим керак эди? Мен ҳеч нарсани билмайман! – деди Саида унга.

– Хў-ўш, айтмайман дегин! – Мирзакул жаҳли чиққандек жим қолди, сўнгра папиросини оёқ остига олиб тепкилаб, бошини чайқаб олди.

– Одамнинг яхши-ёмонлиги мана шундай пайтларда сезилар экан! Айтмай уни қаёққа олиб бормоқчисан? Номус борми сенда? Ватаним деган эркак – ҳаммамиз қолмасдан жўнадик, яхшиликками, ёмонликками, элу юртдан ажралмасдан. Буни сен тушунасанми? Гапир, ҳали ҳам кеч эмас, Исмоилни топ, эл қаерда бўлса, у ҳам шу ерда бўлсин.

Юраги зардобга тўлиб, жон талвасасида турган Саида, ҳеч ҳайиқмай Мирзакулни юлқилай бошлади.

– Тушунганда нима? Қочса кочиб кетгандир. Мен уни қаердан билай! Ҳар кимга ўз жони азиз, ўз бошини ўзи сақлаб юргандир, сенга нима, мунча чиранмасанг, йўлингни кесиб ўтгани йўқ-ку. Ёки ҳаммани ҳам ўзингга ўхшаб майиб-майриқ бўлиб келсин демоқчимисан?..

Саиданинг бу сўзлари Мирзакулнинг иззат-нафсига қаттиқ теккандек, кўзлари олайиб, чўлтоқ қўли дирк этиб силкиниб тушганда, киссасидаги бўш энги сурилиб чиқай деди.

– Де-демак, сенингча, мен Исмоилдан... ё-ёмонлигим учун... шундай аҳволга тушиб қайтиб ке-ке-келган эканман-да! – деди у ҳар бир сўзини салмоқлаб, тутилиб. Сўнгра турган ерида орқасига хиёл тисарилиб, қўлидаги ўрилган қамчи билан Саиданинг бўйин ва боши аралаш савалай кетди. Саида ҳам парво қилмай тураверди.

У қулоғи остидан шип-шип ўтаётган қамчини пайқамаетгандек, гўё сеҳрлаб қўйилган қуён каби Мирзакулнинг соғ қўли аралаш энги ичидаги диркиллаб, қалтираб турган чўлоқ қўлидан кўзини узмай, мўлтайиб ту-

раверди. Иккинчи бир қараганда Мирзакул қўлидаги қамчини тиззасига уриб синдирмоқчи бўлди-ю, бироқ чўлоқ қўли енг ичида яна дирк-дирк қимирлаб, бу ҳаракатдан ҳеч нарса чиқмагандан кейин, қамчини томнинг тепасига улоқтириб юборди. Ўзи эса ўқ теккан киши сингари шинелининг бўш енгини чангаллаганича кўксига босиб, ариқни ариқ демай, қор уюмларидан сакраб, югурганича ташқарига чиқиб кетди. Унинг елкаси яқиндан тўқ қизил бўлиб кўриниб, фронтдан олиб келган орқасидаги эски сумкаси ёнбошига шалоп-шалоп уриларди.

Мирзакул олға томон чопиб кетганда, орқада мулзам бўлиб қараб қолган Саида қамчи урилган бўйнининг ловуллаб ачишаётганини эндигина сеза бошлаган эди. Қора тутун босиб келгандек изтироб ичида қолган Саида фарёд солиб йиғлагиси келарди.

У кўча бўйлаб бораркан, олдидан ураётган изғирин қор бўронини ҳам, ён-беридан тез-тез ўтиб кетаётган йўловчиларни ҳам пайқамай, ўзини кенг далада гангиб бораётгандек ҳис қилди. Қавариб, шилиниб кетган бўйни ловуллаб ачишиб, лабини тишлаганича атрофга ҳеч қарамай, хўмрайиб борар, бир-биридан аччиқ, бир-биридан изтиробли ўй-хаёлларга чўмиб, етти номуси ерга киргудек бўларди.

«У мени урди, савалади, шарманда қилди! Мен буни Исмоилга айтаман, ундан ўч олсин!» дерди ва дарҳол яна ўз ҳукмидан қайтиб: «Йўқ, айтмайман, зотан, буни айтиб ҳам бўлмайди. Исмоил тутилиб қолиши мумкин, яхшиси дамингни чиқарма-ю, юрагингга тугиб қўй, у билан гаплашиб олишнинг ҳам мавриди келар! Туғишган – душман деганлари шу-да, ўз туғишганини кўрарга кўзи йўқ. Исмоил омон бўлса, қишни чиқариб, доvon очилиши биланоқ Чотқолга жўнаймиз. У ерда ҳеч кимдан яширинмай, элу юрт қатори эркин яшаймиз. Мирзакулнинг юзига иккинчи марта қарамаганим бўлсин!..»

Саида уйга қайтиб келди-да, бешик тебратиб ўтирган қайнонасини қучоқлаб ерга йиқилди. У жимгина ўтирган муштипар онанинг ориқ тиззаларига бошини қўйиб, номусдан изтиробга тўлган кўнглига эрк бериб, хўрсиниб-хўрсиниб йиғлади:

– Она, Мирзақул мени урди! Айланай онажон, Мирзақул мени урди!

Юзларидан юм-юм оқиб тушаётган ёш томчилари томоғига тўлиб, узоқ вақт нола тортиб йиғлади. Шунда унинг кулоғига қайнонасининг йиғи аралаш аянчли овози узоқдан эшитилди.

– Онанг айлансин сендан, арзанда болам, жоним қурбон бўлсин сенга... Умидимиз, ишончимиз сенсан! Кўзимизнинг оқу қораси, куч-қувватимиз ҳам сенсан... Сен бор экансан, кўнглим тоғдек бўлиб, овуниб ўтирибман. У дунёю бу дунё сендан розиман... Бундай кўргиликларга чидаш бермай илож қанча... Мирзақул ота-боболарини унутиб, ўз уруғларидан юз ўгирган бўлса, худо бордир, арвоҳ бордир...

Саида Исмоилнинг келар пайтини билиб, ярим кечада ўрнидан турди-да, уни овулнинг чеккасида кутиб олди. Исмоил бу сафар овулга кирмасдан, ўз қароргоҳига қайтиб кетди.

* * *

Илк баҳор, қишлоқдагиларнинг кўпчилигида озиқ-овқат тугаб қолган пайт. «Овулда энди сигирлар туғиб, сут-қатиққа оғзимиз тегса, кейин думбул, арпа, сўнгра пишиқчиликка ҳам етиб олар эдик» деб гапиришар эди. Аммо айтишга осон, унгача озмунча вақт борми...

Саида учун турмушнинг энг оғир, энг машаққатли кунлари келди. У Мирзақул билан уришиб қолгандан кейин, Исмоил янада сергак бўлиб, ғордан чиқмай, уйига келишни ҳам бас қилиб қўйди. Саида топган-тутганини қўйнига тиқиб, пайтини топса, кундузи ўтинга

борганда, бўлмаса кечалаб Исмоилнинг олдига ўзи қатнарни. Бу ҳам майли-ку, лекин Исмоилнинг мечкай бўлиб шишиб кетгани уни ваҳимага солиб, қаттиқ ташвишлантириб қўйган эди. Исмоил қанча ичиб-емасин, тўйган-тўймаганини билмай, бирдек бўзрайиб ўтираверар эди.

– Дон-дундан уйда қолдими ҳеч ёки ғорда ётавериб, охири очимдан ўлиб кетмайин тагин, яширма, ростини айт! – деди у.

– У нима деганингиз! Тани жонингиз соғ бўлса, бир бурда нон топилар...

Саида эртаси барвақт туриб, бултурги хирмон жойларига қараб йўл оларди. У ўзи билан бирга олиб келган тўрвасини ерга ёзиб қўярди-да, эрталабдан оқшомгача сомон шопирарди. Хирмон тагида қолган сомон орасидан битта-яримта буришқоқ майда буғдой доналари тушарди. Кун бўйи бир коса буғдой тўпласа, уни кечаси билан қўл тегирмонида тортиб, Исмоилга нон пиширарди. Шу тахлитда яна неча кун тирикчилик ўтказишларини ким билсин. Саиданинг ишонгани – қўлидаги ёлғиз ғунажини. У туғиб берса, Исмоилга сут-қатик, мой бўларди!

Исмоил! Исмоил!.. Қачон бўлмасин инграб, бутун дунё кўзига ёмон кўрингандек, бирон оғиз илиқ сўз айтмас, мақсадсиз, орзу-ҳавассиз, биқиниб яшарди. Унинг нималар ҳақида ўйлаётганини, эзгу ниятини билиш қийин эди. Гапирганда ҳам ўша довоннинг очилишига қанча вақт қолганини сўраб, кун санарди-ю, яна овқат ҳақида ўйларди, холос. Эт деганда оғзининг суви келарди. У туриб-туриб, совуғим ошиб кетди, жирим қуриб кетди, деб нолир эди. Исмоил бу сўзларни айтганда, бир лаҳза бўлса ҳам фикр-ёдидан аллақандай мудҳиш халёллар кўтарилгандек, ўқрайган кўзларидан ўт чақнаб, анча вақтгача қовок солиб, жим қоларди. Ажаб, шундай пайтларда у нималар ҳақида ўйлар экан-а?..

Шу аҳволда ғорда ётавериб жинни-пинни бўлиб қолдими, деб Саида кўрқиб кетди. «Энди нима қиламан?» – дерди у ачиниб. Балки ўғлини соғиниб қолгандир, деган хаёл билан Саида кунлардан бир куни боласини чўмилтириб, унинг кўйлак ва йўртакларини ювиб, овулдагиларга: «Бобосиникига ўйнагани кетяпмиз» деб болани ғорга кўтариб борди.

У бирга ўтиришган ота-боладан кўзини олмай, завқланиб қарар ва шу чоқ ўзини ҳам ғоят бахтиёр ҳис этарди. Саида орадан бир кунни ўтказиб, яна овулга қайтиб келди.

Ёз эрта кираётгандек бугун қуёш эрталабданоқ чарақлаб чиқиб, қиздира бошлади.

Қирмоч боғлаб босилиб ётган қор бети чет-четидан ола-була бўлиб эриб, яхлаб қолган шудгор ерлардан буғ чиқиб турар эди. Водий бўйлаб майин шамол эсиб, гўё ҳаво илигандек, чўкинди қорлар остини ўйиб, шилдираб сув оқарди.

Атрофда чурқ этган тирик жон йўқ. Хув анави хирмондан димиққан илиқ ҳид келарди, кимдир биров тўпон ағдариб шопириб ётганга ўхшарди. Бу Саида эди: тўпонни қоплаб, очиқроқ ерга олиб борарди-да, «шамол отаси»ни чақириб, уни ҳавога сочиб шопирарди ва қум ичидан олтин заррачаларини излагандек яна уни титиб кўрарди. Бироқ, бу хилда ишлаш қанчалик майда, қанчалик зерикарли бўлмасин, Саида ундан бош тортмасди.

Нима бўлса ҳам Исмоилни кўкламгача боқиб чиқиши керак, сўнгра худо ўша кунларга етказса, доvon очилиб, йўл тушиб қолар...

Ёқимли баҳор қуёши танларни яйратиб, кишига ўзгача роҳат бахш этарди. Шу тобда Саида бир зумгина тўхтаб, ўзича тотли хаёлларга чўмар, ҳатто очликдан кўнгли озиб бораётганини ҳам унутиб, аъзойи бадани қалтираб-титраётгандек сезиларди.

У келажак ҳақида орзу қиларди. Хув ана, олисда – мангу қор босиб оқариб кўринган тепаликлар орқасида Чотқол чўзилиб ётибди. Саида Чотқолни эслаганида, негадир худди афсоналарда тасвирланганидек, кўз ўнгида ажойиб манзара гавдаланарди. Ёзин-қишин кўм-кўк бўлиб чайқалиб ётган яшил ўтлоқлар, сув бўйларига қатор-қатор тизилган оқ ўтовлар, осмонга тутун тарқатиб, биқирлаб қайнаётган ичи тўла қозонлар... Улар мана шу ажойиб ўлкага – Чотқолга кетишади. У ерда Исмоилнинг тоғалари бор. Чотқолда Исмоилнинг аскардан қочиб келганини ҳеч ким билмас ва сўрамас ҳам эмиш. У ерда Мирзақулга ўхшаган ёмон кишилар ҳам йўқ эмиш. Чотқолга борганларидан кейин Исмоил колхозга чўпон бўлиб ишга киради, Саида эса унга кўмаклашади. Мана шунга ўхшаш туганмас ўй-хаёллар...

Қани энди тезроқ кўклам кела қолса-ю, илиқ кунларга ҳам тезроқ етиб олиш насиб қилса...

Одамзот баҳорни ана шундай интиқлик билан кутади: қаҳратон қишдан сўнг илиқликни кўмсайди, зеро, жўшқинликка ташна бўлади. Чунки бу фаслда қишда ҳаёти сўнган бутун мавжудот уйғонади. Кўнгиллар яйраб, завқ-шавққа тўлади киши... Бироқ Саиданинг дарду хаёли тамомила бўлакча эди. Бошқа пайтларда сира йўлаб бўлмайдиган қор довонининг очилиши – Чотқолга йўл очилиши – унинг учун эри ва бутун оиласини қутқариб қолиш йўли эди. Бу эса улар учун бирдан-бир имкон, ягона нажот йўли эканини Саида яхши англади...

Шу боис у бу ҳақда кечаю кундуз қаттиқ қайғуриб, кўрқинчу умидворлик билан хаёл сурарди.

«Ўлмаган жондан – умид» деганларидек, Саиданинг орзу-умидлари сўнмаган эди. Шу ҳақда ўйлар экан, қайнонаси қачондир айтган сўзларни миннатдорлик билан эсларди: Ўғлининг қисматидан руҳан эзилган, азиат чеккан айнан шу муштипар Бексаат онагина ёш

келин-куёвга Чотқолдан паноҳ топиш ҳақида илк бор фикр билдирган эди.

* * *

Саида от ўғриси ҳақидаги кўҳна қўшиқни бурун ҳам овулларда кўп эшитганди:

*Уюрдан от обқочарман,
Гулхандан ўт олгандай,
Чотқол сари учарман,
Музу қорлар кечгандай...*

Саида шу чоққача бу қўшиқнинг мазмунига ҳеч қандай аҳамият бермаган ва Чотқол, вақти келиб, унинг учун оламдаги энг азиз ва табаррук қароргоҳ бўлиб қолишини хаёлига ҳам келтирмаган эди...

Ўзини ўзи банди қилиб қўйганидан гангиб, одамови бўлиб қолган Исмоил учун ҳам, ўша от ўғриси қўшиғида куйланганидек, умид ёғдуси сўнмаганди: у бутун қалби билан муз ва қорлар оша Чотқолга ошиқарди, унинг фикри-хаёли фақат шу ҳақда эди.

Исмоилнинг онаси – беозор, касалманд Бексаат кампир – ўша қишни бамисоли бир уюм тупроқ тагидаги инида онда-сондагина атрофга қараб қўйиб, таҳдикали кун кечирувчи кўрсичқондек ўтказди. Қочқинчи ўғлини одамлар нигоҳидан яшириш зарурати туғилган кезларда она бечора бутун фаросатини ишга солиб, ҳовлисидан ҳеч қаёққа чиқмасликка, ҳеч қаерда кўринмасликка, ҳамқишлоқлари билан ортиқча учрашув ва мулоқотлардан йироқ юришга ундади. Бундан ўзгача тарзда яшашнинг сира иложи йўқ эди. Шўрлик кун бўйи уйида набирагинасига қараб ўтирарди, бошқа ҳеч нима талаб ҳам қилинмас эди ундан. Энг муҳими: кампирнинг шундай ҳаёт тарзи ўғлини ҳам, келинини ҳам тўла қаноатлан-

тирарди. Улар унга тўла ишонишар ва суянишар эди. Шу кампир бўлмаганида аҳволлари қандай кечарди?! Саида ўтин йиғишга, шунингдек эрининг тоғ этагидаги бошпанасига бориб келиши учун гўдагини кимга ва қаерга қолдириб кетган бўларди?!

Саида Мирзакул уни қамчилаб савалагунига қадар ҳам қайнонасини бот-бот огоҳликка чақириб турарди: мабодо биров ундан ўғли тўғрисида бир нарса сўраб қолса, ўзини дадил тутиб, унинг тақдирига ачинаётганини билдириши жоизлиги, ҳозирги замонда юз бераётган воқеаларни бир нотавон, саводсиз кампир қаёқдан ҳам билишлигини айтиши даркорлигини уқтирар эди. Бугина эмас... Исмоилни аскарликка олиб, урушга жўнатишганидан бери ундан ҳеч қандай дом-дарак йўқ. Ким билади дейсиз: хатлар йўлда қаерлардадир йўқолиб кетар, балки. Ишқилиб яккаю ягона, ёлғизгина ўғлимни худойим ўз паноҳида асрасин-да. Тирик бўлса, бир куни албатта қайтиб келади. Шу кунлар менга насиб қилиш-қилмаслиги эса ёлғиз эгамнинг ўзигагина аён, деганга ўхшаш огоҳлантиришлар...

Шундай вазиятларда кекса Бексаат ҳаммасини тўлиғинча тушуниб етганини бош ирғаб маъқуллаб турарди. Унинг серажин ёноқлари сезилар-сезилмас оққан кўз ёши томчиларидан намиқиб кетган, у шу қадар мункайиб, озиб-тўзиб, бир тутам бўлиб, кексайиб қолган эдики, Саида унга ачинишни ҳам, бирор маслаҳат беришни ҳам билмасди:

– Эй, энагинам, нега беҳудага ҳадеб кўз ёш тўкаверасиз! Худонинг ғазабини келтирманг, – дея гина қила бошлади келини. – Нима бўлгандаям Яратганга шукр қилсангиз-чи: ўғлингиз гарчи қочқинчи бўлса ҳам, тирик юрибди-ку, ахир. Ярим кечада, оз фурсатга бўлса-да, уйимизга келиб турибди-ку! Аёзли кечаларда юриш қанчалик оғир бўлмасин, бари бир, бу ерлардаги аҳвол урушдагидан афзалроқ-ку, у ёқларда қанчадан-қанча

одамлар қирилиб кетмоқда... Ўғлингизнинг ўзи ҳам айтган эди-ку: бегона юртларда жон фидо қилишимнинг нима ҳожати бор. Тушимга ҳам кирмаган, ота-боболарим ҳам кўрмаган аллақаерларга бориб жанг қилишни менга ким қўйибди! Урушни ким бошлаган бўлса, унинг ўзи урушаверсин. Мен эса «Болта тушгунча кунда дам олар» мақолига амал қилиб, тоқат билан кутиб ётавераман, деб.

Саида бу сўзларни ҳар гал суҳбатга эҳтиёж сезилиб турган кезларда, айниқса тунда овулда музлаган деразаларда чироқлар бирин-кетин ўчиб, совуқ ўтиб ўз хонасидан паноҳ топган итларнинг акиллаши тинган, ҳар рўзғор, ҳар оила чўғи сўнган ўчоқхонаси атрофида ғужлашиб, то сахар-мардонигача – хўрозлар қичқириб, сигирлар маърашгунга қадар – ташқи оламдан узилган пайтларда ўз ҳикоясини такрорлашдан эринмас эди... Қайнона-келин гўдакни ухлатишиб, беихтиёр ўз мушкулотлари юзасидан сўз очишган кезларда Бексаат кампир одатда келинининг гапларини жимгина тинглаб ўтирар эди. Шундай лаҳзаларда қайнонаси жавоб маъносида оғир хўрсиниб қўяр, бошини ожизона қимирлатар эди; ҳар гал суҳбат ниҳоясига етганда эса бошга солганини кўраверамиз-да, деган иборани тилга оларди. Энди эса ўз ваҳимасини сира яшира олмади. Ноилож бошини чангаллади, қонсиз лаблари аранг пичирларди.

– Саидажон, бовурим, жуда ҳам кўрқиб кетаяпман, буларнинг ҳаммаси охири нима билан тугар экан-а!

Саида кўнглидаги умидсизликни қайнонасига сездирмасликка, иродасизлик қилмасликка мажбур эди.

– Энажон, тинчланинг. Нега энди элдан бурун йиғлаб-сиқтайсиз. Мана кўрасиз, ҳадемай ҳаволар илиб, қорлар эрий бошлайди, ердан нам кўтарилади, ўғлингизга ҳам, ўзимизга ҳам яхши бўлади, – деб қайнонасини юпата бошлади.

– Кейин эса яна бирор нима ўйлаб қаловини ҳам топармиз, ахир биз тирик инсонлармиз-ку. Фақат

овулдошларнинг биронтаси ҳам ўғлингиздан бохабар бўлишига сира йўл қўйманг, суриштириб қолишса, сиз ҳеч нима билмайман деб тураверинг, вассалом...

Бехосдан қайнона-келин жимиб қолишди, ўшанда ҳам уларнинг ҳар бири мазкур жумбоқ юзасидан ўзича хаёлга чўмишгани ҳолда унинг ечимини тополмай охири нима бўлишини билолмас эдилар. Бироқ Исмоилни кутиб олиш – овқатлантириш, кўнглини топиб, унга меҳрибонлик кўрсатиш ва эрта тонгда овулни тарк этиши каби юмушларда жонбозлик кўрсатар эдилар: у одатда туннинг қоқ ярмида пайдо бўларди. Саида эрининг келиши олдидан пўстинга ўралиб ҳовлига чиқар ва унинг уйга бехатар кириши учун омборхонанинг нариёғидан кузатарди. Саида Исмоилнинг пайдо бўлишини теварак-атрофга назар ташлаб, ҳар қандай овозга кулоқ тутиб хавотирланганча кутиб турар эди. Айни чоқда узоқда қор билан қопланиб ётган тоғ қоялари устидан милтиллаб кўринаётган юлдузлар ва оймомога қалбан мурожаат этарди. Унинг мажруҳ қалбидаги дарду ҳасратларини фақат юлдузлару оймомогагина тўкиб солиши, уларгагина илтижо қилиши мумкин эди, холос. Зора улар унинг оҳу зорларини эшитиб, қандайдир бир мўъжиза билан ердаги воқеаларга таъсир ўтказишса: эрини, чақалоғини, қайнонасини ҳамда ўзини бало-қазолардан авайлаб-асрашса. Хусусан, Исмоилнинг қочоқлигидан хабар топиши биланоқ уларнинг ҳаммаларини қўл-оёқларини боғлаб Сибирга бадарға қилиш ва йўқотиб юбориш пайида юрган кимсалардан кутқариб қолишса.

«Менинг илтижоларимни эшитингизлар, уларни фақат Сизларгагина изҳор қилмоқдаман, – унинг ўзи тўқиган муножотлари шу сўзлар билан бошланарди. – Сизлар самода ўз ўрнингиздасиз, шу важдан ҳеч нима сизларга таҳдид сололмайди, ҳеч ким ҳеч кимни таъқиб ҳам қилмайди ва у ерда ҳеч қандай ўзаро урушлар

ҳам бўлмайди. Бизлар эса бу ерда даҳшатли урушнинг дастидан ўзимизни қаёққа уришни ҳам билмаймиз. Урушда эса сон-саноксиз халойиқ қирилиб ётибди. Овулимизда эркак зоти қолмади ҳисоб. Ҳаммаси урушга кетган. Душман билан урушиш, жанг қилиш керак, дейилиши биланоқ ҳамма бирдай фронтга жўнади. Аслида эса бирон киши ҳам ўлишни ҳеч қачон хоҳламайди, шунга қарамай, ҳамма ўзини ўлимга уряпти. Нега шундай-а? Эримнинг айтишича у эшелондан қочган экан, ўз хоҳиши билан шу қарорга келган, ҳар ким ўз ақли ҳуши билан иш тутади, бандаликни қаерда бажо келтиришнинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ. Шундайликка шундайку-я, аммо буларнинг ҳаммаси охир-оқибат қандай яқун топаркин-а? Шу боис Сизлардан ёлвориб илтижо қилаяпман, юлдузлар ва оймомо! Сизлардан ўзга ҳеч кимимиз йўқ бизларнинг. Мунглиғ қайнонам икковимиз фақат шу ҳақда бош қотирамиз. Гўдагимиз ҳали жуда ёш бўлса, ундан нимани ҳам сўрашимиз мумкин! Унинг мурғак тақдири қандай кечаркин? Шу ҳақда эрим билан кенгашган чоғларимда у ўз билганидан қолмайди: менинг қисматим нима бўлса, сизларники ҳам шундай бўлади. Турмуш қурганимизда нима бўлган эди? Ўшанда ҳар биримиз ёмон кунда ҳам, яхши кунда ҳам доим бирга бўлиш тўғрисида қасамёд қилган эдик. Мен-ку шунга ҳамиша шайман. Бироқ бундан кейин шу зайлда қандай яшай олар эканмиз? Ҳаммани урушга чорлаётган ўлкалардаги бу даҳшатли уруш яна қанча давом этаркин? Бизнинг ҳаммадан яшириниб, таҳликада кун кечириш тарзимиз қачонгача бундай бўларкин, кўққисдан сиримиз очилиб қолса-чи?.. Эрим бечорага ҳам раҳмим келади, қачондан бери тўдасидан айрилган бўридек, одамлардан қочиб-безиб юрибди шўрлик. Аҳволи оғир унинг. Қаттиқ йўталади, шамоллаган боёқиш. Уйда ҳам ҳамма нарсамиз тамом бўлай деб қолди. Ўрада уруғ учун асраётган картошкамиздан озгина қол-

ди, у ҳам ниш чиқариб ўсяпти. Ун ҳақида эса гапирмаса ҳам бўлади: у умуман тугаяпти. Ваҳоланки унинг ҳар бир сиқимини ҳам ниҳоятда тежаб-тергаб ишлатаяпмиз, нонни эса эрим учунгина пиширамиз, ўзимизнинг кунимиз эса фақат жўхори бўтқасига қолган... Жамоа хўжалигидаги кўпгина хонадонларда ҳақиқий очарчилик бошланмоқда дейиш мумкин. Одамлар аранг, зўрға-зўрға тирикчилик ўтказишяпти, шу сабабли ҳамма кўклам бошланиб, сигирлари туғиб, сут-қатиққа ёлчийдиган кунлар келишини орзиқиб кутмоқда. Наҳотки ўтмишда ҳам одамлар шунчалик қашшоқликда кун кечиришган бўлишса-я? Айтишларича, қадимда ҳам очарчилик ва қаҳатчиликлар бўлиб турган, лекин бунақа урушлар бўлмаган. Одамлардан қочиб, яшириниб кун кечиришдан кўра, камбағал-қашшоқликда яшаш минг бор афзалдир...».

Мабодо Исмоил нимагадир кечикиб қолгудай бўлса – баъзида унга тун қоронғисида тасодифан бирон кишига дуч келиб қолмаслик учун овулдаги ҳамма хонадон деразаларида чироқ ўчирилишини узоқ вақт кутиб туришга тўғри келарди – Саида ўшандай кезларда ҳам омборхона орқасида туриб ўз жуфти ҳалолининг йўлига сабр-тоқат ва содиқлик билан кўз тикиб тураверар ва ўй-хаёлларга берилган ҳолда самовий юлдузларга қалбдан илтижо изҳор этар эди. Унинг шундай ўй-хаёл ва мушоҳадалари фақат қоп-қоронғи кечада узоқдан Исмоилнинг қораси кўзга илинган лаҳзалардагина бўлинар эди. Саида ҳамма нарсани, ҳаттоки ҳозиргина кўнглида кечиб турган барча ўй-фикрларини ҳам унутиб, қаҳратон аёздан титраб-қалтираган ҳолда эрининг ёнига борар ва уни уйга бошлаб кетар эди... Ҳарқалай, қисқа муддатга бўлса-да, бирга бўлишар... Тонг отиши билан эса яна ғойиб бўларди.

Саида учун эрининг кийим-кечакларини ювишнинг ҳеч ҳам қийин жойи йўқ, лекин уни ҳовлида ёйиб қу-

ритишга юраги дов бермасди. Тасодифан бирон кимса ҳовлига кўз ташлаб, эркак киши кийимларини пайқаб, сўраб-суриштириб қолса нима дейди? Шунинг учун кекса Бексаат ювилган кийимларни тунда ўчоқ бошида узоқ вақт сабр-тоқат билан қўлда тутган ҳолда оловда қуритиб чиқарди.

Шундай кунларнинг бирида қуритилган кийимларни нимжон қўлларида тута туриб, келинига йиғламсираб мурожаат қила бошлади:

– Саида, энди бор гапни сенга очикчасига айтмасам бўлмайди: ичимда қандайдир бир ёмон дард пайдо бўлганга ўхшайди, биқиним мудом тош тиқилгандек оғрийди. Ётсам ҳам, турсам ҳам қаттиқ санчади. Кун сайин тинка-мадорим қуриб бораяпти.

– Унда нега шу пайтгача индамай юрибсиз? Оғриқ қачондан бери безовта қилади сизни? – Саида эндигина қайнонасининг мадори қуриб кўзлари қанчалик хиралашиб қолганига ишонч ҳосил қилди. Айни чоқда кампирнинг ичдан азоб бериб келаётган дардни ҳеч кимга билдирмай, индамай юргани шундай оқибатга олиб келганини ҳам англаб етди. Саиданинг авзойи бузила бошлади. – Мен бўлсам буни ҳечам пайқамай юрган эканман, – деди Саида гуноҳқорона. – Ҳамонки шундай дардга йўлиққан экансиз, бунинг бирор чорасини топишимиз даркор!

– Биз нима ҳам қила олардик? Сен фақат Исмоилга ҳеч нарса дема. Негалигини ўзинг яхши тушунасан. Менсиз ҳам унинг ғам-ташвиши етарли. Менинг дардимга дармон излашнинг эса ҳожати йўқ. Шунинг учун ҳам шу чоққача жим юрган эдим-да. Ҳа, қизим, мен бошқа нарса ҳақида ўйлаяпман. Ўзим билан бирга олиб кета олмайдиган бошқа дард бор. Танамдаги оғриқ ўзим билан бирга кетади. Аммо сизларнинг ҳолингиз не кечиши, у ҳам, сен ҳам эл орасида бош кўтариб юролмасликка қачонгача чидай олишингизни ўйласам... – деб ўғлининг ҳали

қуриб улгурмаган кўйлагини янада қаттиқроқ ғижим-лади ва ҳиқиллаганча туртиб чиққан ориқ елкаларини титратиб, йиғламсираган овозда давом этди: – Ахир инсон одамларсиз яшай олмайди-ку. Одам одам билан тирик! Яккаю ягона жигарбандимга раҳмим келади, унинг аянчли аҳволига ачинаман; агар аёл илон туғса, ўша илонни ҳам вужудининг бир қисмидек авайлайди, жигарни юлиб бўлмаганидек, уни ҳам танадан ажратиб бўлмайди. Мен бу дунёда фақат фарзандим учун яшадим. Нимасини айтай, ўзинг ҳам онасан-ку ахир. Сен бир гапни билишинг керак, фақат эрингга бу ҳақда оғиз оча кўрма. Ҳа, ундан олдин яна бир гапни эслатиб қўяй. Сен мен учун, Саида, бу дунёда ҳаммадан ҳам яқин кишимсан, ўлаётганимда ҳам Аллоҳдан фақатгина сенинг бахтингни сўрайман ва Аллоҳга ҳаммасидан рози эканимни айтаман. Ва нариги дунёда ҳам фақат бир нарсани – сенинг бахтингни сўрашимни айтаман. Гоҳида ўйлаб қоламан, бу жазо бизга қайси ёзиқларимиз учун? Ўзинг биласан, асли бу ерлик эмасмиз, гарчи бу ердагилар учун анчадан бери туғишгандек бўлиб қолсак ҳам. Бу ерларга кўчиб келганимизнинг сабаби болаларим турмади. Хўжайиним бир оз хаста эди, бу ёққа келганимиздан сўнг соғлиги бутунлай ёмонлашди. Хуллас, бу манзилга келиб, бирон рўшнолик кўрганимизни билмайман. Унгача эса учта гўдагимни дафн этдик. Кейин Исмоил бўйимда бўлди, у тўртинчи фарзандим. Эрим дедик, бу ерда ишимиз юришмаяпти, болаларимиз турмаяпти, кел, қўшни овулга кўчиб ўтайлик, у ерда ҳам узоқ қариндошлар бор, шекилли. Мен эса буниси ҳам ўлиб қолса-чи, деб қўрқардим... Дунёнинг нариги чеккасига боришга ҳам тайёр эдим. Бу ерларга шу тариқа келиб қолганмиз. Ўғлим туғилиб, ҳаётимиз гўё изига тушиб кетгандек туюлса-да, эримнинг соғлиги кундан-кунга ёмонлашиб борарди. У қаттиқ йўталар, ўпка хасталигидан озор чекарди. Орадан беш йил ўтиб

у дунёдан кўз юмди. Мен эса беш яшар ўғилчам билан ёлғиз қолдим. Ўшанда маъракадан сўнг сен ҳеч қачон кўрмаган, танимаган акаларим келишган эди.

– Эшитганман, биламан. Бир пайтлар ўзингиз айтгандингиз. Чотқолга кетишган, деган эдингиз, – деб эслатиб қўйди Саида.

– Тўғри, тўғри, бу ҳақда ҳеч кимга айтма, деб ўзим огоҳлантириб қўйган эдим-ку! Акаларим бақувват, меҳнаткаш одамлар эди. Келишгач, юр, сени ўзимизга яқинроқ жойга кўчириб олиб кетамиз, бу ерда ўғлинг билан беваликда кун кечириб нима қиласан? Ҳали ёшсан, балки бошқа эр ҳам топилиб қолар. Ҳаётда нималар бўлмайди дейсан. Бу ерда эса ёлғизсан, акаларинг қанотида бўлсанг, совчиларнинг йўқлаши ҳам осонлашади. Биз билан юр, сенга ёрдам берамиз, қолгани тақдирдан... Мен эса уларга: «Раҳмат, акажонларим. Сизлар каттасизлар, мен эса ёшман. Гапларингизга кираман, фақат муҳлат беринглар. Марҳумнинг йилини лозим бўлганидек, шу ерда, у дафн этилган жойда ўтказай, у ёғи бир гап бўлар. «Кел» дейишларингиз ҳамоноқ ўғлим билан сизларга яқинроқ жойга борамиз», – дедим. Ҳа, Саида, келинжоним, Ҳусанқул ва Ўринқул акаларим билан шундай суҳбат бўлган эди. Бир йил ўтиб, маъракадан сўнг мен ўйлаб, ўйимга етгунча, халқни қулоқ қилишга тушишди. Энди ҳар икки акам, Ҳусанқул ҳам, Ўринқул ҳам отларини вақтида эгарлаб, довон ошганча Чотқолга бош олиб кетишди. Оилалари ҳам уларга қўшилиб кетди. Ўша ерда кўноқ топишди. Чотқол тоғларида фақат ёзда бир ойгина довон очилади, ўшанда отда ёки пиёда ўтиш мумкин бўлади, бошқа пайтлари эса у ердан фақат қушларгина учиб ўта олади, башарти тоғ тизмалар оша учаётган вақтда қанотлари музлаб қолмаса. Ана ўша жойларга кетган акаларим. Ўзим-ку у ерларда ҳеч қачон бўлмаганман, лекин одамлар шундай дейишади...

Бексаат кампир бир зум ўйга чўмиб, жим бўлиб қолди, ўчоқдаги тезак чўғини куйиб кетган косов билан тўғрилаб, чўғ устида яна ўғлининг кўйлагини қуритишга тутинди. Унинг кўз ёшлари тинган, демак, кўнглини бўшатиб олган. «Эй Тангрим, ўлиб қолмаса бўлди, – кўрқув ичида ўйлади Саида, кампирнинг қути ўчган, беҳол юзига қараркан. Қайнонасининг соғлиғи анча оғирлашган эди, худди кузги сўқмоқ йўлда музлаб қолган чигирткадай. – Яшаб турса бўлди. Усиз ҳолим не кечади?»

Шу пайт кутилмаганда хаёлига аллақандай бир фикр келди, бироқ у шу қадар ноаниқ эдики, охиригача ўйлаб ҳам ўтирмай, кампирдан шунчаки сўраб қўя қолди:

– Нима деётган эдингиз, эна, Чотқол ҳақида гапираётган эдингиз-а?

– Гап шундаки, – жавоб берди у, – акаларим оилалари билан худди ўша Чотқолга кетишган. Бир нимани сезишган-да. У олис ўлкаларда биров-биронинг устидан ҳукмрон эмас. У ерда фақат тоғлар ҳукмрон: қўлингдан келса, чорва боқсанг, тирик қоласан, қўлингдан келмадими, ўзингдан кўр, тоғ ошиб, ўзбекларнинг ҳузурига борасан. Акаларим таваккал қилиб кетди, ё ҳаёт, ё мамот, деганлари шу бўлса керак. Уйларига эса қўшнилари ўт қўйиб, кулини кўкка совуришди. Лекин бундан фойда чиқмаслигини билишар эди. Кейин эса очарчилик бошланди. Унгача озми-кўпми мулки бор одамларни қулоққа чиқаришди. Ҳамма овулларни ғалвирдан ўтказишди. Қанчадан-қанча одамлар Сибирга бадарға қилинди. Акаларим эса тирик қолишди. Ўшандан кейин биз улар билан бошқа кўришмадик. Айтишларича, ўша ерда палак ёзиб, яхши яшаб кетишибди. Урушдан олдин, ёзда, эсингдами қизим, бозорга темир йўл бекатига борганимизда, олдимга бир одам келганди, қора юзли, аслида шу ерлик бўлиб, у ҳам қулоққа чиқарилганди. Эринг билан сен ўзингга рўмол танлаётган пайтда биз

у киши билан қисқа суҳбатлашгандик. У акаларим Хусанкул, Ўринкул тирик ва соғ-саломат эканини, бизга салом йўллашганини айтган эди. Тўғри, анча кексайиб қолишганмиш. Энди улар у ерда – Чотқол оқсоқоллари, турмушлари ҳам ёмон эмас экан. Мен уларга саломимни етказишни сўрадим. Яна ўғлимни уйлантирганимни, келин, яъни сен бизникида эканингни ҳам айтдим.

– Кейин-чи? Нима демоқчисиз, эна?

– Нима демоқчиман? Ўз тақдирим ва сизларнинг ҳаётингиз ҳақида ўйлаяпман. Акаларим Чотқолга кетганда, мен ёлғиз қолган эдим. Қанчалик оғир бўлмасин, бошимга тушган барча кўргиликларни енгиб ўтдим. Жамоа хўжалигида ишладим. Ўғил ўстирдим. У тракторчи бўлди. Яхшигина пул топар эди. Кунларнинг бирида сен, нури дийдам, гул бўлиб хонадонимизга кирдинг. Ҳаётимиз изига тушгандек эди-ю, бирданига уруш бошланиб кетди! Кейин нима бўлганидан хабаринг бор. Энди ўйласам, қанчадан-қанча азоб-уқубатлар чекмадик, бир умр тақдир бизга соя солди. Болаларим ўлди, эрим ўлди, акаларимни кулоқ қилишди, жамоа хўжалигида тонгдан-тонггача ишлаб, кексайиб касалманд бўлиб қолдим. Аммо ҳаммасидан ҳам даҳшатлиси уруш бўлди, бахти қора ўғлим эса қочқинда, уни лаънатлай олмайман: ахир урушни у чиқаргани йўқ-ку, тўғри-да, унинг ҳам қурбон бўлгиси келмайди, бунинг азобини энди сен тортяпсан, худди қуш боласидай ухлаб ётган фарзандинг – неварагинамнинг ҳоли не кечади? Буни ҳеч ким билмаслиги керак, сир тутмоқ лозим...

– Ҳамма гапингиз тўғри, – оғир тин олди Саида мойчироқ ёруғида бир пиёла буғдой доналарини тозалар экан. – Начора, сиз билан менинг пешанамизга шундай бахтсизлик ёзилган бўлса. Биз-ку, уйда, иссиқ жойда ўтирибмиз. У-чи, ғорда нима қилаётган экан? Олов ёқиб бўлмаса, айниқса тунда, одамлар сезиб қолиши мумкин. Ўзингиз биласиз, у камгап, эркакларнинг ҳаммаси

шунақа, фикрларини ўзида сақлашади. Яқинда менга айтишича, – бу гапни Сизга айтмаган эдим, – у далада кетаётиб, айнан шу жойда биринчи марта ер ҳайдагани ёдига тушибди. Ўшанда трактордан тушгим келмаган, дейди, иш қайнаган ва у умр бўйи ғалла экиш учун ер ҳайдашни орзу қилган экан. Энди эса шу даладан худди осмондан чангал ташловчи калхатдан ёки бирор йиртқич ҳамласидан чўчигандек ўтаётибди. Ҳа, у шулар ҳақида сўзларди.

– Ҳа, мен ҳам шуни айтмоқчи эдим, – кўшиб кўйди Бексаат кампир, кўз ёшларидан ўзи юз ўгиргандек, уларни қўлидаги мато билан артаркан. – Қайси гуноҳларимиз учун пешанамизга бундай тақдир битилди? Нимамиз билан ёқмадик Тангрига? Ўз ўғлимни қарғай олмайман, лекин иккалангизга ёрдам бериш ҳам қўлимдан келмайди, аҳволим жуда оғир, биқинимни тош эзғилаяпти, аввалгидек, ўғлимни кўкрак сутим билан боққан пайтлардагидек ёш-яланг ва соғ-саломат бўлганимда-ку, уйда ўчоқ бошида ўтирармидим? Мен уни қўлларимда кўтариб, довон ортига олиб кетардим, абадий қорлардан ўтиб, ҳамма ўз ҳаётини ўзи қурадиган Чотқол тоғларига борардим. Қўлингдан келса, яхши, келмаса, ўзингдан кўр. Ана, бизникилар кулоқлаштириш пайтида кетиб, жонларини сақлаб қолишди. Энди сиз ҳам, агар ёзгача амал-тақал қилиб етиб борсак, Чотқолга йўл олсангиз, деб ўйлаб турибман. Жигаргўшаларингни олиб кетинглар, у ерда акаларим ёки уларнинг фарзандларини топасизлар, мен эса шу ерда ажалимни кутаман...

– Тўхтанг, эна, тўхтанг! – гапини бўлди Саида. – Чотқолга дейсизми? – қувониб кетди у: чунки унинг ўзи ҳам шу ҳақда ўйлаётган эди-да. – Фақат, келинг, ҳаммасини пухта ўйлаб, режалаштирайлик, – дея таклиф киритди Саида ва орага беихтиёр сукунат чўкди. Қайнона чўғ устида кирларни қуритишга киришиб кетди, келин

эса бор диққатини жамлаб, буғдой донлари орасидан хасчўпларни териб оларди. Кейин улар яна суҳбатни давом эттиришди.

Ўша туннинг ўзидаёқ Исмоил уйга келганда, Саида унга Чотқол сафари режаси ҳақида сўз очди. Бу чиндан ҳам буюк воқеага айланди. Бу таклиф гўё Исмоилнинг кўз ўнгида кутилмаганда кимсасиз қалъа деворида эшик очилгандай таассурот қолдирган эди. У онаси ва хотини уйда бирдан-бир тўғри йўл ўйлаб топишганидан ҳайрон эди, негаки унинг учун ўзини ўзи тутқун қилган вазиятдан қутулиш йўли топилди.

– Қойил! Қандай ўйлаб топдингизлар буни? – дея ҳайратланиш ва тасанно айтишдан тўхтамасди Исмоил. – Демак, бундан чиқди, Чотқолда менинг туғишган тоғаларим яшар экан-да. Ахир буни худонинг ўзи ғойибдан сизларнинг дилларингизга солган, эгамнинг ўзи буюрган: ўйлаб ўтиришга ҳожат йўқ. Энди асосийси, ёзгача сабр қилиш, кейин доvon очилса, бир кунни ҳам, бир соатни ҳам зое кетказмасдан йўлга тушиш керак... Эҳ, нега ўзим бу ҳақда ўйламабман-а? Ахир, аниғини билмасдим-да. Бу воқеалар қачон бўлганини ҳатто эслай олмайман ҳам. Албатта, сен айтмагансан, қўрққансан, сир тутгансан: улар қулоқ қилинган. Яхшиямки, улар қулоқ қилинишган. Энди улар Чотқолда, уларни излаб топиш керак. Қулоқлар! Улар ким учундир қулоқ ким учундир ундай эмас! Чотқолга етиб борсак, бирор одамдан Ҳусанқул ва Ўринқул тоғаларим қаердалигини сўраб оламиз! Шундайми, эна? Ҳе-ей, худога шукрки, шундай акаларингиз бор экан...

Исмоилнинг қувончи чексиз эди. Ҳайратидан дили ёришиб кетганди. Бироқ ҳали бирон иш қилингани йўқ, аёзли қиш қиличини қайраб турибди, олдинда шилт-шилт лою ёмғирли баҳор, ҳали ёз узоқ, ҳали тоғ этакларини қир-адирлардан қор кетгани йўқ, ҳали Улуғ тоғдаги асовли тошқинлар қутурганича йўқ, ҳали тоғларда-

ги даҳшатли ўпирилишлару кўчкилар йўлларни тўсиб кўйганича йўқ, ҳали бундай оғир сафарга ҳеч қандай тайёргарлик кўрилмаган, ҳаммаси ҳали олдинда эди. Исмоил бўлса ўзини қаерга кўйишини билмасди. У гоҳ ўрнидан туриб, дераза ёнига борар, сабрсизлик билан осмонга, ярим тунда кўкимтир чўққилари тепасида юлдузлар порлаб турган Чотқол томонга тикилиб қарар ва ошиб бўлмас тоғлар билан қуршаб олинган Чотқол водийси қандай бўлиши кераклигини хаёлан ўзича тасаввур қилар; сўнг ўчоқдаги совиб қолган таоми томон қайтар; бошқа кунлари уни овқат солинган косадан ташқари ҳеч нима қизиқтирмай, мотамсаро ўтирарди, энди бўлса овозлари қўнғироқдай жаранглаб, кўз қарашлари аввалгидек ўзгариб яна ўз ҳолига келган эди. Майли, бу ўзгариш унда шу пайтга, қисқа фурсатга тўғри келган бўлса-да, орадан бир-икки кун ўтиб у яна дилида қайнаб тошган умидсизлик ғзаби билан қишни, тоғларни, аёзли кунларни, қўйингки, бутун оламни лаънатлаб, тақдирдан нолиб тупурар, қуш бўлиб довонлардан Чотқол сари учиб ўтолмаганидан жиддий афсусланарди. Буни чуқур ҳис этган хотини ва онаси унга тўла ҳамдард бўлишар, чунки улар қочоқлик ҳаётининг ҳар бир дақиқаси қанчалик қимматга тушишини билар эдилар, негаки ўз бошини қутқараётиб, унинг ҳолига тушган одамнинг танлаган йўли моҳият эътибори билан худди урушдагидек ҳалокатли эди. Урушда уни душманлар, бу ерда эса ўзимизникилар ўлдириши мумкин эди...

Бу икки аёл эса – онаси ва хотини – ўз бурчи ва садоқатининг қурбони бўлиб, унинг мусибату бахтсизликларини бирга барҳам кўришарди, очлик ва совуқдан ҳам даҳшатлироқ жинояту хўрликлардан сақлаб қолишни ўз зиммаларига олганлар ҳам ўшалар эди. Тақдирнинг энг оғир зарбаларини – одамлар ўртасидаги миш-миш гаплару қонун шафқатсизликларини, қўш-

ниларнинг шивир-шивир қилишиб, айбсиз айбдор ғарибларни аяб, юзига айтмаётганларини ҳам улар билишарди. Уруш қатнашчиси, бир қўли йўқ Мирзакул ҳам узоқ қариндошлари бўлишига қарамай, Қишлоқ кенгашининг раиси бўлиб юрганда Саидага қўл кўтариб, ғазабидан уни қамчилашгача борди, эзилиб мусибат чеккан хотини билан онаси эса Исмоилни деб аёлларга хос сабр-бардош билан буни ҳам ичга ютдилар. Энди эса Исмоилнинг қутулишига, озгина бўлса-да, умид учкунлари туғилгач, улар ўзларини эркин ва бахтиёр ҳис этар ва шу воқеага дахлдор бўлганларидан қувонар эдилар.

Исмоил эса, худди янги кун келиши биланоқ бу рўй бериши мумкиндек, Чотқол довонидан ошиш режаларини тузар эди. Ва улар – онаси билан хотини жондиллари билан бунга қувонишарди, чунки ҳаётнинг мўъжазгина бир чеккаси ёришиб, ҳаммаларини мафтун этиб, қутқарувчи ғояга – Чотқолга кетишга чорларди. Аммо, шу билан бирга, онаси ҳам, хотини ҳам ўйланган ишни амалга ошириш унчалик енгил кечмаслигини юракдан ҳис этишарди – буни фақат гапириш осон, аммо қорли довонни забт этишда йўловчини қандай хатарлар кутиши, у ерларда одамлар дам-бадам қор кўчкинлари остида ҳалок бўлиши, баландлик ва аёздан нафаслари қайтиб ўлиши ҳақида улар сўз юритмасликка интилишарди. Чотқолга етишганида ҳам ҳаммаси қандай бўлишини фақат Аллоҳнинг ўзи билади. Аммо ўша дамда улар, ўзаро келишиб олгандек, Исмоилнинг режасини қониқиш билан маъқуллаб, уни рағбатлантиришарди. Айниқса онаси унинг руҳини кўтаришга кўпроқ интиларди. Кекса Бексаат ўзини қўлга олишга тиришиб, нафас сиқилишини, биқинидаги санчиқ азобини ўғлига сездирмаслик учун ўзини дадил тутишга уринар эди, чунки бу учрашувга қўланка солишни, ёшларни ўз дарду ҳасратлари билан чалғитишни хоҳламас эди, гарчи ичида Аллоҳга ёлвориб, тонггача – ўғли

Ўз кулбаси томон кетгунига қадар сабр беришни тилаб турган бўлса-да, ўшандан сўнггина бемалол йиғлаши, ўкириши мумкин бўлади ва Аллоҳдан бор овози билан зорланиб сўради; даҳшатли қийноқларга дучор этмасликни худодан сўрарди, чунки ҳозир касал бўлишнинг мавриди эмас, айниқса табиб ва дуохонларга мурожаат қилиш пайти эмаски, уйга қизиқсинувчи бегона кимсаларнинг эътиборини қаратмаслик керак, ахир ўғлининг тақдири қил устида-ку. Она ўз муножати давомида башарти унинг ажали етган бўлса, то ўғли Чотқол довонидан эсон-омон ўтиб олгунига қадар озроқ муҳлат беришини Аллоҳдан ёлвориб сўраган бўлар эди. Агар вақти-соати етган бўлса, нима ҳам қила олардик, майли унда ўша қудратли эгам уни маҳв эта қолсин. Аммо ҳозирча унинг жонини олмай турса дуруст бўларди. У бу муҳлатни асло ўзи учун эмас, балкифақат ўғли ва оламда унинг учун азиз бўлган келинига сўраётган эди. Агар гап ҳаётнинг моҳияти, одамнинг бу дунёда нима учун яшаши, умри давомида ҳаётда қандай рўшнолик кўргани ҳақида кетса, ўшанда бахтсиз, ўғли давлат қочқини бўлган кекса Бексаат, тақдир унга шундай инсонни – унинг Саидасини тухфа этганидан беҳад шод ва мамнун эканлигини айтган бўлармиди. Ва агар унинг келинига бахт дариф этилган бўлса, у ҳам шундай шўрпешана бўлса, унда бахт кимга, нимага хизмат қилади, у қандай аёл зотига тухфа этилган?.. У нега одамларни йўлдан оздиради? Ахир усиз бу ёруғ дунёда яшаш амри-маҳол-ку...

Бундай ўй-хаёллар кампирни ҳолдан тойдирарди. Ўйламасликка ҳам унинг иложи йўқ эди, биқинидаги оғриқ қадалиб, тинчлик бермас эди. Дард дардман билан ҳамиша бошқаларга эшиттирмай суҳбатлашади. Кекса Бексаат дилида нималар кечаётганлигини ошкор этмасликка астойдил ҳаракат қиларди. Исмоил ўшанда ёз бошланиши билан қай йўсинда Чотқолга йўлга

чиқишларини орзу қилиб ва маълум бир қарорга келиб: «Чотқолга бутун оиламиз билан бирга жўнаб кетамиз. Шунга тайёргарлик кўриш керак, ҳаммасини атрофлича ўйлаб кўрмоқ даркор», – дер экан, онаси:

– Ўғлим, энди мен қариб қолдим, ўзларинг боравера-сизлар, мен эса бу ерда қолиб, сизларни дуо қилиб ўти-раман.

Исмоил бунга астойдил ва очиқ кўнгиллик билан эътироз билдирди:

– Йўғ-э, сен нима деяпсан, шу сўзни айтишга қандай тилинг борди? Биз сени нега қолдириб кетар эканмиз? Бу бўлмаган гап. Сенсиз бир қадам ҳам силжимасмиз. Йўқ-йўқ, мен сени зинҳор ташлаб кета олмайман. Бу-нақаси кетмайди. Ўзим сени опичлаб бораман, эна.

– Оҳ, ўргилай сендан болажоним, сўзларингни Аллоҳим эшитсин. Қувватим етганда ўзим ҳам эмаклаб бўлса-да борган бўлардим, хасталигу қарилик курсин, – дея қўшиб қўйди журъатсизлик билан ўғлини ранжитмаслик учун. – Сизлар билан бирга бўлиш мен учун, албатта, яхши бўлар эди-ку, аммо бу ёғи ҳали нима бўларкин?

– Эҳ, менинг жонсарақ энажоним! Мен сени яхши тушунаман, эна, аммо бу ҳақда гапиришга ҳали эрта. – Саида қайнонасини қувватлаб, жилмайди. – Худо хоҳласа, унгача яхши бўлиб кетасан. Ана айтди деярсан. Ўшанда бир қарорга келамиз-да жўнаб кетамиз. Ва сени Чотқолдаги акаларингга: «Мана, биз келдик, қабул қилинглар! Синглингизни ҳам олиб келдик, у билан бирга ўзимиз ҳам кўноқ бўламиз...» – деймиз.

Унинг сўзларидан беихтиёр ҳаммалари қўшилишиб кулиб юборишди. Қайнона эса келини гапни унинг касали ҳақида бораётганидан чалғитишга интилаётганини тушунди. Ҳа, у тўғри қилган эди.

Ўзаро умидбахш ва кўнгил очувчи бу суҳбат билан кеча ўтиб борарди. Айниқса, Исмоил кўтаринки руҳда эди. Ухлаб ётган Омонтўрани икки марта қучоқлаб

Ўпиб, унга пичирлади: «Мана, сен билан Чотқолга, тоғаларимизникига жўнаймиз. У ерда ҳамма одамлардек яшаймиз. Сенга кичкина тойчоқни ўргатиб бераман, сен уни миниб, тоғларда чоптириб юрасан. Ана ўшанда буни кўрган момонг билан онанг қувончдан чўчиб кетишса керак-а?»

У энди Чотқолга жўнаш учун нима қилиш кераклигини батафсил тавсифлаб беришга киришди.

«Авваламбор ёзни, йўлнинг очилишини кутмоқ керак. Ҳозирча эса, бирон кимса шубҳаланиб қолмаслиги учун сир сақлаб яшириниб туришга, сўнгра вақтни бой бермай, дарҳол йўлга тушишга тўғри келади. Бунинг учун эса ҳаммасини олдиндан мўлжаллаб, тайёрлаб қўйиш керак. Довонда қиш ариганича йўқ. Ҳали бўронлар кўтарилиши мумкин дейишади. Демак, иссиқ кийимлар, айниқса пойабзал ҳозирлаб қўйиш керак. Тоғ-тошлардан, сўқмоқлардан, қор уюмларидан чидамли пойабзалсиз пиёда ўтиб бўлмайди. Сўнг бир ҳафтага етарли овқат ғамлаб олишимиз лозим. Кўпроқ толқон ҳамда қайнатиб пиширилган ва хом гўшт, қозонча тузи, ўтини билан. Довонда қор ва шамолдан бошқа ҳеч нарсани тополмайсан. Мен бу хусусда кўплаб ҳикоялар эшитганман. Гўшт ёғли бўлиши керак, деб тўғри айтарди энам. Чўпонлар фақат шу билан тирикчилик қилишади-ку. Улар доvonларга қандай боришни яхши билишади. Ҳамма кўч-кўронларни, кийим-кечакларни ҳамда болаларга мўлжалланган баъзи бир кўрпа-тўшакларни хуржунларга жойлаштириб олишарди. Хуржунларни эса эшакларига юклар эдилар. Эшакларни эса қаёқдан оламиз? Иккита эшак керак. Бирига юкларни ортамиз, иккинчисида эса қўлида набираси Омонтўра билан энам кетишади. Ўзимиз эса пиёда борамиз. Шошмай тур, Саида, ҳозир эшаклар хусусида айтаман. Хўш, Аллоҳнинг ўзи бизларни ёрлақади. Бир пайтлар Қўйтош сойлигида олтин қазувчилар ташлаб кетган еттитача яғир эшак

кезиб юрганини сенга айтган эдим, эҳтимол, ёдингдан кўтарилган бўлса керак. Ким билсин, бу келгиндилар қазишгани олтинмиди ёки бошқа бир нарсами, ҳарқалай ўз ишларини тугаллаганларидан сўнг эшакларни ташлаб кетишган, ўзлари эса, эҳтимол, поездда жўнаб кетишгандир. Бу эгасиз эшаклар куздан бери ўша ерда, яйловда ўтлаб, истаганча ғарам чеккаларини ғажиб, бултурги похол уюмларини титиб кун кечирарди. Балки уларни кимдир кўргандир, аммо улар кимга, нимага ҳам керак дейсиз, овулнинг ўз эшаклари етарли. Бу билан нима демоқчиман? Бир жуфтини кўз остимга олиб, аста-секин боқиб парвариш қиламан. Вақти-соати келиб, тунда ҳайдаб келаман. Юкларни ортиб, ярим тунда Чотқол сари равона бўламиз, чунки эрта тонгда овулдан қанчалик узоқлашсак, шунча яхши бўлади...».

Орадан кўп ўтмай аввал олисдаги, сўнг кўни-қўшнларнинг хўрозлари қичқириша бошлади. Исмоилнинг жўнаш пайти ҳам келди. У тараддудланар экан, кетиш олдидан кичкинтойи тепасига келиб эгилди, сўнг хайрлашиш олдидан онасига айрим сўзларни тайинлади. Ўшанда тонг ёриша бошлаб, ҳали бутун овул уйқуда эди. Қор ёғадиганга ўхшарди – осмонни бутунлай булутлар оқими қоплаб олган эди. Саида уни ҳовлига кузатиб чиқар экан:

– Исмоил, қулоқ сол, агар эртага сени шу жойда кутиб турган бўлмасам, сен уйга кирмагин, шу заҳотиёқ ортингга қайтиб кетавер, – деди.

– А нега, нима бўлди? – Исмоил хавотирлана бошлади.

– Энамнинг касали оғирга ўхшайди. У сени хафа бўлмасин деб билдирмасликка ҳаракат қилди. Аммо уни даволаш зарур. Уни табибга кўрсатиш керак. Ахир бошқа йўли йўқ-ку.

– Ҳа, ҳали гап бу ёқда экан-да, – деди Исмоил гапни чўзиб. – Оғир касал дегин-а. Майли, гапингни инобатга оламан. Даволагин. Балки бирор гиёҳ ёрдам берар.

Шу билан улар хайрлашдилар. Саида яна анчагача ундан нигоҳини узмай кузатиб турди. У томорқалар бўйлаб ўзига таниш сўқмоқлардан кетиб борарди, мана чеккадаги қўшнилари – Сотимқул ва Тўтиной холанинг ҳовлисида ўтиб, катта ариққа бурилди ва кўздан ғойиб бўлди. У бирон зот кўринмайдиган жойлар орқали, чийзорлар орасида яшириниб, ўзининг тоғ этагидаги ғорига қандай қилиб етиб олишини ва зилдай пўстинга бурканиб, ухлагани ётишини Саида ўзича тасаввур қиларди. Лекин бу сафар унинг дили хиёл равшан эди, чунки Чотқолга кетиб яшаш нияти амалга ошаётгандек эди.

Саида уйга қайтиб, остона ҳатлаб кириши биланоқ, худди уни кутиб тургандай, фалокат ёпирилган эди – қайнонаси ҳушидан кетиб, секин инграб ётарди. Саида у томон отилиб, тиз чўкканча кампирни қучоқлаб олди. Кампирнинг аҳволи оғир эди. Бағрига босаркан, унинг қанчалик нимжонлашиб, чўпдек озиб-тўзиб кетганлигини сизди. Агар рўмоли остидан чиқиб турган оппоқ соч толаларини айтмаганда, уни ўспирин йигит деб ўйлаш мумкин эди: аранг нафас оларди. Саида қайнонасининг сўниб бораётган кўзларига қарашга чўчиди.

– Эна, энажон, тинчлан. Ҳозир енгил тортасан, ўзингни қўлга ол. Ҳозир сенга ёрдам бераман! – саросимага тушиб гапирарди Саида. – Қаеринг оғриётганини менга кўрсат. Мана шу ерми? Нима қилиш керак энди? Ҳозирча иссиқ кигизни, сўнгра эса қиздирилган донни босаман. Қайноқ чойни ҳам... Сен фақат чидаб турсанг бўлгани.

Уйнинг у ёғидан бу ёғига елиб-югуриб, товада маккажўхори донларини қиздириб, кейин уларни тугунчаларга солиб касал қайнонасига босиш учун олов ёқаётиб, Саида саросимага тушган ҳолда энди нима қилишини ўйларди. Бундай пайтларда одатда кечиктирмай касални биладиган одамларга кўрсатиб, маслаҳатлашиб олиш, кейин эса – бу энг муҳими – шу атрофдаги биронта таниқли табибни таклиф қилиш зарур бўлади.

Аммо яшириниб юрган Исмоил учун бунинг ҳаммаси ногаҳоний кўрқинч туғдирар эди. Эрини яшириш эса Саида учун, ҳар қандай ҳолатда ҳам, муҳимлигича қолаверарди.

Боёқиш Саиданинг эри ва қайнонаси орасидаги ўй-фикрлари коришиб кетган эди. Кейин эса кампирни тўшакка ётқизгач, у бир оз исиб олиб, сўнгра шу оҳ-воҳлари озгина тинчигандан сўнг, Саида бир қарорга келди.

Тонг отиб қолган эди. Саида боласини тезгина эмизгандан сўнг уни кўшниси Тўтиойникига, ўз болалари билан бирга, бир-икки соатга қараб туриш учун элтиб берди. Ўзи эса бир йил аввалги доя момоси олдига, нима қилиш кераклиги ҳақида маслаҳатлашгани жўнади. Доя момо ўзи билан таниш бўлган кинначи аёлни ҳам бирга олиб боришга ваъда берди. Ниҳоят, улар пешинга яқин, Саиданинг сабр косаси тўлиб-тошган кезде етиб келишди. Аммо уларнинг ташрифи ҳамдардлик кўринишидагина бўлди. Ўтиришди, сўраб суриштиришди, чой ичишиб, кекса Бексаатга яхши ниятлар билдириб, уни тинчлантиришди ва дарё ортидаги Арча овулчасида истиқомат қилувчи машхур кекса табиб – Муса эмчини чақириш лозимлигини тавсия қилишди. Яна Саиданинг кўшниси Тўтиойдан қайнонаси олдида ўтириб туришни илтимос қилишига тўғри келди ва яхшиям кўшни касалга ва биратўла болага қарашга рози бўлиб, ўзининг болаларини ҳам олиб келди.

Саиданинг ўзи эса баъзан йўл билан, баъзан сўқмоқ орқали дарё ортидаги Арча овулига, табиб Муса эмчининг олдига югуриб кетди. Уни уйида учратганидан беҳад қувонди. Табиб кечга яқин етиб боришини айтди. Саида яна уйига шошилди, қишда саёзланган дарёни кечиб ўтганида тиззадан ошган муздек сув захри суяк-суягидан ўтиб кетди. Тезда пойабзалини кийиб, тоғ ён бағирлари бўйлаб жадал юриб ўзига келди, сўнгра эса қизиб ҳам кетди.

Боришда ҳам, келишда ҳам, бутун йўл бўйи, унинг ми-ясида фақат биргина фикр – бу оламда нимаики содир бўлар экан, Яратганнинг иродасисиз бўлмас, илоҳим, унинг ўзи қайнонасини паноҳида асрасин, чунки унинг аҳволи соат сайин оғирлашиб бормоқда... Бироқ унинг қалбини тирнаётган нарса фақат шугина эмас эди. Бу ёғи энди нима бўларкин, қайнонаси касал бўлса, ўйла-шича, бу узоқ давом этса, боласи нима бўлади, унга ким қараб туради, эрининг аҳволи не кечади, энди у уйга бош тика олмаслиги, ўзи ҳам унинг тоғдаги яширинган жойига югуриб боролмаслиги ҳақида ўйлайвериб га-рангсиб қолган эди.

У қайнонасига шифо бериб, аввалгидек ғимирлаб, уйда бирон юмуш билан машғул бўлишини, энг муҳими – ҳадиксиз, эмин-эркин яшаш орзу қилинган ўша ажойиб кунлар келиши билан бутун бир оила бўлиб Чотқолга йўл олганларида онаизорнинг эгарланган эшақда кета олишига мадад сўраб илтижо қиларди. «Ахир қанчалаб одамлар касалланади-ю яна соғайиб кетишади, наҳот-ки унинг тақдирида бу ёзилмаган бўлса?» деб ўйларди у. Агар қайнонаси касаллигича қолса, унда Чотқолга бо-риши нима бўлади – ёлғиз ўзини ташлаб кетиб бўлмай-ди-ку! Агар касалнинг ёнида қолса, унда Исмоилга нима бўлади? Унда бу кун бўлмаса эртанги кун уни кўриб қо-лишлари турган гап-ку: кўрибсизки, эрта-индин дала-ларда турли-туман баҳорги ишлар бошланиб, моллар-ни яйловга ҳайдашади, борадиган жойи қолмайди, уни-си бўлмаса буниси уни кўриб қолиши мумкин, шу билан ҳаммаси тамом-вассалом...

Саида музлаб қолган ўнқир-чўнқир ерлардан елиб борар экан, бу мушкул аҳволдан қутулиш йўлларини излаб, хаёл гирдобида сузарди.

Энди унинг бутун умидлари шифокор Муса эмчи-да эди: Ҳурматли қариянинг донғи теварак-атрофга кетган бўлиб одамларни гиёҳлар ва сут билан даво-

ларди. Энди Саида Муса эмчини даволашнинг шундай сир-асрорларини кўллашда Аллоҳнинг ўзи мададкор бўлишини сўрарди. Бексаат бир неча кун ичида касалдан фориф бўлиб яна уй юмушлари билан шуғулланиб юриши, яна улар тунлари Исмоилни кутиб, ҳозирлик кўришлари ва ўша кунлар насиб этиб, ҳаммалари иккала эшакда юклари билан Чотқолга жўнашлари ҳақида суҳбатлашар эдилар...

Ўзи ваъда берганидек, Муса эмчи кечга яқин етиб келди. Бундан бир оз илгари Саида қария уйларини адашмасдан топиб келиши учун уни тепалик ёнида кутиб турган эди.

Унинг тулки телпакда, кулранг эшакчада келаётган қиёфасига кўзи тушгач, биқинидаги оғриқ кун бўйи, эрта тонгдан то оқшомгача ҳаловат бермаган бўлса-да, эмчининг келишини эшитиб бир оз тетикланган касал учун ҳаммаси илоҳим яхшиликка кўринсин, дея яна Аллоҳга илтижо қиларди.

Муса эмчи – жуссадор, норғул, қорачадан келган, қирғий бурунли, оппоқ соқолли ва кўринишдан ўта саLOBатли, синчков бир қария эди. Ана шу қарашларию сўзлашиш оҳангида унинг бутун борлиғи намоён этилган эди.

– Қизим бу ерда совқотиб қоласан-ку, ўзим Бексаатнинг уйи қаерда деб сўроқлаб топиб келардим-ку, – деди у йўғон овозда, Саида кутиб турган жойга яқинлашар экан.

– Зарари йўқ, безовта бўлманг, совқотганим йўқ, – жавоб берди Саида, – сиздек Эмчи отамизни кутиб олмасак, кимни кутиб олардик! – деди у чолга жилмайиб.

– Йўғ-э, ростданми, – давом этди отахон, – қани бошла, у қаерда, бечора Бексаат, унга нима бўлди? Офатни қаранг-а, ўғил урушда, ўзи бетоб, теварак-атрофда совуқ ва очарчилик ҳукмрон...

Қария эшакдан тушди, иккаллари уй томон йўналишди.

– Эрингдан хабар борми? – қизикди Муса эмчи.

– Йўқ, кўпдан бери ундан бирон хабар йўқ, – бу саволдан у алланечук бўлиб кетди. Қария сукут сақладида яна кўшиб қўйди. – Нима ҳам дердик, уруш-урушда. Аммо ҳамманинг пешанасида ўз ёзиғи бор.

«Бу билан у нима демоқчи бўлди?» – ўйлади Саида, ва чол ҳозир кутилмаганда: «Сенинг Исмоилинг қочиб юргани ростми?», деб сўраб қолишини кутди.

Аммо чол ҳеч нима демади, шу пайт улар ҳовлига кириб келишган эди. Саида қарияни эгардан тушишига кўмаклашиб, уни уйга бошлади, остонага яқинлашгач, Муса эмчи тўхталиб:

– Қизим сенга қанчалик оғир эканлигини тушунаман, – деди у панд-насихат қилгандай, унинг юзига осойишталик билан қараб. – Ҳаммаси яхшилик билан тугайди деб умид қиламиз. Беморни кўздан кечириб, уни қандай даволаш зарурлигини назарда тутган ҳолда гиёҳларни ўзим билан бирга олиб келдим. Мана уларни эслаб қолгин – мен ўзим айтганимдан ташқари ҳеч нимани сўраб-суриштириб ўтирмагин. Тушундингми, мени?

– Ҳа, эмчи ота, сизни тушундим.

Муса эмчи остонадан ҳатлаб ўтгач, аввало оппоқ оқарган мўйловлари остидан жилмайиб, бурчакда ётган касалга:

– Бу нимаси Бексаат, бемаврид касал бўлибсан, сабр қилиб турсанг бўларди.

Қайнонаси табибга шу оҳангда жавоб қайтаришга куч топмади.

– Кони азобга қолдим, Муса эмчи, – зўриқиб, изтироб ичида инграб гапирарди кампир. – Балки бирон дори-дармон топарсан.

– Қани-қани, ҳозир бир йўлини ўйлаб топармиз.

Саида халал бермаслик учун бир бурчакда жимгина турарди. Муса эмчи бемор қаршисида ўз иши билан машғул бўлиб турганда, Саида бунақа кечада ёлғиз ўзи

қолмаслиги учун овулдаги биронта кампир ёки қўшни-сини чақириб келиш зарурлигини ўйлаб, энди бу ерга йўлай олмайдиган Исмоил учун жуда қайғурарди. Эри учун ҳам ва овулнинг шундоққина биқинида яшаб туриб, пиёда ярим соатлик йўл юриб ёлғиз ўғлини кўриш имкониятидан маҳрум бўлган қайнонаси учун бундай аламли ачинишу изтиробли кечинмалар унинг қалбини тирнарди.

Шу пайт Муса эмчи диққат билан, худди бошқаларга номаълум бўлган товушларни илғаётгандек, қовоғини уйиб, беморнинг томир уришини пайпаслаб кўрар экан, унинг ориқлаб кетган қоқсуяк қўллари худди ёш болаларнинг қўлчаларини эслатарди. Сўнгра табиб, одатдагидек, дам кафти билан беморнинг қорнию биқинларини силаб, дам бармоқлари билан секин босиб, унинг қаршисида ўтирганича фақат ўзига маълум бўлган нарса хусусида жиддий ўйлар экан, унинг нигоҳида умидсизлик аломатлари шунчалик бўртиб кўринарди. Саида буни сезмасдан қолмади. У печка ортидаги бурчакда табибнинг юз-кўзларида ифодаланаётган маънони уқиб олаётгандек юраги орқага тортиб кетди. Қария Муса эмчининг узоқ сукут сақлаши эса борган сари уни ташвишга соларди. Саида шу тобда касалнинг ўзи бошидан нималарни кечираётганини англаб, уни олдинда яна нималар кутаётганини билишга ҳаракат қиларди. Шу тобда унинг ҳоли не кечди экан, онасидан хавотирсираётганмикин, аммо иложи қанча, бу хусусда унга бирон нима дейишга ҳақи йўқ. Ҳаммаси учун қайғуради, ҳаммаси учун хавотирсирайди, ҳаммасидан ҳадиксираб яшаб, ҳамма бало-қазолару азоб-уқубатларни ўз гарданига олишга тайёр эди, аммо тобора ҳолдан тойиб, ўлим сари юз тутаётган қайнонаси олдида у ожизу нотавон эди. Кўз ёши куйилиб келар, лекин кўзини бемордан олиб қочар, аммо ўзини босиб олиш учун эса катта сабр-тоқат керак эди.

Қария Муса эмчи эшагига ўтириб дарҳол жўнаб кетмади, қоронғи тушиб қолган эди, у ҳовлида Саида билан хайр-маъзурлашаркан: «уйда энди бир ўзинг ёлғиз ўтирма. Мени бошқа кутманглар», – деди.

Гап нима ҳақда кетаётганини Саида ярим оғиз сўздан тушунди.

Деразадан елган совуқ шабада ортидан уйга ҳам кўзга кўринмас совуқ нафас кириб келганидек, кекса табиб эшагида қоронғилик қаърига шўнғиб ғойиб бўлиб кетгандан сўнг у бутун вужудини чексиз ёлғизлик камраб олганини ҳис этди. Саида ҳам рутубатли кунлар яқинлашиб келаётганига қарамасдан ўз келинлик бурчини адо этишга тайёр эди. Ҳаммасини ўз елкасига олиш энди унинг зиммасига тушарди. Ўзи учун ҳам, қариянинг ўғли ва кулоқларга қарши кураш дастидан Чотқолга қочган ака-укалари Ҳусанқул ва Ўринқулларнинг қариндош-уруғлари учун ҳам сўнгги нафасигача қайнонасининг бошида бўлишни у кўнглига тугиб қўйди. Ҳаётдан кўз юмаётган қайнонаси олдида ҳамма учун ва ҳамма нарса учун тириклар зиммасига тушган юкни энди Саиданинг бир ўзи кўтаришга тайёр эди. Уйга бош суқар экан, у «ўлим барҳақ, у одамларни иноқлаштириши керак, ундан бошқаси бекор» деган аҳду паймонни ўз дилига туккан эди.

Шу ондан бошлаб Саида жон талвасасида ётган қайнонаси ёнидан бир қадам ҳам жилмай қўйди. Қийналиб, азоб чеккан кекса аёлнинг ҳаёт шами сўниб борарди. Тобора тилдан қолаётган эса-да бор кучини йиғиб, оғир нафас олган ҳолда, ғам-андухли ва аянчли бир қиёфада келинининг юзига боқар экан, аёл унга сўнгги видо сўзини айтмоққа чоғланган кўринарди. Бу дил тубидаги ва олдин ҳам эмас, кейин ҳам эмас, балки умрининг энг охирги дақиқаларида айтилиши мумкин бўлган видолашув сўзи бўлса ажаб эмас, бироқ уни ифода этишга аёлнинг мажоли етмасди. Бу пайтда ундан-бундан қа-

рия Бексаатнинг жони узилаётганини эшитиб, ҳовлида одамлар тўпланиб қолишди. Улар жимгина келишарди. Одамларнинг бир қисми ачиниш ва изтироб чеккан ҳолда, ўз муносабатларини оғир хўрсиниш билан ифодалаб келиб-кетишар, айримлари эса, ортиқча шов-шувсиз, бундай пайтларда олдиндан уйда кўриладиган тайёргарлик пайдан бўлишарди: бирлари ўтин ташиган, кимдир товоқчада ун, куйдирилган мой келтирарди. Яна бировлари кўни-қўшнилардан идиш-товоқ йиғишар, ҳовлида эса оёқ остига сомон сочиб чиқишарди.

Тун яримлаб қолди. Қошиқчада оғзига сув томизиб кўяр экан, Саида қайнонасининг сўнгги соат ва дақиқаларини енгиллаштиришга уринарди. Жон таслим қилаётган Бексаат куни битганини сезиб ётар, шунинг учун ҳам, жон талвасасида нимадир демоқчи бўлар, лекин бунинг уддасидан чиқолмасди, шундан кейин у дил розини кўзлари билан имо-ишора қилишга ўтди. Ростдан ҳам, қайнона ва келиннинг видолашув чоғидаги оху фиғонларини – жўрлашиб хўнграшларию мунгли марсияларини ким ҳам тинглайди дейсиз: бу термаларда эса уларнинг кўнглидаги орзу-ниятлари умрбод амалга ошмайдиган армон бўлиб қолгани, бутун хонадон аҳли – ўғли ҳам, келини ҳам – жон-дилдан хоҳлаган Чотқол сафари ҳам, кулоқ сифатида Чотқолга бадарға қилинган эл-уруғу, ёру биродарлар билан келинни таништириш ҳақидаги ўй-хаёллари ҳам саробга айлангани, эндиликда эса бунинг мутлақо иложи қолмагани борасидаги ҳасратлари ўта таъсирли ифодаланганди. Саида учун ҳаммадан ҳам ўкинчлиси шунда эдики, энди у кекса қайнонасини эшагига ўтқизиб қўймайди, йўргакдаги набирачасини унинг қўлига тутқазмайди ва улар тун қоронғисида биргаликда йўлга равона бўлишмайди. Начора, энди у кунлар бошқа қайтиб келмайди. Бундан кейин уларнинг Чотқол довонидан омон-эсон ўтиб олишлари олдидан тоғ қояси ва қор уюмлари оралиғидаги

бир гўшада кичик гулхан тафтида исиниб, сабр-тоқат билан куч тўплашларига ҳам ҳожат қолмайди; энди улар гулхан тепасида парвоз қилиб юрувчи фариштау малоикалардан ўзларига раҳм-шафқат қилишларини ва билиб-билмай қилган барча гуноҳларини афв этишларини ва тоғ йўлидаги бало-қазоларни даф этишларини ёлвориб сўрамайдилар ҳам; негаки улар, чиндан ҳам, ҳеч кимга ёмонликни раво кўришмайди: довонга эса қонун ва жазодан қочиб, ўзини ўзи қувғин қилган қочоқ аскар Исмоилдан хабар олиш илинжида чиқиб туришади. Шуларнинг ҳаммаси учун она ва келиннинг чексиз ранж-алам ва изтироб чекишаётгани ва бунга сабр-бардош қилиб келаётгани – бу бир қисмат эди, холос...

Шу зайлда жафокаш она қиссаси ўз интиҳосига етди: ўлим бутун келажакдан маҳрум қилгани боис энди барча ўй-хаёллар – сафар ташвишлари ҳам, йўл азоби ҳам, Чотқолга кетган бошқа қавм-қариндошлар дарагини суриштириш ҳам, уларга бу ёққа ким билан бирга ва қай тариқа етиб келганларини ҳикоя қилиб бериш режаси ҳам барҳам топди.

Қайнонасининг ўлим тўшагида ётган ўша қайғули тун ана шундай якун топди.

Саиданинг бошини қотираётган кўпдан-кўп ўй-хаёллар ичида айниқса эрининг хатарли қисмати унга сира тинчлик бермасди. Унинг боёқиш Исмоили у ёқда қандай юрибди экан-а? Онаси жон таслим қилаётган шу кезларда бошидан нималар кечаётганикин? Зеро, у шундай дарди бедаволарга мубтало бўлганки, унинг бу ерларга келиши ҳам, қорасини кўрсатиши ҳам мутлақо мумкин эмас... Нега шундай бўлдийкин-а? Шунинг учунки, у ўзи билганича яшашни хуш кўрди; қонун, инсоний ақида-тамойиллар эса ўзгача кун кечиришни тақозо этади. Куч – қонун ва кўпчилик тарафида, у бўлса қонундан қочиб юрибди. Шунинг учун ҳам, ҳеч ким

суриштира олмайдиган Чотқол томонларга жилмоқчи эдик-да.

* * *

Ўша машъум кечаси Исмоил, ҳар галдагидек, ўзи яхши билган ўша тоғ этагидаги пастқам қияликлар, чийзорларни оралаб ўтиб, унинг адоғидаги жарликка чиқиб олди, ойдин кечада бу ердан овулнинг томлари, мўрилари, ёруғ деразалари кўриниб турарди. Исмоил эса айна шу ердан ўта эҳтиёткорлик билан ўтиб, одамларнинг полизлари оралаб ўз ҳовлиси томон йўл олди.

У бу сафар ҳам йўлнинг сўнгги қисмини ғоят эҳтиёткорлик билан кўздан кечирди, бироқ, негадир, уйга яқинлашган сари унинг кўнглини ғашлик ва хавотир босди. Қандайдир шубҳали ҳаракатлар, аллақандай эшитилар-эшитилмас, узук-юлуқ овозлар Исмоилни сергаклантирар ва у вазиятни аниқлаб олиш мақсадида Тўтиой холанинг полизидаги терак тагида таққа тўхтади. Ундан бир қадам ҳам нарига жилмади. Йўлдаги зўриқишу ҳансирашларини босиб, нафасини ростлашга ҳаракат килди. Бироқ юрак уриши маромига тушмади ва қалбдан қандайдир фалокат юз беришини ҳис этди. Демак, Саида ҳақ гапни айтган – чиндан ҳам онаси мушкул аҳволда.

Исмоил аянчли, ғулғулали ўй-хаёллар оташида қовурилиб, ўзини бошқара олмайдиган руҳий ҳолатга тушди. У дарахт танасига маҳкам суянганча бўғиқ ингради. Айна чоқда диққат билан қулоқ солиб, ҳақиқатан ҳам ҳовлида одамлар борлигига ҳамда улар у ёқ бу ёққа юриб, ғўнғирлашиб туришганига тўла ишонч ҳосил қилди. Бинобарин, ишнинг пачаваси чиққан. У юраги эзилиб, ғазаби қайнаб кетган ўша дамда қалбан ҳамма нарсага: вазоҳат билан уйга бостириб киришга, тўпланган одамларни зарб билан итариб, ўзига йўл очиш-

га, жирканч ва кўрқинчли қиёфада кўққисдан уларни даҳшатга солишга, шу онда, эҳтимол, жон таслим қилаётган энажонини бағрига ўзини отиб, унинг совиб қолган кўлларини ўпа-ўпа зор-зор йиғлашга, унинг қаршисида тиз чўкиб, энасини бошқа ҳеч бир она чекмаган азоб-уқубатларга дучор этгани учун кечирим сўрашга, коинотдаги бутун мавжудотларни емириб, йўқотиб юборишга, оламдаги барча балоларни, жумладан, ер юзи ва мамлакатни ўз домига тортган даҳшатли урушни ҳам ва ўша жанг майдонидан қочишга жазм қилиб, эндиликда унинг жабрини тортаётган – қаттиқ таҳлика, ночорлик ва тубанликда яшаётган ўзини ҳам тамомила нест-нобуд этиб ташлашга қудрати етадиган даражада дод-фарёд солиб йиғлашга тайёр эди. Ҳа, ҳа, ҳа, – эс-ҳушини йўқотиб қўйгунча ўкириб йиғлайвериши жоиз: бу ҳол садоқатли умр йўлдоши Саида уни кўз ёшлари тўкилган шу чиркин ердан турғизиб, кўз ёшларини артиб, уни бирон ёққа – унинг ўзи ҳам, номи ҳам бутунлай унутиб юбориладиган ва ҳеч бир кимса унинг кўлидан тутиб, «Нега сен фронтда эмассан-а», – деб асло суриштирмайдиган бир гўшага – етаклаб кетмагунига қадар давом этиши шарт. Бироқ унинг ақл-идроки ушбу бир лаҳзали ғазабу эҳтирослар алангасини пасайтирди Шу туфайли у турган жойидан бир қадам ҳам нарига силжимади: гарчи у виждон азобида қийналиб, ўзини ўзи лаънатласа-да, онасининг жони узилаётган паллада ҳам шундай телбавор қиёфада одамларга кўришнишни ўзига эп кўрмади. Бунинг учун онажони уни маъзур тутуди, дея ўзига-ўзи таскин-тасалли берди; зеро, энаси унинг ўзини эҳтиётлаб юришини, бирор пана жойга кетиши зарурлигини ва ҳар қандай вазиятда ҳам кўзга кўринмаслиги даркорлигини парвардигорга топиниб илтижо қилгани рост эди. Шунинг учун ҳам у фурсатни ғанимат билиб, ўз вақтида ман-

зилига қайтиши кераклигини кўнглидан ўтказди, лекин бунга асло журъати етишмасди. Аксинча, ўша онда қандайдир бир зўр, оғир куч уни жиловлагандай бўлиб, қадам-бақадам уй томон яқинлашиб боришга мажбурлар эди. Шу зайлда у омборхоналари орқасига келиб тўхтади ва шу жойда туриб одамларнинг дупур-дупурию гангир-гунгур овозларини аниқ эшитди. Отнинг дукур-дукури қулоққа чалиниб, кимдир ниманидир сўраётгани қулоққа чалинди:

– Ҳа, Мирзақул, аҳволи оғирми?

– Ҳа, умид йўқ ҳисоби...

Сўнгра от узангиси қандайдир бир темирга урилиб жаранглаб кетди ва дукур-дукур товуш ҳовлидан йироқлашди.

Исмоил ўша киши унинг узоқ қариндоши Мирзақул эканини фаҳмлади; уни кўпдан бери кўрмаган эди; ўша вақтларда унинг иккала қўли ҳам бутун эди, энди эса фронтда бир қўлидан ажрагани боис одамлар уни «Мирзақул мўлоқ» ёки мўлоқ Мирзақул деб чақиришади. Шундай бўлса-да, у – қишлоқ шўроси раиси. Хўш, нима бўпти? Бир тасаввур қилиб кўринг-а, бир қўлсиз қандай яшаш мумкин! Исмоил эса қўлидан, айниқса бошидан ажралиб қолишни хоҳламади. Мана энди шунинг жазосини тортмоқда: виждон азобида қовурилиб ва айни чоқда биқиниб-писиб юрибди...

Аслида унинг ҳовлига яқин бориб, у ерда нималар бўлаётганига қулоқ тутмагани яхши эди. Энди унинг таъби ўта хиралашиб, руҳан эзилиб кетди. Шу ваздан Исмоил учун бу ердан аста-секин ортга қайтишдан ўзга чора қолмаганди. У қуйида қолган овулига сўнгги бор қайрилиб нигоҳ ташлаган маҳалда эса тун ярмидан оққан бўлиб, ҳамма ёқни зулмат қоплаб олган эди, фақатгина бир жойда ёнма-ён икки дераза чироқлари милтиллаб ёниб турарди. Бу унинг уйи бўлиб, уй ичида эса энажони жон таслим этарди.

Исмоил эрта тонгда кўзга илғанмас жойларни паналаб, яна овул сари йўл олди. Унинг безовталанган юраги ҳамон сира тинчимас, овули, ўз уйи томон илдам одимлашга ундарди; бу ҳаракат нима билан тугаб, қандай натижа беришини Исмоилнинг ўзи ҳам билмас эди. Шунга қарамай, у йўлда давом этарди.

Ҳавонинг авзойидан кун совуқ бўладиган кўринади. Тоғдан увлаб эсган шамол тобора забтига оларди. Шу боис у бошини пўстини ёқасига буркаб, телпагини қаншаригача бостириб кийиб, катта кирза этикда, қўлларини киссаларига тикиб олиб, якка-ёлғиз, оғир ғамалам оғушида жилиб борарди.

У одатдагидек, овул манзараси кўзга ташланиб турадиган ўша жарлик ёқасига келиб тўхтади, тез-тез нафас олиб, бутазор остида писиб ётган ҳолда овулда нималар бўлаётганини кўзи илғанган қадар кузата бошлади. Аммо арзийдиган бирон нарсага кўзи тушмади. Уй томларидан тутунлар юқори кўтарилиб борар, мактаб ёнидаги болаларнинг овозлари, шунингдек, отларнинг кишнаши, итларнинг вовиллаши хиёл эшитилиб турар эди... Бироқ Исмоилни биринчи навбатда уйида, ўз кулбасида нималар содир бўлаётгани қизиқтирарди, афсуски, тагин ҳам бирор бир нарсани аниқроқ кўриш ёки фарқлаб олишнинг иложи бўлмади. Шундай бўлса-да, у ердаги қандайдир ғимир-ғимир ҳаракатлардан нималарнидир пайқаб олиш мумкин эди. Бироқ у ерда айнан қандай воқеа юз берганини аниқ билиш мушкул эди. Балки у яқинроқ борса, эҳтимол, манзара бирмунча ойдинлашармиди, аммо у бундай таваккалчиликка журъат қилмади. У тушгача шу зайлда бутазорда яшириниб, қаттиқ совқотган ҳолда беҳудага қулоқ тутиб, кўз тикиб жуда қийналиб кетди. Сўнгра ўзини пана жойга – бошпанасига олди, кечга яқин эса чор тарафга сергак назар ташлаганича яна аввалги жойига қайтиб келди. Энди у бу сафар ўз фаҳм-фаросати билан онаси

аниқ қазо қилганини сизди: ҳовлидаги ғимир-ғимиру хўнграшлар онасининг ўлими у озиқ-овқати ва қуроли сақланаётган пана жойга борган кезларда содир бўлганидан далолат берарди.

Энди ҳеч қандай шак-шубҳага ўрин қолмаган эди. Онаси оламдан ўтган. Шу сабабдан у ўзини фавқулодда оғир юк остида қолгандай ҳис этди. У бутазор тагида ўлдирилган кўрқинчли йиртқич қиёфасида чўзилиб ётар эди.

Исмоил кеч кириб, оқшом охирлаб қолганда ўнқир-чўнқирликлар бўйлаб юриб қишки полиз экинлари ёнига келиб тўхтади ва бир оз муддатдан сўнг ўтган кечаси термилиб тургани – ўша терак томон юрди ва шу ерда қоққан қозикдек туриб қолди. Энди эса онасининг бу ёруғ оламни тарк этганига ҳеч қандай шубҳа қолмаганди. Ҳовлида ўчоқда олов ёниб турарди: афтидан, дошқозонда сув иситишаётган бўлишса керак. Турфа товушлар қулоққа чалинарди. У тағин ўша бир қўлли Мирзақулнинг таниш овозини эшитди. У бу ерда маслаҳатлар бериб, кайвонилик қилиб турарди. Одамлар унга қандайдир жавоблар қайтариб хайрихоҳлик қилишарди. Отлиқ кишилар ҳам келиб-кетиб туришибди. Демак, энасини эртага дафн этишади. Эрталабдан тайёргарлик ишлари бошланади, йиғи-сиғи қилишади; жаноза ўқилади, пешин пайтида эса жасадни овулнинг юқори қисмида жойлашган қиятепадаги қабристонга олиб боришади. Ўшандагина Исмоилнинг хаёлига, ахир олдин гўр қазиш керак-ку, деган фикр келиб қолди. Бу ишни ким бажарар экан? Гўр қазилдимикин ёки бу ишни эрталабга қолдиришдими? У қайтишда қабристонни бориб кўришга ва қабр қазилган ёки қазилмагани ҳақида ишонч ҳосил қилишга қарор қилди. У шу тариқа ўта гарангсиган, дили вайрон бўлган, паришонхотир ҳолатда терак остида турарди.

Сўнгра овулнинг чеккаси бўйлаб қиятепадаги катта қабристон томон оҳиста одимлаб кетди. У тун қоронғи-

сида тусмоллаб қадам ташлар, аламли қайғудан эзилиб, тинмай йиғлайверганидан кўзлари хиралашиб қолгани учун гоҳ йўлдаги ўнқир-чўнқирларга йиқилиб тушар, гоҳ аллақандай тўсиқларга тўқнашиб кетар эди. Шунда у ҳаттоки: «Мен кимман ўзи, қаёққа кетаяпман, жин урганми мени, бу оламда нима учун яшаяпман-а?» – деб ўйлаб ҳам қолар эди.

Қиятепадаги кўҳна қабристонга анча йиллардан бери қадам босмагани боис у бу ерга охирги марта қачон келганини ҳам аниқ эслолмасди. Ниҳоят аста-секин урушдан бирмунча илгари, тракторчилар курсини битиришгандан сўнг, дастлаб уни шу қабристон ёнидаги пичанзорда отга қўшиладиган пичан ўриш машинасига ўтқозишганини, ўшанда у қоқ пешинда – жазирама пайтида отларни аравадан чиқариб қўйиб, бир гала ўспирин йигитчалар билан бирга бедана овлашга киришиб кетишганларини хотирлади. Беданалар бўлса қабристондаги овлоқ ва қалин чакалакзорларда донланишни ёқтиришар эди: сабаби қабрлар орасидаги пичанларни ўриб олишни ҳеч ким ҳам ўзига эп кўрмасди. У ҳозир шуларни эслар экан, ўша сокин ёз кунларини, ўт-ўланларнинг хушбўй ҳидини, осмонда ҳам, ерда ҳам маст бўлиб тинимсиз хониш қилаётган қушларни, чирилдоқ чигирткаларни, беадад чарақлаб турган сахий қуёшни, оромбахш сўлим ҳавони кўмсади. Ўша пайтларда у орадан йиллар ўтиб, ўзининг қаҳратон қишнинг зим-зулматли кечасида қиятепа қабристонидан уни шу қўйларга солган жамики нарсага нафрати тўлиб-тошган, ё қайғу-алам ўтида қовурилган ҳолда таъқибга учраган йиртқичдек тентираб юришини ҳеч хаёлига келтирганмиди?.. Исмоил бу ўша жой эканлигига сира ишонгиси келмасди. Ойнинг хира нурида қабрларнинг қори эриган жойлари қорайиб кўринарди. Ҳамма ёқ жимжит, бўм-бўш, совуқ. Гўрковлар онасига қабр қазиб қўйишган экан, у очик турибди. Бунинг яқиндагина ўйил-

ган чукурча ёнидаги лой уюмларидан ҳам пайқаб олиш қийин эмасди.

Демак, яхши одамлар жон куйдиришган, демак, дафн эрта чошгоҳда.

Исмоил онасига қазилган қабр бошида тўхтади, бошини эгиб қоронғи чукур ўрага жонсиз нигоҳини қадаб тик қотди. Агар у бир илож қилиб ўзини ўлдирганида эди, шу қабр тубида ётарди, у ҳозир, шу ердаёқ ўлишга рози, қанийди уни одамлар эртага онаси билан бирга қўшиб дафн этишса... Лекин ўз жонига қасд қилиш одамлар қошига бўйин эгиб боришдай мушкул эди...

Янаги тонг Исмоил яна овул томон судралди. Макон тутган ғорида совуқ қотган, оёқларини судраб босар, жунжикиб ва йўталган ҳолда оғзини кафти билан тўсарди. Бу сафар у қабристон томон йўл олди, волидасини дафн этишга қатнаша олмаса-да, ҳеч бўлмаса бошқалар онасини қандай дафн этишини узоқдан бўлса-да, кузатмоқчи эди. Юрар экан, ўзи учун қулай пастқам жарликни мўлжаллаб ўтди, жар туби бўйлаб юриб, бировга сездирмай маросимни кузатмоқчи, ҳам кўзга ташланмай қабристонга хиёл яқин бормоқчи эди.

Сўнг шу яқин ўртадаги улкан харсангтошлар орасига беркиниб, кузата бошлади.

Вақт имиллаб ўтарди. Энди у анча тинчланиб ва бўлиб ўтган ишларга кўникиб онаси, хотини ва ўғилчаси билан охирги марта кўришган сўнгги кунни хотирлади. Ўшандан бери икки куну икки кеча ўтган, аммо жуда узоқ вақт кечганга ўхшарди. Чотқолга кетиш фикри туйқус тўсиққа учраганидан Исмоил қаттиқ афсус чекар, энди у ҳамма ўйлаганларини қайта кўриб чиқиши ва борди-ю, аёли ва ўғилчаси билан Чотқолга омон-эсон етиб олганида ҳам тоғаларига онаси ўлгани, уни қандай дафн қилганини не сўз билан айтади, улар жиянини тушунармиканлар...

Исмоил кўмиш маросимини анча олисдан илғади. Кўпчилик одамлар тўпланишиб турибди. Уларнинг ак-

сарияти от ва эшак миниб олишган. Исмоил кутганидек, улар ёндош йўлдан келишар эди. Қияликка кўтарилишда тўда қадами секинлашди; иккита от эгари устига ўрнатилган тобутда наMATга тифиз ўралган майит жасади жойланганди. Бори шу. Онахон Бексатни сўнгги йўлга овулдошлари кузатишарди. Улар ҳозир нималар ҳақида гапиришаётгани Исмоилга қоронғи. Маросим у бекинган жойга қадам-бақадам яқинлашиб келарди. Кузатувчилар орасида хотин-халаж йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмасди, чунки бу ерларда аёллар дафн пайти қабристонга боришмас, уйда қолиб, майитни кўмиб қайтган эркакларни мотамсаро йиғи билан кутиб олишади. Таомил бўйича Исмоил қабристондан қайтаётган отлиқ қариндошларга бош бўлиши, дафндан кейинги майитнинг уйда бўладиган илк йиғинни бошлаб бериши, баланд овоз билан ув тортиши ва ўкириб эгар қошига бош кўйиши, Саида эса унга жавобан йўқлов жирларни уввос тортиб куйлаши лозим эди... Лекин улар, қонун ва қочоқлик ўртасидаги тегирмон тоши орасида қолганлар, бундан бенасиб эдилар...

Бу орада тўпланганлар қабристонда кеча қазилган гўр ёнида тўхташди. Исмоил ўзи беркинган кўшни тепалик ортидан маросим қандай кечаётганини кўрди. Барча йўл-йўриқларига кўра дафнга Мирзакул бошчилик қиларди. У четроқда кўшоқ қилиб боғланган отлар олдидан дафн жойига яқинлашди, ҳамма жой бўшатиб, унга йўл беришди.

НаMATга ўралган майитни тобутдан олишиб, четга кўйишди ва ҳамма катта айлана ҳосил қилиб, мулланинг узоқ давом этган қироатини тинглашди муллага жўр бўлишиб, айрим оятларни такрорлашар, вазият худди асалари уясини эслатарди. Сўнг тўда яна ҳаракатга келиб қолди – энди майитни қабр ичига туширдилар-да, шоша-пиша гўрга тупроқ тортдилар.

Буларнинг барини у четдан кузатар ва индамай лаб-ларини қон чиққудай тишларди.

Одамлар қабристонни тарк этиб, бирор тирик жон қолмади, лекин ҳали олисдан товушлар эшитилиб турарди, Исмоил онаси қабрига жилди. Қалтироқ қўларига таяниб, эс-хушини йўқотган ҳолда эмаклаб борди-да, янги пайдо бўлган уюм тупроқни кучоқлаганча, бўғиқ-ҳирқироқ товуш билан ўкириб юборди ва қайғуаламу қаҳру ғазабдан нафаси бўғзига тикилди, худди ақлдан озиб, етим қолган бўри сингари нима деб қичқиргани, кимни ва нимани лаънатлаётганини фаҳмлаш қийин эди. Сўнг эса у худди маст одамдай бор овози билан қичқира бошлади: «Онажон, онажон, кечир! Мени кечир! Мени лаънатла! Нариги дунёда лаънатла! Урушни лаънатла! Лаънатла! Урушни лаънатла!»

Сўнг у бир зум жимиб қолди, худди ниманидир ўйлаб қолгандай яна ғазаб билан даҳшатли бўкира бошлади. «Нафратланаман! Қасос оламан, қасос, ҳаммангдан қасос оламан! Ҳеч кимни аяб ўтирмайман!..»

* * *

«Ёзнинг келишига ҳам оз қолди! Кўпига чидаган, озига ҳам чидаш беради! – деб ўйлади Саида, тўпондан ажратиб олган бир сиқим буғдойни у кафтидан-бу кафтига олиб ўйланиб. – Худо Исмоилни ўз паноҳида сақлаб, тилагига етказса, ғунажинни сотамиз-да, уни йўл озиғига харжлаб, кечасилаб жўнаб кетамиз. Ҳа, кетамиз, бу ердан албатта кетамиз!»

Кечқурун Саида толқон туйиб ўтирар экан, уйга ўт олгани Ҳасантой кириб қолди Кейинги вақтларда унинг бўйи чўзилиб катта бўлиб қолгандек, устидан отасининг эски фуфайкаси сира тушмасди. Тўтиойнинг болалари ичида Саида ана шу ўртанчасини ҳаммасидан яхши кўрарди. Ўзи жуда ёқимтой, очиқкўнгил эди.

– Саида янга, ойим ўтга юборди! – деди у, супрадаги уйилиб турган толқонга бир қараб олиб. Бола-да! Боланинг мўлтиллаган кўз қарашларига ким чидасин. Саида унинг қорни очиб турганини сезиб, иккала кафти тўлгунча толқон солиб берди. Бола толқонни оғзига солиб, ямлаб-ямлаб ютди-да, севинганидан миннатдорчилик билдирай дегандек, толқонга беланган лабларини чўччайтириб, илжайиб қўйди:

– Сигиримиз туққанда ойим бизларга оғиз сут пишириб беради. Сут ичамиз. Чақалоқжонга ҳам ундан олиб келиб бераман! У сут ичадимми?

– Тилингдан янганг ўргилсин сенинг, – деб меҳри товланиб кетган Саида унинг кўзларидан, манглайдан ўпиб олди. – Сигирларинг туғсин, айланиб кетай, сўнгра оғиз суги ичамиз. Чақалоқжонга ҳам берамиз, унинг ҳам тиши чиқиб қолибди!

Ойиси ҳам, болалари ҳам отасининг ўлганидан хабарсиз хат кутиб юрганларини эслаб, Саида болага раҳми келиб, уни алаҳситгандек бўлди:

– Ойинг туриб юрадимми, энди яхши бўлиб қолгандир! – деб иш орасида сўраб қўярди.

– Бугун яна бошим деб ётибди. Мен мактабга бормай қўя қолай десам, ойим, иккинчи синфга кўчолмай қолсан, отанг келганда уришади, деб рухсат бермади.

– Уришмасмиди, ёмон ўқисанг, албатта уришади-да...

Ҳасантой жим қолди-да, кўзига ёш олиб, катта кишилардек чуқур хўрсиниб қўйди.

– Қўй, кўп хўрсинма! – деб хитоб қилди чўчиб кетган Саида... – Насиб қилса, отанг келиб қолар... Лекин сен ҳадеб хўрсинаверма...

Бола ўт олиб кетганидан кейин, Саида мадори қуригандек дарҳол ўтириб қолди. Муштдек боланинг бундай уҳ тортиб хўрсиниши негадир унга жуда оғир туюлди.

«Бола бўлса ҳам, етим қолганини юраги сезиб турибди, – деб ўйларди у. – Тўтиой ҳам буни ўзича дилидан

ўтказаётгандир, бироқ у сир билдирмасди. Бечора нима ҳам қилсин? Қўлида бирданига уч етим бола ёлғиз қолган. Уйда овқатлари йўқ. Колхоз берган озроқ дон-дун билангина бир амаллаб кун кечирадилар. Яқинда омбордан ярим қоп сули олиб келдилар. Йўқдан кўра шу ҳам бир мадад. Қараб ўтирган билан биров осмондан ташламаса. Ўлдим-бўлдим деб ётиб олса, болалари оч қолади. Биргина ишонганлари – ёлғиз сигир. «Ер юткур, аксига олиб, бу йил ҳам кеч туғадиганга ўхшайди! Унинг туғишини кутавериб болаларининг кўзлари тўрт бўлди!» деб гапириб юрарди. Ўзи ҳам анчадан бери мазаси йўқ, касал. Қандай қилишар экан бечоралар? Яна бунинг устига, шўрлик Бойдалининг ўзини ўзи мина устига ташлаганини айтмайсанми? Бунга ҳам ўзининг ўта кўнгилчанлиги сабаб бўлган! Раҳматли яхши киши эди! Тўтиой бир оз сержаҳл бўлгани билан у ҳам яхши аёл... Ахир, юракка қил сиғмайдиган шундай кунларда осойишта яшаб бўлармиди... Эй, пешанага ёзилганини кўради-да... Ҳар кимнинг тақдири ўз пешанасига ёзилган. Биз бўлсак эртаю кеч Исмоилни қутқариш билан оворамиз... Агар бир иложини қилиб уни қишдан омон сақлаб чиқсам, Чотқолга борганимиздан кейин бахтимиз очилиб кетармиди... У кунни Тўтиой: «Исмоилнинг қочиб юргани ростми?», деб қўққисдан сўраб қолди. Мен унга нима дея олардим. Билмадим, қочса бирон ёқда қочиб юргандир, балки қуруқ гапдир, ким билсин, деб қўя қолдим. Бошқа бировлар бўлса, Исмоилнинг қозоқда қариндошу-руғлари бор эмиш, у ўша томонларда қочиб юрган бўлиши мумкин, деб гапиришар эмиш. Майли, нима дейишса деяверишсин... Мирзакулнинг кўзига кўринмасак бўлгани, у душман, аяшни билмайди... Илгари уни яхши кўрар эдим, ҳали ҳам тасаввуримда ўша ушалмаган қора ният... Э, тангри, бандам десанг Мирзакулдан ўзинг асра...».

Боланинг ҳалиги уҳ тортиши, унинг мўлтиллаб аянчли қараши Саиданинг кўз олдидан сира кетмасди. Турли хил мудҳиш хаёллар унинг кўнглини чўктириб, аллақандай хунук хабар келишини кутаётгандек боши ғовлар, руҳи тушиб, безовта бўла бошларди. Саида шу пайтда нима қилишини билмай эшикка чиқди, ҳавонинг авзойи бузуқ, шамол туриб, уфқда қора тунда булутлар қалқишиб осмонни қоплаб келаётган эди. Теварак-атроф жимжит, тоғу тошлар ҳам кўринмайди. Осмонда сузиб бораётган тўлин ой булутлар орасида заъфарон юзларини кўрсатиб, яна дарҳол яшириниб оларди.

«Қор ёғяптими? Исмоилнинг аҳволи нима бўлди экан?» – деган хаёл билан Саида яна уйга қайтиб кирди.

Эрта азонда Саида одатдагича сувга чиқди. Яна ҳавонинг қовоғи солиқ бўлса ҳам, бир оз юмшаб, парча-парча сарғиш қор ҳам ёғиб турарди.

«Ий-й!..» – деб қўйди Саида бўйнига сирқиб тушган қор томчиларидан ижирғаниб.

У пақирларини кўтариб эндигина одимлаётган эди, Тўтиойлар томонидан қий-чув йиғи овози эшитилиб, ундан-бундан от чопиб келаётган кишиларга кўзи тушди. «Яна қандай фалокат юз берди экан?..» деганича пақирини қолдириб, у ҳам ўша томонга югуриб кетди. «Бойдалининг азасини кузда ўтказамиз дейишган эди, биров айтиб қўйди шекилли, мунча изи чув» деб ўйлади у. Саида дарҳол девордан бурила қолиб, ҳовлига яқинлашганда, тўпланишиб дод солиб йиғлаётган халқни кўриб, ҳангу манг бўлиб қолди. Шу чоқ ғала-ғовур ичидан сочлари тўзиб, кўзлари аланглаб Тўтиой отилиб чиқди-да, йиғлаганича сарой томонга югуриб борди.

– Мана, айланайин халойиқ! Мана, кўринглар! Ўғри қулфни суғуриб, сигирни олиб кетибди. Шўрим курсин, худо мени қўшқўллаб урди!..

– Оқшом уни ўзинг боғлаб, ўзинг қулфламаган эдингми? – деди биров ғала-ғовур ичидан.

– Ҳа, садағанг кетайлар, ўзим! Ўзим боғламай ким боғларди! Ҳатто елинини ҳам ушлаб кўрган эдим! Болаларим сут деб томоқлари тақилларди. Тўшакда ётганимга қарамай, ундан ўзим кўз-қулоқ бўлиб турардим!..

Саида бу сўзларнинг маъносини уқиб, воқеадан хабардор бўлгандан кейин, эси оғиб, анграйганича жойида туриб қолди. Куни кеча Ҳасантойнинг ажабтовур катта кишилардек отасининг эски фуфайкасини кийиб олиб, жунжикиб ўтирганини ва алланимани худодан тилаётгандек оғиз сутини эслаб, уни орзиқиб кутиб юргани Саиданинг кўз олдидан нари кетмади. «Бу ким бўлди, уволдан кўрқмаган, қора ниятли ялмоғиз? Шунчаликка қўли қандай борди экан?» деган биргина ўй уни эсанкиратиб қўйган эди. Саида қайноқ юзларига урилиб, бўйни аралаш эриб тушаётган қор томчиларини ҳам сезмай, турган жойида тураверди. Ана, Тўтиойнинг болалари ойиларининг этагига чирқирашиб ёпишиб олишган: кичкинаси тўшакдан эндигина турган шекилли, ялангоёқ лой кечиб: «Ойи! Ойи!» деб қичқирарди. Тўтиой бўлса у билан иши йўқ, ўзи билан ўзи овора эди.

– Бойдали уйда бўлганда, ўғри кела олармиди. Уйда эркак бўлмагандан кейин шу-да.

«Боладан совуқ ўтиб, кўкариб кетди!» деган хаёл билан Саида чопиб бориб, уни дарҳол кўтариб олмоқчи бўлиб шайланиб турган эди, бироқ тўда ичидан почтачи Қурмон югуриб келиб болага бир қараб олди-да, уни қўйнига ўраб, уйига кўтариб кетди. У Саиданинг ёнидан ўтиб бораркан, қўйнидаги болани илиқ нафаси билан иситиб, соқолидан сизиб тушаётган мунчоқ-мунчоқ сув қатрачалари товланиб, ўзича нимадандир норози бўлгандек тўнғиллаб қўйди:

– Сизларни ҳеч қачон ташлаб қўймаймиз, навбат билан кўтариб катта қиламиз...

Деярли бутун овул Тўтиойнинг ҳовлисига тўпла-нишган эди. Илгари ҳам овулда бундай воқеалар бў-

либ турарди, лекин бунчалик одам йиғилишмасди. Ким мол йўқотиб, мол ўғирлатмаган дейсиз, бироқ бу сафар уларни молнинг йўқолишигина эмас, балки ғазабга тўлган энг нозик ҳис-туйғулар, инсонга бўлган меҳр ва муҳаббат туйғулари бу ерга ҳайдаб келаётган эди. Ана улар чет-четга чиқиб, қовоқ солиб ўтиришибди: «Бойдалининг етимларига қўл тегизган ким?..»

Боядан бери у ёқдан бу ёққа югуриб-елиб, атрофни кўздан кечириб юрган Мирзақул, мана, йилқичи Парпи билан от чоптириб келиб қолишди. У отини гижингла-тиб, қўлсиз енгини шалвиратганича, ҳовлига қуюндек учиб кирди.

– Қани, халойиқ, кўзғалинг! Отлиқлар отда, отсизлар пиёда сойма-сой изланглар! Йўқолган мол садқаи сар, аммо бу ишни қилган муттаҳам итни топиш керак!

– Тўғри айтасан, тўғри! дейишди кўпчилик. Ўғри олислаб кетгани йўқ... Агар сигирни сўйиб олган бўлса, гўшти топилар. Йўқса, уни эски кўрғонларга беркитиб қўйган чиқар!..

– Тўғри, тўғри! Ҳали сўйиб улгурмаган бўлиши керак. Кўрган одамлардан суриштиринглар! – деган қий-қириқ эшитилди.

– Қани, жўнанглар, кечикмасдан жўнай қолинглар!

Мирзақул ҳовли саҳнидан чиқиб бораётган одамлар орасидан фронтга бориб келган беш-олтита ярадор йигитларни чақириб олиб:

– Сизлар, йигитлар солдатлар эмасми... Отга миниб, Жамбулга борадиган катта йўлни кузатиб чиқинглар.

– Э-ҳе, у ёққа боришга улов қани?

– Саройдаги отларни олинглар! – деди Мирзақул.

– Отлар ер ҳайдаш учун бойлоққа ташланган, раис ўзини осса осади-ю, уларни бермайди.

– Об-бо, гапни кўп чуватдинг-да! – деб бақириб берди Мирзақул. Унинг захри юзига чиқиб, чўлтоқ қўли

боягидек яна силкиниб тушди. Қани, ҳозир жўнанглар! Гинг демай, отларни эгарлаб, йўлга тушинглар.

Халқ тўлқинига қўшилиб, Саида ҳам овулнинг сиртига қараб югурди ва дарҳол ҳар томонга тарқалиб, ўнг-сўлидан бўлиниб кетаётган кишиларни, энкайганича отда чопиб бораётган Мирзақулни ва қулала сингари тулки телпагини бостириб кийиб олган йилқичи Парпини кўриб, ўтақаси ёрилгудек кўрқиб кетди ва бирдан: «Исмоилни топиб олишса, нима бўлади?» деган хаёлга борди. Сўнг у нима қилишини билмай саросимага тушиб, ўсиб ётган ўша чийзорга югуриб кетди.

Ҳаво юмшаб, эриб кетаётган ҳўл қор кийимларни салмоқлатиб, юришни оғирлаштирар эди. Бағрини ерга бериб ястаниб ётган оқиш туман ўрнидан кўзғала олмай, мажоли қуриган каби кўнгилсиз кўринарди.

Саида Исмоилнинг қароргоҳидан хавотир олиб, уядаги болаларини кўриқлаган қуш каби зор қақшар ва бирон киши изимдан тушмаганмикин, деб атрофга аланглаб назар ташлар: «Худойим, ўз паноҳингда сақла! Энди нима қилсам, қандай килсам экан? Болаларнинг бахтига сигир топилиб қолса, улар овулга қайтишармиди? Ў, айланай парвардигор, ўша етимларнинг оҳини эшит, молини қайтариб бер! Менинг ҳам болам бор, менинг ҳам оҳимни тингла, у ҳам етим қолмасин!..» деб қўлини кўксига қўйиб, худога илтижо қилар эди.

Саида минг хаёлга бориб, ўзини кўярга жой топа олмасди. Сигир топилиб қолса, улар овулга қайтишармиди, деган ҳалиги фикр уни банд этиб, бутун умиди ҳам, ишончи ҳам ўша бўлиб қолди. Демак, бирдан-бир йўл сигирни излаб топиш, иложи борича тезроқ топиш керак.

Саида ўрнидан тура солиб, кўйлак ва чопонлари юлиниб, шоша-пиша ўнқир-чўнқирларни ва қамиш буталари орасини қидира бошлади. Бироқ молдан дарак йўқ: ундан нишона ҳам кўринмайди. Хув анави ерда туман аралаш эски кўрғоннинг бузилиб ётган вайро-

налари қорайиб кўринмоқда. Сигир ўша ерга яшириб қўйилган бўлмасин? Югур, Саида, жонинг борича югур! Оёғингдан сув ўтиб, лойга беланганингга, устингдаги кийимларинг шалвираганига қарама!

Бўла қол, тезроқ етиб бор! Ана, ана, кўряпсанми, деворнинг панасидан сигирга ўхшаган бир нима кўриняптими? Ҳа, сигирга ўхшайди! Танаси йирик, қора оладан келган эмасмиди, худди ўзи? Кутилмаган қувончдан Саида ҳаяжонланиб гангиб қолди: «Ҳозир тепаликка чопиб чиқиб, суюнчи, суюнчи деб қичқириб, халқни овулга бошлаб бораман. Сигирни эса Тўтиойнинг уйига етаклаб бориб, қозиғига ўзим боғлаб бераман! Бироқ ўша кўзимга кўринаётган ҳақиқатан ҳам сигирмикин, ёки кўзимга шундай кўриняптими? Худо-ей!»

Кўрғонга бир зумда етиб борган Саида тарвузи қўлтиғидан тушгандек шалпайиб, туриб қолди. Ҳалиги кўринган нарса сигир эмас, ағанаб ётган девор харобалари экан.

Бағрини ердан узаётган халиги туман, эринчоқлик билан суза бошлади... Сарғиш қор бултурги тиканакларнинг уч-учларига ўрнашиб, эндигина ўсиб келаётган нозик майсаларни савалаб, уларни ўз оғирлиги билан эгиб, кўмиб ётган эди...

* * *

Саида кечқурун чарчаб-ҳориб, аранг овулга етиб келганда, Тўтиойларнинг сарой эшиги ҳали ҳам эрталабгидек ҳувуллаб, карракдек очилган бўйича турарди.

Уйда бўлса куни бўйи ўпкаси тўлиб йиғлаган боласи кўзи оқига айланиб, ҳиқиллаб ётган эди. Худди аксига олгандек, Саиданинг тошдек қотиб кетган сийнаси гарчи тўлиб тургани билан, боланинг оғзига солиб эмизса ҳам, бармоқлари билан сиқса ҳам анча вақтгача ийимай қўйди. Саида ўзини ҳам худди тери сергимай эгари

олиниб, туни билан эшикка боғлаб қайтариб қўйилган от каби совуқ еб, жағлари қаришиб қолгандек ҳис қилар-ди. Хувиллаб ётган уйнинг бир бурчагида қўлида боласи билан Саида, мунғайибгина ўтирарди. Кейинчалик Саида уйку босган болани бешикка беллади-да, ечинишга ҳам ҳафсаласи келмай, ўтирган ерига мукка тушганича ётиб қолди.

Ярим кечада дераза чертилди. Саида сесканиб кетиб, бошини юқори кўтарди ва: «Сен кимсан?» деб қичқариб юборишига сал қолди. Лекин унинг Исмоил эканлигини фаҳмлаб, баттарроқ чўчиб кетди: «Азбаройи худо, овул тўс-тўполон бўлиб ётганда, уни яна қандай шамол ҳайдаб келди!» Саида тура солиб, шошилишча равишда эшикни очди-да, тез-тез шивирлай бошлади.

– Тезроқ бўла қол, овулда аҳвол ёмон!

Саида илгакни осиб қўйиб, қоронғида Исмоилни ичкари уйга етаклаб кирди. Сўнгра дераза пардаларини тўсиб, пиликни ҳали ёқмаган ҳам эдики, алланарса гурс этиб Исмоилнинг қўлидан ерга тушди ва у билан бирга Саиданинг юраги ҳам «жиз» этиб тушгандек бўлди. Саида дарҳол энкайиб, ерда ётган тўрвани сийпалай бошлаган эди, қўлига қандайдир юмшоқ нарса илинди. Бундай қараса, тўрвадаги гўшт экан.

– Хўш, бу сизмидингиз? – деди Саида шу заҳоти томоғи қақраб, бўғиқ овоз билан.

– Жи-им! Нафасингни чиқарма! – Исмоилнинг кўзи қоронғида ўтдек чақнаб, Саиданинг ёнига келди-да, унинг юзи аралаш оғир нафас олди: – Дамингни чиқарма, ишинг бўлмасин!

Саида жим турарди. Назарида аллаким уни кўкрагидан итариб юборди-ю, йиқиладельгандек ўтирган жойида ерга таяниб қолди. Саида шу тобда гўё ўзини ҳаётдаги севимли кишисидан ажралиб қолгандек, азоб-уқубатлар чекиб, кўз қорачиғидек ардоқлаб сақлаган меҳрибон кишиси унинг бутун умид ва орзуларини топтаб, ер

билан яксон қилгандек ҳис этар ва ўрнидан тура солиб югуриб, боши оққан томонга қирни қир демай, сойни сой демай фарёд кўтариб, қичқирганича ёруғ дунёдан бешиб, аллақаяқларга қочиб кетгиси келарди. Бироқ ўрнидан туришга қурби етмасди. Аллакимнинг уйни ларзага келтириб, чексиз қайғуга чўмиб, бўзлаб йиғлаётган овози қулоқни қоматга келтирарди.

– Нега қарайсан, пиликни ёқ! – деди ниҳоят Исмоил. Аммо Саида ўз жойидан кўзғалмай ўтираверди. Ҳой, нега анграясан, пиликни ёқ деяпман! – деди у яна ва ёнига тиззалаб эмаклаб келаётган Саидани кўрди.

– Ўша етимларнинг насибасига човут солгандан кўра, ўзимизнинг ғунажинни сўя қолганингиз яхши эмасмиди? – деди у йиғи аралаш зорланиб.

– Минғиллайверма! – Исмоил унинг елкасидан ушлаб силтаб қўйди. Менга ақл ўргатгандан кўра, ўзингни бил. – Замонанг бўри бўлса, бўри бўл, деганлар. Шу замонда ҳар ким ўзим бўлсам дейди! Ўзгалар билан ишинг қанча, очдан ўлиб, тарракдай қотиб қолганинга ҳам, биров сендан ўлдингми, қўйдингми, деб сўрамайди... Олган олиб, юлган юлиб қолади... Сен бўлсанг беҳуда ташвиш тортяпсан!..

Саида ғиқ этмасди. Исмоил Саиданинг жавобсиз жимгина ўтирганини кўриб, жини кўзиди ва оғзидан ўтга тоблаб еган гўшт ҳидини анқитиб Саиданинг ёқасидан бўғиб олди.

– Нега нафасинг чиқмайди-а? Сенга айтаяпман, нега жавоб бермайсан? Ўз ғунажинимни сўйганимда, болага сутни қаердан топиб берар эдинг ёки ўзганинг болалари ўзингникидан ҳам зиёд бўлиб қолдими? Ёки бўлма-са Чотқолга қандай етиб олар эдик, сен буларни ўйла-япсанми? Кетишимизга оз қолганда, ўнқирда ётавериб очдан ўлсин демоқчимисан? Ёки сен учун бошқалар мендан ортиқ бўлиб кетдими?.. Шунча азоб тортганим ҳам етар, бутун қиш бўйи совқотиб, тишимнинг кирини

сўриб чиқдим... Вақти келганда ўғрилиқ ҳам қиламан, нафсимни тиймайман, очдан ўлиш учун аскардан қочганим йўқ! Ўлса бошқалар ўлаверсин... Бироқ мен бекордан-бекорга ўлишни истамайман!..

Ташқарида, қўшни кўчада хўроз қичқирди, уни кутиб тургандек, яна иккинчиси қанот қоқиб, ун қўшди. Исмоилнинг кетар маҳали бўлиб, ўрнидан турди ва:

– Ҳадеб вайсайвермасдан гўштни пишириб энгларда, суягини кўрсатмай овлоқ ерга кўмиб ташланглар, уқдингми? – деб қўлидаги папиросини қайта-қайта ичига тортиб чекди-да, қолдиғини оёқ остига ташлаб ўчириб, эшикка чиқиб кетди.

Аста-секин тонг отиб, уй ичи ёриша бошлади. Тонг ёришган сари, нариги ёқда печканинг остида бешикни кучоқлаб ўтирган оқ сочли аёл деразага қадалиб қараб, бир йўла ерга ҳам термиларди. Ташқарида бирон нарса борми, у нимага бунча термиларди? Нега унинг сочи бир кечадаёқ оқариб кетди? Аралашиб, чувалашиб кетган хаёллар деразани шарақлатиб синдириб, теварак-атрофни кезиб, ташқарида нималар бор-йўқлигини билишга ошиқарди. Дарвоқе, ана шу кичкинагина деразанинг нариги томонида бутун овул, элу халқ... Унда почтачи Қурмон яшайди. Тўти-ой болалари билан, Мирзакул, Исмоил... Ҳа, Исмоил ҳам яшайди...

«Бироқ сен бошқаларга ўхшамайсан, биз учун ёт кишисан... Бутун элу юртинг жон бериб, жон олиб, душман билан урушиб ётганда, сен бўлсанг қочиб юрсанг, ахир ўз элига ким душман бўлибди. Сени сақлайин деб юрган эканману, бироқ нафс балосидан қутқариш зарурлигини ўйлаб кўрмаган эканман...».

Саида чопонини кийиб, боласининг йўргакларини рўмолга тугиб олди.

У эшикка яқинлашиб борганда, ниманидир қиялмагандек, бурилганича туриб қолди.

Кўзларидан маржон-маржон бўлиб оқиб тушаётган ёш қатралари боласининг бетига томчилаб, у ҳам ётган ерида тамшаниб, ижирғаниб қўйди. Бироқ шу заҳотиёқ ҳеч нарсани сезмагандек, яна ухлаб қолди. Саида ерда ётган ҳалиги гўштли тўрвани елкасига ташлаб, боласини кўтарганича, бўсагадан ҳатлаб эшикка чиқиб кетди.

* * *

Кўм-кўк чийзорларни оралаб, боласини кўтариб олган Саида, унинг орқасидан отда Мирзакул ва милтиқли икки солдат кузатиб боришарди.

Бундан икки соат илгари ер ости кўриқчилари командири қочқинни топишга ёрдам бериш мақсадида солдатларга қўшни қишлоққа Қишлоқ кенгаши раисининг ихтиёрига боришга буйруқ берган эди. Саида бўлса боласини кўтарганича овулдан узоқлашиб, ўз уйлари томон кетиб борарди. Энди у бу овулга бошқа қайтиб келмайди.

Орқароқда келаётган солдатлар ўзаро сўзлашаётган эди:

– Сигирини ўғирлатган ўша аёл-ку, нима дейсан?

– Ўша бўлиши керак!

– Барака топкур, охири ўғрининг изидан ўзи тушганга ўхшайди, бироқ юк қилиб, бола кўтариб юргани нимаси?

– Ким билсин, ўзиям жуда нимжон кўринади. Ҳали Қишлоқ кенгашининг раиси келаётиб, отга миниб ол, кўлингда боланг бор, деса, чурқ этмай кетаверди.

Улар майда-майда қамиш япроқлари депсиниб ётган боши берк жарликка етганларида, Саида бурилишда бир зум тўхтаб:

– Ана у ерда, қамишнинг орасида! – деб қўли билан кўрсатди. Ўзи бўлса ранглари ўчиб, бўйнидаги рўмол тугунларини бўшатиб, ўтириб қолди ва нима қилишини билмай, боласини эмиза бошлади.

Мирзақулнинг орқасидан эргашиб бораётган солдатлар ҳам ўша томонни кўзлаб, секин одимлаб боришаверди. Яна озроқ юриб, Мирзақул отдан тушмоқчи бўлган эди, рўпарадан Исмоилнинг қичқирган овози эшитилди.

– Ҳой, Мирзақул! Орқангга қайт! Мен энди ўлган одамман. Агар қайтмасанг, сени ҳам соғ қўймайман!

Мирзақул от узангиларини қоқиб, овоз чиққан томонга қараб қичқирди.

– Кўтар кўлингни, аблаҳ!

«Тарс» этиб чийзор орасидан беш отар милтиқ отилди. Ўрнидан дик этиб сакраб турган Саида, Мирзақулнинг от бўйнига йиқилиб, ёлғиз кўли билан от ёлини тутамлаб, чўлоқ кўли билан унга ёрдамлашмоқчи бўлгандек мўлтанглатиб, охирида отдан кулаб тушганини кўрди. Шу маҳал ўзларини панага тош орасига олган иккала солдат чийзор оралатиб ўқ уза бошлади. Рўпарасида туриб отган Исмоилнинг ўқлари тошга тегди-да, «чийиллаб» четга қайтиб, қулоқ остидан учиб ўтгандек туюлди. Сув сепгандек чуқур сукунат чўккан тоғ оралиғи бешотар милтиқларнинг овозидан ларзага келди. Шу чоқ солдатлардан бири жон талвасасида қичқирди:

– Эй, маржа, куда! Назад, назад, убьёт!

Саида боласини кўтарган бўйича тўппа-тўғри Исмоилни кўзлаб бораверди. У ҳеч нарсани сезмагандек сесканмай, кўкрак кериб рўйи-рост борарди. Саиданинг ҳайкал каби бир қолипда тумтайган қора тўри юзларидан аллақандай ички бир кучни, адолат ҳукмини уқиб олиш мумкин эди. Ғазабга тўлган қаҳрли ва қайғули кўзлари эса Исмоилга: «Қани бу ёққа чиқ! Олдимга кел!» дегандек тик қарарди. Саида илгарилаб ҳар бир қадам ташлаган сари, шошиб қолган солдатлар нима қилишларини билмай:

– Эй, назад! Вернись сейчас! Вернись! – деб бақириварди.

Бироқ Саида парво қилмай чийзор орасида ётган Исмоилни кўзлаб салмоқ билан юриб бораверди.

Ниҳоят тоғ оралиғига жимжитлик чўқди. Тошларнинг орасига беркиниб олган солдатлар ҳам, бериги ёқда юз тубан йиқилиб, ёлғиз қўли билан титраб-қақшаб, ер тимдалаб ётган Мирзақул ҳам, абадий музлик билан қопланиб ётган ҳайбатли тоғ қоялари ҳам, хуллас, бутун борлиқ, шу чоғ данг қотиб, сукутга чўмиб, милтиқ қачон отилар экан, бола кўтарган аёл қачон кулаб тушаркин, дегандек, даҳшатли дамни кутиб турарди. Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Ана, қамишларни шитирлатиб келган шамол Саиданинг рўпарасидан уриб: «Қайт, орқангга қайт!» деяётгандек, унинг рўмолини учириб кетди. Бироқ Саида буни сезгани йўқ. У ҳозир ўлимни эслаётгани ҳам йўқ, инсоннинг буюк фазилати, одиллиги учун боласини кенг бағрига босиб, бошини юқори кўтарганича, Исмоил томон илгарилаб борарди. Солдатлардан бири сабри чидамай, ўрnidан туриб:

– Стой! Стой! – деб қичқира бошлади. Чамаси у, аёлнинг орқасидан югуришга ўзини чоғлаб турган бир пайтда, қамишлар орасидан кулранг шинелли, соч-соқоллари ўсиб кетган киши сакраб чиқиб, милтиғини қўшқўллаб юқори кўтарганича, титраб-қалтираб аёл томон интилди. Исмоилнинг кир босган юзларидан тер қуйилиб, Саидага яқинлашиб, юзма-юз келганида, кўзлари ўйнаб, илгариги Саидани эмас, қандайдир бошқа одамни, ўз куч-қудрати, афзаллиги ва одиллигини кўз-кўз қилибгина қолмай, балки боласини кўтариб олган, сочлари оқариб кетган, ялангбош, хушқомат аёлни кўрди. Саида унинг кўзига юксакликда тургандек, ўзи бўлса, унинг ёнида ожиз ва нота-вон бир кимсадек елкасини қисиб, ниманидир айтмоқчи бўлиб оғиз жуфтлади-ю, бироқ Саиданинг ёшга тўлган кўзларини кўриб, қўлидаги милтиғини ёнидаги тошга уриб парчалаб, улоқтириб ташлади ва қўлини кўтарганича, милтиғини ўқталиб келаётган солдатлар қаршисига чиқди.

РАҶИБЛАР

I

Янгигина ишдан қайтган Хонимгул уй ишларини ана-мана дегунча битирди-да, кўчага, пода йўлига чиқди. Қора сигирни эртароқ боғлаб олмасанг, у ёмон, дарров кўшниларнинг экинларига тушиб кетади. Орқасидан ўн чоқли киши ҳаллослаб қувламаса, осонлик билан ушлатмайди.

Хонимгул кўлига икки яшар ўғли Тўқонни кўтариб олган эди. Уларнинг иккаласи ҳам кўчанинг кун ботиш томонига тикилиб туришарди. Пода ҳар куни ўша ёқдан келарди. Кўчанинг охиридаги қатор тизилган теракларнинг игнадек учига гўё қуёш илиниб қолгандай, сўнгги нурларини сочиб, қирнинг ортига ботиб бормоқда эди. Ботиб бораётган қуёш ўрнини борган сари ғира-шира қоронғилик эгаллаб, пастликдаги кўланкаларни ўз қаърига тортиб бораётгандай, тобора ҳамма нарса кўздан ғойиб бўлиб борарди.

Кеч кириб қолган бўлса ҳам, офтобнинг тафти ҳали қайтганча йўқ, кун ботиш томондаги қозоқ даштидан кимдир биров атайин елпиётгандай гармселнинг иссиқ нафаси юзларга ловиллаб ура бошлади. Ҳозир теваарак-атрофдаги ҳамма нарса: ҳолсиз тебранаётган буталар, жимжит тўқайзор сингари иссиқ ҳавода димиқиб турган чорбоғлардаги оқ жўхорилар, чивинга таланиб ариқ бўйида бош силтаб турган бўзбия, мана шуларнинг бари саратон иссиғида куйиб-ёниб, ҳозир салқин туннинг келишинигина орзиқиб кутаётгандай. Тунда юқоридан муздек шабада эсарди, тонгда ҳордиқ

чиқариб ётган ер бетини шудринг қопларди, ўшанда тошлар марварид дончалари билан қоплангандай жилваланарди, молларнинг егани сингиб, семирарди, қуриб-қовжираган ниҳолларга қайтадан жон кирарди.

Сигирлар роса тўйиб қайтганидан оғирлашиб қорини кўтара олмай кўчанинг ўртасида шошмасдан бир-бир босиб, йўлнинг чангинн бурқситиб келарди.

Икки юзи қип-қизил олмадай, бурни эса сал яссироқ, тиниб-тинчимас кичкина Тўқон Хонимгулнинг кўлида олға толпиниб, чивикни ўйнаб, қора сигирни: «Ҳиш, хиш, хиш!» деб чақирарди. Қора сигир Тўқонга парво қилмай, эринчоқлик билан судралиб келди-да, жўхори томон интилмоқчи эди, Хонимгулни кўриб тўхтаб қолди.

– Ҳайда, Тўқон, уйга ҳайда! – деди Хонимгул кўлидаги боласини эркалатиб. Шу пайт боласи кўзига чиндан ҳам ишга яраб, гўё мол ҳайдашиб юргандай кўриниб, онаси бундан ўзича суюниб қўйди.

Хонимгул бир бола кўрган жувон бўлса ҳам, қиз пайтидаги ҳусни жамолини йўқотмаганди. Кулиб турганда юзларидаги кулдиргпч янада чуқурлашиб, чехрасида қандайдир уятчанлик балқиб турарди. Унинг сал қийиқ чиройли кўзлари баъзан шўх қулундай ўйноқлар, баъзан ички нозик ҳиссиётларини шундоққина кўрсатиб, узоқ вақт порлаб турарди.

– Айланайин подачим! Сенинг бу мол ҳайдаганингдан айланай! – деб Хонимгул боласини кучоқлаб, қайта-қайта ўпди. Боланинг салмоғидан тортилиб товонига тушган узун кўйлагининг этагини ерга қўшиб босаётган Хонимгул эркалангандай бидирлаб келарди. – Ҳайда, садағанг кетайин, ҳайда... Чивик билан ур... Бош, уни қара, жўхорига кирмоқчи чоғи! Бош деса!.. Айланайин, мен уни ҳозиргина соғаман, сут ичасанми, Тўқон?

Худди шу вақт кўчадаги чанг-тўзон ичида бир отлик кўринди. Унинг от ҳайдаши бежо эди. Деворнинг бошида кўнқайиб ўтирган бойўғлидай хурпайиб, терга ботган кигиз қалпоғини чақчайган кўзигача бостириб кийиб олган, ҳаво ёниб турганига қарамай устида ёғин-сочиндан ўнгиб кетган плаш.

– Отанг келди, қара-чи. Тўқон, отанг келди! – деди Хонимгул куёвигача жилмайиб.

Қоратой аслида ўзи қоп-қора киши. Бироқ бугун унинг терлаб-пишиб чанг босган юзи ўзгача хунук тортиб ранги ўчиб кетган эди. Унинг кўпдан бери устара тегмаган шопдай мўйловининг учларини ҳам бояги иссиқ гармсел ургандай сарғайиб кетган.

Қоратой тизгинни тортгани йўқ. У боласи билан хотинининг ёнида тўхтамай гўё бошқа бегона кишиларни учратгандай, уларнинг олдидан ўтиб бораётиб бир тикилиб қўйди-да, дарвозага суйканиб ётган сигирга етиб бориб, уни қамчи билан қулочкашлаб жон-жаҳдила бир солди-да, индамасдан уйга ҳайдади.

– Ота, ҳачув! Ота, ҳачув! Ота! – Отга миндиргин дегандай отасига чулдирадди кичкинагина Тўқон.

– Қоратой, ўғлингни миндир! – деди Хонимгул. Қоратой отининг жиловини бир оз тортиб, қайрилиб туриб бир кулимсирайин деди-ю, лекин кулмади. Лабларида табассум бир кўринди-ю, яна йўқолди. «Эй, қочиб турсанг-чи,» – дегандай Қоратой ўғлига қараб қўлини силтади.

Ҳеч нимага тушунолмаётган қолган Хонимгул боласини кўкрагига босганича, ўрнида серрайиб туриб қолди.

Бошқа кунлари Қоратой сув бошидан келганида отдан тушмай туриб доимо «Қани, хоним, ўғилчани бер!» деб, от устида қулочини ёзиб энгашарди. Ўшанда унинг маъюс кўзларига кутилмаганда севинч учкунлари, хўмрайган юзига илиқлик югурарди. Қоратой Тўқонни олдига миндириб олиб, ўзича аллақайси оҳангда

хиргойи қилиб, кечки салқинда кўча бўйлаб ўғлини нари-бери сайр қилдирарди. Тўқон бўлса чилвирнинг бир учини ушлаб кичкинтой оёқчалари билан тепиниб, қувончидан лабларини чўччайтириб: «Кўрдиларингми, отни ўзим ҳайдаб юрибман!» дегандай талтайиб қўярди. Шунда буларни кўрган кишилар:

– Вой-бўй! Бизнинг Тўқон ажабтовур йигит бўлиб қолибди-ку! – дейишиб, чиндан ҳам суюнишарди. – Кўрмайсанми? Отни ўзи миниб юрибди! Боракалло! Азамат, азамат-да ўзи!

Мана шу айтилган оддий сўзлар Хонимгул учун оналик меҳрининг энг юксак чўққисига олиб чиққандай бўларди.

Хонимгулнинг энг яхши кўргани – кечки пайт. Қоратой отини сойга тушовлаб келиб, кўнглини жойига қўйгач, оз-моз кўбиз ҳам чертиб қўярди. Ўчоқнинг бошида ёстиққа ёнбошлаб, қўли билан кўбизнинг торини чертиб, уйқусирагандай шишинқираган қовоғининг остидан, ёнида чордана қуриб хурсанд бўлиб ўтирган Тўқонни эркалатиб, кулимсираб қарарди.

Ерда хамир юғириб ўтирган Хонимгулнинг лорсиллаган юзлари оловнинг тафтидан лоладай қизариб кетган эди. Қоратой, албатта моҳир кўбизчилардан эмас, унинг чертганини ҳар бир қирғиз эплаб чертади, бироқ у чертиб ўтирган эски куй Хонумгул учун обдан ёқимли, бу куйни у туну кун мижжа қоқмай эшитишга тайёр. Унинг орзулари рўёбга чиққан: қаршисида боласи, бир ёстиққа бош қўйган умрдош ёри ўтирибди. Уларга Хонимгул ўз қўли билан овқат пиширяпти. Қоратой чертаётган куй Хонимгулга қанот бериб, у ҳозир осмонда айланиб учиб юргандай. Бундай пайтларда Хонимгул: «шундай иттифоқ, ризқи-рўзли оила пешанамга битганидан розиман», деб ўйларди.

Хонимгулнинг шундай ўйлашида жон бор. Гоҳо тенгқур келинлар яширмай-нетмай: «Сен жуда бахтлисан,

Хонимгул! Куёвинг рўзғорга жонкуяр, чорва кишиси. Колхознинг мироби. Сен дала ишида бўлсин, уй ишида бўлсин, ҳеч кимдан ортида қолмайсан. Турмушларинг тинч, ўғилчанг бор, қайнананг билан аҳилсан, армонсиз ўтасан», – деб айтишарди. Бундай пайтларда Хонимгул барча қувончини ичига ютиб, индамасдан кулиб қўярди-да, қўлидаги кетмонини яна ҳам илдамроқ силтарди. «Бироқ сизлар энг негизини билмайсизлар!» дегандай Хонимгул ўзича кулимсирарди. «Мен учун севиш ҳаммасидан қиммат. Мен Қоратойни севаман. Қоратой мени севади. Икковимиз боламизни севамиз... Севмаган одамларнинг боши бирикадими?» Бироқ кутилмаганда, қандайдир сабаблар билан улар ўртасида ширин турмушнинг бузилишини Хонимгул хаёлига ҳам келтирмас эди. Қоратойнинг бугунги авзойи Хонимгулни ўйлантириб, ташвишга солиб қўйди. «Бу нимаси, у нега бундай қиляпти?» дегандай Тўқоннинг юзига аянчли ҳолатда термиларди. Бола бўлса она қалбини тушунгандай йиғлай бошлади, у афтидан отга миндирмадинг, деб отасидан кўнгли ўксиганга ўхшайди.

– Қўй, Тўқон! Йиғлама, қўй! – деди Хонимгул. У болани овутишга қанчалик уринмасин, ўзи ҳам аллаларгани эслаб хаёлга чўмди. Бироқ ўй-хаёлларининг учини тополмади. Болани юпатишга бошқа муносиб сўз тополмай, Хонимгул уни янада қаттиқроқ қучоқлаб бағрига босди.

Олд томондан урган кучли шамолга кўксини қалқон қилиб тургандай Хонимгул Тўқонни букчайганича қучоқлаб тураверди. Аёл тез-тез нафас олаётганидан бўйин томирлари сиртига бўртиб чиққан. Хонимгулнинг ўзи учун ҳам, боласи учун ҳам ўксиган юраги айбисиз изза бўлганига чидамай ўртаниб ёниб, аллақандай кўрқинчли ҳодиса юз беришини олдиндан сезаётгандай гуп-гуп урарди.

Хонимгул уйга кириб келганда, Қоратой ўша чанг босган плашини ечмасдан, бурчакдаги стол ёнида тик турганича, катта косани қўшқўллаб ушлаб айрон ичаётган экан. У худди узок чопиб, ютақиб қолган от сингари айронни жон-жаҳди билан қултуллашиб ичарди. Хонимгул унга индамай қараб тураверди. Ҳар бир қултумни ютганда унинг юнгли бўйнидан кекирдаги гоҳ пастга тушиб, гоҳ юқорига кўтарилиб турарди.

Хонимгул эрининг феъл-атвори нимага бундай ўзгариб келганини тушуниб етмади. Қоратой ҳамма вақт камгап эди, албатта. Бироқ Хонимгул эрини ҳали ҳеч қачон бугунгидек бегоналашиб, ғазабга тўлганлигини кўрмаган эди.

Қоратой, ниҳоят, косани токчага қўйди, ёрилиб, дағаллашиб кетган катта кафти билан лабларини артганча, хотинига кўз қири билан назар ташлади ва орқасига бурилиб, индамасдан каравот томон одимлаб кетди.

– Болани бу ёққа олиб кел! – деди у плашини девордаги михга илар экан бўғиқ овоз билан.

«Нимага керак у сенга? Садқайи бола кет! Худо ёрлақаб соғиниб қолибсан! Шохини синдирганинг ҳам етар!» Хонимгул куёвига шундай деб айтмоқчи бўлди. Бироқ бунга журъат этмади. Шу маҳал Қоратой кигизга ўтираркан, бир ери қаттиқ оғриётгандай тишини-тишига қўйиб инграрди. Афтидан қандайдир ачинаётгандай кўриниб, бош-юзлари буришиб қариб қолгани, айниқса бугун кўзга алоҳида ташланиб турарди. Шунда буни пайқаган Хонимгул қалбидаги ғазаб алангалари бирдан тарқалиб кетди.

– Тўқон катта онасиникида, – деди Хонимгул эшикка чиқиб бораётиб, – сенга нима бўлди, Қоратой? Нега мунча қовоғинг солиқ?

– Ҳеч нима... Овқатингни қил...

Хонимгул бир челак сув олиб уйга қайтиб келганда куёви ҳали ҳам боягидай мустар бўлиб, қуйи солинган бошини кафтига қўйганича кигизнинг устида ёнбошлаб ётарди. У шу бўйича қўзғалмай ёта берди, бироқ Хонимгул яқинлаб келганда уни атайлаб жавратмайин дедими ёки боядан бери ўйланиб ётиб бнр фикрга келган бўлса шуни айтишга ўзини чоғладими, ҳарқалай, Қоратой ўрнидан сакраб турди-да:

– Резинка этик қаерда, олиб кел! – деб хотинининг рўйхуш бермаётганини англаб, шартта буйруқ қилди. Пайтавасини шоша-пиша ўраб, резинка этигини кийиб олган Қоратой эшикка шошилиб югуриб чиқди, Қантариғлик турган отнинг пуштанини бирон нимадан ўч олаётгандай жон-жаҳди билан тортган эди, от ўрнидан қўзғалиб кетди.

– Так! – деди Қоратой овозининг борича зарда билан бақириб, – ҳаром ўлгур!

Сўнг у хотинига қайрилиб, хўмрайиб ёвузларча тикилиб қаради.

– Сенинг Собирбегинг! – деди у ранг-кути ўчиб, қалтираб, – ё мени де, ё уни де!..

Буни уқуб боядан бери кўнгли хиралашиб, аллақандай ёмон нарсани сезиб ҳадиксираб юрган Хонимгулнинг қалби яна Собирбек, деганида қинидан чиқиб кетгудай бўлди. У Қоратойга қараб отилди ва от узангисига ёпишиб олиб ялиниб-ёлворди:

– Тўхта, Қоратой! Тўхта, бу нима деганинг? Нима учун бундай деяпсан?.. Қайси Собирбек?..

Бироқ Қоратой хотинини шу сўзларига қулоқ солмай, унинг қўлини силтаб ташлаб, отига устма-уст қамчи босиб, чанг-тўзонни кўтариб чопиб кетди.

Хонимгул «Қоратой! Қоратой!» – деб бақирганича қолаверди. Тоғдан эсаётган кечки шамол ғазабга тўлган Хонимгулнинг этак-енгларини ҳилпиратиб: «Сен бу ерда нима қилиб турибсан, қитиқлайинми-а?» деган-

дай юлқилаб ўйнаётган эди. Хонимгул уйга қайтаркан, елкалари совуқдан учиб титрарди.

Тоғдан қоронғилик босиб кела бошлади. Аллақаердан, олис-олислардан бойўғлининг қичқириви эшитилди. Эшитилди-ю дарҳол жимиб қолди. Самода юлдузлар фанари ёна бошлади. Коинот уйқуга кетди.

II

Ўша куни кундузи чақирилган колхоз мироблари ва далачилик бригадалари кенгашига Қоратой бир оз кечикиб келди. Район ижроия кўмитаси раисининг катта кабинети кенгаш қатнашчилари билан лиқ тўлган эди. Қайси бирлари деразаларнинг остида, бошқалари эшикнинг бўсағасида деворга суянганича ўтиришарди.

Қоратой йўлакка кириб, эшиги икки ёққа очиб қўйилган кабинет томон бўйин чўзиб ўтиришган кишилар тўпига келиб қўшилди.

Кенгашда чиқиб сўзлаганларнинг бариси биргина масалани муҳокама қилишарди. Районда суғориш иши ёмон аҳволда, экин-тикин вақтида суғорилмай қуриб, куйиб кетяпти. МТСнинг бош агрономи «Бештош» колхозини ҳақида узоқ гапирди. Унда Қоратой мироблик қиларди. Илғор колхозларда бедалар икки бор ўрилиб ғарамланаётган бўлса, «Бештош» колхозинида бир марта ўрилгандан сўнг бошқа суғорилмай, беда сувсизликдан шу бўйича ўсмай қолган. Иш шу аҳволда бўлар экан, бештошликлар бу йил ҳам ўтган йиллардагидек бедани икки марта ўриб олишига кўзи етмайди. Жўхори бўлса эндигина бир марта суғорилибди, қай бир ерларига бутунлай сув чиқмай, тап-тақирлигича ётибди, бошқа колхозларда бўтакўз экинлари тўрт-беш бор суғорилган бўлса, «Бештош»да атиги икки марта суғорилган, холос.

Колхоз шаънига айтилган агрономнинг бу хилдаги сўзларини Қоратой бепарволик билан одатдаги сўз-

ларда, дегандай тинглаб ўтирди. Бу етишмовчиликлар ҳақида унинг ҳам ўзгача айтар сўзи бор. Бу нарсалар унга илгаридан беш қўлдай маълум эди. Чунки Қоратой ўзининг жонажон иши – миробчилик ҳақида эртаю кеч бош қотирар эди. У кўпдан бери бундай саволларга жавоб бериш учун ўйлаб, тайёрланиб юрарди. У ўз фикрларининг тўғрилигига қаттиқ ишонар эди ҳам. Миробнинг ўзига хос тегишли ишлари бор: колхозга берилган сувни белгиланган норма бўйича ариқларга бўлиб тарқатиш керак. Қолган бошқа ишлар эса раисга тегишли, бригадирга тегишли. Ишни ўшалар бошқаради-ку! Дарвоқе, сув иши колхозда ғоят ёмон аҳволда, бироқ бунга ким айбдор? Қоратойми? Йўқ, колхозда сув етишмаса Қоратойнинг қўлидан нима ҳам кела олади? Йўқни йўндирадими? Айрим вақтлари сув етарли бўлгани билан суғоришга одам етишмай қолади, ҳаммасига колхоз раиси айбли, у жавоб бераверсин...

Қоратой бу гал ҳам кенгашда айтиладиган гапларни кўнглига олмай одатдагидек қош-қовоқ қилиб ўтирмасдан, келган бўйдан овулга қайтиб кетавериши мумкин эди. Бироқ кенгаш охирида кимдир биров бурчакдан туриб гапириб қолди: «Ундай деган билан ҳам, бундай деган билан ҳам, бари бир сув нормаси кўпайтирилиб, ҳар биримизга уч-тўрт қулоқдан сув қўшиб бермагунча иш битмайди». Қоратой ўзини бирдан енгил ҳис қилди – унинг айна муддаосидаги гап айтилган эди. Ўзи ҳам доимо сув деб қақшаб юрарди. Иш кўнгилдагидек бўлиш учун колхозга бўлиб берилган сув яна кам деганда ярим баравар кўпайтирилиши зарур эди. Кўпчилик мироблар бу таклифни қувватлаб шовқин-сурон қилишди: «Тўғри! Тўғри айтади, ҳамма гап шунда-да!»

Овозлар бир оз босилгач, Собирбекка сўз берилди.

Собирбек Қоратойларга қўшни колхознинг мироби. У порусина⁷ кўйлагининг этагини орқа томонига тор-

⁷ Порусина – канопдан тўкилган мато.

тиб қўйди-да, стол ёнига енгилгина одимлаб келди. Сўнг ўтирганларнинг кўнглидагини билмоқчи бўлгандай, уларнинг ҳар бирига кўз югуртириб чиқди. Ҳа-деганда Собирбекнинг ўзига хос белгиларини англаб олиш қийин эди. Унинг ёши ўттизлардан ошган, кенг яғринли, қўй кўзли, сариқдан келган киши эди. Унинг бақувват гавдаси кўринишдан ёшлик чоғидан меҳнатга чиниққан кишиларни эслатарди. Собирбекнинг ёқимли кулимсираб турган ялпоқ юзлари, кишиларни мафтун қиладиган ишончли кўз қарашлари, вазминлиги, бировга ёмонликни раво кўрмайдиган ювош кишини эслатарди. Бироқ иш ҳақида, сув хусусида сўзлаганда, унинг ҳалиги мўминқобиллиги бир зумда йўқ бўлади-қолади. Собирбекнинг бу табиатини Қоратой бошқалардан кўра яхшироқ биларди...

Яқин кишилар орасидаги ўзаро алоқа ва муносабатлар ҳам вақти келиб жуда мураккаблашиб кетиши мумкин. Мана ҳозир Собирбек сўзлай бошлаганда, Қоратой унинг сўзларини менга ҳеч қандай қизиғи, тегишли жойи йўқ, дегандай, ўзига юқтирмай, шунчаки тинглаб ўтирди. Улар гўё илгаридан келишиб қўйган кишилардек, бир-бирини ҳеч вақт ёмонлаб ҳам, яхшилаб ҳам гапирмас эдилар. Сен менга тегмасанг, мен сенга тегмайман, сен менинг ишимга аралашмасанг, мен сенинг ишингга аралашмайман, деб келишиб қўйгандай, ўзаро ёқтиришмасалар ҳам бири иккинчисига гап тегизишдан эҳтиёт бўлиб юришарди. Олдин дўстлашиб юрган кишиларнинг ораси бузилиб, йўллари икки томонга айрилиб кетган пайтларда шундай ҳодиса юз беради: яхши, ёмонни яширишиб бир-биридан узоқлашаверишади. Уларнинг дўстлиги одам қатнамай қўйган ёлғизоёқ йўлни ўт босиб кетгани каби бора-бора, ўз-ўзидан нутилиб, қалбдаги ўкинчларни бир-бирига айтишмай юрган

дўстлар орасидаги зиддиятлар кучайиб, кек сақлай-диган бўлиб қоладилар. Улар очикдан-очик қасдлашиб қолмаса ҳам, ҳар бири ўз дардини ичига тугиб, пайтини пойлаб юради.

Мабодо, улардан бири қўл кўтариб қолгудай бўлса, иккинчиси от қўйиб курашга киришга тайёр туради. Ана шунда улар бир-бирига душман эканини яшириб ўтирмасдан, юзма-юз келади. Ҳозирча кўнглида бирор ғарази бўлмаган Қоратой Собирбекнинг сўзларини совуққонлик билан тинглаб ўтирарди.

Собирбек у-бу деб эзмалик қилиб ўтирмасдан, гапнинг бўларини айтаётган эди:

– Бу ерда баъзи бирларимиз сувни тақсимлаш масаласи қайта кўриб чиқилсин, текширилсин, деган фикрни айтяпмиз, – деди у бамайлихотир сўзлаб. – Бу бир томондан тўғри, албатта. Чунки ҳар бир ишни қайта-қайта кўздан кечириб, текшириб туриш – фойдадан холи эмас. Бизнинг сувчиларимиз – гидротехниклар ҳам буни аллақачон инobatга олиб қўйишган бўлса керак. Бу ҳақда уларнинг ўзлари гапиришар. Биз, мироблар эса бу ерда бундан бошқа ишлар тўғрисида кенгашиб олишимиз керак. Акс ҳолда қизининг сири онасига маълум, деганларидай, бизнинг билганимиз битта. У ҳам бўлса: «Сув етмаяпти, чанқадик, кўпроқ сув бер!» деб айюҳаннос солганимиз-солган. Агар сувни кўпайтириб берганлари тақдирда ҳам яна сув етмайди деб чопганимиз чопган. Сувнинг кўпи яхши. Сув қанча мўл бўлса, нон ҳам шунча сероб бўлади, бу ҳаммага маълум. Лекин баъзи бировларимиз Чуй ариғининг ҳаммасини даласига буриб юборсанг ҳам кўзи тўймай, ўшанда ҳам сув етмайди деб зорланади. Йўқ, ўртоқлар, бу кулги эмас. Бу муаммо ҳар биримизни қаттиқ ўйлантирмоқда. Ахир унга худонинг шунчаки оқиб ётган суви деб енгил-елпи қараш мумкин эмас-да. Сув деб қанчалик ташвиш тортяпмиз, меҳнат

қиялпмиз... Шундай экан, бу ҳақда бафуржа ўтириб гапиришиб олайлик... Мана масалан, кўкламда далани кезган вақтингда, бир текисда униб чиққан экинларни кўриб қалбинг қувончга тўлади, кузга келиб хирмон кўтарилганда ҳосилни кўриб ҳафсаланг пир бўлади. Мана ҳозир ҳам экинлар сув юзини кўрмай қувраб кетяпти... Нега шундай бўляпти? Сув етишмаслигиданми? Йўқ, бундай эмас. Менингча, ҳар бир колхозда етарли сув бор, ҳатто сувга серобмиз ҳам дея олишимиз мумкин. Хўш, шундай экан, асосий гап нимада?

Собирбек йўлакда ўтирган бир гала одамлар томон ғоздай бўйин чўзиб қараркан, бирдан Қоратойга кўзи тушиши билан тақир қирилган бошини қашиб, хаёлига бирор нарса келгандай бир оз жим қолиб, гапни улаб кетди:

– Ҳар ким кўрган-билганини гапиради. Қоратой билан иккимизнинг овулимиз ёнма-ён. Ичадиган сувимиз ҳам бир. Катта ариқнинг нариги соҳили уларники, бериги соҳили бизники... Бу томондан Қоратойни дўст деб биламан. Мен уни ёмонламоқчи эмасман, лекин мен бугун ҳақ гапни айтолмасдан ҳам туролмаيمان. Сен ҳам миробсан, мен ҳам миробман. Ўзингга маълум, «дўст ачитиб гапирар, душман кулдириб», деган мақол бор.

Собирбекнинг бу сўзларини тинглаб ўтириб Қоратой ўз қулоғига баъзан ишонгиси келмасди. Бу гапларнинг ҳаммаси унга тўғридай бўлиб туюларди. Бироқ тўғри сўз тошни ёрар деганларидай...

Собирбекнинг сўзлари аста-секин Қоратойга оғир бота бошлади. Собирбек ҳақ гапларни айтаётган бўлса ҳам, Қоратой уни аксига тушуниб, ғазабланаётган эди. Қоратой алданадиган анойи эмас, Собирбек нима учун бошқаларни мисолга келтирмай, унинг иши ҳақида гапираётганини яхши пайқарди. Собирбек ундан ўч олмоқчи. У шу кенгашда халқнинг кўз олдида атайлаб унинг обрўйини тўкиб, шарманда қилмоқчи. Бўлмаса,

«Бештош» колхози экинларни суғоришда энг орқада қолган, деб бунчалик жаврамасди.

Ҳақиқатан ҳам, Собирбек бугун ечиниб олиб, курашга тушган кишидай дўстларини ҳам, бошқаларни ҳам юз-хотир қилмай, қаттиқ танқид қилаётган эди:

– Қачон бўлса сув оз, сув етишмайди, деб баҳона қилиб юради. Бу одатингни ташла, Қоратой. Акс ҳолда иш ҳам юришмайди, экин ҳам ўсмайди. Сенинг ихтиёрингга уч юз литр сув бериб қўйилибди. Ўз деҳқон тилимиз билан айтганда, бу олти қулоқ сув! Ҳой, бу ҳазилакам сув эмас. Мен ҳам уч юз литр сув оламан. Бизнинг экин майдонимиз ҳам деярли бирдай. Шу сувнинг ўзидан ҳам тежаб-тергаб фойдалансак, худо ҳаққи, етиш у ёқда турсин, ҳатто ошиб кетиши ҳам мумкин. Лекин сен ўша ўзингга берилган сувнинг ҳаммасидан тўла фойдаланаётибсанми? Ҳамма гап ана шунда! Мен, ҳозир сенга тўппа-тўғрисини айтиб бера қолай, – деб Собирбек чўнтагидан ён дафтарчасини олди. Ўтирганлар кўзғалиб шивир-шивир қила бошлашди: «Собирбекнинг гаплари тўғри! Ҳамма бало ўзимизда! Сув исроф бўлиб кетяпти». Собирбек ён дафтарчасини варақлаб, бир жойини очди-да, гапира бошлади:

– Агар шу вақт ичида суғорилган ер майдонлари ҳисоблаб чиқилса, ҳалиги уч юз литр сувдан фақат бир юз етмиш литригина фойдаланилгани маълум бўлади. Шундай экан, қолган юз ўттиз литр сув қаерга кетган. Бу сувларнинг бекорга оқиб ётгани ўзингга ҳам аён, Қоратой. Уларнинг бир томчиси ҳам экинларга сарфланмаган. Ҳўш, нима учун булар ҳақида гапирмагансизлар. Бу миробнинг иши эмасми? Ҳосил оламиз дер эканмиз, ҳар куни уч маҳал овқат қилишни канда қилмаганимиздек, экинларнинг ҳам бир кун эмас, бир соат ҳам кечиктирмасдан қондириб суғориб туришимиз керак. Бунинг учун эса мироб эртаю кеч далада, сувнинг бошида туриб

жон куйдириб ишлаши керак. Қоратой, сен тунги суғоришда бўласанми? Йўқ, албатта. Одам бўлиб ҳали бирор марта сени кечаси сув бошида кўрганим йўқ! Ариқ-ариқларга тақсимлаб берилган сув қаерга оқяпти, униким бошқаряпти, аминманки, қанчаси бекорга исроф бўляпти. Сен шуларни текшириб кўрдингми? Ўз сувчиларинг айтсин, йўқ албатта, сен буни қилаётганинг йўқ. Қачон қарамай тўғон бошида, рейкадан кўзингни узмай ўтирганинг ўтирган. Агар, сув режадан салгина пасайдими, дарҳол гидротехникларга: менга сув етмаяпти, сув беринглар, деб чопиб қоласан. Аммо шу пайт пастда қанча сув фойдаланилмай, исроф бўлиб оқиб ётгани билан ишинг йўқ. Қандай бўлмасин, бировнинг ҳисобидан бўлса ҳам, кўпроқ сув олиш пайида бўласан, ўзим бўлай дейсан. Бошқалар сувсиз қолса ҳам сенга бари бир. Олма пиш, оғзимга туш, деб доимо рейканинг тагида ўтирасан... Асов отни ўргатиб минган каби сувнинг ҳам тизгин-чилвирини қаттиқ қўлга олмасанг тўғри келган томонга уриб кетади... Буни унутма Қоратой, сенинг ўрнинг рейканинг тагида ўтириш эмас, балки далада, сувнинг бошида, сувчиларнинг орасида...

Собирбек борган сари қизишиб сўзлай бошлади. Унинг сўзлари Қоратойгагина эмас, ўтирганларнинг ҳаммасига қаттиқ ботаётгандай эди. Мироблар бошларини эгиб, жиддий қиёфада жимгина ўтиришарди.

Собирбек «Бештош» колхозида ишламаса ҳам, у колхозни миридан-сиригача ўрганиб чиққандай гапирарди. «Бештош» колхозида суғориш ишларига эртароқ тайёргарлик кўрмайдилар. Фақат сув босиб келгандан кейингина ташвишга тушиб қоладилар. Тажрибали деҳқонлар бундай қилмайди, улар эрта кўкламдан бошлаб тараддудга киришади. Суғориш карталарини ишлаб чиқишади... Ерга қўш тушиши билан пешма-пешянги ариқлар олиниб, тўғонлар тузатиб қўйилади, эски ариқлар қазиб тахт қилинади, тажрибали сувчилар тан-

ланиб, уларнинг ҳар бири маълум карталарга бириктиб қўйилади. Бироқ «Бештош» колхозида бундай ишлар қилинмайди. Қоратой бўлса, бундай ишлар билан етарли шуғулланмайди, ҳаракат ҳам қилмайди.

Қоратой, сенларга ажратилган сув экинларга етиб бормасданоқ, эски ариқларда йўл-йўлакай қуриб, йўқолиб кетмоқда. Шу зайлда экинлар сув ичмасдан қолиб кетяпти, колхознинг олаётган ҳосили ҳам камайиб кетяпти. Бу билан иш битмайди. Ҳаммамизга маълум, ҳар бир литр сув учун колхоз пул тўлайди. Сенларда бўлса, суз йўлда-чўлда исроф бўлиб кетгани учун биргина ўтган йилнинг ўзида колхоз эллик минг сўмдан ортиқ зиён кўрди. Бутун район бўйича эса фойдаланилмай исроф бўлиб кетган сув учун неча минглаб сўм зарар кўрдик. Агарда бунинг устига, сифатсиз суғориш натижасида ҳосилнинг камайиб кетганини қўшиб ҳисоблайдиган бўлсак, келтирилган зарар миқдори ўн баравар, юз баравар ошиб кетиши мумкин. Эй, оғайнилар, бунинг учун ким жавоб беради? Ўзларинг айтинглари-чи, ким жавоб бериши керак? Менимча, аввало бунга биз, мана мен, мана сен, Қоратой, мироблар жавоб беришимиз керак. Ўзларинг бир ўйлаб кўринглари-чи, мабодо, чўпон бир улоқ йўқотса, у улоқни тўлайди. Шунга жавоб беради. Агарда бизнинг мироблар вақти билан юзлаб кубометр сувни исроф қилиб юборсалар ҳам жавобгарликка тортилмайди. Ахир, ўртоқлар, бунга чидаб бўладими? Сув – бу миробнинг боқиб юрган моли. Яхши мироб ундан доимо кўз-қулоқ бўлиб туради, ҳар бир томчисини ҳам тежаб-тергаб сарфлайди. Мана шундай ҳаммамиз тўпланишиб ўтирганда айтадиган таклифим шуки, меҳнат куни мироблик вазифаси учун ёзилмасдан, балки иш жараёнида фойдаланган сувнинг ҳисобидан ёзилиши керак, сиз қўшни районнинг вакилларида менинг бу таклифимни ҳамма ерда қувватлашларингни сўрайман... От устида юриб мироблик қилган бошқа-ю,

сув кечиб, жонини жабборга бериб ишлаган мироблик бошқа...

Қоратой бу сўзларни эшитиб безовталаниб ўтирарди. Бу ҳам майли-я, айниқса Собирбекнинг «сен», «сен» деб кўлини найза қилиб, кўрсатиб гапирган гаплари унинг суяк-суягидан ўтиб кетди.

– Ер трактор билан ҳайдалди. Колхозчиларингиз буғдойни экиб, униб чиқишига ҳам эришди. Суғориш маҳалига келганда, ҳаммаси бекорга кетди. Шуни билгинки, Қоратой, сен одамларнинг меҳнатини зое кетказдинг. Учтепа ҳудудидаги маккажўхорилар ханузга қадар бирор марта ҳам суғорилмади. Яхши униб чиққан экиннинг нобуд бўлишига нега йўл қўйдинг? Биламан, сен ҳозир, бу тепаликка сув чиқмайди деб айтасан. Бироқ, у томонга кун ботар бетдан ариқ олиб ўтиш мумкину, сен бўлсанг бу ҳақда эртароқ ҳаракат қилмадинг, бош ҳам қотирмадинг.

Қоратой ўтирганларнинг ҳаммаси ўзига тикилиб қараётганини сезиб турарди. Қоратой шу пайт ер ёрилса-ю, ерга кириб, кўздан ғойиб бўлгиси келди.

У қайноқ сувга пишиб олингандай бети-боши тарам-тарам қизариб кетган эди. Кенгаш тамом бўлиши билан у ижроқўмнинг эшигидан биринчи бўлиб югуриб чиқди-да, шу бўйича отига ирғиб миниб, тўппа-тўғри далага қараб чошиб кетди. Бироқ у от устида кетаётганда ҳам Собирбекнинг сўзлари кулоқ остида жаранглаб эшитиларди. Гўё Собирбек унинг орқасидан қувиб келаётгандай эди. Қоратой Учтепа томон чошиб бораркан, у ҳамон кенгашда айтилган гапларни бир-бир эслаб турли хил ўй-хаёлларга чўмарди. Аммо қанча ўйламасин Собирбекнинг айтган гапларини маъқул кўрмасди. Ўзини оқламоқ учун қандай бўлмасин, турли хил далиллар излаб топишга ҳаракат қиларди. Лекин шундай бўлса-да, топган жавоблари тинчитиб, ҳовуридан туширмаётган эди. Қоратойни изтиробга солаётган

нарса: кенгашда гангиб қолиб, Собирбекка ҳеч бўлмаса бир оғиз ҳам жавоб қайтаролмаганида эди. Мана энди Собирбек уни бурнига сиртмоқ солинган туя каби ўз измига солиб олди. Эҳ, каллаварам, Собирбекнинг бундай айёрлигини сал илгарироқ билса қани эди! Зарба бериб, шохини синдириб, иккинчи марта оғиз очмайдиган қилиб қўярдику-я!

Бироқ нима ҳам дея оларди? Сен, Собирбек, бошқаларнинг ишига аралашмасдан, ўзингни билавер деб энди айтиб бўлармиди? Энди ҳеч ким у ҳақда шикоят қилолмайди. Собирбекни бутун район билади, у моҳир сувчи, энг яхши мироб. Собирбекнинг колхозида беда ҳар йили тўрт мартадан ўриб олинади. Унинг колхозида силосга мўлжаллаб экилган жўхорининг ҳар бир гектаридан олти юз центнердан ҳосил олинади, колхозчиларга ҳар бир меҳнат куни учун район бўйича ҳаммадан кўп пул, ғалла, гўшт, мой берилади. Виложат газетаси Собирбек ҳақида мақолалар босиб, ундан ўртак олишга чақирди. Билими жиҳатидан ҳам Собирбек ҳаммасидан устун. Кўпчилик колхозларда жўхорини ер етилгандан сўнг ёппасига суғоришади дейишади. Маълум бўлишича, бу эски усул яхши натижа бермабди. Унинг фикрича жўхорини жўяк-жўяк қилиб захлатиб суғориш маъқул экан. Шунда ҳосил икки барабар ортар эмиш. Унинг айтишича, агар каноп ҳозирги кунда қониб сув ичса, суткасига 12–14 сантиметргача ўсиши мумкин эмиш. Тавба, ҳар бир ўсимликни ўлчаб юргандай гапиради. Қишда суғориш масаласини кўтарган ҳам Собирбек эмасмиди? Ерни қишда ҳам суғориш керак экан, шунда ер намликни яхши сақлар эмиш. Буни эшитиб турган ёнидаги бир чол: «Оббо шайтон-эй», – деб ёқасини ушлаб Собирбекка тан бераётганини Қоратой ҳам кўриб турган эди. Тўғри, Собирбекнинг илми зўр, ўзи ҳам ишнинг кўзини билади, узоқни кўради!

Қоратой-чи? У нималарни билади? Қоратой ҳам мироблик касбини Собирбекдан кам билмайди, албатта. Улар иккаласи ҳам миробчилик курсида бирга ўқишган. Аммо Собирбекнинг бахти бор экан. Илғор колхозга келди-ю ишлаб, тезда ном чиқарди. Хўш, у «Бештош» колхозида ишлаб кўрсин-чи! Унинг кимлиги шунда маълум бўлади! Даставвал Қоратой ҳам ишга зўр ихлос билан киришган эди. Унинг ҳам ҳалол меҳнат билан халқ ўртасида шуҳрат қозонсам деган орзу-умидлари бор эди. Аммо, иш бошиданоқ чаппасига кетиб, ўзини ўнглаб ололмади. Раислар бири келиб, бири кетиб тез-тез алмашилиб турди. Ана шундай шароитда янги таклифларни амалга ошириб, ҳавас билан ишлаб бўлармиди... Ойлар, йиллар ўтди. Қоратой ҳам бора-бора ишнинг боришига қараб кўникиб қолди...

Тақдир атайлаб қилгандай, кўп вақтлар Қоратой билан Собирбекнинг турмуш йўлини бир йўлдан бошлаб борди. Уларнинг қишлоқлари ҳам ёндош эди, ёшлигидан бир-бири билан таниш эдилар, кейинчалик ўспиринлик кезларида махсус мактабда бирга ўқишди. Уруш пайтида ҳам улар бир батальонда хизмат қилдилар.

Белоруссияда бир походда кетаётиб, жилдираб оқаётган кичик сувнинг бўйида дам олиб ўтиришганлари ҳали ҳам эсида сақланиб қолган эди. Секин оқаётган кичкинагина ариқчанинг ёқасида соя ташлаб турган буталар, сув ичида ўсган қалин қамишлар, мусаффо осмон, сукут сақлаб турган тушки пайт, хуллас, атрофдаги жамики нарсалар нафасини ичига сақлаб, ўша сокин оқаётган сув тинчлигини бузмаётгандай бўлиб туюларди. Шу пайт отишмаларнинг овози ҳам эшитилмай, бир лаҳзага уруш даҳшатлари унутулиб, тинчлик ҳукм сурарди. Бундай сукунат оғушига чўмган аскарларнинг ҳар бири ўзича турли хил ширин хаёлларга бериларди. Собирбек этигини ечиб қайта кияётган эди, кўзи сувга тушиб тикилиб қолди:

– Эҳ оғайни, бизнинг кадрдон тоғ сувларимиз қандай ажойиб-а. Уларни жуда ҳам соғиндим-да, Қоратой! – деди у. – Ҳар бир ариқнинг суви ўзича бир туганмас бойлик эканини энди пайқаб ўтирибман. Окопда ётганимда баъзан сувнинг шилдираб оқаётгани эшитилиб тургандай бўлади... Омон-эсон уйга қайтиб борсак, албатта сувчи бўламиз... Ўшанда сен ҳам мен билан бирга кўшилиб далага суғоришга чиқасан. Ахир, деҳқоннинг хузур-ҳаловати ўшанда эмасми? Сенинг Хонимгулингни ҳам бирга эргаштириб оламиз... Далага сувни бошқариб борамиз-да, кейин мен сизларга ашула айтиб бераман. Суғоришда тилсиз киши ҳам куйламасдан туролмайди! Ёвни енгиб, омон-эсон қайтсак, тилагим шу!..

Ўшандан бери орадан қанча йиллар ўтиб кетди. Уларнинг иккаласи ҳам урушдан бир вақтда қайтиб келишди, иккови ҳам мироб бўлиб бирга ишлаб юришди. Қоратойнинг оғиртабиатлилиги ва тунд мижозига қарамасдан улар ўртасидаги дўстлик алоқалари аввалгидай давом этаверди. Бироқ, кунлардан бирида Собирбек ўз ўртоғи Қоратойнинг қаллиғи Хонимгулни севар эмиш, деган сўз чиқиб, овулда миш-миш гаплар тарқалди. Шу-шу Қоратойнинг дўстидан кўнгли совиб, Собирбекдан узоқлаша бошлади. Қоратой Хонимгулга уйлангандан кейин ҳам Собирбекка очиқ кўнгил билан кўл бергани йўқ. Қоратой бу ҳақда қанча ўйлаб кўрса ҳам, бир қарорга келолмай, сабр косаси тўлиб юрди. Бунинг сабаби ҳам бор эди, албатта, у сиртдан қараганда унчалик сездирмай юргани билан Хонимгулни жондан азиз кўрарди. Унинг ичи торлиги ҳам, рашк қилиши ҳам шунга яраша эди: Хонимгулга бирор киши кулиб қарадими, бўлди. Жонажон дўстими, туғишган кишисими – ким бўлишидан қатъи назар, заҳарини сочиб, ҳазилми, чинми, суриштириб ўтирмасдан, кўлга тушса шу заҳотиёқ жиққамуштлашишдан ҳам қайтмасди.

Илгаридан шубҳаланиб юрган ёвуз ниятли Қоратой Собирбекнинг ҳар бир босган қадамини кузатиб юриб, унга нафрат билан қарай бошлади. Буни сезган Собирбек ҳам у билан кўпдан бери гапиришмас эди. Қоратой Собирбекнинг бундай юришини кўриб ўзича: у Хонимгулни унутолмаяпти, Собирбек менинг бахтимга чанг соляпти, деб сал нарсадан гумонсираб юрди. Бора-бора Қоратой Собирбекнинг меҳнатда эришган ютуқларига ҳам ҳасад билан қарай бошлади. Сиртдан қараганда, у Собирбек эришган муваффақиятларни назар-писанд қилмай юрган бўлса ҳам, аслида уни кўрганда ичидал зил кетиб юрарди. Тўғри, Қоратой ҳам Собирбекдан орқада қолиб кетмаслик учун ҳаракат қилди. Бироқ унинг ишлари нима учундир илгари босмади. Булар Қоратойнинг қалбини баттарроқ тирнаб-ўртаб, эски қадрдонидан ўрناق олишга, ёрдам сўрашга, унга бошимни эгиб бораманми, деган ғурур йўл бермасди. Собирбек бўлса, ўчакишгандай номи халқ оғзидан тушмай мақталиб, борган сари обрў-эътибори ортиб бораётган эди. Сўнгги вақтларда Қоратой буни халқ тугул ўз хотинининг оғзидан ҳам эшитиб қолди. Кунлардан бирида Хонимгул Собирбекнинг сурати босилган газетадаги мақолани ўқиб ўтирган эди. Бунга кўзи тушиб қолган Қоратой ҳадеганда сир бой бермай, жимгина турди-да, сўнг сабри чидаёлмай:

– Ие, яна сенинг Собирбегинг ҳақида ёзишибдими? Қани, яна нималар деб мақташибди! – деб, рашки келиб, ичидан куйиб бораётганини сездирмасликка ҳаракат қилиб кулимсираб кўйди. Бундан бир оз олдинроқ Хонимгул дугоналари билан бирга Собирбекларнинг қишлоғида кўйилган кинога бориб келган эди. Айтишларича, у ерда Собирбек билан Хонимгул ёнма-ён ўтиришиб, кинони ҳам кўрмасдан, бир-бирлари билан гапиришиб ўтирган эмиш. Буни эшитган Қоратой хотини билан очиқчасига

гаплашиб олмоқчи бўлди, бироқ у нари-берини ўйлаб: – Бизнинг овулимизда шу кунгача клуб қурилмаганига ким айбдор? – деди-ю, яна шаштидан тушди.

Бошидан кечганларини шу тарзда ўйлаб борар экан, Қоратой Учтепадаги экинзорлар томон қандай етиб келганини билмай қолди. У энди жўхориларнинг қай аҳволда эканлигини ўз кўзи билан кўрди. Кўрганларига ишонгиси келмай, кўзларини уқалаб-уқалаб қўйди. Лекин бу билан манзара ўзгармади. Сарғиш тортиб куйиб ётган бўз тупроқ гугурт чақсанг лоп этиб ёниб кетгудай. Жўхорилар бўлса аллақачон қувраб, ўткир қуёш нурига тоб беролмай япроқларини найча сингари қат-қат ўраб олган эди. Она Ер, у экинга сут беради, ҳаёт бахш этади. Лекин, у ҳозир етим болалардек ўгай қолган. Унинг сути йўқ, эгасиз қолган жўхорилар аянчли аҳволга тушиб бари бир овоздан: «Бизга сув керак! Сув! Тезроқ бир томчи бўлса ҳам сув керак!» дея ялиниб-ёлвораётгандай эди. Ана шу пайтда Қоратойнинг юраги умрида биринчи марта, ҳақиқатан ҳам изтироб чекиб, зирқираб оғримоқда эди. Шунда унинг қулоқлари остида яна Собирбекнинг овози жаранглаб эшитилгандай бўлди. «Сен миробсан, сув қўлингда, ҳосил учун сен жавоб берасан. Билиб қўй, Қоратой, элнинг ризқини қийганинг, тер тўкиб қилинган меҳнатни зое кеткизганинг учун халқнинг уволи тутуди сени».

Шу маҳал кўнгилни беҳуд қилувчи гармсел бошланди. Иссиқ шамолнинг қуюқ тўлқинлари ер бетига олов пуркаб, қолган-қутган сўнгги намликни ҳам сўриб олаётгандай Қоратойнинг баданларини куйдириб ёндирарди.

– Гармсел! – дея бақирарди Қоратой жон-жаҳди билан, нафаси бўғзига текилиб. – Гармсел келди! – сўнг у отнинг ёлига муккасидан йиқилиб тушди-да, ўзича бўғиқ овоз билан пичирлай бошлади. – Бундан кўра,

менинг сувсиз қолганим яхши эмасмиди?! Бундан кўра, менинг чанқаб ўлганим маъқул эмасмиди?!

Бир оздан сўнг Қоратой бошини бир чулғаб олди-да, ўнқир-чўнқирларга қарамай, дала бўйлаб, чанг-тўзон кўтариб овул томон от қўйиб бораверди. У тизгинни бўш қўйиб чопиб борар экан, ҳозиргина кўчада подани тўсиб турган Хонимгул билан Тўқоннинг олдига етиб келди-да, отни таққа тўхтатди.

III

Туннинг биринчи ярми шу кунларда одатдагидан қоп-қоронғи эди. Ой қорайиб кўринган тизма тоғ чўққиларидан кечикиб чиқаётган эди. Суғориш учун тун энг яхши вақт. Собирбек суғоришнинг қандай бораётганини текшириб юрди. Ҳамма иш жойида. Сувчиларга кундуз куни топшириқ бериб қўйилган, уларнинг ҳар қайсисига алоҳида ер ҳам тақсимлаб берилган. Энди бўлса Собирбек бирор ерга сув чиқмай қолмадимикин деб, марзама-марза юриб суғорилган экинларни кўздан кечириб юрган эди, бир вақт:

– Собирбек, қаердасан, ҳо-о-о, Собирбек қаердасан! – деган овоз эшитилиб қолди.

– Мен бу ердаман!

– Сув йўқ! Сув қуриб қоляпти! – дея бақирарди ҳалиги сувчи. Собирбек у томон чопиб бораркан, нариги ёқдан яна қийқириқ овози эшитилди:

– Ҳой, мироб, сув йўқ! Сув қани?

Ҳақиқатан ҳам ариқдаги сувлар ўзидан-ўзи камайиб қуриб қолган эди. «Катта ариққа уриб кетдими, нима бўлди?» – деганча Собирбек катта ариқ томон чопиб кетди... Ариқ жойида, боя-боягидай. Аммо сув камайданидан камайиб, ариқ тубидаги тошлар қоронғида йилтираб кўриниб турарди. «Тавба, бу нимаси бўлди?» – деб Собирбек танг қолди-да, каналнинг бирор ери-

ни сув олиб кетганмикин деган хаёлга бориб, бирдан чўчиб кетди. Бўлмаса бу каналдан ёлғиз Собирбеклар эмас, «Бештош» колхозини ҳам сув ичарди, қолаверса, каналнинг уриб кетган ерини боғлаш осон иш эмас. Унга қанча куч, қанча вақт керак. Суғориш қизғин кетаётган ҳозирги пайтда сувсиз қолиш бу ҳосилдан маҳрум бўлиш деган гап. Нима бўлса ҳам тезроқ ҳаракат қилиш керак, деб Собирбек тун қоронғисига қарамай, отга яна қамчи босди.

Мана, у каналнинг бошига ҳам етиб келди. У ерда иккала колхоз учун сув бўлиб бериб турадиган катта шлюз ўрнатилган эди. Собирбек отини канал четидаги толга боғлади-да, ўзи каналнинг тепасига ирғиб чиқди ва шлюзнинг кўприги билан юриб бораётиб бирдан тўхтаб қолди. Собирбек катта ариқ бошидаги шлюзнинг беркирилганини кўриб ўз кўзига ишонмасди. Каналдан ариққа томон ҳеч бўлмаса жилдираб ҳам сув оқаётгани йўқ. Қоратойларнинг шлюзи бўлса, охиригача кўтарилган. Сувнинг ҳаммаси уларнинг ариғида шарқираб оқаётган эди.

«Бу нимаси, буни ким қилди?» – деб Собирбек ўзига-ўзи савол берарди-ю, унга жавоб топа олмасди. У умрида бунақа ҳодисага дуч келмаган эди. Сувнинг шовқин солиб, шарқираб оқаётганидан Собирбекнинг сўзларини эшитиб бўлмасди.

– Йўқ, бу ерда қаидайдир англашилмовчилик бор. Бундай бўлиши мумкин эмас. Буни дарҳол тузатиш керак!.. – деярдиган Собирбек ўзига ўзи пичирлаб.

У отининг ёнига бориб, ҳаммиша эгарининг қошига боғлаб юрадиган катта ключни ечиб олди-да, қайтиб келиб ўзига тегишли сувни очиб юборайин деган мақсад билан ключни шлюзнинг гайкасига солиб бураётган эди, яқин атрофдан бировнинг ҳайбатли овози эшитилди:

– Тегма унга, кўлингни торт!

Собирбек ялт этиб ён-атрофига қараган эди, кўп-рикнинг устида қандайдир қанотини ёзиб юборган бургутга ўхшаш, ола-була жулдур ёпингандай бошини ичига олиб келаётган кўланка пайдо бўлди. Унинг афти башараси кўзга кўринмасди.

– Сен кимсан?

– Кўлингни торт деяпман!

– Қоратой, сенмисан?

У жавоб бермасди.

– Бизнинг сувни сен бўғиб олдингми?

– Менга сувнинг ҳаммаси керак!

– Бундай ҳуқуқни сенга ким берди?

Қоратой лапанглаганча икки сакраган эди, Собирбекнинг қаршисида пайдо бўлди.

– Йўқол, ҳозир кўзимга кўринма!

– Қоратой, ақлинг жойидами ўзи? Нима деб вайса-япсан?

– Ҳозир бу ердан кет! Сувни бермайман дедимми, бермайман! Уни ўзим учун эмас, колхоз учун оляпман! Экинлар қувраб кетибди, менга сувнинг ҳаммаси керак. Ҳозир кет, жонингдан умидинг бўлса, бу ердан ҳозир кет! Нима қилсанг ҳам сувни бермайман.

– Бошқаларнинг экини суғорилмасдан қолиб кетса майлими? Бу куракда турмайдиган сўз. Бу ўғриликдан бошқа нарса эмас!

– Мен ўғриманми? Тилингни тий! – Қоратой сакраб бориб Собирбекнинг кўлидаги темир ключни юлиб олди-да, орқага бир қадам тисарилиб, кулочкашлаб туриб Собирбекнинг бошига урмоқчи бўлган эди, Собирбек эпчиллик қилиб, Қоратойнинг кўлини ушлаб қолди. Сўнгра у кўлига бутун кучини тўплаб, Қоратойнинг билагини қопқон каби синдиргудек маҳкам сиқиб тураверди. Ниҳоят, ключ Қоратойнинг кўлидан шўлп этиб сувга тушиб кетди. Бироқ Қоратой ҳамон ён бергиси

келмади. Афтидан, у ҳолдан тойиб йиқилмагунча олишмоқчи. Собирбекни кўприкнинг четига судраб бориб, сувга итариб юбормоқчи. Буни сезган Собирек бир қўли билан шлюзнинг темиридан ушлаб олиб, ўрнидан қимирламай тура берди. Улар шу зайлда юзма-юз олишиб, кўприк устидан сувга тушиб кетмаслик учун бир-бирини ушлаб, ёпишишарди. Қадрдон дўст бўлиб юрган кезларида ҳам улар бир-бири билан бунчалик яқинлашган эмас эди. Атроф бўлса жимжит, қоронғи, бирор тирик жон йўқ. Фақат эндигина бош кўтариб келаётган тўлин ой бу олишиб ётганлар ким бўлди, дегандай, қир орқасидан бош чўзиб қараётган эди. Агарда ҳозир кун қоронғи бўлмаганида, Собирбек Қоратойнинг қутургандай қон тўлган кўзларини баралла кўрган бўларди, чаккасида бўртиб чиққан қон томирларини юраги билан биргаликда гупиллаб ураётганини сезган бўларди, унинг ирвайган оғизлари мурдани эслатарди. Бироқ қоронғида Қоратойнинг куйиб-ёнаётган иссиқ гавдаси, анқиб турган тер ҳиди ва хириллаб чиқаётган сўзларигина сезиларди.

– Сувни бермайман дедим – бермайман! Бугун тун сувдан мен фойдаланаман. Экинлар сувсизликдан қувраб кетяпти!..

Бир оз вақт ўтгач, Қоратойнинг мадори қуриб, бўшашган эди, Собирбек уни ўзидан нарига итариб юборди:

– Ўрнингдан жилма, Қоратой! Кўзғала кўрма! – деди Собирбек, – оқибат шу эдими? Ҳосил учун, биринчилик учун шунақа курашишимиз керак экан-да. Сен мени ким деб биласан?

– Сен менга душмансан! – деди Қоратой энтикиб хириллаб. – Сен менга душмансан... Сен менинг севган хотинимга кўз олайтиряпсан, сен мени синамоқчи бўлиб йиғилишларда ёмон ишлайди, деб ишимни муҳокама қиласан. Лекин мени алдаёлмайсан, билиб қўй шуни... Суғоришда қанақа қилиб илғор бўлиб юрганингни ҳам

биламан, сен менинг сувимни ҳам туни билан ўзингга фойдаланиб юрибсан...

– Нима-нима? – деди-ю, Собирбекнинг томоғи бўғилиб, бошқа сўз айтишга чамаси келмади шекилли, Қоратойнинг ёқасини қўш қўллаганича ўзига ниқтаб тортиб, шу бўйича қимирлатмасдан хиппа бўғиб тураверди, сўнг қоронғида унинг кўзидан кўнглида нималар борлигини билиб олмоқчи бўлгандай, юзига анчагача тикилиб турди-да, қандайдир ўкинч билан бошини чайқади:

– Ҳаммаси тушунарли! Мен кетдим. Аммо шуни билгинки, сенинг ариқларинг шунча сувга чидаш беролмайди... Сен ўзингга ўзинг душманлик қиляпсан... Агар бир хўплам сув бекорга кетса, кейин ўзингдан ўпкала...

Собирбек кетгандан сўнг Қоратой кўприкнинг устида туриб, ой нурида оқариб кўринган Собирбекнинг гимнастёркасига анчагача қараб қолди. Собирбек бу тўқнашувда ғолиб чиққандай бошини баланд кўтариб, кўкрагини кериб, мардонавор одимлаб кетаётган эди, Қоратойнинг бўлса боши айланиб, бутун вужуди олов бўлиб ёнаётган эди. У, ҳозир ўзини ғоят кучсиз, бироқ адаштириб, ёлғиз ташлаб кетган гўдак сингари ҳис қиларди. Шу пайт у кетиб бораётган Собирбекка: «Тўхта! Менга сувинг керак эмас, сувингни ол!» деб бақириб юборишига сал қолди.

Ўз қилмишини тўғри деб топиш ва ундан қаноат ҳосил қилиш учун Қоратойга яна нимадир етишмаётган эди. Каналнинг тепасидан чопиб тушган Қоратой ариқ ёқасига келиб ўтирди-да, жонимни жабборга бериб тонган сув сенмисан, дегандай томоғи қуриб-чанқаган киши каби ҳовучлаб култ-култ сув ичди-да, ўзича нималарнидир гапираётган эди:

– Шошмай тур, ҳали мен сенга кўрсатиб қўяман. Энди ҳамма сув ўз қўлимда... Бу кеча ҳамма экинларни суғориб оламан. Муддаом шу. Мени ўғри деб кўрсин-чи,

мен ўғри эмасман!.. Улар экинларини тўрт-беш марталаб суғориб олишган. Бир кеча сув олмаса олмабди-да... Бизга бўлса ҳозироқ сув керак. Мана, яна гармсел эсиб келяпти... Йўқ, Собирбек, бекорларни айтибсан, бизга олти қулоқ эмас, ўн-ўн беш қулоқ сув керак... Учтепадаги жўхори-ларга сувни ўша эски ариқлар билан олиб бораман.

Ҳақиқатан ҳам ариқда катта сув тўлқинланиб оқаётган эди. Унинг кучли оқимига қараб турган Қоратойнинг кўзлари жимираб кетди. Баҳорги тошқин дарё каби қирғоқлари билан тўлиб оқаётган ариқ сувига кафтингни солиб тўсмоқчи бўлсанг, сув гўё асов тойдек сапчиб, дуч келган томонга олиб кетиши мумкин. Сув эркин оқишни яхши кўради. Агар унга қулоқ солиб турсанг, сув ўзининг кучли оқими билан ариқ қирғоқларини кемириб кетиб, кўзга кўринмас қумларни муттасил оқизиб бораётгани эшитилди. Бироқ Қоратойнинг хаёли бошқа нарсада эди. У бугун қандай бўлмасин, туни билан экинларнинг ҳаммасини суғориб олмоқчи эди. Сув ҳозиргача Учтепага етиб борганини, у ерда сувчилар кечадан бери шайланиб, тайёр бўлиб турганини хаёлидан ўтказди-да, Қоратой ўрнидан сапчиб туриб қувончидан ўзича мийиғида кулиб қўйди. Ҳа, суғориш бошланди! Энди тезроқ ҳаракат қилиб қолиш керак...

IV

Қалин каноппнинг қоқ ўртасидаги ёлғизоёқ йўл билан чор атрофга назар ташлаб бир аёл келарди. Унинг бошига бир ўрам қилиб боғлаб қўйилган оқ рўмоли елкасига сидирилиб тушган, кўйлагининг ёқалари очиб юборилган, қоронғида кўкси оқариб кўриниб турарди. Бу Хонимгул эди. У шошилганича қаергадир кетиб борарди. Уйқусидан чўчиб уйғониб кетган тўрғай ёнидан париллаб учиб кетган эди, Хонимгул чўчиб кетиб қичқириб юборишига сал қолди ва кўрққанидан қўли-

даги тугунчани кўкрагига босиб олди. Йўқ, у қўлидаги тугунчани ташламоқчи эмас. Қоратой ишга бугун овқат емасдан кетган, яна бунинг устига, унинг кайфияти ҳам бузуқ эди. Агар бирор ҳодиса юз берганини билганда, Хонимгул Қоратой учун жонини беришга ҳам тайёр эди...

Шу пайт аллақаердан:

– Қоратой! Қоратой! Сув уриб кетди! Тезроқ кел! – деган кучли овоз эшитилди.

Шошиб қолган Хонимгул ўша томонни кўзлаб чошиб кетди. Уч-тўрт киши, кимлигини билиб бўлмасди, уриб кетган ариқ ёқасида уймалашиб ётган эди. Аммо Хонимгул улар орасидан Қоратойни дарров таниди. У сув ўйиб кетган ариқ ўртасида энкайганича нимагадир уриниб ётган эди. Катта ариқдан сиқилиб оқаётган кучли оқим йиртқич ҳайвон каби тутқич бермай, қирғоқни узиб-юлқиб, тупроқ чиқиндиларини ўзи билан бирга оқизиб сойга томон чопарди. Сувнинг шовуллаб оқаётган оқими ичидан дам-бадам кишиларнинг шовқин-суронлари эшитилиб қоларди.

– Бўл!.. Тезроқ! Чимни олиб кел!.. Тошни бос...

Хонимгулнинг етиб келганини ҳеч ким пайқамаган эди. Бироқ унинг қаердан, қачон келганига ҳам ҳеч ким ҳеч қанча таажжубланмасди. Хонимгул сув кечиб, Қоратойнинг олдига югуриб борди. Қоратой унга ялт этиб бир қараб қўйди-да:

– Чим, чим олиб кел! Тезроқ! – деб буйруқ қилди. Ундан кейин нима бўлганини Хонимгул яхши англамасди. Боши қотиб, ганграб ўнгими, тушими, фақат жон-жаҳди билан чим ўйиб ётганини биларди, холос. Чимни ердан ажратиб олиш қийин, уни тирноқлари билан узиб олиш керак. Чим жуда оғир бўлса ҳам, Хонимгул уни ташламай бола кўтаргандай қучоқлаб кўкрагига қисиб, Қоратойга олиб келарди. Қоратой бўлса хотинига бирон

нима демасдан бўғилиб хирилларди. Шу чоқ нариги томондан бировнинг қичқирган овози эшитилди:

– Нима? Нима бўлди?

– Тезроқ, тезроқ бўлинглар! Сув олиб кетяпти!.. – Мускуллари темирдай бўртиб чиқиб, ҳансираб, бир-бировларини туртишиб сув билан олишиб ётган одамлар орасидан аёлнинг ҳорғин овози қулоққа чалинди. Хонимгулнинг оёғига тош тушиб кетган эди. У оёғининг оғриғига чидай олмасдан «вой жоним», деганча тишини тишига босиб, сувнинг ичида ўтириб қолган эди, нариги ёқдан Қоратойнинг «бўлинглар», деган буйруғини эшитиб, ўрнидан ирғиб турди. Шу заҳоти бир нарса қирс этиб кетди. Нима бўлди, оёғи синдими?.. Қоратойнинг қоқаётган қозиғи синиб кетган эди...

Кўзлари жимирлаб тиниб кетди...

– Бари бир, бўлмайди!

– Нега бўлмайди?

– Эски ариқ эски кўйлак сингари, бир жойини ямансанг, иккинчи ери йиртилаверади.

– Бас қил!

– Бундан чиқди, ишлаб ўлгин деб қўя қол?

– Ўл!

Яна шиддатли кураш давом этади! Сув – бу тилсиз ёв. У бостирилган тош ва чимларнинг остидан отилиб чиқиб, ҳамма ёққа тошиб, бузиб бораётган эди. Уни жиллаб бўлмасди... Кўлларининг тобора мадори қуриб, юзларидан номақоб тер қуйиларди... Сувчилар Қоратойдан норози бўлиб, уни кўришга кўзи йўқ эди...

– Шу ҳам ариқ бўлди-ю, ичидаги чўп-хасига ўралашиб йиқиласан киши... Яна ундан сув қандай оқсин...

– Ариқларни дурустроқ қазитмай раис билан мироб нима қилиб юрибди...

– Буларнинг ҳаммасига Қоратой айбдор, икки ўртада на ўзига, на ўзгага қилди...

– Текин томоқ юракни оғритади!

Бу сўзларни Хонимгул ҳам эшитиб турган эди. «Улар нима дейишяпти, Қоратош бирор қалтис иш қилиб қўйдими?» деб қўрқиб кетди.

Сувчилардан бири жаҳл билан бақирди:

– Бас энди, сувни очиб юбор!

Кимдир биров сувни ариққа ташлаб юбориш учун шлюз томон югуриб кетди. Қоратой бўлса, бир-икки сакраб етиб келди-да, унинг йўлини тўсди.

– Сенга ким айтди сувни ташлаб юборсин деб? Ҳозир изингга қайт! Жавобини ўзим бераман!

– Ниманинг жавобини берасан? Бировларнинг сувини очиб олиб, ариқларни бузиб юборганинг учунми?

Қоратой лом-мим демасди. Қовоқ осган бўйича қаршилиқ кўрсатмоқчи бўлиб тўпланиб турган сувчиларга томон қўлидаги кетмонини салмоқлаб яқинлашиб борди.

Ҳалиги сўзларнинг маъносини, куёвининг қилмишларини Хонимгул энди аниқ англаб етган эди.

Қоратой сувчиларга ғазаб билан ташланди:

– Ишни ташлаб кетишга ким рухсат берди?

– Кўп бақираверма! Яхшилиқ билан сувни очиб юбор!

– Сен ўғирлаган сув учун биз жавоб бермаймиз!

– Очиб юбормайман! – деб бақирган Қоратой жони бўғзига келиб, кетмон кўтариб сувчиларга ҳамла қилди.

Шу заҳоти сувчилардан бири уни ўз кетмони билан тўсиб қолди, кетмонлар бир-бири билан тўқнашиб, қоронғида олов учқунлари чақнади. Сувчилар кўплашиб Қоратойни босиб йиқитиб, қўлидаги кетмонини тортиб олишди. Қоратой шунда ҳам тинчланмасди. У олдида турган одамларни боши-кўзи демасдан сола бошлади.

Бошқалар уни ушлаб қўлини орқасига қайиришган эди. Қоратой қўлдан чиқиб кетиб, икки-уч қадам нарига бориб йиқилиб тушди. Бироқ яна ўрнидан тура солиб, қутурган ҳайвон каби олишиб кетди.

Ҳангу манг бўлиб қолган Хонимгул тили калимага келмай, мажоли қуриб, ўша ўтиргани бўйича ўтириб қолди.

– Вой, бу қандай мудҳишлик! – деганича Хонимгул муштлашиб ётганларни ажратмоқчи бўлиб, ўзини уларнинг орасига отди. Гандираклаб ҳолдан кетган Қоратойнинг олдини тўсиб, уни ураётган одамлардан ҳимоя қила бошлади:

– Қўйинглар, садағанг кетайлар, ҳой бу нима қилганларинг, бола бўляпсизларми, қўйиб юборинглар! – деб Хонимгул йиқилиб-сурилганича Қоратойни ажратиб олишга талпинарди. Кўзига қон тўлиб, жон талвасасида олишаётган Қоратой аёлига бўй бермай, уни қайта-қайта силтаб ташлади. Шунга қарамай Хонимгул ўзини қоронғида муштлашиб ётган оломон орасига отиб сувчиларга ялиниб-ёлворди:

– Қўйсаларинг-чи, айб сизларда эмас... Қўли билан қилган, боши билан жавоб беради. Бунга Қоратойнинг ўзи жавоб берсин, сизлар кетаверинглар... Кетинглар ҳозир... Урманглар деяпман!

– Ҳой, уришни ким бошлади? Унинг ўзи эмасми?

– Бошлаган бўлса, бошлагандир, ўчларингни мендан олинглар, ундан кўра, мени уринглар.

– Нега сени урар эканмиз... Ҳозир кетамиз, бу ерда ётиб қоладиган одам йўқ. Бироқ биз буни шу бўйича оқибатсиз қолдирмаймиз. Тегишли жойда гапиришиб оламиз... – деганча сувчилар кетмонларини елкаларига ташлаб, овулга йўл олишди.

Қоратой бўғиқ овоз билан:

– Тўхта! Орқага қайтинглар, ҳозир қайтинглар! – деб бўйнига осилиб олган Хонимгулни судраб, улар томон интиларди.

Сувчилар тўхтамади, унга жавоб ҳам қилишмади. Бир оздан сўнг улар қоронғида ғойиб бўлишди.

Боядан бери олишавериб ҳолдан кетган Қоратойнинг эси оғиб, бутун вужуди титраб-қалтираб, қўллари латтадай шалвираб қолган эди. Дала устидан гўё момақалди роқ гулдураб ўтиб кетгандай атроф жимжит.

Димиққан илиқ тун майин тортиб қизиб ётган ер бетига салқин тушаётган эди. Ариқ бўйлаб тиғиз ўсган ихрож билан сариқ бош ўсимликларнинг ўткир ҳиди ҳавода анқиб турарди. Канал тарафдан қурбақаларнинг қуриллаши элас-элас эшитилиб турарди. Нариги ёқда эса қалин бутазор оралаб она туя ўтлаб юрибди. У бўталогини эркалаб, чўзиқ овоз билан ўзига чорларди ва янтоқ пояларини киртиллатиб чайнарди.

Ҳа, табиат одатдагидай тинч, ўз маромида, унинг осудалигини фақат биргина нарса – ариқнинг шариллаб оқаётган суви бузмоқда эди. Кичкинагина камарчадан куч билан отилиб чиқаётган сув сой бўйлаб шарқираб оқмоқда. Қоратой бошини қуйи солиб, ўртаниб ётган юрагини тўхтатолмай камардан пишқириб қайнаб чиқаётган сув каби энтикиб, оғир нафас оларди. Унинг «дик-дик» ураётган юраги куёвини қучиб турган Хонимгулга гўё ўз қалби ураётгандай аниқ сезилиб турарди. Мана, сув сўнгги тош ва чимларни ҳам суриб оқизиб бормоқда. У ўчакишгандай, аввалгисидан ҳам кучлироқ шарилламоқда.

– Буни мен ёлғиз ўзим учун қилдимми? – деярдди Қоратой ўз-ўзича, кимга юзланишни билмай. – Йўқ, колхозни деб қилдим... Сув бўлмаса... Экин майдони йилдан-йилга кенгайиб бораётган бўлса...

Хонимгул куёвининг бу нолишини кўриб, юраги товланиб кетди:

– Ҳечқиси йўқ, Қоратой, кўп хафа бўлаверма! – деярдди Хонимгул куёвининг қулоғига шивирлаб.

Қоратой бир хўрсиниб, Хонимгулнинг кучоқлаб турган қўлларини ажратиб, уни нарига итариб юборди.

– Кет бу ердан! – деди у зарда билан қаҳри келиб. –
Кўзимга кўринма, йўқол!

Хонимгул бирон нарса демасдан жимгина қайрилди-да, одимлаб кетди. У юриб бораркан, йўл-йўлакай қуврайларнинг бошини чимчиб, уларнинг аччиқ донларини кафтида уқалаб, ерга сепиб борарди.

Ёлғиз қолган Қоратой яна бир оз ўтирди-да, сўнг тўғонни кўзлаб юриб кетди.

V

Тонг ҳам ота бошлади. Тоғ ён бағирларига ўрнашиб олган паға-паға енгил булутлар уйқудан секин-аста бош кўтара, бошлади.

Қоратой бўлса ерда чалқанча тушиб ётган эди. Ҳозир у ерни қучоқлаганича ёлғиз ётарди.

Ер ҳаммасини тушунади, одамнинг севинч-қувончига ҳам, қайғу-аламига ҳам шерик бўлиши, ўз бағрига сингдириши мумкин. Мана, ҳозир ҳам чуқур хаёллар оғушига чўмиб ўтган воқеани эслаётган Қоратойнинг тинчини бузгиси келмагандай, секин-аста ёришиб келаётган тонг шуъласи ер бетига тўша-либ, юқоридан эсаётган майин шабада унинг зирқираб-қақшаб оғриётган танаси, қавариб кетган қўллари узра гирдикапалак бўларди. Қоратой ётган ерга яна кимдир биров шарпасиз яқинлашиб келди-да, унинг ёнига ўтира қолиб, Қоратойнинг бошларини, кифтларини силай бошлади. Бу илиқ қўллар Қоратой учун ғоят яқин, ғоят ёқимли туюларди. Қоратой заррача бўлса-да, кўзғалишдан қўрқарди; гўё сал кўзғалса бу оромбахш лаҳза, жон ато қилган бахт қуши парвоз қилиб, учиб кетиб, иккинчи марта қайтиб келмасдек бўлиб туюларди.

«Қадрингга етмадим, Хонимгул, – деб ўйлаб ётган эди у. – Сенинг табиатингни тушунмасдан пастлик қилдим.

Кечир мени, юзингга қандай қарайман энди. Бахт-то-ле деган нарса фақат уйда, ўчоқнинг бошидагина эмас, балки эл билан, кўпнинг меҳнати билан чамбарчас боғ-лиқ эканини ўзинг ҳам тушунган бўлсанг керак...»

– Қоратой, ўрнингдан тур, Собирбек келяпти! – деб шивирлади Хонимгул. Қоратой бошини саланглатиб ўрнидан турди.

– Ма, далада қолиб кетибди, бошингга кийиб ол, – деб Хонимгул унга қалпоғини узатди. Қоратойнинг чангга ботган уст-бошини қоқиб, кўйлагининг йиртилган жойларини тўғрилаб, қистириб қўйди.

– Мен уйга кетаверайин, сен кейин борарсан... Отинг кўрғоннинг нариги ёғида тушовли юрипти, – деди Хонимгул кетиб бораётиб.

Собирбек ариқни ёқалаб секин келаётган эди. У баъзан узангига оёқларини тираб, отининг жиловини тортиб, атрофга назар ташлаб борарди. Балки, у янги ариқнинг қаердан тушишини мўлжаллаб юргандир.

Қоратой жимгина қараб турарди.

Дўст олдида жавоб беришдан кўра душман кўлида ўлган яхши эмасми?!

1954 йил

ОҚ ЁМҒИР

Юксак тоғ қояларидан эсаётган муздек шамол қоронғи даралар ичидан куч билан отилиб чиқиб, тоғ этакларига равона бўларди. Пастда овул уйқуга чўмган.

Атроф жимжит, деразалардан кўриниб турган чироқлар секин ўча бошлади. Қиров қоплаб, эндигина очилай деб турган баҳор куртаклари, ой шуъласида ғира-шира кумушдек товланиб турарди. Фақат шамолнинг томга ёпилган қамишларни шитирлатган товуши билан уйқу аралаш улиган ит овози эшитиларди. Узоқлардан эса тоғ дарёсининг шовуллаши ва моторларнинг гувиллаши аранг қулоққа чалинарди...

Қоронғида овул чеккасидан икки кишининг гавдаси тез яқинлашиб келмоқда эди. Ана улар, қадамларини секинлатиб тўхташди...

– Энди, бу ёғига ўзим... Раҳмат, – аёл кишининг овози эшитилди.

– Кел, кузатиб кўя қолай, тағин итлар талаб юрмасин, – жавоб берди эркак кишининг овози.

– Мен итлардан кўрқмайман...

– Шундай бўлса ҳам...

– Йўқ, Қосимжон, сен ишга кечикиб қоласан.

– Ҳали вақт бор, улгураман, – Қосимжон гугурт чақди. Милтиллаган аланга бир лаҳзада қоронғида катак рўмолли қиз билан эгнига спортчиларнинг чармли курткасини, оёғига эса кирза этик кийиб олган ёш йигитни ўз бағрига тортиб олмоқчи эди.

– О, Саодат, ҳали яна роса икки ярим соат вақт бор, – деди у соатига қараб.

– Ҳожати йўқ, Қосимжон, боравер... Бирор киши кўриб қолгудек бўлса, гап қилишади. Бундан ташқари,

мен жуда безовталанаяпман. Онам нега чақиртирди экан?.. Тоби қочиб қолган бўлса-я?

– Ҳа-а, агар шундай бўлган бўлса, уни ёлғиз қолдириш мумкин эмас. Лекин сен кўпам сиқилаверма, бир иложини қилармиз...

Улар яна бир оз туришди-да, сўнг ажралишди: Саодат – уйга, Қосимжон бўлса, тоғ томонга йўл олди. Бир оз юргач, у орқасига қаради.

– Агар бирор нарса бўлса хабар қил... Мен кутаман.

– Яхши, – бўғиқ овоз билан жавоб берди Саодат.

У ҳам бир неча қадам юргандан сўнг тўхтади-да, орқасига қаради. Қосимжон кўринмас эди. Зим-зиё кеча. Саодат уйига ошиқди. У уйига қанчалик яқинлашмасин, қадамини тезлаштирар эди. Охири Саодат сабри чидамай югуриб кетди. Унинг мияси турли хаёллар билан банд эди.

Хаёлида худди у ҳозир югуриб бориб эшикни очади-ю, кўзлари хираллашиб, тўшакда ётган касал онасини кўраётгандай эди. «Она, қадрдоним, қимматли онам», деб қичқириб юборгудек бўлди Саодат, лекин овози чиқмади. Мана таниш дарча ҳам кўзга ташланди. Бирдан ўзига қарши келётган қандайдир сояга кўзи тушди.

– Сенмисан, Саодат? – сўради онаси.

– Нима қилди, она?

– Шундай кечада ёлғиз ўзингмисан?

– Ўзим, – деди Саодат, ёлғон гапириб.

– Сени қара-я, худонинг ўзи асрабди, – кўлларини ишқалаб қўйди Зайнаб опа. – Шундай ҳам бўладими?

– Йўқ, мен йўловчи аравада келдим, – дарров ўйлаб топди Саодат.

Қизини кучоқлаганича Зайнаб опа йиғлаб юборди:

– Кутавериб ҳолдан тойдим. Кўзларим тешилди. Кеч ҳам кирди, сендан ҳамон дарак йўқ. Йўлда бирор ҳодиса рўй бердимикан, деб хавотир олдим. Кутиб олиш учун энди ўзим йўлга чиқмоқчи бўлаётган эдим.

– Сенга нима бўлди, опа, биз ўтган ҳафта кўришган эдик-ку.

Саодат трактор бригадасида прицепчи бўлиб ишларди, у бутун ёз бўйи дала шийпонида истиқомат қилди. Шунинг учун ҳам у ҳар гал уйга келганда Зайнаб опа учун ҳақиқий байрам бўлар эди. У қизини шундай соғинар эдики, бундай вақтларда унинг олдидан бир қадам ҳам жилмас эди. Улар ўчоққа бирга ўт қўйишар, рўзғор ташвишлари билан банд бўлишарди – бири хамир қорса, иккинчиси гўшт пиширар, Саодат сигир соғса, Зайнаб опа унинг ёнида туриб, атала пиширарди. Гап деганнинг кети узилмасди. Зайнаб опа хизмат қилаётган колхозда ҳам, Саодат ишлаётган трактор бригадасида ҳам янгиликлар кўп. Саодат қачон ариқ бўйига бормасин, Зайнаб опа дарча олдида туриб унга тикилганича кузатиб қоларди. Она ўз қизининг бўйга етиб қолганига сира ишонгиси келмасди. У Саодатнинг тўлишган, хушбичим яғринларига меҳр билан қараб турарди. Саодат майда кўзли кумуш билагузук тақиб олган тикмачоқдек буғдоймағиз қўллари билан обкашни маҳкам ушлаганча эпчиллик билан чиройли қадам ташлаб келарди. Унинг бир текисда нафас олиши кўйлак бурмаларини хиёл қабартиб кўрсатарди.

– Қўзичоғим, кўзимнинг оқу қораси, нима десанг ҳам ўзинг биласан, лекин сен билан маслаҳатлашмасдан шундай қарорга келдим, – ўзича тасаввуридан ўтказарди она.

Бугун она-бола ҳар қачонгидан кўра хурсанд, бир-бирларига меҳрибон эди. Саодат онасининг беҳуда чақирмаганини, унга қандайдир бир муҳим нарсани айтмоқчи эканини сезиб турарди. Ҳақиқатан ҳам Зайнаб опа бу гапни айтиш учун кўпдан бери тайёрланиб юрарди.

Кейинги кунларда қизининг кўнгли нимагадир ғаш эди. Бунинг сабаби нимада экан?

Эрта баҳор кунларининг бирида сал-пал қор ёғиб турган эди, Саодат ҳаллослаганича уйга югуриб келди.

– Опа! – ҳаяжон билан қичқирди у остонадан, – комсомол бригадаси келди!

– Қанақа бригада?

– Э, билмайсанми ҳали – МТСдан комсомоллар бригадаси. Комсомоллар янги ерда ишлашмоқчи. Уларни ўз кўзим билан кўрдим, опа, машина ва тракторларда тегирмоннинг ёнгинасидан ўтиб кетишди. Улар ўзлари билан плуг ва сеялкалар ҳам олиб келишяпти.

«Мунча у безовталанади? – ҳайрон бўлиб қолди шунда Зайнаб опа. – Нима бўлибди, келса келишибди-да».

Қизи ҳамон куйиб-пишиб гапираётган эди:

– Мен уларни қаерни ҳайдашини биламан, опа. Бизга у ер жуда ҳам яқин. Тоқой аканинг айтишича, улар бу йил «Эски ўтов»нинг ҳаммасини ҳайдашар эмиш.

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг Саодат МТСга прицепчи бўлиб ишга кириш учун онасидан рухсат сўради. Зайнаб опа қизини уйдан чиқаришга ҳеч кўнгли йўқ эди, лекин Саодатнинг ўжарлиги, ўз айтганида туриб олишини билган она бир оз бўшашди.

– Бу йил прицепчи бўлиб ишлайман, кейин эса бизни тракторчиликка ўқитишади. Ахир мен, комсомол мажлисида сўз берганман, сўзимдан қандай қайта оламан.

– Бироқ ишга Саодатнинг амакиси Тоқой ака аралашмаганда бу баҳона онага таъсир қилиши гумон эди.

– Ёшларнинг кўнглини ўкситма, ҳамма нарса уларга аён, майли, борсин! – маслаҳат соларди у опага. Саодат ҳам кетди. Лекин кўп ўтмай она қаттиқ пушаймон қилди.

У кўрдикки, энди Саодат фақат уникигина эмас, балки яна қандайдир қудратли бир куч уни кундан-кун ўзига тортаётган эди.

Баъзи вақтлар унинг назарида Саодат ўзидан кўра ақллироқ туюларди. Бу қиз бола учун ортиқча эмасми-

кин? Кунлар ўтиши билан Саодатда онаси тушунмайдиган қандайдир ўзгача ташвишлар орта борди. Нима учун Саодат уйга келгандан сўнг онасини нақадар соғинган бўлишига қарамай каллаи саҳарлаб туриб, сал тонг ёриши билан яна бригадага ошиқади?

Қизиқ, Саодат баъзан вазмин, ишчан, эркалик қилиб онасига суйкаланар, баъзан эса бирдан кўз олди қоронғилашиб, онасидан ажраб қолган бўталоқ сингари ғамгин бўлиб қолар ва хомушланиб, жимгина ўтирарди.

– Ўз ишингдан хурсандмисан, Саодат? – гўё ҳеч нарсани сезмагандек сўрарди Зайнаб опа. – Бригадаларингиздагилар қанақа одамлар ўзи?

– Жуда хурсандман! – Ҳар вақт жавоб берарди Саодат ва ҳаяжон билан ўз ўртоқлари ҳақида ҳикоя қилишга киришиб кетарди. Улар узоқ ерлардан келишган, машинани ҳам яхши билишади. Ҳатто шундайлари ҳам борки, улар машиналарни заводда ўзлари ясаганлар. «Қани, мен ҳам ўшалардай бўлсам» дерди Саодат, кўзлари чакнаган ҳолда. Шундай пайтларда у онаси учун қандайдир бегона ва тушуниб бўлмайдигандек туюларди. Саодат онасининг кўзларидаги бу ташвиш аломатини сезмасдан, ўзини ҳаяжонга солаётган ҳамма нарса ҳақида, комсомол мажлиси, деворий газета-ю, ишёқмас, дангаса тракторчини қаердан судраб келганликлари ҳақида ва яна бошқа кўп нарсалар ҳақида гапираётган эди. Лекин Зайнаб опа буларнинг ҳаммасини ҳам тушунавермасди.

Улар бирга чой ичишди. Саодат дастурхонни йиғиштириб, пиёлаларни ювиб, токчага олиб қўйди. Ётиш вақти ҳам бўлди. Бироқ Зайнаб опа Саодатга диққат билан қараганича ҳамон наमत устида ўтирарди.

– Менга яқинроқ кел, қизгинам, ўтир, – ўз ёнидан жой кўрсатди у. – Сен билан гаплашиб олмоқчиман...

– Гапир, она, қулоғим сенда.

Зайнаб опа ўз фикрларини жамлаб, гапни нимадан бошлашни билмай анчагина туриб қолди.

– Сен менинг кўз очиб кўрган ёлғиз қизимсан, Саодат, – деди у қизининг юзига тикилиб. – Сен менинг ҳам ўғлимсан, ҳам қизимсан. Менинг сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Сен менга осон деб ўйлайсанми? – Онанинг кўзларида ёш томчилари пайдо бўлди. – Фақат ишда бир оз унутамадан, уйга келдимми... Ёлғизлик юрагимни ёндириб юборади... Қаерда қолди экан, бирор нарса бўлдимикан, соғмикан... Ишинг аёллар қиладиган иш эмас, Саодат. Қиз боланинг плуг устида ўтириши нимаси... Бу ишингни қўй, уйга кел... Колхозда иш оз эмас.

Зайнаб опа кўз ёшларини артиб оғир хўрсинди. Унинг нима демоқчи эканини шу гапларнинг ўзиданоқ пайқаб олиш мумкин эди. Лекин Саодат онаси асосий гапни айтмаганини сезиб турарди.

– Нима, дала шийпонимизда қизлардан ёлғиз ўзимманми? Ахир, бизнинг колхозда бошқа қизлар ҳам борку. МТСда яна қанчаси бор! Бунинг устига улар ишда эркаклардан қолишмаяпти. Нима учун мен ишни ташлашим керак экан?

– Сен улар билан тенг бўлма! – Зайнабнинг жаҳли чиқди. – Улар ота-оналарининг якка-ю, ёлғиз боласи эмас.

Саодат опасини маҳкам қучоқлаганча кўксига босиб қотиб турди. Унга рози бўлишдан бошқа гап ҳам бўлиши мумкин эмас эди.

– Яхши, опа, сенинг айтганингча бўлсин. Бироқ менга у ерда яна бир оз бўлишга рухсат бер. Ҳадемай баҳорги экиш ҳам тугайди, ўшанда бутунлай қайтиб келаман. Жуда оз вақт қолди, сабр қил, опа...

Онанинг кўнгли тинчиди. Ётиш вақти ҳам бўлди. Кўзи энди уйқуга кетган эди, қандайдир шитирлаган овоз эшитилди. Зайнаб опа кўзини очди ва Саодатнинг

туриб секин дераза томон бораётганини кўрди. Ойнинг кўкимтир нури қизнинг боши ва елкаларигача ёритиб турарди. Саодат безовталаниб онасига қаради, сўнгра секингина дераза олдига борди-да, тиззасини қўллари орасига олиб сукут сақлаб ўтираверди. Афтидан, у нималарнидир ўйлаётгандай асабийлашиб, кўксига тушиб турган сочларини юлқиб тортарди.

«Нега ухлай олмаяпти?» – онанинг юраги яна хавотирдан зирқирай бошлади.

Саодат дераза ойналарига яқинроқ ўтириб, тоғ ён бағрида ишлаётган трактор чироқларининг аҳён-аҳёнда ёниб ўчаётганини томоша қилиб ўтирди. Узоқдан эшитилаётган моторларнинг гувиллашига завқ билан қулоқ соларди. Тракторлар гўё яқин атрофда ишлаётгандек уларнинг шовқини гоҳ яқинлашар, гоҳ қиз диққатини ўзига жалб этгандай узоқларга кетиб қоларди.

«Тракторга қулоқ соляпти», – ўзича ўйлади Зайнаб опа ва у ҳам доим шу гувиллаган овозни эшитадиган бўлди. Унинг қизи ҳам ўша ерда, далада ишлайди, Саодат уйда бўлмаган пайтларда эса она шу гувиллаган товушни эшитиб, кўнгли бир оз тинчигандай бўлади. Ҳа, қизи дераза олдида беҳуда ўтиргани йўқ. У бутун вужуди билан ўша ерда, тракторлар зўр бериб шудгор қилаётган ерда ўтирарди. Бунини Зайнаб опа яхши сезарди.

Саодат узоқдаги чироқларга боқиб турар экан, назарида ўткир плуг тишлари кўриқ ер қатламларини қия қилиб, майин тупроқларни тарам-тарам ағдариб бораётганини кўриб тургандай бўлди. Қачонлардан бери инсон қўли тегмаган эди бу ерларга.

Мана энди улар Қосимжон билан бирга инсон қадами етмаган, қаровсиз ерга биринчи бўлиб жон киритмоқдалар. Энди бу ерда экинлар бошоқлайди. Ҳадемай

йўллар тушади. Қадимда кўчманчилар кўчиб юрадиган «Эски кўчманчи» водийсидаги тоғ оралиғида уйлар қад кўтаради, шунда одамларимиз келган кишиларга фахрланиб: «Мана шу даладан ўтсангиз молхонани кўрасиз, ундан нарида кўча бор, худди ана шу ер бизнинг колхоз бўлади» дейишадиган бўлади. – «Ҳа, бунинг ҳаммасини ўз кўлимиз билан яратганмиз!» – ўйларди Саодат кўнгли қувончга тўлиб. Ахир, бу чинакам бахт эмасми, бутун ҳаётингни унга бағишласанг арзимайдими?!

Ёрқин қуёш остида жимирлаб ётган кўкимтир шудгор унинг кўз ўнгидан ўтди. Саодат ана шу илиқ буғ билан тўйиб-тўйиб нафас оларди. Ернинг намиқиб анқиган ҳиди уни ўзига чорларди. Оҳ, қандай ёқимли...

Ўтлоқнинг нариги бошига бориб қайтишда Саодат тезда плуг ричаглари алмаштиради. Ойнадек ярақлаган лемех тишлари ер бағридан кўтарилади. Уларнинг ҳар бирида қуёш нури аксланиб турарди.

Тракторни қайтара туриб, Қосимжон унга қараб кулиб кўярди. Саодат эса:

– Бўш келма, Қосимжон! Бугун биринчиликни оламиз! Бўш келма!..

«Қосимжон... учрашганимиз қандай яхши бўлди, бирга ишляпмиз! Мен дунёнинг нариги бурчига бўлса ҳам орқангдан боришга тайёрман», – шивирларди Саодат ўзича.

Зайнаб опанинг кўнгли хавотирда эди. Нима қиларини, қизига нима дейишини билмай оғир хўрсиниб, иккинчи ёнбошига ўгирилиб ётди. Саодат сесканиб кетди. Анча вақтгача гапирмай жимгина ўтирди, сўнг онаси томон бир қараб олди-да, оҳистагина каравот олдига келди-да, ётди. Бироқ қиз ҳам, она ҳам ухлай олмади. Уларнинг ҳар бири ўз хаёллари билан банд эди.

Зайнаб опа қизининг бўйга етиб қолганини ва унинг келгуси тақдири ҳақида ҳаракат қилиш зарурлигини ўй-

ларди. Агар ўз овулимиздан бирор муносиб йигит топилса, у вақтда қизи доимо ўз қаноти остида бўларди. Агар куёв ёлғиз бўлса яна яхши – ичкүёв қилиб оларди. Қиз, ҳатто сеп тайёр эканидан ҳали хабарсиз эди. Турли хил кигизлар тайёр, фақат чодир сотиб олиш қолган эди.

Саодат эса Қосимжон ҳақида, у билан биринчи учрашганлари ҳақида ўйларди. Ўша кезларда улар бир агрегатда ишлашар эди. Ҳар гал ҳам трактор тўхтаганда Қосимжон унинг олдига келиб сўрарди:

– Сен чарчамадингми, Саодат? Бир оз дамингни ол.

«Нега мунча менга ёпишиб олди у? – жаҳли чиқиб дерди Саодат. – Нима, мен ёш боламанми?» Агар Қосимжон ундан аҳвол сўрамаса, Саодат яна аччиқланарди: «Нега у бирон нарса демайди? Хафа бўлдимми ёки мен унинг жонига тегдимми?»

Кунлардан бирида улар кўшни чегарага яқин жойдаги энг баланд қояга чиқмоқчи бўлишди. Саодат ўша кунни ҳеч қачон унутмайди. Тик қояга кўтарилиш қанча қийин бўлмасин, лекин улар чарчашни ҳам унутиб, тўхтамасдан нима бўлса ҳам чўққига чиқиб олиш учун қатъий аҳд қилдилар. Икковлари ҳам у ерда бир-бирларига қандайдир муҳим нарса айтиш ҳақида ўйлардилар. Ахир бу ерда уларнинг сўзларини ҳеч ким эшитмасди-да: бу яқин орада улардан бошқа бирор тирик жон йўқ. Бироқ чўққига чиқиб олганларидан кейин ҳам улардан биронтаси кўнглидагини очиқ айтишга ботинолмади. Фақат қайтиб тушаётганларида Саодат тўсатдан сирғаниб кетди, Қосимжон уни маҳкам тутиб қолиб, ўпиб олмоқчи бўлиб интилди, аммо бу сафар Саодатнинг жаҳли чиқмади. У ҳеч қачон ўзини шундай бахтли ҳис этмаган эди.

Зайнаб опа ланг очилган эшик ёндорига суянганича уйнинг ичкарасига қараб турарди. Унинг ҳаракатсиз бош эгиб туришидан, таажжубланиб хиёл кўтарилган қошлари ва бир-бирига ботиб кетган лабларидан сукут сақлаб, умидсизликка берилаётгани сезилиб турарди.

У бирор кўрқинчли нарсани кутаётгандай остонага қадам ташлашга ботинмай турди ёки ниманидир эслади. Балки тоғдан шамол олиб келаётган шовқин-суронга қулоқ солаётгандир. Кўйлагининг кенг ва узун енги шалвираб осилиб турарди. Ёнида эса пақирдаги сувлари чайқалиб обкаш ётарди. Зайнаб опа ҳозиргина ариқдан сув олиб қайтган эди. Зайнаб опа у ерга бориб Саодатнинг эрга чиққанини эшитиб келганди. Она қалби чуқур изтиробга тўлган. Энди у ҳувиллаган уйда якка-ю, ёлғиз. Унинг учун ҳамма нарса муҳайё, бироқ қизининг кетиб қолиши билан бутун орзу-умидлари ҳавога учгандай бўлди.

Агар Тоқой аканинг қайлиғи Жийдагул келмаганида Зайнаб опанинг шу зайлда қанча туришини ким билсин. Жийдагулни кўриши билан Зайнаб опа вайсаб кетди:

– Мана, қиз зоти қанақа экан? Оҳ, шўрим қурсин. Худо менинг насибамни қийди, ўғил бермади. Ўғил бўлганда ўз уйини ташлаб кетмай, балки қаллиғини етаклаб келармиди.

Жийдагул нимжонгина ва ҳамиша мўмин-мулойим, ҳозир эса бутунлай бошқача бўлиб қолган бу хотинга кўрқинч билан қараб турарди.

– Саодат мени шарманда қилди! – деярдди Зайнаб опа гап орасида. – Қочқин кишидек иззат-икромсиз исми-расмини қилиб узатилмасдан бир дарбадарнинг орқасидан эргашиб кетди. У Саодатни аллақажарга олиб кетади, кўрмай ҳам қоламан.

– Қизиқсиз, Зайнаб опа, қизингиз узоқда эмас, шу ерда-ку! – деб Саодатнинг ёнини оларди Жийдагул.

– Бас қил! Менинг шу аҳволга тушишимга сизлар ҳам айбдорсизлар. Унинг МТСга боришига сенинг Тоқойинг сабаб бўлди. Мен бўлсам гўллик қилиб, эримнинг укаси деб унинг гапларига ишонибман. Бор айт, агар акасининг хотираси ва уруғимизнинг шаъни унга қадрли бўлса, Саодатни йўлдан қайтарсин. Бор!

Шу куниёқ Тоқой ака одатга кўра хотинини Зайнаб опани чақириб келишга юборди.

Тоқой ака эгачисини кутиб, кигиз устига тўшалган пўстак устида қовоғини солиб ўтирарди. Барча оила аъзолари ҳам у билан бирга ўтирарди. Уй иссиқ эди. Қозонда гўшт, стол устида эса самовар қайнарди!

– Ҳаммасидан хабарим бор, Зайнаб, – гап бошлади Тоқой, хурмат билан унга пиёладаги чойни узатаётиб. – Сен учун ўзим ҳам хижолат тортяпман. Агар Саодат аҳмоқлик қилган бўлса, мен ҳозироқ отни эгарлаб, сочларидан судраб бу ерга олиб келаман! – Чолнинг кўзлари ғазабдан чақнар эди. – Аммо мен бундай қилмайман. Ундан кўра менинг қўлларим узилиб тушсин. «Эски кўчманчи»даги ерлар кўпдан бери сенинг қизингга ўхшаш одамларни кутарди. Зайнаб, мен сени тинчлантиришга ва кўндиришга ҳаракат қилмоқчи эмасман. Лекин бир нарсани эслатаман. – Тоқой тилининг остига носвой ташлаб олди ва қорамтир мўйловини ўйчан силаб қўйди. – Ҳозир «Эски кўчманчи» ерлари очилмоқда. Ўзинг биласан-ку, бир вақтлар биз бу ишни уддалай олмаган эдик. Ўша вақтда биз бу пастқам ерларни охири бир кун ўзлаштирамиз, деб ўйлашга ҳам ботина олмаган эдик. Бойлар бизни сиқиб, охири ана шу «Эски кўчманчи» ерларига ҳайдаб юборишган эди. У жойларда ерни ҳайдаш ҳам, суғориш ҳам ноқулай эди.

Эсингдами, ўшанда акамни севиб қолиб, у билан бу ерга қочиб келганларинг. Очликдан ўлмаслик учун, ҳатто мана шу пўстакдан ҳам катта бўлмаган ерни ҳайдашга қарор қилган эдик. Тўғри айтасан, ерни қандай тозалаганимиз, тошларни қўлда кўтариб ташиганимиз, тоғ ёнидан ариқ қазиганимиз ва «Илон қоясидан» сув кўтарилиб бу ариққа чиқмагани ёдингдами?

Шуларни эслайсанми, Зайнаб? Ахир қуруқ қўл билан қояларни ағдариб бўлармиди? Меҳнатимиз зое кетиб, экинлар қуриб қолди. Сен ўшанда қандай йиғлаганингни эслайсанми, ҳатто биз эркаклар ҳам кўз ёшларимизни зўрға тутиб турган эдик. Ўшанда биз «Эски кўчманчи» ерларидан кафтдек қисмини ҳам ишлай олмаган эдик. Лекин бизга кўп ер керакмиди? Фақат очликдан ўлмаслик учун... Энди эса бизнинг болаларимиз «Эски кўчманчи»ни ўзлаштиришга бел боғладилар. Агар сен уларни ҳозир нималар қилаётганини кўрганингда эди... Улар зўр ишонч билан ишляпти. Уларда билим бор, машина бор... Ҳадемай ғалламиз дарё бўлиб оқади.

Эҳ, Зайнаб, ёшлигингда ўз севган кишинг учун ҳар қандай қийинчиликларга дуч келгансан. Шундай экан, нима учун сенинг қизинг ўз севгани билан турмуш қуришга ва у билан бирга меҳнат қилишга ҳақли эмас экан, а?

Зайнаб опа жим турарди.

– Сен ақлли хотинсан, – давом этарди Тоқой, – тушунишинг керак. Саодат шундай қилмасдан иложи йўқ эди. Куёвинг Қосимжон эса ота-онасиз дарбадар эмас, ажойиб йигит, бригадада биринчи тракторчи. Унинг ота-оналари шаҳарда яшайди. Уларни жуда яхши, ҳурматли кишилар дейишади. Саодатга келсак, у онасини унутиб кетадиганлардан эмас. Якшанба куни улар сеникига келишади, кузда эса сен одат бўйича йўл очар

қиласан. Тўйни бўлса биринчи ҳосил йиғилиб, улар янги уйга кўчиб кирган кун қиламиз.

Тоқой ака нима деган бўлса Зайнаб опа жимгина ўтириб тинглади. Кейин ўрнидан туриб эшик томон йўл олди. У бунга рози бўлдими, йўқми, ҳеч ким тушунмади.

Тоқой ака меҳмонни кузатишга чиқди. Ташқарида шундай қаттиқ ёмғир ёғаётган эдики, ҳатто, тоғлар ҳам, дарахтлар ҳам, нарироқдаги уйлар ҳам кўринмасди. Ҳамма нарса сувли туман билан қопланиб олган эди.

– Эҳ-ҳе, ҳамма ёқни қоплаб олибди-ю! Ана кўрасан, бу оқ ёмғир камида икки-уч кун тўхтовсиз ёғади...

– Оқ ёмғир дейсанми? – Паст овоз билан сўради Зайнаб опа ва жавобини ҳам кутмасдан кетиб қолди.

* * *

Зайнаб опа уйга кириб келар экан, хаёл селига чўмганича бурчакка келиб ўтирди ва ёмғир томчилари оқиб тушаётган деразага қаради.

– Оқ ёмғир! – шивирлади у алланарсани эслагандай. Зайнаб опа йўлда келаётибоқ, Тоқой ҳар ҳолда ҳақ деган хулосага келганди. Лекин у уйининг остонасига қадам қўйиши билан, қўллари шалвираб, юраги музлаб кетди ва яна ўзини ёлғиз ҳис эта бошлади. Бирор рўзғор ишлари билан банд бўлмоқчи бўлди-ю, лекин, юрагига ҳеч нарса сиғмади. У ҳар вақт нимадир етишмаётганлигини ўйларди. Лекин унинг нима эканлигига сира тушуна олмасди.

Ниҳоят у буни топди: одатдагидек тоғ тарафдан келаётган моторларнинг овози эшитилмас эди. Ҳар доим онани тракторларнинг овози тинчлантирарди, чунки бу овоз севимли қизи билан, унинг келажаги билан боғлиқ эди. Зайнаб опа хавотирланарди: «Тракторлар жим, оқ ёмғирнинг икки-уч кун ёғадигандай шашти бор. У бечоралар палаткаларда нима бўлди экан? Нам, совуқ,

печка йўқ». Унинг ёш келин-куёвларга раҳми келди. Ахир улар чиллалик-ку, тезроқ якшанба кела қолса эди.

Зайнаб опа бармоқлари билан якшанбагача неча кун қолганини санади. Тўрт кун! Қандай узоқ! У тезроқ Саодат ва Қосимжонни кўргиси келарди. Бир оз ўтиргач, кескин ўрнидан турди-да, сандиқдаги оқ сурпни олиб, эркаклар киядиган кўйлак бичди. Сўнг печкага ўт ёқди. Хонада дарров ҳамма нарса саранжом бўлди. Гўшт пишгунча Зайнаб опа машинада кўйлак тикиб бўлаёзди. Энди у қўл қовуштириб ўтирмасдан бўғирсоқ қовурилаётган қозон олдида ўралашиб қолди. Оловдан қизиб кетган юзлари қип-қизил бўлиб, майда тер томчилари билан қопланди. Бирор яхшилиқни кутаётгандек кўзлари қувонч билан порларди. Афтидан у катта байрамга тайёрланаётгандай эди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам шундай. У ҳозироқ «Эски кўчманчи»га боришга қарор қилди. Тайёрланиб бўлгандан сўнг, Зайнаб опа Саодатнинг сепи учун асраб қўйган гулли шол рўмолни олиб келди-да, кўйлак билан бирга қўшиб хуржуннинг бир кўзига солди, унинг иккинчи кўзини эса гўшт ва бўғирсоқ билан тўлдирди. Энди кетавериш мумкин эди, лекин у ўйлашиб қолди – эрга теккан қизиникига таклиф қилинмасдан бориш ярашмаса керак. Тоқой кузгача кутишни маслаҳат берган эди. Лекин бу ниҳоятда узоқ муддат. Тўғри, Саодат ва Қосимжон якшанба кунини келишади. Аммо якшанбагача ҳали тўрт кун бор... У эса ўз болаларини ва «Эски кўчманчи»да нималар қилинаётганини ҳозироқ ўз кўзи билан кўргиси келарди. Борди-ю, уни кулги қилишса-чи? «Нима деб ўйлашса ўйлашаверсин, бари бир бораман».

Зайнаб опа янги шойи кўйлагини, маҳси-калишини, севган чопонини кийиб, хуржунини елкасига ташлади-да, бошига катта қанорни ёпиниб уйдан чиқди. Ташқарида бўлса оқ ёмғир ёғаётган эди.

* * *

Кулранг туман аралаш ёмғирда сўқмоқ бўйлаб от устида хотин киши секин юриб борарди. Ер денгизи ҳайдалиб ташланган, катта ариқлар қазилган, ёмғир билан ювилиб, ер қобиғини секин-аста ёриб яшил ўсимлик – биринчи баҳорги буғдой униб чиқмоқда. «Эски кўчманчи» ерлари таниб бўлмас даражада ўзгарган. Ҳосил олиш мушкул бўлган бир парча ер қаерда эди? Сув чиқариб бўлмаган ариқ қаёқда қолди?..

Зайнаб опа отдан тушиб, ёнидаги тошга ўтирди-да, йиғлай бошлади. Бироқ, эндиги кўз ёшлар ўз фарзандларининг фахри учун, уларнинг ажойиб катта ишларини кўриб қувонч ҳисларига тўлган онанинг кўз ёшлари эди.

1954 йил

БАЙДАМТОЛ СОҲИЛЛАРИДА

I

Кутилмаганда ёмғир куйиб берди. Бир зумда пайдо бўлган лойқа сел чуқур жарликларни ювиб, кекса арчаларни таг-томири билан қўпориб, йўлидаги тошларни суриб-супуриб, даралар оша шарқираб оқарди. Даҳшатли бу оқим ана шундай шиддат билан бориб, Байдамтолга қўшилди.

Пишқириб, қутуриб оқаётган дарё ўзини қўйишга жой тополмай, дара бўйлаб шовқин соларди. Қош қорайиб қолган бўлса-да, аҳён-аҳёнда ўркач-ўркач ваҳимали қора тўлқинларнинг жон-жаҳди билан қирғоқ томон ташланишини кўриш мумкин эди. Шиддаткор тўлқинлар куч билан тошларга урилар ва парча-парча бўлиб, яна шовуллаганича қайтиб кетарди.

Яна сал ўтмай сув билан қоя тўқнашиб, дарани гулдурос овозлар қоплаб оларди. Тўлқинлар сиғишмаётгандай бир-бирининг устига мингашарди. Гоҳо-гоҳо айғир каби олишиб, осмонга сапчишарди. Дарё тепасидаги пўлат симга осиб қўйган люлькани ҳозир узиб кетаётгандай туюларди.

Тўлқинланиб оқаётган дарё тепасидаги улкан қора қоялар қовоқларини солиб ҳеч нарса билан иши бўлмагандай эътиборсиз туришарди.

Унчалик катта бўлмаган ҳовлида ит ғингширди. Қоронғи дераза остига ўтириб олган кучук, елкасини ялаб кетаётган аччиқ совуқ изтиробидан бўлса керак, тобора қаттиқроқ увилларди. Шамол унинг овозини баланд даралар оша узоқ-узоқларга олиб кетарди.

Ася ухлай олмади. Айниқса, чақмоқ чақиб, гўё биров дераза остига келиб гугурт чаққандек, бир зумда ҳамма ёқ ёришиб кетар, ёмғир сели оқиб тушаётган ойна ортидан увадага ўхшаган сур булутлар мўралаганда кўзига алвасти кўрингандай, унинг юраги орқасига тортиб кетарди. Улар, ҳатто Асянинг кўзига ойнани чертаётгандек бўлиб туюларди. Ася кўрққанидан кўлидаги очиқ китобни кўксига босди. Ваҳима ичида кўзини юмди-да, нафас чиқармай ташқарига секин қулоқ солди.

Деворнинг шундай орқагинасида гидротехник Бектемирнинг оиласи яшарди. У ёқдан онда-сонда гангир-гунгур гапиришган ва йўталган овоз эшитилиб турарди. Бу Бектемирнинг отаси кекса Асилбойнинг шарпаси эди. У обдан азоб чекар, афтидан бугун чолнинг суяклари яна қақшаб оғриб азоб бераётганга ўхшайди. У кучукни бир неча бор бақириб-чақириб сўкиб олди:

– Кет, йўқол, Бойкурэн, йўқол бу ердан! Овозингни ўчир, касофат, ўлгинг келяптими? Ўчир овозингни!

Сўнг Асилбой Ася ётган хона эшигига яқинлаб келди-да, йўталганича жаҳл билан гапира бошлади:

– Ҳали ҳам ётмадингми, Ася? Чироғинг ҳамон ёниб турибди, дам олсанг бўлмайдими, қизим? Китобни ўқишга кейин ҳам вақт топилар, ё кўрқяпсанми?

– Йўғ-е, отажон! Сиз ташвишланманг, ётиб ухлайверинг, иссиқроқ ўраниб олинг, – деди Ася.

– Қани энди уйқу келса?! Ёмғир ҳам жонга тегди, ер ютгур кучукнинг овозини айтмайсанми, дард устига чипқон бўлди...

Орқадан хуноб бўлиб гапираётган келинининг овози эшитилди:

– Вой худо-ей, жимгина ёта қолмади бу чол, ахир болани уйғотиб юборасиз-ку?! Ит билан нима ишингиз бор, акиллаб-акиллаб ўзи жимиб қолади!..

Аммо қулоғи оғирлашиб қолган Асилбой бу гаплардан кейин ҳам тинчимади. У тўшакларини қайтадан тузатаётиб яна қаттиқроқ ғўлдираб гапирди:

– Эй худо, ўзинг паноҳингда асра! Наҳотки фалокат юз берса! Байдамтолнинг қутуриб оқаётганини қаранг! Люлькани симдан узиб кетгудай бўлсами, қидириб топиб бўлсан. Худо, мунча қаҳринг келмаса, вой белим, белгинам синиб кетяпти!

Эрталаб қуёш тоғлар орасидан тиғ уриши биланоқ, Бектемир отни эгарлаб, дара томон йўл олди. У тоғдаги йиртқичлар юрадиган сўқмоққа қўйиб келинган қопқонни тунги сув оқими олиб кетмадимикан, деб у ерга эртароқ етиб боришга шошиларди.

Ёмғир ҳам тиниб қолди, аммо сувга ботган кигиздек оғир булутлар ер устида муаллақ осилиб турарди. Бир кечадаёқ чўққиларни ва тизма тоғларни қоплаб олган оппоқ қор кўкиш тортиб эриб ётган эди. Қор уюмлари оралаб дарадан эсаётган аччиқ изғирин киши баданини жунжиктирарди. Ер бағирлаб ётган ўт-ўланлар ва буталар сувга ботган бошларини силкитиб-қоқиб, қаддиларини ростлаётган эдилар.

Сўқмоқ йўл сирпанчиқ бўлгани учун Бектемир отини секин йўрттириб борарди. У от жоловини бўш қўйиб юбориб, ўз ишлари ҳақида хаёл суриб кетди. Кутилмаганда от таққа тўхтаб қолди, «чу-чу»лаб ҳайдаса ҳам ўрнидан кўзгалмади. «Бу нимаси бўлди, бирон нарсани сезяптими?» – ўйлади Бектемир ва чор атрофга назар ташлади... Сўқмоқдан бир неча қадам нарида бир одам ётар эди. Бектемир бу тасодифдан лол бўлиб, турган жойида қотиб қолди. У одам жарлик остида, сувнинг ковлаб кетган ерида ер қучоқлаб ётарди. Бошида ва курткасининг йиртиғидан кўриниб турган қўлида қотиб қолган қон излари бор эди.

«Тирикми ё ўликми?» – Бектемир отдан тушмай эҳтиётлик билан яқинроқ келиб: «Бу ким бўлди экан?» – дея қаради.

Байдамтолда ҳеч ким яшамайди, бу яқин ўртада қишлоқ ҳам йўқ. Тўғри, баъзан овчилар келиб туришади, уларнинг ҳаммаси таниш кишилар бўлиб, ҳар гал келганларида ов ҳақида Бектемир билан маслаҳатлашиш учун, албатта гидрология пунктига тушишади. Бу одам эса овчига ҳам ўхшамайди. Яна сочини ҳам шаҳарликларникига ўхшатиб олдирган, кийимлари ёққа ботган, билагида соати...

Бектемир унга синчиклаб қаради. Бу кишининг бутун тун бўйи ёмғир остида қолиб кетгани кўриниб турарди. Гавдасининг ярмини жарликдан оқиб тушаётган лойқа сув кўмиб юборган. Кўринишидан ёш йигитга ўхшайди. Кийимининг тиззаси ва тирсагидан йиртилганига қараганда у қаттиқ олишган, юқорига эмаклаб чиқишга интилган. У ҳозир ҳам жарлик тубидан худди эмаклаб чиқаётгандек бўлиб ётибди: ўнг кўли олдинга узатилган, бармоқлари тошни тимда-лаб-тирмашганича турибди. Қаердан ва қайси томондан келди экан у? Бунга аниқлаш мушкул – ёмғир изларни ювиб кетган.

Шу маҳал ётган одам кутилмаганда қўзғалиб, секингина ингради.

«Хайрият тирик экан ҳали!» – севиниб кетди Бектемир ва отдан сакраб туриб, унинг қўлини ушлади.

– Ҳой ўртоқ, менга қара!

Аммо у жавоб бермасди. Бектемир машаққат билан уни чалқанча ётқизди, ёқаларини ечиб, кўкрагига қўлини қўйди. Юраги ҳали уриб турарди. Бектемир унинг киссаларини кавлаб кўрди, комсомол билетидан бошқа ҳеч нарса топмади. Билетнинг сувга ботган варақлари бир-бирига ёпишиб, сиёҳлари ёйилиб кетган эди. Бек-

темир куйидаги уч сўзни ўқий олди, холос: «...Алиев Нурбек... 1930...»

– Қизиқ! – бошини чайқади Бектемир. Сўнг Нурбекни эгарга беозор ўнгариб олиш учун отни қулайроқ жойга етаклаб келди.

II

«Пенициллин тугаяпти, нима қилиш керак?» – Нурбекнинг бу ерда эшитган биринчи сўзи шу бўлди. Бу сўзлар худди узоқда гапирилгандек қулоғига аранг чалинди. Аммо бу сўзларни ким сўзлади, у кимга тегишли, буни Нурбек англамасди. У ҳар қанча уринса ҳам кўзини очолмади, мажולי қуриб, ўзини аллақандай зулмат ичига қулаб тушгандек ҳис этди.

Кейинроқ Нурбек кимдир оғзига сув қуяётганини сизди. Оғзидан оқиб тушаётган муздек сув унинг қўйнига тушганда у секин кўзини очди. Бу сафар у, кимдир биров бошида энгашиб туриб:

– Қаранг, Асилбой ота, кўзини очди! – деганини аниқ эшитаётган эди.

Нурбек гапирётган киши ё қиз бола ёки ёш жувон эканини овозидан билди. Бироқ шунда ҳам унинг юзини кўрмасди: кўз олдини тумандек қоронғилик қоплаб олган, ҳеч нарса кўринмасди. «Бу эҳтимол тушим бўлса керак», – ўйлади Нурбек. Шу пайт иккинчи бир киши гапга аралашди, у ҳар ҳолда кексароқ кўринарди.

– Ҳа, қизим, у яна ҳаётга қайтди! – деди-да, енгил тортиб нафас олди. – Сен савоб иш қилдинг, Ася! Мана буни худонинг қудрати-ю, дорининг кўмаги дейдилар!

Улар яна нималар ҳақидадир пичирлашиб гапирдилар-да, сўнг чиқиб кетишди. Чол эшикни эҳтиётлик билан ёпаркан:

– Дамини олсин, бечора! – деди.

Аста-секин беморнинг кўз олди равшанлаша бошлади. Нурбек унчалик катта бўлмаган, янги оқланган озода хонага ҳайрон бўлиб кўз югуртириб чиқди. У қандай қилиб бу ерга келиб қолганини билмасди, лекин хонада бирон маданиятли киши яшашини дарров сизди. Жавонларда тартиб билан териб қўйилган китоблар, стол устида эса алланималар ёзилган қоғоз тахлоғлиқ турарди. Бурчакдаги шкафта Нурбекка нотаниш бўлган қандайдир приборлар қўйилган. Деворда альпинистларнинг кўзойнаги осифлиқ турибди. Аста эгилиб дераза томон қараган эди, кўзи тумбочка устидаги ойна ва кўпчилик бўлиб олдирилган суратга тушди. Суратнинг тепасига «География факультети» деган сўзлар ёзилган. Деразадан тоғ чўққилари, мовий осмоннинг бир парчаси кўзга ташланиб турарди. Қаердадир ёнгинасида, гўё уйнинг ёнбошида дарё тўхтовсиз шовуллаб турарди.

– Ҳеч нарсани эслолмайман! – пичирлади Нурбек ва ойнага тикилганича қараб қолди. Ранглари синиқиб, юзлари ичига чўкиб кетган, кўпдан бери соқол-мўйловига устара тегмаган, боши бинт билан ўраб боғланган киши каравотда ётган бўйича ойнадан унга тикилиб қараб турарди.

– А-а! – бақирди Нурбек. Унинг юзлари оғриқ ва даҳшатдан ўзгариб кетган эди. Гўё у қандайдир жирканч ва ваҳший бир қиёфани кўргандек бўлди. Нурбек қўли билан юзларини бекитиб, инграганича тескари ўгирилиб ётди. Эшик очилганда эса кўрқувдан чўчиб кетиб, қўлларини юзидан олди. Хонага узун сочларини орқасига тугиб олган, эгнида чанғичилар костюми ва оёғига қалин чармли тоғ ботинкаси кийиб олган бир қиз кириб келди.

– Қалай, дурустмисиз? – оддий бир оҳангда бемордан ҳол-аҳвол сўради ва қўлидаги чойнакни столга қўйди.

Нурбек қип-қизариб кетди. Ёнингда қиз бола турса-ю, йигит бўла туриб каравотда ялпайиб ётсанг, қизиқ туюлар экан. У туришга ҳаракат қилиб кўрди.

– Сиз нима қиляпсиз?! Ётинг, туриш мумкин эмас, сизга!

Нурбек қизга жавоб бермоқчи эди, лекин улгура олмади, қовурғаси тагида қаттиқ санчиқ туриб, кутилмаганда нафаси бўғилиб, йўтал тутиб қолди. Нурбек икки букилиб, кўкрагини чангаллаганча хириллаб ётган эди. Қиз кўрқиб кетганидан нима қилишини билмай, хонада гир айланарди. Охири, келиб Нурбекнинг бошини тутди. Йўтал тўхтагач, енгил нафас олиб, беморнинг манглайини сочиқ билан арта бошлади.

– Ўпкангиз қаттиқ шамоллаган. Сиз ўзингизни эҳтиёт қилишингиз керак. Кечадан бери хушсиз ётибсиз. Ҳароратингиз ҳам баланд. Бугун ҳам ўттиз тўққиз.

* * *

Ётинг... Бу ерда ўзингизни уйингиздагидек ҳис этаверинг... Мен бўлсам, радиобудкада бир неча дақиқа айланиб қолибман...

Нурбек йўталдан сўнг ҳам ўзига келмади, қизга нимани айтишни, нима деб жавоб қайтаришни билмай, хижолат тортиб довдираганча қараб турарди, холос. Эркакларга ўхшаш кийиниб олган бу қиз негадир дақиқа сайин унга яқинроқ ва танишроқ бўлиб туюлар, гўё Нурбек уни кўпдан бери кўриб юргандек эди. У қорачадан келган, оддий қирғиз қизи эди. Унинг юмалоқ юзи, чиройли кенг пешанаси тоғ шамоли ва қуёшдан пишган эди. Таранглашган қалин лаблари ҳозир кулиб юбораётгандай, ҳамиша майин табассум билан балқиб турарди. Буларнинг ҳаммаси кишида болаларча соддалик ва эзгулик туғдирарди. Фақат унинг кўзларидан жиддийлик ва ўйчанликни сезиб олиш мумкин эди. У

унчалик катта бўлмаган семиз ва бақувват қўллари билан кўрпани тузатиб, Нурбекнинг оёқларини яхшилаб ўраб қўйди.

– Каравот қисқароқ, ёстиқни баландроқ қўйиб берайми?

– Йўқ, йўқ, ташвишланманг... Кечирасиз, сингилчам, мен ҳозир қаерда ётибман?

Қиз ажабланиб, қошларини чимирди.

– Бу ер гидрология пункти!

– Гидрология пункти дейсизми?

– Ҳа! Сиз Байдамтол дарёси ҳақида эшитгандирсиз? Сизни Бектемир оға топди. Сиз уни танийсизми?

– Йўқ, эслаёлмайман!..

– У бизнинг гидротехнигимиз.

– Бу ерда одам яшайдими?

– Ҳа, яшайди. Лекин жуда озмиз – Бектемир оғанинг оиласи ва мен, холос.

– Сиз бу ерда ишлайсизми?

– Ҳа, гидрологман.

– Менга қилган яхшиликларингиз учун раҳмат, синглим, бироқ... – Нурбек гапиролмай тутилиб қолди. Сўнгра сир бой бермай, сўради: – Сизнинг исмингиз нима?

– Ася. Сизнинг номингиз – Нурбек-а, шундай эмасми? Сиз Байдамтолга бирон-бир муҳим иш билан келган бўлсангиз керак?

Нурбек Асянинг сўзларига жавоб бермади. Тескари қараб бошини кўрпага ўраб олди, лекин шу заҳотиёқ кўрпани ирғитиб ташлаб, қизга хўмрайиб қараган ҳолда.

– Мен жиноятчиман! – деди.

Ася қўлидаги чойнакни секин ерга қўйди.

– Сиз жиноятчи?! Қандай жиноятчи, қанақасига? Демак, сиз қочиб келиб, тоғда бекиниб ётибсизми?!

– Ҳа, синглим! Сиз одамни кутқардик деб ўйларсиз... Бу тўғри, менинг ўрнимда бошқа ҳар қандай киши бўл-

ганда ҳам умрининг охиригача ўзини сиздан қарздор деб биларди... Аммо, мен дом-дараксиз йўқолиб кетганимда, агар тошқин дарё менинг суякларимни узоқ-узоқларга оқизиб кетганида, мен ўзимнинг мана шу аччиқ тақдиримдан жуда хурсанд бўлардим.

Асяни кўрқув босган эди, лекин у ўзини дарров қўлга олиб, беморни тезроқ тинчитишга ҳаракат қилди.

– Кўйинг, тинчланинг. Сиз ҳаяжонланмаслигингиз керак. Ўрнингиздан қўзғалманг!

– Кетманг, синглим! Сиздан ўтиниб сўрайман, гапларимга кулоқ солинг! – Афтидан у Асяни ўзининг гапларини эшитмай кетиб қолишидан кўрқарди. – Тўхтанг, Ася, мен сизга ҳаммасини айтиб бераман яширмасдан...

III

Илк баҳор кунларидан бирида Нурбек завод дарвозасидан ташқарига чиқди, бўйнидаги жундан тўқилган шарфини олиб чўнтагига солди-да, кенг елкаларини ростлаб, кўкрагини тўлдириб-тўлдириб чуқур нафас ола бошлади. У кўриш мумкин бўлган ҳамма нарсага: кўчаларни, завод корпусларини, ҳаво ва паркларни – жамики нарсага қувонч билан назар ташларди.

Нурбек бўйчан, келишган йигит эди, ҳозир ҳам бошини юқори кўтариб, лабларини қисиб атрофга мағрур боқиб туриши ўткинчиларнинг кўзига, айниқса, яққол ташланиб турарди.

У, айниқса, бугун баҳорнинг яқинлаб келаётганини яхши ҳис қилаётган эди. Ҳаво нам ва ёпишқоқ осмон сарғиш булутлар билан қопланиб, қуёш кўринмаётган бўлса ҳам асфальтларда қорлар эриб кетаётган эди, пастқам ўтлоқлардан эса сувлар жилдираб оқиб, ариқларга бориб қуйилаётган эди. Баҳор даракчиси – ўрик, унинг деворлар орқали кўчаларга ёйилиб кетган шохларидаги тўлишган куртаклари нозик ҳид тарқатарди.

Нурбек троллейбусга ўтирди. Унинг баҳор ҳақидаги ўй-хаёллари ҳали тарқамаган. Яқинлашиб келаётган кунлар Нурбек учун қизиқарли ва алоҳида аҳамиятга эга. У кўриқ ерларда ташкил этилган олисдаги баланд тоғли совхозларга механик бўлиб боради. Завод партия ташкилотининг секретари унинг характеристикасига: «Малакали, ақлли механик, шунинг учун ҳам завод партия ташкилоти унга завод ишончини оқлашига тўла ишонч билдиради», деб ёзган эди.

Обкомнинг путёвкеси кўлида, эрта-индин клубда хайрлашиш маросими ўтказилади, унда қанча илиқ сўзлар, яхши истаклар айтилади, мусиқа, танца, кулги, кўл сиқишиб кўришиш, сўнгра... сўнгра... Буларнинг бари, қалбига жо қилиб олган қувончли воқеаларнинг ҳаммасини таърифлаб бериш Нурбекка қийин... Бир сўз билан айтганда – олдинда янги порлоқ ҳаёт, янги иш, янги дўстлар!..

Нурбек кўриқ ерларни забт этувчи шонли ёшларимизнинг бири бўлиб тайинланади. У ерда, асрлар бўйи одамзот қадами етмаган тоғ бағирларида экинлар бошоқлайди, йўллар ётқизилади ва шунда халқ: «Бу бизнинг овулимиз, бизнинг мактабимиз, бизнинг устахонамиз...» деб фахр билан тилга олади. Нурбек бу ҳақда ўйлар экан, унинг қўллари кучга тўлиб, ҳозироқ ишни бошлашга ошиқарди.

IV

Баҳор тоққа жуда кечикиб келди. Шудгордан ташқари, совхозда ишлар бошдан ошиб ётган эди. Техникага ёқилғи келтириш, ремонт устахонасини жиҳозлаш, уй, ошхона, ҳаммом қуриш ва бошқа қанчадан-қанча ишлар. Ахир янги, кимсасиз ерда ҳаммаси ҳам муҳим, ҳаммаси ҳам керак. Бирини қилдингми, орқасидан иккинчиси, учинчиси чиқаверади. Бироқ, механизаторлар

шудгор қилиб, экин экишни муҳим ва асосийси деб ҳисоблар эдилар.

Маълум бўлишича, бу кимсасиз, ёввойи тоғ оралиқларини инсон измига бўйсундириш шунчаки енгил бир иш эмас экан. Аммо мавжуд қийинчиликлар Нурбекнинг руҳини тушира олмади. У аввалгидай шошиб-пишган, қизғин ва серғайратлигича қолди. Бунга яна серзардалик, нима деса айтганини қилдира оладиган каби янги характер хислатлари ҳам қўшилди. У ҳамма ишни ўз қўли билан бажаришни, ўз дидига ўтирадиган қилиб адо этишни истарди. Агар, мабодо унинг қўл остидаги кишилардан биронтаси белгиланган топшириқни бажара олмаса, у бундайларга бўш келмасди: «Қанақа одамсан! – бақриб берарди у, одатдагидек, – шу оддий ишни ҳам уддалай олмаяпсанми?.. Сенга ўхшаганларни бу ерга ким юбора олиши мумкин... Қани нарироқ тур, ўзим қиламан!»

Нурбек қандай ишга киришмасин, уни албатта, охирига етказмасдан қўймасди. Афтидан Нурбексиз умуман бирон ишни бажариш мумкин эмасдай туюларди. Қачон қарама, белини маҳкам боғлаганича чопиб юради. Палаткаларни ҳам ўзи бузиб, бульдозерларни ўзи бошқариб боради, тоғлардан кўчиб тушган қор уюмларини кураб, устахонадаги станокларни ҳам ўзи монтаж қилади...

Фақат ёмғир узоққв чўзилиб, ишга чиқмай палаткаларга кириб олинган пайтда унинг бошига бирдан ғамгин ўйлар келарди. Унга шу нарса қоронғи эди: нега у ханузга қадар бирон киши билан яқиндан алоқа боғлаёлмади, нега унинг бемалол дардлаша оладиган самимий, дилкаш дўстлари йўқ? Ишда бўлса одамлар унга бўйсунди, ҳеч қачон айтганини икки қилмай, иззат-хурмат қилаётгандай бўлиб кўринади, иш куни тамом бўлдими, ҳатто у билан ҳеч ким гапиришмайди

ҳам... Шундай пайтларда Нурбек жомадондан фотосуратларни олиб, чироқнинг хира ёруғига тутиб узоқ вақт термилиб қарарди.

Ойнагул суратда ҳам чиройли эди. Фотосуратдан унинг севимли атири ҳиди анқиб турарди.

Ойнагул министрликда секретарь бўлиб ишларди. У юмшоқ йўлкалардан ва тўшаб қўйилган гилам устидан юришга кўникиб қолганиданми ёки туғма гўзалликми, унинг енгил ва оҳиста қадам ташлаб юришлари ғоят латофатли эди.

Нурбек кўриқ ерларга кетишга қарор қилганини айтиб, ёнидаги путёвқасини кўрсатганда, Ойнагул Нурбек кутганидек унинг бўйнига осилмади.

– Сен яхши ўйлаб кўрдингми? – сўради Ойнагул, пешанасини тириштириб.

– Ҳа, нима эди?

– Шундай ўзим... – деди ва секингина кўшиб қўйди: – Демак сен мени фақат сўздагина севар экансан-да... – Ойнагулнинг қалин киприклари ёш билан намланиб, кўзлари яна гўзаллик касб этган эди. Нурбек довдираб қолди, у буни кутмаган эди.

– Нима кераги бор буни, Ойнахон? Совхозга кетса мени эсдан чиқариб юборади, деб ўйламагин сен ва мен у ерларда сен билан бирга ҳаёт кечиришимизни орзу қиламан.

Албатта, Ойнагул кўриқ ерга бориш ҳақида тезда бир қарорга келмаган эди. Буни Нурбек ҳам унга маслаҳат солмаган эди. Аввало жойлашиб, уй олиш, кейин эса турмуш қуриш ҳақида сўз бўлиши мумкин эди.

Нурбекни кузатаётиб, Ойнагул унга ўзининг фотосуратини тақдим этди:

– Боравер, Нурбек, – деди у зарда билан лабларини чўччайтириб. – Биламан, агар ёдингга бирон нарса тушиб қолдими, сира ҳам фикрингдан қайтмайсан. Агар

у ер ёқмай қолса, ўзингни қийнаб ўтирма, қайтиб келавер, мен кутаман сени... Яна заводда гап қилишади, деб ўйлама, бунинг унча аҳамияти йўқ... Иш ҳамма вақт топилади... Ҳа, айтгандай, ҳар эҳтимолга қарши, тенти раб юрма, районда менинг тоғам ишлайди, мана унинг манзили. Тортиниб ўтирма, унга мурожаат қилавер, ҳамма-сига ёрдамлашади у...

Бироқ маълум бўлишича, Ойнагул унга адашиб бошқа адресни берган экан. Унинг тоғаси кўшни районда, жанубдаги довонда ишлар экан. Нурбек буни кейинчалик маҳаллий кишилардан сўраб билиб олди.

Совхоз кундан-кунга кўз ўнгида юксалиб, обод бўлиб бормоқда эди. Нурбек бўлса ҳамон ўша кунни – Ойнагул билан ўз тақдирини бирлаштирувчи порлоқ кунни орзиқиб кутаётган эди.

V

Тоққа баҳор анча кечикиб келади, уни орзиқиб кутиш керак, бироқ, у ўз хусн-жамолидан нишона кўрсатдими – дарҳол ер юзини гул ва кўкатлар сепи қоплаб олади.

Пастда, водийда майсалар униб чиқади, ниҳоллар қоматини ростлаб япроқ ёзиб, соя ташлай бошлайди. Ўшанда баҳор навбатни ёзга бериб, ўзи эса ер бетини чулғаб олган кўк-яшил тусдаги гулдор кўйлак барини кўтариб судраганича тоғ сари йўл олади.

Тоғ зонасининг баҳори ўзгача табиатга, ўзгача гўзалликка эга.

Эрталабдан қор ёғади, тушдан сўнг қуёш чиқиб, қорлар эриб буғланади, бир кунлик гуллар гуллайди, кечга келиб эса ер селгиб, ариқ ва жилғалар тун бўйи музлаб чиқади. Эртасига эрталаб чўққилардан қарасанг, кўз илғамас кенгликдаги нақадар мусаффо тоғ баҳорини кўриб, қалбинг қувончларга тўлади. Чарақлаб турган

осмон денгизида кичкинагина доғ ҳам кўринмасди. Ер эса ёшгина қиз каби ясанган – ям-яшил, шабнам билан ювилиб, гўё уялиб кулиб турарди... Агар қийқирсанг, овозинг узоқ вақт жаранглаб чексиз ва юксак тоғ тизмалари бўйлаб тоза ҳавода йироқ-йироқларга таралиб кетади... Ҳеч қандай қор ҳам, туман ҳам, ёмғир ва шамол ҳам баҳорни тўхтата олмасди, у яшил олов каби алангаланиб тоғдан-тоққа, чўққидан-чўққига ёниб ўтиб, тобора юқорилашиб, мангу музликлар сари бормоқда эди. '

Одамлар ҳамма ерда баҳорги экишни эртароқ тугаллаш билан банд. Тоғли ерларда эса бу, айниқса муҳим эди, муддатдан сал кечикдингми, экинлар пишиб етилмай қоларди ёки тунги совуқ уриб кетарди.

...Нурбек совхознинг узоқ участкаларидан бири – чегарадаги «Катта сойга» кечқурун етиб келди. У мотоциклдан тушмасданоқ, қия тепаликда тўхтаб қолган тракторни кўрди. Нурбек аччиқланиб тупуриб, мотоциклни ўчирди ва трактор томон югуриб кетди. Олисдан жаҳли чиқиб бақирди.

– Эй, сен тракторни нега ётқизиб қўйдинг! Яна синдирдингми?

Ёш тракторчи Жуман қўлидаги папиросни оёқ остига олиб тепкилаб ташлади.

– Тракторнинг ҳамма ери тахт! – ўзини оқламоқчи бўлгандай жавоб берди у. – Бироқ бу ерда ҳайдаш хавфли, оға.

– Нима деяпсан? – Нурбек унга томон ташланди. Сал бўлмаса мушти билан солиб юборгудай бўлиб. – Ақлинг жойидами сенн?

– Э-э... Ўртоқ механик, тушунасизми...

– Ҳа, аниқроқ қилиб гапир! Трактор қачондан бери юрмай турибди? Сенга айтяпман!

– Бир соатдан бери...

Нурбек мушти билан ҳавони кесиб:

– Ким рухсат берди сенга? Ким? Қандай аҳмоқ?

– Трактор ағдарилиб кетади деяпман-ку. Ишлаш хавфли!

– Қаёққа ағдарилади? Нега маҳмадоналик қиялсан?

Бунинг устига бригадир келиб қолди. Нурбек Трофимовнинг бошидан оёғигача ғазаб билан назар ташлаб олди ва афсуслангандай бошини чайқаб:

– Буни сиздан ҳеч қачон кутмаган эдим! Тракторнинг бўш турганлиги учун партбюрода жавоб берасиз!

Катта, кенг гавдали Трофимов, одати бўйича дағал мўйловини вазминлик билан силаб, бош ирғаб ҳаммасини маъқуллагандай:

– Тракторни тўхтатишга мажбур бўлдик, ўртоқ механик, – босиқ овоз билан гапирди у. – Кутдик, сиз ёки агроном келиб қолсаларинг, маслаҳатлашамиз деб ўйладик... Машинани ҳайдашга рельеф имкон бермайди. Нишаблик... Қияликни бир кўринг-а... Трактор сирғалиб тушиб кетиши мумкин, кишиларнинг ҳам бошига етишимиз мумкин! Сезяпсизми, тракторнинг қандай туришини!

Нурбек тракторга ўтириб олиб ён бағир муюшга бир қараб олди-да, шошқалоқлик билан кўл силтаб:

– Ортиқча эҳтиёткорлик! Бу ғилдиракли трактор эмас, занжир ғилдиракли тракторлар бу қияликлардан юраверади ва ҳеч қачон ағдарилмайди!

– Мен, худога шукур, тоғларда йигирма йиллар чамаси ишляпман, Нурбек Алиевич. Ҳар хил воқеалар юз берди! Сиз бўлсангиз ҳали бу ерларга янги кишисиз. Ишонинг менга, бу ерда трактор билан ишлаш мумкин эмас, жуда хавфли.

Менсимаслик ҳам эви билан-да! Демак бундан кўринадик, Нурбек ўз ишини эплаёлмаётган экан-да?! Бунинг устига яна Жуман бригадирнинг сўзларини маъқуллаб қўшиб қўйди:

– Бригадир тўғри айтади. Ҳақиқатан ҳам хавфли!

– Агар хавфли бўлса ўтовда, уйда ўтиравериш керак эди! – Тиш орасидан жавоб қилди Нурбек. – Кўриқ ерга кўрқоқларнинг кераги йўқ! Ўзингиз айтинг-чи ўртоқ Трофимов, партия бизни нима учун юборди бу ерга? Агар биз қандайдир кичкина бир тепаликка чиқишдан кўрқсак, топшириқни қандай қилиб бажарамиз!

– Йўқ, ўртоқ механик, – эътироз билдирди Трофимов. – Ўзини балога гирифтор қилиш эмас, балки оқилона иш тутиш керак. Ахир бу жиддий иш-ку.

– Сиз нимани таклиф қиласиз? Қўл қовуштириб ўтиришними?

– Нима кераги бор шунақа сўзларни, ўртоқ механик. Қачон биз қўлимизни қовуштириб ўтирибмиз. Бу ерни ҳайдаш ноқулай экан, бўлмаса бошқа ерга ўтайлик.

– Маслаҳатингиз учун раҳмат! Демак, биз ер ҳайдаш ўрнига, у ердан бу ерга кўчиб юришимиз керак экан-да? Бир дақиқа вақт ҳозир қанчалик қиммат эканлигини ўйлаб кўрдиларингми? Иккинчи бир ерга кўчиб ўтамиз дегунча ўнлаб гектар ерни ҳайдаб қўйиш мумкин. Қолаверса, сизларга яна шуни эслатиб қўйишим керакки, ҳаммамизда ҳам режа, график ва маршрут бор. Ўзбошимчалик қилишга ҳақимиз йўқ.

– Нега бундай экан, ўртоқ механик? Режага тузатиш киритиш мумкин эмасми? Мен сизга яна эслатиб айтяпманки, бу тик тепаликда тракторда юришни ҳеч ким хоҳламапти. Истаган кишингиздан сўраб кўринг! – деди Трофимов тўпланиб турган тракторчиларга ишора қилиб. Уларнинг биронтаси ҳам чурқ этмай турарди. Аммо қовоқ осиб туришларидан механикнинг айтган гапларини маъқул кўрмаётганликларини уқиб олиш мумкин эди.

– Ҳар кимнинг жони ўзига азиз, – деди Трофимов тракторчиларнинг фикрини ифодалаб, – бундай ёнбағирликларда ҳазиллашиб бўлмайди, ўртоқ механик!

– Нотўғри айтасиз! Сиз бошқаларни ҳам кўрқоқ қилиб қўйибсиз. Мен – совхознинг механигиман, қайси машинадан қаерда фойдаланишни менинг ихтиёримга қўйиб бераверинглар. Мен аминманки, бу ён бағирликни ҳеч қандай ҳадиксирамасдан ҳайдайвериш мумкин. Бўлмағур гапларга қулоқ солмаслик керак! Ўртоқ Трофимов, қийинчиликлардан қочиш керак эмас, балки курашмоқ керак.

– Қийинчиликлар сен яшаб турган замонга нисбатан мен босиб ўтган даврда кўп эди, ёш йигит! – бригадир тутақиб кетди, у Нурбек томон яқинлаб келаркан, ўзини ғазабдан аранг босиб кескин бурилиб одимлаб кетди. Унинг орқасидан бошқалар ҳам кета бошлади. Нурбек ёлғиз ўзи қолди. Бу унга жуда қаттиқ ботиб қалби алам ва изтиробдан ачишиб оғриётган эди. Нурбек ўрнидан сакраб туриб, Трофимовга етиб олди ва унинг енгидан ушлади:

– Мен сизга дарҳол тракторни юргизишни буюрман!

Трофимов Нурбекнинг бошидан оёғигача жимгина назар ташлаб олди-да, кейин ундан қўлини тортиб олиб, юришда давом этди.

...Аллақачон ярим кечадан ошиб қолган, тунамоқ учун баланд тоғ қоялари орасига булутлар сузиб келишмоқда, улар тўп-тўп бўлиб, ўзаро учишиб, эндигина уйқуга бош қўйган эдилар. Теварак-атроф сув сепгандай жимжитлик. Узоқ-узоқларда тракторнинг гуриллаган овози аранг эшитиларди. Бригададаги кишиларнинг ҳаммаси уйқуга кетган. Фақат Нурбек ухлагани йўқ. Аччиқ ва чидаб бўлмас алам ўтлари унинг қалбини тирнаб ўртаётган эди. У илондек тўлғаниб, сездирмасдан хўрсиниб, алланималар деб ғўлдирарди. Ҳа, Трофимов уни бугун шарманда қилди, бутун халқ ўртасида шарманда қилди! «Йўқ, бунга жим туриб бўлмайди! Нима

бўлса ҳам ўзининг ҳақ эканлигини исботлаши керак, фақат шундагина ўз обрў-эътиборини тиклаб олиши мумкин!»

Нурбек секин ўрнидан туриб овоз чиқармай палаткадан ташқарига чиқди. У ёқ бу ёққа қаради, ҳеч кимса йўқ. Ўғрилардек энгашиб, у нарига чопиб кетди ва жарлик соясида ғойиб бўлди.

Орадан бир оз ўтгандан сўнг, қия тепаликда, тракторнинг ёнида чўнтак фонари бир-икки ёниб ўчди ва бирдан тун тинчлигини бузиб, пулемёт отилгандай «тата-та-та!» деган овоз эшитилди. Бу тракторнинг овози эди. Орадан сал ўтмай, трактор бир меъёрда, сўник овозда тириллай бошлади. Бирдан чироқ ёниб, шу билан бир вақтда трактор ҳам ўрнидан кўзғалди. Нурбек ричагни босганича ҳаяжонланиб, илгарига тикилиб қарарди. Трактор тепалик бўйлаб юриб кетди.

«Ҳа, техника инсон қўл остида, фақат уни бошқара билиш керак, шунда у инсон қўли қаерни кўрсатса ўша томонга кетаверади. Бунинг учун эса ботирлик, жасурлик ва қатъийлик керак! Мана бунинг яққол мисоли – бошқалар журъат қилолмаган ердан тракторни Нурбек ҳайдаб бормоқда!»

– Йўқ, трактор қулаб кетмайди! Бу беҳуда гап. Сизлар учун энди қизаришга тўғри келади! – хитоб қиларди Нурбек, ҳаяжонидан титроқ босиб.

Трактор ҳақиқатан ҳали тиқ тепалик сари юриб бораётган эди. «Улар нимадан кўрқишди? – ўйлади Нурбек. – Тўғри, ҳадеб бир томонга энгашиб ўтиравериш у айтгандай осон гап эмас экан, аммо бу сал нарса, чидаса бўлади!»

Олдинда ясси дўнглик кўринди. Трактор радиатори билан юқорига кўтарилди, у ҳозир ағдарилиб кетаётгандай, бироқ Нурбек тракторнинг юриш тезлигини ошириб, бир зарб билан бу дўнгликни ҳам босиб ўтди.

Картанинг охирига етиб тракторни орқага бурди. Энди Нурбек ғалабага қатъий ишонч ҳосил қилган эди:

– Мен сизларга кўрсатиб қўяман, ким эканлигимни!
– қичқирди у чираниб, бадхоҳлик билан. – Эрталабгача бу қия тепаликнинг ҳаммасини ҳайдаб қўяман, агар зарур бўлса, бу тоғларнинг ҳаммасини чўққилари билан бирга қўшиб ҳайдаб ташлайман! Эртага кўриб ишонч ҳосил қиласан, Трофимов, қайси биримиз ҳақ эканлигимизни!

Нурбек иккинчи кругни ҳам босиб ўтди. Ўзида мислсиз куч пайдо бўлганини ҳис қилди, кўз ўнгида гўё трактор билан бирга қўшилиб қудратли пўлат гавда тургандай туюлди.

Олдинда яна тепалик кўзга ташланди.

– Ҳечқиси йўқ! – Ўзини тинчитарди Нурбек.

Трактор зўриқиб-бўкириб юриб бораётган эди, бирдан ёнбошга қараб оға бошлади.

– Ҳечқиси йўқ! – ўзига далда берарди Нурбек... Қўли ричагда, учинчи скорость... Лаънати трактор бўлса, ҳамон инграб-бўкирганича қийшайиб, оғиб бораётган эди. Тракторни эпчиллик билан бирдан юқорига буриб олиш керак эди, акс ҳолда у ағдарилиб кетарди! Нурбек олдинга ташланиб, ўнг томондагн ричагни куч билан ўзига тортди. Трактор занжирли ғилдираклари билан тупроқ ичида кескин бурилди ва бундай тепаликда юришга қодир эмасдай тумшуғини осмонга кўтарганча туриб қолди. Нурбекнинг бошига гуп этиб қон урди: «Нима қилиш керак? Тезроқ моторни ўчир! Қани, тезроқ! Мотор жимиб қолди! Нима қилиш керак?»

Бироқ энди кечикилган эди. Тўхтаб қолган трактор шу заҳотиёқ ғижирлаб овоз чиқариб, секин-аста плугни остига олиб эзиб, орқа томон тисланаётган эди. У энди ағдарила бошлай деган эди, Нурбек кабинадан сакраб тушди. Кейинги воқеалар эса ана-мана дегунча бўлиб

ўтди. Трактор пастликка томон тезлашгандан-тезлашиб думалаб бораётган эди. Тоғ этагига етганда кучли зарб билан қояга бориб урилди.

– А-а-а-а! – деб бақириб юборди Нурбек, лекин у ўз овозини эшитмасди. Трактор катта тошга бориб урилиши билан лоп этиб олов чақнади, қоя ва машинадан отилиб чиққан парчалар ҳуштак чалиб атрофга сочилиб кетди. Ер ларзага келиб шу зақотиёқ ҳамма ёқни бирдан зулмат қоплаб олди.

Нурбек оёқ яланг, кўйлакчанг, қўлларига фонарь кўтариб чопиб келаётган одамларни кўрди. У гўё ер сурилиб чўкиб бораётгандай бир депсиниб олди. Одамлар бўлса яқин келиб қолишган эди, кўрқинчли бақириқ-чақириқ овозлари эшитилмоқда эди.

– Нега сакрадим, мен? – Даҳшат ичида шивирлади Нурбек, – трактор билан бирга мажақланиб кетсам бўлмасмиди?

У қочишга жой тополмай гангиб турди-да, сўнг ҳовлиқиб, ўқдай югуриб кетди.

Нурбек орқасига қарашга ботинолмасди. У бошини елкалари орасига олиб, қўли билан яширар, қоқилиб кетиб, гурсиллаб йиқилиб тушар ва шу заҳотиёқ яна ўрнидан сакраб туриб, қуён каби ғизиллаб чопарди.

«Тезроқ! Тезроқ югур! Ётиб қолишди. Эшитяпсанми» «Ушла, ушла!.. Хоинни тут, маҳкамроқ ушла!..» деган овоз эшитилди.

Нурбек бор кучи билан қочарди. Унинг кўзига ҳеч нарса кўринмасди, ўнқир-чўнқир демай чопиб борарди. Аммо оёқ, бу лаънати оёқ худди балчиққа ботиб қолгандек ердан ажралмасдан бир-бирига ўралашиб, нафас олиш ҳам оғирлашиб, аъзойи бадани ёниб ачишарди. Нурбек тоқат қилолмасдан кўйлак ёқаларини йиртиб юборди.

Эрталабдан икки бургут кўкда парвоз қиларди. Аҳён-аҳёнда эринчоқлик билан қанот қоқиб қўяр ва яна юксакликда айланиб юрарди. Улар чамаси таранг ва эгилмас қанотларини сал-сал тебратиб, ҳавода енгил ва эркин парвоз қилиб юришган эди.

Бу чексиз бўшлиққа фақат бургутларгина ҳукмрон эди. Улар бу ҳокимликка монанд ҳаракат қилгандай вазмин ва осойишта учишарди. Тоғи тошлар ҳам, қорлар ҳам, дарёлар ҳам унинг кенг қаноти остига жо бўлган. Улар ер юзида бўлаётган жамики нарсаларни, ҳатто майда заррачаларга қадар равшан кўриб турадилар.

Мана, тоғ оралиғида аллақандай кўғирчоқ катталигидаги махлуҳ иайдо бўлди.

«...Одам! Қара, одам-ку!» – қағиллаб товуш берди бургутлардан бири. «Кўряпман, бу одам!» қисқагина жавоб қилди иккинчиси.

Сойликда одам пайдо бўлди, аммо бургутлар ҳамон вазмин ва осойишта парвоз қилишарди. Одамнинг пайдо бўлиши уларни ҳеч ҳам безовталантирмади. Ахир, у қушларнинг уясини буза олармиди? Йўқ, бу одам ўз соясидан ўзи қўрқади. У қочоқ ёки бўлмаса қандайдир йўлдан адашган бахтсиз бир киши. Бу унинг ишончсизлик билан омонат қадам ташлашидан, дайдиб юришу, кўрқув аралаш кўз қарашларидан аниқ сезилиб турарди. У тез-тез сесканиб тушар, атрофга аланглаб қараб, яна жим қолар эди. Бундай киши чиқиб бўлмайдиган қоялардаги бургут инларига етиб бориб, улар билан яккама-якка кураша олармиди? Бу кишида мақсадга эришиш учун куч ва ирода бормикин, дадил курашишга қодир эканмикин! Йўқ, бургут уясига қўл солмоқ учун у кишининг ўзи ҳам довярак бургут бўлмоғи керак! Ҳа, ғалаба очик курашда ҳал бўлади. Бургутлар юзма-юз олишишни ёқтиришади. Душман уларнинг

уясига қўл солмоқчи бўлиб ннтилганда, улар душманга қарши: «Тўхта! Орқангга қайт!» деб қичқиришади, сўнг дарғазаб бўлиб қур-қурлашиб «Тайёр бўл!» – дегандай бир бирларига хабар қилишади-да, чексиз баландликдан тош каби қуйига отилади. Улар шувиллаганча ҳаво бўшлиғини ёриб ўтиб, душман кўкрагига чангал уради-да, уни ўлим ҳолатига келтиради. Сўнг бургутлар ўз инлари тепасида узоқ айланишиб, гоҳ қувонч билан, гоҳ ғазаб билан, гоҳда эса ачиниш билан анча вақтгача қур-қурлашиб айланиб учиб юришади...

Бу одам бўлса бундай жангни хаёлига ҳам келтирмасди, у ўз йўлида давом этаётган эди.

Кун ярим бўлганда у киши катта довонга етиб олди. Унинг узоқлашиб, тезда кўздан ғойиб бўлиб бораётганини кўрган бургутлардан бири: «Одам кетди!..» деб қур-қурлаганида, иккинчиси ҳам унга «Кетди», деб қисқагина жавоб қилди.

VI

Нурбек довон тепасига чиқиб олгунча чарчаб қолдан кетган эди. У қалин қор кечиб, балки ҳали ҳеч қачон инсон оёғи етмаган ерларда юриб бормоқда эди. Довондан кучли ва муздек шамол эсарди. Мана унинг туз тотмаганига бир сутка бўлай деб қолди. Иложи борича тезроқ тушиш керак, балки водийда чорвадорларнинг ўтовига дуч келиб қолар. Довондан бутун тоғ манзараси кўзга яққол ташланиб турарди. Пастда, катта дарё оқмоқда. Бироқ Нурбек у ерда инсон яшаганлигини кўрсатувчи бирор белгини учратмади. У мадорсизланиб, секин тошга ўтирди-да, қўли билан юзларини беркитди. «Бу хувиллаб ётган нотаниш тоғларда одам қардан бўлсин! – ўйларди Нурбек. – Наҳотки, фақат мен каби аҳмоқлар яшаса!» – у бошини яна ҳам қуйи солиб кўзларини беркитиб олди...

Кучли эсаётган шамолдан олов ё ўчиб қолиши, ёки яна ҳам алангаланиб ёниши мумкин. Аввалги қизишиб ёнган Нурбек ҳозир мойи тамом бўлиб қолган чироқ каби сўниб қолган эди. Энди у – қочоқ, бир бурда нон ҳақида, ўзини ҳимоя қилиш ҳақида хаёл сурувчи, хилват жой топиб, ўт ёқиб жон сақлашни ўйловчи киши.

«...Ойнагулимнинг тоғаси қаерда яшаркин?» «...Раёнга қачон етиб оламан? – ўйларди Нурбек. – Айтишларига қараганда мана шу довондан кейин яна икки кунлик йўл. У ерга етиб борсам, озроқ бўлса ҳам, ундан пул қарз оламан-да, шаҳарга қайтаман ва Ойнагул олдида, энди кўриқ ер ҳақида, ҳатто оғиз ҳам очмайман!» деб қасам ичаман.

Нурбек ўрnidан турди ва пастга, дарё томонга қараб секин юра бошлади. Довон тепасидан пастга тушиш унчалик қийин эмасдай, ҳаммаси кўзга ташланиб турарди. Лекин у бир мунча вақт ўтгандан кейин, ўзини устма-уст қалашиб ётган қоялар орасида кўрди ва кўзига шу улкан тошлардан бўлак атрофда ҳеч нарса кўринмасди. Нурбекни ваҳима босди. У бу тошли қоялардан тезроқ чиқиб олишга интилиб, деярли югуриб борарди. Ана-мана дегунча қоронғилик тушиб, кеч кириб қолган эди. Нурбек бошини кўтариб қаради, тепасида қовоқ осиб турган паст булутларни кўрди. У юришини яна тезлатди. Момақалди роқ гулдуради, тошларнинг устига йирик-йирик ёмғир томчилари шитирлаб туша бошлади. Кейин изғирин шамол эсиб, унинг орқасидан кучли дўл ёғиб селга айланди. Осмонни қалин булут қоплаб олиб, у намликни сўриб олаётгандай оғирлашиб, пастга томон яқинлаб келганди. Ҳамма ёқни зулмат қоплаб олган. Нурбек ўзини қаерга олиб қочишни билмасди. Қулайроқ жой топиб олиш учун олазарак бўлиб безовталанарди. Яшин эса у қаерда, қай аҳволда дегандай қизиқиб, ёнгинасидаги қоялар ичига ёриб ки-

риб, еру кўкни бир дақиқа ёритарди. Гўё дев қаҳ-қаҳа уриб кулгандай момақалди роқ гумбу рларди.

Нурбек бутунлай ўзини йўқотиб кўйди. У қаерга бо-ришини, нима қилишини билмасди. Чўққидан кўчиб кетган улкан тош гулдураб шовқин солиб Нурбекнинг боши узра юмалаб келаётган эди. Унинг изидан эса яна бир қанча тошлар кўшилиб, йўлда учраган нарсаларни эзиб-янчиб борарди. Нурбек орқасига тисарилди-да, пастга томон учиб кетди...

VII

Орадан бир неча кун ўтгандан сўнг Нурбекнинг биринчи марта ҳовлига чиқиши эди. Бироқ унинг шикастланган оёғи ҳали ҳам оғриб турарди. Нурбек оқсоқла-ниб юрар, йўтали ҳам ҳали қолганича йўқ.

Тўпланишган ва кириб-чиқиб юрган кишилар Нур-бекка ўша машъум воқеани ҳеч қачон эслатмасликка аҳдлашиб олгандек эдилар. Сўз очиш пайти келиб қол-ганда ҳам, унинг олдида шу вақтга қадар бу хусусда гапиришганларини эшитмади. Тўғри, Ася ўз фикрини тўғридан-тўғри унинг юзига айта қолди:

– Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда, бундай қил-маган бўлардим! Кимки масъулиятдан кўрқар экан... – Ася айтмоқчи бўлган фикрини охиригача гапиролма-ди ва Нурбекка аянчли ҳолатда қаради-да, чуқур нафас олди. – Сиз ҳаммасини очиқ гапириб бердингиз, мен сизнинг шундай қила олганингизга сира ишонмайман!..

Нурбек ўзини бир оз тетикроқ ҳис қилди. «Ася мени тўғри тушунди, – деб ўйлади у. – Демак, мен у айтган-дай ёмон одам эмас эканман-да. У менга ишонади. Бошқаларга ҳам ишонармикан?» Лекин бир зумдан ке-йин унда яна бошқача фикр туғилди: «Нега улар хабар қилишиб, мени тутиб беришмади? Ёки улар менинг соғайишимни кутишаётганмикин? Менинг жиноят-

чи эканлигим нотўғрими, ахир? Ҳа, мен тамом бўлган одамман! Менга раҳм-шафқат қилиб туришга ўрин йўқ, мен жазога тортилишим керак!..» Ойнагул ҳақида ўйлаганида миясига яна бошқа фикр келди: «Йўқ, мен бу ердан тезроқ кетишим керак. Бундай ҳаёт жонимга тегди. Ойнагулнинг олдига қайтиб бораман, у билан тинч ва бахтли ҳаёт кечирамиз».

Нурбек кечалари кўз юммай, рўй берган воқеани кишиларга қандай тушунтиришни, ўша пайтда моторнинг нега ўчиб қолганини ўйлаб ётарди. Оддий тракторлар баланд тоғли ерларда ишлай олмаслиги аниқ. Унда тоғли районларда ишловчи тракторларни такомиллаштириш борасида қандайдир фикрлар мавжуд... Ҳа, энди бунниг нима кераги бор... У энди ишга яна қайта оладими, кишиларнинг юзига қандай қарайди?

Ҳар куни эрталаб Ася билан гидротехник Бектемир йўғон сим арқонга ўрнатилган люлькага ўтириб лебедканинг иккала томонидаги чиғириқни айлантириб, трос бўйлаб бир зумда дарёнинг нариги томонига ўтиб олишарди. Кейин улар дарё соҳили бўйлаб, юқорига, Байдамтолнинг қорли ҳавзалари томон кетишарди. Ася у ерда ўзининг кузатиш ишларини олиб борарди. Нурбек уларни, то дарёдан ўтадиган ергача кузатиб қўйиб, сўнг ўзи орқага қайтарди. У қарийб бутун кунни Асилбой билан бирга ўтказарди. Чол, ўғли Бектемирга сира ҳам ўхшамасди. У жуда улфат, гурунг қилишни яхши кўрадиган одам эди. Унинг ёши етмишларга бориб қолган бўлса ҳам, эртадан кечгача тиним билмасди, қачон қараманг ғивирлаб, хўжалик ишлари билан банд бўларди. Бу новча, қотма ва бир оз букчайган чолнинг кўзлари худди ёш болаларнинг кўзларини эслатарди. Афтидан улар қандайдир янги, ажойиб нарсалар излаётгандай оламга завқ билан боқарди.

Бугун Асилбой унинг қўлидан ушлаб олди-да, сирли қиёфада: «Юр-чи бу ёққа, сенга бир нарсани кўрсатаман», деди. У Нурбекни унча катта бўлмаган тепаликка олиб чиқди. Тепаликнинг қуёш тушиб турадиган томонига бир қанча ёш олма дарахтлари экилган. Ниҳолларнинг бирида пушти гул очилган эди.

– Бу биринчи очилиши! – деди шивирлаб Асилбой. – Ниҳолларни шаҳардан Асянинг ўзи олиб келган. Ўшанда мен ҳайрон бўлиб, қизим, буларни нега олиб келдинг? Улар бу ернинг совуғига бардош бера олармиди? Бекор овора бўлибсан, қизим, улар бу ерда яшай олмайди! – десам, у: «сиз қаердан биласиз, нега ундай деяпсиз? Синаб кўриш керак, ўрганиш керак», – деди. Ўшанда мен роса уялиб қолган эдим... Мана, энди кўряпсанми, орадан икки йил ўтди... Биринчи нишона кўрсатди... Ася ҳали буни билмайди. Кўрса борми, қувончдан боши осмонга етади... Бўлмасамчи, бу чакана иш эмас-ку... Байдамтолга кишилар кўчиб келганда, уларнинг боғ-роғлари бўлади!..

Эрталаб, қуёш тоғ тизмаларидан эндигина мўралаб, унинг нурлари дарё юзидаги енгил туманга қадалганда, Нурбек, ҳар галгидек, Асяни дарё ёқасига кузатиб кўйишга чиқди. У Асянинг Байдамтолга яқинлашганда ҳар гал ҳам нимадандир ҳаяжонланишини энди аниқ сезиб олди. У бирдан хушёр тортиб, бошини секингина юқори кўтариб олиб, Нурбекни ортда қолдирганча соҳил сари чопиб кетарди. У дарёнинг қирғоғида ярми сувга ботиб турган харсанг тошни яхши кўрарди. У тош олдига ғизиллаб чопиб борарди-да, унинг бир чеккасида туриб, қуёшнинг дастлабки нурларини қаршилаганча, дарё сувининг оқишини ҳавас билан тингларди. У одатдагидек Байдамтолнинг тўлқин отиб, елиб-югуриб оқишини кўрсатиб, ниманидир айтиб қичқирарди. Лекин унинг сўзлари эшитилмас, товушини дарёнинг

шағиллаган овози босиб кетарди. Баъзан унинг сўзлари узуқ-юлуқ қулоққа чалиниб қоларди: «Эй-й-й! Нурбек!.. Қара... Байдамтол...»

– Нима деяпсан? Эшитилмаяпти, Ася!

Қиз кафтларини бир-бирига уриб, чапак чалиб куларди.

Лекин Ася бугун ўша тош томон югурмади.

– Балки, сен зерикаётгандирсан, Нурбек? – деди ва тўхтаб Нурбекнинг кўзларига диққат билан боқди. – Сен у китобни ўқиб бўлгандирсан? Бутунлай соғайиб кетганингдан кейин, биз билан қояга чиқасан. Мен олиб бораётган тажрибаларимни сенга кўрсатаман. У ерда кўп ажойиб нарсаларни кўриш мумкин. – Ася ўйла-ниб турди-да, кейин қўшиб қўйди: – Бугун эса сен Герценнинг «Ўтмиш ва ўйлар» деган китобини топиб ўқи, у менинг севимли китобим. Мен курашчиларни, юксак мақсад сари интилувчи, кучли кишиларни севаман!

– Маъқул, Ася.

Ася яна бир нималар демоқчи эди-ю, лекин улар дарё ёқасига етиб қолишганди. Нурбек унинг люлькага чиқиб олишига ёрдам берди.

– Биз тезда қайтамиз! – қичқирди қиз. Улар дарёнинг нариги соҳилига ўтиб олгач, Ася Нурбекка қараб: «Уйга бор! Бу ерда турма! Шамоллаб қоласан!» дегандек қўл силтади. У узоқлашаркан, йўл-йўлакай яна бир неча бор тўхтаб, унга қўл силкиб қўйди.

Нурбек уларнинг муйилишдан ўтиб, кўздан ғойиб бўлиб кетгунга қадар дарё бўйида кутиб турди. Кейин у орқасига қайтиш ўрнига, тош қия бўйлаб, дарё ёқасига тушди ва сув бўйидаги тошга бориб ўтирди.

Байдамтол одатдагидек шовқин солиб, ҳайқириб оқарди.

Дарёнинг қирғоқ билан туташган саёз еридаги кичик-кичик тўлқинлар Нурбекнинг оёғига қадар ўрма-

лаб келарди. Гўё улар Нурбекка: «Кет, яқинлашма!» дегандек туюларди. Нурбек кўзғалмай ўтираверди. Ғабланган тўлқинлар унинг этигига лойқа кўпик қолдириб бориб келарди. Нурбек кулимсираб қўйди.

Байдамтол дарёси тизма тоғлардан бошланади. У ерлар мангу қор ва музликлар билан қопланган. Агар инсон мангу музликларни эритишни эплай олганда эди, Байдамтолни ҳам бошқара оларди. Бу ҳали муаммолигича қолиб келмоқда, аммо кимки бу масалани ҳал қилишга бел боғлаган экан, у ҳақиқий жасур ва ботир инсон саналади.

Нурбек ўрnidан туриб, ҳаяжонланган бўйича дарёнинг сув ялаб кетган саёз еридан юриб, Байдамтолнинг шиддатли оқишига назар ташлаб борарди.

Ася бу тўғрида ҳикоя қилганда бутунлай ўзгариб кетарди. Унинг осойишта, ўйчан кўзлари чақнаб, ғайратга тўлиб алланималар ёрқин кўринаётгандай туюларди. «Сен бир кўз олдингга келтириб кўр-а, Нурбек! Шундай бир вақт келадик, деҳқонларимиз қизиби-ёниб ётган ҳаводан раҳм-шафқат сўраб, илтижо қилиб ёмғир кутмайдилар. Дарё оқимини ўз измига бўйсундирган инсон далаларга қанча сув керак бўлса, шунча сувни етказиб беради».

Кекса Асилбой эса Байдамтолнинг келажаги ҳақида гап кетганда, ёқасини ушлаб ҳайратланарди.

– Вой, тавба! – дея бошини чайқарди, – ҳозирги ёшларнинг қилаётган ишининг чегараси йўқ! Сен бир ўйлаб кўр-чи, улар шундай катта ишларга қўл уришяптики, асти қўяверасан! Худо насиб қилса, Асямиз айтганини қилади. Муқаддас кишилар йўқ дейишади, аммо у, менинг назаримда, кишилар учун муқаддас бўлиб қоладиганга ўхшайди... Қор ва сувларни ўз ҳукмига бўйсундирмоқ ҳазилакам ишми?! Кулганлар кулаверсин, лекин мен Асяга ўхшаган ёшларимизнинг ҳар қандай

ишларни амалга ошира олишига ишончим комил. Кимки халқ учун, халқ йўлида хизмат қилар экан, у ҳар доим ўз муддаосига эришади... Унга халқ кўмакдош бўлади...

Нурбек осма кўприк олдига келганда тўхтаб қолди ва: «Ася тезроқ қайтса эди! Вақт мунча секин ўтяпти-а», – деб хаёл суриб қолди. Лекин ўз фикридан ўзи чўчиб кетди. У Ася ҳақида кўпдан бери ўйлаётганини эслаб қолди. «Нега? – ўзидан-ўзи сўради Нурбек. – Наҳотки Асяни севиб қолган бўлсам? Нима, сен ақлдан озиб қолдингми, бундай бўлиши мумкин эмас! Мен унинг тўғри-сида шунчаки ўйлаяпман, бу менга шундай туюляпти! Муҳаббат бундай келмаса керак. Мен уни жуда ҳурмат қиламан, ўз туғишган синглим, ўртоғимдек ҳурмат қиламан, лекин бизнинг ўртамизда севгининг бўлиши мумкин эмас... Ҳа, шундай! Жим бўл, эсингдан чиқар, хаёлингга ҳам келтирма бун!»

Аммо улкан тошнинг кўчмоғи учун биргина кичик тош ҳам сабаб бўлаверади. Нурбек неча бор Ася тўғри-сида ўйламасликка ҳаракат қилиб кўрди. Лекин бундан ҳеч нарса чиқмади. Аксинча, қиз ҳақидаги хаёллари қайта-қайта такрорланаверди. У нима қилишини билмасди. Нурбек беҳуда чўчиб тушмаган эди. «Асилбойнинг ёнига бориб, у ёқ бу ёқдан гаплашсам, балки ўтиб кетар», – деган қарорга келди. Лекин чол билан унинг бугунги суҳбати сира ёпишмади.

– Нима бўлди бугун сенга, ёки бирор нарсангни йўқотдингми? – деб сўради ҳайрон бўлиб, Асилбой йўнилган ғўлачаларни бир томонга олиб кўяркан, ҳажонланган Нурбекка диққат билан кўз тикиб.

– Йўқ! – Нурбек пўнғиллаганча хонага кириб кетди. У Герценнинг китобини олиб икки саҳифа ўқиди, кейин уни ёпиб қўйиб, деразадан тоққа томон тикилиб қолди. «Шу тобда ниманидир йўқотгандайман! – деди овоз чиқариб Нурбек. – Нима эди бу, қизиқ, эслаш керак!» Шу пайт:

– Ася қачон қайтаркин-а? – деган савол унинг оғ-
зидан беихтиёр чиқиб кетди. – Бас! – Нурбек столни
мушти билан урди. – Унинг ҳаёти ва ишига халақит
беришга сенинг ҳақинг йўқ! Бундай қила кўрма, унинг
тинчлигини бузма.

Нурбек уйдан отилиб чиқиб, яна дарё томон йўл
олди. У сув ялаб турган ўша саёз ердаги тошга ўтирди
ва қўллари билан бошини қисди.

«Севаман деб айтишга қандай тилинг борди! – ўйла-
ди Нурбек. – Ася бу кимсасиз тоғларда халқ учун бебаҳо
иш қилиш истаги билан яшамоқда... Сен-чи, сен ким-
сан? Ася мени ҳеч қачон севмайди, албатта! Унинг учун
бошқа, ўзига муносиб кишилар бор!..»

Тўлқинлар, Нурбекнинг оёғига келиб урилган тўлқин-
лар яна «Кет, йўқол бу ердан!» – деяётгандай туюлди.

VIII

Тун. Дара зулматдай қоп-қоронғи. Тоғларнинг тепа-
сида ғуж-ғуж юлдузлар чақнамоқда, улар гўё атрофи-
ни кул босган лахча чўғ сингари эди. Пастда эса тиним
билмай Байдамтол ҳайқирарди.

Нурбек эшикдан чиққанда, дара бўйлаб эсаётган ша-
мол унинг қалпоғини учириб кетди. У қалпоғини ердан
олиб босиброқ кийиб олди-да, осма кўприк томон шо-
шилиб юриб кетди. У кўприк олдига келиб, жимгина
туриб қолди ва ўгирилиб қаради-да:

– Хайр, Ася! Индамасдан кетиб қолганим учун жаҳ-
линг чиқмасин. Шундай бўлгани маъқул.

Нурбек люлькага чиқди.

Асилбойнинг айтишига қараганда, дарёнинг нариги
соҳилига ўтиб олиб, оқим бўйлаб пастга томон юрилса,
кейин дарага бурилиб довондан ошиб ўтгач, тош йўлга
икки суткадан кейин чиқиб олиш мумкин бўларкан. У ер-
дан эса катта йўл орқали тўғри шаҳарга бориш мумкин.

Нурбек люлькага жойлашиброқ ўтирди ва чиғирни айлантира бошлади. Роликлар ғижирлаб люлька ўрнидан кўзғала бошлади. Люлькани силжитиш унча осон эмас экан: чиғир икки кишига мослаштирилган эди. Нурбек ўзини тезда толиб қолгандай ҳис қилди. У нафасини ростлаб олиб, люлька бортидан пастга қаради, кўрққанидан кўзларини юмиб, чиғирнинг тутқичига янада маҳкамроқ ёпишиб олди. Пастда қандайдир ақл бовар қилмайдиган алланарсалар кўзга ташланарди. Жарлик қоронғи, паст-баланд қирғоқларга урилиб, кўпириб, даҳшат билан гувилларди сув. Гўё дара тун зулмати билан курашаётгандек. Улар бир-бирини шапир-шупур сувга босишар, лекин иккаласи ҳам бир-бирига бас келолмаётгандай туюларди. Нурбек пастга бошқа қарамасликка қарор қилди ва чиғирни иложи борича тезроқ айлантирди. Мана, у ярим йўлни босиб ўтди. Дарёнинг нариги соҳили равшанроқ кўрина бошлади. Нурбек жуда чарчаб қолган бўлса ҳам ўзига сира дам бермасди. Яна бир зўр берди ва... нимадир қарсиллаб кетди. Чиғириқ секинлаб, люлька шу жойидаёқ тўхтаб қолди, Нурбек ўрнидан туриб, тросдан чиқиб кетмадимикин деган хаёл билан роликларни пайпаслаб кўрди, аммо ҳаммаси жойида эди. Нурбек кўл фонарни ёқиб чиғирни кўздан кечирди ва ҳолсизланиб ўтирғичга ўтириб қолди.

– Нима қилиш керак? – ғўлдиради у.

Кейин билса, трос ўраладиган барабаннинг ўқи синиб кетган экан. Бу чиғирни бир томонлама айлантириш туфайли юз берган экан. Агар асбоб бўлганда эди, уни тузатиш унча қийин эмасди. Лекин уни қаердан олиш керак? Люлька қутурган дарёнинг қарийб қоқ ўртасида тўхтаб қолган. Нима қилмоқ керак? Бу туришда эрта тонггача ҳавода лақиллаб ўтириш мумкин, аммо эрталаб... эрталаб бу ерга Ася билан Бекте-

мир келади. Бу эса уят, шармандалик-ку! Уларга шу аҳволда кўрингунча ўлган яхшироқ. Нима бўлса ҳам дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб олиш ва тезроқ бу ердан йўқолиш керак.

Нурбек люлькани қолдириб, юқориги осифлиқ тросни ушлаб қирғоққа ўтишга жазм қилди. Ҳа, ҳа, худди шундай қилиш керак, фақат юқори трос билан қуйи трос ораси унинг бўйидан баланд бўлмаса бўлгани, акс ҳолда юқориги тросга осилиб, оёқ ости таянчсиз қолиши мумкин.

Бироқ уят ўлимдан қаттиқ!

Нурбек ўрnidан туриб, тросни икки кўллаб ушлади ва люлька бортидан чиқди.

Унинг қулоғига дарёнинг шағиллаган овози эшитилар, айниқса, юрагининг гупиллаб уриши аниқ сезилиб турарди. Бахтига трослар ораси айна мақсадга мос экан. Фақат кўли толиб чиқиб кетмаса бўлгани, жуда оз, тўрт метрча қолди! Сим тилиб кетган кафтлари қонаб, ловиллаб ачишаётган бўлса ҳам, шошма, секин ҳаракат қил!

Мана, қирғоқ. Нурбек сакраб ерга тушди.

– Ўтдим! Ўтиб олдим! – хурсанд бўлганидан қичқириб юборди ва ерни ҳидлаб меҳр билан шивирлади: – Ер, ер! Энди истаган жойга бора оламан.

Нурбек бир сакраб оёққа турди ва катта-катта қадам ташлади. У осма кўприкка қараб олиш учун бир зум тўхтаб, жойида донг қотиб қолди, даҳшатли хаёлдан нафаси ичига тушиб кетди. Кошки ҳеч нарса юз бермаган бўлса, фақат люлька ўз ўрnidан силжиб, ёлғиз чўққайиб дарё устида тебраниб қолган бўлса.

– Бу қандай бўлди? – бўғиқ овоз билан шивирлади Нурбек ва ҳаяжон билан қоронғиликка тикилганча олға ташланди. – Бу нимаси, чиғирни синдириб кетяпманми? Улар мени ўлимдан сақлаб қолди, даволашди,

мен бўлсам миннатдорчилик билдириш ўрнига зарар келтириб қочяпман!

Нурбек ерга ўтирди, қўллари билан бошини ушлаб кўзини юмди. У эртага нима бўлишини тасаввур қиларди.

...Эрталаб гидрологлар осма кўприкка келишади ва люльканинг дарё ўртасига бориб қолганлигини кўришади. Демак, кечаси кимдир ундан фойдалангану сўнг шу бўйича ташлаб кетиб қолган. Бироқ бу ким бўлиши мумкин? Ўзимизникиларнинг ҳаммаси шу ерда. Эҳ-ҳа, Нурбек қаерда?.. Тушунарли!.. Бўлмасачи, унинг йўли ҳам шу ёқдан... Лекин ҳар қандай шароитда ҳам ишни бир дақиқа кечиктириш мумкин эмас!.. Улар қирғоқ чиғири ёрдами билан люлькани тортиб олишга ҳаракат қилиб кўрадилар. Лекин у ўрnidан қимирламайди, чунки силжитувчи трос синиб қолган барабанга маҳкам ўралган. Улар арқон кўприкнинг ишдан чиққанини кўриб қаттиқ хафа бўлишади. Буни ким қилди? Аблах, Нурбек!

– Мен ундан ҳеч қачон буни кутмаган эдим! – паст овоз билан дейди Ася лабини тишлаб.

– Ҳа уйинг куйгур, зоти паст! Нима қилиб қўйдинг-а? – оғир хўрсиниб олади Асилбой.

– Мен ўлдираман бу дайди итни! – отилади Бектемир ердаги тошни олиб.

Хўп, кейин-чи, кейин нима бўлади? Ася ҳеч қачон ўз ишини тўхтатмайди. Бироқ у нима ҳам қила оларди? Фақат биргина йўл бор. Асбоб топиш керак-да, тросдан яна люлькага қайтиб бориш керак. Лекин бу айтишга осон, шунча масофани трос бўйлаб босиб ўтиб бўлармиди, ахир у қирғоқдан то люлькага қадар ўттиз метрдан кам эмас, агар қўлинг бўшаб кетса борми, ўлиш ҳеч гапмас. Байдамтол шу заҳотиёқ оқизиб тошларга олиб бориб уради, ҳа, уларнинг қайси бири бундай хавфли ишга бориши мумкин? Ася! У ҳеч нарса олдида тўхта-

майди, у ишнинг бир дақиқа ҳам тўхтаб қолишига йўл қўймайди!..

– Йўқ, мен уни ҳалокатга итармайман! – Нурбек ўр-нидан ирғиб туриб, осма кўприк томон зинғиллаб чо-пиб кетди. У ҳали чиғирни созлаш учун қандай тадбир кўриб, қандай тузатиш кераклиги ҳақида аниқ бир та-саввурга келолмаган бўлса-да, бироқ бу ердан кетиб қо-лиш мумкин эмаслигини сезиб турарди.

Нурбек кўприк олдига югуриб борди, оғир нафас олди-да, пешанасини металл устунга босди. Унинг ми-ясида фақат бир фикр ҳукмрон эди: «Нима қилмоқ ке-рак? Чиғирни қандай тузатиш мумкин? Қандай? Бирор кимса на жавоб беради ва на акс садо! Байдамтол, бағри тош дарё, ҳеч бўлмаса бир оғиз сўз айтсанг-чи? Йўқ, сен эшитмайсан, ёввойн ҳайқириғинг билан қулоқларинг битиб қолган!.. Нима қилай... Ахир мен инсонман-ку, менинг исмим – Инсон!.. Мен буни тузатишим, йўл топ-моғим керак!»

– Топдим! – хитоб қилди Нурбек. – Топдим!..

Ҳа, Нурбек тадбир топган эди! У ҳозир трос орқали дарёнинг нариги томонига ўтади. У дарёнинг нариги томонида яшиқда асбоблар турганлигини кўрган эди. Ундан керакли асбобларни олиб, белига боғлаши ва яна шу трос бўйлаб, люлькага қайтиб келиши, люлька-ни таъмир қилиб бўлгач, бу қирғоққа қайтиб келиши керак эди. У кўприкнинг ёнига бошқа яқинлашмайди, яхшиси, боши оққан томонга кетади, балки дарёнинг қуйироғидан бирор саёз жой топилар... Эй, бу унча ўй-лайдиган нарса ҳам эмас, ҳозир асосий масала у эмас, муҳими ҳозир – ўйланган фикрни амалга оширмақ, бош масала – Асянинг улкан ишига халал бермаслик!

– Ўз фикримдан қайтмайман! – деди Нурбек қатъий қилиб ва ишончсизлик билан қўшиб қўйди: – Бироқ билолмадим уддасидан чиқа олармикинман, бундай

оғир ишни бажариш учун куч-қувватим етармикин?.. Бу ердан люлькагача олти-етти метр, бу йўлни босиб ўтганман, ҳозир яна у ердан ўтаман, бироқ люлькадан у қирғоққача трос бўйлаб ўттиз метр юришим керак! Бу жуда узоқ йўл! Жуда узоқ! Хўш, нима бўпти, ҳаммасига тайёрман, Ася!

Нурбек устунга чиқиб юқориги тросни ушлади. Пастки тросни эса оёғи билан пайпаслаб топди. Ўнг оёғи билан биринчи қадамни ташлади, кураш бошланди.

У биринчи қадамни ташлаганда пастдаги қутуриб оқаётган дарёнинг даҳшатли шовқин-сурони унга бозор жойида дорбозларнинг ўйинида чалинадиган ноғора ва карнай-сурнайларнинг аралаш-қуралаш овозидек бўлиб туюлди.

Нурбек саёқ дорбозларни ёшлик кезларидаёқ кўрган эди. Улар қарийб терак бўйи баландликда арқон устида юришади. Уларга ҳар бир дақиқада ўлим таҳдид солаётгандай бўларди, аммо у довюрак киши эса кўкка сиғиниб: «Ё пирим, ё олло!..» деб илтижо қиларди.

«Опа! – кўрқиб кетган Нурбек ўшанда онасининг кўйлаги барига яшириниб. – Кетамиз, опа, бу ердан кетамиз!» деярдди ва у ҳатто юраги дов бермай томоша ҳам қилолмаган эди.

Энди бўлса, Нурбекнинг ўзи дорбоз. Нурбек ҳам дорбозчилар сингари ҳавода ўша дор арқонидан йўғон бўлмаган трос бўйлаб бормоқда.

Люлькага етиб борганда Нурбек мажолсизланиб ўзини бортга отди. Бир қисм йўл босиб ўтилди. Лекин шу кичкина ғалаба ҳам қанчалик қимматга тушди! Троснинг симидан тилиниб, юлқиланган кафтларидан қон оқар, ўпкаси кўкрагига сиғмас, худди пойгада чопавериб ҳансираб, кишнаб кетган отлар сингари қовурғалари бўртиб чиққан эди. Олдинда эса ҳали узоқ, бундан кўра юз баробар оғир ва уқубатли йўлни босиб ўтиш керак.

«Орқангга қайт, бахти қора, ҳали ҳам кеч эмас, ҳалок бўласан!» – деди ички бир овоз унга.

– Йўқ, мен охиригача аҳдимда тураман! – жавоб қайтарди овоз чиқариб Нурбек.

У ўрнидан турди, камзулининг астарини йиртиб қўлини ўради. Яна кураш бошланди.

У биринчи қадамни босиши биланоқ чилдирманинг бака-банги, карнайнинг уввос тортиб жар солиши эшитилди.

Бироқ бу гал Нурбек аввалгига нисбатан тезроқ ҳолдан тоя бошлади. У қўрққанидан пастга қарай олмаса ҳам, тасодифан оёғининг остига кўз қирини ташлади. Дарёнинг кучли оқими тўхтагандек туюлди, унинг боши айланиб, кўзи тиниб кетди. Гўё ҳамма нарса – тоғлар ҳам, тун ҳам, дарё ҳам, ҳаммаси улкан сув гирдобида гир айланиб, ундан узоқлашар ва доира ҳосил қилиб яна унга яқинлашарди. Ҳар қанча бўлса-да, Нурбек ўзини тутиб олди. У бошини юқори кўтарди, лекин шамол уни юлиб кетаётгандек бўлди. Шамол тўсатдан унинг кўкрагидан олиб, чалқанча ағдариб ташлади. Оёғи тросдан сирғалиб чиқиб кетди. Лекин у юз машаққатлар билан оёғини яна тросга кўйиб олди. Елкасидан иссиқ тер оқиб туша бошлади. Нурбек бош айланиши қолар деган умидда кўзларини чирт юмиб олди, аммо, у яна кўзини очганда ҳеч нарса кўрмагандек, яна аввалгича ҳамма нарса гир айланиб, кўнгли айнай бошлади, ўзини йўқотаёзди. У ўзини ажойиботлар дунёсига келиб қолгандай ҳис қилди. Бу янги дунёда у ўз ҳаётини қайтадан бошлагандек эди.

Ҳаммаси, ўтган ва янги юзага келган нарсаларнинг барчаси унинг кўз олдида сузиб юрар ва турнақатор бўлиб тизилишиб ўтар эди. Аммо унинг ўзи тўхташи мумкин эмас, олға, фақат олға интилиши керак, акс ҳолда

ҳалокат юз бериши мумкин, деган ягона фикр ҳукмронлик қиларди. Шунинг учун у одимлай бошлади, секин, имиллаб бўлса ҳам олға силжийверди.

Аччиқ тер унинг юзидан оғзига оқиб тушарди. Қўлига ўраган латталари аллақачон титилиб кафтлари қава-риб кетди, бармоқлари увуша бошлади, гавдаси эса ҳаддан ташқари оғирлашиб пастга торта бошлади. «Агар дарёга ўзимни отсам нима бўларкин? – ўйлади Нурбек. – Бари бир мен ўлган одамман, менга бари бир эмасми». Кўприк-чи? Уни ким тузатади? Демак, эртага Ася Байдамтолнинг бошига боролмайдими? Демак, унинг халқ учун қилган барча меҳнатлари барбод бўладими?»

Нурбек ўзини ўнглаб, яна бир-икки қадам олға босди.

«Ася, – хаёлан мурожаат қилди, у қизга. – Сенинг жаҳлинг чиқмасин, хафа бўлма, мен муносиб киши эмасман, жиноятчиман, иродасиз қочқинман, лекин сени севаман! Менга ишонгин, худо ҳақи, мен сени севаман! Ҳа! Ҳатто ўзимдан яшириб юрганимга ҳам иқрорман!..»

Нурбек дарёнинг ўртасига келгач, бошқа силжишга мажоли келмай қолди. Оёқ-қўлларининг мадори қуриб, хушдан озаёзган эди. Яна бунинг устига негадир пастки трос салқи бўлиб қолганди. У пона қоқиб маҳкамлаган эди-ку! Балки бу одамнинг оғирлиги билан бўшаб қолгандир. Нурбек оёғи остидаги троснинг секин-аста пастга тушиб кетаётганини сезиб сесканиб кетди, кўкрагини тўлдириб нафас олган эди, бирдан йўтал тутиб қолди. Йўтал уни яна оғир аҳволга солиб қўйди. Нурбекнинг кўкраги ачишиб оғриётганидан нафас олиши ҳам оғирлашган эди. Қонга беланган қўлларидан куч кетиб, оёқ остидаги трос борган сари пасайиб кетмоқда эди. Нурбек сим устида тебраниб, у ёқдан бу ёққа чайқаларди.

– Ажал! Ажал! – деб ғолиб келгандай Байдамтол шовуллаб оқарди, гўё ўз ўлжасини кутаётгандай эди. Нур-

бекнинг қўллари энди унга итоат қилмай қўйган эди. Тоқатсизланиб турган Байдамтол яна:

– Ажал! Ажал! – деб ғазаб билан ўшқирди.

– Сув, бир қултум сув! – сўради Нурбек чанқоқдан тутақиб.

«Бошингни эг, дарёдан олиб ич сувни! Сув кўп, сенинг чанқоғингни қондиришга етади, бош эг!» – кимдир маккорлик билан қулоғига шипшитгандек бўлди.

Нурбек охирги куч билан бармоқларини қисди. Шу пайт у қўлида соатининг чиқиллаб ишлаётганини эшитди. Бу ғайритабиий бўлиб кўринса ҳам, ҳақиқатда эшитилаётган эди. Дарёнинг қулоқни кар қилгудек гулдураган овозлари орасида бир меъёрда аниқ, жанглаган «тик, тик, тик», товуши ҳам равшан эшитилиб турарди. Ана шу ҳар бир сония уриши билан бирга ҳаёт ҳам ўтаётган эди. Ҳаёт! Киши ҳаёти! Шу қисқа бир дақиқа ичида у ҳаётнинг нима эканлигини уқиб олди...

Зўр ирода кучи билан у бошини бирдан кўтариб олди ва бутун дарага қараб тантанавор қичқирди:

– Мен яшайман!

...Нурбек қирғоққа чиқиб олганидан сўнг, ўзини ерга ташлади ва қарийб бир соатга яқин жонсиз киши каби қимирламасдан чалқанчасига ётди. У изига қайтишда асбобларни олдами, йўқми, аммо асосий иш битди. Тортилиб қолган трос бўшади. Қирғоқда чигириқ ёрдамида Нурбек люлькани жойига олиб келди. Тонгда у ишини тугатди.

Нурбек сув бўйига тушиб, этиги билан сув кечди ва фақат эндигина сув ичишга ўзини ҳақли деб билди.

У сувни катта-катта қултумлар билан секингина ичаркан, болаларча кулиб қўйди. Бугун у ҳаётида биринчи марта чинакам кураш ва ғалабанинг лаззатини тушунди. Бу сафар у фақат ўзи учун, ўз шуҳрати ва қаҳрамонлигини куруқ намоиш қилиш учун эмас, бал-

ки катта орзулар учун, юксак мақсад йўлида хизмат қилаётган Ася учун жасорат кўрсатди.

– Ҳа, мен бахтлиман! – деди Нурбек. – Эрталаб Ася Байдамтол ўзанлари сари йўл олади. Йўл очиқ, кўприк тузатилган!..

Нурбек завқланганидан қумлик хўл қирғоқдан чопиб кетди. У уйга келиб, қўлига қалам олиб бир варақ қоғозга эгри-бугри қилиб ёзди: «Ася, мен қаёқдан келган бўлсам, ўша ёққа кетяпман. Балки биз ҳеч қачон учрашмасмиз, лекин мен сени қандай гўзал бўлсанг шундайлигингча умрбод қалбимда сақлайман. Жаҳлинг чиқмасин, мендан кулма, Ася, сен мен учун... Хайр, омон бўл... Ўзингни эҳтиёт қил... Ҳа, сал бўлмаса унутаёзиман, мен Герценнинг китобини ўқиб улгуролмадим, кечир, мен уни ўзим билан бирга олиб кетяпман, ахир бу сенинг севимли китобинг, курашчан инсон ҳақидаги китоб-ку... Менинг тасодифан сен билан бўлган учрашувим ҳаётимдаги энг қийин ва энг бахтли кунлар бўлиб қолади. Раҳмат сенга, Ася, барча яхшиликларинг учун... Сен менга кўп нарсаларни ўргатдинг... Сен мени Байдамтол устидан ғалаба қилишинг учун дунёда ҳаммадан кўпроқ тилак тиловчи дўстинг деб ҳисобла... Мен аминман, Ася, Байдамтол забт этилади!..»

IX

Асилбой эрталаб барвақт туриб, ҳовлини айланиб юрди, отини сувнинг бўйига етаклаб келди ва уни чўмилтирмоқчи бўлиб пақирлаб сув қуя бошлади. Тоғ ортидан қуёш кўтарилди. Асилбой қўлини пешанасига қўйиб қуёш томон астойдил тикилиб қолди. У юзларига сачраган ариқ сувидан сесканиб кетди ва қўлидаги пақирни тушириб юборди. Асилбой Асянинг деразаси ёнига югуриб борди ва кучининг борича уни тақиллатди.

– Ася, тур тезроқ, у кетди!

Ҳеч нарсани англай олмаган Ася ҳовлига югуриб чикди:

– Нима гап, отажон?

– Қара-чи, қизим, у ёқда! – ғурур билан деди Асилбой узоқлашиб кетаётган кишини қўли билан кўрсатиб. Одам довон томон кетаётган эди. – Бу Нурбек! – тушунтирди Асилбой.

– Нурбек! Нурбек! – Бор кучи билан қичқирди Ася. Афтидан, у югурмоқчи бўлди, лекин шу заҳотиёқ тўхтаб, севинган, беихтиёр ва ҳаяжонланган тусда, худди ҳар галгидек эрталаб қоя тош олдига югуриб бориб, Байдамтолнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб тургандек, донг қотиб қолди. – Шундай бўлишини билган эдим! – шивирлади Ася.

Нурбек катта қоя орасига яширинди. Ася у билан фахрланар, айни чоқда уни қўмсаб юрак-бағри ўртаниб ёнаётган эди. У кўз ёши қилмаслик учун юзини тескари буриб олди ва сўради:

– Ота, бу ердан совхозгача узоқми?

– Довондан нарида, анчагина йўл, лекин баҳузур борса бўлади.

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ МАКТАБИ

Турк маънавий оламининг чақноқ юлдузларидан бири, қирғиз халқининг фахри, ғурури Чингиз Айтматовдир. Умуман олганда эса, унинг шахсияти умумбашарият тарихида жуда кам учрайдиган фавқулодда ҳодисадир.

«Буюк шахсларни миллат қайғуси, Ватан қайғуси яратади», деган эди муҳтарам Президентимиз. «Туркий дунё Алишер Навоийдан қарийб 500 йил кейин адабиёт чўққисига Чингиз Айтматовни олиб чиқди»⁸, деган эди қирғиз тадқиқотчиси Р.Раҳмоналиев. Дарҳақиқат, ҳар бир давр ўз санъаткорлари, талантларини яратади. Бу эса ҳар бир ёзувчининг истеъдоди, эҳтиёжи, ижодий имкониятларига кўра амалга оширилади. Санъаткор ўз даври билан қанчалик яқин алоқада бўлар экан, унинг жаҳон маданияти олтин хазинасига қўшган эстетик ҳиссаси ҳам шунчалик улкан ва самарали бўлади. Демак, миллат туйғуси, Ватан қайғусидан яралган Чингиз Айтматовдек мўътабар зотнинг дунёга келиши замон тақозосидир.

Адабиёт майдонига XX асрнинг 50-йилларида кириб келган ва миллионлаб китобхонларнинг қалбига тез йўл топа олган, ғоят гўзал ва сермазмун асарлари билан уларни оҳанрабодек ўзига тортиб, сеҳрлаб олган, ҳатто Луи Арагон, Николай Тихонов, Эдуардас Межелайтес, Мухтор Авезов, Расул Ҳамзатов сингари жаҳонга машҳур сеҳргарларининг таҳсинига сазовор бўлган

⁸ Р.Раҳмоналиев. Жизнь, равная вселенной (философия творчества Чингиз Айтматова). //Чингиз Айтматов. собр.соч. в селит. Том 1, – М., 1998, стр. 23.

буюк истеъдод соҳибларидан бири афсонавий ёзувчи – Чингиз Айтматовдир. Тинимсиз меҳнат, изчил ижодий изланиш Чингиз Айтматовни нафақат туркий халқлар, балки бутун жаҳон халқлари китобхонларининг ардоқли ёзувчисига айлантирди.

Чингиз Айтматов Талас водийсидаги Шакар овулида 1928 йил 12 декабрда хизматчи оиласида дунёга келди. Бобоси Айтмат оға ажойиб қубузчи, отаси Тўрақул оға болалик чоғларида бойлар хизматида бўлиб, кейинчалик рус-тузем мактабида таҳсил кўради. У Москвадаги профессорлар институтини битиргач, Қирғизистонда масъул лавозимларда ишлайди. Тўрақул оғанинг жўшқин ҳаёти Ч.Айтматовнинг «Биринчи муаллим» қиссасида ўзининг қўйма ифодасини топган. Онаси Ноима опа юксак маданиятли, ўқимишли, оқила аёл бўлган. Чингиз дастлаб рус мактабида, кейинчалик қирғиз мактабида ўқиди. 1942 йил 14 ёшида Шакар қишлоқ кенгаши котиби, солиқ йиғувчи, сўнг тракторчилар бригадасининг ҳисобчиси бўлиб ишлайди. 1948 йили Жамбулдаги зооветеринария техникумини, 1953 йили Қирғизистон Қишлоқ хўжалик институтини тамомлагач, тажриба фермасининг зоотехниги бўлиб иш бошлайди.

1956 – 1958 йилларда Москвада ёзувчилар уюшмаси қошидаги олий адабиёт курсида таҳсил олди. У Қирғизистон халқ ёзувчиси (1968), давлат, жамоат арбоби, дипломат, Қирғизистон фанлар академиясининг академигидир (1974).

Чингиз Айтматов 1980 – 1990 йилларда «Иностранная литература» журнаliga бош муҳаррирлик қилди, 1990 йилдан собиқ СССРнинг, сўнггра Россия Федерациясининг, 1991 йилдан эса Қирғизистон Республикасининг Люксембург ва Белгиядаги элчиси лавозимида ишлайди. Ч.Айтматовнинг ташаббуси билан ташкил

этилган «Иссиққўл форуми» халқаро тинчлик ҳаракатида муҳим ижтимоий масалаларни ҳал этишда самарали таъсир ўтказиб келди. Ч.Айтматов 1995 йилдан Марказий Осиё халқлари маданияти ассамблеяси Президенти сифатида ҳам самарали иш олиб бормоқда. У мустақил Ўзбекистон Республикасининг «Дўстлик» (1995), «Буюк хизматлари учун» (1998) орденлари билан мукофотланган. ЮНЕСКО маълумотларига кўра, Ч.Айтматов асарлари энг кўп ўқиладиган адиблар орасида В.Шекспир ва Л.Толстойдан сўнг 3- ўринда туради. XXI аср арафасида адибнинг китоблари жаҳоннинг 168 мамлакатида 165 тилга таржима қилиниб, 830 марта жами 67,2 миллион нусхада чоп этилгани аниқланган эди. Мазкур халқаро ташкилотнинг маълумотларига қараганда, Ч.Айтматовнинг асарлари ҳозирги кунгача жаҳоннинг 180 га яқин тилларига таржима қилиниб, 80 миллион нусхада нашр этилган. Кўриниб турибдики, бу рақамлар изчил ортиб бормоқда. Адиб номини илк бор жаҳонга машҳур қилган «Жамила» қиссасининг ўзи эса 50 дан ортиқ тилга таржима қилинган. Асар ҳозирги кунга қадар ўзбек тилида ўн бор нашр этилди. Қисса чоп этилгандан сўнг ярим аср давомида Чингиз оғанинг ижоди муттасил ўсиб, юксалиб, сайқал топиб борди, шухрати оламга танилди. Яна бир жиҳат, адиб асарлари ҳажмини жаҳон адабиётшунослиги оламида мавжуд бўлган тадқиқотлар миқёси билан таққослайдиган бўлсак, уларнинг ўн карра, юз карра ортиб бораётганлигининг гувоҳи бўламиз. Бир сўз билан айтганда, адибнинг кўп қиррали, сермазмун фаолияти ҳақида кенг кўламда тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Чингиз Айтматовнинг истеъдоди ва хизматлари бутун дунёда тан олинди ва жуда юксак баҳоланди: Қирғизистон Республикаси қаҳрамони (1977), уч марта СССР давлат мукофоти совриндори (1968, 1977, 1983), адабиёт бўйича Ленин

мукофоти совриндори (1963), Виктор Гюго номидаги халқаро мукофот (Франция), «Этрурия» адабий мукофоти (Италия), адабиёт ва санъат соҳасидаги мукофот (Австрия), Ж.Неру номидаги халқаро мукофот (Ҳиндистон) ва бошқалар шулар жумласидандир.

Чингиз Айтматов ижоди ўз-ўзидан қуппа-қуруқ заминда юзага келмади. Аксинча, бир халқ иккинчидан, ёш авлод кекса авлоддан, бир ёзувчи иккинчи ёзувчидан сабоқ ўрганиб келгани сингари, унинг ноёб истеъдоди ҳам мавжуд ижтимоий шароит ва янги тарихий миллий заминда юзага келди, ўсиб улғайди ва равнақ топа борди. Маълумки, октябр тўнтаришига қадар қирғиз адабиётида проза асарлари деярли йўқ эди. Аммо халқ оғзаки ижодиёти тараққий этган бўлиб, қирғиз адабиётининг туғилиши, унинг ғоявий эстетик идеалининг шаклланишида халқ оғзаки ижоди беқиёс катта роль ўйнаган. Бунга қирғиз халқининг ўтмиш ҳаёти, тарихий кечмиши, урф-одатларини акс эттирган «Манас» эпоси ёрқин мисолдир. Демак, халқ оғзаки ижодиёти ҳамда демократик оқин Тўхтағул ва Туғалоқ Мўлданинг поэзияси қирғиз адабиётининг шаклланишига асос бўлди. Ч.Айтматов қирғиз халқ оғзаки ижодиётидан ижодий озиқланди. Халқ оғзаки ижодиётисидаги хилма-хил усуллардан ўз асарларида моҳирлик билан фойдаланди. Шунинг учун ҳам унинг ҳикоя ва қиссаларида фольклорга хос бадиий усуллар, поэтик руҳ барқ уриб туради. Бу эса ўз навбатида адиб асарларига жозибадорлик, мафтункорлик фазилатларини бахш этиб, ўқувчини ўзига бутунлай сеҳрлаб олиш қудратини намоён этади.

Чингиз Айтматов қирғиз адабиётининг энг яхши анъаналарини давом эттириб ва бойитиб, ўтмиш ва замонавий адабиётнинг энг яхши намуналарини синчиклаб ўрганди ва замонавий адабиётнинг энг яхши

анъаналарини кунт билан ўрганиш, ўзлаштириш натижасида жаҳон адабиётида ўзига хос Айтматов мактабини яратди.

Чингиз Айтматов ижодининг юксалишида Қ.Байалинов, М.Элибоев, Т.Сиддиқбеков, К.Жонтошев, А.Осмонов, А.Тўқамбоев, Т.Умматалиев каби дастлабки қирғиз ёзувчиларининг адабий тажрибалари ғоят самарали бўлди.

Бу жиҳатдан танқидчи К.Бобулов ўзининг «Қирғиз прозасида реализмнинг тараққиёт йўллари» номли китобида: «Чингиз Айтматов ўз асарлари учун ўзидан олдинги касбдошларидан миннатдордир, аммо, бу оғаларининг бешигида улғайди деган сўз эмас. Аксинча, бу эшикни бузиб чиқди, дегимиз келади»,⁹ – деганда ҳақли эди.

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш жоизки, рус ва жаҳон адабиёти хазиналарини ўрганиш ва ижодий ўзлаштириш қирғиз ёзувчилари, шу жумладан, Чингиз Айтматов кўз ўнгида янги бир дунё очди. Бошқача айтганда, Чингиз Айтматов реалистик прозанинг барча имкониятларидан самарали фойдаланиши туфайли унинг бадиий жиҳатдан янада юксалиши ва янги босқичга кўтарилишига катта ҳисса қўшди.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Чингиз Айтматовнинг ноёб истеъдоди қирғиз адабиётида, айниқса, қисса жанри имкониятларини кенгайтди, бойитди. Чингиз Айтматовнинг қисса жанрини ривожлантиришдаги катта хизматлари хусусида сўз юритиб А.Эсанов, жумладан, шундай дейди: «Ёзувчи қирғиз адабиётида қисса жанрининг ижтимоий-психологик намуналарини яратди». Т.Давидова эса ёзувчи ижодига юксак баҳо берар экан, шундай таъкидлайди:

⁹ Қирғиз прозасининг очерки. Иккинчи бўлим. Қирғизистон Фанлар Академиясининг нашриёти. Фрунзе, 1960, 3-бет.

«Чингиз Айтматовнинг ноёб истеъдоди қирғиз қиссасини роман жанри билан қиёслаштирган ҳолда унинг жанр имкониятлари доирасини янада кенгайтди. Унинг изланишлари, кашфиётлари эса янги авлод ёзувчилари учун туганмас хазина ролини ўтайди. Адабиётшуносликда «Айтматов мактаби» атамасининг пайдо бўлиши ҳам бежиз эмас»¹⁰.

Айтматов асарлари ҳаётийлик, чуқур ҳиссиёт, но-зик туйғу ва интим кечинмалар билан суғорилган бўлиб, улар қирғиз насри ривожигагина эмас, балки рус ва жаҳон адабиётига ҳам самарали таъсир этиб келмоқда.

Айтматов ижодининг Олатов чўққилари сингари юксалиб борганлиги ва унинг оламшумул аҳамияти қирғиз ёзувчиси Мар Бойжиевнинг қуйидаги эътирофида айниқса, яхши ифодаланган: «Айрим асарларни китобхон ва танқидчи сифатида идрок этганимизда, фавқулодда ҳодисаларнинг гувоҳи бўламиз, – деб ёзди у. – Айтматовни ҳаммамиз севамиз, унинг истеъдоди ва маҳоратига қойилмиз. У барчага яқин ва тушунарли. Таъкидлаб айтаман, барчага. Ваҳоланки, бошқа қирғиз ёзувчиларининг ҳам қизиқ, ҳатто талантли асарлари борки, улар бизнинг ўлкамизда муносиб бир тарзда эътибор топадию, республикадан ташқари чиқса, жарангламай қолади...

Шу боисдан, қалам тебратаётганимда, вужудимни турли шубҳалар чулғаб олади. Керакли нарсани ёзаяпманмикин? Шундай ёзишим жоизми? Бу нарса менинг юртдошларим билан бирга, Қирғизистондан четда яшаётган одамларга ҳам маъқул бўлармикан, деган андишалар кечади хаёлимдан. Эҳтимол, шу важдан бўлса керакки, мен ҳозирги даврда яратилаётган асарларни кўп мутолаа қиламан. Бу менга халал ҳам етказди, кў-

¹⁰ Т. Давидова. Современная киргизская повесть. Фрунзе, 1989.

маклашади ҳам. Чунончи, Айтматовнинг тажрибасига келганда, бу менга халал беради. Халал етказишининг маъноси шуки, Айтматовдан кейин ёзиш мушкуллашиб кетади. Бир неча йиллар илгари ўзимнинг китобимни бошлагандим, шу орада ўзимни чоғлаб, бош қотириб юрган ҳам эдимки, «Алвидо, Гулсари!» кўлимга тушиб қолди. Ўқиб чиқдим. Бошимни кўтармасдан, тин олмай туширдим. Ўқишга ўқиб кўйиб, тарвузим кўлтиғимдан тушди, ҳафсалам пир бўлди. Агар кўлимга қалам оладиган бўлсам, ё шундай қотириб ёзишим, ё бўлмаса, супра-ўқловимни йиғиштиришга тўғри келарди». Бироз қуйироқда Мар Бойжиев яна такрорлайди: «Ёзаман деса, ёзадиган нарсалар бор. Лекин Айтматовдан сўнг шўримиз қуриб қоляпти. Сабаби шуки, у юксалиб бораётган прозамиз тараққиётдан ўн йилларга «сакраб» ўтиб кетди. Эндиликда бизнинг олдимизда нима ҳақида ёзиш кераклигидан кўра, қандай ёзиш керак, деган муаммо кўндаланг бўлиб қолди».

Чингиз Айтматов халқ оғзаки ижоди, рус, жаҳон ва қардош халқлар адабиётининг энг яхши анъаналарининг шунчаки меросхўри, давомчиси бўлиб қолмай, балки шу билан бирга уларни янги шароитда янада бойитиб ривожлантирди. Бундай омиллар эса, ўз навбатида, Чингиз Айтматовнинг буюк сиймо бўлиб етишишига мустаҳкам замин ҳозирлади. Хулоса қилиб айтганда, Чингиз Айтматов нафақат қирғиз адабиёти, балки жаҳон адабиётининг равнақига ҳар жиҳатдан катта ҳисса қўшган буюк санъаткордир.

Қирғиз адабиётининг ички потенциал имкониятларининг намоён бўлишида рус классик адабиёти ва кўп миллатли қардош адабиётларнинг таъсири катта бўлди.

Бу ҳақда таниқли қирғиз адабиётшуноси К.А.Асаналиев ўзининг «Қирғиз прозасининг очерки» китобида

куйидагича ёзади: «Қисқа вақт ичида рус адабиёти-нинг, жаҳон классик адабиётининг бой тажрибаларини қабул этиш билан бирга, қирғиз адабиёти олдин ўзида бўлмаган жанрларни, бадий шаклларни ўзлаштирди. Бу жанрлардан бири прозадир.

Реалистик катта прозасиз катта адабиётнинг бўлиши ҳам мумкин эмаслиги ўз-ўзидан аёндыр. Бинобарин, унинг жанр имкониятлари шунчалик кенг ва хилма-хилдир. Қирғиз ёзувчилари реалистик прозадаги ҳикоядан бошлаб, кенг пландаги ижтимоий ҳаёт, психологик романларгача ўзлаштириб, бу жанрларни ўз миллий адабиётига олиб киришди».¹¹

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Чингиз Айтматов айниқса, рус классикларининг бой анъаналарини чуқур ўзлаштириш асосида тарбияланди. Буни адибнинг ўзи мамнуният билан эътироф этади.

«Рус адабиётини дунёдаги миллионларча одамлар биладилар ва севиб ўқийдилар. Бироқ, ҳар бир киши уни, албатта, ўзича севади. Мен ўшаларнинг бириман ва рус адабиётига алоҳида муҳаббат билан қарайман. Бунинг бир қанча сабаблари бор. Мен соҳилларини кўз илғамайдиган рус адабиёти чексиз уммонида толстойча донишмандликни ва образларнинг руҳий мураккаблигини яхши кўраман, тонг ҳайратда қоладиган шолоховча драматизмни ва характерларнинг шолоховча ёрқинлигини яхши кўраман, Горький ва Майковскийнинг инқилобий романтикасини яхши кўраман, чеховча беқиёс инсонпарварликни ва бунинча борлиқни нозик идрок этишни яхши кўраман, твардовскийча шеърият уфқларини ва леоновча заковатлилиқни яхши кўраман. Лекин бу ҳали ҳаммаси деган гап эмас, ҳаттоки энг суюкли кишининг ҳузурида ҳам ўз туйғуларингни охири-

¹¹ Қирғиз прозасининг очерки. 2-бўлим, Қирғизистон Фанлар Академиясининг нашриёти, Фрунзе, 1960, 3-бет.

гача оқизмай-томизмай айтиш ҳамма вақт ҳам насиб бўлавермайди»¹².

Ч.Айтматов ижодий фаолиятининг бошланиши унинг талабалик йилларига тўғри келади. Ўзи айтганидек, адабиёт ишига кечикиб киришади. 1952 йили «Қирғиз тилининг терминологияси ҳақида», 1953 йилда эса «Оригиналдан узоқ бўлган таржималар» номли мақолалари эълон қилинади. «Газета сотувчи Дзюйдо», «Ашим», «Биз олға борамиз» (1952), «Сепоячи», «Лалмикорликда», «Оқ ёмғир» (1954), «Рақиблар» (1955), «Байдамтол соҳилларида» (1955), «Қизил олма» (1964), «Отадан қолган туёқ» (1968) каби тўнғич ҳикоялари босилади. Буларга муаллифнинг бирмунча кейинроқ ёзилган «Манзил сари йўл олган қушлар нидоси», «Манас отанинг оқ қору кўк музи», «Бахиана» ҳикояларини ҳам қўшиш мумкин. Хуллас, муаллиф илк ҳикоялари биланоқ, мазкур жанрнинг ажойиб намуналарини яратиб, адабиёт оламидан ўзига муносиб ўрин топа олди.

Бу ҳикоялар жонли, жозибали ва содда тилда ёзилганлиги, чуқур лирик кечинмаларга ва романтик бўёқларга бойлиги билан ўқувчиларнинг ҳиссиётига, шуурига кучли таъсир этиб қирғиз адабиёти даргоҳига ёрқин истеъдод соҳиби кириб келаётганлигидан дарак беради. Таъкидлаш керакки, мазкур ҳикояларнинг ҳаммасини ҳам бекаму кўст ёзилган деб бўлмайди. Уларда ёш санъаткорнинг ҳикояга хос специфик хусусиятларни ҳали яхши ўзлаштириб олмагани, ҳаёт диалектикаси, характерлар динамикасини атрофлича талқин ва таҳлил этишда маҳоратнинг етишмаслиги кўзга ташланади. «Байдамтол соҳилларида» ҳикояси ва «Юзма-юз» (1957) қиссасидан бошлаб эса ёзувчи қаҳрамоннинг ички дунёсига чуқур ва дадил ки-

¹² Чингиз Айтматов. Муҳаббат эътирофи. «Советская Киргизия». 7.XI.1962

риб боради, ўткир сюжет, кучли психологик ва драматик конфликтлар яратади, такрорланмас характерлар чизади. Чингиз Айтматов услубининг диққатга сазовор бўлган хусусияти шундаки, унинг асарларида деярли биронта ҳам ортиқча тафсилот, ноўрин деталь ёки номатлуб ҳаракат йўқ. Тўғри, ёзувчи «икир-чикирлар»га катта эътибор билан қарайди, чунки бу «икир-чикирлар» ва айрим майда деталлар асар воқеаси ривожиди муҳим ўрин тутган катта воқеалар ёки асосий ғояни очишга, асослашга хизмат қилади.

Адиб кичик очерклари, ҳикояларида ҳам катта ижтимоий муаммоларни ҳал этишга интилади. Инсон характерининг турли қирраларини асосли равишда таҳлил қилади. Бу омиллар ёзувчи истеъдодининг аста-секин очила бораётганидан, новатор ёзувчи бўлиб етишаётганидан далолат беради. Чингиз Айтматов шу жажжи очерклари, ҳикояларидаёқ ўзига хос бадиий тасвир услубини зоҳир этди.

Адибнинг «Жамила» қиссаси унга оламшумул шон-шуҳрат келтирди, унинг номини жаҳонга танитди. Қирғиз ёзма адабиёти ўзининг қисқа тарихи давомида ҳали бундай катта ютуққа эришмаган эди. Бу ажойиб лирик қиссада гўзаллик ва озодлик учун, янгича ҳаёт учун бел боғлаган ёшларнинг жўшқин ҳаёти, меҳнати, пок севгиси тараннум этилади.

«Жамила» қиссаси турли миллат ва элатларга мансуб китобхонлар оммасига фавқулодда беқиёс ғоявий-бадиий завқ инъом этди. Қисса қирғиз адабиётида хотин-қизлар озодлиги мавзусини акс эттиришда янги босқич бўлди. Асарни русчадан француз тилига таржима қилиб нашр эттирган машҳур француз ёзувчиси Луи Арагон «Жаҳондаги энг гўзал севги қиссаси» номли каттагина мақоласида қиссани реализмнинг ноёб асари сифатида кўкка кўтариб, Айтматов мактабига шундай

баҳо берган эди: «...Вийон, Гюго ва Бодлергар маскани бўлган Парижда, қироллар ва инқилоблар маскани бўлган Парижда, ҳар бир тоши бирор тарих ёки афсонадан шаҳодат берадиган кўп асрли рассомлар маскани Парижда, – деган эди у, – бошидан кўп савдоларни кечирган, кўп нарсаларни кўрган ва билган шу Парижда, «Жамила»ни ўқидим-у ногаҳон «Вертер» ҳам, «Береника» ҳам, «Антоний ва Клеопатра» ҳам, «Манон Леско» ҳам, «Севги тарбияси» ҳам, «Доминика» ҳам – ҳамма-ҳаммаси кўзимга илинмай қолди. Ромео ва Жульетта ҳам, Паоло ва Франческа ҳам, Эрнани ва донья Соль ҳам кўзимга илинмай қолди, Чунки мен жаҳонда энг гўзал севги қиссаси – «Жамила»ни ўқиган эдим»¹³.

Н.В.Гоголь насрий «Ўлик жонлар» асарини ҳаққоний суратда дoston деб атагани сингари Чингиз Айтматовнинг «Жамила»сини ҳам прозада ёзилган лирик дoston деб айтиш жоиздир. Чунки «Жамила»даги табиат лавҳалари, инсоний ҳис-туйғулар, қаҳрамонларнинг нозик кечинмалари худди мўйқалам билан чизилгандай китобхонни ҳаяжонга солади. Асарда тасвирланган қаҳр-ғазаб киши қалбини куйдириб-ёндиради, шодлик дамлари эса ажиб муסיқий лаззат бағишлайди. Хуллас, китобхон ўзини асарда тасвирланган воқеалар оғушида ҳаракат қилаётгандай, асар қаҳрамонлари билан бирга нафас олаётгандай ҳис этади: уларнинг севинчига шерик, қайғу-аламларига ҳамдард бўлиб қолади. Асарнинг қон-қонига сингдириб юборилган муҳаббат куйи кишига фақат эстетик завқ берибгина қолмай, балки уни янгича яшашга чорлайди, гўзал ҳаёт учун, чинакам инсоний бахт учун мардонавор курашга даъват этади.

¹³ А.Арагон. Самая прекрасная повесть о любви в мире. «Культура и жизнь» 1959. № 7, стр.13.

Хўш, Ч.Айтматов асарларининг бунчалик жозибадорлиги, уларнинг жамоатчилик томонидан кенг эътироф этилиши ва баҳоланишининг боиси нимада? Унинг қирраларидан бири адиб асарларининг қирғиз халқи, унинг сахий кишилари ҳаёти, меҳнати, маънавий қиёфасини ҳаққоний тасвирлашда кўзга ташланади. Асарларидаги персонажлар ўзларининг хатти-ҳаракатлари, ўзаро муносабатлари билан китобхонни жиддий ўйлантиради, инсон тақдири, шахс ҳаётининг мазмуни, одамнинг одамга, эътиқодга меҳр-муҳаббати, юксак сadoқати, кишиларнинг тўғри йўлдан гоҳ адашиб, қоқиниб, сўқмоқлардан бўлса ҳам, инсониятнинг порлоқ келажаги йўлида фақат олдинга интилиши фавқулодда истеъдод соҳиби афсонавий ёзувчи асарларининг лейтмотивини ташкил этади.

Чингиз Айтматовнинг қаҳрамонлари, айниқса, бизга яқин ва таниш кишилар. Чунки ўзбек ва қирғиз халқларининг маънавий ҳаёти асарлардан бери бир-бирига пайваста, дили-дилига, тили-тилига вобаста, ери-ерига, қалби-қалбига туташдир. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, бу ўлка бизга қанчалик қадрдон, қанчалик яқин ва таниш бўлмасин, адибнинг асарларини қайта-қайта ўқиганимиз сари ўзимизни янги бир оламга, маънавий дунёси кенг ва мусаффо инсонлар орасига бориб қолганимизни ҳис қиламиз. Бу ўлкада яшовчи кишиларнинг қалб орзуларини, уларнинг меҳнатда мўъжизалар яратаётганлигини, ҳаётга, инсонга, туғилиб ўсган Она Ерга зўр муҳаббатларини кўриб қувончга тўлаамиз. Улар китобхон қалбида эзгу туйғулар ҳосил қилади, маънавий дунёсини бойитади. Улардан ҳаётий зарурат, янгидан-янги маъно топади киши. Чингиз Айтматов қаҳрамонлари қалби кенг, ички дунёси ғоятда бой ва оддий, айти пайтда донишманд кишилардир. Улар

«Байдамтол»даги Нурбек, Ася, «Юзма-юз»даги Саида, «Бўтакўз»даги Камол, «Жамила»даги Жамила, Дониёр, «Сарвқомат дилбарим»даги Бойтемир, «Биринчи муаллим»даги Дуйшэн, Олтиной, «Сомон йўли»даги Тўлғаной, «Оқ кема»даги Мўмин чол, «Эрта қайтган турналар»даги Султонмурот, «Алвидо, Гулсари»даги Танабой, «Соҳил ёқалаб чопаётган олапар»даги Ўрхон, Киrisk, «Асрни қаритган кун»даги Эдигей ва Абутолиблар ўзларининг самимий ростгўйлиги, матонати, жасорати, юксак ва гўзал инсоний фазилатлари туфайли ҳам жумлаи жаҳон китобхонлари муҳаббатини қозондилар, уларга маълум ва манзур бўлиб қолдилар.

«Жамила» (1958), «Сарвқомат дилбарим» (1961) қиссаларидан сўнг катта магистралга тушиб олган ёзувчи бирин-кетин ўзининг «Бўтакўз» (1961), «Биринчи муаллим» (1962), «Сомон йўли» (1963), «Алвидо, Гулсари» (1966), «Оқ кема» (1970), «Соҳил ёқалаб чопаётган олапар» (1977) каби юксак халқчилик руҳи билан суғорилган ва маънавий гўзалликни тараннум этган қиссаларни яратади. Бу қиссаларнинг ҳар бири санъаткор ижодининг асрдан-асрга ўтган сари тобора бойиб, камол топиб бораётганини намойиш этади. Шунингдек, бу асарлар ўзига хос услубда ёрқин ва шоирона тил билан ёзилган бўлиб, улардаги образлар, персонажлар ҳаттоки ҳар бир ибора, ҳар бир сўз жонли, таъсирли бўлиб киши қалбини тўлқинлантиради, эстетик завқ бағишлайди. Шу боисдан ҳам ўттиз беш баҳорни қаршилаган новатор ёзувчи 1963 йили «Тоғ ва дашт қиссалари» туркумига кирган «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Биринчи муаллим», «Бўтакўз» қиссалари учун Ўрта Осиё ёзувчилари орасида биринчилардан бўлиб юксак унвон ва эътирофга сазовор бўлди. «Алвидо, Гулсари» қиссаси эса (1968) Давлат мукофоти билан тақдирланди.

Ёзувчининг ҳар бир асари ўз буюк фалсафаси, воқеаларнинг шиддаткорлиги, бадий тасвир воситаларининг ранг-баранглиги, тилининг соддалиги, муסיқий оҳанги ва ажиб жозибаси билан онг-шууримизни, қалбимизни беихтиёр ўзига ром қилиб олади. Айтматов асарлари ҳар бир китобхонга битмас-туганмас завқ бағишлайди, маънавий озуқ беради, кишини ўйлантириб юрган ҳаёт жумбоқларига оқилона жавоб топади.

Қолаверса, ёзувчи асарларида ватанга муҳаббат, она табиатга меҳр-оқибат, ўзи мансуб бўлган миллатга эъзозу эҳтиром, миллий урф-одатлар, анъаналар, умуминсоний қадриятларга садоқат мавзулари юксак бадий маҳорат билан тараннум этилган. Улар аввало, инсон қалбини ларзага солувчи дилрабо куйга ўхшаса, иккинчидан, ҳар бир қиссадаги психологик таҳлил, ўзига хос фалсафа, умуминсоний дард шу қадар кучлики, буларнинг ҳаммасини ифодалаш жуда қийин. Жаҳон қиссачилигининг нодир намуналарига айланган бу асарларнинг ҳар бири санъаткор ижодининг асардан-асарга ўтган сари тобора бойиб, камол топиб бораётганини намоиш этади. Ўқувчи уларда қирғиз халқининг қадимий кечмиши, мураккаб тарихию тақдири муаллифнинг ўз услубига хос шаклда чуқур бадийлик билан акс эттирганлигининг гувоҳи бўлади.

Чингиз Айтматовнинг «Жамила» қиссасидан кейин ёзган «Сарвқомат дилбарим», «Бўтакўз» сингари асарлари ёзувчи маҳоратининг тобора юксалиб бораётганлигини кўрсатди. Адиб катта изланишлардан сўнг чин инсон, покиза қалбли, юксак иродали, барча қийинчиликларга бардош бера оладиган мардонавор курашчи, бутун қалб-қўрини инсонларга бахшида этган, том маънодаги ўқитувчи Дуйшэн ҳақидаги дилрабо куйни, киши қалбини беихтиёр тўлқинлантириб ларзага солувчи баллада – «Биринчи муаллим» қиссасини яра-

тиб, ўзининг такрорланмас санъатини, новатор ёзувчи эканлигини яна бир бор намойиш этди.

Муаллиф асарда ғоят масъулиятли ва шарафли касб эгаси, юксак, олижаноб инсоний фазилатларни ўзида мужассамлаштирган оддий халқ зиёлиси, тарбиячи-ўқитувчининг ҳақиқий реалистик образини яратишни мақсад қилиб қўйди ва асар бош қаҳрамонларидан бири Дуйшэн тимсолида қаҳрамоннинг бутун ички дунёсини, такрорланмас характерини, унинг адолат учун, янгилик учун курашларини чинакам ҳаққонийлик ва ёрқинлик билан бадиий гавдалантира олди. Асар ёшларимизда юксак ахлоқий фазилатларни камол топтиришда катта тарбиявий аҳамият касб этади.

Чингиз Айтматов XX аср муаммоларидан ҳеч қачон четда турган эмас. Унинг асарлари урушга қарши кучли айбномадир. Буни, айниқса, адибнинг «Сомон йўли» қиссасида яққол кўриш мумкин. Қиссада тарихнинг энг ҳаяжонли, энг даҳшатли воқеаларидан бири – Иккинчи жаҳон уруши эпизодлари тасвирланган. Ватан учун, халқ учун жон фидо қилиб, ер юзидаги энг олий, мўътабар зот – инсоннинг мангу барҳаётлиги учун кураш асарнинг асосини ташкил этади. Асарда ҳаётнинг ўзи бадиий новаторликнинг манбаи сифатида намоён этилган. Унда шахс ва ижтимоий бурч, эскилик билан янгилик ўртасидаги муросасиз кураш, соф севги ва инсонни улуғлаш каби муҳим мавзулар кескин зиддиятли ҳолатларда, кучли драматик вазиятларда ифода этилган. Мазкур қиссада воқеаларнинг йўналиши ва ривожланиш жараёни Тўлғаной билан Она Ер ўртасидаги рамзий, айни чоқда самимий инсоний савол-жавоблар асосига қурилган. Бунда соф ижтимоий ҳодисаларнинг мазмуни Ер томонидан талқин этилиши, чуқур гуманистик ва фалсафий мулоҳазаларнинг Ер образи тилидан баён қилиниши ўзгача маъно касб этади.

Асар қаҳрамонлари Тўлғаной, Сувонқул, Қосим, Жайноқ, Майсалбек, Алиман сингари гўзал қалб эгалари бутун фаолиятлари, интилишлари билан ўзларига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи фидойи, олижаноб кишилар сифатида талқин этилган. Улар халқ ва Ватан олдидаги юксак бурчларини чуқур ҳис этадилар. Эзгулик, инсонга чексиз меҳр-муҳаббат уларнинг муқаддас шиоридир. Чингиз Айтматов яратган бу образлар жонли, ишонарли чиққанки, ёзувчи одамлар ва қуруқ фактлар йиғиндисидан иборат эмас, балки кишиларнинг шахсий характериغا иложи борича чуқурроқ кириб боришга, қаҳрамонларнинг тақдирини ўзига хос индивидуал хусусиятлари, ҳолатлари билан очишга интилади. Ёзувчи қаҳрамонлари тўғрисида қуруқ сўзлаб ўтирмайди, балки улар фаолиятини жонли картиналарда чизади, ўз қаҳрамонлари ҳаётидаги индивидуал миллий хусусиятларни кўрсатишга катта аҳамият беради.

Қиссанинг бош қаҳрамони Тўлғаной ўзининг маънавий юксаклиги, интеллектуал бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Тўлғаной адибнинг «Юзма-юз» қиссидаги Саида, «Жамила»даги Жамила, «Биринчи муаллим»даги Олтинойларнинг тажассуми сифатида вужудга келди, бу Айтматов ижодида ўзига хос бир босқични ташкил этади. Саида, Жамила ва Олтиной ўзларининг шахсий бахтлари ҳамда юксак инсоний муҳаббатлари учун курашган бўлсалар, Тўлғаной миллий характер доирасидан чиқиб, ўзида умумбашарий хусусиятларни акс эттирувчи одатий қирғиз аёлининг ҳақиқий образи сифатида гавдаланади.

Асар диалог шаклида ёзилган бўлиб, у Тўлғанойнинг Она Ер билан бўлган суҳбатидан бошланади ва шу суҳбат билан тугалланади. Асарнинг композицион қурилиши бирмунча ғайритабiiй туйилса-да,

муаллиф ўзининг реалистик услубидан чекинмайди, балки ўз истеъдоди, новаторлигини асослайди. Лекин гап шакл устида кетаётгани йўқ, албатта «Сомон йўли» ўзининг катта ғояси, чуқур гуманизми билан уруш ҳақида, урушни лаънатлаш ва урушга қарши чексиз нафрат руҳида ёзилганлиги билан ёзувчи ижодида алоҳида ўрин тутди.

Асарда тасвир этилишича, омонсиз уруш Тўлғанойни умр йўлдошидан, сухсирдай уч фарзандидан ва сеvimли келини Алимадан бирин-кетин жудо қилади. Бироқ она қанчалик заҳмат чекмасин, бутун қийинчиликларни ўз зиммасига олади, катта хўжаликнинг жонкуяр раҳбари сифатида фронтга кетганлар учун тинимсиз меҳнат қилади, мислсиз жасорат кўрсатади.

Тўлғаной жамиятнинг гули, энг навқирони, куч-қудратга тўлган қисми урушга сафарбар қилиниб, бир-бирининг қонини тўкишни мутлақо ғайритабиий, ғайриинсоний ҳол деб билади. Қиссада она-Ернинг аллегорик образи яратилган. Ер тилга киради, она билан бирга қайғуради, онани юпатади. «Табиат томонидан яратилган энг олий мавжудотнинг энг буюги, одамзот, дунёни ўзига бўйсундирган ким – одамзотми, шундай экан, бир-бирига бунчалик зиён келтирмай, тинч-тотув яшолмайдими? Сирдош далам жавоб бер, айт жавобингни».

«– Қийин савол бердинг-ку, Тўлғаной. Мен билганимдан бери, одам одам бўлиб яратилгандан бери урушгани-уришган. Баъзан урушдан мутлақо қирилиб, ном-нишонсиз кетган элар ҳам бўлган, кули кўкка совурилиб, тирик жон зоти қолмай, хонавайрон бўлган шаҳарлар ҳам бўлган. Неча асрлар одамзот изига зор бўлиб, бўм-бўш ётган вақтларим ҳам бўлган. Ҳар гал урушдан чиққанда, гап уққанларга уришманглар, қон тўккунча ақл ишлатинглар деб айтаман. Ҳозир ҳам

айтадиган сўзим шу: «Эй одамлар, дунёнинг тўрт бурчагида яшаган одамлар, сизларга нима керак – Ерми? Мана мен ерман, мен барча одам боласига етаман, менга талашишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак! Меҳнат керак! Шудгорга битта дон ташласаларинг, юз дона қилиб бераман, хипчин санчсаларинг, чинор қилиб бераман, боғ қилсаларинг, мева тугиб бераман, мол ёйсаларинг, пичан бўлиб бераман, уй қурсаларинг девор бўлиб бераман, уруғ-аймоқларинг кўпайса, ҳаммаларингга жой бўлиб бераман! Мен тугамайман, мен хасис эмасман, мен конман, мен ҳаммаларингга барабар етаман!» дейман. Сен энди, Тўлғаной, одам боласининг тинч яшай оладими, йўқми, дейсан. Ўзинг ўйлаб кўрчи, у мендан эмас, сизлардан, одам боласининг ўзидан, сизларнинг иноқликларингиздан, хоҳишларингиздан, ақл-идрокларингиздан», фалсафий мушоҳадаларга тўлиб-тошган мана шу ғоя – инсонни улуғлаш, кишилар бошига кулфат ёғдирадиган урушни лаънатлаш ғояси «Сомон йўли» асарининг пафосини ташкил этади.

Юқоридаги парчада ёзувчи характер қирраларини очувчи диалогнинг ёрқин намунасини бера олган. Унда санъаткор ҳақиқий гуманист, оташин ватанпарвар ёзувчининг олижаноб эътиқоди, фуқаролик бурчини, унинг оламдаги барча моддий-маънавий бойликларини яратгувчи буюк зот – одамзотни бениҳоя севгани ва қалбидаги урушга бўлган чексиз нафратини Она Ер тилидан баён этиб, асарнинг реалистик қимматини оширишга муваффақ бўлган. Иккинчидан, бу диалог, ўз навбатида Тўлғаной характерини маълум даражада очувчи восита ролини ҳам ўтаган. Муаллиф мана шундай оригинал штрихлар, характерли деталлар орқали Тўлғаной характерининг миллий характер доирасидаги кенглигини, унинг инсониятнинг ташвиши, қайғу-алами билан яшашини, биноба-

рин, бошқа оналарнинг бундай ҳолга тушишини дилдан истамаганлигини кўрсатади.

Воқеликни ҳар томонлама кенг қамраб олиб, унинг ҳаётий деталларда, жонли бўёқларда бадий инкишоф этиш жиҳатидан «Алвидо, Гулсари» қиссаси алоҳида аҳамият касб этади. Асарда ижтимоий ҳаётда юз берган икки хил мураккаб давр, яъни қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш ва иккинчи жаҳон урушидан кейинги қайта қуриш даври қаламга олинади. Ҳар икки давр ҳам ўз ижтимоий муаммолари, турли-туман қийинчиликлари жиҳатидан бир-биридан қолишмасди. Ана шу ўта мураккаб давр воқелигини жонли персонажлар, тўлақонли ижтимоий типлар орқали реал гавдалантириб беришда муаллиф маҳоратининг янгидан-янги қирралари намоён бўлади.

Асарнинг марказий қаҳрамони Танабой юрак амри ва ижтимоий бурч даъвати билан гоҳ отбоқарлик қилади, гоҳ чорвачилик, гоҳ темирчилик билан шуғулланади; ҳамма ерда текинхўрларга, муттаҳам юлғичларга дуч келади ва уларга қарши мурасасиз кураш олиб боради. Чунончи Танабой жамоалаштириш ва уни ривожлантириш йўлида учрайдиган ҳар қандай ғовларни мардонавор ва айна пайтда бешафқатлик билан даф этади. Шу хусусиятларига кўра Танабой ўз акаси Қулибойни ҳам аямайди, унинг қулоқ сифатида сургун қилинишига сабабчи бўлади, дўсти Жўранинг заифликларини кечирмайди. Танабойнинг колхоз тузумидаги бундай фаоллиги қишлоқдаги айрим кишиларга ёқса, айримларига хуш келмаслиги ўз-ўзидан аён.. Шунинг учун айрим раҳбарлик ўринларига сайлаш пайтида кўпчилик Танабойга овоз беришмайди. Танабойнинг ғоявий эътиқоди бошига оғир кунлар тушганда, яъни арзимаган баҳона тўқиб чиқариб, уни партиядан ўчирганларида, айниқса сезилади. Ана шу

психологик ва драматик ҳолатларнинг Танабой қалбида акс садо бериши асарда ғоятда табиий ва ишонарли чиққан.

Танабой Ватан ҳимояси учун кўплар қатори жангга отланади. У жанг майдонида муносиб хизмат қилиб элига қайтади ва йилқичи бўлиб колхозда хизмат қилади. Ана шу ерда у Гулсари исмли от билан топишади. Гулсарининг қулунлигидан тортиб бутун ҳаёти унинг кўз ўнгида ўтади. Демак, Танабойнинг кўпгина масрур дамларига Гулсари ҳам шоҳид эди. Танабой ва Гулсари – ажралмас ҳамроҳлар, қадрдон дўстлар, бир-бирларининг қалбини, нозик юрак сирларини гўё чуқур тушунадилар. Асар воқеалари давомида Танабой характеридаги кўпгина қирралар Гулсари образи билан боғлиқ ҳолда очила боради.

Муаллиф Танабойни юксак идеаллар учун собит курашчи, тарбиявий қувватга эга бўлган инсон сифатида кўрсатар экан, унинг камчиликларидан кўз юммайди. Бинобарин, унинг феъл-атворида ҳам оддий одамларга хос камчиликлар ўзининг чуқур ифодасини топади. Шунинг учун ҳам асарни ўқиганда Дуйшэн, Танабой тимсолларини идеал қаҳрамон деган хулоса келиб чиқмайди. Дуйшэн ўзи учун қалтис вазиятларда адолат тантанаси йўлида қаҳрамонлик кўрсатган пайтлариди ҳам, Олтинойни ўқитганда ҳам ўз билимлари чуқур эмаслигини тушунади. Танабой эса ўз оиласи, бола-чақалари борлигига қарамай тунлари бошқа бир аёл билан учрашиб юради. Бугина эмас, «Алвидо, Гулсари» қиссасида Танабойнинг турли типдаги салбий райком секретарлари, партия ходимлари билан тўқнаштириш орқали муаллиф ҳаётни пардозлаб тасвирлаш ҳақидаги зиддият «назария»лари вужудга келган пайтда тарқалган: шўро адабиётида гўё партия аъзоларининг салбий образларини яратиш мумкин эмаслиги ҳақи-

даги қарашларга зарба беради. Чиндан ҳам бундай қарашлар ҳаёт ҳақиқатига зид эди. Хулоса қилиб айтганда, «Алвидо, Гулсари» қиссаси урушдан сўнгги давр қирғиз қишлоқларида юз бераётган улкан инқилобий ўзгаришларни, энг муҳими янги ҳаёт кураётган меҳнаткаш қирғиз халқининг қалб урушини ўзида ифода этган йирик бадиий полотно бўлиб қолди. Шу боисдан ҳам асар ўз даврининг юксак мукофотларидан бири – Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Адибнинг «Оқ кема» («Эртақдан сўнг»), «Соҳил бўйлаб чопаётган олапар» каби ажойиб, гўзал қиссаларида кўтарилган ҳаётий долзарб масалалар ўзининг реалистик тасвири билан кишини ғоятда ҳаяжонлантиради.

Улуғ рус рассоми Репин ўзининг навбатдаги нодир асарини яратиб бўлгандан сўнг: «Менинг энг яхши асарим ҳали олдинда» дейишни яхши кўрар экан. Чуқур мазмун касб этган бу иборани Чингиз Айтматов ижодида ҳам тўла татбиқ этиш мумкин. Ёзувчи юқорида қайд этганимиздек асардан-асарга ўтган сари янгидан-янги маҳорат чўққиларини эгаллаб борди, унинг ҳар бир янги асари, шу жумладан, «Оқ кема» («Эртақдан сўнг») қиссаси Айтматов ижодида ажиб бир воқеа, бадиий бир кашфиёт бўлди. Бошқача айтганда, асар ғоявий-бадиий теранлиги билан жаҳон адабиётида яратилган машҳур асарлар қаторидан муносиб ўрин олди. Бу мухтасар, аммо мураккаб фалсафий асар дунё юзини кўриши биланок китобхонлар оламини тўлқинлантирди. Йиғинларда, гурунгларда муҳокама этилиб, танқидчиларни эса адабий мунозараларга чорлади. Асар босилиб чиққандан сўнг ўз даврининг машҳур нашрлари – «Правда», «Комсомольская правда», «Литературная Россия» газеталарида қатор тақризлар эълон қилинди. «Литературная газета» эса ўз саҳифаларида мазкур қисса юзасидан кенг миқёсда муҳокама ўтказди. Бу адабий баҳс ниҳоят

муаллифнинг «Зарурий аниқлик учун» («Необходимое уточнение») мақоласи ва таҳририятнинг қисқача хулосаси билан якунланади. Шундай қилиб, бу қисса жуда катта эмоционал кучга эга бўлиб, айтматовча асарлар яратиш йўлидаги янги самара, яъни Чингиз Айтматов ижодий ривожига муҳим бир босқичдир.

Асарда ўртага ташланган фалсафий муаммолар: эртак ва ҳаёт, ҳаёт ва нафосат, инсон ва табиат, мозий ва келажак, зулм ва шафқат, эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва бадбинлик, маърифат ва жаҳолат, инсонпарварлик ва ваҳшийлик, ёзувчи ва воқелик – буларнинг ҳаммаси адибнинг ўткир қалами орқали замондошларимизнинг юксак ахлоқий идеаллари нури-ла мунаввар этилган.

Демак, «Оқ кема» қиссаси ҳам муаллифнинг кўпгина асарларига хос бўлган эзгулик ва ёвузлик, гўзаллик ва бадбинлик ўртасидаги муросасиз кураш асосига қурилган. Қиссада баён этилган воқеа қирғиз тупроғида – Сантош дарасида бўлиб ўтади. Даранинг бир томонида Қоровул тоғи бўйи чўзиб, шу тоғдан хушманзара Иссиқкўл кўриниб туради. Дарадаги ўрмон қоровулхонасининг аъзолари – ўрмон қоровули Ўразкул Болажонов, унинг хотини Бекай хола, қайнотаси Мўмин бува; Мўмин буванинг набираси – етти ёшли Бола ва буванинг кейинги хотини – Кампир, ўрмон ишчиси Сайдахмад ва унинг хотини Гулжамоллардан иборат. Булардан ташқари бу манзилга келиб-кетувчи совхоз шофери Қулибек, автолавка сотувчиси Кўкатоё исмли шахслар ҳам бор. Ана шу ўн чоғли киши, шунингдек, Жаласойдаги Муаллима аёл қиссанинг асосий персонажлари бўлиб, улардан Мўмин бува ва унинг ота-онасиз қолган набираси – биринчи синф ўқувчиси бўлмиш Бола ва Ўразкул асарнинг бош қаҳрамонларидир.

Мўмин бува ва Бола қиссадаги ижобий кучлар гуруҳини ташкил этса, Ўразкул ва унинг ҳамфикрла-

ри салбий кучлар саналади. Бу икки гуруҳ эстетик ва ахлоқий жиҳатдан бир-бирига қарама-қарши қутбларда жойлашган бўлса-да, Бекай хола, Сайдахмад, Гулжамол, кўчма дўкон сотувчиси – Йигит образлари кўпроқ мўътадил характердадир, яъни бу образлар Ўразқулнинг қўл остида, унинг амрига биноан иш тутсалар ҳам, уларда ижобий ва салбий томонлар ҳам мавжуд; бошқача айтганда, бу тўрт образ соф салбий характерга эга эмас. Шунингдек, Қулибек образи, бутун моҳияти эътибори билан Мўмин бува ва Бола билан ҳамфикр ва ҳамнафас эканлиги назарда тутилмаса, қиссанинг бадий ғоясини тўла англаш мутлақо мумкин бўлмай қолади. «Оқ кема» («Эртакдан сўнг») қиссасининг бадий мукамаллиги шу даражада юксакки, бу яна бир бор Айтматов ижод мактабининг нақадар камолотга етганидан далолат беради.

Қиссанинг муҳим фазилатларидан бири унда реализм билан романтиканинг, реал ифодалар билан рамзий усулларнинг, ҳаёт билан эртакнинг узвий бирикиб кетганлигидир: ана шуларнинг ҳаммасини ягона бир бадий ғояга бирлаштирувчи куч Шохдор она буғу образидир. Қисса етти қисмдан иборат бўлиб, унинг тўртинчи қисми бутунлигича Шохдор она буғу ҳикоясига бағишланган, бу қисм эртакдан бошланиб, ҳаёт билан яқунланади. Лекин эртак соф эртак бўлмай, у мозийдан, халқ тарихидан, қирғизларнинг эрк ва мустақиллик учун олиб борган жангларидан сўзлайди. Бу жанглар тарихи эса халқнинг она табиати, унинг ўзига хослиги ва гўзаллиги билан чамбарчас боғланиб кетади. Шохдор она буғу ана шу она табиатнинг бир фарзанди, унинг бир қисми, айни пайтда халқ эртагининг ўлмас қаҳрамони ва нафосат рамзи сифатида талқин этилади. Шохдор она буғу бирданига уч маънони ифода этади. Биринчидан, у ҳам табиий ҳаёт, яъни табиат ҳодисаси-

дир; иккинчидан, у халқ эртагининг афсонавий қахрамони, учинчидан эса у халқ эстетик идеалининг бир ифодасидир, яъни нафосат ва гўзаллик рамзидир. Бу кунги кишилар қандай яшамоқда, уларнинг табиатга ва инсонга муносабатлари қандай – бу масалалар «Оқ кема» («Эртақдан сўнг») қиссасининг сюжет тизимини белгилайди.

Халқ оғзаки ижоди мевасига асосланган «Оқ кема» ҳақида сўзлаб, муаллифнинг ўзи айтган эди: «Бу қиссамни ҳажми кичик бўлгани билан узоқ вақт ёздим. Аввал ҳикоя эди, атиги ўн варақдан ошмасди. Бироқ ҳикоянинг хотимасини топа олмадим. Беш варақ қўшдим – композиция бузилди. Кейин қайта-қайта ёзвердим. Натижада юз элик саҳифадан кўпроқ асар пайдо бўлди. Бу қисса аввалги асарларимга сира ўхшамайди. Китобхон нима дер экан, деб тушларимда хавотир олиб чиқаман».

Аслида бу айтилганлар биргина мазкур «Оқ кема» асаригагина оид эмас. Умуман, Чингиз Айтматов асарларига асос қилиб олинган материалларнинг муҳимлиги, адиб истеъдодининг чўнг юксаклиги, асар устида узоқ ва қунт билан ишлаши, унинг ўқувчилар олдидаги жуда катта масъулият ҳиссини кўрсатди.

Шундай қилиб, қўлимиздаги қисса на эртақ ва на мавҳум рамзий асар бўлмай, чинакам реал ҳақиқатдир. Реал бўлганда ҳам реализм услуби асосида яратилган асардир. Ундаги романтика, эртақ ва рамзий усуллар реализмга бўйсундирилган бўлиб, ҳаётий воқеа-ҳодисаларни бадий гавдалантиришга хизмат эттирилган. Шунинг учун ҳам «Оқ кема» қиссасига «Эртақдан сўнг» деган мўъжазгина сарлавҳа ҳам қўйилган, яъни бу қисса эртақ эмас, балки эртақдан кейинги реал ҳаёт воқеалари бўлиб, унинг қаҳрамонлари бугунги кишилар, қирғиз халқининг типик вакиллари дир.

Бир сўз билан айтганда, асар тасвирида ҳаётнинг гўзал ва салбий ҳодисалари ёнма-ён ва ўзаро уйғунликда тўлақонли тарзда ифодаланган. Юқорида қайд этилганидек, воқеликнинг гўзал ва зиддиятли томонларини ифодаловчи кучлар бир-бирига қарама-қаршидир. Бир томонда Мўмин бува, Бола, Қулибек, Муаллим аёл; иккинчи томонда эса Ўразқул ва Кўкатоилардир. Ўразқул – ҳўкизтабиат одам. У ғам-ғусса ва жаҳолатдан эсанкираб қолган кимса. Ўразқул қўл остидаги Бола (хотинининг жияни)га бирор илиқ сўз айтишни раво кўрмайди, яъни шундай сўз айтишга ўзида ички куч топа олмайди, ҳасад исканжасида дод солади. Ўразқул бахтсиз хотини Бекай холани ваҳшийларча ҳақоратлайди, калтаклайди. Қайнотаси Мўмин бувани ҳам худди шундай энг тубан сўзлар билан ҳақорат қилади, эзади. Ўразқул – жаҳолат ва ваҳшийлик, тубанлик ва разолат, нодонлик ва ёвузлик тимсолидир. «Ўразқулдай кишини аллақачон дарёга ташлаш пайти келганлигини ҳеч ким пайқамайди». Бу ёзувчининг ўз баҳоси. Аммо, Ўразқулларни йўқотиш осон эмас, чунки унга ўхшаган ёвузлар гўзал қалбли одамлар устидан ҳукмрондир. Улар яхшиларни оёқ ости қиладилар, масхаралайдилар, таҳқирлайдилар, чунки софдил, эзгу ниятли Мўмин чоллар курашга тайёр эмаслар. Чингиз Айтматов Мўмин чолларнинг ўта мўминлигини алам билан тасвирлайди ва бу билан ҳаётдаги пасивликни қоралайди. Мўмин бува бўлса меҳнатсеварлик ва инсонпарварлик, сабр-тоқатлик, меҳрибонлик ва олижаноблик, ўта соддалик, мўминқобиллик рамзидир. Мўмин бувага хос бу фазилатлар беғубор бола қалбида, биринчидан, эзгу ниятларни, олижаноб фикрларни туғдирса, иккинчидан, Ўразқул сингари виждонсиз, муттаҳам шахсларга нисбатан қаҳр-ғазаб ўтини алангалатади.

Зулм ва қабоҳатга нафрат билан қараш Мўмин бувада ҳам, Болада ҳам забун ҳолатдадир. Қулибек эса адолатсизликка қарши дадил курашади. Қулибек характериға хос жанговарлик ва курашчанлик фазилатлари ижобий кучлар томонидан қозонилиши муқаррар бўлган ғалабанинг ўзига хос тимсолидир. Шунга кўра, Бола ҳеч қачон руҳий тушкунликка берилмайди. Аввало шуни унутмаслик керакки, Мўмин бува Боланинг доимий ҳамроҳи, меҳрибони ва раҳнамосидир. Қулибек эса Шохдор она буғу авлодининг садоқатли ва ҳалол вакили сифатида аввал бошданок Бола билан бирга яшаб, кейин ҳам шу авлоднинг давомчиси бўлиб қолаверади. Бола билан ҳамнафас кишилардан Қулибеккина Ўразқулни енга оладиган, унинг юзига бутун ҳақиқатни айта оладиган бирдан-бир киши эди. Фожианинг шафқатсиз зарбасига дуч келган Бола ёвузликка зарба бера оладиган кучни Қулибекда кўради, унинг тасаввурида Қулибек қўлида автомат билан пайдо бўлади-да, ҳамма жиноятлари учун Ўразқул ва унинг ҳамтовоқларини уйдан ҳайдаб чиқаради. Ўразқулни эса деворга суяб, отмоқчи бўлади. Шунда Ўразқул эмгаклаб, инграб дейди: «Ўлдирма мени, менинг ҳеч кимим йўқ-ку, ахир. Оламда танҳоман. На ўғлим бор, на қизим». Бола эмас, Ўразқул ёлғизликка маҳкумдир. Бола инсонпарварлик ва олижаноблик принципида изчил қолиб, фожиага дуч келган олчоқ Ўразқулни ўлдирмасликка рози бўлади. Лекин унинг «бу ердан кетишини ва ҳеч қачон қайтиб келмаслигини» талаб қилади. Шунда Ўразқул кўрқа-писа, лўкиллаганча қоча бошлайди. Бироқ Қулибек уни тўхтатади: «Тўхта! Сенга айтадиган охириги сўзим бор. Сенда ҳеч қачон бола бўлмайди. Сен ёвуз ва ярамас одамсан, сени бу ерда ҳеч ким ёқтирмайди, Ўрмон ҳам, бирорта дарахт ҳам, ҳатто бир дона гиёҳ

ҳам сени хуш кўрмайди. Сен фашистсан. Сен бу ердан умрбод кет. Қани, тезроқ бўл!» Ўразқул олди-кетига қарамай югуради. Қулибек унинг орқасидан хахолаб кулар ва яна ваҳима солиш учун автоматидан ҳавога қараб ўқ узади.

Кўриниб турибдики, Ўразқулнинг фарзанд кўрмаслиги ва умуман ёлғизлиги фаталь суратда муқаррар бўлмай, балки ёвузлиги ва «фашистлиги»нинг оқибати самараси ҳамдир. Демак, Ўразқулнинг фарзандсизлиги салбий кучларнинг ёлғизлик рамзи ҳамдир. Ўразқулнинг адолат зарбидан қочиб қолиши – салбий кучларнинг мағлубиятини, Қулибекнинг қаҳқаҳаси эса Мўмин бува-лар ғалабасининг тантанасини ифодалайди. Аммо булар – Боланинг хаёли эди. Хаёл бўлганида ҳам тўла рўёбга чиқиши муқаррар бўлган хаёл эди: чунки бу хаёлни амалга оширишга қодир бўлган қудратли ва навқирон куч – Қулибеклар ҳаётнинг чинакам қаҳрамонларидир.

Чингиз Айтматовнинг «Жамила», «Биринчи муаллим», «Сарвқомат дилбарим», «Алвидо, Гулсари», «Сомон йўли», «Оқ кема» каби қиссаларининг ҳар бири адиб ижодида, унинг санъат сирларини эгаллашдаги алоҳида довларни ташкил этди. Шу билан бирга бу ажойиб асарлар муаллифининг биринчи романи «Асрни қаритган кун» асарининг яратилишига кучли замин бўлиб хизмат қилди.

Азал-азалдан маълумки, меҳнатсеварлик инсон кадр-қимматини белгиловчи мезонларидан биридир. Шу маънода асар бош қаҳрамони уруш қатнашчиси, кейинчалик эса оддий темир йўл ишчиси Эдигей Жонгелдин том маънодаги меҳнат кишиси типи сифатида талқин этилади. Одамларнинг айтишича, у заминни елкасида кўтариб турганларнинг бири. «Бўронли Эдигей образи менинг меҳнат кишисини ҳамиша ўзининг қаҳрамони қилиб олган реализм адабиётининг

асосий ақидасига бўлган муносабатимдир», – дейди адибнинг ўзи. Демак, романнинг асосини ана шу етакчи ғоя, яъни инсон ва меҳнат муаммоси ташкил этади.

Романда талқин этилган барча муаммолар, хусусан тарихнинг мураккаб ҳодисалари, асримизнинг улкан ҳақиқат, бутун инсониятни ҳаяжонлантираётган, ташвишга солаётган муаммолар оддий меҳнаткаш инсон – Эдигей тақдири орқали, унинг бошидан кечган ғоятда мураккаб воқеалар орқали бадий инкишоф этилган.

«Абадий ва ўткинчи ҳодисалар доим тўқнашиб турадиган бу дунёда, – деб ёзади адиб, – меҳнаткаш одам мен учун шахсияти, бой маънавий дунёси ва даврнинг қай жиҳатларини ўзида мужассамлаштиргани билан ҳам қизиқарли ва муҳимдир. Шу боисдан Эдигейни ўзим яшаб турган замондаги олам чархининг меҳварига, мени ҳаяжонга солаётган муаммоларнинг марказига қўйиб тасвирлашга интилдим».

Ёзувчи айтганидек, Эдигей образида бугунги кун кишининг бой маънавий дунёси, унинг олижаноб орзумидлари, ташвиши ва ҳаяжонлари ёрқин бўёқларда реалистик акс эттирилган. Қаҳрамоннинг ҳаёт йўли ва унинг хаёлини банд этган муаммолар ўқувчи қалбини ларзага солиб, ўзига асир этиб олади. Шу тариқа оддий шахс, камтарона касб эгаси Эдигей чиндан ҳам асримизнинг улкан одамига, давримизнинг етук қаҳрамонига айланади. Бўронли Эдигейнинг энг яхши хислатларидан бири муаллиф қайд этганидек унинг меҳнатсеварлигидир. У қанчадан-қанча машаққатларга, турмуш фожиаларига дуч келмасин, ҳаёт тўфони уни қайси бир томонга итқитмасин, у сабр-тоқат билан, зўр матонат билан уларни бартараф этади, олға интилишда, курашда давом этади.

Эдигейнинг меҳнатсеварлиги унинг юксак инсонпарварлик хислатлари билан уйғунлашиб кетади.

Ҳар қандай шароитда ҳам кишиларга ёрдам кўлини чўзиш, уларнинг тинчлиги, осойишталиги ва фароғати учун курашишни муқаддас бурч, олий мақсад деб билади. Эдигей ўзининг том маънодаги одамийлиги, маънавий юксаклиги билан, инсонга бўлган меҳр-муҳаббати, самимий садоқати билан китобхон кўз ўнгида яққол гавдаланади. Буни айниқса, яқин дўсти, темир йўл ишчиси Қазангап, урушнинг бутун мусибатларини бошидан кечирган Абутолиб Қуттибоев ва унинг оила аъзоларига бўлган самимий муносабатида ва муҳаббатида яққол кўриш мумкин.

Чингиз Айтматов қаҳрамонлари қалби кенг, ички дунёси ғоятда бой, ўз ишига, эътиқодига қатъий ишонган кишилардир. Шунинг учун ҳам улар ҳар қандай қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтадилар. Адибнинг «Юзма-юз», «Бўтақўз», «Жамила», «Сарвқомат дилбарим», «Биринчи муалимим», «Сомон йўли», «Оқ кема», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», ниҳоят фикр юритаётган асримиздаги Эдигейлар ана шундай матонатли, жасур кишилар тимсолига киради. Айниқса, Эдигей ёзувчи ижодида мазкур асарлардаги образларнинг тажассуми сифатида алоҳида ўрин эгаллайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ёзувчи Эдигей образи орқали ўзида бунёдкорлик ғояларини ташувчи янги инсон идеалини эҳтирос билан, завқ-шавқ билан санъаткорона тадқиқ этади, Эдигей образи адибнинг характер яратиш маҳоратининг асардан-асарга ўтган сари юксалиб бораётганлигини намойиш этувчи яна бир янги босқич ҳисобланади.

Муаллиф олдинги асарларида бўлгани каби бу сафар ҳам афсоналарга, эртақларга, ривоятларга таянди. Бу асарида ҳам халқ оғзаки ижоди, афсона, эртақ, ривоятлар ёзувчи учун замонавийликни тушунишда бир восита ролини ўтайди. Чунончи, Она байит афсонаси орқали

меҳнаткаш халқнинг ўтмишда нақадар оғир ҳаёт кечирганлиги акс эттирилган бўлса, оқинлар – Раймали оға ва Бегимойлар тўғрисидаги ривоятда севгининг инсонга қанот бахш этувчи том маънодаги мўъжизакор кудрати жозибали эпизодларда зўр куч билан тараннум этилади.

Шундай қилиб, «Асрни қаритган кун» романи «Оқ кема» қиссаси сингари на эртак ва на рамзий асар бўлибгина қолмай, балки юксак маҳорат билан эртак ва рамзийлик оҳангларига чулғаб берилган чинакам реал ҳақиқатдир.

* * *

Эндиликда турмушимизинг барча жабҳалари тубдан қайта қурилмоқда, асосийси инсон руҳияти, фикрлаш йўсини ўзгармоқда, бусиз том маънода янгиланиш, яшариш амримаҳол. Зотан, ҳар қандай омилнинг ибтидоси ҳам, интиҳоси ҳам инсонга келиб тақалади.

«Бугунги мураккаб ва таҳликали замонда, – деган эди муҳтарам президентимиз Ислом Каримов, – ёзувчининг башариятнинг эртанги кунини ўйлаб, одамларни эзгуликка, инсоф-диёнат, меҳр-оқибат ва бағрикенгликка даъват этишга қаратилган ҳароратли сўзи ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда».

Инсоннинг халқ, Ватан, авлодлар олдидаги, замин ва замон олдидаги масъулияти ғояси ёзувчи ижодида марказий ўринни эгаллайди. Тўлғаной («Сомон йўли»), Та-набой («Алвидо, Гулсари!»), Саида («Юзма-юз»), Сеит ва Дониёр («Жамила»), Дуйшэн ва Олтиной («Биринчи муаллим»), Эдигей ва Қазангап («Асрни қаритган кун»), Камол («Бўтакўз»), Султонмурот ва Чекиш чол («Эрта қайтган турналар»), Ўрхон бобо, Эмрайин ва Милгун («Соҳил ёқалаб чопаётган олапар»), Авдий Каллистратов, Исо Масиҳ ва Бўстон («Қиёмат»), Филофей Крильцов, Борк («Кассандра

тамғаси») образлари тинчлик, осойишталик йўлида, адолат, ҳақиқат йўлида, инсониятнинг бахт-саодати ва келажаги йўлида жон фидо қилган мардонавор курашчилар тимсоли сифатида гавдалантирилган.

Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қандай воқеа бадий таҳлил қилинмаса, куп-қуруқ фактлар йиғиндисига айланиб қолади ва қаҳрамонлар маънавий оламини очишга хизмат қилмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, «Асрни қаритган кун», «Қиёмат», «Охирзамон нишонлари» («Кассандра тамғаси»), «Қулаётган тоғлар» («Мангу қайлиқ») романларида қаламга олинаётган одам ва олам ҳақидаги муаммолар бадий мантиқ асосида реал, теран ва атрофлича талқин этилган.

Адибнинг «Асрни қаритган кун» романидан сўнг дунё юзини кўрган катта эпик асари «Қиёмат» ҳозирги кунда бутун башариятни ташвишга солиб ўйлантираётган глобал муаммолардан ҳисобланган гиёҳвандлик, имон-эътиқод масалаларига бағишланганлиги билан аҳамиятлидир.

Мазкур роман илк бор «Новый мир» журнали (1986 йил 6, 89-сонлари)да эълон қилинди, сўнгра «Шарқ юлдузи» (1987 йил 8, 10-сонлари)да чоп этилди. Адиб «Шарқ юлдузи»га йўллаган мухтасар мактубида романинг номи қирғиз тилида «Қиёмат», русчада «Плаха» дея атаганини алоҳида таъкидлайди. Ўзбекчада ҳам «Қиёмат» дейиш жоиз. Шундай ҳам бўлди.

Романда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар, ўртага қўйилган муаммолар қайта қуриш даврининг энг долзарб масалалари билан ҳамоҳанг бўлиб, уларда қаҳрамонларнинг мураккаб, чигал тақдирлари, қалб туғёнлари ўқувчини ҳаяжонга солади, ўйга толдиради. Қаҳрамонлар қисмати воситасида эса ёзувчи яшашнинг маъноси, инсоннинг инсонлик шаъни, бурчи, масъулияти, эътиқоди масалала-

рини кўтаради, китобхонни улар ҳақида ўйлашга, мушоҳада юритишга, баҳсга чорлайди. «Қиёмат» романи, – деган эди муаллиф, – бу менинг дардларим, ҳасратларим, ташвишларим, туғёнларим. Маълумки, дунё жар ёқасида турибди, инсоният қайси йўлдан бормоқда? Инсониятни, цивилизацияни омон-эсон сақлаб қолиш мумкинми? Мумкин бўлса, қандай қилиб? Менинг романим ана шу умуминсоний ташвишлар ҳақида».

Асар юзага келиши биланоқ «Литературная газета», «Литературное обозрение», «Октябрь» каби кўплаб газета ва журналларнинг саҳифаларида қизғин муҳокама ва мунозаралар бошланиб кетади. Умуман олганда, асарда қамраб олинган макон ва замоннинг миқёси ниҳоятда кенг. Унда пайғамбар Иисус Христос, бизнингча айтганда, ҳазрати Исо ҳаёти билан боғлиқ икки минг йиллик бутун бир тарихий даврнинг мазмуни, мундарижаси, зиддиятларини йигирманчи аср охирида руҳонийлар семинариясида таҳсил олиб, бутун ҳаётини эзгуликка бағишлаган Авдий Каллистратовнинг ёвуз душманлар томонидан Мўйинқум даштида саксовулга чормих қилиб кетишларигача бўлган давр воқеалари ҳаққоний ёритилган.

«Асар икки мингинчи йилнинг боши билан икки мингинчи йилнинг охирини туташтиргандай бўлди, Айтматов имон учун икки минг йиллик курашнинг мазмунини шу кичик асарга жойлаштириб беролди. Ҳамма халқларнинг ўз авдийлари, ўз бўстонлари, ўз исолари, ўз акбаралари, ўз кўчқорбоевлари, ўз бозорбоевлари бор. Ҳамма халқларнинг маданий тарихлари марказида имон учун кураш туради.

Имон жаҳондаги барча халқларнинг тарихларини бир-бирига яқинлаштиради.

Имон учун кураш – умуминсоний ғоядир. Ўғирлик, порахўрлик айрим халқлар учун бутунлай тушунар-

сиз бўлиши мумкин. Лекин имон барча халқлар, барча одамлар учун тушунарлидир.

Имон одам боласини ҳалокатдан сақлайди.

Имон бузилганда унинг биринчи жабри табиатга тушади. Романда тасвирланган улуғ Мўйинқумдаги қирғин ва қувғин мана шу имонсизлик туфайли рўй беради. Имонсиз муносабатлар туфайли она табиат оромсиз бўлиб қолди. Одамзотнинг заминдан, шу сув, ҳаводан ўзга паноҳи йўқ. Бизнинг замонамизга келиб ана шу паноҳ хавф остида қолди. Замин, ҳаво, сув одамнинг беписандлиги ва ақлсизлигидан титрай бошлади. Қаранг, Акбара билан Тошчайнар қандай паноҳсиз. Авдий паноҳсиз. Исо паноҳсиз. Бўстон паноҳсиз.

Ҳамма нарса гўё омонат. Ҳамма нарса гўё тубсиз зулмат чоҳ оғзига келиб қолган... Ҳамма нарса романда безовта титроқ ва харосонлик ичида»¹⁴.

Романнинг асосий қаҳрамонлари ва персонажлари талайгина бўлиб, уларнинг аксарияти қисматида, юқорида қайд этиб ўтилганидек, қиёмат кечади, фожага учрайдилар. Муаллиф романда Ф.Достоевский реализмига хос бўлган ижодий йўл жамиятнинг юқори табақалари ҳукмдорлари томонидан «хўрланган ва ҳақоратланган», инсонлик қадр-қиммати оёқости қилинган «кичик» одамларни ҳимоя қилади. Бу бечоралар ҳаёти жиноятчиларга қарши тенгсиз кураш олиб борган ва паст табақа вакили, ҳуқуқсиз, эзилган бўлса ҳам, ўз инсонийлигини йўқотмаган ёш, соддадил, ўйчан йигит романнинг етакчи қаҳрамонларидан бири Авдий Каллистратов образи орқали очиб берилган. Кўп планли романнинг сюжет йўналишларидан бирида гиёҳвандлик ва унинг савдосига гирифтор бўлган доғули, жирканч шахс Гришан бошчилигидаги жиноятчилар гуруҳининг машъум ишлари тасвир-

¹⁴ И. Ғафуров. Оромсиз дунёда. // Чингиз Айтматов навечно в сердцах узбекистанцев. – Т.: «NOSHIR». 2008 йил, 197–198-бетлар.

ланади. Романда очик айтилмаган бўлса-да, сезилиб турибдики, ҳақиқий жиноятчилар, аслини олганда, булар эмас, балки жамиятнинг юқори табақаларига мансуб бўлган «қонун ҳимоясидаги» ўғрилардир. Гришанлар гуруҳи эса жиноят йўлига кирган кичик бир тўда, холос. Авдий Каллистратов жиноятчиларни «разолат чоҳидан халос этиб» ҳалол меҳнат, ҳақ йўлга қайтариш учун ўз ҳаётини қурбон қилишга ҳам рози бўлади. Натижада у гиёҳвандлар томонидан ўлар ҳолатга келтириб дўппосланади. Романдаги барча сюжет чизиқлари ичида, шубҳасиз, энг мураккаб, жафокаш образ Авдий етакчи ўринни эгаллайди.

Авдий соф ниятли инсон. У Худога, динга бутун вужуди билан ишонади. Аммо унинг фикрича, шу вақтгача инсоният тасаввурида мавжуд бўлиб келган Худо эскирган. Бинобарин, унинг эътиқодича «ҳаммабоп, замонавий» янги Худо кашф этиш керак. Кўринадики, Авдий аввал диний семинарияда худо изловчи сифатида таҳсил олган бўлса, энди Худога содиқлик ғоясидан воз кечиб янги ғоя, янги Худо изловчи йўлига ўтади. Хуллас, «асрлар бўйи қотиб қолган фикрларни ўзгартириш, ақидабозликдан қутулиш, инсон руҳига Худони англашда ҳурлик бериш ва Худони инсон борлигининг энг олий зухуроти деб билиш» Авдийнинг дин ва Худо ҳақидаги қарашларининг асосини ташкил этади. Бундай қараш эса, эски черков ақидаларига ҳам, янги жамиятнинг тутган йўлига ҳам монелик қилар эди. Унинг диний семинариядан ҳайдалишига ҳам ана шу куфрона фикрлари сабаб бўлади. Унинг ўйлашича: «тақдир эртани, кечми, бари бир, менга ўз қарашларимни одамларга маълум қилиш учун имконият беради», «Инсониятнинг тарихий тараққиёти жараёнида ва унга боғлиқ ҳолда Худо категорияси ҳам вақтга кўра ўзгаради, ривожланади» деб қарайди. Аслини олганда, Авдий Худо из-

ловчи эмас, аксинча, ҳақиқат изловчи мураккаб образ сифатида гавдаланади.

Адиб асарнинг ғоявий мазмуни, ижтимоий салмоғи ҳамда бадий нафосатини кучайтириш мақсадида Авдий Каллистратов тақдирига оид сюжет чизигига ёндош равишда насроний дини ақидаларининг асоси бўлган «Инжил»да таъкидланганидек, бутун гуноҳкор одамларни охират азобидан халос қилиш учун ўзини оғир қийноқларга ва ўлимга тутиб берган Иисус Христос – Исо Масих ва унинг айбловчиси Рим империяси прокуратори Понтий Пилат билан боғлиқ узоқ ўтмиш воқеа-ҳодисаларини кенг кўламда гавдалантиради ва, айниқса, Исо Масих образини яратишга алоҳида аҳамият беради. «Насронийлик динида Исо пайғамбар сиймосида мушоҳада учун катта имкониятлар мавжуд – деб ёзган эди муаллиф – менинг аждодларим сиғиниб келишган ислом динида эса ундай сиймо йўқ. Муҳаммад жафокаш эмас. Тўғри, у ҳам оғир кунларни бошидан кечирган, азият чеккан, лекин у ғояси туфайли чормихга тортилмаган, кейин одамларнинг ана шу гуноҳини ҳам мутлақо кечирмаган... Исо пайғамбар ҳозирги замон кишиларига дилимдаги муқаддас гапларимни айтиш имкониятини яратди. Шунинг учун камина, ўз ижодимда унга тўқнаш келдим. Нима учун бош қаҳрамон қилиб Авдий Каллистратовни танлаганимнинг боиси ҳам шунда»¹⁵.

Тарихдан маълумки, янги (милодий) эранинг бошланишида Рим империясига тобе бўлган Иудея мамлакатада халоскор Исо Масих кўплаб халқлар, шу жумладан, юнон-рим мушриклари ҳам сиғинган кўпхудолик эътиқодига қарши чиқиб, яккахудолик динини тарғиб қилган. Рим империясининг Иудея-

¹⁵ Чингиз Айтматов. Ё ҳаёт, ё мамот. «Ёшлик» журнали, 1986 йил, 10-сон, 64-бет.

даги ноиби ўта шафқатсиз прокуратор Понтий Пилат сўроқ-жавоблар пайтида Исо Масихни ўлимдан сақлаб қолиш учун «сўзингдан қайтсанггина бошингни халос этасан» деб мурасага чақирганда ҳам у яккахудолик таълимотидан сира қайтмаган. Исо Масих золимлар, ҳукмдорлар, имонсиз коҳинлар қиёматда жазоланиб, дўзахга ташланишини башорат қилиши баробарида, бечора, етим-есир, камбағал, эзилган одамларга «Сизлар жаннатийсиз» деб хушxabар берган. (Шу сабабли Исо Масихнинг ҳаёти, фаолияти қиёмат, охират ҳақидаги Худо томонидан билдирилган сўзлари жамланган муқаддас китобни «Инжил» ёки «Хушxabар» деб аташади). Маҳаллий яҳудийлардан бўлган бой, зодагонлар ва коҳинлар Исони қатл этишни Понтий Пилатдан талаб қиладилар. Понтий Пилат имон-эътиқод масаласида журъатсизлик кўрсатади. Рим империяси ҳукмдорлари Исони халқ тинчлигини бузувчи, халойиқни исёнга чақирувчи деб устунга чормихга парчинлашга ҳукм қилади.

Романда жуда кучли бадиий таъсирчанлик билан тасвирланган бу воқеа XX асрда Қозоғистон даштларида гиёҳвандлар ва ёш йигит Авдий тақдирида ажиб бир тарзда ўз давомини топгандай бўлади. Охир-оқибатда ёш афюнгарларга қарши тенгсиз кураш олиб борган Авдий Каллистратовни Мўйинқум даштида дарахтга худди чормих қилгандай осиб кетадилар.

Исо Масихни хочга тортиш воқеаси Чингиз Айтматовдан ярим аср илгари яшаб ижод этган буюк рус адиби Михаил Булгаковнинг «Уста ва Маргарита» номли романида ҳам кенг миқёсда ёритилган. Бу асар бадиий қуввати, нафосати, фалсафий-ғоявий теранлиги билан кўпчилик адиблар қатори Чингиз Айтматов ижодига ҳам кучли таъсир кўрсатган. Иккала ёзувчи асарида ҳам Иисус Христос билан Понтий Пилатга катта ўрин

берилган бўлиб, ҳар икки романда муштарак ва фарқли томонлар бор. Михаил Булгаков асарида XX асрнинг 20–30-йилларида Москвада шўроларнинг, даҳрийликни асос қилиб олган коммунистик мафкуранинг қурбони бўлган даҳо мутафаккирларни таъқиб этиш ҳаётининг оддий кундалик меъёрларига айланаётгани аччиқ киноялар, кесатиқлар билан кескин фош этилади.

Чингиз Айтматов асарларида эса ўзгача тасвирни кузатамиз. Яъни унда тобора техника тараққиётига эришиб, мураккаблашиб бораётган бу дунёда эътиқодсизлик, диёнатсизлик, маънавий қашшоқлик, лоқайдлик, бир сўз билан айтганда, эзгулик билан ёвузлик ўртасидаги кураш каби муаммолар глобаллашиб бораётганлиги чуқур ташвиш ва безовталиқ билан қайд этилади. Ёзувчи мазкур асарда инсониятни келажакда кутаётган даҳшатли муаммоларни, мудҳиш манзараларни, шўро турмуш-тарзини кўкларга кўтарган жамият тараққиётининг сўнгги босқичларидаги ўта зиддиятли жараёнларни қизиқарли бадий лавҳаларда тасвирлар экан, тарихий даврлар, макон-замонлар, турли таълимотлар ва инсонлар тақдирини бир-бирига мантиқан боғлайди, уйғунлаштиради. «Мен, қиёмат-қойим деганда дунёни атом бомбалари билан кунпаякун қилиб юборишни тушунмоқ даркор, демоқчи эмасман, – деб ёзган эди муаллиф, – лекин яққол кўриниб турган ана шу ҳавф-хатар мени, тўқиб чиқарилган, диний-мистик маҳшардан эмас, ўзимизни ўзимиз гирифтор қилишимиз мумкин бўлган ва аслида ҳам қиёмат-қойимнинг ҳиди келаётган дунёвий ишлардан кўрқиб лозимлиги ҳақида бонг уришга чорлади»¹⁶.

Асарда тасвирланган Ола Мўнгу музлик тоғи ва Мўйинқум даштларида бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодиса-

¹⁶ Чингиз Айтматов. Ё ҳаёт, ё мамот. «Ёшлик» журнали, 1986 йил, 10-сон, 64-бет.

лар, Иисус Христос ва Понтий Пилат ўртасидаги инсон, дин, эътиқод ҳақидаги баҳс-мунозаралар, миллий-озодлик ҳаракати вакилларининг умумлашма образи кўрбоши Гурам Жўҳадзе бошчилигидаги гуруҳ ва бу гуруҳ таркибига кириб олган жосус Сандро ёки ожиз, нотавон бўри Акбара (Оқ Барра) ва Тошчайнар ҳамда Авдий Каллистратов, Бўстон Ўркунчиев образлари тасвирланган сюжет чизиқлари қайси бир жиҳатлари билан бир-бирига боғланган ва бири иккинчисини тўлдиради, бойитади, барча сюжет чизиқларининг ниҳоясида эса фожиавий қисмат ва тақдирлар ётади. Чунончи, Иисус Христос (Исо алайҳиссалом)нинг якка худолик динини тарғиб қилганлиги, илоҳий, инсоний ва тарихий қарашлари учун чормих қилиниши, инсонийлик қиёфасини йўқотган афюнгарларга қарши тенгсиз кураш олиб борган ва янги Худо кашф этмоқчи бўлган диний семинарчи, соф ниятли олижаноб инсон Авдий Каллистратовнинг Мўйинқум даштида ваҳшийларча қатл этиб кетилиши, «Олтовлон ва еттинчи» балладасидаги кўрбоши Гурам Жўҳадзе ва унинг йигитларининг айғоқчи Сандро томонидан қириб ташланиши, виждон азобида қовурилган Сандронинг пировардида ўзини ўзи отиб ташлаши, шунингдек, Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз музлик ўпқонига оти билан ғарқ бўлган бегуноҳ Эрназар қисматида ҳам, кўз қорачиғи норасида фарзандини олиб қочаётган аламзада бўрини отаман деб, кутилмаганда ўз ўғли Кенжашни бирга кўшиб отиб қўйган Бўстон Ўркунчиевнинг қисматида ҳам, шум ниятда ёвузлик йўлига кирган худбин Бозорбой саргузаштларида ва ниҳоят ўқувчининг меҳрига сазовор бўлган Акбара ва Тошчайнарларнинг тақдирида ҳам қиёмат кўпади, ҳамма-ҳаммаси фожиага учрайдилар. Муаллиф айтганидек, «ҳаёт шундай қурилганки, эзгулик ҳар доим тақчил, ёвузлик эса ҳаминқадар, ошиб-тошиб ётибди». Муаллиф

асар аввалида, барча соф ниятли кишилар аҳил, ҳамжиҳат бўлиб бирлашганларида ва курашганларида қиёмат кўп-маслиги, фожиа устига фожиа юз бермаслиги, олижаноб инсон Авдий, Гурам ва унинг йигитлари, Эрназар, Кенжаш ва бошқалар омон қолиб, ўз орзу-ниятларига етишлари ҳам мумкин эди, деган хулосага келади.

Адиб ҳаётдаги мудҳиш ҳодисаларнинг юзага келишига асосий сабаб табиат ва жамиятда мавжуд бўлган меъёрларнинг, мутаносибликнинг кўпол равишда бузилаётгани, ижтимоий тангликлар, инсонларнинг номатлуб, номуносиб хатти-ҳаракатлари, маънавий инқироз, лоқайдлик, ёвузлик, зўравонлик, ўз инсоний моҳиятидан чекиниш эканлигини таъкидлар экан, унинг олдини олиш учун жумлаи жаҳон ҳамжиҳатликда биргалашиб курашиши зарурлигини алоҳида уқтиради.

Чингиз Айтматовнинг мақсад-муддаосини, бадиий ниятини, концепциясини тўғри ва мукамал тушуниш учун китобхондан чуқур билим, идрок ва юксак эстетик маданият талаб қилинади. Унинг асарларини эскича ўлчовлар, эскича мезонлар билан ўлчаб бўлмайди. Чингиз Айтматов асарларида қаҳр ва муҳаббат, висол ва ҳижрон, соғинч ва ўкинч туйғулари бир-бири билан мураккаб бир тарзда, айнаи чоғда уйғунлашган ҳолда намоён бўлади ва муаллифнинг аксарият асарларида бўлгани сингари ушбу романида ҳам реал воқеалик билан фантастика ақл бовар қилмайдиган даражада омухталашиб кетади. Адиб тасвирлаётган оддий воқеалар замирида катта фалсафа ва ҳикмат ётганлигини тасаввур қилиш учун асардаги Гурам Жўҳадзе ва унинг йигитлари тасвирланган «Олтовлон ва еттинчи» балладасидаги Ватан таърифини, «Ватан билан видолашув» эпизодини эслаш кифоя. Асарда грузин миллатининг маънавий сиймосини, Ватан тушунчасининг теранлигини ҳеч ким бу қадар содда, аниқ ва жозибадор таърифламаган бўлса керак.

90-йилларнинг ўрталари, яъни муаллиф ижоди камолот чўққисига кўтарилган йиллари унинг навбатдаги романи – «Кассандра тамғаси» («Охирзамон нишонлари», 1995) яратилади. Мазкур асар ҳам адибнинг бошқа кўпчилик асарлари сингари ўқувчилар орасида, адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди, қизғин мунозараларга сабаб бўлди. Кўпчилик асарни Айтматов фалсафий, фантастик қарашларининг улкан маҳсули, юксак чўққиси деб баҳоласа, баъзилар, унинг моҳиятига етмасдан, бадиийликдан йироқ, ҳеч кимга кераги йўқ, ёзувчининг кутилмаганда алаҳсираши, дейишгача бориб етдилар. Бунга Б.Бондаренконинг «Наш современник» журналида эълон қилинган «Насл-насабини билмаган Чингиз» («Чингиз, не помнящий родство») сарлавҳали мақоласини мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Ёзувчи романда грек (юнон) мифологиясидаги бир ривоятдан ижодий фойдаланиб, ўта замонавий ижтимоий муаммоларни ёритар экан, бугунги лоқайдлик, ёвузлик, ваҳшийлик уруғларининг келажакда мудҳиш оқибатларга олиб келишини космик юксакликдан башорат қилади ва инсониятнинг эртанги куни ҳақида ҳозир, шу бугун бош қотиришга чақиради.

«Ҳар қандай жиноят, ахлоқсиз хатти-ҳаракат ирсият ўтлоқларида қайта униб чиқиш фаслини кутиб ётади. Охир-оқибат, аслидан кўра юз чандон, минг чандон ёвуз, тажовузкор куч юзага келади ва унга гуноҳкор ҳам, гуноҳсиз ҳам дучор бўлади... Менинг романдаги мақсадим тарихдан ҳикоя сўйлаш эмас, китобхон эътиборини келгусига қаратиш, хавотирнинг олдини олиш учун тегишли чоралар кўриш эди», – деб ёзган. Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» асаридан (қирғизлар уни «Шайтоннинг эн тамғаси» деб ўгиришган) англашиладиган асосий маъно – шу.

Янада аниқроқ қилиб айтганда, романнинг мазмуни куйидагича: иккинчи жаҳон уруши йиллари, субҳидамда бир аёл туғилган чақалоғини адёл устидан қоп-матога ўраб, болалар уйининг эшиги олдига, қор устига ташлаб кетади. Андрей Крильцов деб ном олган ташландиқ бола ўта зеҳнли бўлиб улғаяди, мактаб ва тиббиёт институтини тугатгач, генетик олим ва академик бўлиб етишади. У ўқиб юрган кезларидаёқ сунъий одамлар авлодини яратиш шайдосига айлана боради ва бу соҳада ақл бовар қилмайдиган натижаларга ҳам эришади. Бундай «кашфиёт» коммунистик партиянинг диққат марказида ва ҳомийлигида эди. Партия МКнинг мафкуравий ишлар котиби Вадим Петрович Конюханов «кашфиётчи» Крильцов билан бўлган суҳбатда олим ишига юксак баҳо бериб, шундай дейди: «Бутун дунёда коммунизм ғалаба қозониши учун бизга ота-онаси номаълум, сунъий етиштирилган иксзурриётлар керак. Иксзурриётлар феномени сиёсий жиҳатдан ҳайрон қоларли даражада порлоқ истиқболга эга. Бу шундай ўткир куч бўладики, у биздан фарқли ўлароқ, орқа-олдига қарамасдан, кўрқинч ва шубҳа нима эканлигини билмасдан бутун дунёда коммунизм ғалабаси учун курашади. Оила ва бошқа қариндошлик алоқаларини эски, зўравонлик дунёсининг қолдиқлари сифатида, худди ана шу иксзурриётлар, тарих ахлатхонасига улоқтиради... Болалар сунъий йўл билан, ота-оналарсиз бунёд этилади, тегишлича тарбия қилинади... Иксзурриётларнинг, шубҳасиз, афзалликлари шундаки, улар... коммунистик байналмилалнинг зарбдор кучи бўлиб қолади ва худди ана шу одамлар Ғарбга ҳал қилувчи зарба беражак!»¹⁷

¹⁷ Чингиз Айтматов. «Охирзамон нишонлари». Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – Т.: 2007 йил, 137–138-бетлар.

Охир-оқибат асарнинг марказий қаҳрамони Андрей Андреевич Крильцов, қилмиш-қидирмиш деганларидек, сон-саноқсиз иксзурриётларни дунёга келтирганидан, демак, ўз ихтиросидан ўзи даҳшатга тушиб тавба-тазарру қилади ва «энди менга ерда жой йўқ» деганча халқаро экспедиция таркибида космосга парвоз қилади. Илмий экспедиция ишлари якунлангач, у Ерга қайтишдан бош тортиб, фазодаги орбитал станцияда қолади ва ўзини самовий роҳиб Филофей деб атаб, умумсайёра миқёсида кузатувлар олиб боради. У ўтмишда қилган гуноҳларини ювиш ниятида, инсон табиати ва тақдиридаги ёвузликнинг келиб чиқиши, намоён бўлиши ва оқибатларини ўрганишга аҳд қилади. Унинг тадқиқотлари эса кутилмаган натижаларга олиб келади.

Филофейнинг аниқлашича, она қорнидаги ҳомила ўз мавжудлигининг дастлабки ҳафталаридаёқ келажак тақдирини идрок қилар экан. Агар унинг пешанасига ёвуз шахс бўлиб яшаш ёзилган бўлса, ҳомиланинг ўзи туғилишни истамай, бўлажак онасига белги бераркан. Бу белги ўша ҳомиладор аёлнинг пешанасида кичкина доғ-холтамға шаклида намоён бўларкан (Филофей бу доғни «Кассандра тамғаси», шундай белги бераётган ҳомилани эса «кассандра-эмбрион» деб атайди). Аммо вақт ўтиши билан кассандра-эмбрион ўз тақдирига кўнар ва Кассандра тамғаси ҳам йўқолиб кетаркан. Филофейни ташвишлантирган асосий нарса кейинги йилларда шундай эмбрионларнинг бутун сайёра бўйлаб кўплаб учраётгани эди.

Шу сабабли олим-роҳиб одамларни бу ҳолатнинг сабабларини аниқлаш ва оқибатларини бартараф этишга чорлаб, Рим папасига очиқ хат ёзади, унинг бир нухасини чоп этиш учун «Трибюн» газетасига юборади. Шу билан бирга, Ердагилар умумий аҳвол-

ни яхшироқ англаб етишлари учун сайёрага зондаж-нурларни йўналтиради. Мутлақо хавфсиз бўлган бу нурлар таъсирида Кассандра тамғалари ёниб-ўчиб, аниқ кўрина бошлайди.

Бироқ Ер юзи аҳолиси – олимлардан тортиб кассандра эмбрионли ҳомиладор аёлларгача унинг бу қарашларини қабул қилмайди, Ерликлар Филофейга лаънатлар ўқиб уни космосдан уриб туширишни талаб қиладилар. Америкалик башоратчи олим Роберт Борк эса Филофей кашфиётига хайрихоҳлик билдиргани учун жунбишга келган оломон томонидан шафқатсизларча ўлдирилади.

Буларни кўрган Филофей ўзини гуноҳкор санаб, Ергагилар билан ўтказилган матбуот анжумани пайтида тавба-тазарру қилади. Шу суҳбатда ҳам ўз фикрини билдириб, одамларни огоҳликка чорлайди: «Кассандра аломати нуқсон ҳам, иснод ҳам эмас. Асло, мен тушунтириб бердим: бу кассандра-эмбрионнинг одам боласида авлоддан-авлодга жамғарилиб борилаётган ёвузликка муносабати, бу биз билан сизни огоҳ қилаётир. Дунё охир бўлишининг сабаби ўзимизда. Кассандра тамғаси ана шундай нишонадир...»¹⁸

Сўнгра у халқ олдидаги тавба-тазарруси самимий эканлигига ишонч ҳосил қилишлари учун ўзини ўлимга маҳкум этади: тўғридан-тўғри эфир пайти, телеэкранлар қаршисидаги миллионлаб кишилар кўзи олдида очиқ фазо қаърига йўл олади. «Кассандра тамғаси», асосан, ана шу зиддиятли воқеалар асосига қурилган асардир.

Асар билан танишган китобхон гўёки адибнинг «Эй, одамлар, Аллоҳ сизга ўзининг беҳисоб сифатларидан

¹⁸ Чингиз Айтматов. «Охирзамон нишонлари». Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти. – Т.: 2007 йил, 206–207-бетлар.

бири бўлмиш яратувчиликни бахш этган бўлса, нега уни суиистеъмол қилиб ўзингизча одам яратишга уриниб тирикликнинг мангу барқарорлигига рахна солаяпсиз? Ер силкинишлари, экологик фожиалар, ядро синовлари, яқин қавмлар ўртасидаги қатлиомлар, жиноятчилик, терроризм, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик каби бало-қазолар етмагандай, яна сунъий одам яратиш билан Яратувчининг ишларига аралашаяпсиз? Бу ҳаракатларингиз билан Унинг қаҳрига учрамайсизми?» деган хитобини эшитгандек бўлади. Бундай мудҳишликларни тилга олар экан, ёзувчи одамларни инсофга, адолатга, диёнатга чақиради ва улардан огоҳ бўлишга, имон, эътиқодга даъват этади.

Антик адабиётда, юнон мифологиясида Кассандра образи анчагина машҳур бўлиб, у тақдир маъбудаси саналади. Тангри Аполлон гўзал ва оқила Кассандрани севиб қолади. Лекин Кассандра тангри Аполлоннинг севгисини рад этади. Бундан ғазабланган Аполлон гарчи Кассандрага келажакни башорат қилиш истеъдодини инъом этган бўлса-да, пировардида «сенинг башоратингга одамлар ишонмасин», деб уни дуойибад қилади. Масалан, Кассандра Троя шаҳри ҳалокатини башорат қилади. Лекин трояликлар бунга ишонмайдилар. Чингиз Айтматов ҳам одамларни имонсизлик, диёнатсизлик, ахлоқсизлик, маънавий манқуртлик ва лоқайдликлардан йироқ бўлишга ундайди, ўз маърифий башоратларини илгари суради.

Муаллиф мазкур асарида ҳам «Қиёмат» романидаги сингари Ер куррасида бутун инсониятга таҳдид солаётган низо, жанжаллар, наркомания билан ёшларни захарлашдан мўмай даромад олаётган наркобизнес вакиллари, мафиябозлик, қирғин урушларини ақлга сиғмайдиган салбий ҳодисалар деб қоралайди, бутун инсониятни бундай даҳшатли фалокатлардан огоҳлантиради.

Чингиз Айтматов орадан ўн йил ўтиб жаҳон китобсеварларига тақдим этган сўнгги асари «Қулаётган тоғлар» («Мангу қайлиқ», 2006) романи билан ўзининг сўнгги сўзини айтиб, бетакрор ижодига охириги нуқтани қўйишга муваффақ бўла олди. Шунини ҳам айтиш керакки, адабнинг қалбида ушалмай қолган қатқат орзу-ниятлар ўзи билан бирга кетди. Ҳаёт деганлари шу бўлса керак...

Ўз анъаналарига содиқ қолган ёзувчининг ушбу асарида ҳам умумжаҳон миқёсида фикрлаши, янгиланаётган дунёда азалий қадриятларни сақлаб қолишга ундовчи даъвати акс эттирилган.

Асарни ўқир эканмиз, дастлаб, унда Айтматов ижодига хос шаклий анъаналар кўзга ташланади романнинг икки хил номланиши; замонавий воқеалар билан бирга қадимий афсона стожетининг ёнма-ён олиб борилиши; инсониятнинг келажаги учун қайғуриш; инсон ва табиат бирлиги тасвири; жониворлар образининг ҳам худди инсонлардек характер даражасига олиб чиқилиши; инсон руҳиятидаги ички қарама-қаршиликлар инъикоси... Шу билан бирга, унда замонавий муаммолар ҳар томонлама глобаллашиб бораётган бозор иқтисодиётининг кишилар маънавиятига турлича таъсири, табиат ресурсларидан оқилона фойдаланмаслик оқибатида келиб чиқаётган оламшумул офатлар ташвиши ҳам қаламга олинган. Романдаги ҳар бир жумла, ҳар бир сўз ўз ўрнида қўлланилганлиги, образлар тилининг аниқ-равшанлиги, жонли жозибадорлиги, вазиятга мос жумла қурилишлари китобхонни ўзига жалб этмасдан қолмайди, шу жиҳати билан ўқувчинини асар воқеалари ичига олиб киради, қаҳрамонлар билан бирга қору муз кечиб фикрлашга, қувончу қайғуришга, инсон фаолиятининг мудҳиш оқибатларини ўз шуурида туйишга ундайди.

Мухтасар қилиб айтганда, асар инсон тақдиридаги ўта мураккаб кечмишу жумбоқларни тамомила янгича, ўзига хос бадий-фалсафий талқин ва таҳлил этганлиги билан қимматлидир.

Романнинг асосий воқеалари Тяньшан тоғларида содир этилиб, унда замоннинг зайли билан икки тақдир, икки жонзот – асар бош қаҳрамони таниқли журналист Арсен Саманчин билан йиртқич ҳайвон – қорли тоғлар қоплони Жаабарснинг тақдирлари тўқнаш келиб қолади ва уларнинг чексиз изтироблари, саргузаштлари самовий боғланишда параллел қўйиб тасвирланади.

Асар бош қаҳрамони – таниқли ёзувчи-журналист Арсен Саманчин болалигидан эшитиб келгани – қорли довонда кўзга кўринувчи сароб – Мангу қайлиқ ҳақидаги афсона асосида ўз севиклиси – хонанда Ойдана Самаровага атаб опера ёзмоқни ният қилади. Аммо Ойдана бир продюсернинг сўзига кириб, уни тарк этади ва ўз юксак санъатини шоу-бизнесга алмаштиради: ресторанлар, стадионлар ва ҳоказоларда куйлашга ўтади. Руҳан эзилиб, севги ўтида қоврилган Арсен эса аламига чидай олмасдан ҳамма нарсдан воз кечиб, ўзи туғилиб ўсган қадрдон тоғли қишлоғига бош олиб кетади, у ерда эса амакиси тоққа келаётган икки нафар саудиялик миллиардер учун қирилиб бораётган ҳайвон зоти – қор қоплонини овлашни уюштираётган бўлади. Арсен Саманчин амакисининг таклифига кўра уларга таржимонлик қилишга рози бўлади, аммо унинг асосий мақсади шу йўл билан қуролни қўлга киритиб, Ойданани йўлдан оздирган продюсердан қасд олиш эди. Бироқ муаллиф айтганидек, тақдир тақозосини ҳеч ким олдиндан айтишга қодир эмас. Бошқача айтганда, асар қаҳрамони бу ерда сўнгги муҳаббати, сўнгги ажал соатлари кутиб турганини билмасди... Қорли довонда у худди ўзи

каби ёлғизланиб қолган, тўдасидан ҳайдалган яна бир жондор кекса қор қоплони билан тўқнаш келади.

«Қулаётган тоғлар» романи буюк оқин Чингиз Айтматовнинг Мангу қайлиқ ҳақидаги сўнгги кўшиғи, реал ҳаёт билан афсоналарга йўғрилган ўлмас санъат асари бўлиб қолди.

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни мухтасар қилиб айтганда, XX аср адабиёт осмонида чарақлаган юлдузлардек из солган «Жамила», «Юзма-юз», «Бўтакўз», «Сарвқомат дилбарим», «Биринчи муаллим», «Сомон йўли», «Алвидо, Гулсари», «Оқ кема», «Эрта қайтган турналар», «Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», «Асрни қаритган кун», «Қиёмат», «Кассандра тамғаси», «Қулаётган тоғлар» («Мангу қайлиқ») каби дурдона асарлар Айтматов мактабининг нақадар пурҳикмат, сержило, бир сўз билан айтганда, бадий юксаклигидан далолат беради. Бу мактаб ҳали қанчалаб келажак авлодлари учун минг йиллар давомида хизмат қилади.

Асил РАШИДОВ,
профессор

17 ноябрь, 2015 йил

МУНДАРИЖА

Биринчи муаллим	3
Эрта қайтган турналар	69
Юзма-юз.....	194
Рақиблар	293
Оқ ёмғир	327
Байдамтол соҳилларида.....	342
Чингиз айтматов мактаби.....	382

Адабий-бадиий нашр

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВ

ЭРТА ҚАЙТГАН ТУРНАЛАР

Қиссалар ва ҳикоялар

Муҳаррир

Маъмура ҚУТЛИЕВА

Бадиий муҳаррир

Уйғун СОЛИҲОВ

Мусахҳиҳ

Мадина МАҲМУДОВА

Компьютерда саҳифаловчи

Суннат МУСАМЕДОВ

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АИ № 252, 2014 йил 02.10 да берилган.

Босишга 2015 йил 26. 12.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 1\32.

Босма табағи 13,5 Шартли босма табағи 22,68

Гарнитура «Cambria». Офсет қоғоз.

Адади 5000 нусха. Буюртма № 050.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Китоб матни «Print Line Group» ХК босмахонасида чоп этилди.

100097, Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 44.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – 129-09-69; 129-09-71;

Маркетинг бўлими – 128-78-43; факс – 273-00-14;

e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

**«ЯНГИ АСР АВЛОДИ» НММ ТОМОНИДАН
2015 ЙИЛДА ЁЗУВЧИ ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ
ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРИ ЧОП ЭТИЛДИ:**

Чингиз Айтматов

«Асрни қаритган кун»

Қаттиқ муқова, 84x108 1/32 бичимда, 432 бет

«Манқурт» атамаси илк бора тилга олинган ушбу асар нимаси билан китобхонга яқин?

Асарнинг асосий қаҳрамонлари бўлган оддий меҳнат кишилари – Эдигей Бўрон, Казангап, Бўкей, Уккубола, Абутолиб Қуттибоев, Зарифа образларидаги ўзига хос характер, ички олам, улар бошидан кечган мусибат китобхон қалбига шу даражада яқинки, гўёки улар биздан унчалик ҳам олисда эмасдек...

Казангапни Бўронли бекатидан унча узоқ бўлмаган Она Байит қабристонига дафн этишга ундаган сабаб ҳамда Найман онанинг фарзанди томонидан фожиали ўлдирилиши ўртасидаги боғлиқлик асарнинг бутун бир моҳиятини очиб беради. Манқуртга айланган фарзанди Жўломонни ниҳоят минг азоблар билан топган онаизор ўз боласига онаси эканлигини уқтиролмайди. Худди шунингдек, инсоний туйғуларидан мосуво бўлган, ҳатто отасининг майитини қаерга кўмиш кераклигига бефарқ бўлмаган ҳолда, қабр учун танланган маконга беписандларча қараган онгли Собитжон янги замон манқурти сифатида тасвирланади.

Чингиз Айтматов

«Жамила»

Қаттиқ муқова, 84x108 1/32 бичимда, 432 бет

«Жамила», «Алвидо, Гулсари!», «Сомон йўли» ҳамда «Бўтакўз» қиссаларидан таркиб топган мазкур китоб Чингиз Айтматов асарлари туркумида чоп этилмоқда.

Жамила – катта оилага тушган янги келинчақ. Аммо висол узоқ давом этмайди. Уруш ёш оилага нафақат ҳижрон ва айрилиқ, балки парокандалик олиб келади. Турмуш ўртоғини фронтга жўнатган келин эркаклар меҳнатини зиммасига олиб, далага чиқади. Гўзаллиги-ю чаққонлиги сабаб қайнонаси уни бегона кўзлардан асраш учун ёнига «кўриқчи» кўяди.

Фронтдан ногирон бўлиб қайтган одамови Дониёр нимаси билан Жамиланинг севгисини қозонди? Қайниси севимли янгасини акаси тириклигидаёқ бегона билан кетишига нега йўл қўйди? Йўқсил Дониёр билан кетиб, афсус билан қайтишини кутган овул Жамила қисматида нималарга гувоҳ бўлди?

Чингиз Айтматов

«Оқ кема»

Қаттиқ муқова, 84x108 1/32 бичимда, 432 бет

«Соҳил ёқалаб чопаётган олапар», «Оқ кема» ҳамда «Сарвқомат дилбарим» каби машҳур қиссалардан иборат ушбу китоб Чингиз Айтматов ижодининг энг сермаҳсул давридан далолатдир.

Ҳар учала асар жонли тасвир ва ҳикоячилик жиҳатидан ўқувчи диққатини буткул ўзига тортади. Биринчи марта чинакам овчилар билан денгизга чиққан Кириск овдан нега ёлғиз қайтди? Оқсоқол Ўрхоннинг хаёли, Милхуннинг ғзаби ва отасининг қатъий қарори ўн бир ёшли Кириск ҳаётини қанчалик ўзгартирди? Ёки набирасига шохдор она буғу ҳақида ривоят айтиб, ўзларининг бош бўғини дея ишонтирган, оғир вазиятларда қабиладошларини фақат она буғуғина асрай олади, деган Мўмин чол нега ўз қарашларига қарши чиқди? Она буғуни овлаб, зиёфат қилишга чолни нима мажбур қилди? «Сарвқомат дилбарим» эса бир муҳаббат ҳақида икки тақдир ҳикоясидан иборат. Аммо бир қарашда, бир учрашувда ўз севгисини топган Илёс нега пок севгисини хиёнатга алмаштирди? Йиллар ўтиб ўғлини топганда нега отаси эканлигини айтолмайди? Асар давомида яна бир муҳаббат тарихидан огоҳ бўласиз.

Чингиз Айтматов

«Қиёмат»

Қаттиқ муқова, 84x108 1/32 бичимда, 432 бет

Қиёмат... Бу сўз бутун оғриғи билан онгимизга таъсир кўрсатади. Чингиз Айтматов ном берган ва Иброҳим Ғафуров таржимаси билан нашрга тайёрланган мазкур китобнинг аҳамияти хусусида гап кетганда, асарнинг «Қиёмат» деб номланишида бир эмас, бир нечта асос борлигини таъкидлаш керак. Чунончи, Акбара билан Тошчайнар тимсолида бир жуфт бўри ва унинг зурриётлари қисматининг фожеий якуни; умматларига бахт ато этиш учун курашган, алаалоқибат айнан ўша бахт улашмоқчи бўлганлар томонидан рад этилган ҳазрати Исонинг чормихга тортилиши; ўзларини жамиятнинг олди кишилари деб билган, аслида эса маънан нопок кишиларга қарши сўз айтгани учун Мўйинқум даштида дарахтга чормих қилиб тортилган Авдий Каллистратовнинг фожиали ўлими; Ола Мўнгу тоғидаги тубсиз жарликка оти билан тушиб кетган ва ҳатто кафансиз қолган Эр-назарнинг қисмати; кўрқув ва таҳликанинг зўридан Кенжашни олиб қочаётган Акбарани отаман деб аслида ўз жигарпорасининг бағрини ўқ билан илма-тешик қилиб юборган Бўстон Ўркунчиев тақдири – буларнинг бари китобхон қалбини ларзага солмай қўймайди.



Чингиз АЙТМАТОВ

Тўқол – иккинчи хотин! Эҳ, отинг ўчгур бу сўзни жинимдан баттар ёмон кўраман! Уни ким, қайси замонда ўйлаб топган экан-а?! Ҳам жисми, ҳам қалби менчалик қулликка гирифтор этилган одам зоти бормикин бу оламда? Тур, ғафлатдан бахти қаро ғофил бандалар, инсоний ҳақ-ҳуқуқлардан маҳрум этилган жафокаш аёллар. Зулмат дунёсини ларзага келтир! Бунимен, орангиздан ушбу тақдирни сўнгги бор ҳатлаб ўтаётган аёл айтяпти!

Бу сўзларни ўша машъум тунда нима учун айтганимни ўзим ҳам билмайман. Ортиқ даражада асабийлашиб кетганимдан жон-жаҳдим билан ўтов остини тирнаб қазийвердим. Бироқ тошлоқ ер экан, қўлларим шилиниб, бармоқларим қонаб кетди. Эндигина қўл сиғадиган тешик очганимда тонг отиб, овул уйғонган дайди итларнинг вовиллашию одамларнинг гангир-гунгур овозлари эшитила бошлади...



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ISBN 978-9943-27-655-0



9 789943 276550